У. ТАДЖИХАНОВ, Х. ОДИЛҚОРИЕВ, А. САИДОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

У. ТАДЖИХАНОВ,
Х. ОДИЛҚОРИЕВ, А. САИДОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ

Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2001

67.99(5Ў)01
Т136

Масъул муҳаррир —
академик Ш. З. ЎРАЗАЕВ

Тақризчилар:
юридик фанлар доктори, профессор М. М. ФАЙЗИЕВ;
юридик фанлар номзоди, профессор Р. Қ. ҚАЮМОВ

Мазкур дарслик мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси қабул қилингандан кейин шаклланаётган янги конституциявий ҳуқуқ тармоғини, демократик давлатчилик ва миллий истиқлол мафкурасининг шакллантирилишида илғор конституциявий институтларнинг аҳамиятини ёритиб беради. Китобхон инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи, давлат ҳокимияти механизмини тартибга солувчи барча янги қонунлар тўғрисида кенг кўламли билимларга эга бўлади. Шу билан бирга, конституциявий тузумнинг асосий принциплари, давлат тузилиши, олий ва маҳаллий давлат органларининг фаолияти ва ваколатлари, сайлов тизими, фуқаролик жамияти институтлари қарор топишининг ҳуқуқий масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Муаллифлар конституциявий ҳуқуқнинг барча назарий ва амалий жиҳатларини қамраб олишга ҳаракат қилганлар.

Дарслик юридик ва гуманитар олий ўқув юртларининг талабалари, магистрантлари, аспирантлари, ўқитувчиларига ҳамда конституциявий ҳуқуқни ўрганувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2001 й.
© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
2001 й.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти таркибида инсоният маърифий тараққиётининг учинчи минг йиллигига қадам қўйди. Ёруғ истиқболга интилаётган халқимизнинг хоҳиш-истаги — адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш. Мазкур мақсад йўлида амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар ўзининг сезиларли самарасини бермоқда. Мустақиллик йиллари мобайнида бўлажак янги давлатчилик ва демократик ижтимоий-сиёсий тузумнинг мустаҳкам ҳуқуқий замини бўлган бир қатор қонунлар, хусусан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси яратилди. Бугунги кунда Асосий қонунимиз истиқлолнинг буюк неъмати, ёркин тимсоли сифатида жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси дилидан теран жой олди; ҳар бир фуқаро эъзозловчи мўътабар ижтимоий-ҳуқуқий қадриятга айланди.

Конституцияда эътироф этилганидек, Ўзбекистон Республикаси суверен демократик давлатдир. У ўз моҳиятига кўра, халқ манфаатини ифодалайди, фуқаролар ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини қонун асосида кафолатлайди. Демократия ва ижтимоий адолат принциплари сиёсий ҳокимият фаолиятининг асосларини ташкил этади.

Конституция жамият ҳуқуқий тизимининг ўзаги, шунингдек, давлатнинг Асосий қонуни сифатида барча қонунчилик соҳаларининг бош манбаи ҳисобланади, чунки конституцияда халқнинг олий иродаси ўзининг қонуний ифодаси ва мухтасар баёнини топади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи мамлакат ҳуқуқ тизимининг етакчи соҳасидир. У ҳокимият билан шахснинг ўзаро муносабатларини, давлат идоралари тизимининг фаолият юритишини тартибга солувчи, фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини, шунингдек, жамиятнинг бошқа ижтимоий тузилмалари ҳолатини белгиловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир.

Конституциявий ҳуқуқнинг баҳс мавзуини, лўнда қилиб айтганда, конституция ҳамда унинг принцип ва нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий-сиёсий муносабатлар доираси ташкил этади. Шу боис мамлакат таълим тизимида, унинг барча турлари ва босқичларида конституциявий ҳуқуқ фанини ўқитишга алоҳида эътибор берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши мазкур масалани давлат сиёсати даражасига кўтарди. Фармойишни чиқаришдан кўзланган мақсад — конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, мазмун-моҳиятини халқ, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятига сингдириш, шу тариқа жамиятда конституцияга, қонунга нисбатан юксак ҳурмат муҳитини яратиш, ижтимоий муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш савиясини юқори даражага кўтариш; энг муҳими, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳар бир фуқаро ўзининг конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўла идрок этиш орқали ўзлигини мукаммал англаб етишига эришишдир.

Конституциявий ҳуқуқни чуқур ўрганиш жамият аъзоларининг сиёсий фаоллигини кўтаришга, давлатни бошқаришда уларнинг иштироқини таъминлашга кўмаклашади. Сиёсий ҳаёт ва давлат ишларидан воқифлик, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик ҳамда фидойилик фазилатларини камол топтиради.

Конституциявий ҳуқуқни ўқитиш учта ўзаро муштарак мақсадни кўзлайди: **умуммаърифий билим, ҳуқуқий таълим** ҳамда **амалий уқув ва малакани** ҳосил қилиш. *Умуммаърифий* билим даражаси талабаларда конституциявий ҳуқуқ ва қонунчилик ҳақида дастлабки билимларни ҳосил қилиш ҳамда муайян ҳуқуқий маданиятни шакллантиришни назарда тутади. *Ҳуқуқий таълим* даражаси жамият иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тизимининг конституциявий асослари ва принциплари тўғрисида, шахс мақомининг конституциявий-ҳуқуқий модели ҳақида, давлат ҳокимият идоралари тизими ҳамда фаолияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими хусусида чуқур назарий билимлар ҳосил қилишни кўзлайди. Ниҳоят, *фаннинг амалий* аҳамияти конституциявий институтларнинг фаолият юритиши ва кон-

ституциявий тартибга солиш усулларини ўрганиш, назарий ва амалий билимларни уйғунлаштира олиш малакасини қарор топтиришдан иборат.

Конституциявий ҳуқуқ фани бўйича пухта билимга эга бўлиш нафақат ўқитувчи ўтадиган дарс машғулотларида фаол иштирок этишни, балки талабанинг мустақил шуғулланишини, конституция ва қонунларни, тавсия этилган адабиётларни мунтазам ўрганиб боришни тақозо қилади. Тегишли билимларни чуқурлаштириб бориш учун амалий машғулотлар, коллоквиум, тест синовлари ҳамда муаммоли масалалар ечишни йўлга қўйиш кўзланган мақсадга эришишда катта самара беради.

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, мамлакат Президентининг фармонлари ва ҳукумат қарорлари, шунингдек, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд идоралари тажрибаси асосида яратилди. Унда конституциявий ҳуқуқ назариясининг барча асосий мавзулари, мутахассис олимларнинг концептуал ёндашувлари ва фикрлари ўз ифодасини топди. Айни вақтда, конституциявий институтлар ва нормаларнинг амал қилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Олий ўқув юртлари талабалари учун яратилаётган дарсликларнинг янги авлоди янги минг йиллик, янги аср руҳига, давр талабларига, халқимиз ва давлатимиз олдида турган улкан ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиш мақсадларига тўла мос бўлиши лозим. Шу боис муаллифлар ана шу юксак масъулият ҳисси билан иш тутишга интилдилар.

Талабчан китобхоннинг дарслик хусусидаги таклиф ва фикр-мулоҳазалари унинг кейинги нашрларининг янада мукаммалроқ бўлишига кўмаклашади деган умиддамиз.

Биринчи бўлим

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИНИНГ АСОСЛАРИ

* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

* КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ ВА ТИЗИМИ

* КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИ

I б о б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА УНИНГ ПРЕДМЕТИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИНГ ИЖТИМОИЙ-ЮРИДИК ТАБИАТИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР ВА ИНСТИТУТЛАР**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА СИЁСИЙ ТИЗИМ**

1-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА УНИНГ ПРЕДМЕТИ

Конституциявий ҳуқуқ мамлакат ҳуқуқий тизимининг энг муҳим ва етакчи соҳасидир. Унинг бундай нуфузи мазкур ҳуқуқ тармоғи тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг салмоғи ва аҳамияти билан белгиланади. Конституциявий ҳуқуқ жамият ва давлат тузумининг асосларини ташкил этувчи ҳамда давлат ҳокимиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни мустаҳкамлайди ва тартибга солади. Зотан, бу муносабатлар инсон, жамият ва давлатнинг ҳокимиятга, ҳокимиятнинг мавжуд бўлиши ҳамда амал қилишига оид ўзаро узвий алоқадорлигининг ифодасидир.

Конституциявий ҳуқуқ — инсоннинг жамият ва давлатдаги мавқеини, ижтимоий тузум асосларини, давлат органларининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизими. Бугунги маърифий дунёда инсон, унинг қадр-қиммати улуғ неъмат эканлигидан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, конституциявий ҳуқуқ

инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи, муҳофаза этувчи ва шу мақсадда давлат ҳокимияти механизмининг жорий этилиши ва амал қилишини кафолатловчи ҳуқуқий нормалар мажмуидир.

Инсоният ўз тараққиётининг учинчи минг йиллигига қадам қўйган ҳозирги даврда дунё жамоатчилиги муҳим бир ҳақиқатни англаб етди, яъни: давлат демократик принципларга таяниши ҳамда шу аснода инсоннинг эркинлигини ҳимояловчи ва унинг фаровон турмуш кечиришини таъминловчи воситага айланиши лозим. Дунёвий конституционализм ютуқлари билан йўғрилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида давлатимиз олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири сифатида **«республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш»** масаласи илгари сурилганлиги чуқур рамзий маъно ва мазмун касб этади.

Бироқ бу вазифани бажариш учун давлат бошқарувини оқилона ташкил этиш, шахс эркинлиги билан ҳокимият ўртасида мувозанатга эришиш талаб қилинади. Бинобарин, эркинлик қатъий давлатчилик заминига таянмаса, анархия ва бошбошдоқликка олиб келиши ва, аксинча, агар давлатчилик эркинликни инкор этса, инсон мустабид тузум кишанларига тушиб қолиши мумкин. Шу боис давлат ҳокимияти ва шахс эркинлиги ўртасидаги мувозанатни таъминлаш конституциявий ҳуқуқдаги энг муҳим ва ўта нозик масала ҳисобланади.

Конституциявий ҳуқуқнинг мазмуни кўп жиҳатдан жамиятдаги турли қарама-қаршиликлар (зиддиятлар), ижтимоий гуруҳлар манфаатлари «тўқнашувининг» хусусиятига боғлиқ. Демократия ва инсон ҳуқуқлари идеаллари қарор топган мамлакатларда конституциявий ҳуқуқ ижтимоий келишув (муроса)нинг ифодаси сифатида майдонга чиқади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А Каримовнинг қуйидаги фикрлари Конституция билан тартибга солинган давлат ҳокимияти хусусидадир: **«Демократия шароитида давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади»**[1].

---

[1] *Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т.: Ўзбекистон, 1996. 20-бет.

Сиёсий ҳокимият нафақат давлат воситасида, балки сиёсий тизимнинг бошқа таркибий элементлари воситасида ҳам рўёбга чиқади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ ҳокимият муносабатлари, кишиларнинг якка тартибдаги фаолиятидан ташқари, турли ижтимоий бирликлар, яъни сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар орқали ҳам намоён бўлади. Бу ўринда энг демократик институтлар референдум, давлат вакиллик идораларига сайловлар, умумхалқ муҳокамалари бўлиб, бунда фуқаролар ва уларнинг жамоат ташкилотлари бевосита иштирок этадилар. Энг муҳими, ушбу сиёсий-ҳуқуқий муносабатларни конституциявий ҳуқуқ нормалари тартибга солади. Мухтасар қилиб айтганда, конституциявий ҳуқуқ сиёсат, ҳокимият ва сиёсий тизим билан узвий боғлиқ бўлган етакчи ҳуқуқ тармоғидир. Шу сабабли конституциявий ҳуқуқ талқини ва уни ривожлантириш масалалари бутун сиёсий тизим, жамиятдаги барча сиёсий партиялар ҳамда ижтимоий гуруҳларнинг диққат марказида турали.

Адабиётларда «конституциявий ҳуқуқ» ибораси уч хил маънода: а) амалдаги ҳуқуқнинг соҳаси, б) фан соҳаси ва в) ўқув курси сифатида талқин этилади.

Конституциявий ҳуқуқ мамлакат **ҳуқуқ тизимининг етакчи соҳаси** сифатида ижтимоий ва сиёсий тузум асослари, шахснинг ҳуқуқий ҳолатига оид муайян турдаги муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларда (конституция, қонунлар, фармонлар ва бошқаларда) мустаҳкамланган юридик нормаларнинг изчил, ўзаро мутаносиб тизимидир. Конституциявий ҳуқуқ юридик **фан соҳаси** сифатида илмий асарлар, мақола ва маърузаларда баён этилган конституциявий ҳуқуқ масалаларига оид таълимотлар, назарий қарашлар йиғиндисидир.

Ўқув курси сифатида эса конституциявий ҳуқуқ — таълим муассасаларида ўрганиладиган конституциявий муносабатларга оид назарий қоидалар ва амалиёт маълумотларининг мантиқий тизими ҳамда ўқув фанининг мазмуни ҳисобланади.

Шубҳасиз, конституциявий ҳуқуқ ҳам, бошқа ҳуқуқ соҳалари каби ўз мустақил баҳс мавзуига, ўрганадиган ва тартибга соладиган предметига эга. Уни аниқлаб олиш, ҳуқуқий тартибга солишнинг моҳиятини англаб етиш, бинобарин, мазкур ҳуқуқ соҳасининг мазмуни,

мақсади ва вазифалари ҳақида тушунча ҳосил қилиш ҳамда унинг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқларини билиш зарур. Конституциявий ҳуқуқнинг предметини белгилаш қатъий аниқликни талаб этади, зеро ушбу соҳада айнан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш ҳақида фикр юритилади.

Эркинлик қанча кам чекланса, у шунча кўп бўлади ва, аксинча, ҳокимият қанча кўп чекланса, эркинлик учун шароит шунча кўп бўлади. Ҳокимият эга бўладиган ваколатлар ҳажми инсон манфаатларини таъминлаш эҳтиёжига боғлиқ. Бундан давлат мумкин қадар оддий ва жўн ташкиллаштирилар экан-да, деган маъно келиб чиқмайди. Инсоният ўзининг узоқ тарихий тараққиёти мобайнида ҳокимиятни ташкил этишнинг муайян тажрибасига эга бўлди, жамиятни бошқариш эҳтиёжларига мос тушувчи мураккаб давлат институтларини шакллантирди. Айни вақтда, халқ ҳокимиятчилигининг демократик вакиллик органи, қонунга қатъий бўйсунувчи ижроия ҳокимият, мустақил суд, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари ривожланди. Шу билан бирга, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва ҳамкорлик муносабатларининг аниқ принциплари яратилди. Ҳар қандай ҳокимият, шу жумладан демократик жамиятдаги давлат ҳокимияти ҳам ҳеч бир муаммосиз фаолият кўрсатмайди. Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг барча жиҳатлари, шунингдек, унинг муаммолари ҳам конституциявий ҳуқуқнинг диққат марказида туради.

Ўзбекистон Республикаси ҳозирги даврда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнини бошдан кечирмоқда. Мамлакат ўз ўтмиши бўлмиш собиқ тоталитар тузумдан воз кечиб, демократик фуқаролик жамияти сари интилмоқда. Бундай вазиятда конституциявий ҳуқуқнинг ўзи, бир томондан, ислоҳот, янгиланиш объекти бўлса, иккинчи томондан, демократик ислоҳотларга ҳуқуқий пойдевор, фуқаролар тинчлиги, фаровонлиги ва миллий тотувликка кафолат бермоқда.

Ҳеч шубҳасиз хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Конституцияси ҳамда унинг асосида шаклланган конституциявий ҳуқуқ демократик тараққиётнинг ҳуқуқий негизи, унинг мустаҳкам пойдевори ва мезонидир. Демократиянинг ўзи эса амалдаги халқ ҳокимиятчилигининг ифодаси бўлиб, давлат ҳокимиятининг халқ назорати остида амал қилишини, инсон ва фуқа-

ро ҳуқуқ ва эркинликларининг том маънода таъминланганлигини англатади.

Ўзбекистон конституциявий ҳуқуқининг асосий **вазифаси** халқ ҳокимиятчилиги асосларини мустаҳкамлашдан иборат. Зеро, демократияни ривожлантириш, халқ ҳокимиятчилигининг самарали усул ва шаклларини қарор топтириш жамият манфаатларига тўла мос тушади.

Мазкур фан бевосита халқ ҳокимиятчилигини ифодаловчи «референдум», «сайлов», «парламент демократияси», «вакиллик демократияси», «умумхалқ муҳокамаси» каби бир қатор институтларни изоҳлайди. Шунингдек, конституциявий ҳуқуқ инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг конституциявий механизмини, одил судловнинг демократик асосларини ҳамда давлат идораларининг қонунлар ижроси бўйича фаолияти йўналишларини қамраб олади.

Конституциявий ҳуқуқ фани Ўзбекистон Республикасида мустақил демократик ҳуқуқий давлатчилик ривожланишининг тамойилларини, ижтимоий кафолатланган бозор иқтисодиётини яратишда давлатнинг ислоҳотчилик фаолиятини, шу ҳуқуқ тармоғига кирувчи нормалар ва институтлар амал қилишининг механизмларини ҳамда конституциявий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг мазмун-моҳиятини тадқиқ этади.

Конституциявий ҳуқуқ предмети ижтимоий муносабатларнинг уч асосий соҳасини қамраб олади:

биринчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазалаш (инсон ва давлат орасидаги муносабатлар);

иккинчидан, давлат ва давлат ҳокимиятининг тузилиши (ҳокимият муносабатлари);

учинчидан, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар.

Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатлар нафақат конституциявий ҳуқуқ, балки ҳуқуқнинг бошқа соҳалари (масалан, маъмурий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи) билан ҳам тартибга солинади. Бироқ конституциявий ҳуқуқ етакчи нормалардан иборат бўлиб, улар ёрдамида инсоннинг ҳуқуқий мақоми, асосий ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланади.

Ҳуқуқни эркинлик меъёри сифатида тушуниш фанда кенг тарқалган. Айнан конституциявий ҳуқуқ кўпроқ ана шу тушунча мазмунига мос келади.

Инсон эркинлигини табиий ҳол сифатида тан олиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мураккаб вазифадир. У инсоннинг нафақат ҳуқуқлари, балки бошқа инсонлар ва давлат олдидаги бурчларининг мустаҳкамланишини ҳам назарда тутади. Эркинлик мутлақ эмас, ундан суиистеъмолликларнинг олдини олишда фойдаланиш учун муайян чегара ҳосил қилиш талаб этилади. Шу билан бирга, конституциявий ҳуқуқ нафақат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этади, балки уларнинг ҳуқуқий кафолатларини ҳам яратади. Бунда давлат эркинликнинг «қўриқчиси»га айланиб қолмай, инсонлар фаровонлиги учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида барча мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Аслида давлат ҳокимиятининг барча тизимлари ана шунга бўйсундирилгандир.

Баъзи олимларнинг фикрича, конституциявий ҳуқуқнинг предмети «инсон ва жамият орасидаги муносабатлар», «ижтимоий тузум негизларини мустаҳкамлаш», «фуқаролик жамияти принциплари»ни ўрнатишдан иборат. Бироқ ушбу ёндашув тоталитаризм шароитида жамиятнинг давлат томонидан тўла бошқарилиши тан олинган вақтларда русум бўлган фикрдан келиб чиқади. Зотан, чинакам фуқаролик жамиятида бунинг ҳеч иложи йўқ: фуқаролик жамияти давлатдан мустақил бўлиб, у инсон эркинлиги ва ташаббуси, инсонларнинг сиёсий ва иқтисодий соҳаларда бирлашишини тан олиш принципи асосида қурилади.

Давлат ҳуқуқ воситасида фақат ижтимоий муносабатларнинг унча катта бўлмаган қисмини тартибга солади. Уларнинг асосий қисми эса ахлоқ-одоб асосида ўзини ўзи бошқариш ва ижтимоий уюштириш объекти ҳисобланади.

Эркин инсон ҳуқуқлари орқали маълум жамоат тартиби юзага келади: мулкчилик шакллари, иқтисодни ташкил қилиш, сиёсий тузум, ижтимоий-маънавий муносабатлар ва ҳоказо. Демократия шароитида давлат сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий йўналиши эркин сайловлар натижасида қайси сиёсий кучлар ҳокимият тепасига келганига боғлиқ бўлади. Бироқ бундай шароитда ҳам фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий йўл билан йўқ қилиш ёки чеклаш мумкин бўлмайди.

Хорижий адабиётларда «ижтимоий тузум асослари»ни конституциявий ҳуқуқ орқали тартибга солиш ма-

саласи юзасидан турлича фикрлар билдирилади. Эски конституциявий актлар амал қиладиган мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия ва бошқалар)да бу каби «асослар» ҳақида умуман гапирилмайди. Бу ерда ижтимоий тузум озодлик, демократия, адолатлилик, инсон ҳуқуқлари ва давлатнинг шунга мос вазифалари ёрдамида белгиланади.

Бироқ конституцияси Иккинчи жаҳон урушидан сўнг сўл кучлар таъсири остида қабул қилинган мамлакатлар (Франция, Италия, Португалия ва бошқалар) Асосий қонунларининг матнларида «иқтисодий тизим», «ижтимоий-маданий муносабатлар» ва ҳоказо ҳақидаги моддалар пайдо бўлган. Аммо улар инсоннинг табиий ҳуқуқ ва эркинликлари институтига зарар етказмайди, аксинча, давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини белгилайди, холос (маориф, соғлиқни сақлаш, инсонлар фаровонлиги учун шароит яратиш ва ҳ.к.). Демак, бу инсон эркинлигининг сўзсиз устуворлиги ва давлат мажбуриятлари чегараларини қатъий белгилашга асосланган инсон ва давлатнинг ўзаро муносабатлари доирасидир, деб хулоса қилиш мумкин.

Конституциявий ҳуқуқ предметининг яна бир муҳим жиҳати ҳокимият муносабатларидир. Давлат ҳокимиятини ташкил қилиш нафақат ҳокимият ва бошқарув идораларини таъсис этишни, балки улар ўртасидаги кенг кўламли муносабатларни тартибга солишни назарда тутади. Турли вазифаларни бажариши ҳамда ваколатлари тақсимланган бўлишига қарамай, давлатнинг барча вакиллик ва бошқарув идоралари ягона тизимни, муштарак бир бутун ижтимоий воқеликни ташкил этиши лозим. Давлат ҳокимияти тизими билан инсонлар ўртасида шундай муносабатлар қарор топадики, уларнинг мазмунидан давлатнинг инсонлар манфаатлари нуқтаи назаридан жамиятда тутадиган ўрни ва роли англанади.

Конституциявий ҳуқуқ ҳокимият муносабатларига оид ҳуқуқий жараёнлар ривожининг асосини ташкил этади. У барча давлат идоралари уйғун тарзда ўзаро ҳамкорликда ишлаши учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратади. Башарти давлат идоралари ўртасида ички якдиллик, мувозанат ва муроса бўлмаса, конституциявий инқирозлар келиб чиқиши мумкин.

Конституциявий ҳуқуқнинг мазкур система ҳосил этувчилик вазифаси муҳим аҳамият касб этади. Шу

сабабли конституцияда давлат идораларининг вазифаси, ҳуқуқий мақомини ва ваколатлари доирасини, фаолият шаклларини, шунингдек, ўзаро ҳамкорлик механизмларини аниқ белгилаб қўйиш талаб этилади.

2-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Конституциявий ҳуқуқ мамлакат ҳуқуқий тизимининг етакчи соҳаси саналади. Бунинг боиси шундаки, **биринчидан,** конституциявий ҳуқуқ конституцияда мустаҳкамланган принцип ва нормалар, конституциявий қонунларда жамланган қоидалар асосида ўта муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳасидир; **иккинчидан,** конституция мамлакатимизда амал қилувчи барча ҳуқуқ тармоқларининг ўзагини ташкил этади.

Конституциявий ҳуқуқ жамият ҳаёти ва давлат тузилишининг асосий принципларини ҳуқуқий тарзда мустаҳкамлайди, жамики ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг умумий асосларини белгилайди. Худди мана шу сабабга кўра, у барча жабҳадаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг бош йўналишларини ифодаловчи зарурий мезонларни яратиб беради.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими ижтимоий ҳаётнинг асосий йўналишларига мос келувчи ҳуқуқ соҳаларининг мажмуидир. Уларнинг барчаси муштарак бўлиб, ягона ҳуқуқий тизимни ташкил этади.

Ҳуқуқ соҳаси деганда, сифат жиҳатдан бир турдаги ижтимоий муносабатларни ўзига хос усул билан тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади. Бу ҳуқуқ соҳаси мамлакат ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми сифатида майдонга чиқади. Барча ҳуқуқ соҳаларининг умумийлиги, бир бутунлиги ва тизимлилигини таъминловчи манба давлат даражасида англанган халқ иродасидир.

Мамлакат ҳуқуқий тизимини ташкил этувчи ҳуқуқ соҳаларининг барчаси ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда конституциявий ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган қоида ва принципларга таянади. Масалан, Республика Конституциясида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти,

эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», — дейилган (13-модда). Мазкур конституциявий принцип барча ҳуқуқ соҳалари учун дастуруламалдир. Жумладан, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва бошқа барча ҳуқуқ тармоқлари ўз соҳасига татбиқан инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилашда юқоридаги конституциявий принципни ифода этади ва унга аниқлик киритади. Бу билан конституциявий норма бевосита ҳаётга жорий этилади.

Ҳуқуқнинг барча соҳалари учун конституциявий тузумнинг «давлат суверенитети», «халқ ҳокимиятчилиги», «Конституция ва қонунларнинг устунлиги», «инсон ҳуқуқларининг устуворлиги», «ижтимоий адолат», «ҳокимиятлар бўлиниши», «сиёсий плюрализм ва кўппартиявийлик» каби принциплари сарчашма манба, бошланғич замин бўлиб хизмат қилади.

Конституцияда белгиланган давлат ҳокимияти тизимини ташкил этиш принциплари, уларнинг моҳияти ва йўналишлари ҳамма ҳуқуқ соҳалари учун асос бўлиб ҳисобланади. Зеро, давлат органлари, ҳокимият соҳиблари барча соҳа ҳуқуқий муносабатларининг субъектларини ташкил қилади.

Конституциявий ҳуқуқнинг нуфузли етакчилик мавқеи яна шунда намоён бўладики, биринчидан, унинг нормалари бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги (қонун ижодкорлиги) жараёнини тартибга солади; иккинчидан, ҳуқуқий актларнинг турларини, уларни чиқарадиган идоралар мақомини ҳамда қонун, фармон, фармойиш, қарор ва бошқа актларнинг юридик кучи нуқтаи назаридан ўзаро нисбатини белгилаб қўяди. Конституция давлатнинг асосий қонуни сифатида нафақат конституциявий ҳуқуқнинг, балки барча ҳуқуқ соҳаларининг ҳам бош манбаидир.

Конституциявий ҳуқуқ билан бошқа ҳуқуқ соҳаларининг нисбати **умумийлик** билан **хусусийлик** ўртасидаги нисбат сингаридир. Буни қуйидаги мисоллар билан изоҳлаш мумкин. Конституциявий ҳуқуқ нормалари ижроия ҳокимият идораларининг тизимини, ҳуқуқий мақомини, умумий ваколатларини белгиласа, маъмурий ҳуқуқ соҳасига оид нормалар давлат бошқаруви ва ижро этувчи ҳамда фармойиш берувчи идораларнинг ваколатлари ва фаолият тартибига аниқлик киритади. Конституциявий ҳуқуқ нормалари турли мулк шаклла-

рини, мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ҳўжалик фаолияти юритишнинг умумий принципларини белгилаш орқали фуқаролик ва ҳўжалик ҳуқуқи соҳалари учун асос вазифасини ўтайди. Шунингдек, конституциянинг «ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» ҳамда «фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», деган принцип даражасидаги нормалари экология ҳуқуқининг тамал тоши ҳисобланувчи умумий қоидалардир.

Конституциявий ҳуқуқ тармоғи ҳар бир шахсга меҳнат қилиш, истаган касбини танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш; қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини беради. Бу турдаги конституциявий-ҳуқуқий нормалар, меҳнат муносабатларини тартибга солувчи меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи учун асос бўлиб хизмат қилади.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари республика Олий Мажлисининг, Вазирлар Маҳкамасининг ва бошқа давлат органларининг Ўзбекистон Республикаси бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни тузиш, уни тасдиқлаш ва ижросини назорат қилиш тартибини белгилайди. Булар эса молиявий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи молиявий ҳуқуқ учун асос ҳисобланади.

Ниҳоят, конституциявий ҳуқуқ айбсизлик презумпцияси, суд ҳокимияти идоралари тизими, одил судловнинг конституциявий принципларини, фуқароларнинг суд олдида тенглиги ҳамда судлов жараёнидаги ҳуқуқларини мустаҳкамлаш орқали жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқ, фуқаролик ҳамда фуқаролик процессуал ҳуқуқи соҳалари учун энг муҳим қоидаларни яратиб беради.

Жамиятда рўй берадиган туб ўзгаришлар, аввало, конституциявий ҳуқуқда, қолаверса, бошқа ҳуқуқ соҳалари мазмунида яққол намоён бўлади. Табийки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар мамлакатимизнинг бутун ҳуқуқий тизимида худди кўзгуда

этгандек ўз ифодасини топмоқда. Уларнинг барчаси конституциявий-ҳуқуқий нормалар орқали бошқа ҳуқуқ соҳалари мазмунига сингиб бормоқда.

Демак, мамлакатимиз ҳуқуқий тизимига кирувчи ҳар бир ҳуқуқ соҳаси Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқининг умумий қоидаларидан, унда мустаҳкамланган асосий принциплардан келиб чиқади. Конституциявий ҳуқуқ соҳасининг етакчилик моҳияти, йўналтирувчилик салоҳияти ва таъсис этувчилик мавқеи ана шундадир.

3-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИНГ ИЖТИМОИЙ-ЮРИДИК ТАБИАТИ

Аслида ҳар қандай ҳуқуқ жамиятдаги турли сиёсий кучлар, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар иродасини (баъзан зиддиятли манфаатлар «тўқнашуви» ҳосиласини), демократик жамиятда — бутун халқнинг иродасини ифода этади. Ривожланган демократик мамлакатларда конституциялар ва конституциявий ҳуқуқ турли сиёсий кучлар, партиялар, гуруҳлар манфаатини уйғунлаштирувчи, уларнинг муросага келтирилган иродасини акс эттирувчи ниҳоятда муҳим сиёсий воситадир. Шу маънода, ҳар бир давлатнинг конституциясини шу жамиятнинг ижтимоий қадрияти, демократиясининг ютуғи деб баҳолаш мумкин. Конституция бутун жамият манфаатига, истак ва интилишларига дахлдор бўлган муҳим ижтимоий-сиёсий ҳамда юридик ҳужжатдир.

Конституциявий ҳуқуқнинг моҳияти ва табиатига келганда, аввало, шуни таъкидлаш лозимки, у мамлакатнинг бутун объектив ҳуқуқи сингари ижтимоий плюрализм маҳсулидир. Бинобарин, жамиятдаги сиёсий кучлар, ижтимоий гуруҳ ва қатламлар давлат ҳокимияти ҳамда унинг идоралари шаклланишига муайян муносабат билдиради, ундан ўз манфаатларини қондириш имкониятларини излайди ва шу тариқа сиёсатга у ёки бу тарзда таъсир кўрсатади. Теран фикр қилинадиган бўлса, давлат бутун жамиятнинг сиёсий ташкилотидир. Давлат олиб борадиган сиёсат ижтимоий аҳамият касб этиб, жамият аъзоларининг, ижтимоий гуруҳларнинг ҳаммасига дахлдор бўлади. Конституция ва конституциявий ҳуқуқ давлат сиёсатини ифодаловчи восита сифатида бутун жамиятга бирдек тегишли ҳамда бирдек манфаатлидир.

Конституциявий ҳуқуқ жамоатчиликнинг давлат

ҳокимияти органлари устидан доимий самарали назоратини ўрнатиш учун шарт-шароит яратади. Гап ижтимоий плюрализмни ифодаловчи институтларнинг, яъни оммавий ахборот воситалари, ноҳукумат ташкилотлар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, сиёсий ҳуқуқларни амалга ошириш ва фуқаролар ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини рўёбга чиқарувчи институциявий ва шаклан конституциявий расмийлаштириш устида бормоқда. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар ҳамда материаллар билан танишиш имкониятлари (Конституциянинг 30-моддаси), фуқароларнинг давлат идораларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқи (35-модда), сўз ва матбуот эркинлиги (29-модда) кабилар ҳам шулар сирасига киради.

Конституция сиёсий ҳаётда иштирок этувчи субъектларга бир хилда тенг ҳуқуқий имконият яратади. У сиёсий эркинликнинг юридик кафолати сифатида намоён бўлади. Конституциявий ҳуқуқ ҳокимият муносабатларини, сиёсий эркинликни таъминлашнинг юридик механизмларини, давлат билан шахс ўртасидаги муносабатлар нормаларини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциявий кафолатларини мустаҳкамлайди.

Конституциявий ҳуқуқнинг ижтимоий ва юридик табиатини янгича тушуниш мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий давлатчилик назариясига, умум эътироф этган демократик принципларга тўла мос келади. Башарти давлат жамиятда ижтимоий келишув воситаси бўлса, конституция давлат билан жамият ўртасидаги ўзига хос «ижтимоий шартнома»дир. Бу шартнома давлат зиммасига фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, умуман ҳуқуқ нормаларига, қонунга риоя этиш мажбуриятини юклайди. Айни вақтда, давлат идоралари ҳуқуқни муҳофаза этиш борасида муайян мажбурловни қўллаш ваколатларига ҳам эга бўлади. Фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги мазкур мажбурият ва ваколатларнинг ҳуқуқий механизмини яратиш ҳамда унинг амалий фаолиятини таъминлаш конституциявий ҳуқуқ юридик табиатининг негизини ташкил этади.

Конституциявий ҳуқуқнинг соф юридик табиати ҳақида гап борганда, аввало конституциянинг том маънодаги юридик ҳужжат, Асосий қонун эканлигидан,

қолаверса, унинг жамиятда ҳуқуқий ғоя (бошланғич ҳуқуқий асос, ибтидо)ни ифодалашидан келиб чиқиш лозим.

Конституциявий ҳуқуқнинг юридик табиати қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, у давлат ҳокимиятини ҳуқуқий (қонуний) легитимлаштиради, яъни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлайди;

иккинчидан, давлат фаолиятининг ҳуқуқий стратегияси, устувор йўналишларини белгилаб беради, бу сиёсатга юридик шаклу шамойил бахш этади;

учинчидан, конституциявий ҳуқуқ доирасида ҳуқуқ билан қонунчилик ўртасидаги бошланғич юридик табақалашувга тамал тоши қўйилади. Бу жараён бошқа ҳуқуқ соҳалари доирасида давом эттирилади;

тўртинчидан, конституциявий ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни юридик воситалар, усуллар ҳамда юридик механизмларни яратиш йўли билан тартибга солади;

бешинчидан, конституциявий ҳуқуқ мамлакат сиёсий-ҳуқуқий тизимига юридик руҳ, мазмун ва маъно бағишлайди, қонун устуворлиги принципидан келиб чиққан ҳолда жамиятда конституциявий муҳит ва макон, тегишли ҳуқуқий тартибот яратади;

олтинчидан, конституциявий қонунчилик тизимининг назарий асосларини вужудга келтиради, ушбу тизимнинг таркибий тузилмаларини ривожлантиради.

Конституциявий ҳуқуқнинг ижтимоий-юридик табиатини аниқлашга илмий ёндашув ушбу ҳуқуқий соҳанинг жамиятдаги ижтимоий ҳамда сиёсий муносабатларни тартибга солувчи аҳамиятини англаш учун ниҳоятда муҳимдир.

4-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

Ижтимоий муносабатларнинг муайян қисми ҳуқуқ воситасида тартибга солинади. Ижтимоий муносабатлар инсонлар ҳамда уларнинг уюшмалари ўртасида биргаликдаги фаолият жараёнида ўрнатиладиган алоқалардир. Ана шу муносабатларнинг энг муҳимлари, яъни жамият ишларини самарали бошқариш учун давлат ҳокимиятини ташкил қилиш, давлат ва шахс ўртаси-

даги муносабатлар конституциявий ҳуқуқ ёрдамида тартибга солинади.

Ижтимоий муносабатлар кишиларнинг иқтисодиёт, сиёсат ва маданият соҳаларидаги алоқалари бўлиб, улар муайян қонуниятлар асосида вужудга келади, такрорланиб туради, ўзгаради ва ривожланади. Мазкур муносабатларнинг мазмуни, умумий йиғиндиси жамиятнинг тузилишини ташкил этади.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар йиғиндисини, улардан энг муҳимларининг тузилиш асосларини тартибга солиш юридик конституциянинг, шунингдек, конституциявий ҳуқуқ соҳасининг предметидир. Реал конституциявий муносабатлар конституциявий ҳуқуқ соҳасининг нормалари таъсирида қарор топади, ривожланади ва тартибга солинади.

Лўнда таъриф берадиган бўлсак, конституциявий ҳуқуқий нормалар амал қилиши натижасида вужудга келадиган, шаклланадиган ва ривожланадиган муносабатлар **конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар** деб аталади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар умумий ҳуқуқий муносабатларнинг муҳим тури, таркибий қисми сифатида улар тавсифланадиган барча хусусиятларга эга бўлади. Дастлабки умумий жиҳат шундаки, ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ нормасининг қўлланиши, таъсир этиши натижасидир. Ҳуқуқий муносабат субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар билан ўзаро боғлиқ бўлган шахслар (субъектлар) ўртасидаги ҳуқуқ нормалари ва муайян юридик фактлар асосидаги алоқадир. Бу умумий назарий жиҳатлар конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятини аниқлаш ва хусусиятларини талқин қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги хусусиятлари билан бошқа турдаги ҳуқуқий муносабатлардан ажралиб туради:

биринчидан, улар конституциявий ҳуқуқ мавзуини ташкил қилувчи алоҳида соҳада вужудга келади;

иккинчидан, ўз субъектларининг таркиби билан фарқланади. Хусусан, конституциявий-ҳуқуқий муносабат субъектлари орасида шундайлари борки, уларни бошқа турдаги ҳуқуқий муносабатларда учратмаймиз (масалан, халқ, миллатлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ва ҳоказо);

учинчидан, конституциявий ҳуқуқ бошқа ҳуқуқ со-

ҳаларидан серқирралиги, турли-туман ҳуқуқий муносабатларни қамраб олганлиги билан ажралиб туради;

тўртинчидан, конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар аксарият ҳолларда сиёсий муносабатлар ва алоқаларнинг махсус юридик шакли сифатида майдонга чиқади;

бешинчидан, конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар жамиятда сиёсий ва давлат ҳокимияти соҳасидаги алоқаларни тартибга солишнинг ҳуқуқий шакли ҳамда асосини ташкил этади.

Конституциявий ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга таъсир этишининг асосий воситаси — иштирокчиларнинг ҳуқуқий лаёқатини ва мақомини белгилаш ҳамда ҳуқуқий муносабат орқали уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишдир. Конституциявий ҳуқуқ жисмоний шахсларга ва ижтимоий тузилмаларга умумий ҳуқуқлар беради, яъни уларнинг ҳуқуқий лаёқати ва муомала лаёқатини белгилайди. Конституциявий ҳуқуқда ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати одатда бир вақтда вужудга келади, бир-бири билан бирикиб кетади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, уларнинг аксарияти ҳуқуқ субъектларининг номма-ном индивидуаллаштирилишини назарда тутмайди. Яъни конституциявий ҳуқуқнинг ҳамма субъектлари (ёки уларнинг муайян гуруҳи) конституциявий муносабатларнинг иштирокчилари ҳисобланадилар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасига мувофиқ, давлатимизнинг барча фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу норма асосида вужудга келадиган конституциявий-ҳуқуқий муносабатларда умумий рухсат этилган имкониятга нисбатан давлат идоралари ва бошқа субъектларнинг монелик кўрсатмаслик мажбурияти майдонга чиқади. Демак, конституциявий муносабатларда муайян умумий ҳуқуққа маълум юридик мажбурият мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида: «фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар», — дейилган. Бу модда асосида келиб чиқадиган конституциявий-ҳуқуқий муносабатларда фуқароларнинг умумий мажбуриятига нисбатан мутасадди идо-

раларнинг солиқларни ўз вақтида тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи мос келади.

Юқорида таъкидланганидек, конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар кўпгина сиёсий муносабатларнинг махсус шакли сифатида намоён бўлади. Хусусан, жамиятдаги қатор ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий қадриятлар, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, мулкчилик муносабатлари, миллий муносабатлар ва бошқалар конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг табиати улар иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқи ва юридик мажбуриятларида ўз ифодасини топади. Субъектив ҳуқуқ шахсга конституциявий-ҳуқуқ нормасида белгиланган доирада фаолият кўрсатиш ваколатини беради. У ушбу доирада ўз манфаатларини қондириш учун хатти-ҳаракатларни эркин амалга ошира олади, лозим бўлган тақдирда бошқа шахслардан, шу жумладан, давлат идораларидан ўз фойдаси учун тегишли хатти-ҳаракатларни талаб қила олади. Бунда манфаатлар субъектив ҳуқуқлар билан узвий боғлиқ бўлади, албатта.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлардаги субъектив юридик мажбуриятлар ҳуқуқ соҳибига лозим бўлган хулқ-атвор, хатти-ҳаракатни содир этишни қатъий талаб даражасида қўяди. Ушбу муносабатларда субъектив ҳуқуқлар билан юридик мажбуриятлар ўртасида узвий боғлиқлик ва алоқадорлик мавжуд.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи давлат идоралари, ташкилотлар, мансабдор шахсларда айнан бир объектга нисбатан ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбурият келиб чиқади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддаси 2-қисмида шундай қоида мустаҳкамланган: «Олий Мажлис зарур бўлган тақдирда доимий ҳамда муваққат ишловчи депутатлик, тафтиш ва бошқа комиссияларни тузади». Бу қоидани изоҳлаб, шуни таъкидлаш мумкинки, аввало, муайян муаммо, мураккаб вазият туғилганда тегишли доимий ёки муваққат комиссияларни тузиш Олий Мажлис ваколатига киради, яъни у бунга ҳақли. Иккинчи томондан, парламент даражасида ҳал этилишга молик муаммоли вазиятлар юзага келганда, уларни чуқур ўрганиш ва асосли хулоса чиқариш ҳамда тегишли қарор қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатлик, тафтиш ва бошқа комиссиялар тузишга мажбур.

Ушбу мисолдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси конституциявий-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига татбиқан **«ваколат»** деб юритилади. Бунда субъектлар ҳам ҳуқуқдор, ҳам мажбуриятни адо этиши лозим бўлади. Табиий шундай ваколатлар ҳам борки, улар ё фақат ҳуқуқ беради, ё фақат мажбурият юклайди. Фикримизни далиллаш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 14-бандига мурожаат этамиз. Унда Президентнинг Ўзбекистон қонунларини имзолаши хусусида гапирилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

...қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли.

Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қарорни учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди».

Бу ерда биринчи ҳолда **ҳуқуқ**, иккинчи ҳолда **мажбурият** назарда тутилган.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар жамиятда давлат ҳокимиятини амалга ошириш соҳасидаги алоқаларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосини ташкил этади. Зеро, ана шу ҳуқуқий тартибга солиш даражасида конституциявий-ҳуқуқий нормалар ижтимоий ҳаётга татбиқ этилади ва натижада мақсадга йўналтирилган ижтимоий муносабатларни шакллантириш рўй беради.

Шундай қилиб, **конституциявий-ҳуқуқий муносабат** — конституциявий ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинган ижтимоий муносабат бўлиб, унинг мазмунини шу нормада назарда тутилган субъектлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали юз берувчи ўзаро узвий юридик алоқадорлик ташкил этади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг таснифи. Конституциявий ҳуқуқ мавзуининг серқирра ва рангбаранглиги, нормаларининг турли йўналишларга оидлиги конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар хилма-хиллигига сабаб бўлади. Ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи энг кенг тарқалган асос ҳуқуқ нормасининг амалга оширилишидир. Ҳуқуқ нормаси асосида аниқ конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Бу муносабатларда иштирокчилар ҳамда уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ифода этилади.

Конституциявий ҳуқуқнинг принцип-нормалари,

таъриф-нормалари, мақсад-нормалари асосида яна турли-туман ҳуқуқий муносабатлар вужудга келадики, улар орқали ушбу нормалардаги қоидалар ҳаётга жорий этилади. Булар умумий хусусиятга эга ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, бунда муносабат субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқлаштирилмайди.

Юқоридаги назарий мулоҳазани мисол ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Айтилган фикр Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузуми асосларини мустаҳкамловчи принцип-нормаларнинг ҳаммасига тегишли. Хусусан, ҳокимиятлар тақсимланиши принципи ниҳоятда мураккаб ҳуқуқий муносабатлар тизими орқали ўзининг амалий ифодасини топади. Чунки бу муносабатларнинг субъектлари серқирра фаолият соҳиблари бўлмиш қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти идораларидир. Бироқ, бу борадаги барча ҳуқуқий муносабатлар ўз ибтидосини ягона умумий принцип-нормадан, яъни Конституциямизнинг 11-моддасидаги қоидадан олади. Бу умумий ҳуқуқий муносабат бўлиб, унда иштирок этувчи барча субъектлар мазкур принципни амалга оширишга масъул ҳисобланадилар. Ушбу моддадаги қоидадан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва бурчлар, ваколатлар шу конституциявий ҳуқуқий муносабатнинг мазмунини ташкил этади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида тури сифатида маълум ҳуқуқий ҳолатларни ажратиб кўрсатиш лозим. Улар умумий хусусиятга эга ҳуқуқий муносабатлардан субъектларининг қатъий белгиланганлиги билан фарқланади. Аммо субъектлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мазмуни аниқ белгиланмайди, у бир қатор конституциявий-ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан келиб чиқади. Масалан, бу тоифа ҳуқуқий муносабатларга фуқаролик ҳолати, депутатлик мақоми (ҳуқуқий ҳолати) кабилар киради.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни доимий ва муваққат турларга ажратиш мумкин. **Доимий ҳуқуқий муносабатларнинг** амал қилиш муддати одатда чексиз бўлади. Бироқ, улар маълум шарт-шароитлар таъсирида ўз ҳаракатини тўхтатиши ҳам мумкин. Хусусан, фуқаронинг ўлими унинг фуқаролиги билан боғлиқ муносабатларнинг тугатилишига сабаб бўлади.

Муваққат ҳуқуқий муносабатлар аниқ конституциявий қоиданинг амалга оширилиши натижасида вужудга келади. Ҳуқуқий муносабатда назарда тутилган

ҳуқуқий мажбуриятлар бажарилиши билан бу муносабат тугайди. Сайлов компанияси давридаги муносабатлар муваққат конституциявий-ҳуқуқий муносабатларга мисол бўлади. Сайловчи билан участка сайлов комиссияси ўртасидаги муносабатлар комиссиянинг сайлов бюллетенини бериши ҳамда овоз бериш учун шароит яратиши билан тугайди.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида тури **моддий** ва **процессуал** муносабатлардир. Моддий муносабатларда ҳуқуқ ва бурчларнинг мазмуни ўз ифодасини топади. Процессуал муносабатлар орқали эса ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни амалга оширишнинг тартиби (таомили) намоён бўлади.

Вазифаси ва мақсадига кўра конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар **ҳуқуқ ўрнатувчи** ва **ҳуқуқни муҳофаза этувчи** турларга ажратилади. Биринчи турида ҳуқуқий муносабат қатнашчилари ихтиёрий амалга оширадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунилади.

Иккинчи турида эса муайян ҳуқуқдан фойдаланиш ва мажбуриятларни ўташ орқали конституциявий-ҳуқуқий нормада акс эттирилган қоидани муҳофаза қилиш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасидаги конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари ҳақида гап борганда профессор Р. Қ. Қаюмов илгари сурган таснифлаш диққатга сазовор. Унинг фикрича, конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни уларнинг объекти ва субъектларидан келиб чиқиб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1) Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузимининг асосий принципларини ҳаётга татбиқ этиш натижасида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлар;

2) фуқаролар ҳуқуқий ҳолатининг асослари ҳамда уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва бурчларининг амалга оширилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар;

3) жамият билан шахс ўртасида келиб чиқадиган конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар;

4) маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши соҳасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар;

5) Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятини ташкил этиш, давлат органлари тизимини белгилаш, улар фаолиятининг принциплари, ваколатлари ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар;

6) бевосита демократияни амалга ошириш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар[1].

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар шу муносабатларнинг иштирокчилари орқали амалга оширилади. **Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари деб уларнинг томонлари сифатида ушбу муносабатларда иштирок этувчиларга айтилади.** Ҳар қандай ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ ва мажбурият бажарувчи, энг камида иккита субъектдан ташкил топади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари (иштирокчилари) қуйидагилардан иборат:

— фуқароларнинг умумий йиғиндиси бўлган Ўзбекистон халқи (8-модда). Бутун давлат ҳокимияти ва суверенитетининг эгаси Ўзбекистон Республикаси халқи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг халқи конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси сифатида ўз ҳуқуқларини давлат ва унинг органлари орқали амалга оширади. Масалан, баъзи бир ҳуқуқий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси бевосита давлат ҳокимияти номидан иштирок этади; республика миқёсида референдум ўтказиш вақтида, қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилганда ҳам халқ давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида иштирок этади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддаси ва «Референдум тўғрисида»ги қонун);

— миллий давлат тузилиши билан боғлиқ бўлган муносабатларда майдонга чиқувчи миллатлар ва элатлар;

— Қорақалпоғистон Республикаси;

— Ўзбекистон Республикаси давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг (қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Олий Мажлиси, унинг Кенгаши, Олий Мажлис Раиси, комиссия ва қўмиталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, халқ депутатлари, вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари, ҳокимлар);

— депутатлар ва уларнинг уюшмалари (Олий Маж-

---

[1] Қаранг: *Каюмов Р. Қ.* Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи: Дарслик. Т.: Ички ишлар вазирлиги Академияси, 1997. 22—25-бетлар.

лис ҳамда вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг депутатлари, уларнинг қўмита ва комиссиялари, Олий Мажлисдаги партиялар фракциялари ва депутатлар блоклари).

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

— жамоат бирлашмалари;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва турар жой ҳамда иш жойидаги умумий йиғилишлари.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари (юридик шахслар ва жисмоний шахслар)нинг ҳуқуқий лаёқати ҳар хил бўлади. Улар конституциявий-ҳуқуқий нормалар асосида алоҳида ҳуқуқ ва мажбурият эгалари бўладилар. Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари сифатида ҳар хил ҳуқуқий лаёқатга эга бўладилар.

Фуқаролар конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида тегишли ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатига эга бўлишлари керак. Барча фуқаролар ҳуқуқий лаёқатга эгадирлар, улар туғилиши билан бу лаёқатга эга бўладилар. Аммо ҳар бир фуқаро ҳам муомала лаёқатига эга бўлавермайди. Муомала лаёқати деганда, шахснинг ҳуқуқларни амалга ошира олиши ва мажбуриятларни шахсан бажара олиши тушунилади. Конституциявий ҳуқуқ бўйича фуқаролар 18 ёшдан бошлаб тўла муомала лаёқатига эга бўладилар. Меҳнат-ҳуқуқий муносабатларида эса улар 16 ёшдан, никоҳ-оила ҳуқуқий муносабатларида — 17 ёшдан, жиноят-ҳуқуқий муносабатларида, асосан, 16 ёшдан, айрим жиноятлар бўйича — 13 ёшдан муомала лаёқати пайдо бўлади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари, уларнинг субъектив ҳуқуқ ва юридик бурчлари билан бир қаторда ушбу муносабатларнинг объекти ҳам конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг зарурий элементи ҳисобланади.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлади.

Ўзбекистондаги ҳуқуқий муносабатларнинг объекти, ўз мазмуни ва хусусиятига кўра, ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солиниши лозим бўлган ҳамда

кундалик ҳаётимизда тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлардир. Ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг хулқ-атвори ҳам муносабат объекти ҳисобланади. Демак, ҳуқуқий муносабат нимага қаратилган бўлса, шу нарса ҳуқуқий муносабатнинг объекти бўлади. Юридик адабиётда буюм, ашёлар ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар объекти кишиларнинг шахсий ҳамда ижтимоий манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган турли моддий ва маънавий бойликлар бўлиб, улар юзасидан субъектлар ҳуқуқий муносабатга киришадилар ҳамда ўз субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларини амалга оширадилар.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

1. **Давлат ҳудуди.** Конституциявий-ҳуқуқий нормалар ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларини Ўзбекистон, Қорақалпоғистон Республикаси ёки маъмурий-ҳудудий бўлинмаларнинг ҳудудлари билан боғлиқ қилиб қўяди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасига кўра, «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир», 73-моддада эса «Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади», — дейилган. Мазкур конституциявий-ҳуқуқий нормалар асосида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари ўртасида ҳудудий масалалар бўйича конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқиши мумкин.

2. **Моддий бойликлар.** Моддий бойликлар конституциявий-ҳуқуқий муносабатларда бошқа объектларга нисбатан кам учрайдган объект ҳисобланади. Лекин бу объектларнинг аҳамияти жуда катта, чунки мулкий муносабатлар ижтимоий муносабатлар ичида салмоқли ўрин эгаллайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигининг, барча мулк шакллари тенг ҳуқуқлилигининг ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишининг кафолатланганлиги кўрсатилган

(53-модда). Ушбу конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши натижасида келиб чиқадиган муносабатларнинг объекти моддий манфаат, моддий бойлик ҳисобланади.

3. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар **субъектларининг ҳаракати** ҳам кўпгина ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлади. Масалан, Ўзбекистон Олий Мажлисига сайлов ўтказиш тўғрисидаги қонунда сиёсий партияларнинг ўз вакилларини сайлов округларидан номзод сифатида кўрсатиш ҳуқуқини амалга оширишлари ҳам сиёсий партиялар билан республика Марказий сайлов комиссияси ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Ёки Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш натижасида Олий Мажлисга қонун лойиҳасини киритиши ҳам Конституциявий суд билан Олий Мажлис ўртасида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлади.

4. **Моддий бўлмаган шахсий манфаат — виждон, қадр-қиммат.** Виждон баъзи бир конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти бўлиши мумкин. Масалан, депутатларнинг дахлсизлиги муносабати билан келиб чиқадиган конституциявий-ҳуқуқий муносабатларда депутатнинг халқ вакили сифатида шаъни, обрўси, қадр-қиммати ва виждони шу муносабатларнинг объекти бўлади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг аниқ ҳуқуқий норма асосида вужудга келишига юридик фактлар сабаб бўлади. Ҳуқуқий нормани бажариш айнан юридик фактлардан бошланади. Юридик факт (ҳаётий вазият, ҳолат) туфайли у ёки бу шахс муайян ҳуқуқий муносабат иштирокчисига айланади, тегишли ҳуқуқ ва бурчлар эгаси бўлади.

Юридик фактлар деб ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳодиса ёхуд ҳаракатларга айтилади.

Юридик фактлар юридик ҳодиса, юридик хатти-ҳаракат ва юридик ҳолат каби шаклларга эга. Ҳодисалар муносабат субъектларининг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келади. Хатти-ҳаракатлар субъектларнинг иродаси асосида келиб чиқади. Юридик хатти-ҳаракатлар, ўз навбатида, юридик акт ва юридик қилмишларга бўлинади.

Одатда, ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланишига юридик фактларнинг бутун бошли тизими таъсир

кўрсатади. Жумладан, фуқароликка оид конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар инсоннинг (фуқаронинг) туғилиши ҳодисаси билан боғлиқ.

Фуқаронинг сайлов ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши юридик фактларнинг бир бутун силсиласи воситасида юз беради. Булар: сайловни тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилиш; округ ва участка сайлов комиссияларини тузиш тўғрисидаги актни чиқариш; сайловчиларнинг рўйхатини тузиш ва эълон қилиш; мазкур рўйхатга фуқарони киритиш; овоз бериш муддатининг етиб келиши кабилар. Сайлов бюллетенини олиш билан сайлаш ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган ҳуқуқий муносабатлар якунланади.

5-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР ВА ИНСТИТУТЛАР

Консититуциявий ҳуқуқ соҳасининг мазмунини акс эттирувчи бошланғич бўғини, асосий ҳужайраси конституциявий-ҳуқуқий нормалардир. Ушбу нормаларнинг маъно-моҳиятини, хусусиятларини чуқур англамасдан туриб, конституциявий ҳуқуқнинг мазмунини, ички тизими ва табиатини тўла-тўкис тушуниб етиш қийин.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар, барча ҳуқуқий нормалар сингари, юриш-туриш, хулқ-атвор қоидаси бўлиб, давлат томонидан муайян тоифадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ўрнатилади. Уларга риоя этиш давлат томонидан таъминланади, зарур бўлганда давлатнинг мажбурлов кучига таянади. Бу нормалар конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини ўрнатади.

Санаб ўтилган асосий жиҳатларни умумлаштириб қуйидаги ихчам таърифни бериш мумкин: **конституциявий-ҳуқуқий нормалар — давлат ҳокимиятини амалга ошириш, жамиятни бошқариш, давлат билан фуқаролар ўртасидаги муайян турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида давлат томонидан ўрнатиладиган (ёки маъқулланадиган) умуммажбурий хулқ-атвор қоидалари бўлиб, улар аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали амалга ошади ҳамда давлат томонидан таъминланишга таянади.**

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар, умуман, ҳамма

ҳуқуқий нормаларга хос барча зарурий хусусият ва белгиларга эга. Айни вақтда, уларнинг миллий-ҳуқуқий тизимда алоҳида мустақил соҳа, тузилма тарзида мавжуд бўлишини таъминловчи махсус хусусиятлари ҳам бор.

Конституциявий ҳуқуқнинг предмети конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида соҳага мансублигини, ўзига хос табиатга ва сифатларга эга бўлишини тақозо этади. Ушбу махсус хусусият ва белгилар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, конституциявий-ҳуқуқий нормалар алоҳида мазмундаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган бўлади. Бу ижтимоий муносабатларнинг мазмуни конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг табиатини, моҳиятини белгилаб беради;

иккинчидан, улар махсус манбада мустаҳкамланади ва ифодаланади, яъни энг муҳим конституциявий-ҳуқуқий нормалар ҳуқуқий тизимимиздаги энг олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланади;

учинчидан, конституциявий-ҳуқуқий нормалар ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида тури ҳисобланади. Зеро, конституциявий ҳуқуқда бошқа ҳуқуқ соҳаларига нисбатан умумий мазмундаги йўналтирувчи аҳамиятга эга бўлган нормалар аксарият кўпчиликни ташкил этади. Уларга, жумладан, принцип-нормалар, таъриф-нормалар, мақсад-нормалар, вазифа-нормалар ва ҳоказолар киради. Ушбу нормалар ҳуқуқий муносабатнинг туридан қатъи назар, унинг иштирокчилари бўлган барча субъектларга бирдек мўлжалланган**дир**;

тўртинчидан, конституциявий-ҳуқуқий нормаларда мужассам этилган қоидалар таъсис этувчи, раҳбарий хусусиятга эгадир. Айнан мана шу соҳанинг нормалари бирламчи тарзда бошқа соҳаларга оид ҳуқуқий нормалар учун мажбурий бўлган талаб ва тартибни ўрнатади. Хусусан, давлат идораларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги ваколатлари, ҳуқуқий ҳужжатларнинг шакли, уларнинг қабул қилиниш ва матбуотда эълон этилиш тартиби, номланиши ҳамда юридик кучи жиҳатдан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимидаги ўрнини белгилаб беради. Шунингдек, конституциявий-ҳуқуқий нормалар давлат ҳокимияти идораларининг тизимини ҳам белгилайди;

бешинчидан, конституциявий-ҳуқуқий нормалар

амалга оширилишининг махсус механизми мавжуд. Уларнинг кўпчилиги амалга ошиши аниқ ҳуқуқий муносабат мавжуд бўлиши билан боғлиқ бўлмай, балки умумий хусусиятга эга бўлган муносабат ёки ҳуқуқий ҳолат (фуқаролик ҳолати) туфайли рўй беради;

олтинчидан, конституциявий-ҳуқуқий нормалар ўзлари тартибга соладиган муносабатлар субъектларининг хусусияти ва махсуслиги билан ажралиб туради. Бу субъектлар орасида халқ, давлат, миллат, жамоат бирлашмалари, давлат ҳокимиятининг олий идоралари бор;

еттинчидан, конституциявий-ҳуқуқий нормалар ички тузилиши (структураси)нинг ўзига хослиги билан ҳам тавсифланади. Уларга ҳуқуқий нормалар таркибида ажратиб кўрсатиладиган анъанавий уч элементли тузилиш хос эмас. Яъни, конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг деярли барчасида бир вақтнинг ўзида гипотеза, диспозиция ва санкция мавжуд бўлмайди. Одатда, улар диспозиция тарзида бўлади, гоҳида гипотеза ва диспозиция бирга келиши мумкин ва жуда кам ҳолларда санкция назарда тутилиши мумкин.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар бошқа соҳавий ҳуқуқий нормалардан фарқловчи умумий хусусиятга эга бўлишдан ташқари, ўзи бир қанча турларга ажралади. Бунинг боиси уларнинг кўпқиррали ва сермазмунлигидадир. Шу сабабли конституцияшунослик назариясида конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг таснифи (классификацияси) масаласи алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Улар турли мезонлар асосида таснифланади. Энди уларга қисқача тўхталамиз.

1. Конституциявий-ҳуқуқий нормаларни тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг кўлами, мазмунига кўра таснифлаш. Конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг маълум бир тоифаси конституциявий тузум асосларини ифодаловчи ижтимоий муносабатлар соҳаси билан; иккинчи тоифа нормалар инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақоми асосларини мустаҳкамлаш билан; учинчиси — давлат идоралари тизими билан боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, конституциявий нормаларнинг мазкур йирик гуруҳлари ичида мазмун жиҳатдан ўзаро бир-бирига яқин ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи комплекс қоидалар ажратилади.

Ушбу қоидаларни татбиқ этишда улар орасидаги ўзаро боғлиқликни ҳамда тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар тизимида тутган

ўрнини аниқлаш муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Демак, мазкур таснифнинг мезони конституциявий тартибга солиш предмети бўлмиш ижтимоий муносабатлар соҳасидир.

2. Конституциявий нормаларни юридик кучига кўра таснифлаш. Бунда у ёки бу конституциявий-ҳуқуқий норманинг қандай ҳуқуқий ҳужжатда ифодаланганлигига эътибор қаратилади. Шунингдек, бу ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқнинг умумий тизимида қандай ўрин тутиши аниқланади. Ҳуқуқий тартибга солиш соҳаси ва даражасига кўра энг аҳамиятли нормалар конституциявий актларда ифодаланади ва улар юксак юридик кучга эга бўлади.

Ҳеч бир ҳуқуқий норма конституцияга зид бўлиши мумкин эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддаси 2-қисмида таъкидланганидек, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Барча ҳуқуқий актлар орасида ўз юридик кучи жиҳатидан конституциядан кейинги ўринда конституциявий қонунларнинг нормалари туради. Улардан сўнг жорий қонунларнинг нормалари туради. Нормаларнинг юридик кучига қараб уларнинг мазмуни ифодаланади. Бунда бир конституциявий норманинг бошқа нормалар билан муносабати аниқланади.

3. Конституциявий нормаларни амал қилиш доираси бўйича таснифлаш. Бу белгига асосан мамлакатнинг бутун ҳудудида ёки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳудудларида амал қилувчи нормаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

4. Конституциявий нормаларни бажарилиши лозим бўлган қоиданинг хусусияти бўйича таснифлаш. Ушбу мезон норманинг тартибга солиш механизмини очиб беради. Нормада ифодаланган қоидалар турли хил маънога эга бўлиши мумкин. Улар ўзига хос тарзда субъектларнинг ҳуқуқий муносабатлар асосида пайдо бўлувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Бундай мезон асосида конституциявий нормалар қуйидагича бўлиши мумкин: **ваколат берувчи, мажбурият юкловчи ва ман этувчи** нормалар.

Ваколат берувчи конституциявий нормалар субъектларнинг ушбу нормаларда назарда тутилган ҳаракатларни содир этиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди, улар ва-

колатининг чегарасини белгилайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатларини (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78—84-моддалари), мамлакат Президентининг ваколатларини (93—95-моддалари) белгиловчи барча нормалар ана шундай табиатга эга. Конституциянинг принцип-нормалари, мақсад нормалари, вазифа-нормалари ҳам ваколат берувчи нормалар ҳисобланади. Бу нормаларда барча конституциявий-ҳуқуқий субъектларга ваколат берувчи қоидалар мустаҳкамланган.

Мажбурият юкловчи конституциявий нормалар субъектларнинг ўз хатти-ҳаракатлари ва фаолиятларини ушбу нормаларда кўзда тутилган қоидалар билан мувофиқлаштириш мажбуриятини мустаҳкамлайди. Ушбу нормаларнинг талабларига мос келадиган юриштуриш ва фаолият қоидаларини танлашни белгилайди. Бу гуруҳдаги нормаларга фуқароларнинг конституциявий мажбуриятларини мустаҳкамловчи нормалар ва бошқа хатти-ҳаракатлар содир қилишни истисно этувчи нормалар киради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 14-бандидаги қоида, башарти Олий Мажлис учдан икки қисм овоз билан қонуннинг илгариги матнини ёқлаб чиқса, Президентга қонунни имзолаш мажбуриятини юклайди.

Ман этувчи конституциявий нормалар маълум хатти-ҳаракатларни ман этувчи қоидаларни ўз ичига олади. Бу қоида одатда «ман этилади», «йўл қўйилмайди», «мажбурдирлар», «ҳуқуқига эга эмас» каби шаклларда ифодаланади.

Бажарилиши лозим бўлган қоиданинг характерига қараб ажратилувчи нормалар турларини аниқлаш ўша нормалардаги қоидаларнинг аниқ маъносини ва тартибга солинаётган муносабат субъектларининг ҳуқуқий мажбуриятлари, уларнинг чегаралари ҳамда ҳажмини билиш учун муҳимдир.

5. Конституциявий нормада ифодаланган қоидаларнинг қатъийлик даражасига қараб таснифлаш. Бу белгига кўра, императив ва диспозитив нормаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Императив конституциявий нормалар уларда ўрнатилган қоидаларни амалга оширишда субъектларнинг хоҳиш эркинлигига йўл қўймайди. Булар буйруқ майлидаги қатъий нормалардир.

Диспозитив конституциявий нормалар шундай нормаларки, уларда субъектлар нормада белгиланган шарт-

шароитлар ва вазиятни инобатга олиб, ўзлари содир этадиган хатти-ҳаракатларнинг вариантларини эркин танлаш имкониятига эга бўладилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 75-моддаси шундай нормаларга мисол бўла олади. «Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартнома ва битимлар билан тартибга солинади». Шартномада муносабатларнинг мазмунига аниқлик киритилади.

6. Конституциявий нормаларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмидаги ўрнига қараб таснифлаш. Ушбу мезонга кўра конституциявий нормаларни моддий ва процессуал нормаларга бўлиш қабул қилинган. Жиноят ва фуқаролик ҳуқуқидан фарқли равишда-нормаларни амалга оширишнинг бир хил тартиб-қоидаларини ўз ичига олган махсус процессуал соҳа конституциявий ҳуқуққа хос эмас. Лекин конституциявий ҳуқуқнинг кўпгина нормаларидан фойдаланганда тегишли процессуал нормаларда ўз аксини топган муайян ҳуқуқий қоидалар тизимига риоя этиш зарурияти сақланиб қолади.

Агар моддий нормалар ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олса, процессуал норма моддий норма амалга оширилиши керак бўлган тартиб-қоидани ўрнатади, вакиллик органларининг фаолиятини ташкил этади, қонун ва бошқа актларни қабул қилиш жараёнини белгилайди. Ана шундай процессуал нормаларнинг мажмуи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Иш тартиби (регламенти)ни келтириш мумкин. Бундан ташқари, сайлов қонунчилиги ва «Референдум тўғрисида»ги қонунда ҳам процессуал тартиб ўрнатувчи нормалар кўп.

Конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг юқорида кўрсатилган таснифлаш мезонларини тугалланган деб ҳисоблаб бўлмайди. Ҳуқуқий нормаларни амалга оширишдаги ўртага қўйилган мақсадларга қараб, уларнинг тартибга солувчи моҳиятини чуқурроқ англаб етиш учун бошқа мезонлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Юқорида айтиб ўтилганидек, қандайдир ҳуқуқий натижа фақат битта ҳуқуқий норманинг эмас, кўпгина ҳуқуқий нормаларнинг амал қилиши натижасида пайдо бўлади. Шунинг учун муайян норманинг кенг доирадаги нормалар тоифасига тегишли эканлигини аниқлаш му-

ҳимдир. Бир-бирига яқин нормаларнинг бундай мажмуи **конституциявий-ҳуқуқий институтлар** деб аталади.

Ушбу тушунча назарияда ҳам, амалиётда ҳам турлича таърифланади. Ушбу таърифланиш ҳажми кичик, мазмуни бўйича бир-бирига яқин бўлган нормаларга нисбатан ҳам, шунингдек, мазмуни кенг бўлган катта ҳуқуқий бирикмаларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин. Нормаларни ҳуқуқий институтга бирлаштиришнинг асосий мезони улар томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг бир турдалигидир. Бу эса бир институтга бирлаштирилган тегишли конституциявий нормаларнинг зарур ҳуқуқий бирлигини ва ўхшаш ҳуқуқий хусусиятларини келтириб чиқаради.

Конституциявий ҳуқуқий институтлар деганда конституциявий тузум асосларини, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми асосларини ҳамда соҳа тизимидаги зарурий бўғин бўлган нормаларнинг мажмуини ўрнатувчи нормалар тушунилади. Фақат конституциявий ҳуқуқнинг асосий таркибий қисмларини ташкил этувчи нормалар мажмуини конституциявий институтлар деб аташ мумкин, деган фикрлар мавжуд. Лекин ҳуқуқ назарияси ва амалиётида бир-бири билан боғлиқ бўлган нормаларнинг кичикроқ гуруҳини белгиловчи тушунчалар шаклланмаганлиги учун бундай тушунча зарурдир. «Конституциявий-ҳуқуқий институт» тушунчасини шарҳлаш ва ундан фойдаланишнинг кенгайтирилган талқини ишлатилади. Масалан, фуқаролик институти тўғрисида гапириш мумкин.

Конституциявий-ҳуқуқий институт доирасида юқорида кўрсатилган таснифлашни ҳисобга олган ҳолда турли хил нормалар бирлашади. Унга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари, амалдаги қонунчилик нормалари ва турли хил юридик кучга эга бўлган нормалар кириши мумкин. Унинг таркибида ҳаракатланиш доираси бўйича фарқланадиган, бажарилиши лозим бўлган ҳуқуқий қоидалар даражаси ҳамда бошқа хусусиятлар бўйича фарқланадиган конституциявий нормалар ҳам бўлиши мумкин.

Маълум бир ҳуқуқий норманинг у ёки бу конституциявий-ҳуқуқий институтга тегишлилигини аниқлаш ниҳоятда муҳимдир. Чунки ҳар бир ҳуқуқий норма ҳам конституциявий институтга хос бўлган хусусиятларни намоён этавермайди, бироқ уларни амалга ошириш механизмини тўғри тушуниб олиш учун буни ҳисобга олиш зарур.

6-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА СИЁСИЙ ТИЗИМ

«Конституциявий ҳуқуқ» тушунчаси «жамиятнинг сиёсий тизими» тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Сиёсий тизим таркибига давлат, сиёсий партиялар, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишга алоқадор бўлган жамоат бирлашмалари ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, таъсир ўтказиш гуруҳлари каби сиёсий институтлар ва муассасалар киради. Давлат идоралари сиёсий тизимнинг бошқа таркибий қисмлари билан ўзаро алоқадорликда шаклланади ҳамда фаолият юритади. Чунки мазкур тизим жамиятда ҳокимият билан боғлиқ (ҳокимиятга эришиш, уни сақлаб қолиш ёки ундан фойдаланиш) муносабатларини ифода этади.

«Конституциявий ҳуқуқ» ва «сиёсий тизим» айнан бир нарса эмас. Ҳуқуқий муносабатлар — сиёсий муносабатларнинг фақат биргина, лекин муҳим қисмидир. Масалан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари институтини олайлик, у сиёсий ташкилотларнинг ҳокимият учун кураш фаолиятига ҳал қилувчи шароит яратади. Конституциявий ҳуқуқ ҳокимиятнинг шундай механизмини белгилайдики, унинг доирасида асосий сиёсий кучлар ўзини намоён этади. Ниҳоят, конституциявий ҳуқуқ нормалари орқали сиёсий муносабатларнинг иштирокчилари манфаатдор бўлган муайян ижтимоий муросага келинади. Ҳокимият қонуний бўлиши лозим. Уни эгаллаш ҳақида ўйловчи барча кучлар бу жиҳатни эътиборга олиши шарт.

Аммо, барибир, конституциявий ҳуқуқ у ёки бу мамлакатни ким ва қандай бошқариши тўғрисидаги саволга тўлиқ жавоб бермайди. Конституциявий ҳуқуқнинг нормалари абстракт тарзда «жонсиз», ҳаракатсиздир. Улар фақат сиёсий вазият билан тўқнашсагина жонланади. Сиёсий курашларнинг қатнашчилари баъзи ҳуқуқий нормаларни йиллаб эламасликлари мумкин, аммо кескин сиёсий вазият юзага келганида унутилган норма ғайриҳуқуқий усуллар қўлланишидан қутқарувчи роль ўйнайди. Тарихда сиёсий тузум конституциявий ҳуқуқни «оддий расмиятчилик» тарзида четга суриб қўйган ҳоллар кўп бўлган. Шунинг учун ҳам конституциявий ҳуқуқни сиёсий тизимнинг бутун мураккаблиги билан, яъни сиёсатшунослик фани билан қўшиб ўрганиш зарур. «Давлат тузуми» ва «сиёсий тизим» тушунчалари кўпинча «сиёсий тузум» тушунчаси

орқали ифодаланади. Аслида «сиёсий тузум» юридик ибора бўлмай, сиёсатшуносликва публицистикада ишлатилади.

Конституциявий ҳуқуқнинг энг муҳим элементи — бошқарув шаклидир. У сиёсий муносабат қатнашчилари учун бефарқ бўлмаса-да, бироқ сиёсий тузумни ташкил этувчи ҳокимиятни бошқаришнинг аниқ бир усулларини акс эттирмайди. Мамлакатда демократик давлатчиликнинг барча белгилари: эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликлар, парламент, президент, ҳукумат кабилар бўлиши мумкин. Аммо сиёсий тузум (режим) диктатура кўринишида бўлса, демократия сохта бўлади. Шундай қилиб, бошқарув шакллари у хоҳ парламент республикаси ёки парламентар монархия, хоҳ президент республикаси ёки конституциявий монархия бўлсин, уларнинг ҳеч бири демократиянинг кам ёки кўплиги даражаси хусусида гувоҳлик беролмайди.

Бу тўғрида, шунингдек, кўппартиявийлик, сиёсий маданият ва бошқалар асосида қурилган сиёсий тизим ҳам гувоҳлик бермайди. Аммо, аслида, фақат мавжуд диктатурага хизмат кўрсатаверади. Бир партияли сиёсий тузум доимо ва сўзсиз аксилдемократик кўринишда бўлиши тарихдан аён.

Тарихан сиёсий тузумнинг учта асосий кўриниши маълум: 1) демократик; 2) авторитар; 3) тоталитар.

Демократик тузум конституциявий қонунийлик принципига риоя қилиш, барча фуқаролар учун ўзларининг ҳамма ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлалигича фойдаланиш имконияти мавжудлиги, кўппартиявийлик, эркин матбуот, қонунийлаштирилган камситишларнинг йўқлиги, мустақил суд ва бошқалардан фойдаланишнинг аниқ имкониятлари мавжудлиги билан ажралиб туради.

Демократик тузум конституциявий ҳуқуқнинг ижтимоий ва сиёсий тартибни, зўрликни қўлламай туриб ривожлантиришнинг амалий кафолатланишига ёрдам беради.

Авторитар режим давлат қарорлари қабул қилиш механизмини олигархияга бўйсундиради, ҳокимиятни бир диктатор қўлида тўплайди, ижроия ҳокимиятни назоратсиз ва ҳеч кимга ҳисобот бермайдиган даражада кенгайтиради. Аҳоли барча қатламларининг хатти-ҳаракати устидан назорат ўрнатилади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари йўққа чиқади. Бундай ҳолда конституциявий тузум чекланмаган фавқулодда ёки ҳар-

бий ҳолат билан алмаштирилади, ҳокимият қуролли кучларга таяниб иш кўради.

Тоталитар режимда қатағонлар, фикрлашни назорат қилиш, мухолафат ва эркин матбуотни тўла йўққа чиқариш мавжуд бўлади.

Сиёсий режимнинг мазкур учта асосий шаклидан ташқари бошқа кўплаб турлари ҳам мавжуд. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам улар конституциявий ҳуқуққа катта таъсир кўрсатади, унинг нормаларининг ҳаётийлиги даражасини белгилаб беради.

Сиёсий тизим конституциявий ҳуқуқ томонидан ўрнатиладиган сайлов тизими билан мустаҳкамланади. Одатда сайлов тизими кичик партияларни қўллаб-қувватламасдан, катта партиялар учун яширин имтиёзлар ярата боради, сайловларда партиялараро блоклар тузиш учун имкониятларни кенгайтиради, партиявий тизимга (икки партияли, кўппартияли) мослашиб боради. Лекин сайлов тизими фақат мослашибгина қолмай, балки баъзан кичик партияларни, вакиллик органларига ўз номзодларини кўрсатишнинг истиқболсизлигидан, сиёсий майдонни тарк этишга мажбур қилиш орқали партиявий тизимга ҳам таъсир қилади. Конституциявий ҳуқуқ сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг маълум томонларини, масалан, баъзан молиявий масалаларини ҳам тартибга солади.

Ниҳоят, сиёсий тизимнинг табиати парламентлар, ҳукуматлар, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ички тузилишига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Конституциявий ҳуқуқнинг сиёсий тизим билан ўзаро алоқасининг бошқа шакллари ҳам мавжуд. Улар кўп жиҳатдан ҳар бир мамлакатдаги сиёсий ўзгаришларни белгилаб беради, барча сиёсий кучларнинг конституциявий ҳуқуқни ривожлантиришдан манфаатдорлигининг сабабини изоҳлаб беради.

II б о б. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ТИЗИМИ

*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИНГ МАНБАЛАРИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИНГ ТИЗИМИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚДА ЗИДДИЯТЛИ ҲОЛАТЛАР**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚДА ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ**

1-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИНГ МАНБАЛАРИ

Конституциявий ҳуқуқнинг манбалари адабиётларда икки маънода талқин қилинади. **Биринчиси** — конституциявий-ҳуқуқий нормаларни вужудга келтирувчи куч, яъни муайян сиёсий иродани ўзида мужассам этган давлат ҳокимияти. **Иккинчиси** — мазкур нормаларни ифодаловчи турли-туман шаклдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Давлат ҳокимияти жамият эҳтиёжларидан ва ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш йўналишларидан келиб чиқиб ҳуқуқий нормалар қабул қилади. Ҳар қандай конституциявий-ҳуқуқий нормада давлат ҳокимиятининг муайян иродаси ўз ифодасини топади.

Конституциявий-ҳуқуқий нормаларни ўзида жамлаб турувчи ҳамда ифодаловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар: конституция, конституциявий қонун, жорий қонун, фармон ва бошқа ҳуқуқий актлар кўринишида бўлади.

Конституциявий ҳуқуқнинг манбалари (шакллари) бўлмиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагича таснифланади:

а) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;

д) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;

ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Конституциявий ҳуқуқ манбалари (ҳуқуқий ҳужжатларнинг шакллари)га ўзаро ички мутаносиблик, мувофиқлик ҳамда тобелик муносабатлари хос. Улар ўзига хос «иерархияни», яъни юқоридан пастга қараб поғонама-поғона тобеълик асосида тушувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тузилмасини ташкил этади. Бунда юқори юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий актлар бошқасига нисбатан юқори поғонани эгаллайди. Масалан, Конституция ўз юридик кучига кўра энг олий ҳуқуқий-норматив ҳужжат бўлиб, ҳуқуқий эҳромнинг чўққисида туради. Ундан кейин конституциявий қонун ва оддий қонунлар ўрин эгаллайди. Қонунлар фармон ва ҳукумат қарорларидан юқори туради. Фармонлар ҳукумат қарорлари ва қолган барча қуйи турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туради ва ҳоказо.

Муайян конституциявий муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқий норма қандай шаклда ифодаланиши, амалга ошиши иккинчи даражали масала эмас. Бу ерда манбалар ўртасида зиддиятларни бартараф эта оладиган қатъий тартиб бўлмоғи керак. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мақомини ўзгартириш фармон ёки ҳукумат қарори билан амалга оширилмайди. Бу Конституция ёки конституциявий қонуннинг предметини ташкил этадиган масаладир.

Қонунга фармон билан ўзгартириш ва қўшимча киритиш мумкин эмас. Қонун фақат янги қонун билан ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 13-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Президенти, худди давлат бошқарув органларининг актлари сингари ҳокимларнинг қабул қилган ғайриқонуний ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади.

Конституцияга зид қонун, фармон ва ҳукумат қарорлари Конституциявий суд хулосаси асосида амал қилишдан тўхтатилади.

У ёки бу актни ҳуқуқнинг манбаи сифатида тан олиш муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Бунинг маъноси шундаки, «манба» деб тан олинган ҳужжат фуқаролар ва бошқа тегишли субъектлар учун

муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтиради. Натижада, субъектлар ўз ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишни талаб эта оладилар.

Конституциявий-ҳуқуқий нормаларга хос шаклларнинг хусусияти нафақат уларнинг мазмунида (зеро, муайян мазмунга тегишли шакл мувофиқ келади), балки уларни қабул қилиш шаклида ҳам ифодаланади. Масалан, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари конституцияда ва қатъий белгиланган тартибда мустаҳкамланади.

Конституциявий ҳуқуқ манбалари икки асосий соҳани: табиий ҳуқуқ ва давлат томонидан яратилган ижобий ҳуқуқ (позитив ҳуқуқ) соҳаларини ташкил этади.

1. **Табиий ҳуқуқ.** Ҳуқуқ нормаларини фақат давлат томонидан яратилган ёзма ҳуқуқдан иборат деб чеклаб бўлмайди. Бу айниқса конституциявий ҳуқуққа тааллуқли, чунки у инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишга қаратилгандир. Позитив ҳуқуқий тартибга солиш оғиб кетишлар хавфи ва авторитар қарор қабул қилиш истагига яқиндир. Ёдда тутиш керакки, бу қусурлардан ташқари, инсонларнинг ҳуқуқ мазмунмоҳиятига оид эркинлик ва озодлик ҳақидаги умуминсоний тасаввурлари ҳам мавжуддир. Бу тасаввурлар абадий қадриятлар сирасига киради ва ҳар қандай ҳуқуқ тизимининг демократиклиги даражасини белгиловчи бош мезон бўлиб хизмат қилади.

Табиий ҳуқуқни табиатан инсонга хос эркинлик ҳолати ва узвий ажралмас ҳуқуқлари сифатида тушуниш қадим замонлардаёқ шаклланган. Бу ғояни Арасту ва бошқа улуғ мутафаккирлар ривожлантирганлар. Рим ҳуқуқида, асосан позитив ҳуқуқ ривожлантирилган, лекин шунга қарамай, табиий ҳуқуқ ҳам тан олинган. Масалан, Цицерон тўғридан-тўғри табиий ҳуқуққа зид қонунни қонун деб ҳисобламаслик керак, деб таъкидлаган.

Табиий ҳуқуқ назарияси XVII—XVIII асрларда Европа ва Америкада бўлиб ўтган демократик инқилобларнинг асосий мақсадини белгилаган ва ҳуқуқий давлат концепциясига асос қилиб олинган. У ҳозиргача ривожланган мамлакатларда ҳал қилувчи ўрин тутади. Марксизм, табиий ҳуқуқни инкор қилган: бир вақтнинг ўзида табиат ва онг юзага келтирган ҳуқуқлар бўлиши мумкин эмас, мамлакатда фақат битта, шу давлат томонидан қабул қилинган позитив ҳуқуқ бўлиши мумкин, деб ҳисоблаган. Бу тушунарли, албатта,

чунки ўзгача таъриф тоталитар, эркинликни инкор этувчи, инсонларнинг ҳуқуқсизлигига асосланган давлат қуриш йўлида ғов бўлиб қоларди.

Ҳозирги даврда конституциявий ҳуқуқ кенг ривожланмоқда ҳамда умуминсоний қадриятлар ва ғоялар аниқ ҳуқуқий шакл олмоқда. Шунинг учун ҳам табиий эркинлик ва адолатга таяниб, инсоннинг у ёки бу хатти-ҳаракатини оқлаш, унинг кафолатини бериш унчалик муҳим эмас. Амалдаги Конституцияда барча асосий табиий ҳуқуқлар (яшаш, шахснинг дахлсизлиги, хусусий мулк ҳуқуқи, сўз эркинлиги ва бошқалар) аниқ белгилаб қўйилган. Бу, ўз навбатида, позитив ва табиий ҳуқуқлар тобора яқинлашиб, қўшилишиб, уйғунлашиб бораётганлигини кўрсатади.

Аммо ҳаёт ҳуқуқдан ва уни яратувчилар тасаввуридан бойроқдир. Инсонлар ўз фаолиятлари билан янги-янги ижтимоий муаммоларни юзага келтирадилар, уларнинг ҳуқуқий ечимини топишга интилиб, кўпдан кўп ҳуқуқий нормалар қабул қиладилар. Бу эса объектив тарзда конституциявий эркинликларнинг чекланишига олиб келади. Шу боис ҳам демократия инсон ҳуқуқларининг муҳим минимал нормалари мавжудлигини давлатга эслатиб туриши лозим, токи бу ҳуқуқлар муайян мақсадлар йўлида қурбон бўлмаслиги керак.

Табиий ҳуқуқ фуқаролар, қонун яратувчилар, мансабдор шахслар, судьялар ҳуқуқий онгининг асоси сифатида позитив ҳуқуқни қўллаш жараёнида иштирок этиши лозим. Табиий ҳуқуқнинг яна бир муҳим томони инсон ва давлатнинг моҳиятига диний ёндашишда намоён бўлади. Ўрта аср мутафаккирлари (хусусан, Фома Аквинский), қадимги дунё файласуфлари табиий ҳуқуқни илоҳий табиатидан узилиб қолганлигини бартараф этиб, уни христианлик билан боғлаганлар. Ҳозирги христиан-демократлар эркинлик ҳолати табиий, яъни инсонга ҳаёт билан бирга худо томонидан инъом этилган, деб қарайдилар. Ҳозирги Ғарб мамлакатлари дунёвий бўлишига қарамай, ушбу таърифни қабул қиладилар ва табиий ҳуқуқни юксак маънавий қадрият, инсон ҳуқуқларининг ажралмаслигини маънавий томондан таъминловчи қадрият, деб қабул қиладилар. Бундай ёндашиш демократия куртак отаётган Ўзбекистон учун муҳим ва, шу билан бирга, мамлакатда мавжуд турли диний конфессиялар учун зид эмас.

Табиий ҳуқуқ парламент, Президент, ижро ва суд

ҳокимияти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари учун энг юқори императив деб тан олингандагина у позитив ҳуқуқ билан узвий қўшилса, унинг қўлланиши жамиятнинг орқага кетмаслигига кафолат бўлади.

Ҳозирги вақтда позитив ҳуқуқнинг устуворлигини тан олиш, яъни ҳуқуқни «норматив» талқин этиш ҳар қанча муҳим бўлмасин, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган демократик ҳуқуқий ислоҳотларга хайрихоҳлик қилмайди.

2. **Позитив ҳуқуқ.** Конституциявий ҳуқуқ манбалари ичида, **биринчидан,** давлат томонидан вужудга келтирилган **конституциялар** алоҳида ўрин тутади. Бу ҳар қандай давлатнинг ёзма шаклдаги Асосий қонунидир. Кези келганда айтиш лозимки, Буюк Британия ва бошқа айрим давлатларда ёзма шаклдаги конституция мавжуд эмас. Демократик мамлакатлар учун энг муҳими — табиий ҳуқуқ ва ҳуқуқий давлат тамойилларига асосланган ҳақиқий конституциявий тузум ўрнатишдир.

Конституция энг муҳим қоида ва принципларни ўрнатади, кейин улардан турли шакллардаги ҳуқуқий тартибга солиш келиб чиқади. Шу билан бирга, Конституциянинг айрим нормалари бевосита (тўғридан-тўғри) амал қилиши мумкин. Яъни улар ўзининг амал қилиши учун қўшимча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишини талаб этмайди. Бир қатор мамлакатларда конституциянинг ёнига узвий (органик) қонунлар қўшилиши назарда тутилади. Бу қонунлар конституциянинг бланкет нормаларини аниқ мазмун билан бойитади. Конституцияни ўзгартириш, унга қўшимчалар киритиш алоҳида мураккаб тартибда амалга оширилади. Конституциялар ана шу хусусияти билан ҳам оддий қонунлардан фарқ қилади.

Мамлакатимизнинг амалдаги Конституцияси кенг кўламдаги масалаларни, шу жумладан инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларни тартибга солади. Ўзбекистон Республикаси таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси мавжуд. У ҳам ўз Конституциясига эга. Бироқ, юридик кучига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясидан устун туради.

Иккинчидан, қонунлар конституциявий ҳуқуқнинг муҳим манбаидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар қабул қила-

ди. Мамлакатимизда давлат-ҳуқуқий амалиёт конституциявий қонунлар қабул қилиш йўлидан борди. Шубҳасиз, конституциявий қонунлар конституциявий ҳуқуқнинг манбаи ҳисобланади. Ўзбекистонда «Олий Мажлис тўғрисидаги конституциявий қонун», «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги конституциявий қонун» кабилар амал қилмоқда.

Конституциявий қонунлардан кейинги ўринда конституциявий ҳуқуқнинг манбаи сифатида оддий қонунлар туради.

Қонун парламент — давлат олий вакиллик органининг ҳужжати бўлиб, ҳуқуқни ифодалашнинг юқори юридик кучга эга бўлган шаклидир. Муҳим жиҳати шундаки, кенг маънода қонунни (бунга конституция, конституциявий қонунлар ҳам киради) уни қабул қилган олий вакиллик органидан бошқа ҳеч бир идора ўзгартира олмайди, бекор қила олмайди ёки янгисини ўрната олмайди. «Иерархия» тизимида қонундан қуйи турувчи барча норматив-ҳуқуқий актлар қонунга қатъий мувофиқ ҳолда қабул қилиниши ва амалга оширилиши шарт. Мабодо, бирон-бир қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунга зид бўлса, у қонунга мувофиқ ҳолга келтирилиши ёхуд бекор қилиниши лозим.

Қонун жамият ва давлат нуқтаи назаридан ўта муҳим ҳисобланган конституциявий-ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситасидир. Унда мазкур муносабатлардаги қонуниятларнинг норматив мажбурий табиати ва сиёсий-ҳуқуқий нормаси ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, қонунлардан ташқари, қарорлар ҳам қабул қилади. «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги (1997 йил 30 август) қонунининг 15-моддасига кўра, қонунчилик ҳужжатларига қонунлар ва Олий Мажлиснинг қарорлари киради. Мазкур қоида Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Қарорлар алоҳида масалалар бўйича (индивидуал) ва умумий қоида ўрнатувчи (норматив) бўлиб, конституциявий ҳуқуқнинг манбаи вазифасини ўтайди.

Учинчидан, шартномалар ва битимлар ҳам конституциявий ҳуқуқнинг манбаларидир. Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида

бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро шартнома ва битимлар тузади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидалари устунлигини тан олиши мустаҳкамланган; 78-моддаанинг 21-бандига кўра, Олий Мажлис Ўзбекистон тузган (имзолаган) халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация қилиш (муддатидан барвақт тўхтатиш)ни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан шартномалар тузиши «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги (1995 йил) қонуни билан тартибга солинади. Халқаро шартнома ва битимлар мамлакат ичида амал қилувчи қонунлардан устун саналади. Улар ўзаро зид келиб қолган тақдирда халқаро шартнома ва битимларнинг қоидалари амал қилади.

Ушбу умумий қоидалардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, халқаро шартномалар ва битимлар ҳам конституциявий ҳуқуқнинг манбаи сифатида эътироф қилинади.

Тўртинчидан, декларация ҳам конституциявий ҳуқуқнинг манбаи ҳисобланади. Бундай ҳуқуқий ҳужжат шаклида муҳим конституциявий-ҳуқуқий нормалар қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат суверенитети тўғрисидаги декларацияси (1990 йил 20 июн)ни эслатиш мумкин. Бу турдаги декларациялар муҳим сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга. Уларда конституциявий-ҳуқуқий ривожланишнинг зарур принциплари ифодаланган. Уларда, одатда, янги давлатнинг янада ривожланиши концепцияси, сиёсатнинг барча қирралари учун зарур принциплар эълон қилинади ва уларга тегишли қонунлар мувофиқлаштирилади.

Декларация, одатда, конституциявий-ҳуқуқий ривожланишнинг умумий принципларини белгилайди. Бу принциплар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияда ўз аксини топган. Конституцияда декларация қабул қилиш ваколати, уни қўллаш, унинг кучи, қабул қилиш тартиби хусусида маълумотлар йўқ. Ваҳоланки, парламент бундай актларни, уларнинг олий юридик кучини инобатга олиб, одатдаги қонунчилик таомилига амал қилмасдан, қабул қилиши мумкин.

Бешинчидан, Президент фармонлари — конституциявий ҳуқуқнинг алоҳида манбаи. Фармонлар Ўзбе-

кистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунларига мувофиқ ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинади. Фармонлар фақат давлат раҳбари томонидан қабул қилинади. Конституцияда улар мамлакатнинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийлиги белгиланган бўлиб, Конституция ва қонунларга зид бўлмаслиги лозим. Бундан хулоса шуки, Президентнинг фармон ва фармойишлари қонун ости ҳужжатлари жумласига киради.

Президент фармони норматив бўлиши ва норматив бўлмаслиги мумкин. Биринчиси, Президентнинг конституциявий ваколатлари доирасида ёки қонунчиликдаги камчиликларни тўлдириш учун қабул қилинади. Иккинчиси, Президент томонидан муайян қонунни қўллаш ҳужжати бўлиб, унда ҳудуд, вақт бўйича, шахслар доираси бўйича маълум нормалар бўлади.

Президент ўз ваколати доирасида фармонлар чиқаради. Шунингдек, кенг доирадаги масалалар бўйича қонунлар қабул қилингунча амал қиладиган фармонлар чиқариши мумкин. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг бу турига қарши бўлган олимлар фармонлар қонунларни алмаштириб қўйишидан хавотирга тушадилар. Лекин бундай хавотирга ўрин йўқ, чунки гап бу ўринда вақтинча хусусиятга эга бўлган ва қонун қабул қилиниши билан осон бекор қилинадиган ҳужжатлар устида кетаяпди.

Олтинчидан, ҳукумат қарорлари ҳам конституциявий ҳуқуқнинг манбаи ҳисобланади. Ҳукумат ижрони амалга оширувчи орган бўлгани учун барчага мажбурий қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари, ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми, мавқеи, ижро органлари: вазирлик, давлат қўмиталари ва маҳкамалар томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий актлар орқали тартибга солинади. Мисол тариқасида Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитасининг мулкни хусусийлаштириш соҳасини тартибга солувчи кўплаб ҳужжатларини келтириш мумкин. Шу билан бирга, бундай актлар муайян ҳуқуқий оқибатларга эга бўлиши учун Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтиши ҳамда расмий нашрларда чоп этилиши лозим.

Еттинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатлари ҳам конституциявий ҳуқуқнинг манбалари жумласига киради. Конституцияда маҳаллий бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида

мустақил эканликлари белгиланган. Бу шуни билдирадики, маҳаллий бошқарув органлари ўзларининг ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилишлари мумкин. Агар бу ҳужжатлар конституциявий ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларни (масалан, ҳуқуқ ва эркинликларни кенгайтириш ёки уларнинг кафолатланганлигини мустаҳкамлашни) тартибга солади. Шу боис улар конституциявий ҳуқуқнинг манбаи сифатида тан олинади.

Маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ҳужжатлари Конституция, қонун, фармон, ҳукумат қарорлари, марказий давлат бошқарув органлари актларига мувофиқ ва уларнинг ижросини таъминлаш учун чиқарилади. Улар ўз ҳудуди доирасида конституциявий ҳуқуқ предметига кирувчи масалаларни тартибга солади.

Конституциявий ҳуқуқ манбаларига Қорақалпоғистон Республикасининг қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти органлари томонидан чиқариладиган норматив актлар ҳам киради.

Конституциявий ҳуқуқ манбаларининг барча турлари ҳам муҳим ва уларнинг аксарияти Конституцияда белгиланган. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда конституциявий-ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассамлаштирувчи ҳуқуқий ҳужжатлар ўзгарувчан бўлиб, нормалар бир ҳужжатдан иккинчисига ўтади ва биринчиси ўз кучини йўқотади. Ўтиш даврида қонун шаклида қабул қилиниши зарур бўлган баъзи нормалар Президент фармонларида эълон қилинганлигини таъкидлаш лозим.

2-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИНГ ТИЗИМИ

Конституциявий ҳуқуқ катта ҳажмдаги ҳуқуқий нормаларни қамраб олади. Улар ўз мазмуни, конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари, тартибга соладиган объектлари ва бошқа кўпгина жиҳатлари билан серқирра ҳамда турли-тумандир.

Маълумки, ҳуқуқ соҳаси юридик нормаларнинг оддийгина йиғиндиси эмас. Мазкур нормалар орасида мураккаб тизимли алоқадорлик мавжуд. Ушбу алоқадорликни конституциявий ҳуқуқ соҳасининг ички тузилишига, тизимига оид хусусиятларни чуқур англаш орқалигина тушуниб етиш мумкин.

Конституциявий ҳуқуқ, бир томондан, жамиятдаги ягона ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмидир, иккинчи томондан эса, унинг ўзи мураккаб тизим сифатида ажралиб туради. Муайян ҳуқуқ соҳасининг тизими — унинг ички тузилиши бўлиб, бунда соҳа таркибига кирувчи нормалар ўртасидаги алоқадорлик, тизимли боғланиш, ҳуқуқий бирликларнинг табақалашуви ва уюшиши хусусиятлари, шунингдек, тизим таркибий бўғинлари (элементлар)нинг белгилари намоён бўлади. Биз ўрганаётган соҳа тизимида конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро алоқаси ва боғлиқлигининг асосий йўналишлари ифодаланади.

Албатта, конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг ҳар қандай йиғиндиси ҳам у ёки бу мезонлар асосида бирикиши ёки дифференциациялашувига қараб конституциявий ҳуқуқ соҳасининг муайян бўғинини ташкил этавермайди. Соҳанинг бўғинини (элементини) аввало, ички ўзаро мутаносиблик ва ягоналикка эга бўлган ҳамда тизимдаги бошқа бўғинлар билан узвий алоқадорликда амал қилувчи йирик ҳуқуқий тузилмалар ташкил этади. Улар ўзига хос белгилари билан ажралиб туради.

Мазкур белгилар конституциявий-ҳуқуқий нормаларни нисбатан мустақил гуруҳларга, мажмуаларга бириктириш ва саралаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Уларнинг ўзи, айни вақтда, бу нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар соҳаси билан боғлиқдир. Бу ижтимоий муносабатлар ҳаётнинг ҳар хил жабҳаларига оид бўлганлиги учун ҳам улар турли сифат ва хусусиятларга эга бўлади. Шу боис уларни тартибга солувчи нормалар ҳам ана шундай сифат ва хусусиятларга эга бўлиши табиий.

Конституциявий ҳуқуқ тизимида унинг асосий бўғинларини ташкил этувчи қуйидаги институтларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) конституциявий тузум асослари;
2) инсон ва фуқаро ҳуқуқий мақомининг асослари;
3) маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши;
4) давлат ҳокимияти тизими ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими.

Конституциявий ҳуқуқнинг бундай тузилиши, унинг предметини ташкил қилувчи ижтимоий муносабатларнинг ички тизимига мосдир. Ҳар бир ижтимоий муносабатларнинг доираси ўзига хос хусусиятга эгалиги маълум. Булар: муносабатлар объекти, субъекти, ҳуқуқий

таъсир этишнинг меъёри, шакли ва табиатидир. Бу қоидалар конституциявий-ҳуқуқий муносабатларга ҳам тўла тааллуқлидир.

Тармоқ тизими конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ, бироқ бу хусусиятлар унинг асоси бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий шаклга, юридик нормаларнинг ўзига, уларнинг хусусиятлари ва хоссаларига тегишли омиллар конституциявий ҳуқуқий нормаларни тизимлаштириш мезони бўлиб ҳисобланиши мумкин. Ушбу омиллар, табиийки, ҳуқуқий таъсир механизми, ҳажми ва бошқа сифат кўрсаткичларини белгиловчи ижтимоий муносабатлар ва уларни тартибга солувчи нормалар мазмунидан келиб чиқади. Шу туфайли конституциявий ҳуқуқ тизимининг ҳар бир элементи, унинг энг йирик институтлари ўзига хос, ҳуқуқий табиатга эга бўлган белгилари ва уни бошқа ҳуқуқий институтлардан ажратиб турувчи хоссалар билан ажралиб туради.

Ҳар бир конституциявий-ҳуқуқий институт хусусиятини акс эттирувчи фарқларни ифодаловчи белгилар кўп қирралидир.

Уларга қуйидаги фарқларни киритиш мумкин:

биринчидан, маълум доирадаги ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир қилувчи тафовутлар хусусиятига кўра. Бундай таъсир ҳуқуқий мустаҳкамлаш, ўрнатиш, тартибга солиш, эътироф этиш, мақсадга йўналтириш, рухсат этиш каби шаклларда амалга оширилади;

иккинчидан, ҳуқуқий нормалар ҳаракатланиш механизмининг хусусиятлари, уларни амалга ошириш усулларига кўра. Норма амалда ҳеч қандай муайян ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирмаслиги мумкин ёки, аксинча, муайян ҳуқуқий муносабатлар орқали ёки умумий ҳуқуқий муносабатлар орқали амал қилиши мумкин;

учинчидан, ҳуқуқий тартибга солишнинг муайян йўналтирилганлик даражасига кўра. Маълум институтлар ижтимоий муносабатларнинг кенг доирасига ҳуқуқий таъсир қилиш принципларини белгилайди, бошқалари эса муайян тартибга солишни амалга оширади;

тўртинчидан, субъектлари таркибига кўра. Муайян ҳуқуқ институти нормалари муайян субъектларга ёки субъектларнинг маълум турига йўналтирилган бўлса, бошқалари ҳуқуқнинг ҳамма субъектларига, барча

ҳуқуқни қўлловчи субъектларга тегишли бўлади. Шу сабабли ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқий мавқеи, улар ҳуқуқий мажбуриятларининг аниқ ифодаланиши турличадир;

бешинчидан, амалдаги ҳуқуқий нормаларни ҳуқуқий муҳофазалаш, ҳуқуқий масъулиятли субъектларнинг жавобгарлиги шакл ва усулларига кўра. Баъзи институтларда конституцияни муҳофазалашнинг умумий механизми устун бўлса, бошқаларида конституциявий ҳуқуқий нормаларни бузувчи муайян субъектга тегишли ғайриқонуний ҳужжатлар ва хатти-ҳаракатларни бекор қилиш орқали таъсир қилиш устун ҳисобланади;

олтинчидан, муайян ҳуқуқий институт қамраб олувчи ҳуқуқий нормаларнинг ифодаланиш шакли хусусиятларига кўра. Баъзи институтларда нормалар кўпроқ конституциявий ифодаланиш шаклига эга; бошқа институтларда нормаларнинг кўпчилиги амалдаги қонунчиликда ифодаланади;

еттинчидан, муайян ҳуқуқий институтнинг турига кўра. Баъзиларида норма-принциплар, норма-мақсадлар, норма-таърифлар, бошқаларида муайян тартибга солувчи нормалар кўпчилигини ташкил қилади;

саккизинчидан, ҳуқуқий нормалар мазмунидаги мақсадларни амалга оширишда ҳуқуқий тизимнинг бошқа қисмлари, бошқа ҳуқуқ тармоқлари қисмларининг жалб қилинганлик даражаси ва кўламига кўра. Айрим ҳуқуқий институтларда шундай қоидалар борки, уларни фақат биргина конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш доирасида амалга ошириб бўлмайди. Бошқа ҳуқуқий институтларда эса нормалар бевосита унинг доирасида амалга оширилади;

тўққизинчидан, ҳуқуқий тартибга солишнинг мақсадга йўналтирилганлигига кўра. Конституциявий ҳуқуқ соҳасининг умумий вазифаси доирасида унинг тизимидаги ҳар бир қисми ҳуқуқий тартибга солишнинг сифат жиҳатдан алоҳида хусусияти билан чекланади. Бунда мазкур гуруҳдаги ҳуқуқий нормалар таъсири, амалга ошиши билан эришиладиган натижа ўз аксини топади. Ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий мақсадга йўналтирилганлиги мазкур конституциявий-ҳуқуқий институт ҳуқуқий таъсир кўрсатадиган ижтимоий воқеликнинг ривожланиш қонуниятлари билан боғликдир;

ўнинчидан, ҳар бир ҳуқуқий институтга хос функцияларга кўра. У умуман тармоқ тизимида унинг ўрни-

ни, бўлак ва бутун орасидаги ўзаро алоқаси табиатини ҳамда унинг бошқа институтлар билан ўзаро муносабатдаги ролини белгилайди. Ҳар бир ҳуқуқий институтнинг функциялари ҳуқуқий тармоқнинг ҳуқуқий тартибга солиш предметига умумий таъсиридаги вазифасини акс эттиради;

ўн биринчидан, ҳар бир ҳуқуқий институтга хос бўлган принципларга кўра. Яъни унинг барча нормалари бўйсунувчи раҳбарий ғоялар бўйича изоҳланади.

Юқорида санаб ўтилган ўзига хос жиҳатларнинг жами конституциявий ҳуқуқнинг ҳар бир институтини бу тармоқнинг таркибий қисми сифатида ифодалайди.

Чунончи, конституциявий тузум асосларини мустаҳкамловчи нормаларни мужассамлаштирган ҳуқуқий институтга қуйидаги махсус белгилар хос. Ушбу конституциявий институтнинг нормалари:

1) жамият ва давлат тузумининг маълум асосларини мустаҳкамлаш орқали ижтимоий муносабатларга таъсир қилади;

2) одатда ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирмайди;

3) ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларига ҳуқуқий таъсирнинг туб мазмунини белгилайди;

4) ҳуқуқнинг барча субъектларига, ҳуқуқни қўлловчи барча субъектларга тегишли бўлади;

5) конституция, конституциявий тузумни муҳофаза қилишнинг умумий режимидан ўз ҳимояси учун фойдаланади;

6) фақат янги конституция қабул қилинганда ўзгариши мумкин;

7) кўпинча конституциявий шаклда мустаҳкамланади;

8) ўз мазмунига кўра норма-принцип, норма-таъриф, норма-мақсад ҳисобланади;

9) ўзида мужассамлаштирган мақсадларни амалий ва ҳуқуқий жиҳатдан амалга оширишга бутун ҳуқуқий тизимни, ҳуқуқнинг барча тармоқларини жалб этишни назарда тутади.

Мазкур институт нормаларининг йиғиндиси, ўз функцияларига кўра, конституциявий ҳуқуқнинг бошқа институтлари учун белгиловчи аҳамиятга эга. Улар бутун конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш учун йўналтирувчи аҳамиятга эга.

«Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақоми асослари

институти» ҳам конституциявий ҳуқуқнинг мустақил таркибий қисми сифатида махсус ўзига хос белгиларга эга. Унинг нормалари:

1) инсоннинг табиий ажралмас ҳуқуқларининг давлат томонидан тан олиниши орқали ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсирини ўтказади;

2) аксарият ҳолларда ҳуқуқий муносабатлардан ташқари амалга оширилади;

3) инсон ва давлатнинг ўзаро муносабатлари соҳасига тегишли бўлади;

4) уларда ҳуқуқнинг субъекти сифатида инсон, фуқаро, шахс майдонга чиқади;

5) муҳофаза қилишнинг алоҳида тизимини назарда тутади ҳамда янги конституцияни қабул қилмасдан туриб қайта кўриб чиқилмайди;

6) ўзининг амалга ошиши учун ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари, чунончи фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини меҳнат, фуқаролик, оилавий ва бошқа ҳуқуқий муносабатларни жалб этади.

Конституциявий ҳуқуқ тизимини тавсифлашда унинг Конституция тизими билан нисбатини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Конституция конституциявий ҳуқуқ соҳасининг асосий манбаи ҳисобланади. Конституциянинг ички тузилиши ва тизими субъектив ҳодисадир, зеро у қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан вужудга келтирилади. Аммо бундай тизимлаштириш тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг хусусиятларини, шунингдек, конституциявий ҳуқуқ соҳасининг объектив омилларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Конституциядаги нормаларни институтларга ажратиб гуруҳлаш норматив мазмунга эга. Шу боис бу гуруҳлашни ҳамда конституциявий ҳуқуқ соҳаси тизимини белгилашда ўзибўларчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Конституциядаги нормалар гуруҳланиши тўлиғича конституциявий ҳуқуқ таркибидаги ҳуқуқий нормалар гуруҳланишига мос бўлавермайди.

Конституциявий ҳуқуқ тизими барча конституциявий-ҳуқуқий нормалар йиғиндисини қамраб олади. Конституция тизими эса фақат бу нормаларнинг соҳа манбаида акс этганларинигина ўз ичига олади. Масалан, конституциявий ҳуқуқ тизимининг элементи сифатида давлат ҳокимияти органлари тизимини, улар фаолиятининг принципларини, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосларини ва ваколатларини белгиловчи конс-

титуциявий-ҳуқуқий нормалар йиғиндиси намоён бўлади. Конституция тизимида эса нормаларни кичик-кичик гуруҳлар тарзида умумлаштириш принципи қўлланилади.

Бироқ конституциявий ҳуқуқ тизими ҳам, конституция тизими ҳам мудом қотиб қолган ҳодисалар эмас. Улар доимо ўзгариб, ривожланиб боради, бу ижтимоий муносабатларнинг тараққиёт даражасига мувофиқ бўлади. Ҳуқуқий таъсир этиш эҳтиёжлари ўзгариши туфайли янги конституциялар қабул қилиниши зарурати келиб чиқиши мумкин. Шу аснода конституциявий ҳуқуқ тизимида ҳам ўзгаришлар юз беради.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши билан ижтимоий тараққиётнинг янги концепцияси белгиланди, конституциявий ҳуқуқий тартибга солишнинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш манфаатларига мос принциплари белгиланди, янги институтлар жорий этилди. Бу табиий равишда конституциявий ҳуқуқ тизимида ўз аксини топди, унинг таркибида янги институтлар шаклланишига олиб келди. Хусусан, президентлик ҳокимияти ваколатлари, суд ҳокимиятининг ҳуқуқий ҳолати, маҳаллий ҳокимлик ва ўзини ўзи бошқариш идораларининг конституциявий мақоми институтлари ва ҳоказо.

3-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚДА ЗИДДИЯТЛИ ҲОЛАТЛАР

Ҳуқуқ тизими ҳар қанча пухта ва мукаммал, унинг таркибий бўғинлари (соҳалар, институтлар ва нормалар) ўртасидаги якдиллик ҳамда ўзаро алоқадорлик юқори даражада уйғунлашган, равон бўлмасин, улар орасидаги айрим қарама-қаршилик (зиддиятли вазиятлар келиб чиқиши ҳолатлари)нинг олдини ололмайди. Бундай вазиятлар конституциявий ҳуқуқда ҳам учраб туради. Зиддиятли вазиятларнинг бўлиши турли сиёсий кучлар, конституциявий-ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасида низолар келтириб чиқариши мумкин. Шу боис уларнинг келиб чиқмаслигидан ҳар қандай давлат ҳокимияти манфаатдордир.

Юридик зиддият (коллизия)лар ҳуқуқий тизимнинг равон, бир маромда фаолият кўрсатишига халал беради, айрим ҳолларда хатто фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлиши, ҳуқуқий тартибга солиш

самарасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Улар ҳуқуқни қўллаш амалиётида, оддий фуқароларнинг қонунчиликдан фойдаланишида ноқулайликлар келтириб чиқаради.

Хўш, юридик зиддиятларни қандай омиллар келтириб чиқаради? Фикримизча, бунинг сабаблари қуйидагилар:

1) қонунларнинг етарли даражада такомиллашмаганлиги;

2) Конституция ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини нотўғри талқин этиш;

3) баъзан давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасидан четга чиқиши ва бошқалар.

Ўзбекистонда юридик зиддиятлар вужудга келишининг яна бир объектив сабабини кўрсатиш мумкин. Бу Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилган вақтдан (1991 йил 31 августдан) бошлаб кейинги қатор йиллар мобайнида янги қонунчилик билан бирга собиқ совет давлатининг қонунлари ҳамда Ўзбекистон ССРнинг қонун ҳужжатлари мувозий тарзда амалда бўлганлигидир[1].

Юридик зиддиятлар келиб чиқишининг сабаблари хусусида шу нарсани ёдда тутиш лозимки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турли ижтимоий-ҳуқуқий онг ва савияга эга бўлган инсонлар ижодининг маҳсулидир. Боз устига, ҳуқуқ яратиш фаолиятига турли ижтимоий манфаат эгалари бўлган гуруҳлар ва кучлар таъсир кўрсатади. Натижада, турли давлат идоралари ва ижтимоий-сиёсий тузилмалар (сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ҳоказо) мақоми тўғрисидаги қонунлар одатда ана шу ижтимоий муроса (келишув)ни акс эттиради. Бу эса амалиётда баъзан тегишли қонунларнинг амалдаги ҳуқуқий нормалар, шу жумладан конституциявий-ҳуқуқий нормалар билан зид келиб қолишига олиб келади.

---

[1] Мазкур вазиятда келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 4 январда тегишли қарор қабул қилган эди. Бу қарорнинг 2-бандида шундай ёзилган: «Белгилаб қўйилсинки, бундан буён Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилик ҳужжатлари қабул қилингунига қадар унинг ҳудудида собиқ СССР қонунларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган қисмлари қўлланаверади» (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1992. № 3. 131-модда).

Юридик зиддиятларнинг сабаблари ҳам объектив, ҳам субъектив бўлиши мумкин. Объектив сабаблар қаторига, хусусан, ижтимоий муносабатлар ривожининг жадаллиги, ички қарама-қаршиликларга эгалиги ҳамда тез ўзгарувчанлиги киради. Ижтимоий ҳаёт нотекис ривожланаётган паллаларда ҳуқуқ ижтимоий муносабатлар тараққиётидан орқада қолиши ҳам табиийдир. Аксарият ҳолларда ҳуқуқ ижтимоий муносабатлар ривожига нисбатан консерватив (турғун) тарзда бўлади. Шу боис амалдаги қонунчиликка тез-тез ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб боришга тўғри келади. Оқибатда баъзи нормалар бекор қилиниб, янги нормалар вужудга келтирилади. Баъзан янги ҳуқуқий қоидалар билан аввалроқ яратилган нормалар ўртасида номувофиқликлар, зиддиятлар келиб чиқиши мумкин.

Зиддиятларнинг субъектив сабабларини сиёсатчилар, қонун чиқарувчилар, ҳокимият вакиллари ва бошқа кишиларнинг иродаси ва онги билан боғлиқ жиҳатлар ташкил этади. Бунда ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланувчи идоралар фаолиятининг етарли уйғунлашмаганлиги, ҳуқуқий материалнинг лозим даражада тартиблашмаганлиги, ижтимоий лоқайдлик, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий маданиятнинг етарли эмаслиги каби омиллар асосий ўрин тутади.

Конституциявий ҳуқуқда ҳам юридик зиддиятлар учраб туради. Бу соҳада табиий ҳуқуқлар билан давлат расмийлаштирадиган позитив ҳуқуқ ўртасида зиддиятларнинг мавжуд бўлиши хавотирлидир. Бироқ уларни бартараф этишнинг битта муҳим воситаси бор. Бу ҳар қандай ҳолатда ҳам табиий ҳуқуқларнинг устуворлигини таъминлашдир. Маълумки, конституциявий ҳуқуқнинг асосий функцияларидан бири инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишдир. Шу сабабли мазкур масалада зиддиятларнинг бўлиши конституциявий ҳуқуқ олдига муаммо қўяди. Ўз навбатида, конституциявий ҳуқуқ тегишли юридик зиддиятларни бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиши лозим бўлади.

Конституциявий ҳуқуқда келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятларнинг яна бир тури ваколатлар ҳақидаги баҳслар билан боғлиқ. Жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари давлат ҳокимияти идоралари ўртасида ваколатлар тақсимланиши хусусида низолар чиқишини эсга олайлик. Ўткир сиёсий курашлар шароитида, конституциявий иборалар етук шаклланмаган ва жамиятда

ижтимоий келишув тажрибаси етарли ривож топмаган вазиятларда низолар конституциявий инқирозларга айланиб кетиши мумкин. Масалан, худди шундай асосда Россия Федерациясида 1993 йил октябрида фожиавий ҳодисалар юз берган эди. Бунда ҳукумат парламент биносини қуролли куч ёрдамида ишғол этган эди. Ваколатлар хусусидаги баҳс ва низолар ҳозирги бир қатор ривожланган мамлакатлар сиёсий ҳаётининг ҳамроҳидир. Шу сабабли бундай низоларни ҳал этиш учун кучли конституциявий назорат органларини вужудга келтириш талаб этилади.

Конституциявий ҳуқуқ доирасидаги зиддиятларнинг яна бир тури — бу қонун билан бошқа норматив- ҳуқуқий актлар (яъни қонун ости ҳужжатлар) ўртасида келиб чиқувчи номувофиқликлардир. Тўғри, конституциянинг ўзида бунинг олдини олиш воситаси — «қонун устуворлиги» принципи мустаҳкамланган. Аммо, амалиётда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди. Баъзан идораларнинг манфаатлари, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари конституция ва қонунлар белгилаган ўзандан чиқиб кетади. Мазкур соҳадаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида конституциявий суд институти вужудга келтирилади. Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг конституцияга мослиги борасидаги ишларни кўриб, ҳал этади. Бу соҳада муайян зиддият, номутаносиблик аниқланган тақдирда конституциявий суд ўз хулосасини чиқаради. Шу тариқа конституция қоидаларининг устуворлигини таъминлайди.

Қонунлар билан қонун ости ҳужжатлари ўртасидаги зиддиятлар барча ҳолларда қонун фойдасига ҳал этилиши лозим. Зеро, қонун олий юридик кучга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида қуйидаги қоида белгиланган: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Амалиётда юридик зиддиятларни ҳал этишнинг қуйидаги усуллари қўлланилади:

1) ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш;

2) янги ҳуқуқий акт қабул қилиш орқали зиддиятли нормани бекор қилиш;

3) амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

4) зиддиятли масалани судда кўриш (шу жумладан конституциявий суд томонидан кўриб чиқиш);

5) қонунни тартиблаштириш (кодификациялаш) орқали юридик нормаларни ўзаро мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш;

6) музокаралар жараёни, келиштирув комиссиялари фаолияти ёрдамида зиддиятли вазиятни бартараф этиш.

Юридик зиддиятлар, сиёсий носозликлар жамиятдаги тартибот ва барқарорликка путур етказади, кишиларнинг ҳуқуқий онгига салбий таъсир этади. Бундай ҳолатлар ҳуқуқий маданият даражасининг пастлиги, юридик нигилизм илдиз отганлигининг оқибатидир. Хулоса шуки, энг аввало, конституциявий ҳуқуқ амалиёти — юридик зиддиятларнинг келиб чиқишига мумкин қадар йўл қўймаслиги лозим. Мабодо, улар рўй берадиган бўлса, бундай номувофиқликни бартараф этишнинг оқилона механизмларини яратишни назарда тутиш керак.

Юридик зиддиятлар ва уларни ҳал этиш тартибини такомиллаштириш ҳозирги конституциявий ҳуқуқнинг долзарб вазифасидир. Сўнгги йилларда зиддиятларни бартараф этиш ва уларнинг низо даражасига кўтарилишининг олдини олиш масалалари билан шуғулланадиган фан соҳаси — юридик конфликтология ривожланмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ҳуқуқий ислоҳотлар юридик зиддиятларни бартараф этиш, умуман, ҳуқуқнинг, шу жумладан, конституциявий ҳуқуқнинг ички барқарорлиги, бирлиги ва тизимлилигини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшади, деб умид билдириш мумкин.

4-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚДА ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Конституциявий-ҳуқуқий нормаларнинг юксак савияда ва лозим даражада бажарилиши махсус муҳофаза механизмининг мавжудлиги, шу жумладан конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг белгиланганлиги билан таъминланади. Муайян конституциявий-ҳуқуқий нормалар талабини бузганлик учун тегишли юридик жавобгарлик келиб чиқади. Бундай жавобгарликнинг субъектлари зиммасига конституциявий-ҳуқуқий норма ни бажариш масъулияти юкланган ва бу талабни

бажармаган мансабдор шахслар ҳамда давлат идоралари жавобгар бўладилар.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар бошқа ҳуқуқ соҳалари доирасида (маъмурий, фуқаролик, жиноят ҳуқуқи соҳаларида ва ҳоказо) аниқлаштирилганда — уни ижро этувчи ва ҳуқуқий талаб бажарилмаган тақдирда — жавобгарлик ўтовчи субъектлар — фуқаролар ва мансабдор шахслар бўладилар. Масалан, «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» деган конституциявий-ҳуқуқий норма мавжуд. Бу қоидага Ер кодекси ва Сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликда, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларда аниқлик киритилган. Уларни бузганлик учун жавобгарлик эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик Жиноят кодексларида белгиланган тартибда келиб чиқади.

Яна бир мисол. «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир» (Конституциянинг 52-моддаси). Ушбу конституциявий бурчни адо этишдан бўйин товлаган шахс маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади. Бу келтирилган мисоллардаги жавобгарлик гўё Конституцияда мустаҳкамланган нормани бузганлик учун келиб чиқаётганга ўхшаб туюлади. Аслида эса бу жорий соҳавий қонунчиликни бузганлик учун юридик жавобгарликдир.

Том маънодаги конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик юқорида келтирилган жавобгарликдан фарқ қилади. Бу жавобгарлик, аввало, конституциявий-ҳуқуқий нормада назарда тутилган бўлади; иккинчидан, унинг субъектлари соф конституциявий-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси тарзида намоён бўладилар. Конституциявий қонунчиликда назарда тутилган мансабдор шахслардан ташқари фуқаролар конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг субъекти саналмайдилар.

Демократик жамиятда давлат ва унинг идоралари зиммасига катта масъулият юкланади. Конституциявий жавобгарлик механизми эса ҳокимият ваколатларининг айрим бир давлат идоралари ва мансабдор шахслар қўлида ҳаддан зиёд тўпланиб қолишига чек қўяди. Ҳокимият ваколатларидан жамият манфаатлари йўлида тўғри фойдаланиш масъулияти ва уни суиистеъмол қилган-

лик учун жавобгарлик нафақат қуйи давлат идоралари ва мансабдор шахслар учун, балки давлатнинг энг юқори идоралари учун бирдек дахлдор бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси парламент сессиясида Олий Мажлис депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Раис ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида Олий Мажлисга ҳисобот бериб туради. Башарти, у ўз конституциявий ваколатларини лозим даражада адо этмаган тақдирда Олий Мажлис депутатлари учдан икки қисмидан иборат кўпчилигининг яширин овоз бериши орқали муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин (Конституциянинг 84-моддаси).

Бошқа бир қоидага эътиборни қаратайлик: «Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, — дейилади Конституция 103-моддасининг 1-қисмида, — ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар». Ўз ваколатларини талаб даражасида уддаламаган вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Президент томонидан лавозимидан озод қилинади ҳамда бу қарор тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади (102-модда).

Конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг классик шакли конституциявий нормада белгиланган санкция (жазо чораси)нинг қўлланилишидир. Конституциявий норма талаблари бузилганда, хусусан, қуйидаги санкциялар қўлланиши мумкин:

1) ғайриконституциявий (ғайриқонуний) ҳужжатни бекор қилиш;

2) лавозимидан озод этиш (истеъфога чиқариш; ваколатидан маҳрум этиш, депутатликдан чақириб олиш).

Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқида назарда тутилган юридик жавобгарликнинг муайян турлари бўйича мисоллар келтирамиз. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз ишончини оқламаган ҳукумат таркибини ёки унинг айрим аъзоларини истеъфога чиқаради. Конституциянинг 93-моддаси 9-бандида таъкидланганидек, Президент Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазир-

лар Маҳкамаси аъзоларини лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади. Шу модданинг 12-бандига мувофиқ, зиммасига юкланган юксак масъулиятни лозим даражада бажармаган, «Конституцияни, қонунни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли».

Президент республика бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган хужжатларини тўхтатади ва бекор қилади (Конституциянинг 93-моддаси 13-банди).

Олий Мажлис депутатлари халқнинг парламент (қонун чиқарувчи орган)даги мухтор вакилидир. Уларнинг зиммасида катта масъулият бор. Конституция депутатнинг дахлсизлик ҳуқуқини ҳам назарда тутади. Бироқ, шу юксак мавқе ва шарафли номга доғ туширувчи депутатлар топилгудек бўлса, улар чақириб олинадилар, яъни ваколатларидан маҳрум этиладилар.

Депутатни чақириб олиш асослари қуйидагилардан иборат: «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини бузаётган, депутатлик вазифаларини бажармаётган ёки сайловчиларнинг, шунингдек депутатликка номзод қилиб кўрсатган органнинг ишончини бошқача тарзда оқламаётган Олий Мажлис депутати... чақириб олиниши мумкин» (Қонуннинг 1-моддаси)[1].

Барча давлат идоралари ўзлари чиқарадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқ бўлиши учун масъулдирлар. Мабодо бу конституциявий қоида бузилса, тегишли конституциявий жавобгарлик келиб чиқади. Бундай жавобгарлик санкциясини Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди амалга оширади (Конституциянинг 109-моддаси).

Жамиятимизда ривож топиб бораётган демократиянинг маҳсули сифатида Конституциямизда шундай муҳим бир қоида мустаҳкамланган: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрель қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. № 5—6. 67-модда.

фуқаролар олдида масъулдирлар» (2-модда). Сансалорликка ва тўрачиликка йўл қўйган давлат идоралари ва мансабдор шахслар, шунингдек, инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг бузилишида айбдор бўлган идора ва мансабдор шахслар қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар. Хусусан, «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунга кўра, ҳар бир фуқаро давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Ушбу ҳуқуқий муносабатда мажбурият ўтовчи субъектларнинг судга шикоят қилинишга лойиқ коллегиал ёки якка тартибдаги хатти-ҳаракатлари (қарорлари) жумласига:

1) фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган;

2) фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик туғдирган;

3) фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юкланишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) киради (Қонуннинг 2-моддаси)[1]. Башарти, суд шикоятнинг асосланганлигини аниқласа, устидан шикоят берилган хатти-ҳаракатни (қарорни) қонунсиз деб топади, фуқаронинг талабларини қаноатлантириш мажбуриятини юклайди ва (ёки) унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзгача йўл билан тиклайди.

Фуқароларнинг мазкур мавзуда судга шикоят қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси билан кафолатланади.

Давлатнинг, давлат идораларининг фуқаролар олдидаги жавобгарлиги яна уларнинг қуйидаги конституциявий мажбуриятидан келиб чиқади: «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим».

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. № 9. 183-модда.

Конституциявий жавобгарлик аксарият ҳолларда сиёсий ва маънавий аҳамият касб этади. Ўз зиммасига конституциявий мажбуриятлар юклатилган сиёсатчи ўзининг ғайриконституциявий хатти-ҳаракатлари оқибатида сиёсий обрў-эътиборини йўқотиши мумкин. Конституциявий ваколатларни бажармаслик қатор ҳолларда давлат идораси ёки мансабдор шахснинг маънавий қиёфасига путур етишига олиб келиши мумкин. Шу маънода конституциявий жавобгарлик профилактик функцияни бажаради. Мабодо айбдорлик даражасини аниқлаш устида гап кетадиган бўлса, унда қонунда белгиланган процессуал қоидалар ва тартиб асосида иш тутилади.

Шундай қилиб, конституциявий жавобгарлик конституциявий ҳуқуқнинг муҳим институти ҳисобланади. Уни самарали қўллаш конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни муҳофаза этишда катта аҳамият касб этади. Бундан келиб чиқадиган истиқболдаги вазифалар шундан иборатки, конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш ҳамда амалга оширишнинг таомиллари ва процессуал механизмларини такомиллаштириш лозим. Шу билан бирга, юридик жавобгарликнинг мазкур турини қўллашга дахлдор бўлган идоралар, судлар, айниқса, Конституциявий суднинг фаолиятини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу йўналиш давлат ҳокимияти идоралари аниқ ишлашининг, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини собитқадамлик билан таъминлашнинг муҳим гаровидир.

III б о б. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИ

*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИНИНГ МУСТАҚИЛ ФАН СОҲАСИ СИФАТИДА ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИНИНГ XIX АСРДА РИВОЖЛАНИШИ. «КЛАССИК МАКТАБ»**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИНИНГ XX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА РИВОЖЛАНИШИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИНИНГ XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА РИВОЖЛАНИШИ**
*** ЎЗБЕКИСТОНДА ҲОЗИРГИ ЗАМОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

1-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Конституциявий ҳуқуқ миллий ҳуқуқ тизимининг мустақил соҳаси ва фан сифатида XIX асрнинг охирида пайдо бўлган. Шу билан бирга, конституциявий ҳуқуқнинг асосий ғоялари ва институтлари жуда қадимий тарихга эга.

Конституциявий ҳуқуқнинг пайдо бўлишига бир қатор конституциявий аҳамиятга молик ҳужжатлар катта таъсир кўрсатган. Бундай ҳужжатлар жумласига 1215 йилда Англияда қабул қилинган «Эркинликнинг буюк Хартияси», 1379 йилги «Хабеас корпус акт» («Habeas Corpus Act») ва бошқа бир қатор ҳужжатлар киради. Юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар ҳозирги кунда ҳам Буюк Британияда конституциявий ҳужжат ҳисобланади.

Шундай қилиб, конституциявий ҳуқуқ узоқ тарихий вақт давомида вужудга келган.

Конституциявий ҳуқуқ фанининг шаклланишига бир қанча омиллар таъсир кўрсатган. Бундай омиллар жумласига қуйидагилар киради:

Биринчидан, тарихий конституциявий аҳамиятга молик ҳужжатлар. Уларга АҚШнинг 1776 йилги Мустақиллик декларацияси, Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз декларациясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Американинг Мустақиллик декларациясида илк бор «Халқ — давлат ҳокимиятининг манбаидир» деган конституциявий қоида мустаҳкамланган. Француз Декларациясининг 16-моддасида эса: «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари ва ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципига эга бўлмаган халқ ўз конституциясига эга бўлмайди», — дейилган.

Иккинчидан, инсоният ҳуқуқий тафаккурининг маҳсули бўлмиш ва умуминсоний ҳуқуқий қадрият ҳисобланмиш ҳуқуқий назариялар ва таълимотлар. Масалан, инсон ҳуқуқларининг табиий ажралмаслиги ҳақидаги таълимот конституциявий ҳуқуқ фанининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Табиий ҳуқуқ назарияси биринчи марта АҚШнинг Мустақиллик декларациясида ҳамда Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида қонуний равишда мустаҳкамланган.

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари конституциявий ҳуқуқ фани мавзуини (предметини) ташкил этувчи асосий масалалардан биридир.

Учинчидан, жаҳон ҳуқуқий тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирларнинг назарий ҳуқуқий мероси. Бундай олимлардан француз мутафаккири Шарль Луи Монтескьёни кўрсатиш мумкин. У ўзининг «Қонунлар руҳи» асарида ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқи фанининг асосий қоидаларидан бири бўлмиш ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципини илмий ва амалий асослаб берган.

Шарқнинг буюк қомусшунос алломаларидан Абу Наср Форобий, Алишер Навоий кабилар конституциявий аҳамиятга молик масалалар бўйича муҳим фикрларни билдирганлар.

Тўртинчидан, турли давлатларнинг конституциявий қонунчилиги ва амалиёти. Америка ва Европада XVIII ва XIX асрларда қабул қилинган конституциялар конституциявий ҳуқуқнинг мустақил фан соҳаси сифатида шаклланишида катта ўрин тутган. Чунки конституциялар конституциявий ҳуқуқ фанининг норматив-ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Ҳар бир давлатда конституциявий ҳуқуқ фани пайдо бўлишининг ўз хусусиятлари бор.

Ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқи фанининг мавзуи (предмети) XX асрнинг иккинчи ярмида ўзининг якуний шаклини олди.

2-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИНИНГ МУСТАҚИЛ ФАН СОҲАСИ СИФАТИДА ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Конституциявий ҳуқуқ фани пайдо бўлганидан сўнг ўз тараққиётида тўртта асосий босқични босиб ўтди.

Конституциявий ҳуқуқ фани тараққиётининг босқичлари қуйидагилар:

биринчи босқич — XIX аср — конституциявий ҳуқуқ фанининг шаклланиш ва «классик мактаб» даври;

иккинчи босқич — XX асрнинг биринчи ярми — конституциявий ҳуқуқ фанининг юридик-социологик йўналиш даври;

учинчи босқич — XX асрнинг иккинчи ярми — Конституциявий ҳуқуқ фанининг демократик назарияси даври;

тўртинчи босқич — XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва XXI асрнинг боши — конституциявий ҳуқуқ фанининг замонавий даври.

Энди ушбу босқичларни батафсил кўриб чиқамиз.

Конституциявий ҳуқуқ фани мустақил фан сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келиб, XX асрда юридик фаннинг тўлиқ мустақил соҳасига айланди.

Конституциявий ҳуқуқ фанининг анча кейинроқ вужудга келганлигининг сабаблари бор. Конституциявий ҳуқуқнинг юридик фан сифатида муайян билимлар тизимига айланиши учун давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг шакл ва воситалари, давлат органларининг фаолияти ва тузилиши ривожланган бўлиши, ушбу муносабатларни тартибга солувчи конституциявий нормаларнинг шаклланган тизими бўлиши лозим. Бу ўринда давлат ҳаётига тегишли масалалар (жумладан, ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар) давлат ҳокимиятига эга бирор шахснинг ўзбошимчалиги билан эмас, балки ҳуқуқ йўли билан ҳал қилиниши катта аҳамиятга эга. Бошқача айтганда, «...токи монарх ўзи ҳақида «давлат — менман» деб айта олар экан, давлат ҳуқуқи фани йўқдир ва бўлиши ҳам мумкин эмас»[1].

---

[1] Қаранг: *Гессен.* Очерки истории науки государственного права // Известия С.-Петербургского Политехнического института. Т. XVI. СПб., 1911. С. 206.

Албатта, бундан илгари юридик билимлар тизимида конституциявий ҳуқуқ соҳасига кирадиган масалаларга ўрин йўқ эди, деган хулоса келиб чиқмайди. Илгари ҳам, ҳуқуқ хусусий ва оммавий ҳуқуққа бўлинар эди, «давлат ҳуқуқи» ибораси ҳам қўлланиларди. Бироқ, бу ҳали мустақил, тизимлашган, юқори назарий даража ва катта амалий аҳамиятга эга фан мавжуд, деган гап эмас эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, конституциявий ҳуқуқ масалалари узоқ вақт давомида рим ҳуқуқидан келиб чиқувчи институтларнинг уч босқичли тизими: 1) шахслар ҳақида; 2) ашёлар ҳақида; 3) даъволар ҳақида фуқаролик ҳуқуқида қабул қилинган доирада кўриб чиқиларди. Бу тизимга амал қилинса, масалан, давлат ҳокимиятининг олий органлари шахслар ҳақидаги бўлимга, ҳудудий масалалар ашёлар ҳақидаги бўлимга тегишли, даъволар ҳақидаги бўлимга эса, баъзи муаллифларнинг фикрича, фақат суд ҳокимиятигина эмас, балки сайлов органларини ҳам киритиш керак эди.

XVIII асрнинг сўнгги йилларида Блекстон ўзининг машҳур «Инглиз ҳуқуқига шарҳлари»нинг шахслар ҳақидаги бўлимида парламент, қирол ва унинг унвони тўғрисида, хўжайинлар ва хизматкорлар, эрлар ва хотинлар, ота-оналар ва фарзандлар тўғрисида ёзган эди. Бу институциявий ёндашув хусусий ҳуқуқдан олинган бўлиб, объектив асосларга эга эди, чунки давлат ҳокимияти муносабатларининг ўзи ҳам кўпинча хусусий ҳуқуқ принципларига асосланади.

Шундай қилиб, XIX асрда шаклланган конституциявий ҳуқуқ фани юридик фаннинг ўзидан олдинги ривожида бирор муҳим таянч нуқтасига эга бўлмади. У шуниси билан фуқаролик (хусусий) ҳуқуқидан фарқ қилади. Маълумки, фуқаролик ҳуқуқи рим ҳуқуқининг рецепциясидан[1] кейин узоқ илмий қайта ишловлардан ўтган. Уларнинг кўп қоидалари товар-пул-бозор муносабатларининг янги тизимига мос бўлиб чиқди.

Агар фуқаролик ҳуқуқи ўз тараққиётида рим хусусий ҳуқуқи рецензиясига таянган бўлса, конституциявий ҳуқуқ ўз ривожланишида ўзининг ўтмишдаги ҳуқуқий ёдгорликларига эмас, балки ўзининг ҳозирги замон ҳуқуқий ёдгорликларига таянади.

---

[1] *Рецепция* (латин. — «recepti̇o» — олиш, сингдириш) — муайян мамлакат ҳуқуқий тизимидаги қоидаларни, ҳуқуқий институтларни ўз ҳуқуқий тизимига сингдириш, илгари хорижда яратилган ҳуқуқий андаза (намуна) асосида маҳаллий шароит ва хусусиятни инобатга олиб ҳуқуқий норма ёки институтлар яратиш.

циявий ҳуқуқ фани эса ўз ривожида XVIII аср сиёсий фалсафаси ва авваламбор, бу фалсафанинг таниқли намояндалари бўлмиш Ш. Монтеськё, Ж. Ж. Руссо, Ж. Локк, Д. Дидро, Т. Жефферсон ва бошқаларнинг асарларига асосланган. Уларнинг умумбашарий ҳуқуқий принципларни ифодалаб, ривожлантиришлари, пировардида, яхлит конституциявий ҳуқуқий таълимот (назария) яратилишига имкон берди. Бу конституциявий назария ҳуқуқшуносликнинг мустақил тармоғигина эмас, балки етакчи тармоғига айланди ҳам. Бу ерда халқ суверенитети, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, конституциянинг устуворлиги, инсон асосий ҳуқуқларининг ажралмаслиги каби принциплар ҳақида сўз бормоқда. Конституциявий ҳуқуқ фанининг пайдо бўлиши ва ривожланишида сиёсий фалсафа муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, улар орасида тўғридан-тўғри ворислик мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин эмас.

Маърифийлик сиёсий фалсафаси мавжуд давлатни, унинг бошқарув институтлари ва усулларини ўзгартириш зарурлигига қаратилган эди. Конституциявий ҳуқуқ фани буржуа жамиятидаги сиёсий муносабатлар ва институтларнинг реал юзага келган янги тизимини юридик расмийлаштириш ва мустаҳкамлашнинг объектив заруратидан келиб чиқиб шаклланган.

Шундай бўлса-да, «инсонлар бошқарувини қонун бошқарувига алмаштириш керак», деган қоида сиёсий фалсафа ва конституциявий ҳуқуқ учун дастлабки бошланғич асос сифатида ўзгармай қолган.

Конституциявий ҳуқуқ фанининг қарор топиши кўп жиҳатдан унинг амалий функциясидан келиб чиққан. Конституциявий ҳуқуқий амалиёт, яъни тобора кўпайиб бораётган давлат ҳуқуқи нормаларини шарҳлаш ва тизимлаштириш, ҳаёт талаб қилаётган янги юридик тушунчалар ва технологияларни (масалан, сайлов тизимлари, қонунлар ва технологияларнинг (масалан, сайлов тизимлари, қонунчилик техникаси, қонун чиқариш таомиллари (процедуралари) ва бошқаларнинг) ишлаб чиқилиши конституциявий ҳуқуқ фани тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

3-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИНИНГ XIX АСРДА РИВОЖЛАНИШИ. «КЛАССИК МАКТАБ»

Конституциявий ҳуқуқ фани тараққиётига юридик фандаги турли методологик йўналишларнинг вакиллари катта ҳисса қўшганлар.

Конституциявий ҳуқуқ фани ривожланишининг биринчи босқичида «классик мактаб» деб номланган мактаб етакчи ўрин тутган. У ривожланган демократик конституциявий ҳуқуқ назариясига асос солган. Ушбу илмий мактабни асослаб бериш учун юридик позитивизм методологияси, юридик фан предметини фақат ижтимоий ҳодисаларнинг ҳуқуқий шакли даражасидагина онгли равишда чеклаб қўйишдан фойдаланилган. «Классик мактаб»нинг барча таниқли намояндалари айнан шу нуқтаи назарга асосланганлар. Бу мактабни яна «юридик мактаб» деб ҳам аташади. Чунки унинг намояндалари конституциявий ҳуқуқнинг асос бўлувчи принциплари, нормалари, категорияларини ишлаб чиқиш; унинг нормаларини тизимлаштириш кабиларни бош вазифа деб билганлар. Бу янги конституциявий ҳуқуқнинг шаклланишида жуда муҳим бўлган.

Немис олими П. Лабанднинг таъкидлашича, амалдаги ҳуқуқни ўрганишнинг илмий вазифаси «ҳуқуқий институтларни тузиш, алоҳида ҳуқуқий қоидаларни умумий принципларга мувофиқлаштириш ва бу принципларни ҳаётга жорий қилишдан иборат. Бу вазифани ҳал этиш учун мантиқдан бошқа восита йўқ... Ҳамма тарихий ва фалсафий мушоҳадалар, қанчалик қимматли бўлмасин, муайян ҳуқуқий материянинг ғояси учун аҳамият касб этмайди ва буни яширишга хизмат қилади, холос»[1].

Таниқли рус ҳуқуқшуноси Ф. Кокошкиннинг эътироф этишича, давлат ҳақидаги юридик фан, яъни конституциявий ҳуқуқ фани давлат билан боғлиқ барча ҳодисаларнинг йиғиндисини эмас, балки фақат «одамларни шундай уюшмага бирлаштирадиган ҳуқуқий алоқанигина ўрганади. У давлат ҳаётини фақат ҳуқуқ нормалари билан белгиланиши учунгина ўрганади. Шу тарзда давлат ҳаёти ҳодисаларини фақат бир томондан ўрганар экан, юридик фан бу ҳодисаларга тўла, ҳар томонлама, батафсил тавсиф беришга интилмайди,

---

[1] *Laband P.* Das Staatsrechen Reiches. Tubingen, 1911. S. IX.

фақат уларнинг ҳуқуқий моҳиятини, юридик табиатини аниқлашга уринади»[1].

«Классик мактаб»нинг энг таниқли вакили — немис олими Г. Еллинекдир. У ҳар доим давлат ҳақидаги ижтимоий таълимот билан конституциявий ҳуқуқ ҳақидаги таълимот ўртасида методологик фарқ борлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, давлат ҳақидаги таълимотнинг мазмуни — фактик ва тарихий бўлса, конституциявий ҳуқуқ таълимотининг мазмуни эса юридик нормалардир[2].

Бундай методологик йўл-йўриқлар (ёндашув) «классик мактаб» вакиллари учун чекланган бўлиб туюлмаган, чунки улар давлат тимсолида фақат юридик ҳодисани кўрганлар. Уларнинг фикрича, давлатга юридик жиҳатдан назар солиш, уни тушунтириш учун кўпроқ имкон беради. «Классик мактаб» вакилларининг қарашларида давлатни фақат кучга асосланган ҳукмронлик механизми деб қабул қилишлардан воз кечишга бўлган либерал-демократик ғояларга яққол интилиш кўриниб турибди. Айнан шу даврда фанга «ҳуқуқий давлат» ғоясининг кириб келганлиги бежиз эмас.

Ўз мақсадлари ва объектив натижаларига кўра, «классик мактаб» либерал йўналишга эга бўлган. Маълум маънода, уни юридик фанда иқтисодий либерализмнинг методологик томондан ўзига хос акс этиши деб ҳам қараса бўлади. Гарчи турли муайян тарихий вазиятларда либерализм ва демократиянинг улуши ҳар хил бўлса-да, классик мактабнинг кўп намояндалари либерал-демократик нуқтаи назарда бўлганлар.

«Классик мактаб» вакилларининг конституционализм, парламентаризм, қонун ижодкорлиги ва бошқа муаммоларга ёндашуви кўп жиҳатдан конституциявий монархияга айланиш жараёнини бошдан кечираётган давлат шаклига таъсир қилган. Бу жараён орқага қайтмас бўлиб, лекин анча мураккаб ва зиддиятли бўлган. Чунки у ҳар хил ижтимоий-сиёсий кучларнинг бирга-ликда мавжудлигини акс эттирган. Таъкидлаш жоизки, биринчи жаҳон урушигача Европада фақат учта республика бўлган. «Классик мактаб»нинг кўплаб вакиллари республика шаклидаги бошқариш тарафдор-

---

[1] *Кокошкин Ф.* Лекции по общему государственному праву. Изд-е 2. М., 1912. С. 166.

[2] *Еллинек Г.* Право современого государства. Т. 1. СПб., 1908. С. 16, 38.

лари бўлмаганлар, улар либерал-демократик руҳдаги конституциявий монархияни афзал кўрганлар.

Г. Еллинек, П. Лабанд ва бошқаларнинг асарларида суверенитет халқ суверенитети эмас, фақат давлат суверенитети сифатида тушунилган. Г. Еллинек томонидан илгари сурилган «давлат ҳокимиятининг ўзини ўзи чеклаши» назариясига кўра, бу ҳокимият ўз фаолиятининг ҳуқуқий чегараларини белгилаб олишга хизмат қилиши ва улар билан боғланган бўлиши керак. Бу назария ўз даври учун, шуҳбасиз, демократик бўлган. Шу билан бирга, у монарх ҳокимиятига «ўзини ўзи чеклаш» доираларини белгилашга етарлича эркинликлар қолдирган.

Бошқарувнинг монархия шакли устунлигини яна шу ҳолат олдиндан белгилаб берган эдики, «классик мактаб» вакиллари давлат бошлиғининг ҳуқуқий ҳолати, унинг вакиллик органлари билан ўзаро муносабатлари кабиларга катта эътибор берганлар. Шу маънода Франция конституциявий-ҳуқуқий назарияси бундан истисно бўлган. У Франция парламент республикасига айланган даврда шаклланган. П. Мишу, А. Эсмен ва бошқа француз ҳуқуқшунослари олдида монарх ва парламент ўртасидаги мувозанатни асослаб бериш вазифаси турмаган.

1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисидаги декларациядан бери давом этиб келаётган анъаналар давлат ҳокимиятининг манбаи сифатида халқ ҳокимиятчилигидан воз кечишга йўл қўймаган. Бу улар томонидан «давлатнинг ўзини ўзи чеклаши» принципини қабул қилмасликка олиб келган. «Классик мактаб»нинг француз вакиллари асарларида асосий ўринни парламентаризм (мамлакат сиёсий тизимида парламентнинг ролига мос тушарди), шунингдек, у билан мустаҳкам алоқада бўлган партиявий тизим, сайлов ҳуқуқи ва бошқалар эгаллаган. Парламентаризм тарафдорлари бўлгани ҳолда, кўплаб олимлар, жумладан, улардан энг таниқлиси А. Эсмен ҳам умумий сайлов ҳуқуқини чеклаш тўғрисида фикр билдирган. Эсмен икки палатали парламентни энг мукаммал модель деб ҳисоблаган. Бунда «тараққиёт ғояси ва консерватизм» парламент анъаналарини онгли уйғунлаштириш мақсадида парламент кенг ваколатларга эга бўлган.

XIX асрда Франция давлат тузуми ва конституциялари бир неча бор алмашганлиги сабабли, ворислик принципи бу ўзгаришларнинг барчасидан кучлироқ —

«давлат табиати мангу бўлиб, унинг юридик мавжудлиги ҳеч қандай узилишга йўл қўймайди», деган эди Эсмен[1].

«Классик мактаб»нинг Англиядаги таниқли вакили А. Дайси бўлган. Унинг асарлари ҳозирги кунда ҳам бу мамлакатда мумтоз асар ҳисобланади. Дайсининг фикридаги асосий ғоя — парламентнинг устунлиги ва «ҳуқуқнинг ҳукмронлиги»га эришиш. Дайсининг фикрича, суверенитет халққа эмас, балки айнан парламентга мансуб бўлиб, парламентнинг актлари, мазмунидан қатъи назар, сўзсиз ижро этилиши керак. «Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги» индивидуал эркинлик кафолатларини таъминлашга қаратилган бунда мустақил судьялар асосий ўрин тутадилар. Улар фуқароларни фақат давлат ва маъмуриятнинг ўзбошимчалиги ҳаракатларидангина эмас, балки қонун чиқарувчининг ғайриҳуқуқий ҳужжатларидан ҳам ҳимоя қиладилар. А. Дайси ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашни статут ҳуқуқи (қонунлар) соҳаси деб эмас, балки асосан «умумий ҳуқуқ» соҳаси деб ҳисоблаган.

АҚШдаги конституциявий ҳуқуқ фани ривожланишининг хусусияти шундаки, баъзи бир очиқдан-очиқ Европа намунаси асосида ёзилган ва чуқур из қолдирмаган асарларни ҳисобламаганда, конституциявий ҳуқуқнинг «классик мактаб»и йўқ. Америкача мушоҳада тарзига «классик мактаб»нинг йўриқлари бегона, эмпирик ёндашувлар эса яқинроқ бўлган. Ана шу нарса АҚШда сиёсий фаннинг шаклланишига олиб келган. Бунга, шунингдек, давлат ҳокимиятини америкача хуш кўрмаслик ҳам таъсир кўрсатган. Маълумки, давлат ҳокимиятини «классик мактаб», айниқса, унинг немис муаллифлари тимсолидаги вакиллари маъқул кўрганлар.

4-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИНИНГ ХХ АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА РИВОЖЛАНИШИ

Конституциявий ҳуқуқ фанининг ХХ асрдаги тараққиётини икки босқичга бўлиш мумкин. Улар орасидаги чегара иккинчи жаҳон урушидир.

ХХ асрнинг дастлабки ўн йилликларидаёқ «классик мактаб» танқидга учраган ва ҳукмронлик мавқеини

---

[1] Қаранг: *Эсмен А.* Общие основания конституционного права. СПб., 1909.

йўқота бошлаган. Албатта, у тўплаган «маълумотлар базаси» ўз аҳамиятини сақлаб қолган ва амалий даражада қўлланаверган, лекин унинг етакчи йўл-йўриқлари энди конституциявий-ҳуқуқий таълимотнинг ривожини белгилаб беролмаган.

Юридик-социологик йўналиш деб умумий номланган янги йўналиш тарафдорлари (Л. Дюги, М. Ориу, Л. Гумплович, Р. Сменд ва бошқалар позитивистик методологияни рад этганлар ва давлатшунослик ижтимоий-сиёсий воқеликларга мурожаат қилиши шарт, деган фикрни олға сурганлар. Бу ёндашув «классик мактаб»га хос бўлган давлатни юридик томондан кўришда, ўзгартиришда, давлатни «куч» ва фактик «ҳукмронлик» тушунчалари орқали шарҳлашда намоён бўлган.

Масалан, Л. Дюгининг фикрига кўра, давлат ҳокимияти «ижтимоий факт», бирор жиҳатдан бошқаларига қараганда кучлироқ одамларнинг ҳукмронлигидир. Реал мавжуд (факт) бўлганлиги туфайли давлат ҳокимияти легитимлаштиришга муҳтож эмас, «халқ иродаси ва суверенитети» деган тушунча ортиқча бўлиб, исботлаб бўлмайдиган ғояга айланган. Конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назаридан давлатни куч сифатида шарҳлаш, кўпчилик давлатшуносларни (масалан, Гумпловични) «ҳуқуқий давлат» тушунчаси асосли эмаслиги тўғрисидаги хулосага олиб келган.

Иқтисодий либерализм билан боғланган классик мактабнинг асосий ғояси — алоҳида одам, шахси — индивид бўлган таълимотлар жумласига киради. Социологик ёндашув намояндалари индивидуалистик назария ўз умрини яшаб бўлди, деб ҳисоблаганлар ва «индивид»ни «умумийлик», «жамоа» билан алмаштирганлар.

Ўша даврнинг энг таниқли олими бўлган француз юристи Л. Дюги индивидуалистик ёндашув туфайли алоҳида шахсни кўргани ҳолда, давлат-ҳуқуқий муносабатлар ва институтларни белгилаб бериши зарур бўлган «ижтимоий бирдамлик»ни кўрмаганлиги учун «бор кучи билан» классик мактабни рад этган. «Ижтимоий бирдамлик» ғоясидан жамият барча аъзоларининг мажбуриятлари устуворлиги келиб чиққан. Бу ғояни амалга ошириш «ҳуқуқ субъекти» ва «субъектив ҳуқуқ» тушунчаларини ортиқча қилиб қўйган. Фақат «ижтимоий бирдамликгина давлат ҳокимиятини қатъий ҳуқуқий доирага солиши мумкин.

Шу муносабат билан Л. Дюги «давлатнинг ўзини

ўзи чеклаши» концепциясини танқид қилган. Бу концепцияни Г. Еллинек ва бошқалар «ўзини ўзи чеклаш» давлатнинг ўзига боғлиқ эканлиги учун ривожлантирган эдилар. Ҳатто шу ҳолатни ҳисобга олганда ҳам муаммога «классик мактаб»нинг ёндашуви анча реалистик кўринишга эга бўлган.

«Ижтимоий бирдамлик» таълимоти билан бир қутбда Р. Сменд (немис олими) ва бошқаларнинг «интеграциялашган жамият» таълимоти турган.

Юридик-ҳуқуқий йўналишнинг ўзига хос жиҳатини кўрсатадиган бошқа мисолларни ҳам келтириш мумкин. Бу борада тўғри тезислар ҳам илгари сурилган эди. Масалан, «конституциявий ҳуқуқ юридик догматика доирасидан ташқарига чиқиши шарт», «давлатни талқин этишда куч омилини назардан қочирмаслик керак», «давлат механизмининг фаолияти учун жамоатчилик онги ва коллектив тасаввурларнинг муҳимлиги» кабилар шулар жумласидандир. Лекин уларнинг келгусида ишлаб чиқилиши фақат илмий заиф хулосаларгагина эмас, балки конституциявий-ҳуқуқий назариянинг демократик йўналишига тўсқинлик қиладиган хулосаларга ҳам олиб келган.

Шу муносабат билан, институционализм назариясида юқоридаги ғоялар мужассам ифода этилган. Бу назарияга кўра, ривожланган жамиятда сиёсий ҳокимият давлат ва бошқа институтлар (партиялар, касаба уюшмалар ва тадбиркорлик иттифоқлари ва ҳоказолар) ўртасида тақсимланган. Гарчи давлат ҳокимиятини тақсимлаш (диффузия) тўғрисидаги тезисни қабул қилиш қийин бўлса-да, шуни таъкидлаш зарурки, институционализм назариясида ривожланган мамлакатлардаги жамият сиёсий тизимининг мураккаб тузилиши ўз аксини топган. Бу келгусида, яъни XX асрнинг иккинчи ярмида плюралистик демократия ва сиёсий плюрализм (кўп фикрлилик) таълимотининг ривожланишига олиб келган. Бунга қисман шу нарса ҳам сабаб эдики, бу ғоялар XX аср тоталитар мафкураларидаги давлат ҳокимияти, индивид ҳамда жамиятнинг нисбатини шарҳлашга ўхшаш бўлиб қолган. Бир қатор Европа давлатларида демократик конституциявий принципларни инкор этган бу мафкуралар расмий мафкурага айланган.

Юқорида айтилганларни инобатга олиб, шундай хулосага келиш мумкин: XX асрнинг биринчи ярми фанда конституциявий ҳуқуқнинг стагнация даври бўлган. Бу

инглиз ва америка юридик адабиётларига нисбатан камроқ даражада хосдир. Европа адабиётида (айниқса, биринчи ўринга чиқиб олган француз адабиётида) парламент ҳуқуқи, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятининг нисбати, ижроия ҳокимиятига кўпроқ ваколат бериш, вакиллик қонунчилиги ва шу каби муаммолар бўйича муҳим таълимотлар бўлган. Масалан, бугунги кунда кўплаб мамлакатларнинг конституцияларида учратиш мумкин бўлмаган «мулк мажбурият юклади» деган формула Л. Дюгига тегишлидир.

5-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИНИНГ ХХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА РИВОЖЛАНИШИ

ХХ асрнинг иккинчи ярмида конституциявий ҳуқуқ фанида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Улар бугунги кунда ушбу фанни конституциявий ҳуқуқнинг демократик назарияси сифатида талқин қилишга имкон беради.

Бу ривожланишнинг бошланғич нуқтаси дунё ҳамжамияти томонидан тоталитар давлатчилик қандай хавф ва кулфатлар келтиришини англашдан иборат бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарбий Европа ва Япония давлатларида демократик принципларга асосланган конституциялар қабул қилинди. Кейинчалик социалистик тизим емирилгач, бундай конституциялар Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида ҳам қабул қилинди.

БМТ ва бошқа кенг кўламли халқаро ташкилотларнинг фаолияти натижасида кўплаб конституциявий принциплар ва нормалар халқаро-ҳуқуқий стандартлар даражасига кўтарилди. Бу конституциявий ривожланиш замонавий конституциявий ҳуқуқ фанининг хусусияти ва етакчи ғояларини белгиловчи омил бўлди.

Уларнинг энг муҳими — инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари институти етакчи ўрин тутган шароитда давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий давлатчилик принципларига мувофиқ ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши. Учинчи минг йиллик арафасида «ҳуқуқий давлат» конституциявий ҳуқуқ фанининг фундаментал тушунчасига айланди. Эслатиш жоизки, у биринчи марта XIX—XX аср чегарасида классик мактаб намояндаларининг асарларида тилга олинган. Бу ерда ворислик алоқалари бор, лекин фарқлар ҳам анча катта. Илгари у фақат илмий тушунча эди, холос. Ҳозир ҳуқуқий давлат — давлат тузумининг асоси сифатида

кўплаб мамлакатларнинг амалдаги конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган асосий принцип. Илгари ҳуқуқий давлатчиликнинг истиқболлари фақат давлат ҳокимиятининг «ўзини ўзи чеклаши» тартибидаги иродаси билан боғланарди. Бугун эса улар давлат ичидаги ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқ билан ўзаро алоқаси натижаси сифатида эътироф қилинмоқда.

Халқаро ҳуқуқ ҳуқуқий давлатнинг асосий принципларини халқаро-ҳуқуқий стандартларга айлантирди. XIX ва XX асрлар чегарасида ҳуқуқий давлатни тушунтириш фақат юридик ёндашув доираси билан чекланиб қолган. XX асрнинг охирида шу нарса ҳамма томонидан қабул қилиндики, ҳуқуқий давлат фақат ижтимоий адолат билан бирга рўёбга чиқиши мумкин.

Тарихан Европа ва Америка қитъаларида шаклланган конституциявий-ҳуқуқий назариянинг асосий қоидалари ва йўл-йўриқлари бир қатор мамлакатларда ҳамда улардан ташқарида қабул қилинган (масалан, Ҳиндистон, Исроил). Шу билан бирга, ўзини ислом давлати деб атаётган мамлакатларда, улар таъсирида эса бошқа бир қатор давлатларда ҳам либерал-демократик конституциявий назария исломга асосланган ва давлат тузилиши ҳамда шахс ҳуқуқий мақомининг бошқача типини ҳимоя қилаётган назарияга қарши турганлигини кўриш мумкин. Бу назарияда халқ суверенитети, сиёсий ва мафкуравий плюрализм, жинси ва динга муносабатидан қатъи назар, тенглик ва бошқа кўплаб принциплар ҳамда институтларга ўрин йўқ. Бу таълимот «конституция» тушунчасининг ўзини зўрға қабул қилади ёхуд қабул қилса ҳам, монарх ёки олий диний етакчи томонидан инъом қилинган қонун сифатида қабул қилади.

Табиийки, конституциявий ҳуқуқ назариясининг умумий йўналишлари доирасида ушбу ҳуқуқ соҳасининг кўплаб, муҳим муаммолари ва институтларини турлича шарҳлаш мумкин. Конкрет тарихий шароитларда, масалан, бошқарув шаклига, бир томондан, парламент республикаси тарафдорларининг, бошқа томондан, президентлик республикаси тарафдорлари ёки узоққа борувчи федерализм ва, аксинча, давлат марказлашуви тарафдорлари қарашларининг зиддияти вужудга келиши мумкин.

Лекин бу энди ўтмишда бўлгани каби мутлақ монархия давлат тузумининг ҳимоячилари ва бошқарувнинг республика шаклини ёқловчи ўртасидаги илмий

кураш ёки ҳуқуқий давлатчилик ва пролетариат диктатураси ғояларининг қарама-қарши туриши эмас. Бугунги кунда шубҳасиз юзага келадиган барча фарқлар ва назарий баҳслар билан бирга, охир-оқибатда ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий назарий жиҳатлари бўйича бир-бирига қарама-қарши турадиган йирик конституциявий мактабларни ажратиб кўрсатиш қийин.

Конституциявий ҳуқуқ ва сиёсатшунослик фанларининг мунсабатлари ҳам ўзгарди ва қарама-қаршилик босқичидан ўтиб кетди. Бу фан XIX—XX асрнинг чегарасида АҚШда юзага келган. У ўзини, юридик фандан фарқли равишда давлат-ҳуқуқий институтларнинг реал фаолият кўрсатишини ўрганадиган прагматик фан деб эълон қилган. Назарий конструкциялардан воз кечар экан, сиёсатшунослик фани дастлабки вақтларда ушбу институтларни, давлат арбобларининг шахсий тавсифларини фактологик ёритишдан нари ўтмаган соф эмпирик фан сифатида намоён бўлган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Америка таъсирида сиёсатшунослик (политология) Европа қитъасига ҳам асосан эмпирик фан сифатида кириб келди. Кейинчалик политологиянинг назарий даражаси анча ўсди. Унда икки йўналиш шаклланган: улардан бири, авваламбор, асосан ушбу фан предмети деб сиёсат ва сиёсий муносабатларни қабул қилган; бошқаси эса — сиёсий тизимларни уларнинг институционал жиҳатига эътибор берган ҳолда қабул қилган. Иккинчи йўналиш устун бўлган мамлакатларда сиёсатшунослик фани — конституциявий ҳуқуқ фани билан узвий боғланиб кетган. Масалан, Францияда «Конституциявий ҳуқуқ ва сиёсий институтлар» деган фан шаклланган. АҚШда сиёсатшунослик фанига нисбатан мустақил бўлган конституциявий ҳуқуқ фани тўғрисида гапириб ўтиришга ўрин йўқ.

6-§. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲОЗИРГИ ЗАМОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ўзбекистонда рўй берган сиёсий жараёнлар эски конституциявий институтларни бузди, президентлик бошқаруви ва парламентаризм, сайлов тизимлари, суд-конституциявий назорат кабилар ҳақидаги янги реал билимларни талаб қилди. Конституциявий ҳуқуқнинг янги демократик назарияси шаклланди. Унинг оёққа

туриши анча мураккаб кечди, яъни янги ва эски тасаввурларнинг қарама-қаршилиги асосида рўй берди. Лекин, умуман олганда, муваффақиятли бўлди. Ушбу назарий ривожланишнинг муҳим омили Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституциясидир. Бизнинг конституция барча асосий белгилари бўйича замонавий демократик конституциялар моделига мос тушади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси демократик конституциядир. Чунки у, биринчидан, тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган; иккинчидан, энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг илғор конституциявий тажрибасига таянган ҳолда яратилган; учинчидан, бой қадимий миллий ҳуқуқий меросимизни, миллий тафаккур ва қадриятларимизни ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам конституциямиз «энг илғор ғояларни ўзида жо этганини, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганини бугунги кунда бутун жаҳон тан олмоқда»[1].

Бугунги Ўзбекистон конституциявий-ҳуқуқий назариясининг асосларини давлатнинг тузумига демократик қарашлар ташкил қилади. Улар ҳуқуқий давлат, инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг устунлиги ғоясида мужассамлашган. Шу билан у демократик конституциявий назарияни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини янги аср бўсағасида яққол акс эттирди.

Шуни таъкидлаш лозимки, конституциявий ҳуқуқ фанининг предмети конституциявий ҳуқуқнинг ўзига қараганда кенгроқдир. Ушбу тармоқнинг манбалари ва институтлари билан бирга, бу предмет конституциявий ҳуқуқ ва унинг институтларини, хорижий конституциявий ҳуқуқнинг тарихий ривожланишини қамраб олади. Бундан ташқари, конституциявий ҳуқуқ фани ўзининг тарихий ривожланиш йўлини ўрганади, ўз методологиясини ишлаб чиқади, ўзининг турдош фанлар билан муносабатини белгилаб олади.

Агар турли мамлакатлардаги конституциявий ҳуқуқни таққосласак, муҳим фарқлар кўзга ташланади. Улар давлат тузумидан келиб чиққан. Бу тузум мамлакат тарихи ва анъаналарини, демографик ва геополитик омилларни, унинг конституцияси қабул қилинган сиёсий

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон, миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т.: Ўзбекистон, 1996. 213-бет.

вазиятни акс эттиради. Шунинг учун улар ҳар бир мамлакат юридик фани ривожланиш тарихининг ўзига хослиги, жамоатчилик онгининг хусусиятлари, аввалам­бор, ҳуқуқий маданияти ва онгининг ўзига хослигидан келиб чиқади. Шунингдек, миллий таълимотларнинг рақобати ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Янги минг йиллик бошланишидаги Ўзбекистон конституциявий ҳуқуқ фанининг яна бир ўта муҳим хусусиятини кўрсатиб ўтамиз. Бугунги кунда ғарбий демократик конституциявий-ҳуқуқий таълимотлар ва собиқ Совет Иттифоқида шаклланган социалистик давлат ҳуқуқи фани ўртасидаги мафкуравий қарама-қаршилик ўтмишда қолди. Бу фан ўзининг бош вазифаларидан бири «буржуа демократияси»ни танқид қилиш ва фош этиш деб биларди. У демократик конституциявий ҳуқуқий таълимотлар ва асримиз иккинчи ярмида конституциявий ҳуқуқда асосланган ғоялар ва қадриятларни, масалан, ҳуқуқий давлат, ҳокимиятнинг бўлиниши, сиёсий ва мафкуравий плюрализм, инсон ва фуқаронинг ажралмас ҳуқуқлари, парламентаризм, конституциявий одил судлов ва шу кабиларни рад этарди. Ҳатто 60—70-йилларда «пролетариат диктатураси»дан воз кечилгани ва иккита ижтимоий тизимнинг «тинч яшаши» принципига ўтилгани, баъзи бошқа ижобий силжишлар бўлгани ва тадқиқотлар доираси кенгайганидан кейин ҳам бошланғич нуқтаи назарлар жиддий ўзгаришга учрамади.

Ўзбекистон конституциявий ҳуқуқи фани ривожидаги сифат ўзгариши 80-йилларнинг охирида бошланди. Бу даврга келиб, ҳуқуқий давлат ғояси кенг ўрин эгаллади, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари эса инсонга давлат томонидан инъом этилган деган қарашлардан воз кечилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мамлакатимизда конституциявий-ҳуқуқий таълимотнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Унинг Конституция ҳақидаги фикрлари, таъкидлари ва хулосалари рўй бераётган конституциявий жараёнларни, Ўзбекистон сиёсий тарихий ривожланишининг тарихий шарт-шароитларини, унинг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини, бой имкониятларини ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижаларига асосланган. Юртбошимизнинг конституция ҳақидаги ғоялари конституциявий назария, жаҳон конституцияшунослиги тажрибаси ва конституциявий нормаларни жорий этиш

амалиётининг уйғунлашиб кетганлигини намоён қилади[1].

Ўзбекистоннинг ҳуқуқшунос олимлари мамлакатимиз Конституциясининг лойиҳасини ишлаб чиқишда, муҳокама қилишда, ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этдилар. Истиқлол йилларида Конституциямизга бағишланган шарҳлар, дарслик, китоб, рисола, илмий ва оммабоп мақолалар чоп этилмоқда. Ўзбекистонда конституциявий ҳуқуқ фанининг ривожига, айниқса, Ш. З. Ўразаев, А. А. Аъзамхўжаев, Х. Р. Раҳмонқулов, Х. Б. Бобоев, З. М. Исломов, Х. Т. Одилқориев, Ф. Ҳ. Раҳимов, А. Х. Саидов, У. Таджиханов, Э. Ҳ. Халилов, М. М. Файзиев, Р. Қ. Қаюмов ва бошқа олимларимиз салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши[2] Конституциявий ҳуқуқ фанининг ривожланиши учун муҳим туртки бўлди.

---

[1] Қаранг: Ислом Каримов Конституция тўғрисида. Т.: Академия, 2001. 156-бет.

[2] Халқ сўзи. 2001. 6 январь.

Иккинчи бўлим

КОНСТИТУЦИЯ ҲАҚИДА ТАЪЛИМОТ

*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАЪЛИМОТ АСОСЛАРИ**

*** ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ТАЖРИБАСИ**

*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ**

*** КОНСТИТУЦИЯ — ЖАМИЯТ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ**

IV б о б. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАЪЛИМОТ АСОСЛАРИ

*** КОНСТИТУЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЮРИДИК ТАБИАТИ**
*** КОНСТИТУЦИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ ВАЗИФАСИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**
*** КОНСТИТУЦИЯНИНГ БЕВОСИТА АМАЛ ҚИЛИШИ**
*** КОНСТИТУЦИЯНИНГ ТАСНИФИ (ТУРЛАРИ)**
*** КОНСТИТУЦИЯНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА ИЧКИ ТУЗИЛИШИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**
*** КОНСТИТУЦИЯГА РИОЯ ЭТИШ ВА УНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

1-§. КОНСТИТУЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЮРИДИК ТАБИАТИ

Конституция жамият ҳаётида муҳим ўрин тутувчи мураккаб ва серқирра ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисадир. Унинг моҳиятини теран англаш учун бу тушунчани илмий изоҳлаш лозим.

«Конституция» лотинча (constitutio) сўз бўлиб, «тузилиш», «ўрнатиш» деган маънони билдиради. Қадимда «конституция» ибораси сиёсий тузум маъносини англатган. Буюк француз инқилоби арафасида «давлатнинг аҳволи»ни «конституция» ибораси билан ифодалай бошлаганлар. Жаҳон конституциявий-ҳуқуқий назариясида конституция мазмунига нисбатан ягона ёндашув йўқ. Бугунги Европа маданияти икки гуруҳ конституцияларни вужудга келтирди. Биринчи гуруҳ — эски конституциялар бўлиб, бундай конституциялар тарихан XX асрга қадар қабул қилинган эди. Бунинг яққол мисоли 1787 йилдаги АҚШ Конституцияси, 1831 йилдаги Белгия Конституцияси ва 1874 йилдаги Швейцария Конституциясидир.

Конституцияларнинг келиб чиқиши буржуазия син-

фининг тарихан шаклланиши ва кучайиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Феодал иқтисодий шароит замирида пайдо бўлиб, ривож топган буржуазия синфи қиролнинг давлат ва жамиятни ўзбошимчалик билан бошқаришига қарши чиқиб, унинг ҳокимиятини конституциявий актлар билан, парламент фаолияти билан чеклашга муваффақ бўлди. Натижада давлатнинг республика шакли эълон қилинди, мулкдорлар алоҳида табақаларининг ҳуқуқий ҳолати конституциявий актларда мустаҳкамлаб қўйилди.

Англия буржуа революциясининг (1640—1658) «Англия, Шотландия, Ирландия ва тасарруфидаги бошқа ҳудудларни бошқариш шакли ҳақидаги акт»и шундай актларнинг дебочаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур акт Англия давлатини бошқариш шаклини, сайлов системасини, дин ҳақидаги қонунларни тартибга солган. 1781 йилда АҚШ давлати ташкил топганидан кейин, «Конференция моддалари» кучга кирган. 1787 йилда Америка Қўшма Штатларининг Федерал Конституцияси қабул қилинган ва у шу кунгача амал қилиб келмоқда.

1791 йилда Польша давлати Европада биринчи бўлиб ўз конституциясини қабул қилган. Польша билан деярли бир пайтда Франция ҳам ўз конституциясини қабул қилди. Бунга Буюк Француз инқилоби сабаб бўлган. Дастлабки буржуа конституциялари мутлақ салтанатга қарши инқилобий кураш шиорларини байроқ қилиб, «халқ суверенитети»ни расман эълон қилган эдилар[1].

XX асрда қабул қилинган конституциялар эса иккинчи гуруҳни ташкил этади. Бу конституциялар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлаш, Асосий қонунни муҳофаза қилиш, ижтимоий муаммоларга мурожаат этиш натижасида конституциявий тартибга солиш кўламини кенгайтирганлиги билан биринчи гуруҳ конституцияларидан фарқ қилади.

Ўтган асрнинг 20-йилларида Шарқ мамлакатлари — Туркия, Эрон, Афғонистон, Миср каби давлатларда анъанавий мусулмон ҳуқуқига асосланган, айни вақтда, Европа ҳуқуқий андазаларига мос конституциялар қабул қилинди. Айрим мусулмон давлатлари (Саудия Арабистони, Уммон, Ливия) муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида конституция зарурлигини

---

[1] *Р. Қаюмов.* Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т.: Адолат, 1998. 39-бет.

умуман инкор этадилар ёки унинг аҳамиятини менсимай келадилар.

Кўпчилик Осиё мамлакатлари мустақилликка эришмасдан илгариёқ ўзининг тарихий ёки мустамлакачиликка хос ҳуқуқий ижодкорлик тажрибасига эга эдилар. Уларда инглиз-французча ҳуқуқий ёндашувлар ўз ифодасини топган. Масалан, Ҳиндистон Конституциясида илк бор АҚШ Асосий қонунида мустаҳкамланган федерализм принципи ўз аксини топган.

Ҳозирги Европа конституционализми иккинчи жаҳон урушидан кейин жадал ривожланмоқда. Хусусан, Италия, Франция, ГФР ва бошқа давлатларнинг конституциялари энг янги давр ижтимоий-сиёсий тажрибаси асосида кенг кўламдаги муносабатларга таъсир этувчи қонун сифатида майдонга чиқмоқда.

Ҳозирги замон конституциявий назарияси ва амалиётида демократик қадриятларни талқин этиш асосида муайян уйғунлашув намоён бўлмоқда. Хусусан, ҳар қандай мамлакатнинг конституцияси олдида турган асосий мақсади инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, давлат ҳокимиятининг демократик ва самарали бўлишида ҳокимиятлар тақсимланиши принципига риоя этиш, вакиллик тизими орқали халқ суверенитетини мужассамлаштиришдан иборат эканлигини ҳеч ким инкор этмайди.

Демократик жамиятда шакллантириладиган ҳокимиятнинг конституциявий механизми — бу ҳамма вақт ҳокимият учун кураш олиб бораётган ёки унда иштирок этаётган сиёсий кучлар ўртасидаги муроса ва келишув (компромисс)нинг ифодасидир. Мазкур келишув (консенсус)нинг асосий мақсади ҳокимият ва эркинлик масалаларини куч ишлатиб эмас, балки қонун асосида ҳал этишдан умумий манфаатдорликдир. Шу боис конституция айрим ижтимоий гуруҳ манфаати учун эмас, балки фуқаровий ва миллий тотувлик ифодаси сифатида жамият манфаатларига хизмат қилади.

Шундай қилиб, конституция алоҳида юридик хусусиятларга эга бўлган ягона сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир. Конституцияда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ўрнатилади, давлат ҳокимиятининг тузилиши, субъектлари, ҳокимиятни амалга ошириш механизмини белгилайди, жамият, инсон ва фуқаронинг давлат томонидан кўриқланадиган ҳуқуқлари мустаҳкамланади.

Агар «конституция» тушунчаси уни алоҳида ҳуқуқий ҳодиса сифатида таърифловчи умумий белгиларини ифода этса, конституциянинг моҳиятини очиш унинг ички табиатини, асосини ҳамда кимнинг иродасини акс эттиришини аниқлаш билан боғлиқ.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг моҳияти каби, конституциянинг моҳияти ҳам у қачон, қандай ва нима учун, қайси ижтимоий эҳтиёжлар туфайли вужудга келди, деган саволларга жавоб бериш орқали аниқланади. Юқорида таъкидланганидек, ҳозирги маънодаги конституциянинг қарор топиши XVIII асрга тўғри келади, деб эътироф этилади.

Конституциянинг келиб чиқиши буржуа-демократик инқилоблар шаклланаётган янги иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий шаклда мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш эҳтиёжи билан бевосита боғлиқ. Табиийки, бу вазифани фақат жамият ва давлат тузилиши асосларини умумий тарзда белгилаб бера оладиган ҳуқуқий акт бажариши мумкин. Бу акт жамият, халқ иродасининг мужассам ифодаси сифатида алоҳида ҳукмдорнинг (қирол, подшонинг) иродасидан устунликка эришиши лозим бўлган.

Айнан шу эҳтиёж халқни олий ҳокимият соҳиби, унинг суверенлиги, жамият аъзоларининг юридик тенглиги, фуқароларнинг ўз давлатчилиги асосларини белгилаш ҳуқуқи ҳақидаги назарий концепцияларни келтириб чиқарган.

Дастлаб ёзма конституцияни вужудга келтириш ғояси Англияда пайдо бўлган. Бироқ бу ғоя у ерда амалга ошмаган. Бу мамлакат то шу бугунги кунгача ўзининг ягона ёзма конституциясига эга эмас. Энг биринчи ёзма конституциялар АҚШ (1787 й.), Франция (1791 й.) ва Польшада (1791 й.) пайдо бўлган.

Замонавий конституцияларнинг моҳияти умуминсоний, ҳуқуқий қадриятларни ва умумдемократик асосларни мустаҳкамлашда ифодаланади. Улар ҳар бир инсон тенг ҳуқуқли фуқаро бўлиб фаолият юрита оладиган давлатда яшашини тарғиб қилади.

Юқоридаги фикрларга мухтасар хулоса ясаб, шундай дейиш мумкин: **Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган конституция ўз моҳиятига кўра, демократик ҳуқуқий давлат қуриш конституцияси сифатида Ўзбекистон халқи иродасининг ифодасидир ва бу ирода умумдемократик принципларни ўзида мужассам этувчи, ин-**

сонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб эътироф этувчи давлат ва жамият ҳаёти асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилгандир.

Конституция замонавий демократик жамият ҳуқуқий тизимида алоҳида нуфузли мавқени эгалловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Ўз юридик табиати ва моҳиятига кўра, конституция бошқа ҳуқуқий актлардан қуйидаги муҳим жиҳатлари билан ажралиб туради:

биринчидан, конституция махсус субъект томонидан ёки унинг номидан чиқарилади;

иккинчидан, конституциявий қоидалар таъсис этувчи, йўналтирувчи, бирламчи аҳамиятга эга;

учинчидан, конституциявий тартибга солиш ҳажмининг кенг қамровлилиги билан тавсифланади, яъни у ниҳоятда муҳим ва кенг кўламдаги ижтимоий муносабатлар доирасига таъсир кўрсатади;

тўртинчидан, конституция алоҳида юридик хусусиятларга, яъни бошқа қонунлардан устуворликка, олий юридик кучга, ўзига хос муҳофаза шаклига, махсус тарзда қабул қилиниш ва ўзгартирилиш тартибига эга.

Ушбу юридик хусусиятларга муфассал тўхталайлик.

1. Конституция ўзининг замонавий аҳамиятига кўра, халқ томонидан ёки халқ номидан қабул қилинадиган муҳим юридик ҳужжатдир.

Бинобарин, XVII асрда конституция шаклидаги актнинг вужудга келиши халқ суверенитети ғояси билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, ўша давр мутафаккирларидан бири Ж. Ж. Руссонинг фикрича, конституция фақат барча фуқароларнинг розилиги билан қабул қилиниши мумкин. У барча жамият аъзоларининг якдиллик билан қабул қилинган қарори бўлиши, ҳамма фуқаролар томонидан имзоланиши шарт. Конституциянинг моҳиятини акс эттирувчи бу жиҳат ҳозирги конституциявий назария ва амалиётда устувор саналади. Шу боис дунё мамлакатларининг аксарият конституциялари: «Бизким халқ... мазкур конституцияни қабул қиламиз (ўрнатамиз, таъсис этамиз ва ҳ.к)» сўзлари билан бошланиши бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам бундан истисно эмас. Унинг муқаддимасида шундай дейилади:

«Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб...

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб...

Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади».

2. Конституциянинг алоҳида субъект (халқ) томонидан қабул қилиниши унинг иккинчи муҳим хусусиятини келтириб чиқаради. Бу конституция ва ундаги нормаларнинг таъсис этувчи табиатга эгалигидир. Ҳамонки демократик давлатда халқ суверенитет соҳиби ва ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи экан, айнан у ифодалайдиган олий ҳокимият — таъсис этувчи ҳокимият сифатида майдонга чиқади. Таъсис этувчи ҳокимиятнинг мазмуни шундаки, халқ конституцияни қабул қилиш орқали ўзи учун мақбул кўрган, муносиб жамият ва давлат тузуми асосларини жорий этади. Айнан таъсис этувчи ҳокимият жамият ва давлат қурилиши асосларини ўзгартира олади, ҳатто тубдан ислоҳ қила олади. Энг муҳими шундаки, конституция ёрдамида суверен халқ ҳокимиятчилиги ўзининг қонуний (легитим) ифодасига эга бўлади. Конституциянинг айнан халқнинг таъсис этувчи ҳокимияти ифодаси сифатида эътироф этилиши унинг устуворлигини, жамият ҳуқуқий тизимидаги йўналтирувчи ролини, ҳокимият тузилмалари учун сўзсиз бажариладиган қонун бўлишини таъминлайди.

Конституциянинг таъсис этувчилик табиати яна шунда намоён бўладики, унинг ҳар бир нормаси бирламчилик, яратувчилик салоҳиятига эгадир. Конституциявий қоидаларнинг ўзи бошқа ҳуқуқий нормалар учун йўналтирувчи маёқ, бошланғич асос вазифасини ўтайди. Лекин давлатнинг ҳеч бир ҳуқуқий акти конституция нормалари учун кўрсатма ёки андоза бўлиб хизмат қила олмайди. Билъакс, ҳар қандай қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий акт конституция қоидаларидан «озиқланади», ўз ибтидосини бошлайди, ундан мантиқан келиб чиқади. Бирон бир қонун ва қонуности ҳужжати конституцияга зид бўлиши мумкин эмас.

3. Конституцияни юридик жиҳатдан тавсифловчи яна бир муҳим хусусият — конституциявий тартибга солиш предмети, яъни алоҳида тоифадаги ижтимоий муносабатлар мажмуидир.

Конституциявий таъсир этиш соҳаси ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, бошқа ҳеч бир ҳуқуқий ҳужжат бундай мақомга даъвогарлик қилолмайди. Конституция жамият ҳаётининг барча жабҳаларига — сиёсий, иқтисо-

дий, ижтимоий, маънавий ҳаётга бирдек дахл қилиб, бу соҳалардаги асосий, муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

4. Конституция ўзининг алоҳида юридик сифатлари билан ҳам тавсифланади. Конституциянинг ҳуқуқий тизимдаги нуфузли мақомини нафақат унинг юридик хусусиятлари, балки юқорида кўрсатиб ўтилган барча хусусиятлари биргаликда таъминлайди.

Конституциянинг юридик хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади;

1) барча бошқа қонунлардан устунлиги (олийлиги);

2) олий юридик кучга эгалиги;

3) миллий ҳуқуқий тизимнинг ўзаги эканлиги;

4) алоҳида муҳофаза механизмига эгалиги;

5) махсус тартибда қабул қилиниши ва унга ўзгартириш киритишнинг мураккаб жараёни ўрнатилганлиги.

Мазкур хусусиятларни Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси мисолида кўриб ўтамиз.

1. Давлатимиз Асосий қонунида биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устунлиги принципи ўзининг қонуний тасдиғини топган. Аввалги конституцияларимизнинг бирортасида бу принцип мустаҳкамланмаган эди. Унинг 15-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устунлиги сўзсиз тан олиниши бир неча жиҳатдан аҳамиятлидир. Бунда, энг аввало, мамлакатда конституциявий тузум қарор топтирилганлиги ифодаланади. Конституциянинг устунлигини тан олишда давлатнинг конституцияга, қонунга, ҳуқуққа бўйсундирилиши ғояси илгари сурилгандир.

Конституциянинг устунлиги (олийлиги):

биринчидан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида конституциянинг қатъий ҳукмронлигини билдириб, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг унга сўзсиз бўйсуниши ва риоя этишини англатади;

иккинчидан, ижтимоий турмушни батартиблаштирувчи ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилишини билдиради;

учинчидан, олий ҳуқуқий қадрият, юридик ва ахлоқий мезон сифатида барчанинг фаолиятини улуғ мақсадлар сари йўналтириб туришида кўринади.

Конституциянинг устуворлиги барча давлат идора-

лари, ижтимоий тузилмалар ҳамда фуқароларнинг фаолияти Асосий қонунда мустаҳкамланган қоидалар, принциплар ва ғоялар асосида амалга оширилишини билдиради. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Конституциямизнинг қабул қилиниши чоғидаги нутқида шундай деган эди: **«Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади»**[1].

2. Конституция давлатнинг Асосий қонуни сифатида мамлакат миллий-ҳуқуқий тизимида устунлик қилади, «ҳукмрон» мавқени эгаллайди. Унинг нормалари бошқа қонунларнинг қоидаларидан юқорироқ юридик кучга эга. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз мавқеи, юридик кучи жиҳатидан Конституциядан қуйида туради, улар Конституцияга мувофиқ ҳамда унинг ижроси учун чиқарилади. Бу демократик ривожланган мамлакат ҳаётининг қатъий қоидасидир.

3. Конституция бутун ҳуқуқий тизимнинг пойдевори, унинг баҳамжиҳатлаштирувчи маркази, «система» ҳосил қилувчи ўзак бўлиб, барча ҳуқуқ ва қонунчилик соҳаларини шакллантирувчи ҳамда ривожлантирувчи юридик асосдир. Қонунчиликнинг ҳамма тармоқлари бевосита Конституция қоидалари ва принципларига таянади. Бинобарин, у қонунчилик тармоқлари вужудга келиши ва амал қилиши учун сарчашма — манба бўлиб ҳисобланади.

Асосий қонун — Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи объектив ҳуқуқнинг манбаи. У турли ҳуқуқ ва қонунчилик соҳаларининг муштараклигини, бир бутунлигини ва ўзаро мувофиқлигини, бошланғич принципларининг умумийлигини таъминлайди. Шу тариқа бутун ҳуқуқ тизимига батартиблик ва барқарорлик бахш этади.

4. Конституциянинг олийлигини таъминлаш алоҳида муҳофаза механизми бўлишини тақозо қилади. Бундай механизмнинг асосий ва марказий бўғинини Конституциявий суд ташкил этади. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият идоралари норматив-ҳуқуқий

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1992. 38—39-бетлар.

ҳужжатларининг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриб, хулоса чиқаради. Ўзбекистонда Конституциявий суднинг қарор топиши мамлакатда реал мустақил суд ҳокимияти вужудга келишидан ва биз ҳуқуқий давлатчилик сари бораётганлигимиздан ёрқин далолат беради. Мазкур суд конституцияга тўла содиқлик, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги, ишларни кўриш ва қарор қабул қилишнинг коллегиаллиги, судьяларнинг фақат қонунга бўйсуниши, ошкоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглиги каби принципларга таяниб иш олиб боради.

Конституциявий суднинг асосий функцияси мамлакатимиз Конституциясининг жамият ҳаётида реал устуворлигини таъминлашдан иборат. Унга давлат идораларида, мансабдор шахслар ва фуқароларда Конституция ва қонунларга алоҳида ҳурмат ҳамда одил судловга юксак эҳтиром шаклланишига эришишдек масъулиятли, айни вақтда, шарафли вазифа юклатилган.

5. Конституция алоҳида ўрнатилган тартибда қабул қилинади ва нисбатан мураккаб жараён воситасида унга қўшимча ва ўзгартишлар киритилади. Бу ҳақида дарсликнинг кейинги бобларида батафсил баён қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг табиатини чуқурроқ англаб етиш учун уни уч жиҳатдан:

1) сиёсий;
2) юридик;
3) маънавий жиҳатдан талқин этиш зарур.

1. Конституция давлатимизнинг Асосий қонуни бўлиш билан бир вақтда ўта муҳим сиёсий ҳужжат ҳамдир. Даставвал айтиш жоизки, унда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий хусусияти, тараққиётимизнинг бош мезонлари, давлатимиз ташқи ва ички сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Бошқача қилиб айтганда, Конституцияда давлатнинг асосий функциялари ва сиёсий йўли ўзининг мужассам ифодасини топган. Конституциямизнинг энг муҳим сиёсий аҳамияти шундаки, у дунё сиёсий харитасида янги суверен давлат — мустақил Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини қонуний тарзда расмийлаштирган.

Конституция билан **сиёсат** ўртасидаги узвий алоқадорликка кўра, конституция сиёсатдан холи бўлиши, ва аксинча, сиёсат конституциядан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Конституцияда давлатнинг сиёсий не-

гизлари мустаҳкамланади. Айниқса, демократик ҳуқуқий давлатда агар сиёсат жамият томонидан тан олинган бўлса, у конституция нормаларида ифодаланмоғи лозим.

2. Конституция ўзининг асл моҳиятига кўра юридик актдир. Унинг қоидалари ҳамиша раҳбарий, дастурий мавқега эга бўлади. Жорий қонунлар у ёки бу тарзда констутуциявий қоидаларни ривожлантиради ҳамда ҳаётга татбиқ этади. Башарти, қонунлар конституцияга зид келиб қолса ёки унда белгиланган талаблар бузиб ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлса, улар ўз кучини йўқотиши шарт. Бирорта норматив-ҳуқуқий акт юридик кучига кўра конституциядан устун бўлолмайди.

Диққатга сазовор яна бир нарса — конституциявий нормалар сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим томонларини тартибга солади. Шу жиҳатдан конституция бошқа жорий қонунчилик актларидан фарқ қилади.

3. Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси улкан маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга. Унда инсонпарварлик ҳамда адолат ғоялари мустаҳкамланган. Конституциянинг инсон учун яратилганлиги унинг энг муҳим хусусиятидир. Конституция эҳроминиг чўққисига инсон, фуқаро ва унинг қонуний манфаатлари қўйилган. **«Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади»**[1].

Асосий қонунда давлат, унинг идоралари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар (2-модда), давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди (43-модда), ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти кафолатланади (44-модда), деган инсонни муҳофаза этувчи қоидалар мавжуд. Айниқса, шахснинг дахлсизлиги ва айбсизлик презумпциясининг мустаҳкамланиши Ўзбекистон конституциявий қонунчилигида олдинга қўйилган ижобий қадам бўлди.

Булардан ташқари, Конституциямизнинг чуқур ах-

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т., Ўзбекистон, 1992. 38-бет.

лоқий хусусиятга эга бўлган қуйидаги қоидалари ҳам таҳсинга сазовор:

хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир (46-модда);

вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир (45-модда);

оила жамият ва давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва ҳимоя қилинади (63-модда);

давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради (64-модда, II қисм);

оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади (65-модда);

вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар (66-модда).

Ушбу конституциявий нормалар мазмунида ўзбек халқининг бой ички маънавий дунёси, саховати ва қадимий маданияти акс этган. Зеро, оналарга, аёлларга чексиз ҳурмат, болажонлик, етимларга мурувват ва уларнинг бошини силаш, меҳр-шафқатлилик, оила мустаҳкамлиги учун ғамхўрлик, фарзанд тарбияси ва соғлом авлод учун курашиш — буларнинг ҳаммаси халқимизнинг сахий қалбини, улуғвор салоҳиятли табиатини намоён этувчи фазилатлардир.

2-§. КОНСТИТУЦИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ ВАЗИФАСИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Жаҳон конституционализми тажрибасини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ҳар қандай конституция муайян жамият ва давлат олдида турган жуда муҳим ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этиш учун яратилади.

Инсоният тарихида салмоқли ўрин тутган буюк конституциялар, аксарият ҳолларда, якунланаётган ижтимоий инқилобларни «нишонлаш», унинг натижаларини мустаҳкамлаш учун, шунингдек, кейинги ижтимоий-сиёсий алғов-далғовларнинг олдини олиш учун яратилган. Конституциялар ғолиб келган сиёсий кучлар манфаатига мос ғоя ва қоидаларни қонунлаштиришга хизмат қилган. Баъзи конституциялар эса жамият ва

давлат ҳаётидаги ислоҳотлар стратегиясини мустаҳкамлаб, улар учун ҳаётга йўл очиб, айни вақтда, ижтимоий силкинишлар, бўҳронлар ва инқилобларга тўсиқ қўйган.

Масалан, АҚШнинг 1787 йилги Конституцияси амалий ҳаётга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Унинг асосий вазифаси аввалги тузум камчиликларини бартараф этишдан, янги сиёсий давлат тузумининг асосларини, устувор тамойилларини қонунлаштиришдан иборат бўлган. Шунингдек, у инқилобий ҳаракат якуни бўлиб, инглизларга қарши қўзғолон натижаларини мустаҳкамлаган.

Конституциялар, айрим ҳолларда, янги давлатга уюшган халқ ёки миллатнинг иродасини, истак-интилишини ифодаловчи восита вазифасини ўтайди. Шу маънода улар қарор топган янги давлат ҳақида жаҳон жамоатчилигига эълон қилувчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси ҳам дунё сиёсий харитасида янги суверен давлат пайдо бўлганлигини эълон қилган. Шунингдек, у Ўзбекистон халқи одил демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуришга интилаётганлигини, инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолат ғояларига содиқлигини баён этган. Бу Конституция ўзининг собиқ тоталитар тузум тарзидаги ўтмиши билан хайрлашиб, турли мулкчилик шаклларига асосланган янги ижтимоий-бозор иқтисодиётига — сиёсий тузум барпо этаётган халқнинг иродасини ва эзгу истакларини қонунлаштирган.

XVII—XVIII аср демократик инқилоблари фақат сиёсий тузумни ўзгартириш, ҳокимиятни қайтадан ташкил этиш эҳтиёжи туфайли содир этилмаган. Уларнинг энг муҳим мақсади — ҳокимият билан инсон эркинлиги ўртасидаги оқилона нисбатни қарор топтириш бўлган. Шу боис Англия конституциявий тизими, шунингдек, АҚШ ва Франциянинг ёзма конституциялари, биринчи навбатда, ҳокимият ва фуқаронинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш, уларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш вазифасини ҳал этди.

Бу вазифа АҚШда муайян «камчилик» билан ҳал қилинган. Чунки 1787 йилда қабул қилинган Конституция ижодкорлари инглизлар илгари сурган «қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат этилади» деган принципдан келиб чиқиб, ўз Асосий қонунларида фу-

қароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид бўлимни акс эттирмаганлар. Бироқ тез орада халқ қонун яратувчиларни вазиятни тузатишга мажбур этган. Натижада, орадан икки йил ўтгач, Конституцияга дастлабки ўнта тузатиш — Ҳуқуқлар тўғрисида билл қўшимча қилиб киритилган[1].

Ўз мазмунига ва ижтимоий вазифасига кўра, конституция давлат моҳиятини таърифловчи, унинг ташкилий структурасини ифодаловчи, давлат сиёсатининг асосларини белгиловчи ҳужжат сифатида гавдаланади. Бир сўз билан айтганда, конституция давлатнинг муайян фалсафасидир. Мазкур фалсафа — инсон эркинлиги ва фаровонлиги йўлида давлат ҳокимиятини муайян даражада чеклаш лозимлигини англаб етишга асосланади.

Конституция ҳокимиятни ташкил этиш ва расмийлаштиришнинг ҳуқуқий шакли, уни оқилона чеклаш ва фуқаровий жамиятга бўйсундириш воситасидир. Демократик жамиятда давлат — конституциявий давлат бўлади. Зотан, демократия давлатнинг шакли сифатида конституциянинг мазмунини ташкил этади. Аммо бу конституцияга эга бўлган ҳамма давлат ҳам конституциявий ва демократик давлат бўлаверади, дегани эмас.

Конституция ўз ижтимоий вазифасини бажара бориб, бир қатор ўзаро муштарак боғлиқ бўлган **функцияларни** адо этади. Конституциянинг энг муҳим функцияларидан бири давлатчилик ривожланишидаги ворисликни таъмин этишдир. Англо-саксон мамлакатларида бу анча аниқ ибора — «континуитет» — яъни давлат ҳокимиятининг узлуксизлиги, давомийлиги, ворислиги деган тушунча орқали ифода этилади. Бу билан конституция давлатчиликнинг қатъий заминга эгалигини ҳамда ўзгармаслигини англатади.

Ушбу функция Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзининг тасдиғини топган. Жумладан, Конституциянинг муқаддимасида Асосий қонунни яратишда ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянилганлиги таъкидланган.

Конституциянинг сиёсий, юридик, тарбиявий-мафкуравий функцияларни бажариши адабиётларда кенг эътироф этилган.

---

[1] *Баглай М. В.* Конституционное право Российской Федерации. — М., 1998. 61-бет.

Сиёсий функция. Конституция жамият сиёсий тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди. Маълумки, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар сиёсий муносабатлар иштирокчиси сифатида давлат ҳокимияти билан муайян муносабатда бўладилар. Конституция ана шу муносабатларни мувофиқлаштирувчи, уларни ҳуқуқий тартибга солувчи восита вазифасини бажаради.

Сиёсий партиялар ва сиёсий тизимнинг бошқа субъектлари конституциявий қоидалар асосида давлат ҳокимияти учун кураш олиб борадилар. Масалан, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар мамлакат конституцияси, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунлар асосида ҳамда парламент демократияси тамойиллари доирасида ўз дастур ва низомларида белгиланган мақсад ва вазифаларни адо этиш учун курашадилар. Улар ўз сиёсий мафкураларини давлат мафкураси сифатида ўрнатишлари мумкин эмас (Конституциянинг 12-моддаси), Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмаслар (10-модда), конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи сиёсий партияларнинг тузилишига йўл қўйилмайди (57-модда).

Конституция, шунингдек, сайловлар ва референдум каби бевосита демократия институтларини мустаҳкамлаш орқали жамиятда сиёсий барқарорликни, фуқаролараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ва тинчликни таъминлайди, ижтимоий-сиёсий қатламлар ва гуруҳлар ўртасидаги кучлар нисбатини мувозанатга келтириб туради.

Давлат юритадиган ички ва ташқи сиёсатнинг асослари ва барча муҳим йўналишлари ҳам конституцияда акс этади ҳамда унга таянган ҳолда амалга оширилади.

Юридик функция. Конституция, аввало, юридик мазмун ва моҳиятга эга бўлган ҳужжатдир. У давлатнинг Асосий қонуни сифатида бутун ҳуқуқий ва қонунчилик тизимларининг ўзагини ташкил этади, ҳуқуқий тизим ҳаракатланишининг устувор принципларини белгилайди. Шу сабабли барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар конституцияга мувофиқ чиқарилиши лозим бўлади.

Конституция жамият ва давлат ҳаётининг, давлат идоралари ташкил этилиши ва фаолиятининг асосий

ҳуқуқий принципларини мустаҳкамлайди. У ҳуқуқни ижод этувчи давлат идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иш тартиби, принциплари ва йўналишларини белгилаб беради. Жамиятдаги бутун ҳуқуқий ҳаёт ва юридик амалиёт, шу жумладан, одил судлов амалиёти конституциявий қоидалар асосида шаклланади.

Тарбиявий-мафкуравий функция. Конституция жамият дунёқараши, ижтимоий онги ва маданиятининг маҳсулидир. Унда жамият тараққиётига туртки берувчи, муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилувчи ғоялар ўз ифодасини топади. Тарихан энг биринчи вужудга келган конституциялардан тортиб то ҳозир амалда бўлган конституцияларгача — барчаси муайян ғояларга таянади, хусусан, эркинлик, озодлик, халқ суверенитети, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, ижтимоий адолат, тенглик каби ғоялар, мафкуравий қарашларни қонунлаштиришга хизмат қилади. Ушбу умуминсоний ғоявий-маънавий қадриятлар ҳар бир мамлакат халқининг миллий, тарихий қадриятлари билан қўшилиб, алоҳида давлат конституциясининг мазмунига сингиб кетади. Конституцияда мужассамлашган мафкура жамиятни, халқни муайян мақсадлар сари етаклайдилар, уларни уддалаш учун сафарбар этади.

Конституцияни ҳар қандай мафкурадан холи ҳисоблаш унчалик тўғри эмас. Унда жамият сиёсий-ҳуқуқий мафкурасининг моҳияти ифодаланади. Маълумки, ҳеч бир жамият мафкурасиз яшамайди. Бу хусусда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов шундай деган эди: **«Ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар»**[1]. Айтиш лозимки, Конституциямиз ҳали ишлаб чиқилаётган, концепцияси яратилаётган чоғдаёқ — унинг ижодкорлари муайян мафкурага, яъни Ватан озодлиги, унинг эмин-эркин ривожланиши, мустақил давлатчилик ғояларига қатъий таянганлар.

Бугунги Ўзбекистон Конституцияси миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафкурасининг ҳуқуқий асосини ташкил этиши шубҳасиз. Конституциямиз хал-

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2001. 5—6-бетлар.

қимизнинг истиқлолга, эркинликка бўлган интилишини, миллий ахлоқий-маънавий қадриятларини акс эттиради. Айни вақтда, у халқнинг демократия ва инсон ҳуқуқлари ғояларига, адолатли давлатчилик анъаналарига содиқлигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асл муваффақияти шундаки, у миллий-маънавий қадриятлар ва ғоялар билан умуминсоний ғояларни оқилона уйғунлаштира олди. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: **«Ҳақиқатан ҳам, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг Конституциямиз умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, бинодарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади»**[1].

Энг муҳими, Конституциямизнинг барча қоидалари, бутун ички мафкуравий салоҳияти ягона устувор ғоялари: — Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини таъминлаш, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ғояларини рўёбга чиқаришга йўналтирилгандир. Шундай мафкуравий замин асосида Конституциямиз қуйидаги муҳим мақсадларни кўзлайди:

1) халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиш;

2) ижтимоий адолат мезонларини қарор топтириш;

3) миллий қадриятларимиз ва маданиятимизни қайта тиклаш;

4) шахснинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаш.

«Миллий истиқлол мафкураси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади»[2]. Бошқача айтганда, Конституциямиз истиқлол мафкурасининг қонуний заминидир. Ўз навбатида, Конституция миллий мафкура ва истиқлол ғояларини жамият онгига, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши ана шу мақсадга йўналтирилган муҳим қадамдир.

---

[1] *Каримов И. А.* Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т. Ўзбекистон, 1993. 8-бет.

[2] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2001. 43-бет.

3-§. КОНСТИТУЦИЯНИНГ БЕВОСИТА АМАЛ ҚИЛИШИ

Конституция миллий ҳуқуқий тизимнинг фаол таркибий қисмидир. Айнан шу маънода, конституциявий нормаларнинг бевосита, амал қилиши, яъни ўзи (бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамисиз) ижтимоий муносабатларни тартибга солиши масаласи катта аҳамият касб этади. Эслатиш лозимки, конституциявий нормалар барча масалаларни эмас, балки ўта муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Конституция бирламчи, принципиал қоидаларни мустаҳкамлайди, унинг нормаларига юқори даражадаги умумлаштириш хосдир. Бу конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатини тавсифлайди.

Кўпчилик конституциявий нормаларнинг амал қилиши, тартибга солувчи таъсири жорий қонунчиликда мустаҳкамланган қатор бошқа нормалар билан мувофиқликда амалга ошади. Конституциянинг мазкур хусусияти шунда намоён бўладики, унда тегишли нормаларининг мазмунини ривожлантирувчи ва аниқлаштирувчи қонунлар қабул қилиниши аввалдан назарда тутилади.

Бундай нормаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

биринчидан, қабул қилиниши лозим бўлган қонуннинг номини аниқ кўрсатувчи моддалар;

иккинчидан, конституциявий нормада баён этилган қоидалар муайян қонунда ойдинлаштирилишини назарда тутувчи моддалар.

Ушбу икки гуруҳ моддалар ўртасида тегишли фарқлар бўлса-да, уларнинг умумий жиҳати шундаки, улар ҳуқуқ бераётгани йўқ, балки ваколатли давлат идораларига у ёки бу конкрет қонунни қабул қилиш мажбуриятини юклайди.

Биринчи гуруҳ моддалар қабул қилинишини назарда тутаётган қонунлар юридик адабиётда «таркибий» («органик») қонунлар деб аталади. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида қонун (98-модда), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мақоми тўғрисида қонун (105-модда), Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби тўғрисида қонун (103-модда), Адвокатура тўғрисида қонун (116-модда), Прокуратура тўғрисида қонун (120-модда) ва бошқалар.

Иккинчи гуруҳ моддаларга конституциявий қоидани амалдаги қонунчилик ҳужжатлари воситасида ой-

динлаштиришни назарда тутувчи нормалар киради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида: «...ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустасноднр.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин», — дейилган.

Асосий қонуннинг 35-моддасида: «Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт», — деб ёзилган. Конституциянинг 51-моддасига кўра, «фуқаролар қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар»; 53-моддасига кўра, «мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин»; 77-моддага мувофиқ, «депутатликка номзодлар олдига қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади» ва ҳоказо.

Конституцияда шундай нормалар мавжудки, уларнинг бевосита амал қилишига асло шубҳа туғилмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш» масаласини ҳал этади (78-модданинг 15-банди).

«Конституциянинг тўғридан-тўғри (бевосита) амал қилиши» тушунчаси кўп маънолидир. Бунда унинг икки жиҳати: қонун чиқарувчилик ва ҳуқуқни қўллаш жиҳатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Биринчи маънода, конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши» конституция қоидаларини бажара бориб, аниқ-равшан ифодаланган янги норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини англатади. Агар конституциядан ижтимоий ҳаётни бошқаришнинг демократик принциплари ўрин олган бўлиб, жорий қонунчилик тўла-тўкис унга асосланган бўлса, у ҳолда конституциянинг бутун ҳуқуқий тизимга ижобий таъсир кўрсатиши муқаррардир.

Бундай вазиятда конституциянинг қонунчилик учун айниқса муҳим ҳисобланган айнан ўша, тўғридан-тўғри (бевосита) амал қилиши яққол намоён бўлади.

Конституция бевосита амал қилишининг иккинчи маъноси бу конституция нормаларининг ҳуқуқни қўллаш органлари, судлар, турли давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқаролар томонидан қўлланишини англатади. Бунда суд (ёки бошқа орган) ўз қарорларини асослашда ўртада бирорта қонун чиқармаган ҳолда бевосита конституция нормасига таянади.

Таассуфки, шу пайтга қадар Ўзбекистондаги судлар, аксарият ҳолларда, ўз қарорларини фақат кодекслар ёки айрим қонунлар асосидагина чиқариб келмоқдалар.

Конституциянинг бевосита амал қилиши бир неча кўринишларида намоён бўлади.

Биринчидан, у конституциянинг ўзи аксарият ҳолларда қатор олий давлат органларининг ваколат доирасини белгилашида ўз аксини топади. Конституциянинг ана шу йўсинидаги нормаларини қўллай бориб, қонун чиқарувчи, ижро ва суд органлари вужудга келади ва бевосита фаолият кўрсатади. Юқорида айтиб ўтилган ҳолларда ҳеч қандай воситачи қарор (ҳужжатлар)ларга зарурат қолмайди.

Иккинчидан, кўпчилик ҳолларда муайян масалаларни ҳал қилаётган судлар ва бошқа давлат бошқарув органлари бевосита конституция нормаларига таянадилар. Судлар қуйидаги ҳолларда конституция нормаларига мурожаат этишлари мумкин:

а) конституциядаги бевосита кўрсатмалардан фойдаланилаётганда;

б) судда оддий қонунларнинг конституцияга мувофиқлигига шубҳа туғилганда;

в) судлар барча ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами ичидан зарур нормани топишга муваффақ бўлмаган ҳолларда сўнгги чора сифатида конституция қоидаларига мурожаат қиладилар.

Умуман, мустақил суднинг биринчи навбатда конституция моддаларига таяниши зарурлиги асосий қонунда белгилаб қўйилмоғи зарур.

Конституцияга риоя қилувчи ёки бўлмаса ўз ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида унга мурожаат этувчи фуқароларнинг конституция нормаларидан фойдаланишлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Бунда агар мазкур масалага доир тегишли оддий қонунлар мавжуд бўлгани

ҳолда (айниқса, бу қонунлар конституция нормаларига мувофиқ бўлса) ҳар бир шахс конституция нормаларига бевосита таянишга ҳақлими, деган савол туғилади. Бизнинг назаримизда, конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар бир фуқаро шундай йўл тутишга ҳақли. Унинг қоидалари ҳуқуқни қўллашдаги барча ҳолларда, агар бундай тегишли нормалар оддий қонунларда мавжуд бўлса ҳам, амалда тўғридан-тўғри амал қила олади.

Ҳуқуқий тизимнинг асосий мезоний қоидалари, унинг мақсади ва йўналишлари айнан конституцияда очиб берилади. Конституциядан ўрин олган мақсадлар ва принциплар кишилар томонидан қабул қилинади ва уларнинг хулқ-атворларига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам конституциянинг мақсад ва принциплари, ижтимоий-руҳий нуқтаи назардан олиб қараганда, тўғридан-тўғри амал қилади, деб айтиш мумкин. Ҳуқуқий жиҳатдан эса, «конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши» тушунчаси амалдаги мавжуд қонун-қоидаларга кўра, конституция нормаларига бевосита таянишга йўл қўйиладиган ҳоллар билангина чекланади.

Агар қонунчилик соҳаларида ҳуқуқнинг умумий принципларига ёки унинг мақсадларига ҳавола бўлмаса, ўйлаймизки, ана шу мақсад ва принципларни ўзида мужассамлаштирган конституция нормаларининг таъсирини билвосита деб тан олмоқ лозим. Чамаси, суд талқинини ҳам ана шундай ҳоллар сирасига киритиш мумкин.

Конституциявий назорат органларининг фаолияти конституциянинг бевосита, тўғридан-тўғри таъсири билан боғлиқ алоҳида бир ҳолдир. Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри, бевосита амал қилиш принципининг конституцияга киритилиши унинг самарадорлигини оширган ва уни бирмунча «таъсирчанроқ» қилиб қўйган бўлур эди.

Ўзбекистон Конституциясида қатор мамлакатлардаги сингари (бошқа бирор манбалар) ҳавола қилинадиган ҳоллар анча камдир. Бу унинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш таъсирини кучайтиради[1].

---

[1] *Саидов А. Х.* Қиёсий конституциявшунослик. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий мактаби, 1993. 8—10-бетлар.

4-§. КОНСТИТУЦИЯНИНГ ТАСНИФИ (ТУРЛАРИ)

Сўнгги икки юз йилдан ортиқ конституциявий тараққиёт мобайнида турли мамлакатларда ниҳоятда кўп конституциялар қабул қилинди. Уларнинг ички композицияси (тузилиши), тартибга соладиган масалалари, ташқи белгиларида ўхшашликлар мавжуд бўлса-да, барча конституцияларни мазмуни, моҳияти, ижтимоий вазифаларига кўра таснифлаш, маълум турларга ажратиш мумкин.

Конституцияларни уларнинг умумий хусусиятлари асосида таснифлаш, турли тоифаларга ажратиш кўп сонли конституциялар ичида мўлжал олишни осонлаштиради, улар орасидаги қонуниятли алоқаларни аниқлашга, ҳуқуқий тизимдаги аҳамияти ва ўрнини белгилашга имкон беради. Энг муҳими, дунёдаги конституцияларнинг ижтимоий йўналишини, мазмуни ва моҳиятини англашга кўмаклашади.

Таснифлаш дунёвий конституциявий қонунчиликнинг умумий манзарасини кўз олдимизга келтириш имконини яратади. Тўғри, таснифлашнинг аҳамиятига ортиқча баҳо бериб юбормаслик лозим. Конституцияларни таснифлаш аслида шартли бўлиб, у ҳар бр конституциянинг қабул қилиниш шарт-шароитини, унда ифодаланадиган сиёсий кучлар нисбатини, мамлакатнинг тарихий ва миллий анъаналарини тўла-тўкис қамраб ололмайди.

Бироқ таснифлаш ёрдамида конституцияларнинг умумий, моҳиятига оид белги ва хусусиятларини, табиатини англаш мумкин. Кенг маънода олганда, таснифлаш бизнинг конституциялар ҳақидаги билимларимизни аниқроқ шакллантиради ва тизимлаштиради.

Адабиётларда ёзма ва ёзилмаган конституциялар фарқланади. Аксарият кўпчилик мамлакатларда белгиланган тартибда қабул қилинадиган ёзма конституциялар амал қилади. Ҳозирги даврда конституцияларнинг ёзма шаклда қабул қилиниши ўринли деган фикр қарор топди. Шу билан бирга, ёзма конституцияга эга бўлмаган мамлакатлар бор (жумладан, Буюк Британия, Янги Зеландия). Баъзи мамлакатларда конституция деганда бир неча ҳуқуқий актлар, ҳатто одатлар (конституциявий битимлар) тушунилади. Бу ҳол мазкур мамлакатларда ижтимоий-сиёсий тузум мўрт, давлат ҳокимияти

кучсиз деган маънони англатмайди. Балки конституциявий қоидалар, анъаналар халқ онгидан мустаҳкам ўрин олганлигини кўрсатади.

Конституциялар қабул қилиниш тартибига кўра, турли кўринишларга эга бўлади. Хусусан, юқоридан тақдим этилган, яъни подшо (монарх) томонидан халққа инъом этилган конституцияларга Лихтенштейн, Непал, Иордания давлатларининг конституциялари киради. Ўз вақтида Буюк Британия Африкадаги ўз колонияларига шундай конституциялар инъом этган.

Умум эътироф этилган қонуний (легитим) конституциялар таъсис мажлислари ва референдумлар орқали қабул қилинади. Биринчи усулда яратилган конституцияларга 1787 йилги АҚШ Конституцияси (Конституциявий конвент томонидан қабул қилинган), Италия (1947 йил), Ҳиндистон (1948 йил), Болгария (1990 йил) ва Руминия (1991 йил) конституциялари киради. Иккинчи усулдагисига — Франция (1958 йил), Испания (1978 йил), Россия Федерацияси (1993 йил) конституциялари киради.

Амал қилиш вақтига кўра, муддати чекланган ва чекланмаган, яъни муваққат ва доимий амал қилувчи конституциялар бўлади. Муваққат конституциялар маълум муддатга ёки муайян вазият вужудга келгунга қадар қабул қилинади. Масалан, Таиланднинг 1959 йилдаги Конституцияси то Таъсис мажлис доимий конституция лойиҳасини ишлаб чиққунга қадар амалда бўлди. Кўпчилик конституциялар доимий амал қилувчи қонунлар ҳисобланади. Бироқ бу ҳол уларнинг абадийлигини кафолатламайди. Мамлакатда сиёсий вазиятнинг ўзгариши аксарият ҳолларда янги конституция қабул қилинишига олиб келади. Лотин Америкаси мамлакатларида ҳарбий тўнтаришлар оқибатида конституциялар жуда тез-тез ўзгариб туради. Масалан, 60-йилларнинг ўрталаригача Боливияда — 20 та, Колумбияда — 11 та, Доминикан Республикасида — 15 та, Гаитида — 23 та, Венесуэлада — 22 та конституция қабул қилинди.

Бир қатор конституциялар матнида уларнинг абадийлиги, ўзгармаслиги ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилганини учратиш мумкин. Масалан, Мексиканинг 1917 йилги Конституциясида «ўзгармас» (136-модда) деб ёзилган. Грециянинг 1975 йилдаги Конституциясида унга риоя этиш грекларнинг ватанпарварлиги билан таъминланиши белгиланган. Улар Конституциянинг бекор қилинишига барча воситалар билан қаршилик

кўрсатишга ҳақли эканликлари ёзилган (120-модда, 4-қисм).

Конституцияларни мазмуни ва табиатига кўра ҳам таснифлаш мумкин. Сиёсий режимни расмийлаштиришга қараб конституциялар демократик ва авторитар бўлиши мумкин. Авторитар конституциялар ичида яна тоталитар конституциялар бўлиши эътироф этилади.

Демократик конституциялар фуқароларнинг муайян ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди, сиёсий партияларнинг эркин шаклланиши ва фаолият кўрсатишига йўл қўяди, ҳокимият идоралари таъсис этилишининг сайлов тартибини ўрнатади ва ҳоказо.

Авторитар конституциялар сиёсий партиялар фаолиятини чеклайди ёки тақиқлайди, баъзан якка партиянинг ҳукмронлигини ўрнатади. Номига эълон қилинган конституциялар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий чеклаш йўлини тутади. Авторитар (тоталитар) конституциялар ҳаддан зиёд мафкуралашганлиги билан ажралиб туради.

Бошқарув шаклини мустаҳкамлаш ҳамда давлат бошлиғи лавозимини эгаллаш тартибига кўра, **монархия** ва **республика** конституциялари бўлиши мумкин; сиёсий-ҳудудий тузилишни белгилашига қараб — **федератив** ва **унитар** конституциялар фарқланади. Федератив давлатларда федерал конституция ва федерация субъектининг конституцияси мавжуд бўлади.

Ўзгартирилиш тартиби (усули)га кўра, «юмшоқ» ва «қаттиқ» конституциялар бўлади.

«Юмшоқ» конституциялар оддий қонунлар учун белгиланган тартиб асосида ўзгартирилади ёки тўлдирилади. «Қаттиқ» конституциялар алоҳида ўрнатилган тартибга мувофиқ (қўшимчалар тақдим этилгандан сўнг маълум вақт ўтгач ёки малакали овоз бериш — депутатларнинг 2/3 қисми овози билан, федерация субъектларининг ҳаммаси ратификация қилган тақдирда ва ҳоказо) ўзгартирилиши мумкин. Масалан, АҚШ Конституциясига икки юз йилдан ортиқ амал қилиши мобайнида атиги 27 та тузатиш киритилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳам «қаттиқ» конституциялар қаторига киритиш лозим. Бу ҳақда кейинги бобларда муфассал тўхталамиз.

5-§. КОНСТИТУЦИЯНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА ИЧКИ ТУЗИЛИШИ

Конституция шакли — унинг моҳияти ва мазмунини ифодалашнинг муҳим воситаси. Фалсафий талқинга мувофиқ, ҳар қандай ҳодисанинг мазмуни унинг шакли билан бевосита алоқадордир. Воқеликнинг мазмуни муайян шаклга эга бўлади. Мазмун шаклсиз мавжуд бўлиши, ифодаланиши ва ривожланиши мумкин эмас. Шакл эса ҳар доим маълум мазмун билан «тўлдирилган», мазмуннинг ташқи ифодаси сифатида майдонга чиқади. Аслида мазмун бирламчи, белгиловчи аҳамият касб этса-да, шакл мазмунга фаол таъсир этадиган нисбий мустақилликка эга бўлади. Бу билан шакл мазмуннинг аниқ маънони ифодалашига, лўнда ва қатъий сийратни гавдалантиришига имкон яратади. Мазмун шакл ёрдамида қофияланади, мавжуд бўлади, ҳаракатланади ва ривожланади.

Юқоридаги мулоҳазалар конституциянинг шакли қай даражада аҳамиятли эканлигини кўрсатиб турибди. Авваламбор, конституция шакли деганда, конституциянинг моҳиятини шакллантириш, ифодалаш ҳамда намоён этиш воситаси тушунилади. Бу таъриф, бир томондан, конституциянинг ички шаклини, яъни мазмунининг ички ташкилий тузилишини (структурасини) акс эттиради; иккинчи томондан, конституциянинг ташқи ифодаланишини англатади.

Конституциянинг ички шакли қуйидаги элементларнинг мажмуидан иборат:

1) конституцияни ишлаб чиқиш тартиби;

2) конституцияни расмийлаштириш, қабул қилиш тартиби;

3) конституцияни тасдиқлаш тартиби;

4) конституциянинг ички тузилиши.

Конституцияга ҳаёт бахш этилиши учун, унинг ҳаракатланиши, амалга ошиши учун булар ҳали етарли эмас. Бунинг учун конституциянинг ташқи жиҳатини ташкил этувчи элементлар, яъни ташқи шакли ҳам зоҳир бўлиши лозим. Ташқи шакл конституциянинг амалга оширилиш шаклини ҳам назарда тутади.

Конституциянинг ташқи шакли қуйидаги элементлардан (қисмлардан) таркиб топади:

1) конституциянинг номланиши;

2) конституцияни кучга киритиш тартиби (шакли);

3) конституцияни амалга ошириш тартиби;

4) конституцияни ўзгартириш (қайта кўриб чиқиш) тартиби;

5) конституцияни муҳофаза этиш тартиби.

Таъкидлаш жоизки, конституциянинг ички ва ташқи шакллари ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Унинг ташқи шакли, аслида, ички шаклининг давоми, мазмунининг расмийлаштирилиши, баён этилишининг ифодаси, зоҳирий кўринишидир.

Конституция шаклининг таркибий қисмлари, элементларини батафсил кўриб чиқайлик.

Конституциянинг тузилиши.

Конституциянинг тузилиши деганда, конституциявий нормаларни турига кўра гуруҳлаштириш, уларни бўлим ва боблар бўйича тақсимлаш ҳамда жойлаштиришнинг муайян тизимини ўрнатувчи ички тартиби тушунилади.

Конституциявий нормаларни умумий мужмуаларга (бўлим, бобларга) жамлаш асосида тартибга солиш предметининг ягоналиги ётади. Бунинг маъноси шуки, конституциявий нормалар ягона тоифадаги, мазмунан бир туркумга кирувчи ижтимоий муносабатлар билан боғланган ва уларни тартибга солишга сафарбар этилгандир.

Мазкур нормалар мажмуалари (комплекслари)ни конституцияда мантиқий кетма-кетликда жойлаштиришда бу нормаларнинг ўзаро алоқадорлиги, уларнинг бир-бирига нисбатан бирламчилик ва ҳосилалик муносабатлари инобатга олинади. Муайян маънода бу нормаларнинг жойлаштирилишида конституция асосида ётувчи бош ғоя (концепция) намоён бўлади.

Шу боис конституциянинг ички тузилишини чуқур англаш унинг мағзини ташкил этувчи бош ғоя (концепция)ни, шунингдек, конституциявий-ҳуқуқий институтлар орасидаги ўзаро алоқадорликни ва мутаносибликни тушунишда катта аҳамият касб этади. Конституция тузилишини доимий эътиборда тутиш ҳуқуқни (аввало, конституциявий нормаларни) юксак малакали тарзда қўллашнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси тузилиши унинг мазмунига тўла мувофиқ бўлиб, шахс, жамият ва давлат олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишга кўмак беради. Мамлакатимиз Конституцияси муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат.

Муқаддима жуда қисқа бўлиб, кўтаринки руҳда ёзилган. Унинг моҳияти: конституцияни халқ, яъни давлатнинг ҳақиқий соҳиби қабул қилади ва унда ўз иродасини ифода этади. Агар биринчи бўлим конституциявий тузумнинг асосий принциплари йиғиндисидан иборат бўлса, иккинчи бўлим инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ўзбек хартиясидир. Бошқача қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларининг яхлит ва кенг тизимидир.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бўлимнинг давлат ҳокимияти тўғрисидаги бўлимлардан олдин берилганлиги ҳам маълум бир мантиққа асосланган: ҳуқуқларни инсонга давлат инъом қилмайди, балки фуқаро ўзига озодлик томонидан берилган ажралмас табиий ҳуқуқлар мажмуидан онгли равишда ва масъулиятни ҳис этган ҳолда фойдаланади.

Учинчи бўлим одатдагидек эмас, жаҳоннинг бирорта конституциясида бундай бўлим йўқ. Бу бўлимнинг асосий мақсади — фуқаролик жамиятининг анъаналарини тиклаш, ижтимоий уюшмалар ва муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб, уларнинг ривожланишини таъминлаш.

Тўртинчи бўлим маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишига бағишланган. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида алоҳида боб бор.

Бешинчи бўлим ҳокимиятларнинг бўлиниш принциплари асосида давлат ҳокимиятининг янги тизимини мустаҳкамлайди, давлатнинг марказий ва маҳаллий органлари тузилишини белгилаб беради.

Олтинчи бўлим Конституцияга ўзгартириш киритиш тартибини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши унинг, **биринчидан,** фуқаролар тинчлигига, яъни миллий ва ижтимоий тотувликка; **иккинчидан,** шахс эркинлигига ва сайлов эркинлигига; **учинчидан,** сиёсий барқарорликка; **тўртинчидан,** фаровонлик ва иқтисодий ўсишга; **бешинчидан,** давлатнинг одамлар олдидаги ўз бурчини бажаришга эришишга қаратилган[1].

Конституцияни қабул қилиш тартиби оддий, жорий қонунларни қабул қилишдан фарқ қилади. Янги конституциялар одатда янги давлат вужудга келганда, мамлакат сиёсий тузуми ўзгарганда, давлатчилик ривожида жиддий туб ўзгаришлар рўй берганда қабул

---

[1] *Саидов А. Х.* Қиёсий конституциявийлик. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий мактаби, 1993. 39-бет.

қилинади. Конституцияни тузиш ва қабул қилишнинг бир қанча усуллари бор. Албатта, конституциянинг лойиҳасини тайёрлашдан то қабул қилишгача бўлган барча ишларни парламент мажлисларида узлуксиз амалга ошириш мушкул. Шу сабабли конституция лойиҳасини тайёрлаш учун махсус конституциявий комиссия ташкил этилади. 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши янги конституция лойиҳасини тайёрлаш учун конституциявий комиссия ташкил этган эди.

Янги қабул қилинадиган конституцияда мустақил Ўзбекистоннинг табиати, ички ва ташқи сиёсатининг принциплари, инсон ҳуқуқларига, давлат суверенитетига, демократиянинг ва ижтимоий адолатнинг олий мақсадларига содиқлиги мустаҳкамлаб қўйилмоғи лозим эди. Конституция ўзбек давлатчилиги ривожланишидаги тарихий тажрибани ҳисобга олиши, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларининг устунлиги қоидасига таяниши, фуқаролар учун муносиб ҳаётни таъминлашга асос бўлиши, барқарор, маданий бозор иқтисодига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти бунёд этиши керак эди[1].

Республика Конституциясининг лойиҳасини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва уни қабул қилишга Республика Президенти И. А. Каримов раислигидаги Конституциявий комиссия раҳбарлик қилди. Конституциявий комиссиянинг ишчи гуруҳи Конституция лойиҳасини тайёрлаб, 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилди. Лойиҳа икки ярим ой мобайнида матбуотда, бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар фаолларининг йиғилишларида, минг-минглаб меҳнат жамоаларида чуқур ва атрофлича муҳокама қилинди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясини тайёрлаш, уни қабул қилиш алоҳида шароитда ўтди[2].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. — Т., 1995. 9-б.

[2] Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниш жараёни хусусида қаранг: *Уразаев Ш. З.* Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Т., 1994; Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т., 1995. 5—24-б.

Умуман олганда, конституцияни тайёрлаш, уни қабул қилиш бошқа оддий қонунларни қабул қилишдан фарқ қилади. Чунки конституция — бу давлатнинг Асосий қонуни, ҳуқуқ тармоқларининг манбаи ҳисобланади, шунинг учун у бошқа қонун ва норматив ҳуқуқий актлардан ўзининг юридик кучи бўйича устун туради.

Конституцияни қабул қилиш жараёни оддий қонунларни қабул қилиш тартибидан қуйидагилар билан фарқ қилади.

1. Оддий қонунлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунийлик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида ва бошқа қўмиталарида ишлаб чиқилади ва муҳокама қилиниб, Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида қабул қилинади. Конституция лойиҳаси эса Олий Мажлис томонидан махсус тарзда тузилган муваққат конституциявий комиссия томонидан ишлаб чиқилади.

2. Конституция лойиҳасини тайёрлаш учун тажрибали сиёсий арбоблар, жамият турмушининг турли жабҳаларида танилган мутахассислар ва ҳуқуқшунос олимлар жалб этилади. Мазкур шахслар олий вакиллик органи депутати бўлмасалар ҳам, конституциявий комиссияга жалб қилинадилар.

3. Конституция лойиҳасини тайёрлаш жараёни оддий қонунлар лойиҳасини тайёрлашга нисбатан анча давомли бўлиб, мукаммал ишлашни талаб этади.

4. Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилиниб, албатта умумхалқ муҳокамасига қўйилади.

Конституцияни қабул қилишнинг алоҳида тартиби қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, конституция қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг навбатдаги сессиясидагина эмас, балки шу мақсадни кўзлаб махсус чақирилган навбатдан ташқари сессияда ҳам қабул қилиниши мумкин;

иккинчидан, конституция лойиҳасини қабул қилиш тартиби унинг ҳар бир моддаси бўйича алоҳида овоз берилиши билан фарқланади, уни қабул қилиш учун бутун депутатлар корпусининг учдан икки қисми ижобий овоз бериши шарт;

учинчидан, қабул қилинадиган конституция умумхалқ референдумига қўйилиши мумкин.

Қабул қилинган конституцияни тасдиқлаш маросими ҳам турли давлатларда ҳар хил. Бундай тартиб асосан, федератив шаклда ташкил қилинган давлат-

ларда амал қилади. Қабул қилинган конституция барча федерация субъектлари томонидан тасдиқланиши, яъни уларнинг парламентлари томонидан ратификация қилиниши шарт бўлади.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган конституцияни ратификация қилиш шарт эмас.

Қабул қилинган конституцияни кучга киритиш тартиби ҳам турли мамлакатларда ҳар хил белгиланади. Кўпчилик мамлакатларда конституцияни кучга киритиш алоҳида ҳал қилинади. Баъзи давлатларда бу уни матбуотда эълон қилиш билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси у қабул қилинган куни, яъни 1992 йилнинг 8 декабрида алоҳида қонун билан кучга киритилди.

Конституциянинг алоҳида хусусиятларидан бири унинг таъсис этувчилик, яъни янги органлар тузиш, янги қонунлар ижод қилиш хусусиятидир. Конституция қабул қилинганидан кейин, давлатнинг бутун янги органлари тизими ҳамда конституцияда кўрсатилган қонунлар вужудга келади.

Конституцияни амалда бажариш конституцияни бевосита ҳаракатга келтирувчи ёрдамчи қонунлар мажмуасини қабул қилишни ҳам тақозо этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўлиқ амал қилишини Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳақидаги конституциявий қонуннинг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ҳақидаги, Ўзбекистон Конституциявий суди ҳақидаги ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши таъминлаб берди. Демак, конституцияни амалга ошириш бутун конституциявий ҳуқуқ тармоғининг янгиланишини тақозо этади. Конституциявий ҳуқуқ тармоғида бўладиган ўзгаришлар бутун қонунлар тармоқ тизимларининг янгиланишига олиб келади. Конституциявий ҳуқуқ тармоқларига тегишли кўплаб қонунларнинг қабул қилиниши қабул қилинган янги конституциянинг ўзида кўрсатиб қўйилади.

Конституцияни амалда ҳаракатга келтириш жараёни қисқа вақт ичида режали равишда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам конституция лойиҳаси билан параллел тарзда уни амалга оширишни таъминлаб берувчи қонунлар мажмуаси ҳам тайёрланаверади.

Конституцияни ўзгартириш тартиби. Конституциявий ҳуқуқ фанида конституциялар, уларга ўзгартиш киритишнинг оддийлиги ёки мураккаблигига қараб, барқарор ва ўзгарувчан конституцияларга бўлинади. Агарда конституцияни ўзгартиш осонроқ бўлса, у ўзгарувчан конституция деб юритилади. Агарда, аксинча, конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби мураккаб бўлса, у барқарор конституция деб юритилади. Лекин шуни эсда тутиш керакки, энг ўзгарувчан конституция ҳам бошқа қонунларга нисбатан қаттиқ, ихчам ва барқарор бўлиши шарт.

Конституциянинг тузилишини, бутун матнини ўзгартиришга олиб келадиган объектив сабаблардан бири мамлакатда юз берадиган жиддий ислоҳотлар ва давлат ривожланишига доир дастурнинг ўзгаришидир. Жаҳоннинг илғор мамлакатларида доимо конституциянинг ихчам ва барқарор бўлишига катта эътибор бериб келинган. Хусусан, 1787 йилда қабул қилинган ва жаҳондаги биринчи конституция ҳисобланган АҚШ Конституцияси, мана 200 йилдан кўп вақт ўтибдики, ҳамон барқарор тарзда амал қилиб келмоқда. Унга шу вақт ичида 27 та ўзгартириш ва қўшимча киритилган, холос.

Умуман, конституцияни ўзгартириш, янгилаш оддий қонунларни ўзгартириш ёки янгилашдан фарқ қилади. Масалан, Россия Федерацияси Конституциясига тузатиш ва янгилик киритиладиган бўлса, бу ҳақдаги таклиф фақат Президент, Федерация Кенгаши, Давлат Думаси, ҳукумат, Россия Федерацияси субъектларининг қонун чиқарувчи (ваколатли) органлари ва Федерация Кенгаши ёки Давлат Думаси депутатларидан камида бешдан бир қисми томонидан киритилиши мумкин. Испания Конституцияси бўйича Бош Кортеснинг иккала палатасида ҳам депутутларнинг бешдан уч қисмидан кўпроғи овоз берса, конституцияга ўзгартишлар киритиш мумкин[1].

Ўзбекистон Конституциясининг барқарорлигини таъминлаб берувчи принциплар унинг бевосита ўзида мустаҳкамлаб қўйилган. Лекин ҳаёт шароити, мамлакатнинг ривожланиши Конституцияга ўзгартиш киритишни тақозо этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127, 128-моддаларида унга ўзгартишлар киритиш тартиби

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т., 1995. 301-б.

мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартишлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида, кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда, қонун қабул қилиши мумкин. Агарда Олий Мажлис Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин[1].

6-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

Ҳуқуқий тартибга солишнинг энг олий шакли — конституциявий тартибга солишдир. Зеро, конституция мамлакатнинг асосий қонуни бўлиб, юксак мақомли, ўта нуфузли сиёсий-юридик ҳужжат саналади. У мўътабар ижтимоий-ҳуқуқий қадрият сифатида жамият ва давлат ҳаётининг бош мезони, ижтимоий муносабатларни барқарорлаштирувчи, равон тартибга солувчи таъсирчан воситадир.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида конституциянинг олийлигини, устуворлигини таъминлаш ниҳоятда муҳим масаладир. Конституция — миллий ҳуқуқий тизимининг ўзаги, унинг мустаҳкам пойдевори. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (16-модда, 2-қисм).

Конституция бутун ҳуқуқий тизимнинг уюштирувчи, баҳамжиҳатлаштирувчи маркази, «система» ҳосил қилувчи ўзаги бўлиб, барча ҳуқуқ тармоқлари ва қонунчилик соҳаларини шакллантирувчи ҳамда ривожлантирувчи юридик асосдир. Қонунчиликнинг ҳамма соҳалари бевосита конституция қоидалари ва принципларига таянади. Бинобарин, конституция қонунчилик тармоқлари вужудга келиши ва амал қилиши учун асосий манба бўлиб ҳисобланади. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, конституциявий нормалар сиёсий, иқти-

---

[1] *Каюмов Р.* Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т., 1998. 47—48-бетлар.

содий, ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётнинг энг муҳим томонларини ҳуқуқий тартибга солади. Ана шу маънода конституциявий тартибга солиш ҳуқуқий тартибга солишнинг бошқа турларидан фарқ қилади.

Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш мураккаб ички тузилиш (структура)га ва ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳаларига таъсир этишнинг ўзига хос жиҳатларига эга. У ҳуқуқий тартибга солиш ягона тизимининг махсус қисми сифатида бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради:

1) мамлакат миқёсида ягона конституциявий тартибга солишнинг муайян тизимини ташкил этади;

2) у барча учун мажбурий, норматив хусусиятга эга;

3) ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий стратегиясини, сиёсий йўналишини, устувор принципларини белгилайди;

4) ижтимоий муносабатларни конституциявий тартибга солиш давлат томонидан энг юксак даражада кафолатланади ва таъминланади.

Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг муштарак тизимлилик хусусияти конституциявий қонунчилик нормаларининг ички мутаносиблиги, баҳамжиҳатлиги, ўзаро мантиқий мувофиқлиги ва батартиблигида кўринади.

Мамлакат конституциявий қонунчилиги тизимига — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва барча конституциявий қонунлар (масалан, «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонун, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонун) киради.

Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг нормативлик даражаси ҳамда сиёсий-юридик аҳамияти конституциявий қонунчиликни ўрнатиш характери ва тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг муҳимлигидан келиб чиқди. Конституцияда мустаҳкамланган принципларнинг ҳаммаси норматив табиатга эга бўлиб, улар мавжуд ҳуқуқий тизим учун, давлат идораларининг ҳуқуқ ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти учун, фуқаролар, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмалари фаолияти учун устувор, раҳбарий аҳамиятга эгадир.

Конституциявий тартибга солишнинг мажбурий табиатига келганда шуни айтиш керакки, у энг олий

даражадаги мажбурийликка эга ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари учун бажарилиши шарт бўлган қатъий талабдир.

Мамлакатимизда Конституцияга амал қилиш мажбурияти конституциявий қонунчилик даражасида мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар (Конституциянинг 15-моддаси).

Конституциявий қонунчилик нормаларининг амалга оширилиши иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва юридик кафолатлар тизими билан таъминланади. Бозор иқтисодиётига асосланган ишлаб чиқариш ривожлангани ҳамда хусусий мулкчилик муносабатлари қарор топгани сайин конституциявий нормалар амал қилишининг иқтисодий заминлари, кафолатлари мустаҳкамлана боради. Шунингдек, мамлакатимизнинг сиёсий тизими демократик тарзда такомиллашиб борган сайин конституциявий тартибга солишнинг сиёсий кафолатлари кучайиб боради. Жамиятнинг ғоявий асослари ва маърифий-маънавий камолоти таъминланиб, тобора юксалиб борган сайин конституциявий тартиботнинг ғоявий-маънавий кафолатлари ривож топади. Конституциявий тартибга солишнинг юридик механизми эса конституция амал қилишининг барча ҳуқуқий воситалари ҳамда усуллари йиғиндисини қамраб олади. Конституция нормалари қонунийлик принципига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида конституция устуворлигини таъминлашнинг, унга риоя қилишнинг алоҳида муҳофаза механизми вужудга келтирилган. Бундай механизмнинг асосий ва марказий бўғинини Конституциявий суд ташкил этади. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар актларининг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриб, ҳал этади.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги (1995 йил 30 август) қонунига мувофиқ, Конституциявий суд мамлакатимизда конституциявий назоратнинг олий судлов органи ҳисобланади. Конституциявий суд барча давлат органлари томонидан чиқариладиган ҳуқуқий актларнинг, Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Конституцияга тўла мос бўлишини ку-

затиб туради; Қорақалпоғистон Конституцияси, қонунлари ва ҳуқуқий актларининг Ўзбекистон Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради; Конституция ва қонунларни шарҳлайди. Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас (Конституциянинг 109-моддаси).

Конституциявий тартибга солиш жамиятда етакчи ҳамда нуфузли ўринтутади. У олий даражадаги ҳуқуқий тартибга солишдир. Конституциявий нормалар ўз юридик кучи жиҳатидан бошқа оддий ҳуқуқий нормалардан сўзсиз устун бўлганлиги учун конституциявий тартибга солиш юксак юридик мақомга, шунингдек, муҳим ижтимоий-сиёсий мазмунга эга.

Хўш, конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш қандай ижтимоий муносабатларни қамраб олади? Бундай тартибга солишнинг предметини жамият ва давлат ҳаётфаолиятининг энг муҳим жиҳатлари, шунга оид асосий ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Бу ижтимоий муносабатлар — жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий ривожланишини, Ўзбекистон давлати ички ва ташқи сиёсати асосларини, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини устувор таъминлашни акс эттирувчи, хусусий мулкчиликка асосланган барқарор бозор иқтисодиётининг қарор топиши билан боғлиқ муносабатлардир. Ушбу муносабатлар жамият ва давлатимизнинг моҳиятини ҳамда асосий хусусиятларини ифода этади.

Конституциявий-ҳуқуқий тарзда тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларни бир неча йирик мажмуаларга ажратиш мумкин:

1) жамиятнинг иқтисодий тизими, хусусий ва бошқа шаклдаги мулкчилик ҳамда тадбиркорлик асосларини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар;

2) Ўзбекистон сиёсий тизими ва давлат тузуми асосларини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар;

3) шахснинг ҳуқуқий мақоми асосларини белгиловчи, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш тизимига оид ижтимоий муносабатлар;

4) мамлакатимизнинг давлат тузилиш шакли, маъмурий-ҳудудий тузилиши, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқий мақоми асосларини белгилашга оид ижтимоий муносабатлар;

5) сайлов тизими, парламент, Президент, ҳуку-

мат, суд ҳокимияти, давлатнинг маҳаллий вакиллик ва ижроия идораларининг ҳуқуқий мақоми, ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ва ҳоказо.

Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш механизмини уч элемент:

1) конституциявий нормалар;

2) конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар;

3) конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш актлари ташкил этади.

Ушбу механизмнинг норматив асосини ташкил этувчи конституциявий нормалар ўзининг энг олий сиёсий-юридик кучи, юксак барқарорлиги ва жамият ҳамда давлат томонидан қатъий таъминланиши билан ажралиб туради.

Конституциявий нормалар асосида таркиб топган ҳуқуқий муносабатлар умумий мазмун касб этади ва тармоқ ҳуқуқий муносабатлар (яъни конкрет муносабатлар) учун асос вазифасини ўтайди. Улар ўзининг доимий барқарорлиги, узоқ муддатга мўлжалланганлиги ва субъектларининг юқори умумий ҳуқуқий ҳолатини ифодалаши билан ажралиб туради.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари: давлат, халқ, миллатлар, Қорақалпоғистон Республикаси, давлат идоралари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ҳисобланади. Конституциявий қонунчилик нормаларини амалга ошириш, ҳар қандай ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш сингари, риоя қилиш, бажариш, фойдаланиш ва қўллаш шаклларида бўлиши мумкин.

Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг хусусиятларидан бири конституция нормаларининг жорий қонунлар томонидан конкретлаштирилиши ҳамда бевосита амалга оширилишидир. Қонун нормалари, ўз навбатида, Президент фармони, Ҳукумат қарори, давлат бошқарув идоралари ва ҳуқуқни қўлловчи органлар актлари орқали ҳаётга жорий этилади.

Шундай қилиб, жамият ва давлат ҳаётини конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш, унинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг янада илдам қадамлар билан мустақиллик йўлидан олға қараб ривожланишининг ишончли гаровидир.

7-§. КОНСТИТУЦИЯГА РИОЯ ЭТИШ ВА УНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Конституция амал қилиши ва унга риоя этилиши билан қадрлидир. Конституция талабларининг бажарилиши мамлакатда конституциявий тузум барқарорлиги ва фуқароларда қонунга қатъий итоаткорлик мавжудлигини кўрсатади. Бироқ, ҳар қандай жамиятда манфаатлари, мақсадлари ва фаолиятлари конституцияга хавф туғдирувчи шахс ва ташкилотлар бўлиши мумкин. Бундай хавф, шунингдек, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини суиистеъмол қилиши, ҳокимият шохобчаларининг ўз ҳуқуқлари доирасидан четга чиқиши натижасида ҳам вужудга келиши мумкин. Конституциянинг бузилиши шуниси билан хавфлики, бунда давлатчилик асосларига путур етади, инсонларнинг конституциявий тартиботга бўлган ишончи завол топади. Энг ёмони, мамлакатда бошбошдоқлик ва нотинчлик вужудга келиши, ҳокимият инқирози, оммавий тарзда инсон ҳуқуқлари камситилиши содир бўлиши мумкин.

Юқоридаги сабаблар туфайли демократик давлат Конституцияга қатъий риоя этилишини ва уни ҳар қандай тажовузлардан муҳофазалаш чораларини кўриш лозим. Конституциянинг қўпол тарзда бузилиши жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Деярли барча мамлакатлар қонунчилигида «конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартириш», «ҳокимиятни эгаллаш мақсадида тил бириктириш», «давлат тузумини зўрлик билан ағдаришга даъват этиш» каби жиноятлар таркиби назарда тутилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида шундай битиклар бор: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, ...шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади».

Конституция бузилмаслигининг кафолатлари аввало Асосий қонуннинг ўзида эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида қу-

йидаги қоида мустаҳкамланган: «...давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади».

Конституцияга мувофиқ иш тутиш, унга риоя қилиш конституциявий принцип даражасига кўтарилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида айтилишича, «давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар» (15-модданинг 2-қисми); «бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас» (16-модданинг 2-қисми); фуқароларнинг «демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» (13-модданинг 2-қисми); «фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас» (19-модда).

Конституцияга риоя этиш мамлакатнинг барча фуқаролари зиммасига, шунингдек, бошқа шахсларга юклатилади. Асосий қонунимизнинг юқорида келтирилган 15-моддасида ҳамда қуйида зикр этилаётган 23-моддасида бу қоида ўз ифодасини топган: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар». Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар (47-модда). Ўз навбатида, «давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди» (43-модда).

Конституциядан келтирилган ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, айнан шундай қоидалар воситасида мамлакатда конституциявий қонунийлик режими ва ҳуқуқий тартибот ўрнатилади. Давлат билан фуқаро конституция ва қонунлар асосида ўзаро муносабат ўрнатадилар, улар ўзларига маълум мажбуриятларни, аввало, конституцияга риоя этиш мажбуриятини оладилар.

Бир қатор конституциявий қоидалар (масалан, 7-модданинг 3-қисми, 57-модда) Конституцияни муҳофаза этиш мақсадларига хизмат қилади.

1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида ўта мудҳиш воқеа содир этилганини эслаш мумкин. Бунда диний-экстремистик ғайриқонуний уюшмаларга мансуб бир тўда жиноятчилар конституциявий тузумга, мамлакат Президентига қарши суиқасд — террорчилик ҳаракатини содир этдилар. Шаҳарнинг бешта манзилида портлаш содир қилинди, оқибатда 16 нафар фуқаро қурбон бўлди, аҳоли қалби ларзага солинди[1].

Давлат томонидан диний экстремизм ва ақидапарастлик асосида жиноятлар содир этилишига қарши қаратилган, конституциявий қоидаларни конкретлаштирадиган қатъий чора-тадбирлар кўрилди, қонунларга тегишли қоидалар киритилди. Масалан, амалдаги Жиноят кодексининг 216-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилди: «Фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, худди шунингдек, бундай бирлашмалар ва ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш— энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Шунингдек, ЖКга, қуйидаги мазмундаги янги 244[1]-модда киритилди: «Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима

---

[1] Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Қодиров Р. Х.* Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг айрим хусусиятлари (амалий қўлланма). Т.: Ўқитувчи, 2000. 8—9-бетлар.

чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса —

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш —

энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёхуд мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) диний ташкилотлардан, шунингдек, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб содир этилган бўлса —

мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Амалдаги қонунчиликдан Конституцияни ҳимояловчи яна баъзи лавҳалар келтирамиз:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 240-моддасига мувофиқ, нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилот раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини

рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга қамоққа олишга сабаб бўлади.

Айнан шундай хатти-ҳаракатларни улар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, унга жиноий жазо қўлланади, яъни энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (Жиноят кодексининг 216^2-моддаси).

Демак, конституциявий тартиб-қоидани тан олган ҳолда фаолият юритувчи жамоат бирлашлари ва ташкилотларнинг фаолияти қонуний ҳисобланади, унга юридик кафолат берилади.

Фуқароларга келганда шуни таъкидлаш лозимки, уларга ҳам конституциявий нормаларга риоя этиш юзасидан қатор мажбуриятлар юклатилади. «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар» (Конституциянинг 48-моддаси). «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» (50-модда). «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар» (51-модда). «Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдилар» (52-модда).

Фуқароларнинг Конституцияга риоя этиши фақатгина уларга юклатилган юқоридаги мажбуриятлар билан чекланмайди, балки бу анчагина кенгроқ маъно ва мазмун касб этади.

Ҳар бир фуқародан қуйидагилар талаб этилади:

биринчидан, бошқа фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;

иккинчидан, давлат ҳокимиятининг конституциявий органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий актларга, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳукм ва қарорларига итоат этиш;

учинчидан, конституциявий тартиботларни ҳурмат қилиш, ҳеч қандай ҳолатда (зарурий мудофаадан ташқари) зўрлик ишлатмаслик, қонунга итоаткор бўлиш.

Бу энг камтарона талаблар жамият ҳаёти конституциявий асосга қурилишининг шартидир. Улар фуқаро

томонидан ўз зиммасига ихтиёрий тарзда олинган масъулият деб баҳоланиши мумкин ва лозим.

Конституцияга риоя этиш ва уни муҳофаза қилиш бобида мансабдор шахслар зиммасига ҳам муайян масъулият юклатилади. Ўзбекистон Республикасида бундай масъулият аввало мамлакат Президентига юклатилади. Конституциянинг 93-моддаси, 1-бандига мувофиқ, Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради» (94-модда).

Президентнинг масъуллигига ишонч туғдирадиган яна бир қоида мавжуд. Президент лавозимига киришиш чоғида қасамёд қабул қилади. Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Конституцияга риоя этиш мажбурияти, гарчи Асосий қонун матнида Олий Мажлисга, Вазирлар Маҳкамасига, Олий суд, Олий хўжалик суди, Республика Прокуратурасига, Қуролли Кучларга бевосита юклатилмаган бўлса-да, уларнинг барчаси 15-моддага ва улар тўғрисидаги тегишли қонунларга мувофиқ, Конституция бўйича иш кўрадилар ва уни муҳофаза этадилар.

Конституцияни муҳофаза этиш механизмида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди алоҳида ўрин тутади. «Конституциявий суд тўғрисида»ги қонун мазкур институтнинг ҳуқуқий мақомини, махсус ваколатларини ҳамда фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради (108-модда). Конституциявий суднинг тўла

ваколатлари ҳажми ва давлат механизмидаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида кейинги бобларда алоҳида тўхталамиз.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) муҳим аҳамият касб этади. Унинг ҳуқуқий мақоми ва фаолияти асослари «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)» тўғрисидаги (1977 йил 24 апрель) қонунда батафсил белгиланган.

V боб. ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ТАЖРИБАСИ

*** КОНСТИТУЦИЯНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ**
*** ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАЖРИБАСИ**
*** КОНСТИТУЦИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ**
*** КОНСТИТУЦИЯ БАРҚАРОРЛИГИ ВА КАФОЛАТЛАРИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ: УМУМБАШАРИЙ ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ БИРЛИГИ**

1-§. КОНСТИТУЦИЯНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

«Конституция» лотинча сўз бўлиб, ўзининг узоқ тарихига эга. Қадимги вақтларда «конституция» ибораси, сиёсий тузум маъносини англатган. XVII асрда Францияда ушбу сўз билан рентани, рента шартномасини ифодалашган. Кейинчалик қадимги маъносига қайтиб, ушбу атама билан ҳуқуқий томондан белгилаб қўйилган давлат тузумини атай бошлаганлар. Буюк француз инқилоби арафасида «давлатнинг аҳволи»ни «конституция» ибораси билан ифодалай бошлаганлар.

Шу маънода XIII—XVI асрларда Мовароуннаҳрда шариат билан бир қаторда давлатнинг ҳуқуқий аҳволига, мақоми ва тараққиётига маълум даражада таъсир кўрсатиб келган Чингизхон Ёсуни ва соҳибқирон Амир Темур тузукларини шарқона маданиятга монанд конституциявий ҳужжатлар, деб қараш мумкин.

Европа маданияти бугунги кунда ҳаракатда бўлган бир неча гуруҳ конституцияларни вужудга келтирди. **Биринчи гуруҳ** — қадимги конституциялар бўлиб, бундай конституциялар тарихан XX асрга қадар қабул

қилинган эди. Бунга яққол намуна сифатида 1787 йилдаги АҚШ Конституцияси, 1831 йилдаги Бельгия Конституцияси ва 1874 йилдаги Швейцария Конституциясини кўрсатиш мумкин.

XX асрда қабул қилинган конституциялар эса **иккинчи гуруҳни** ташкил этади. Бу конституциялар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, Асосий қонунни муҳофаза этиш, ижтимоий муаммоларга мурожаат қилиш натижасида конституциявий тартибга солиш кўламининг кенгайганлиги билан биринчи гуруҳ конституцияларидан фарқланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган кўпгина конституциялар миллий ҳуқуқий тараққиёт ва АҚШ конституциявий тажрибасига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Дунёдаги энг қадимги Конституция — АҚШ Асосий қонуни ўзининг қисқалиги, пухталиги ва, айни вақтда, самарадорлиги ва барқарорлиги билан ажралиб туради.

Ўтган асрнинг 20-йиллари бошларида Шарқ мамлакатларидан Туркия, Эрон, Афғонистон, Миср каби давлатларда миллий мустақиллик йўлида ҳам Оврўпага хос, ҳам анъанавий мусулмон ҳуқуқи — шариатга асосланган конституциялар қабул қилинди.

XX асрнинг 40—50-йилларида эса Осиёдаги ёш мустақил давлатлар конституциявий тараққиётида қўшма инглиз-француз ҳуқуқий ёндашувлари кенг қўлланила бошланди. Ҳиндистон Конституциясида илк бор АҚШ Асосий қонунида мустаҳкамлаб қўйилган федерализм принципи ўз аксини топган. Бироқ, кўпчилик Осиё мамлакатлари мустақилликка эришмасдан илгариёқ ўзининг тарихий ёки мустамлакачиликка хос ҳуқуқ ижодкорлик тажрибасига эга эдилар. Ғарбнинг кучли таъсирига қарамасдан, кўпчилик Осиё давлатларининг конституцияларида ўз миллий анъанавий хусусиятлари эътиборга олинган.

XX асрнинг 60-йилларида Африкадаги миллий давлатчилик тажрибаси унчалик тўлиқ ривожланмаганлиги ёки Оврўпа андазаларининг ҳукмронлиги туфайли йўқолиб кетган. Одатда, собиқ мустамлакаларга эга бўлган Ғарб давлатлари ўз қарамлигида бўлган у ёки бу давлатларнинг конституциявий қурилишига муайян таъсир кўрсатган.

Айрим мусулмон давлатлари (Саудия Арабистони, Уммон, Ливия) муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида конституциянинг умуман зарурлигини инкор этади-

лар ёки унинг аҳамиятини ҳар жиҳатдан камситиб келадилар.

Инглиз конституцияшунослари томонидан тайёрланган 1968 йилги Свазиленд Конституцияси «демократик анъаналарга ва халқнинг турмуш тарзига номувофиқ»лиги сабабли 1973 йилда бекор қилиниб, мустамлакачиликка қадар бўлган ҳокимият тузуми тикланган. Шунинг учун ҳам конституциянинг халқ томонидан чуқур англаб етилиши ва қабул қилиниши муаммоси унинг ҳаётийлиги ва барқарорлигининг энг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

2-§. ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАЖРИБАСИ

«Маълумки, дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур этолмайди»[1].

Шунинг учун ҳам жаҳон ҳуқуқий тараққиётининг муҳим ва ажралмас қисмини Конституциявий тажриба ташкил этади.

Конституция муайян ҳуқуқий хусусиятларга ва ўзига хос вазифаларга эгадир. Чунки Конституция, авваламбор, ҳуқуқий ҳужжат сифатида давлатнинг Асосий қонунидир. Агар у етарлича норматив хусусиятга эга бўлмаса, жиддий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаролмайди. 1978 йилги Ўзбекистон Конституцияси, чет элларда эса Италиядаги Қирол конституцияси (1848 йил — Альбертина статути) ана шу хилдаги конституциялар қаторига киради. Улар ўта мафкуравий ақидалар, ғоявий чақириқлар, баландпарвоз тушунча ва қоидалар билан ҳаддан ташқари тўлиб-тошиб кетган. Бугунги кунда бундай декларатив конституциялар (Миср, Сурия, Ангола) қаттиқ танқидга учрамоқда.

АҚШ Конституцияси ва «иккинчи гуруҳ» конституциялари сиёсий декларатив моддаларининг бирмунча камлиги ва пухта ҳуқуқий жиҳатлари билан ажралиб туради. Конституцияга яхлит бир бутун ҳуқуқий ҳужжат сифатида қараш жаҳон конституцияшунослигининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Конституциянинг асосий мазмуни, шунингдек, декларатив ва баҳоловчи қоидалари асосан, муқаддимада

---

[1] Ислом Каримов Конституция тўғрисида. Т.: Академия, 2001. 148—149-бетлар.

иложи борича мухтасар баён қилиниши билан ажралиб туради.

Асосий қонуннинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган бир неча вазифаларини кўрсатиш мумкин. Конституциянинг **сиёсий вазифаси** жамият ижтимоий тузумини тартибга солиш ва сиёсий ҳаётни ҳамда ҳокимият учун курашнинг муайян ҳуқуқий доирасини белгилаб беришда ифодаланади.

Конституция **ташкилий вазифасининг** моҳияти давлатнинг конституциявий тузилишини ташкил қилиш ва фаолиятининг асосий жиҳатларини ўрнатишда намоён бўлади.

Агар Конституциянинг **бунёдкорлик вазифаси** жамиятнинг муайян қадриятларини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида маънавият соҳасига таъсир кўрсатишга қаратилган бўлса, унинг **ҳуқуқий вазифаси** амалдаги ҳуқуқий тизимни барқарор ифодалаш ва такомиллаштиришни таъминлашга йўналтирилган.

Шу муносабат билан, Конституциянинг ҳуқуқий вазифалари орасидаги энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, конституциявий нормалар амалдаги ҳуқуқий тизимнинг олий мезони ва маркази ҳисобланади. Шунинг учун жамики мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар конституцияга мувофиқ бўлмоғи лозим;

иккинчидан, конституция матнида ҳуқуқнинг асосий принциплари мустаҳкамланган.

учинчидан, амалдаги ҳуқуқ манбалари тизимида Конституция бевосита амалдаги ҳуқуқ ҳисобланиши, яъни судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўз фаолиятларида Асосий қонунни тўғридан-тўғри қўллашлари лозим.

Конституциянинг ҳуқуқий табиати ва вазифалари унинг норматив ҳужжатлар тизимидаги устунлигида айниқса яққол намоён бўлади.

Конституциянинг устунлиги принципи тарихан АҚШ конституциявий тараққиёти тажрибасига бориб тақалади. Бу принцип Иккинчи жаҳон урушидан кейин Оврўпо конституциявий таълимоти ва амалиёти билан ривожлантирилди. Ушбу принцип:

биринчидан, Конституцияга хилоф бўлган ҳар қандай фаолиятнинг, чунончи, қонун ижодкорлик фаолиятининг ҳам ман этилишини;

иккинчидан, конституциявий нормаларнинг анъанавий мезонлар ҳамда қонунларни шарҳлаш ва қўлла-

ниш воситаларига нисбатан муҳим, етакчи ўрин эгаллаганлигини;

учинчидан, барча ҳуқуқ ижодкорлик органлари конституциявий қоидаларни ривожлантириш йўлида ҳаракат қилиши шартлигини;

тўртинчидан, конституцияни қабул қилишнинг ўзига хос шарт-шароитлари ва конституцияни қайта кўриб чиқишдаги Асосий қонуннинг етарли даражада барқарорлигини таъминловчи мураккаб тартибни;

бешинчидан, конституциянинг алоҳида муҳофаза остига олинишини, бошқача қилиб айтганда, конституциявий назорат мавжудлигини англатади.

Асосий қонунни қабул қилишда махсус конституциявий конвентларнинг кенг қўлланилиши, қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинган конституциянинг умуммиллий референдум орқали тасдиқланиши, шунингдек, кейинчалик қайта кўриб чиқиш ва ўзгартишлар киритишни қамраб олган ўзига хос шарт-шароитлар ҳам конституциянинг устунлигини ва аҳамиятини таъминлайди. Фикримизни далиллаш учун айрим хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат этайлик.

Францияда алоҳида мураккаблаштирилган тартибда (юқорида кўрсатилган конвент тури) чақирилган Конституциявий кенгаш аъзоларининг бешдан уч қисми ўзгартишлар киритиш учун овоз берган тақдирда референдум ўтказишга зарурат қолмайди. Италия ва Франция Конституцияларига шу кунга қадар унчалик кўп бўлмаган ўзгартишлар киритилган, холос.

Испания Конституцияси қисман ўзининг «ёшлиги» ва қисман бу мамлакатда қонун лойиҳасини киритишнинг мураккаблаштирилган тартиби қўлланилган ҳолда конституция ўзгаришларининг референдум томонидан албатта қўллаб-қувватланиши шартлиги кўзда тутилганлиги боис, ҳозирча ўзгартиришлардан холи бўлиб турибди.

Германияда Конституцияга ўзгартишлар киритиш учун бундестаг ва бундесратнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчиликнинг овози етарлидир. Германия Конституцияси ҳам шунга яраша бошқаларга нисбатан кўпроқ (5 марта) ўзгартиришларга учраган.

Кўпчилик давлатларнинг конституцияларида уни ўзгартирмаслик тўғрисида моддалар киритилган. Бошқарув усуллари тўғрисидаги моддалар, ислом мамла-

катларида эса давлат дини тўғрисидаги моддалар ана шулар жумласидандир.

Умуман олганда, хорижий давлатлар тажрибаси бирмунча «қатъий» конституциялар мақомини ифодалайди. Барқарорлик эса, ўз навбатида, конституциянинг жамиятдаги олий нормалар ва қадриятларнинг инъикоси сифатидаги маънавий нуфузини юксалтиради. Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонунида конституцияни қайта кўриб чиқиш тартиби сўнгги бўлимда кўрсатилган ва аввалги конституцияга нисбатан мураккаблаштирилган. Нормаларнинг ўта батафсиллаштирилиши, конституцияга муваққат, ўткинчи, ўзгарувчан қоидаларнинг киритилиши Асосий қонунни тез-тез қайта кўриб чиқишга олиб келиши мумкин.

Олмониянинг 1949 йилги Асосий қонунида бевосита ҳуқуқ сифатидаги конституция нормалари тўғрисидаги муҳим қоида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу қоида амалда деярли бутун Ғарбий Европада қабул қилинган ёки қабул қилинмоқда. Шундай қилиб, ҳозирги шароитда бевосита омал қилувчи ҳуқуқий қоидаларнинг конституциялар матнига киритилиши катта амалий аҳамиятга молик. Масалан, Италия Конституцияси меҳнат ҳуқуқини таъкидлар экан, давлат зиммасига иш билан таъминлаш ёки иш билан таъминламаганлик учун моддий товон тўлаш мажбуриятини юклайди.

XX асрнинг 70-йилларида Италиядаги судлар Конституциянинг гўёки энг умумийдек туюлган талаблари (бир хил ижтимоий иззат-эътибор ҳуқуқи, оилани муҳофазалаш ҳуқуқи ва ҳоказо)га асосланиб, давлат тасарруфидаги бўш турган уйларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган уй-жойсиз оилаларга нисбатан қонуний (яъни бевосита қонундан келиб чиқадиган) санкцияларни қўллашдан бош тортa бошладилар.

Ўзбекистон Конституциясида халқ ва фуқароларнинг Конституция томонидан кафолатланган асосий ҳуқуқлари мажмуини қисқа ва ихчам шаклда берилганлигининг аҳамияти катта. Шу ўринда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Инсон ҳуқуқлари ислом декларацияси қоидалари бунинг учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилган.

«Конституциянинг тўғридан-тўғри (бевосита) амал қилиши» тушунчаси кўп маънолидир. Бунда унинг икки жиҳати: қонун чиқарувчилик ва ҳуқуқнинг қўлланиш жиҳатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Биринчи маънода «конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши» конституция лойиҳаларини бажара бориб, аниқ-равшан ифодаланган янги норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини англатади. Агар конституциядан ижтимоий ҳаётни бошқаришнинг демократик принциплари ўрин олган бўлиб, жорий қонунчилик тўла-тўкис унга асосланган бўлса, у ҳолда конституциянинг бутун ҳуқуқий тизимга ижобий таъсир кўрсатиши муқаррардир. Бундай вазиятда конституциянинг Ўзбекистон қонунчилиги учун айниқса муҳим ҳисобланган айнан ўша, тўғридан-тўғри (бевосита) амал қилиши яққол намоён бўлади.

Конституция бевосита амал қилишининг **иккинчи маъноси** конституция нормаларининг ҳуқуқни қўллаш органлари, судлар, ҳар хил давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқаролар томонидан қўлланишини англатади. Бунда суд (ёки бошқа орган) ўз қарорларини асослашда бевосита конституция нормаларига таянади.

Таассуфки, шу пайтга қадар кўпгина давлатларнинг судлари ўз қарорларини фақат кодекслар ёки айрим қонунлар асосидагина чиқариб келмоқдалар.

Конституциянинг бевосита амал қилиши бир неча кўринишларда намоён бўлади. **Биринчидан,** у конституциянинг ўзи аксарият ҳолларда бир қатор олий давлат органларининг ваколат доирасини белгилашида ўз аксини топади. Конституциянинг ана шу йўсиндаги нормаларини қўллай бориб, олий қонун чиқарувчи, ижроия ва суд органлари вужудга келади ва бевосита фаолият кўрсатади. Юқорида айтиб ўтилган ҳолларда ҳеч қандай воситачи қарор (ҳужжатлар)ларга зарурат қолмайди.

Иккинчидан, кўпчилик ҳолларда муайян масалаларни ҳал қилаётган судлар ва бошқа давлат бошқарув органлари бевосита конституция нормаларига таянадилар. Судлар қуйидаги ҳолларда конституция нормаларига мурожаат этишлари мумкин:

а) конституциядаги бевосита кўрсатмалардан фойдаланилаётганда;

б) судда оддий қонунларнинг конституцияга мувофиқлигига шубҳа туғилганда;

в) судлар барча ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами ичидан зарур нормани топишга муваффақ бўлмаган ҳолларда сўнгги чора сифатида конституция қоидаларига мурожаат қиладилар.

Умуман, мустақил суднинг биринчи навбатда конституция моддаларига таянищи зарурлиги Асосий қонунда белгилаб қўйилганлиги ҳуқуқий жиҳатдан катта амалий аҳамиятга эга.

Конституцияга риоя қилувчи ёки ўз ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш мақсадида унга мурожаат этувчи фуқароларнинг конституция нормаларидан фойдаланишлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш нуқтаи назаридан аҳамиятга молик. Бунда агар мазкур масалага доир тегишли оддий қонунлар мавжуд бўлгани ҳолда (айниқса, бу қонунлар конституция нормаларига мувофиқ бўлса) ҳар бир шахс конституция нормаларига бевосита таянишга ҳақлими, деган савол туғилади. Бизнинг назаримизда, конституция олий ҳуқуқий кучга эга эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар бир фуқаро шундай йўл тутишга ҳақли. Унинг қоидалари ҳуқуқни қўллашдаги барча ҳолларда, башарти бундай тегишли нормалар оддий қонунларда мавжуд бўлса ҳам, тўғридан-тўғри амалда бўла олади.

Ҳуқуқий тизимнинг асосий қоидалари, унинг мақсади ва йўналишлари айнан конституцияда очиб берилади. Конституциядан ўрин олган мақсад ва принциплар кишилар томонидан қабул қилинади ва уларнинг хулқ-атворларига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам конституциянинг мақсад ва принциплари ижтимоий-психологик нуқтаи назардан олиб қаралганда, тўғридан-тўғри амал қилади, деб айтиш мумкин. Ҳуқуқий жиҳатдан эса «конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши» тушунчаси амалдаги қонун-қоидаларга кўра, конституция нормаларига бевосита таянишга йўл қўйиладиган ҳоллар билангина чекланади.

Агар қонунчилик соҳаларида ҳуқуқнинг умумий принципларига ёки унинг мақсадларига ҳавола бўлмаса, ўйлаймизки, ана шу мақсад ва принципларни ўзида мужассамлаштирган конституция нормаларининг таъсирини билвосита деб тан олмоқ лозим. Чамаси, суд талқинини ҳам ана шундай ҳоллар сирасига киритиш мумкин.

Конституциявий назорат органларининг фаолияти конституциянинг бевосита, тўғридан-тўғри амал қилиши билан боғлиқ алоҳида бир ҳолдир. Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри бевосита амал қилиш принципларининг конституцияга киритилиши Асосий

қонуннинг ҳуқуқий самарадорлигини оширишга ва унинг бирмунча «таъсирчанроқ» бўлишга олиб келмоқда.

3-§. КОНСТИТУЦИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ҳар бир конституция ўзининг ташқи ва ички тузилишига эга.

Конституциянинг **ташқи тузилиши** унинг ўзаро алоқаларини ҳамда ҳуқуқий тизимдаги ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ўрни, вазифаси ва аҳамиятини ифодалайди.

Асосий қонуннинг **ички тузилиши** эса конституциянинг ички таркибий қисмлари: бўлимлари, боблар, моддалар (элементлар) ўртасидаги ўзаро алоқаларни акс эттиради.

Конституциянинг оқилона ички тузилиши ижтимоий муносабатларни тўла-тўкис, зиддиятларсиз нормативтартибга солишга имкон беради. Конституциянинг у ёки бу таркибий қисми (бўлим, боб, модда, модда қисми)нинг маъноси ва аҳамияти унинг фақат сўздаги ифодаси эмас, балки конституция тузилишида эгаллаб турган муайян ўрнига ҳам боғлиқ.

Конституциянинг тузилишига изчиллик ва тараққиёт, барқарорлик ва ўзгарувчанлик сингари бир-бирига зид хусусиятлар хосдир. Замонавий иккинчи гуруҳ конституциялари одатда эски биринчи гуруҳ конституцияларига нисбатан бирмунча кенгроқ, мукаммал ички тузилиши ва ҳажмининг катталиги билан ажралиб туради.

Агар АҚШнинг 1787 йилги Конституцияси — еттита модда ва 27 та амалдаги тузатишлардан иборат бўлса, Италиянинг 1947 йилги Конституцияси — 139 та моддадан, Олмониянинг 1949 йилги Асосий қонуни — 146 та, Франция 1958 йилги Конституцияси — 92 та, Испаниянинг 1978 йилги Конституцияси — 169 та моддадан иборат.

Ривожланаётган мамлакатлардаги федератив давлатларнинг конституциялари айниқса катта ҳажмга эга. Масалан, Ҳиндистоннинг 1950 йилги Конституцияси — 400 дан ортиқроқ модда ва 10 та иловадан иборат. Нигериянинг 1969 йилги Конституциясида — 331 та модда ва 7 та илова бор. Қатор мамлакатларнинг (асосан, инглиз забон) конституциялари кўп ҳолларда ўз табиатига кўра жорий қонунчилик томонидан тартибга

солиниши керак бўлган ижтимоий муносабатларни ҳам батафсил тартибга солади. Ҳозирги кунда конституция тартибга соладиган масалалар кўламини кенгайтиришга бўлган интилишни яққол кузатиш мумкин.

Замонавий конституцияларнинг кўпчилиги қисқача муқаддима билан бошланади. У ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан ўта муҳим бўлган қоидаларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши мумкин. Бундан фақат муқаддимаси бўлмаган Италиянинг 1947 йилги Конституцияси мустасно, холос.

Конституциялардаги моддалар, одатда, сарлавҳа қўйилган бўлимларга бирлашади. Масалан, кичик ҳажмга эга бўлган Франция Конституциясида 15 та бўлим бор. Моддалари анча кўп, ҳажми ҳам икки баравар катта бўлган Испания Конституциясида эса атиги 10 та бўлим бор. Агар Франция Конституцияси учун бўлим — биргина (моддалардан ташқари) бўлинма бўлса, Испания Конституцияси учун бўлим асосийдир: чунки бўлимлар яна бобларга бўлинади. Бу ҳол 1992 йилги Украина Конституцияси учун ҳам хосдир. Италия Конституциясининг асосий элементи боб бўлиб, унинг ички бўлими, яъни элементи бўлиши шарт эмас. Италия Конституциясининг боби икки қисмга бирлашган (кириш қисми бобларга бўлинмайди). АҚШ Конституцияси ҳам бўлимлардан иборат, аммо бу ҳужжатда улар моддаларнинг қисмлари бўлиб ҳисобланади. У жами 7 та модда, 21 та бўлимдан иборат. Қатор конституцияларнинг моддалари ўз номига эга бўлса-да (Португалия, Анголада), лекин кўпинча (Покистон, Туркия, Швеция каби давлатларда) уларнинг номлари бўлмайди.

Мазмун жиҳатидан АҚШ Конституцияси (тузатишлари билан биргари) тўртта гуруҳ нормаларни ўз ичига олади: **биринчидан,** федерал ҳокимият ҳақида; **иккинчидан,** федерация ва штатларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида; **учинчидан,** шахс ва давлатнинг ўзаро муносабатлари, фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақида; **тўртинчидан,** конституцияни ўзгартириш тартиби ҳақида. Ундан ташқари, конституция ва тузатишларда шундай қоидалар борки, уларда АҚШ давлат ҳуқуқининг муҳим принциплари, хусусан, республика бошқарув шакли, федерализм, ваколатларнинг бўлиниши, очиқ жамият, ҳуқуқ ва қонун устунлиги, конституциявий суд назоратининг мавжудлиги каби принциплари ишлаб чиқилган.

Турли конституцияларнинг ички тузилишидаги фарқи — тегишли боб ва бўлимларнинг жойлашувида, уларнинг турли даражада ифодаланишида ҳамда аниқ конституциявий институтларни мустаҳкамлашидадир. АҚШ Конституциясида конституциявий принциплар, одатда, қонун чиқарувчи, суд ёки назариётчи томонидан келтириб чиқарилади. Замонавий хорижий конституцияларда одатда конституциявий принциплар қайд этилади. Бу, ўз навбатида, конституциявий нормалар билан конституциявий принциплар ўртасидаги муайян фарқни амалда йўққа чиқаради.

Италия конституцияшунослигида таъкидланишича, 1947 йилги Асосий қонуннинг кириш қисмидаги «асосий принципларнинг келтирилиши тегишли конституциявий принципларнинг имтиёзга эга эканлигидан асло далолат бермайди. Уларнинг бундай жойлашуви кейинги икки қисмда бириктирилган нормаларга бўлган умумий муносабати билан изоҳланади. Бу ҳолат Испания Конституциясига ҳам тегишлидир.

Замонавий конституциялар тузилишидаги барча фарқларга қарамай, улар анъанавий ҳокимият ваколатларининг бўлиниши — қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти тарзида тузилган, аммо барча конституцияларда ҳам органлар бу тартибда берилмаган. Масалан, Франция Конституциясида даставвал Республика Президенти, ҳукумат, сўнг парламент берилиб, фақат VIII, IX бўлимларгина суд ҳокимиятига бағишланган. Бу ерда унитар президентлик республикаси, АҚШда эса федератив президентлик республикаси жорий этилган. Туркманистон Конституциясида ҳам худди шу ҳуқуқий мантиққа амал қилинган. Аммо президент ҳақидаги бобдан олдин Туркманистон Халқ маслаҳати тўғрисидаги боб келади. Амалдаги Миср Конституциясининг 5-қисми бўлмиш «Давлат тузилиши»да биринчи ўринга «Давлат бошлиғи» чиқарилган. Айнан президентнинг фақат ижро этувчи ҳокимият раҳбари эмас, балки давлат бошлиғи, миллат ва халқни жипслаштирувчи тимсол эканлиги алоҳида таърифланади.

4-§. КОНСТИТУЦИЯ БАРҚАРОРЛИГИ ВА КАФОЛАТЛАРИ

Замонавий конституциялар якуний бандларининг мазмуни, конституциявий кафолатлар (Италия), кон-

ституцияни қайта кўриб чиқиш (Франция), тасдиқлаш, тартиби, ратификация қилиш (АҚШ) ва шунга ўхшаш қоидалардан иборат. Бу конституциянинг барқарорлигини таъминлайди, уни қабул қилиш ва ўзгартириш тартибини белгилайди.

Ғарб мамлакатларида Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган кўпгина конституциялар одатда, узоқ муддатга мўлжалланмаган. Бироқ улар Асосий қонун қабул қилинаётган вақтда конституциявий аҳамиятга молик бўлган ўткинчи табиатга эга қоидалар мажмуи билан якунланади. Бу хилдаги норма, биринчи навбатда, давлат тузилмасининг янги конституциявий шароитларда узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган. Германия ва Франция конституцияларида бу қоидалар асосий матнга кирган (Франция Конституциясидаги учта сўнгги модда ва Германия Конституциясидаги 30 та модда). Италия ва Испанияда тегишли бўлимлар қоидалари алоҳида рақамланган бўлиб, муҳим қисмни ташкил этади. Италия Конституциясида бундай қоидалар 18 та, Испанияда 17 та. Россиянинг 1993 йилги Конституциясида ҳам, шунингдек, ўтиш даврига хос бўлган ва янги ижтимоий тузумни жорий этишга қаратилган ҳамда босқичма-босқич ўтишни тартибга солувчи қоидалардан иборат батафсил бўлим баён этилган.

Конституция — конституциявий ҳуқуқнинг ягона манбаи эмас. Кўпчилик Европа мамлакатлари учун, одатда, шу конституцияга ўзгартишлар киритиш усулида қабул қилинган конституциявий қонунлар ҳам ана шундай манбалардан ҳисобланади. Бу қонунлар асосий конституциявий мавзуни (масалан, Италия ва Испания Конституциявий судининг мақомини айнан конституциявий қонунлар билан) ривожлантириш учун ёки конституция матнининг ўзида кўрсатилган бевосита кўрсатма асосида (Францияда — Конституциявий кенгаш, Иқтисодий ва ижтимоий кенгашлар ва бошқалар тўғрисидаги органик қонунлар) тартибга солинган. Конституциявий қонунлардан фойдаланиш конституция матнига тегмаган ҳолда унинг тадрижий ривожланишига имкон яратади.

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонун бизнинг амалиётдаги худди шундай биринчи ҳужжатдир. Бундан ташқари, Франция Конституциясининг матнида конституциявий қонунларга ҳавола бўлиши мумкин.

АҚШда эса конституция бошқача йўл билан ривожлантирилади. АҚШ конституциявий ҳуқуқини аслида Олий суд қарорларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Европа мамлакатларидаги конституциявий судларнинг қарорлари ҳам конституциявий аҳамиятга эга. Чунки улар бевосита ёки билвосита конституцияни ташкил қилади ва ҳуқуқий ҳамда сиёсий тузумнинг ўзгаришларини расмийлаштиради ёки ривожлантиради.

Ўзбекистондаги айрим ҳуқуқшуносларга ана шундай йўлдан бориш маъқулдай кўринади. Бироқ бизнинг республикамизда давлатчиликнинг ривожланиш даражаси ўзгачалиги эътибордан четда қолдирилади. Бу ўринда ҳуқуқий маданият даражаси ва аҳолининг сиёсий савиясини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Гарчи давлат ҳокимияти устидан шариат назоратини ўрнатиш тажрибаси кўп асрлар давом этган бўлса-да, бироқ унинг Амир Темур ёки Шайбонийхон замонларида амалда фаолият кўрсатганлиги эҳтимолдан узоқ. Шунингдек, бугунги ҳуқуқий тизим ҳам кўп ҳолларда ўзгача асосга эга.

Конституциявий битимлар давлат органларининг фаолияти ва муносабатларида шаклланган сиёсий анъаналарни акс эттирувчи ўзига хос ҳуқуқ манбаидир. Хусусан, парламентнинг ички иш юритиш қоидалари, парламент ва ҳукумат орасидаги муносабатлар ана шундай конституциявий битимлар воситасида белгиланади.

5-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ

Жаҳон конституциящунослигининг тарихий тараққиёти ва амалиёти конституциянинг устунлиги принципини рўёбга чиқариш учун ушбу принципни ва ҳатто ана шу ғояни илгари сурган конституциявий шаклларнинг ўзини назарий жиҳатдан асослаш етарли эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун XX аср бошларида нафақат Оврўпада, балки жаҳоннинг қарийб барча конституцияларида эътироф этилган конституциявий назорат кенг тарқалган.

Германия, Италия, Австрия, Испания каби мамлакатларда конституциявий судлар, Асосий қонун қоидаларининг ижросини назорат қилишдан ташқари, давлат органлари ўртасидаги баҳсларни ҳал қилиш, федератив давлат тузилиши билан сайловларнинг тўғри

ўтказилганлиги ва бошқа масаладаги баҳс-мунозараларнинг ечимини топиши керак.

Германия Федерал конституциявий суди сиёсий партияларнинг конституцияга зидлиги тўғрисидаги масалани ҳам муҳокамага қўйиш ваколатига эга. Конституциявий судловнинг жорий этилиши суд ҳокимиятини билвосита кучайтиради ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни эса бирмунча чеклаб қўяди.

Германиянинг Асосий қонунида конституциявий суд аъзоларини парламент йўли билан сайлаш тартиби белгиланган. Италия Конституциясида конституциявий суд қонун чиқарувчи ҳокимият (президент) ва суд ҳокимияти (умумий ва судларнинг олий босқичлари) тавсия этган аъзолардан ташкил топади. Бундай тартиб турли ваколатли давлат органларининг муайян мувозанат тизими сифатида Ўзбекистон Республикаси учун ҳам аҳамият касб этади.

Франциянинг 1958 йилги Конституцияси конституциявий назорат тизимининг ўзига хос шаклини назарда тутган. У Франция сиёсий тизимида ниҳоятда муҳим ўрин тутса-да, бироқ бошқа Европа мамлакатларидаги Конституциявий назорат органларига қараганда анча имконияти чекланган орган ҳисобланмиш Конституциявий кенгаш фаолиятида тўла мужассамлашган.

Қонунларнинг келгусидаги конституциявий назоратини амалда кенг қўллайдиган ва бу қонунларни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган конституциявий судлардан фарқли ўлароқ, Франция конституциявий кенгаши парламент томонидан қабул қилинган, аммо президент имзоламаган қонунларнинг дастлабки назоратинигина амалга оширади, холос. Лекин, шундай бўлса ҳам, кучга кирган қонунларнинг Конституцияга зид деб тан олиниши билан парламент қабул қилган, бироқ президент томонидан имзоланмаган қонунни ман этиш ўртасидаги фарқ у қадар катта эмас. Айни вақтда, Эрон Ислом Республикасидаги конституцияга асос қилиб олинган тузумнинг конституцияга мувофиқлиги устидан олиб бориладиган олий назоратнинг дин арбоблари томонидан амалга оширилиши тўғрисидаги ғоянинг тўғрилигича қўшилиш қийин. Шу боис, республикамиз Конституциясининг лойиҳаларидан бирида олий конституция назоратини умумий овоз бериш йўли билан бир умрга сайланадиган олий судья — ҳакам зиммасига юклаш тўғрисидаги таклиф ҳам унча

тўғри эмас эди. Бундай тадбир давлат бошлиғи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни жиддий равишда чеклаб қўйган бўлур эди.

Конституциянинг устунлиги барча бошқа қонунларнинг Асосий қонунга мувофиқлиги устидан суд назорати мавжуд бўлган давлатларда бирмунча тўлароқ таъминланади. Италия, Германия, Испанияда конституциялар Асосий қонун бўлиб, тегишли мамлакат қонунчилигида у ёки бу ҳуқуқий ҳужжат қачон ва ким томонидан қабул қилинганлиги ҳамда унинг конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги дастлабки қарорнинг мавжудлигидан қатъи назар, ана шу қонунлар мавжудлигининг мезони бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, конституциявий суд назорати йўли билан қонуннинг мазмунини ўзгартиришга йўл қўйилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, конституциявий суд назорати мавжуд бўлган мамлакатларда конституция устунлиги — айнан конституция устунлиги демакдир. Қонун устунликка эга бўлиб, конституция эса қонун туфайли муайян имтиёзлардан фойдаланадиган Францияда аҳвол бутунлай ўзгача, яъни бу ерда конституция барча қонунлар орасидаги биринчи қонун ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида конституция устунлигини таъминлаш мақсадида конституциявий суд назорати механизмидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Энг аввало, бу ҳолат фуқаролик жамиятини барпо этиш заруратидан келиб чиқиб, давлатнинг барқарорлиги тажрибасини ҳамда шаклланаётган сиёсий-ҳуқуқий маданиятни эътиборга олади. Конституциявий тузумнинг ҳаддан ташқари мослашувчанлиги кўп хавф-хатарлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Франция, Мексика, Сурия ва Миср конституцияларида республика президентининг конституциявий тузумнинг муҳим кафили сифатидаги ўрни ва ваколати алоҳида таъкидлаб ўтилади. Бизнинг мустақил давлатимиз конституциясида ҳам мазкур ёндашув ўз ифодасини топган.

6-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ: УМУМБАШАРИЙ ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ БИРЛИГИ

XX асрнинг 90-йилларида ҳозирги дунёнинг сиёсий ва халқаро-ҳуқуқий қиёфаси тубдан ўзгарди. Халқларнинг мустақиллик, эркинлик ва бахт-саодатга интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарор қилганлиги ушбу туб ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

1991 йил 31 августда ўзбек халқининг асрий орзуси рўёбга чиқди — Ўзбекистон тинч йўл билан ҳақиқий истиқлолга эришиб, мустақил давлатига эга бўлди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи конституцияси демократик фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди. Бу Асосий қонун умумхалқ муҳокамасидан кейин 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинди ва бу кун умумхалқ байрами — Конституция куни деб эълон қилинди.

Конституциямиз Ўзбекистон халқларининг иродаси, руҳи, ижтимоий онги ва маданиятини ифодалайди. У, аввало, умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг устунлигига садоқат руҳи билан суғорилган. Унда битта сиёсий мафкура билан чекланиб қолиш, синфларни ва айрим ижтимоий гуруҳларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, бир партиянинг танҳо ҳукмронлиги, шунингдек, давлат манфаатларининг фуқаролар манфаатларидан устунлиги йўқ. Конституция Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий қоидалари, яъни инсон ҳаёти, шахси ва эркинлиги дахлсизлигини таъминлашга қаратилган нормаларни ўз ичига олган. Конституцияда бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий ва ҳуқуқий омилларнинг умумий ғоявий пойдеворига асос солинган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — ижодий изланишлар самараси. Асосий қонун халқимизнинг истиқлол ва озодлик учун олиб борган машаққатли кураши натижасидир. Конституциявий бино пойдеворини бунёд этишда ўзимизда тўпланган кўп асрлик миллий давлатчилик амалиётига таянилган. Конституцияни ишлаб чиқишда ўз миллий манфаатларимиз ва интилишларимизга асосланган ҳолда, Шар-

қу Ғарбдаги, Жанубу Шимолдаги турли мамлакатлар ва давлатларнинг конституциявий тажрибасидан кенг фойдаланилган.

Республика Олий Кенгашининг Конституциявий комиссияси жаҳон конституциявий тажрибасига мурожаат қилар экан, Асосий қонуннинг аҳамиятини кенг тушунишга асосланди. Бунда конституциявий ҳуқуқнинг амалий натижаси асосий мезон қилиб олинди. Агар яна аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, жаҳон конституциявий амалиёти соҳасида тўпланган тажрибанинг қуйидаги қоидалари Ўзбекистон Конституциясида ўз аксини топган:

биринчидан, конституциявий тартибга солиш принциплари — давлат ҳокимияти ваколатларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормаларининг устунлиги, конституциянинг барқарорлиги, судларнинг мустақиллиги;

иккинчидан, Асосий қонун матнининг муқаддима, бўлимлар, боблар ва моддалар бўйича тузилиши, шунингдек, уларни жойлаштириш мантиғи;

учинчидан, мазмунининг лўнда баён этилганлиги ва ҳажмининг ихчамлиги — бундан мақсад реал давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий жиҳатдан оқилона белгиланганлиги;

тўртинчидан, ўта мафкуравийлаштиришдан, яъни бир мафкуранинг танҳо ҳукмронлигидан воз кечилганлиги, яъни фикр, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги эълон қилинганлиги;

бешинчидан, конституциявий кафолатлар берилганлиги — конституциянинг устунлиги, Конституциявий суднинг тузилиши, Асосий қонунни ўзгартиришнинг алоҳида тартиби;

олтинчидан, президентлик республикаси бевосита халқ ҳокимиятчилигининг шаклларидан бири сифатида белгиланганлиги.

Мустақил Ўзбекистоннинг Асосий қонунида, аввалги «совет» конституцияларидан фарқли ўлароқ, конституциявий тартибга солишнинг бир томонлама, Европапарастлик руҳида бўлишига йўл қўйилмаган. Лекин унда Ғарб мамлакатларининг демократик конституцияларига хос бўлган фуқаролик жамияти нормалари, давлат ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш ва уларнинг муайян бир мувозанатда бўлиши тўла ҳисобга олинган. Шу билан бирга, унда ислом қадриятлари,

мусулмон маънавий анъаналарининг таъсири, давлатни катта оила деб, унинг бошлиғи халқнинг осойишталиги, қадр-қиммати ва бахт-саодати учун масъул деб тушунилиши яққол ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, **Ўзбекистон Конституцияси миллий истиқлол ва тараққиёт сари давлатчилик, ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-маданий эҳтиёжларимиз билан жаҳон конституциявий тажрибасининг узвий ижодий уйғунлашувидир,** дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни, таркибий тузилиши нуқтаи назаридан қадриятларнинг қуйидаги тартибини белгилайди: «шахс — жамият — давлат». Шахс — эркин, онгли ҳаракат соҳиби, фуқаролик жамиятининг таркибий қисми. Жамият — Ўзбекистон халқи — ҳар қандай ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи ва ҳақиқий эгаси. Мустақил давлат — шахс ва жамият манфаатлари ва ҳуқуқларининг ҳимоячиси ва ҳомийси. Шу маънода, конституция фуқаро, жамият ва давлат ҳокимияти ўртасидаги ўзига хос ижтимоий шартнома сифатида намоён бўлади.

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради»[1].

---

[1] *Каримов И. А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т.5. Т.: Ўзбекистон, 1997. 107-бет.

VI боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ВА АМАЛГА ОШИШ БОСҚИЧЛАРИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЗАРУРЛИГИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ**
*** КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИҲАСИНИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**
*** КОНСТИТУЦИЯНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**
*** КОНСТИТУЦИЯ НОРМАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ**

1-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ВА АМАЛГА ОШИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва миллий истиқлолга эришуви халқимизнинг буюк тарихий ютуғидир. Мустақиллик — аждодларимиз берган мислсиз қурбонлар эвазига қўлга киритилган улуғ неъмат. **«Мустақиллик бизни мустабид ва мафкуралашган тузум кишанларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданиятини ва анъаналарини, қадр-қиммати, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имконини берди»**[1].

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VI сессиясида парламентнинг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон

---

[1] *Каримов И. А.* Ҳозирги демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари // *Каримов И. А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т. 5. Т.: Ўзбекистон, 1997. 104-бет.

қилиш тўғрисида» қарори қабул қилинди. Айни вақтда, мазкур сессияда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди (Олий Кенгашнинг 1991 йил октябрдаги VII сессиясида ушбу қонунга Конституциявий қонун мақоми берилди). Ҳажми унча катта бўлмаган, атиги 17 моддадан ташкил топган бу қонун Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида қўйган дастлабки қадамларининг ҳуқуқий замини бўлди.

Гарчанд Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги юридик тарзда 1991 йил 31 августдан эътироф қилинсада, мустақиллик учун интилиш, кураш анча аввалроқ бошланган эди. У бир неча босқичларда амалга ошди, дейиш мумкин.

Биринчи босқич — 1990 йил 24 мартда мустақиллик йўлидаги жуда муҳим ҳамда масъулиятли қадам қўйилиши билан бошланади. Худди шу куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси мамлакатда давлат бошқарувини тубдан ислоҳ қилиш, президентлик лавозимини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, Ўзбекистон ССРнинг амалдаги Конституциясига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида қонун ҳам қабул қилиниб, Асосий қонунга «Ўзбекистон ССР Президенти» деган янги боб киритилди.

Юқоридаги қарорда, жумладан, қуйидаги сатрлар бор:

«Демократия жараёнларини янада ривожлантириш, сиёсий ўзгаришларни чуқурлаштириш, конституциявий тизимни, гражданларнинг ҳуқуқларини, эркинликлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети қарор қилади:

1. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти лавозими таъсис этилсин».

Моҳият эътибори билан ушбу қарор давлатчилигимиз тараққиётидаги муҳим тарихий ҳужжатдир. Унинг муҳим жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, демократия жараёнларини янада чуқурлаштириш, сиёсий ўзгаришларни такомиллаштириш ва конституциявий тизимни мустаҳкамлаш мантиқан том маънодаги мустақилликни талаб этади ва унинг замирида собиқ Иттифоқ марказига бўйсунмаслик, ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи ётади. Зо-

тан, қайси даражада бўлмасин, энг кичик масалалар бўйича ҳам кимгадир тобе бўлинса, юқорида қўйилган талабларнинг бирортасига ҳам эришиб бўлмайди;

иккинчидан, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш — бу бевосита партия яккаҳокимлигини бартараф этиш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, халқ ва ҳокимият, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларни яқинлаштириш, яъни жамиятда соғлом ижтимоий-сиёсий ва маънавий-руҳий муҳитни қарор топтириш, уни аста-секинлик билан турмуш тарзига айлантириш имконияти демакдир. Бу эса охир-оқибатда республиканинг ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқадиган ва уни амалга оширадиган Президент лавозимини жорий қилишни тақозо этади[1].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай дадил қадамни Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқи республикалари ичида биринчи бўлиб қўйди. Аслини олганда, бу собиқ СССР ҳали қудратли империя бўлиб турган шароитда унинг яхлитлигига қарши берилган биринчи зарба эди.

Мустақил давлатчилик сари интилишимизнинг **иккинчи босқичи** — Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июндаги II сессиясида **«Мустақиллик декларациясининг»** қабул қилинишидир. Декларацияда, хусусан, шундай дейилади:

«Ўзбекистон Олий Совети:

ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари;

ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи,

ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда,

Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда,

халқаро ҳуқуқ қоидалари, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб,

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилади.

1. Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий

---

[1] *Қосимов Н.* Мустақиллик: курашлар даври. Т.: Ўзбекистон, 1997. 17-бет.

қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир.

2. Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти унинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолисига тааллуқлидир.

3. СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланганидан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади.

4. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради.

5. Ўзбекистон ССР халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олади ва ҳурмат қилади.

6. Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларни шартномалар асосида белгилайди ва амалга оширади.

7. Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади.

8. Ушбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун асосдир»[1].

«Мустақиллик декларацияси» қабул қилинганлигининг мантиқий давоми сифатида мазкур сессияда Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг лойиҳасини тайёрлаш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилинди. Янги Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Олий Кенгашнинг 64 нафар депутатларидан иборат Конституциявий комиссия тузилди. Конституциявий комиссия раиси этиб Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов тасдиқланди.

Ўзбекистон раҳбарияти 1990 йил июнидан то 1991 йил августигача республиканинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш ва уларни амалда таъминлаш борасида тинимсиз машаққатли кураш олиб борди. Бу, аввало, Ўзбекистоннинг иқтисодий, молиявий, пул-кредит муносабатлари соҳасидаги, шунингдек, давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги эркинлигини ва мустақиллигини таъминлаш учун бўлган кураш эди. Собиқ

---

[1] Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1990. № 16. 222-модда.

марказ (яъни, СССР давлатининг марказий аппарати, айниқса КПСС Марказий Комитети) иттифоқдош республикаларнинг суверенитетини фақатгина «қоғозда» қолдириб, амалда эса умуман йўққа чиқариб қўйган эди. Масалан, Ўзбекистон қанча ер майдонига қанча пахта экади? Ундан йилига қанча тонна ҳосил олади? Ҳосилнинг ҳаммасини қандай паст нархда СССР давлати хазинасига топширади? Ва қолган барча бошқа иқтисодий, ижтимоий, молиявий, қурилиш масалалари «Марказ» томонидан белгилаб берилар эди. Ўзбекистон халқининг қисмати эса ана шу топшириқларни оғир машаққатли меҳнат эвазига бажаришдан иборат эди.

Мустақиллик декларациясидан то Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун қабул қилингунгача бўлган даврда И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбарияти ана шу муаммоларнинг ечимини топиш учун фаол саъй-ҳаракат олиб борди. Аввало, «пахта яккаҳокимлиги»га қарши кураш бошланди. Бунинг маъноси шуки, Ўзбекистон халқининг турмуш ва меҳнат тарзи фақат пахта етиштириш билан чекланиб қўйилиши мумкин эмаслигини, нормал ҳаёт кечириш учун бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш лозимлигини ва нимани қанча, қачон экишни республиканинг ўзи белгилаши лозимлигини, йиғилган ҳосилни эса жаҳон нархлари даражасида шартнома асосида эркин сотиш имконияти республика ихтиёрига берилиши лозимлигини «Марказ»га сабот билан узоқ исботлашга тўғри келди. Бу иқтисодий мустақилликка эга бўлишнинг биринчи намойиши эди.

Ўзбекистон раҳбарияти, шунингдек, СССР давлат бюджети таркибида тасдиқланган Ўзбекистон ҳиссасини ташкил этувчи пул маблағларининг республика тасарруфига берилишини ва пул обороти республика ҳудудида мустақил айланишига рухсат берилишини талаб қилиб чиқди.

«Марказ» олдига Ўзбекистоннинг ижтимоий, таълим-тарбия, маданий-маиший ҳамда республика ва маҳаллий давлат бошқаруви соҳаларида республиканинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш талаблари ҳам қўйилди.

1991 йил 19—21 августида Совет Иттифоқида давлат тўнтариши содир этилди. Мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилиб, ҳокимият ГКЧП (Фавқулодда вазият давлат қўмитаси) қўлига ўтди. КПСС Марказий

Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачёв ўз вазифасидан истеъфо берди. Мамлакатда сиёсий инқироз юз берди.

Ана шундай вазиятда Ўзбекистон раҳбарияти вазминлик билан оқилона йўл тутди. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 21 августда қўшма мажлис ўтказиб, унда «СССР ГКЧПнинг Ўзбекистон ССР Конституцияси ва қонунларига зид ҳужжатлари Ўзбекистон ҳудудида амал қилмайди» деган қарор қабул қилинди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 31 августга қадар, яъни Давлат мустақиллигимиз эълон қилингунгача қабул қилган дадил фармонлари эътиборга молик. Улар муҳим сиёсий-стратегик аҳамиятга эга бўлиб, республиканинг мустақилликка бўлган интилиши қатъийлигини кўрсатади. Фикримизга Президентнинг 1991 йил 25 августдаги «Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик комитетини Ўзбекистон ССР юрисдикциясига олиш тўғрисида»ги фармони, 1991 йил 29 августдаги «КПССнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидаги мулки тўғрисида»ги фармони мисол бўла олади.

Юқорида таъкидланганидек, **1991 йил 31 август куни «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти» ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун** қабул қилинди.

«Баёнот»да, жумладан, шундай дейилади:

«...Ўзбекистон халқларининг тақдири учун бутун масъулиятни англаб,

...республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб,

мустақиллик декларациясини амалга ошира бориб, ... Олий Кенгаш Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади.

...Давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби Ўзбекистон Республикасининг озод мустақил халқидир.

Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий ту-

зилишини, ҳокимият ва бошқарув идораларининг тизимини мустақил белгилайди»[1].

Давлатимиз мустақиллиги асосларини белгиловчи конституциявий қонундан ҳам алоҳида муҳим қоидаларни келтириш мақсадга мувофиқ. Унинг 1-моддасида таъкидланишича, «Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон билан бирга, мустақил, демократик давлатдир».

«Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади» (2-модда).

Қонунда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг иқтисодий (мулкий), молиявий, ижтимоий-сиёсий асослари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси мустақил молия ва кредит сиёсатини амалга оширади. Республика ҳудудида олинадиган солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетларга тушади.

Ушбу Конституциявий қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиши, халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида барча халқаро муносабатларда фаол иштирок этиш истаги ифодаланганлигидир. «Ўзбекистон Республикаси чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатади...» (13-модда), «Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил субъекти бўлиб, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартларини, инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилайди...» (14-модда)[2].

Давлатимиз раҳбари И. А. Каримов Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида ушбу қонун хусусида: **«Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси эса биз учун муқаддасдир»**,[3] — деб таъкидлади.

Президент, энг аввало, мустақилликни англаш учун миллатни англаш, ўзликни англаш, Ватан ва унинг

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида. Ҳужжатлар. Т.: Ўзбекистон, 1991. 7—8-бетлар.

[2] Ўша жойда, 11—12-бетлар.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти. Хабарнома. 1992. 3-сон. 9-бет.

буюк ўтмиши билан фахрлана олиш ҳиссини уйғотишга интилди. Зеро, мустақиллик йўли ҳақиқат йўли, инсон ҳақ-ҳуқуқлари йўли, маънавий етуклик, юксак маданият, бой инсоний фазилатлар мажмуидир.

Мустақилликни эътироф этиш ва уни мустаҳкамлашда умумхалқ маъқуллови — референдум ўтказилганлиги бу йўлдаги **учинчи босқич** бўлди. 1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгашнинг VIII сессияси Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди[1]. Шу қарор асосида 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистонда референдум ўтказилди. Унда шундай савол қўйилди: «Сиз Олий Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинишини маъқуллайсизми?» Референдумни ўтказиш учун мамлакатда 13 та округ ва 7 мингта овоз ҳисоблаш участкалари тузилди. Референдумда 9 млн. 898 минг 707 киши ёки овоз бериш учун рўйхатга олинганларнинг 94,1 фоизи қатнашди. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилинишини ёқлаб 9 млн. 718 минг 155 киши ёки референдумда қатнашганларнинг 98,2 фоизи овоз берди[2].

Референдум натижалари изоҳга муҳтож эмас. Деярли бутун Ўзбекистон халқи давлат мустақиллиги эълон қилинганлигидан мамнунлигини баён этди. Бу йўналишда республика раҳбарияти олиб бораётган сиёсий стратегия тўла қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва амалда таъминлашнинг **тўртинчи босқичи** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан боғлиқ. Бу ҳақда кейинги параграфларда сўз боради.

2-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Ҳар қандай конституция муайян тарихий даврнинг, ижтимоий-сиёсий тузумнинг инъикоси, тегишли давлат ҳокимияти ижодининг маҳсулидир. Бирон-бир конституция абадийликка, ўзгармасликка, мутлақликка даъво қилолмайди. Жамият ҳаёти ривожланиши, ўзгари-

---

[1] Ўзбекистонда Мустақил давлатнинг туғилиши. Т.: Ўзбекистон, 1992. 11-бет.

[2] Қ а р а н г: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т. 3. Т.: Шарқ, 2000. 37-бет.

ши, бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиши билан эски тузумни акс эттирган, унинг манфаатларига хизмат қилган конституция табиий равишда ўзгартирилиши шарт бўлиб қолади. Конституция жамиятдаги ўзгаришларга мос бўлсагина, ижтимоий-сиёсий тузум ҳамда давлатчилик моҳиятига мувофиқ келсагина, ўз функциясини муваффақиятли адо этиши мумкин. Башарти, конституция жамият эҳтиёжларига, ўзига юклатилган ижтимоий вазифа талабларига жавоб бермай қўйса, конституциявий ислоҳот зарурати келиб чиқади.

XX асрнинг 90-йиллари бошларида Ўзбекистонда худди шундай вазият вужудга келди. Собиқ Совет Иттифоқи парчаланиши натижасида социалистик тузум барбод бўлди. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий тузум ўзгарди. Ўзбекистоннинг сиёсий ва юридик мақоми ҳам тубдан ўзгарди. У мустақил суверен давлатга айланди. Бундай шароитда совет тузуми даврида қабул қилинган эски конституция асосида янгича ҳаётни қуриш мумкин эмас эди.

Ўша муҳит нуқтаи назаридан таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституцияси мустақил давлатимизнинг янги мақомига, олдига қўяётган мақсад ва вазифаларга, алалхусус, шахс билан давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг халқаро ҳуқуқ талабларига жавоб бермай қўйган эди. Чунки у жаҳон конституциявий амалиётида эътироф этилган ва Асосий қонунга қўйиладиган талабларга мос эмасди. Ўзининг ўта мафкуралаштирилганлиги, сиёсий чақириқ ва баландпарвоз ибораларга тўлиб-тошганлиги билан ажралиб турарди, умуман, жамият тараққиёти эҳтиёжлари ва истиқлол йилларини ўзида акс эттирмас эди. Шунинг учун ҳам 1990 йилнинг июнида республика Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида янги Асосий қонун лойиҳасини тайёрлаш учун конституциявий комиссия тузилди.

Янги Асосий қонун лойиҳаси тайёрлаш фаол амалий конституциявий ислоҳот жараёни билан узвий боғлиқликда олиб борилди. Сўнгги уч йилда Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституциясига 100 дан ортиқ ўта муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Булар жумласига, **сиёсий соҳада:** президентлик лавозими ва юқоридан то қуйигача ижро этиш ҳокимияти тизимини таъсис этиш, конституциявий назоратни жорий қилиш, сайлов тизими ва судларни сайлаш-

даги ўзгартишлар, бир партиялиликдан кўп партиялилика ўтишга қаратилган қўшимчалар киради. **Иқтисодий соҳада:** янги жамиятнинг мулкчилиги эмас, балки турли мулкчилик шакллари ва уларнинг ҳуқуқий тенглиги ташкил этиши ҳақидаги конституциявий қоида белгиланди. **Маънавий соҳада:** ягона ҳукмрон марксизм-ленинизм мафкурасидан ва фақат синфийликка асосланишдан воз кечилди, умуминсоний қадриятларга таяниб, кўп фикрлилик, виждон эркинлиги ва бошқа шахсий ҳуқуқларни қонун амал эътироф этиш ҳақида қўшимчалар киритилди.

Бу соҳалардаги ҳар бир конституциявий ўзгартиш ҳаёт синовидан ўтди. Шунинг учун ҳам Конституциявий комиссия тараққиётимизнинг талабларига жавоб берадиган, ҳаёт синовидан ўтган, сўнгги йилларда жорий қилинган қатор янги конституциявий қоидаларни Асосий қонун лойиҳасига киритди.

Бутун сиёсий ва ҳуқуқий тизимни тубдан ўзгартиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган конституциявий ислоҳот бир қатор хусусиятларга эга.

Биринчидан, агар илгарилари қонунчиликни ўзгартириш одатда янги конституцияни қабул қилишдан бошланиб, кейин тармоқ қонунларини аста-секин ўз ичига ола борса, эндиликда у бутунлай бошқача амалга оширилди. Гарчи муайян ўзаро боғлиқлик сақланиб қолган бўлса-да, эндиликда конституция ва амал қилаётган қонунларга киритилаётган тузатишлар билан қўшимчалар ўртасида илгаригидек қатъий боғлиқлик йўқ эди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, конституциянинг қабул қилиниши бутун ҳуқуқий ислоҳотнинг энг юқори нуқтаси бўлиб ҳисобланади.

Иккинчидан, агар илгари икки конституция ислоҳоти вақтида (1936—1937 ва 1977—1978 йиллар) республиканинг Асосий қонунини бирон-бир жиддий муқобил ечимни истисно этган ҳолда, СССР Конституциясига мувофиқлаштириш уларнинг асосий мазмунини ташкил этган бўлса, эндиликда эса бу принцип ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, чунки Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўзининг Асосий қонунини ўзи ишлаб чиқди. Бунда халқаро ҳуқуқ меъёрлари, умумбашарий ҳуқуқий қадриятлар, илғор чет эл конституциявий тажрибаси мезон бўлиб хизмат қилди.

Учинчидан, республикадаги бир қатор конституциявий ўзгаришлар собиқ Иттифоқдаги ўзгаришлардан ҳам

олдин амалга оширилди. Чунки президентлик лавозими, Министрлар Совети ўрнига Вазирлар Маҳкамаси биринчи бўлиб Ўзбекистонда таъсис этилиб, ижро этувчи ҳокимиятнинг тизими бевосита республика Президентига бўйсундирилди. Кейинчалик собиқ Иттифоқда ҳам, бир қатор республикаларда ҳам, биринчи навбатда, Ўрта Осиё республикаларида бизнинг бу конституциявий тажрибамиз ҳисобга олинди ва эътироф этилди.

Тўртинчидан, конституция йўли билан тартибга солиш кўламининг кенгайиш жараёни кўзга ташланди. Бу ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини конституция йўли билан мустаҳкамлаш, Конституциявий назорат қўмитасини таъсис этиш, Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан республика прокурорининг тайинланиши каби ҳолларда ўз ифодасини топди.

Бу барча муҳим конституциявий ўзгартишлар Ўзбекистон ҳали собиқ Иттифоқ таркибида эканлигида амалга оширилди. Булар конституциявий ислоҳотнинг биринчи босқичи мазмунини ташкил этади.

Конституциявий ислоҳотнинг иккинчи босқичи 1991 йил 31 августдан то 1992 йил 8 декабргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичнинг хусусияти Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги конституциявий қонун билан белгиланади.

Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотнинг ва тараққиётнинг **учинчи босқичи** республикамизнинг биринчи Конституцияси қабул қилиниши билан бошланади.

Қабул қилинган Асосий қонунни нима учун мустақил Ўзбекистоннинг биринчи конституцияси деяпмиз? Аввалги конституциялар Ўзбекистонники эмасмиди? — деган саволлар туғилиши табиий. Бундай дейишимизга бир неча сабаблар бор.

1) Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг муқаррар равишда ўзининг Асосий қонунини қабул қилишга зарурат туғилди. Чунки ҳар бир мустақил давлат ўзининг конституциясига эга бўлиши керак;

2) биз бозор иқтисодиёти томон одимлаб, бутунлай янги иқтисодий тузумга ўтяпмиз. Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётидаги энг асосий томонлари конституция билан тартибга солинади;

3) қабул қилинган конституция ҳеч кимнинг кўрсатмаларисиз, бирор-бир тайёр андозадан кўчирмачилик йўли билан эмас, балки жаҳон ва тарихий конституциявий тажриба ва амалиётдан келиб чиқиб тайёрланди;

4) Асосий қонунимизда сўнгги йилларда республикамизда жорий этилган ва ҳаёт тажрибасидан ўтган янги конституциявий институтлар ўз аксини топди. Бундай институтлар жумласига президентлик бошқаруви, ҳокимлик институти, конституциявий суд, сайлов тизимидаги ўзгаришлар, кўппартиявийлик, мулкчиликнинг хилма-хиллиги кабилар киради.

Шу сабабларга кўра, Асосий қонунни чиндан ҳам мустақил Ўзбекистоннинг биринчи конституцияси деса бўлади. Асосий қонунимизнинг аввалги конституция ва бошқа давлатларнинг конституцияларидан ажратиб турадиган жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

— авваламбор, ўзининг туб моҳияти ва мақсадлари билан республикамизнинг аввалги Асосий қонунлари собиқ Иттифоқ таркибида қоғоздагина мустақил бўлган давлатнинг конституциялари эди;

— Асосий қонун ўзининг ички тузилиши ва янги конституциявий институтлари билан ҳам ажралиб туради. Бунда 1991 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисидаги» конституциявий қонун муҳим асос бўлиб хизмат қилди;

— Асосий қонун бошқа конституциялардан фарқли ўлароқ, ўта мафкуралаштириш ва сиёсатлаштириш руҳи билан суғорилмаган. Умумбашарий ҳуқуқий қадриятлар биз қураётган ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг асоси бўлмоғи керак;

— Асосий қонун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқнинг талаб ва қоидаларига жавоб берадиган тарзда тайёрланган, чунки Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзининг Конституциясида шундай талаб ва қоидаларни тан олиши ва мустаҳкамлаши керак;

— Асосий қонун жаҳон конституциявий тажри-басига таянганлиги ва унинг ижобий томонларидан атрофлича фойдаланилганлиги билан ҳам ажралиб туради.

3-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратиш ғояси 1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши билан бевосита боғлиқ. Мазкур Декларацияни қабул қилган Олий Кенгашнинг иккинчи сессияси бу ҳужжатдаги принциплар асосида давлатнинг янги конституцияси ишлаб чиқилиши лозим деган хулосага келди. Сессия Президент И. А. Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссияни тузиш тўғрисида қарор қабул қилди[1]. Унинг таркибига депутатлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг вакиллари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, корхоналар ва хўжаликларнинг раҳбарлари, таниқли ҳуқуқшунос, олимлар ва мутахассислар кирди. Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясида комиссия таркиби қисман янгиланди[2].

Ўзбекистонда конституциявий аҳамиятга молик ислоҳотлар Конституциявий комиссия тузилишидан анча аввалроқ бошланган эди. 1990 йил 24 мартда республика Олий Кенгашининг биринчи сессияси муҳим тарихий қарор қабул қилиб, Ўзбекистон Президенти лавозимини таъсис этди. Президентлик бошқарувининг жорий этилиши илгари советлар ҳукмрон бўлган давлат бошқарув шаклига барҳам бериб, амалда давлатимизнинг президентлик республикаси шаклига ўтишини англатарди. Президентлик институтининг киритилиши давлат ҳокимияти ваколатларининг янгича тақсимланишини тақозо этар эди. Шу муносабат билан, ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тизими такомиллаштирилди.

1990 йил 1 ноябрда «Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ, Президентлик ҳокимияти билан республика Министрлар Совети қўшилиб, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Ижроия ҳокимият Президент қўлида бирлаштирилди. У ҳам ҳукумат раҳбари, ҳам давлат бошлиғи сифатида майдонга чиқди.

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1992. 37-бет.

[2] Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1990. № 16.

Ижтимоий-сиёсий тараққиётимизда ҳаётий эҳтиёж тарзида рўй бераётган реал ўзгаришлар, ўз навбатида, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурни шакллантириб борди. Конституция лойиҳаси устида бевосита ишлашни фаоллаштиришга вазият етилгач, Конституциявий комиссия 1991 йил 12 апрелда И. А. Каримов раислигида ўзининг биринчи мажлисига тўпланди. Конституция лойиҳасини яратиш билан боғлиқ барча ташкилий ва ижодий жараённи мувофиқлаштириб бориш учун Конституциявий комиссия аъзолари ҳамда етакчи мутахассислар ва олимлардан иборат 32 кишилик ишчи гуруҳи ташкил этилди. Унинг таркибига қонун чиқарувчи идора бир неча қўмиталарининг раислари, вазирликлар, суд, прокуратура идораларининг раҳбарлари, республика Президенти девони ва Олий Кенгаш идорасининг масъул ходимлари кирди. Шунингдек, конституция лойиҳасининг мўлжалланаётган бўлимларини тайёрлаш учун 6 та кичик гуруҳлар ташкил этилди. Бу кичик гуруҳлар:

1) конституциянинг муқаддимаси бўйича;

2) Ўзбекистоннинг конституциявий тузуми асослари бўлими бўйича;

3) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари бўлими бўйича;

4) фуқаролик жамияти бўлими бўйича;

5) давлат тузилиши бўлими бўйича;

6) давлат ҳокимияти тизими ва якуний қоидалар бўйича эди. Кичик гуруҳлар таркибига 50 нафар илмий ходим ва мутахассис жалб қилинди[1].

Конституциявий комиссия раиси ишчи гуруҳ олдига конституциявий ривожланишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш, бошқа мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари борасида, демократия ва қонунчилик соҳасида қўлга киритган ютуқларини ҳисобга олиш, кенг халқ оммаси дилига яқин ва тушунарли бўлган сиёсий-юридик ҳужжат яратиш вазифасини қўйди. Мазкур топшириққа мувофиқ, АҚШ, Франция, Канада, Германия, Швеция, Япония, Италия, Испания, Португалия, Греция, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Венгрия, Болгария, Литва давлатларининг конституциялари чуқур қиёсий ўрганилди. Шунингдек, Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи Россия Федера-

---

[1] Қ а р а н г: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т.: Ўзбекистон, 1995. 11-бет.

цияси, Беларусь, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон республикаларининг Асосий қонунлари ҳамда конституция лойиҳалари диққат билан кўриб чиқилди.

Юқорида келтирилган манбаларни таҳлил этиш натижасида хорижий давлатлар конституцияларининг мазмуни ва тузилишини тавсифловчи каттагина ҳажмли қиёсий жадвал тайёрланди. Ушбу таҳлилий жадвал жаҳон конституцияшунослиги тажрибаси намуналарининг умумлашмаси сифатида республикамиз Президенти томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини яратишда салмоқли назарий, концептуал заминга таянилди. Конституциявий комиссия раисининг топшириғи билан 1991 йил бошларидаёқ бўлғуси конституциянинг ғоявий мағзи, яъни концепцияси устида иш бошлаб юборилган эди. Натижада учта муқобил концепция яратилди: Республика Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг концепцияси, Сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг концепцияси ҳамда Президент девонининг юридик бўлими томонидан тайёрланган концепция. Ишчи гуруҳ мажлисида учинчи концепция асос учун қабул қилинди. У қолган икки концепциянинг диққатга сазовор ғоялари билан бойитилиб, умумлашган пухта ягона ғоявий асос шаклига келтирилди. Конституциявий комиссия ва унинг раиси томонидан маъқулланган ана шу концепция асосида бўлажак конституция лойиҳасини яратишга киришилди.

Лойиҳанинг дастлабки варианти 1991 йил октябрь—ноябргача тайёрлаб бўлинди. У муқаддима, олти бўлимга тақсим қилинган 158 моддадан иборат эди[1]. Ушбу лойиҳа юзага келаётган пайтда мамлакатимиз тарихида туб бурилиш юз берди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси ўзининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги конституциявий қонунни ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш баёнотини қабул қилди. Бу билан республика парламенти мустақил Ўзбекистон Республикаси, суверен давлат қарор топганлигини бутун дунёга эълон қилди. Қонунда халқ ҳокимиятчилиги, демократик давлатчилик, инсон ҳуқуқлари муқаддаслиги, қонун устунлиги, ҳокимиятлар тақсимланиши, мамлакатнинг

---

[1] Қ а р а н г: *Ўразаев Ш.* Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси қандай тайёрланди? // Халқ сўзи. 1992. 26 декабрь.

ҳудудий яхлитлиги ва бутунлиги каби муҳим принциплар мустаҳкамланди. Ушбу илғор демократик ғоя ва принциплар конституция лойиҳаси мазмунига ҳам сингдирилди. Шунга қарамай, дастлабки лойиҳа ҳали мукаммаллик даражасидан анча йироқ эди. Янада жиддийроқ ва талабчанлик билан ишлаш лозим эди.

1992 йил баҳорида лойиҳанинг 149 моддадан иборат иккинчи варианти ишлаб чиқилди. Республика Президенти — Конституциявий комиссия раиси матнни яна синчиклаб кўриб чиқди. Ҳар сафар унинг нигоҳидан ўтгач, лойиҳа мукаммаллашиб, аниқ, лўнда ва ифодали бўла борди. Учинчи вариант 137 моддани ташкил этди. Лойиҳани кенг халқ оммаси муҳокамаси учун матбуотда эълон қилишдан олдин Конституциявий комиссия ва унинг раиси яна бир бор ўрганиб чиқди. Лойиҳа энди 127 моддага келтирилди.

1992 йил 5 сентябрда Конституциявий комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда конституция лойиҳаси устида олиб борилган ишлар тўғрисидаги ахборот тингланди. Таъкидланишича, ишчи гуруҳ Ўзбекистон халқ депутатлари, меҳнат жамоалари раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда лойиҳанинг бешинчи кўринишини тайёрлади. Унда ўзбек халқининг тарихий, миллий ва маънавий хусусиятларини имкон қадар тўлароқ акс эттиришга ҳаракат қилинди. Қабул қилинган қарорда қуйидагилар белгиланди: «Конституция лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ (комиссия) тузилсин (унинг таркибига 25 киши кирди). Унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

1) ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш тажрибасини ҳар томонлама умумлаштириш ва уни конституция лойиҳасида ҳисобга олиш;

2) Ўзбекистоннинг демографик ва ижтимоий-сиёсий турмуш тарзи, унинг тараққиёти тажрибасини ҳамда депутатларнинг, турли ижтимоий гуруҳларнинг миллий-маданий марказларнинг мулоҳазалари ва таклифларини умумлаштириш;

3) Конституциявий комиссия аъзоларидан тушган таклифларни кўриб чиқиш ва лойиҳага тегишли ўзгаришлар киритиш».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси пухта ишловлардан сўнг умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

4-§. КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИҲАСИНИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий комиссиясининг 1992 йил 5 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида Конституция лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Мазкур Комиссиянинг шу мажлисда қабул қилган қарорига мувофиқ Конституция лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Мустақил давлатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун халқ оммаси Конституция лойиҳасини улкан қизиқиш ва озод Ватан учун чексиз ифтихор туйғулари билан кутиб олди. Бу ўз-ўзидан тушунарли ҳолат. Зеро, давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов жуда тўғри таъкидлаганидек, **«ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради»**[1].

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ниҳоятда кенг кўламли бўлиб, юксак ижодий кўтаринкилик ва ишчанлик кайфиятида ўтди. Муҳокама том маънода кенг меҳнаткашлар оммасининг мислсиз донишмандлиги дорилфунуни бўлди. У жамиятимизда чинакам демократия қарор топишининг ёрқин намойишидир. Ўз руҳи ва мазмуни жиҳатдан муҳокама давлат ва жамият ҳаётининг ўта муҳим масалалари бўйича бутун халқнинг умумий суҳбатига айланиб кетди. Лойиҳанинг қизғин ҳамда манфаатли муҳокамаси халқимизнинг ўзи мустақил Ўзбекистон Асосий қонунининг бевосита ижодкори бўлганлигини кўрсатди.

Умумхалқ муҳокамаси сентябрь охиридан то декабрь ойининг бошларигача давом этди. Унда мамлакатнинг барча катта ёшдаги аҳолиси иштирок этди. Матбуотда, радио ва телевидение орқали, корхона, муассаса ҳамда ташкилотлардаги йиғилишларда, талабалар аудиторияларида қизғин муҳокама, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Лойиҳа Қорақалпоғистон Олий Кенгаши сессиясида, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги фаоллар йиғилишларида муҳокама этилди. Олий Кенгаш Раёсати,

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1992. 36-бет.

вилоят ҳокимликлари таклиф ва мулоҳазаларни мунтазам равишда умумлаштириб, якуний жадваллар тузиб, уларни Конституциявий комиссияга йўллаб турдилар.

Шу даврда Ўзбекистон Республикаси давлат-ҳуқуқий тажрибасида муҳим бир янгилик бўлди. Унинг мазмуни шундаки, Конституциявий комиссия дастлаб белгиланган икки ярим ойлик муддат мобайнида (1992 йил 26 сентябрдан бошлаб) лойиҳа меҳнаткашлар таклифлари асосида қайта тузатилиб, 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун иккинчи маротаба матбуотда эълон қилинди. Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент рўй берди — умумхалқ муҳокамаси икки босқичда амалга оширилди. Бу ҳол муҳокама иштирокчиларини фаоллаштирувчи қудратли туртки бўлди. Унинг мақсади фуқароларга уларнинг муҳокамадаги жонбозлиги маҳсули ва самараларини аниқ кўрсатишдан иборат эди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида Конституция лойиҳаси юзасидан жами 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Фақатгина Конституциявий комиссияга мингдан зиёд хатлар тушди. Уларда лойиҳанинг ихчам, лўнда, чуқур маъноли ва барчага тушунарлилиги каби афзал хусусиятлари таъкидланган. Таклиф ва мулоҳазалар Конституция лойиҳасининг ҳамма моддаларига дахлдор бўлиб, матннинг деярли ярмига, яъни лойиҳадаги 127 моддадан 60 тасига тузатиш ва аниқликлар киритилди. Дастлабки вариантдан 4 та модда чиқарилиб, матнга бир неча янги моддалар киритилди[1].

Таклиф ва мулоҳазаларнинг аксарияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари; шахснинг дахлсизлиги; диннинг жамиятдаги ўрни ва вазифаси; иқтисодий ҳуқуқлар, жумладан, мулк ҳуқуқи; бозор муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш; ҳуқуқий тартибот ва қонунийликнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган моддалар, боблар ва бўлимларга тааллуқли бўлди.

Масалан, конституция лойиҳасининг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деган бўлими бўйича 1978 таклиф ва мулo-

---

[1] Қ а р а н г: Халқ сўзи. 1992. 21 ноябрь; Ўзбекистон Республикаси Конституциявий комиссиясининг қарори // Халқ сўзи. 1992. 8 декабрь.

ҳаза тушган. Шулардан «Шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар», «Сиёсий ҳуқуқлар», «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар», «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари», «Фуқароларнинг бурчлари» деган VII—XI боблардаги 29 та модда юзасидан 1656 та таклиф ва мулоҳаза билдирилган. Булар ичида ўта қизғин муҳокама ва мунозарага сабаб бўлган ўн битта моддани (24, 25, 26, 28, 30, 32, 35, 36, 40, 47, 49), яъни инсоннинг яшаш ҳуқуқи; фуқаронинг айбсизлик презумпцияси; шахс дахлсизлиги; фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги; ҳар кимнинг исталган ахборотни олиш ва тарқатиш ҳуқуқи; дин эркинлиги ва диний ташкилотларнинг сиёсий мақоми; фуқароларнинг митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида фаоллик кўрсатиш ҳуқуқи; мулкдор бўлиш ва мулкни мерос қолдириш ҳуқуқи; меҳнат қилиш ва ишсизликдан муҳофаза этилиш ҳуқуқи; билим олиш ҳуқуқи; фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти; Ватанни ҳимоя қилиш ва ҳарбий хизматни ўташ мажбурияти каби масалаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Мазкур долзарб масалалар бўйича тушган таклифлар сони 1050 та бўлиб, улар Конституциявий комиссия номига келган таклифларнинг салкам 20 фоизини ташкил этди. Бу рақам VII—XI боблардаги моддаларга оид таклифлар миқдорига нисбатан эса 63,5 фоизни ташкил қилади.

Рақамлар ортида маъно ва мазмун борлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, 25-моддада 165 таклифдан 22 таси, 28-моддада 105 таклифдан 16 таси, 40-моддада 140 таклифдан 13 таси инобатга олиниб, тегишли қоидалар мазмуни мукаммаллаштирилди, уларнинг таҳрири тиниқлаштирилди[1].

Шундай қилиб, конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг иродасини бевосита аниқлаш, шунингдек, муҳокама давомида тўпланган бой материални ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб, умумлаштириб, уни мужассам давлат иродаси тарзида Асосий қонунда ифодалаш имконини берди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ҳақли равишда Конституцияни **«халқчил қомус»** деб атади. «Унинг лойиҳаси устида, — деди у, — тах-

---

[1] *Одилқориев Х. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. Т., 1995. 127-бет.

минан икки йил давомида ишладик. **У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди»**[1]. Конституция халқимизнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсули бўлди.

Умумхалқ муҳокамаси давом этаётган даврда ҳам Конституциявий комиссия раиси лойиҳани такомиллаштиришга катта эътибор қаратди. Фуқаролар ва меҳнат жамоаларидан тушаётган таклиф-мулоҳазалар ҳафта сайин жамланиб, раис эътиборига ҳавола этиб турилди. Республика Президенти И. А. Каримов конституция лойиҳаси устида ишлар экан, Ватан учун юксак масъулиятни ҳис этиб турар, ҳар бир конституциявий норма ортида миллионлаб инсонларнинг тақдири турганлигини англаб етарди. Президент ишлаган лойиҳалар нусхасида унинг дастхати билан қилинган қуйидаги тузатишлар ва қўшимчалар гувоҳи бўламиз. Лойиҳанинг 1-моддасида «Ўзбекистон — демократик республика» деб ёзилган эди. Президент бунга аниқлик киритиб, «суверен» сўзини қўшиб қўйган. Натижада бу модда шундай кўринишга эга бўлди: «Ўзбекистон — суверен демократик республика». Маълумки, суверенитет — ҳар қандай давлатнинг муҳим белгиси. Конституцияда бу жиҳатга урғу берилиши Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки Ўзбекистон энди илгаридек иттифоқ давлатининг таркибида эмас. Иккинчи тарафдан, унинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қўшилганлиги мустақилликни ва давлат суверенитетини йўқотганлигини англатмайди.

Дастлаб лойиҳанинг 7-моддаси 2-қисми мана бундай таҳрирда эди: «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти Конституция... ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади». Президент «республикада давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб... амалга оширилади», деган ниҳоятда муҳим тузатиш киритди. Натижада конституциянинг халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир (7-м., 1-қисм) деган қоидаси билан юқорида келтирилган қоидаси ўртасидаги мантиқий боғлиқлик кучайди.

Лойиҳанинг 17-моддаси 2-қисмида қуйидаги норма мустаҳкамланган эди: «Республика ўзининг суверен ҳуқуқларини бошқа давлатлар билан биргаликда амал-

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1992. 37-бет.

га ошириш шарти асосида умумий фаровонлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро бирикмаларга кириши, иттифоқлар тузиши ҳамда иттифоқлардан, ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро бирикмалардан чиқиши мумкин». Президент бу ўринда яна давлат раҳбарига хос доноликни намойиш этди. У матндан **«ўзининг суверен ҳуқуқларини бошқа давлатлар билан биргаликда амалга ошириши»** сўзларини чиқариб ташлади ва норманинг қуйидаги таҳририни баён қилди: «Республика **давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида** иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин».

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини мустаҳкамловчи қоидалар алоҳида диққат-эътиборга молик бўлди. Бу масала даставвал лойиҳада қуйидагича эди: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси табиий, ажралмас, бузилмас ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Улар дахлсиз ва ҳеч ким судсиз улардан маҳрум этишга ва уларни чеклашга ҳақли эмас» (19-модда). Бир қарашда ҳаммаси халқаро ҳуқуқ мезонларига мувофиқдек кўринади. Аммо Конституциявий комиссия раиси бу моддани чиқариб ташлаб, уни 20-модданинг иккинчи жумласи охирига қўшишни таклиф этди. Натижада модда қуйидаги кўринишга эга бўлди:

«...Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари **дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».**

Киритилган тузатиш-ижодий тафаккур ва донишмандлик маҳсулидир. Унинг тўғрилиги лойҳадаги 19-модда мазмунини қўшимча таҳлил этганда аён бўлади. Илгариги маънога кўра, шахснинг барча табиий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз деб танилиб, улар суд муҳофазасига даъвогарлик қилар эди. Мазкур норманинг юридик жиҳатдан ноаниқ ва бўшлиги кўриниб турибди. Акс ҳолда инсон ва фуқаронинг барча табиий ҳуқуқлари тўла рўйхатини қандай аниқлаш мумкин? Бу нозиклик шароитида ҳамма ҳуқуқ ва эркинликлар суд ҳимояси билан таъминланиши ақлга сиғадими? Йўқ, албатта Президент таҳрири юридик жиҳатдан бенуқсондир.

Конституция лойиҳасида «фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларидан ажралмасдир». Бу

сўзларни Президент қуйидаги аниқ ифодалар билан алмаштирди: **«Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар»** (Конституциянинг 47-моддаси). Натижада бу норма ҳуқуқий жиҳатдан лўнда ва аниқ кўринишга эга бўлди.

Конституциявий комиссия раисининг ташаббуси билан лойиҳага шахснинг дахлсизлиги, айбсизлик презумпцияси, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши тўғрисидаги моддалар киритилди. Конституциявий комиссиянинг 1992 йил 7 декабрда бўлиб ўтган мажлисида Президент конституция лойиҳасини хотин-қизлар билан эркаклар тенг ҳуқуқли эканлиги ҳақидаги, шунингдек, маданий ёдгорликлар давлат томонидан муҳофаза қилиниши ҳақидаги моддалар билан тўлдиришни таклиф этди. Мазкур мажлис иштирокчиларидан бири президентлик бошқаруви шаклини мустаҳкамлашни, «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» деган бўлимни Ўзбекистон Республикаси Президенти тўғрисидаги боб билан бошлашни таклиф қилди. Конституциявий комиссия раиси бунга эътироз билдириб: «Аввало Парламент ҳақидаги, сўнгра Президент ҳақидаги боб баён этилади. Конституциямизда биринчи навбатда халқ демократияси устунлик қилиши лозим», деди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси (1992 йил 8 декабрь) фаол ва манфаатли муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — Асосий қонунни қабул қилди. Сессияда депутатлар лойиҳага 80 га яқин ўзгартиш, қўшимча ва аниқликлар киритдилар. Жумладан, Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судларининг ваколат муддати ўн йилдан беш йилгача туширилди. Олий Кенгаш 84-моддани қуйидаги янги қисм билан тўлдирди: «Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили ҳисобот бериб турадилар». 78-модданинг 8-бандига эса шундай жумла қўшилди: «Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш» ва ҳоказо[1].

Лойиҳанинг 42-моддаси тубандагича эди: «Давлат жамиятнинг илмий, техникавий ва маънавий ри-

---

[1] Қаранг: *Уразаев Ш. З.* Конституция независимого Узбекистана. Т., 1993. 28-бет.

вожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилади, ватанимиз ва жаҳон илмий ва маданий бойликлари ютуқларидан баҳраманд бўлишни кафолатлайди». Депутатлар бу моддани янги таҳрирда қабул қилдилар: «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади».

Лойиҳанинг 55-моддасида (Конституциянинг ҳозирги 56-моддаси) сессия муҳокамаси натижасида жамоат бирлашмалари қаторига «Фахрийлар ташкилоти» ҳам қўшилди.

Албатта, депутатлар таклифларининг рад этилганлари, лойиҳага қўшилмаганлари ҳам бўлди. Масалан, баъзи депутатлар лойиҳанинг 58-моддасида касаба уюшмаларига аъзолик мажбурий равишда бўлиши ҳақидаги қоида мустаҳкамлансин, деган таклифларни илгари сурдилар. Ушбу фикр ҳам қўллаб-қувватланмади, чунки у жамоат бирлашмаларининг ихтиёрийлик асосида тузилиши принципига зид эди. Шунингдек, 118-модданинг 3-қисмида «вилоят, шаҳар ва туман прокурорлари тегишли маъмурий-ҳудудий бирликнинг ҳокими билан келишилган ҳолда тайинланадилар», деган қоидани ёзиш таклиф этилди. Бу таклифга Олий Кенгаш депутатларининг кўпчилиги қўшилмади. Сабаби, амалдаги қонунчилик ва тажрибага мувофиқ, прокуратура органлари яккабошчилик принципи асосида тузилади ва фаолият юритади. Шу боис, барча бўғиндаги прокурорлар республика Бош прокурори томонидан вазифага тайинланадилар. Бундан ташқари, прокуратура органлари худди судлар сингари маҳаллий ҳокимият органлари таъсири остида бўлиши мумкин эмас. Боз устига, прокуратура тегишли ҳудуддаги ҳокимлар фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади.

Депутатларнинг бир қатор таклиф ва мулоҳазалари конституция лойиҳасининг таҳририни, услубий равонлигини баркамоллаштиришга кўмак берди.

Шундай қилиб, суверен демократик Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Асосий қомусимиз давлат мустақиллигимизнинг мевaси, маҳсули сифатида яратилди ва ҳурлигимиз, озод-эркинлигимиз мадҳияси сифатида яшамоқда. Конституция келажаги буюк Ўзбекистоннинг қад ростлаши учун, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевордир.

5-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий замини, халқ ҳоҳиш-иродасининг олий ифодаси сифатида майдонга чиқди. У мустақилликнинг бевосита ҳосиласи тарзида вужудга келди. Конституция **«янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам... суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди»**[1].

Моҳият нуқтаи назаридан баҳо бериладиган бўлса, конституция дунё сиёсий харитасида янги суверен демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси қарор топганлигини қонунлаштирди.

Бутун жаҳон аҳлига халқимизнинг истак-иродасини баён қилиб, у ўзбек давлатчилигини замонавий маърифий асосларда қайта тиклаш, тинч-тотув яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустаҳкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлашдан иборатлигини эълон қилди.

Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимиз қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини ҳамда маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди. **«Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир, — деб баҳо берди мамлакатимиз Президенти. — Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ»**[2].

Конституция сиёсий ҳамда ҳуқуқий эркинликнинг буюк тимсоли сифатида халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олди, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси эъзозлов-

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998, 539-бет.

[2] *Каримов И. А.* Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1992. 37-бет.

чи мўътабар ижтимоий қадриятга, олий маънавий неъматга айланди. Унинг беқиёс қадр-қиммати ва нуфузи, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти йиллар ўтгани сайин тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳияти, ижтимоий-сиёсий ва юридик табиати унинг қуйидаги асосий хусусиятларида яққол намоён бўлади:

1) Ўзбекистон Конституцияси том маънода чинакам демократик конституциядир. У тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Бундан ташқари, у энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг конституциявий тажрибасига таянган ҳолда яратилган[1];

2) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган. «Давлат органлари ва мансабдор шахслар,— дейилади Асосий қонунимизнинг 2-моддасида, — жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар». Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устунлигини ва улар конституциявий даражада кафолатланишини англатади. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни ва қадр-қиммати ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас бўлиб, улар давлат томонидан ҳимояланади;

3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаровий жамият барпо этишнинг чинакам ҳуқуқий пойдеворидир. Унда ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий принцип ва белгилари, хусусан, конституция ва қонуннинг устунлиги, демократизм, ижтимоий адолат принциплари мустаҳкамланган. Барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар конституция ва қонунга асосланиши; қонунлар эса, ўз навбатида, конституцияга мос бўлиши талаб қилинади. Қонун олдида барча баробар. Қонунга бўйсуниш мажбуриятидан ҳеч ким халос этилмайди;

4) Конституция бозор иқтисодиётига ўтишга, хусусий мулкчилик муносабатларини қарор топтиришга хизмат қилади. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглигини, иқтисодий фаолият юритиш ва тадбиркорлик эркинлигини акс эттирувчи ғоя ҳамда қоидаларни мустаҳкамлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакл-

---

[1] *Каримов И. А.* Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. — Т.: Шарқ, 1993. 7-бет.

лари каби дахлсиз ва давлат томонидан ҳимояланади (Конституциянинг 53-моддаси);

5) Конституцияда кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм (ҳурфикрлилик) институтлари мустаҳкамланган. Ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч бир сиёсий партиянинг яккаҳоким бўлишига, ҳеч қайси партиянинг мафкураси давлат мафкураси даражасига кўтарилишига йўл қўйилмайди. Сиёсий партиялар парламент демократияси қоидаларига ва талабларига риоя этган ҳолда конституция ва қонунлар асосида фаолият юритадилар.

6) Конституция давлатнинг динга нисбатан одилона демократик муносабатини белгилайди. Барчага виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатланиши, диний эътиқод ва диний ташкилотлар фаолиятига монелик йўқлиги қонунлаштирилди. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга бўлди. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги конституциявий даражада эътироф этилди. Давлат диний ташкилотлардан ажратилган ва уларнинг қонунга мувофиқ фаолиятига, ички ишларига аралашмайди. Ўзбекистондаги барча динлар қонун олдида тенг, улар диний бағрикенглик асосида ўзаро ҳамкорлик ва муроса қиладилар;

7) Конституциянинг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, у инсоният ақл даҳоси кашф этган демократик қоидалардан бири — ҳокимиятлар тақсимланиши принципини мустаҳкамлайди. Шу асосда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов шахобчалари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишининг оқилона конституциявий механизми шакллантирилди;

8) Асосий қонунда сўнгги йилларда жорий этилган ва ҳаёт синовидан ўтиб, ўзини оқлаган конституциявий институтлар ўз ифодасини топди. Булар: президентлик институти ва шу заминда қарор топтирилган давлат бошқарувининг республика шакли, шунингдек, жойларда — вилоят, туман, шаҳарларда ижроия ҳокимият раҳбари — ҳокимлик институти жорий этилганлиги; мамлакатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими шаклланишига конституциявий ҳуқуқий замин яратилганлиги ва ҳоказо;

9) Конституция жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқнинг принцип ва қоидала-

рига мос даражада ишлаб чиқилган. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида халқаро муносабатларга киришади. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалар билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа нормаларига амал қилиш заминига қурилгандир (Конституциянинг 17-моддаси).

10) Конституция жаҳон конституционализми тажрибасига кенг таяниш ва унинг ижобий жиҳатларидан баҳраманд бўлиш асосида яратилган. Айни вақтда, унинг эътиборга молик ютуғи шундаки, Асосий қонунимиз дунёнинг илғор конституцияшунослиги тажрибаси билан ўзбек халқининг бой тарихий, миллий ва маънавий қадриятларини уйғунлаштира олган. Мазкур ҳужжат умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар Хўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттирган. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик каби улуғ хислатлар бу муборак ҳужжатдан муносиб ўрин олган[1];

11) Конституция Ўзбекистон таркибида суверен давлат — Қорақалпоғистон Республикаси мавжудлигини ва унинг конституциявий-ҳуқуқий мақомини белгилайди. Қорақалпоғистон суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари улар ўртасида Ўзбекистон Конституцияси доирасида тузиладиган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади (Конституциянинг 70, 75-моддалари).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юқорида саналган сифат ва хусусиятлари унинг беназир нуфузи, салмоғи ва қадр-қимматидан далолат беради, у мустақилликнинг қонуний пойдевори ва буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолатидир.

---

[1] Қаранг: *Каримов И. А.* Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.: Шарқ, 1993. 7-бет.

6-§. КОНСТИТУЦИЯНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳияти ҳуқуқий давлатнинг асосий талабларини акс эттирувчи асосий принциплар тизими орқали очиб берилади.

Принцип раҳбарий ғоя, асосий қоида демакдир. Ушбу атама воситасида файласуфлар, ҳуқуқшунослар ва социологлар ўрганилаётган ҳодисанинг мавжудлик қонунини, ички мантиғини ифода этадилар. «Принцип» категорияси «қонуният», «моҳият» категориялари билан узвий боғликдир. Худди шу сабабли конституциянинг моҳияти унинг қуйидаги асосий принциплари орқали очилади.

Биринчи принцип. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг энг муҳим принципи — **давлат суверенитети принципидир.** Ҳокимият суверенитети бир томонидан, мамлакат ичкарисида унинг устуворлигини ва мустақиллигини билдирса, иккинчи томондан, ташқи сиёсат борасида, бошқа давлатлар билан ўзаро алоқаларда устунлик, мустақиллик ва эркинликни билдиради. Давлат суверенитетининг мазмуни Конституциянинг биринчи бобида акс этган. Масалан, 1-моддада «Ўзбекистон — суверен демократик республика» деб мустаҳкамлаб қўйилган. Давлат ўзининг ҳудудига ва миллий бойлигига нисбатан олий ҳуқуққа эгадир. «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир» (3-модда). Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимини мустақил равишда белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади, ўз ҳудудида устунликка эга бўлган конституция ва қонунларни қабул қилади.

Давлат суверенитети умумий ҳокимият ваколатларини тўлиқ ва сўзсиз равишда, фақат конституция асосида шакллантирилган ва фаолият кўрсатадиган давлат институтлари ихтиёрида жамланишини тақозо этади. Бу борада конституциянинг 10-моддаси мантиқий қоидани мустаҳкамлайди: «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас».

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига биноан ваколатга эга бўлган органлар томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган (7-модданинг 2-қисми).

Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги мустақиллиги унинг давлатлараро муносабатларнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли субъекти эканлигини билдиради. Конституция республикада худди шу талабларга жавоб берувчи хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган.

Иккинчи принцип. Конституция **халқ ҳокимиятчилиги принципига** асосланади ва уни мустаҳкамлайди. Яъни бутун ҳокимиятнинг халққа тегишлилигини ва ҳокимиятнинг билвосита ва бевосита амалга оширилишини билдиради. Конституциянинг 7-моддасига биноан, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқдир ва ушбу ҳокимият халқ манфаатларини ҳисобга олиб амалга оширилади. Асосий қонунда реал халқ ҳокимиятчилигининг механизмлари кўрсатилган. Халқ сайловлар ёрдамида вакиллик ҳокимияти органларини шакллантиради, мамлакат Президентини сайлайди, умумхалқ муҳокамаси ва референдумлари орқали (9-модда) жамият ва давлат ишларини бошқаришда, қарорлар ва қонунларни қабул қилишда қатнашади. Бу ҳолда халқнинг суверен хоҳиш-иродасини ифодалашнинг асосий институтлари рўёбга чиқади ва халқнинг давлат ҳокимиятини амалга ошириш воситалари конституциявий тартибда мустаҳкамланади.

Учинчи принцип. Инсон олий қадрият ва давлат сиёсатининг асосий мақсадидир. Унинг қадр-қимматини ва шаънини юқорига кўтариб ва муҳофаза этиб, давлат, биринчи навбатда, ўзининг пойдевори, яъни шахснинг ва давлат фуқароси ҳамда ҳуқуқнинг субъекти сифатида мавжуд бўлишини таъминлайди. Ушбу фикр конституциянинг мағзидир. Шундан келиб чиқиб, Асосий қонуннинг ички тузилиши қуйидагичадир: «фуқаро — жамият — давлат». Ушбу учликнинг ўзаро алоқалари фуқаро **(инсон) ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги ва ўзгармаслиги принципига асосланади.** Ўзбекистоннинг Асосий қоунида ҳар бир фуқарога тегишли бўлган табиий ва ажралмас ҳуқуқлар тан олинади. Унга аввалги конституцияларда мустаҳкамланмаган янги ҳуқуқлар ҳам берилади. Бу, масалан, яшаш ҳуқуқи, жисмоний ва маънавий дахлсизлик, шахсий ҳаёт дахл-

сизлиги ҳуқуқи, фикрлар ва ғоялар эркинлигига бўлган ҳуқуқи, ахборот олиш ҳуқуқи, айбсизлик презумпцияси, суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқи, мамлакатдан эркин чиқиб кетиш ва унга кириб келиш ҳуқуқи, соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ ва бошқалар. Ўзбекистоннинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар ва — жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, фикрлари, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар — қонун олдида тенгдирлар (18-модда).

Муҳим сиёсий ҳуқуқлар ҳам аниқ ва лўнда берилган. Фуқаролар жамият ва давлат ишларида қатнашишлари (32-модда), қонунчиликка мувофиқ ўз ижтимоий фаолликларини митинглар, йиғилишлар, намойишлар шаклида амалга оширишлари мумкин (33-модда), касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар (34-модда).

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ҳозирги кун ва бозор иқтисодиёти инфраструктурасини шакллантириш манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Улар фуқароларнинг мулкка ва меросга эга бўлиш ҳуқуқлари билан тўлдирилган (36 ва 53-моддалар). Давлат иқтисодий фаолият эркинлигини, тадбиркорликни ва меҳнатдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини, мулкчиликнинг барча шакллари тенглиги ва ҳуқуқий ҳимоясини ҳисобга олган ҳолда кафолатлайди. Барча фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, улар янги мазмун билан бойитилган ва ижтимоий муносабатларни инсонийлаштиришга қаратилган. Уларни қатъий юридик кафолатларнинг мавжудлиги ва умумсиёсий декларатив қоидаларнинг йўқлиги ажратиб туради.

Тўртинчи принцип. Демократизм Конституциянинг асосий принципидир. Халқнинг ҳаётий тажрибасига, миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига мос келадиган асл демократияни вужудга келтириш катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Конституциянинг муқаддимасида халқнинг демократия ва ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқларига бўлган садоқати мустаҳкамланган. «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» (13-модда). Конс-

титуция демократияни халқ ҳокимиятчилигининг бир шакли сифатида қабул қилиб, давлатнинг халқ иродасини ифода этиши ва унинг манфаатларига хизмат қилиши, ҳакидаги қоидани мустаҳкамлайди (2-модда). Умумхалқ муҳокамаси ва умумхалқ овоз бериши (референдум) институтлари бевосита демократия институтлари ҳисобланади. Халқ қонун чиқарувчи орган ва Республика Президенти сайловларида бевосита иштирок этади (9, 77 ва 90-моддалар).

Демократияни чуқурлаштириш мақсадида Асосий қонунда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик, турли хил сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар мавжудлиги мустаҳкамланган. Шу билан бирга, якка мафкура ҳукмронлигига чек қўйилган. «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» (12-модда).

Бир қанча нормаларда сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ҳаракатларнинг конституциявий мақоми белгилаб берилган. Уларнинг республика сиёсий ҳаётида кенг иштирок этиши кафолатланади. Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаб беради. Давлат органлари, мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига аралашишига ва ушбу бирлашмаларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистонда дин ва диний ташкилотларга нисбатан жуда оқилона сиёсат юритилади. Конституцияда «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди», деб ёзиб қўйилган (61-модда).

Бешинчи принцип. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим конституциявий принципларидан бири **давлат билан фуқаронинг ўзаро масъуллигидир.** Конституциянинг 19-моддаси айнан мана шу принципни мустаҳкамлайди: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар». Мазкур норма сиёсий ҳокимият соҳиби бўлмиш давлат билан уни амалга оширишнинг иштирокчиси бўлган фуқаро ўртасидаги муносабатларнинг маънавий-ахлоқий мағзини ифода этади. Таъкидлаш жоизки, жамият билан шахснинг эркинликларини қонун даражасида мустаҳкамлаган давлатнинг ўзи хатти-ҳаракатлари ва қарорларида жамият ва шахс ман-

фаатлари учун бўладиган муайян чекловлардан холи бўлиши мумкин эмас. Давлат қонун воситасида ўзига шундай мажбуриятлар оладики, токи унинг фуқароларга, жамоат бирлашмаларига, ҳуқуқнинг бошқа субъектларига нисбатан муносабатлари адолат мезонлари асосида амалга ошсин.

Давлат ўз идоралари ва мансабдор шахсларининг фаолиятлари учун жавобгарлик чегаралари ва чораларини белгилайди. Ҳуқуқий давлат барча даражадаги мансабдор шахсларнинг халқ олдидаги, фуқаролар олдидаги масъулиятининг юридик жавобгарлиги меъёрларини белгиламаслиги мумкин эмас. Зеро, бусиз ҳуқуқий давлат мавжуд бўлмайди.

Олтинчи принцип. Қонунийлик принципи — жамиятнинг нормал ҳаёти ва давлат органлари фаолият юритишининг асосидир. 15-моддага биноан давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар, конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Мазкур принцип халқнинг давлатга, унинг органларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига, хўжалик тузилмаларига нисбатан сиёсий-конституциявий талабидир, яъни уларнинг республика қонунларига асосан фаолият юритиши ҳақидаги талабдир. Қонунийлик ҳақидаги конституциявий принципда халқ ҳокимиятчилигининг ички диалектикаси ўз аксини топган, яъни ҳамма бирғаликда ҳокимият юритади, айни пайтда, ҳар бир фуқаро ўзбек халқининг қонунларда акс эттирилган суверен давлат иродасига бўйсунади.

Конституцияда биринчи марта ҳуқуқий давлатнинг иккита зарурий шарти, яъни конституция ва қонуннинг устунлиги ҳамда ҳокимиятларнинг тақсимланиши асосий принциплар сифатида келтирилган.

Еттинчи принцип. Конституция ва қонуннинг устунлиги давлат-ҳуқуқий қурилишнинг принципи сифатида, ҳеч бир қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат конституциянинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмаслигини билдиради (16-модда). Конституция талабларини қандайдир қонунлар ва бошқа ҳуқуқий актларни рўкач қилиб бажармасликка йўл қўйилмайди.

Конституция ва қонунлар ҳар бир фуқаро учун, ҳар бир ҳуқуқ субъекти учун олий қадрият бўлиши лозим. Шунга эришиш учун конституция ва қонунлар инсоний, адолатли ва демократия руҳида, замонавий

шарт-шароитлар ва эҳтиёжларга жавоб берадиган тарзда бўлиши лозим. Фақат шу шароитдагина улар сўзсиз бажарилади.

Конституция Асосий қонун сифатида мамлакатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизимида устунликка эга. Унинг нормалари олий юридик кучга эга. Бошқа барча қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар конституция асосида қабул қилиниши лозим. Бу маърифий жамиятнинг асосий талабидир.

Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш алоҳида ҳимоя механизмининг мавжуд бўлишини тақозо этади. Шу мақсадда Конституциявий суд, Конституциянинг 108-моддасига биноан, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатларини конституцияга қанчалик мос келиши тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Конституциявий суд аъзолари мустақил бўлиб, фақат Конституцияга бўйсунадилар.

Саккизинчи принцип. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органлари тизими **ҳокимиятлар бўлиниши принципига** асосланади. Конституцияда қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятининг мустақил ҳамда ҳамкорликда фаолият олиб боришининг оптимал механизми мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳокимият уч тармоғининг бир-бирига ўзаро таъсир этиши ва ўзаро қарама-қарши туришидек оқилона тизим вужудга келтирилган. Қонунчилик ҳокимиятини Олий Мажлис амалга оширади, ижроия ҳокимиятни — Президент ва унинг раҳбарлигидаги Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади, судлов ҳокимиятини — Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди олиб боради ва улар ягона суд тизимини ташкил этади.

Олий Мажлиснинг ваколатларига Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш ва қонунларга ўзгартиш киритиш орқали қолган иккита ҳокимиятнинг мақомини белгилаб бериш киради. Президентнинг чиқарган фармонлари Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Ўз навбатида, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, республиканинг барча олий суд органлари Олий Мажлисда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадирлар (82-модда). Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судларининг аъзолари Олий Мажлис томонидан сайланади, Президент эса вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимдан озод этади (78 ва

93-моддалар). Президент қонунларини имзолайди ва зарур ҳолларда вето ҳуқуқидан фойдаланади (93-модда 14-банди). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Конституциявий суд республиканинг қонунларини ва Президент фармонларининг конституцияга мослигини аниқлайди. Унинг конституциявий ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари қатъий ва улар юзасидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституцияда кучли ижроия ҳокимият мақоми мустаҳкамланган. Бир ижтимоий-сиёсий тизимдан бошқа тизимга ўтиш жараёнида бу жуда зарур ҳолдир. Унинг мустаҳкамланиши қонун чиқарувчи ҳокимиятни чеклаш ҳисобига бўлгани йўқ. Асосий қонунда Президентнинг белгиланган ваколатларини аниқлаштириш ва тўлдириш жараёнида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ўзаро мутаносиблиги сақлаб қолинди. Конституциянинг 89-моддасига биноан, Президент фақат давлатнинг бошлиғи бўлмай ижро этувчи ҳокимиятни ҳам бошқаради: айни пайтда, у Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади. Президент ваколатлари тўғрисидаги модда ҳуқуқларни санашдан бошланмай, унга юқори масъулиятли мажбуриятларни юклашдан бошланади, яъни Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир; у Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш бўйича зарурий чоралар кўради (93-модданинг 1—2-бандлари).

Президент республика номидан давлат ичкарисида ва халқаро муносабатларда иш кўради, музокаралар олиб бориб, шартномаларни имзолайди, зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун масъулдир.

Давлат бошлиғи давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаб беради. У ижро этувчи ҳокимият тизимини шакллантиради, унга раҳбарлик қилади, вазирликларни, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади. Бу тўғрисидаги фармонларни

кейинчалик Олий Мажлис тасдиғига киритади. Президент Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади. Кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлис тасдиғига киритади (93-модданинг 8 ва 9-бандлари).

Прокурор назорати ҳозиргача ўзига хос ҳокимият бўлиб келган эди. Прокуратура эндиликда ижро этувчи ҳокимият тизимига киради. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва ўринбосарлари Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Президентнинг бу фармонлари ҳам Олий Мажлис тасдиғига киритилади. Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади (118-модда).

Президентнинг вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судлари судьяларини лавозимига тайинлаш ва уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармойишларини судьяларни ўзига хос рағбатлантирувчи, ваколатлантирувчи асос деб тушуниш мумкин. Яъни судьялар одил судловни амалга оширишда, давлат номидан ҳукмлар чиқариш ва қарорлар қабул қилишда эркин бўладилар. Судьяларнинг мустақиллиги Президентнинг нуфузи билан мустаҳкамланади. Лекин, шуни таъкидлаш керакки, Президент ҳам, давлат бошқарувининг бошқа органлари ҳам, судларнинг процессуал фаолиятига аралаша олмайди. Конституциянинг 106-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади», — дейилган.

Президент республика Қуролли Кучларининг Бош Қўмондони бўлиб, Ўзбекистон Республикасига ҳужум уюштирилганида уруш ҳолати эълон қилади ва уч сутка муддат ичида ушбу ҳолат бўйича қарорни Олий Мажлис тасдиғига киритади.

Тўққизинчи принцип. Конституциянинг асосий принципларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси томонидан фаол ташқи сиёсатнинг амалга оширилишидир. Бу ўринда асосий омил мамлакатимиз миллийдавлат манфаатларининг устунлигидир. Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти бўлиб, Конституцияда мустаҳкамланган қуйидаги принциплардан келиб чиқади: давлатларнинг

суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларини тан олиш ва ҳоказо (17-модда).

Ўнинчи принцип. Конституцияда фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролининг ошиб бориши принципи мустаҳкамланган. Конституциянинг махсус боби (XXI) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бағишланган. Ўзини ўзи бошқариш органларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, маҳаллий ҳокимият бошлиғи бўлган ҳокимлик институти жорий этилди. Халқ депутатлари кенгашлари — маҳаллий вакиллик ҳокимияти ҳамда ижро этувчи ҳокимият тегишли ҳудудда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан бошқарилади.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими ўз лавозимига Президент томонидан тайинланади ва тегишли халқ депутатлари кенгашлари томонидан тасдиқланади. Туман, шаҳар ва туман ичидаги шаҳарларнинг ҳокимлари юқори турувчи ҳокимлар томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда тегишли халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланади (102-модда). Ҳоким ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади ва ўзи раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардир.

Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда маҳаллий ҳокимият жамоа томонидан ўзини ўзи бошқариш шаклида амалга оширилади. Бундай бошқарув органлари фуқароларнинг йиғинлари ҳисобланади. Улар икки ярим йилга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайдилар. Бундай тажриба шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда мавжуд бўлган маҳаллаларда ҳам қўлланилади (105-модда).

Ўн биринчи принцип. Конституцияда суд ҳокимиятини амалга оширишнинг муҳим принциплари мустаҳкамланган. Конституциямизда биринчи марта Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти тўғрисидаги махсус боб пайдо бўлди. Мамлакатда тенг ҳуқуқли бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва улардан мустақил бўлган суд ҳокимиятини шакллантиришнинг конституциявий асосларини вужудга келтириш демо-

кратиянинг энг катта ютуғидир. Конституция суд тизимининг асосий принципларини мустаҳкамлаб, суд ҳокимиятини амалга оширишни тартибга солади. Булар: суднинг мустақиллиги ва судьяларнинг дахлсизлиги (106 ва 112-моддалар); судьяларнинг фақат қонунга бўйсуниши (112-модда); судья лавозимини депутатлик фаолияти билан бирга олиб боришнинг мумкин эмаслиги (108 ва 112-моддалар); судьяларнинг сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас (108 ва 112-моддалар); ҳамма судларда ишларнинг очиқ кўрилиши (ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади) (113-модда); суд ишларини давлат тилида ва муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб бориш лозимлиги (115-модда); адвокатнинг тергов ва суд ишларининг барча босқичларида қатнашиши (116-модда); суд ҳокимияти ҳужжатларининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги принципларидир (110, 114-моддалар).

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни таъминлаш мақсадида Конституцияда прокуратура органларининг мақоми ва ташкилий асосларига катта эътибор қаратилади. Прокурорлар қонунийлик устидан назоратни амалга ошириб, барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фаолиятини назорат қиладилар ҳамда қонунга бўйсунадилар. Ўзларининг ваколатлари даврида (5 йил) улар сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларидаги сиёсий фаолиятларини ҳамда ушбу ташкилотлардаги аъзоликларини тўхтатадилар (119 ва 120-моддалар).

Суверен Ўзбекистоннинг Конституцияси инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг демократик хартияси, ҳуқуқий ва инсонпарвар давлатни шакллантиришнинг стратегик дастуридир. У катта сиёсий, юридик ва халқаро аҳамиятга эга.

7-§. КОНСТИТУЦИЯ НОРМАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

Конституция мавжудлиги, амал қилиши ва жамият ҳаёти учун самара беришининг муҳим шарти конституциявий нормаларнинг тўла-тўкис амалга оширилишидир. Яхши конституция яратиш бу ҳали ишнинг бошланишидир. Энг муҳими конституциявий норма-

ларни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этишдир. Конституция амалиётда қўлланилган, муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатлар уммонига жорий этилган ва ҳуқуқий тартибга солингандагина амал қилади, ижтимоий фойдали қадрият сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқшунослик фанида ҳуқуқий нормаларни, шу жумладан конституциявий нормаларни амалга оширишнинг муайян тизими, ўзига хос алоҳида механизми ҳақида гапирилади. Мазкур институтнинг ички мазмунини чуқур англаб етиш учун, аввало, «механизм» ва «ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш» деган иборалар маъносини таҳлил этиш лозим.

«Механизм» — бу бир неча мустақил қисмларнинг (элементларнинг) ўзаро боғлиқлик ва алоқадорлик асосида, бир бутун ҳодиса сифатида ҳаракатланиш жараёнидир. Бунда ҳар бир элемент уйғун ва барқарор бирлашиб, бири иккинчисини ҳаракатлантиради. Механизмга аниқ, қатъий ва бир маромда ишлаш хосдир.

«Механизм» ибораси адабиётларда турлича талқин этилади ва изоҳланади. Лекин уларнинг ҳаммасида бир умумийлик бор, яъни «механизм» — «фаолият кўрсатишнинг усули», «таъсир этиш воситаларининг тизими» эканлиги эътироф этилади. Масалан, ҳуқуқий тартибга солиш механизми ҳуқуқдаги норматив талабларни тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар мазмунига сингдириш жараёнининг амалий (фаолият орқали ифодаланувчи) томонини ифода этади[1].

Қонуннинг амал қилиш механизми — «структура (ташкилий тузилма) билан фаолиятнинг бирлиги, аниқроғи, ҳаракатдаги структурадир»[2]. Механизм воқеа ва ҳодисаларнинг динамикаси, ҳаракатдаги ҳолатидир. Механизм ўз таркибидаги қисм (элемент)ларнинг ўзаро ички алоқадорлиги, жипслиги, бири иккинчисининг мавжудлигини тақозо этиши билан, ана шу асосда ҳаракатланиши, фаолият кўрсатиши, ривожланиши ва такомиллашиши билан тавсифланади. Қонунни амалга ошириш жараёнида намоён бўлувчи элемент (унсур)лар ягона, узвий бир бутун механизмни ташкил этади.

---

[1] Общая теория государства и права. Академический курс / Под ред. проф. М. Н. Марченко. Т. 2. Теория права. — М.: Зерцало, 1998. С. 439.

[2] *Казимирчук В. П.* Социологические исследования в праве: Право и социология. М., 1973. С. 70.

Ана шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, конституцияни амалга ошириш ўзининг ички ва ташқи механизмларига, ташкилий-процессуал жиҳатларига эга. Аввало, конституциявий нормаларни амалга ошириш муайян жараён эканлигини ёдда тутиш керак. Гап конституция нормаларини амалга ошириш, турмушда қўллаш воситалари — давлат идоралари ва бошқа субъектларнинг фаолияти, давлат мажбурловини таъминлаш, конституциявий қоида талабини ҳаётий муносабат мазмунига «айлантириш» ҳақида бормоқда.

Конституциявий-ҳуқуқий нормаларни амалга оширишнинг ташқи ташкилий намоён бўлиши ҳуқуқий тартибга солиш механизми воситалари орқали рўёбга чиқади. Ҳуқуқий адабиётларда ёзилишича, у қуйидаги уч қисмдан иборат:

1) юридик нормалар;

2) ҳуқуқий муносабатлар;

3) субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларни амалга ошириш актлари (ҳаракат).

Шунга асосан, конституциявий нормаларни амалга ошириш механизмини мазкур нормаларни ҳаётга жорий этишнинг ҳуқуқий воситалари йиғиндиси, деб талқин этиш мумкин.

Конституциявий нормаларни амалга ошириш механизмининг **юридик** жиҳати[1] конституция қоидаларини бевосита амалий татбиқ этиш тартибини акс эттиради. Бунда барча қонунчилик соҳаларини такомиллаштириш, тегишли норматив-ҳуқуқий актларнинг қабул қилинишини (бекор қилишини ва ўзгартирилишини) ҳамда ваколатли субъектларнинг махсус фаолиятини назарда тутади.

Конституциявий нормаларга юқори даражада умумлашганлик хос. Бу уларни амалга ошириш учун муайян аниқликни талаб этади.

Конституцияда аниқ бир қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини тақозо этувчи нормалар ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади» (9-модда), «Вазирлар Маҳ-

---

[1] Конституцияни амалга ошириш механизмининг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий ва юридик жиҳатлари хусусида батафсилроқ қаранг: *Стумбина Э. Я., Кузнецов А. В., Эглистис В. В.* Механизм реализации конституции. Рига, 1984. 11—15-бетлар.

камасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади» (98-модда), «Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади» (117-модда), «Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш «тартиби қонун билан белгиланади» (116-модда), — дейилган нормаларини келтириш мумкин.

Демак, бу тоифа конституциявий нормаларни амалга ошириш учун кўрсатилган қонунларни қабул қилиш ва уларни ҳаётда қўллаш лозим. Бундай қонунлар «восита» тарзидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда конституциявий нормаларни амалга оширишда «восита» ҳужжати ролини Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа актлар бажаради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлаш, фахрий унвонлар бериш; Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига оид масалаларни ҳал этиш; амнистия эълон қилиш каби масалалар Президент фармони билан амалга оширилади (Конституция 93-моддасининг 18, 19, 20-бандлари). Вазирлар Маҳкамаси мамлакат иқтисодиётини, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар ва Президент фармонларининг ижросини таъминлаш учун қарорлар қабул қилади (98-модда).

Конституциявий-ҳуқуқий нормаларни амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг поғонама-поғона (иерархик) тизимидан ташқари, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ҳам муҳим ўрин тутади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир», — деган қоида бор. Бу қоидани амалга ошириш тизимига Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят кодекси, «Мулкчилик тўғрисида»ги қонун, Президентнинг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари (низомлари) Давлат мулк қўмитасининг қарор ва низомлари, шунингдек, хусусий мулкни фуқаровий даъво, маъмурий иш ва жиноят ҳуқуқи тартибида ҳимоялашга қаратилган суднинг ҳал қилув қарори ёки суднинг ҳукми (ҳуқуқни қўллаш акти) киради. Ушбу механизмда суднинг қарори ёки ҳукми юқори-

даги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида, уларнинг ижроси йўлида чиқариладиган ҳуқуқни бевосита ҳаётда қўллаш ҳужжатидир.

Конституция нормаларини қайси шаклларда амалга ошириш мумкин?

Ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш шаклларининг энг кўп тарқалганлари: **ижро этиш, фойдаланиш, риоя қилиш ва қўллашдан иборат**[1].

Ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш субъектларнинг юридик нормаларда тақиқланган ҳаракатларни қилмасликларида, ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажаришларида акс этади. Ижро — ҳуқуқий нормани амалга ошириш шакли бўлиб, субъектларнинг мажбурловчи ҳуқуқий кўрсатмаларни бажаришларида ифодаланади. У ҳуқуқ нормалари билан субъектлар зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариш юзасидан амалга ошириладиган фаол хатти-ҳаракатдир[2].

Ҳуқуқ нормаларини қўллаш муайян шаклларда давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий нормалар асосида муайян ҳуқуқий йўриқларни, яъни татбиқ этиш ҳужжатларини чиқаришини назарда тутади. Масалан, Ўзбекистон Президенти Конституциянинг 93-моддаси 20-бандида белгиланган ўз ҳуқуқини амалга ошириб, республикадаги бирор-бир суд жазога ҳукм қилган фуқарони афв этиш тўғрисида чиқарган ҳуқуқий ҳужжати ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ҳисобланади.

Демак, конституциявий ҳуқуқий нормаларни қўллаш ҳуқуқ субъектларининг расмий ҳуқуқий нормадаги ҳаракатлари билан ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишини билдиради.

Ижро этиш ва қўллаш конституциявий нормаларни амалга ошириш фаолиятининг асосий шаклларидир[3].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг матни ундаги нормаларни ҳуқуқий амалга оширишнинг йўналишлари ва босқичларини белгилайди.

Конституцияни амалга ошириш уни бевосита ҳаракатга келтирувчи ёрдамчи қонунлар, жумладан, Қора-

---

[1] Конституциявий нормаларни амалга ошириш масалаларига оид фикрлар хусусида қаранг: *Тожихонов У.* Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. Т., 1995. 42—55-бетлар.

[2] *Алексеев С. С.* Общая теория права. Т. 1. М., 1981. 303-б.

[3] *Тожихонов У.* Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. Т., 1995. 47-бет.

қалпоғистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳақидаги конституциявий қонун, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги, судлар тўғрисидаги, прокуратура, маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисидаги ва бошқа бир қанча қонунларнинг қабул қилиниши, яъни бутун конституциявий ҳуқуқ тармоғининг янгиланишини, бу эса, ўз навбатида, бутун қонунлар тизимининг қайта янгиланишини тақозо этади.

Конституциявий нормаларни амалга ошириш усуллари.

Конституция нормалари мажбурлов, рухсат этиш, тақиқлаш усуллари билан амалга ошади. Бу усулларни қўллаш ҳуқуқ субъектларининг хусусиятларига ҳам боғлиқ. Масалан, халқ конституция ва унинг нормаларини давлат (унинг органларидан), жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ҳамда фуқаролардан бошқача тарзда ва усулда амалга оширади. Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этиш, умумий овозга (референдумга) қўйиш усуллари билан ҳал этилади. Давлат органлари, хусусан, Олий Мажлис конституциявий-ҳуқуқий нормаларни қонун чиқариш, уни кучга киритиш усуллари билан, ижро этувчи органлар — бошқарув, мажбурлов, рағбатлантириш, ишонтириш усуллари билан амалга оширадилар. Ҳуқуқ-тартибот органлари эса, асосан, мажбурлов ва тақиқлаш усулини қўллайдилар.

VII боб. КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ

*** «КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ» ТУШУНЧАСИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ОБЪЕКТИ ВА ТУРЛАРИ**
*** КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ИДОРАЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИДАГИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР**

1-§. «КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ» ТУШУНЧАСИ

Жаҳон конституцияшунослиги тарихи ва ҳозирги ривожланиш амалиётининг далолат беришича, конституциянинг устунлиги принципи ёки ғоясини эълон қилишнинг ўзи етарли эмас. Аксинча, ҳаёт конституциявий назоратнинг тўлақонли механизми вужудга келтирилишини ва бу тизим мунтазам такомиллаштириб борилишини тақозо этмоқда. Шу боис дунёдаги барча конституцияларда уларнинг устуворлигини таъминлаш ва бекаму кўст амалга оширилишини кафолатлаш мақсадида конституциявий назорат тизимини вужудга келтириш назарда тутилган.

Юридик адабиётда «конституциявий назорат» ва «конституциявий контроль» иборалари қўлланиб келинади. Ўзбек тилида бу сўзларнинг айнан мос келувчи таржимаси бўлмаса-да, улар ўзаро фарқ қилувчи тушунчалардир. Шу туфайли, аввало «контроль» ва «назорат» тушунчаларининг нисбатига, луғавий маъносига тўхталамиз. Аксарият ҳолларда «контроль» деганда расмий ҳокимият идоралари ўртасидаги муносабатлар тизими тушунилиб, бунда текширувчи идора текширилувчи органнинг ҳужжатларини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

«Назорат» эса, шундай муносабатлар тизимики, бунда назорат қилувчи идора назорат қилинадиган органнинг ҳужжатларидаги камчиликларга эътиборни қаратиши мумкин ва нари борганда, унинг ҳужжатларини

ҳаракатдан тўхтатиши мумкин, бироқ ушбу ҳужжатларни ўзгартириш ёки бекор қилишни текширилувчи органнинг ўзи амалга оширади.

Бу ҳодиса (институт)ларнинг яна бир маъноси бор: чунончи *«контроль»* текшируви субъектнинг ихтиёри асосида вақти-вақти билан ёки муайян хабар (сигнал) берилган тақдирда амалга оширилади; *«назорат»* эса текширилувчи орган фаолияти устидан олиб бориладиган доимий кузатувдир.

Кейинги мушоҳада ва баёнимизда «конституциявий назорат» иборасини қўллаганимизда, расмий ҳокимият идоралари ҳужжатлари ва фаолиятининг конституцияга мослиги хусусида амалга ошириладиган ҳар қандай шаклдаги текширувни назарда тутамиз. Бундай текширув доирасига сиёсий партиялар ва жамоат тузилмалари (шунингдек, нодавлат ташкилотлар)нинг ҳужжатлари ва фаолияти ҳам киради.

Ҳужжатнинг конституцияга мослиги деганда, унинг конституцияга зид эмаслиги назарда тутилади. Бошқарти, шундай кенг шарҳламасак, ҳар қандай ҳуқуқий тартибга солишни конституциявий нормалар талабидан ташқарида, деб ҳисоблашдек бемаънигарчиликка бориб етишимиз мумкин. Ҳолбуки, бирорта ҳам конституция ҳуқуқий (ҳатто қонунчилик асосида) тартибга солиниши керак бўлган барча ижтимоий муносабатларни қамраб олишга қодир эмас. Жаҳон тажрибаси ҳуқуқдаги бундай муаммоларни оддий қонунлар ёрдамида тўлдиришга йўл қўяди. Аёнки, бундай қонунлар конституцияга мутлақо сўзма-сўз мос бўлиши мумкин эмас. Чунки уларда тартибга солинувчи материя конституцияда тўла акс этмайди. Лекин бундай оддий қонунлар конституциявий нормаларга зид бўлмаслиги керак. Айни пайтда, ҳужжатнинг конституциявий эмаслиги унинг конституцияга зидлигини англатади.

Конституциявий назорат ғояси XVII аср бошларида Буюк Британияда вужудга келиб, Махфий кенгаш фаолияти билан боғлиқ бўлган. Бу кенгаш агар колониялар легислатуралари қонунлари Англия парламенти қонунларига зид бўлса, уларни яроқсиз деб топган. Аммо «конституциявий назорат»ни, юқорида қайд этилганидек, ҳозирги каби тушуниш биринчи бўлиб АҚШда пайдо бўлган. Ж. Мэдисонга қарши У. Мэрбери иши бўйича 1803 йилда Ж. Маршал раислигида ўтган Олий суд мажлиси Конгресснинг Федерал Конституция — мамлакатнинг олий қонуни ва конституциясига зид

бўлган ҳар қандай қонуни суд томонидан ғайриконституциявий деб топилишини эълон қилган. Мазкур ҳол кейинчалик Лотин Америкасининг бир қатор давлатлари томонидан қабул қилинган (Бразилияда, 1891 й., Уругвайда 1917 й. ва ҳ.қ.).

Биринчи жаҳон урушигача баъзи Европа мамлакатлари — Норвегия, Греция, қисман Швейцария ҳам шу йўлни тутган. Биринчи жаҳон урушидан кейин Европа ўзининг конституциявий назорат моделини ишлаб чиққан. Бу модель ҳозирда бошқа мамлакатларга ҳам ёйилмоқда. Ҳар қалай уни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг барча мамлакатлари қабул қилдилар.

Европа модели ғояси жаҳонга машҳур олим — австралиялик юрист Ханс Кельзенга тегишли. У 1920 йилдаги Австрия феодал конституциявий қонунини ишлаб чиқиш иштирокчиси, кейинчалик эса мазкур давлат конституциявий судининг аъзоси бўлган.

Конституциявий назоратни асослаш учун учта асосий назариядан фойдаланилган.

Биринчиси — *органик назария* шундан келиб чиқадики, конституция — таъсис этувчи ҳокимият ҳужжати бўлганлиги туфайли қуйи органларнинг ҳужжати унга зид бўлмаслиги керак.

Иккинчиси — *институционал назарияга* кўра, конституция давлат ҳокимияти органларининг «ўйин қоидаларини» белгилайди. Ҳокимият органларидан бирортаси ҳам бошқа ҳокимият органининг ваколат соҳасига дахл қилмаслиги лозим. Федератив давлатлар учун эса марказ ва федерация субъектларининг ҳар бири ўз ваколатларига риоя этмоқликлари зарур.

Учинчиси — *табиий ҳуқуқий назария ёки ижтимоий шартнома назарияси* тарафдорлари конституция бошқарувчилар ва бошқариладиганлар учун қоидаларни, аввало, инсон ҳуқуқлари кафолатларини белгилайди, конституциявий назорат ана шуни таъминлашга сафарбар этилган.

Мазкур назарияларнинг барчаси тўғри ва бир-бирини тўлдиради.

Конституциявий назоратнинг зарурлиги ҳуқуқ нормалари ўртасидаги «бўйсуниш» муносабатлари, ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғулланувчи давлат органлари ўртасидаги иерархик алоқадорлик билан боғлиқдир. Боз устига, ҳозирги замонда ҳуқуқий нормалар миқдори шунчалик кўпайиб кетганки, натижада улар ўртасида

қарама-қаршилик ва ғайриконституциявийлик ҳолларн вужудга келиши хавфи ортмоқда.

Табиийки, конституциявий назорат ҳақида фақат ёзма ҳуқуқ мавжуд бўлган мамлакатларга нисбатан гапириш мумкин. Германия, Италия, Австрия, Испания каби мамлакатларда конституциявий судларнинг ваколат доирасига, Асосий қонун устидан назоратни амалга оширишдан ташқари, давлат органлари ўртасидаги вазифаларга доир баҳсларни ҳал қилиш, федератив давлат тузилиши билан боғлиқ бўлган ҳамда сайловларнинг тўғри ўтказилганлиги ва бошқалар тўғрисидаги баҳс- мунозараларнинг ечимини топиш масалалари ҳам киради. Германия Федерал конституциявий суди сиёсий партияларнинг Конституцияга зидлиги тўғрисидаги масалани ҳам муҳокамага қўйиш ваколатига эга.

Конституциявий судловнинг жорий этилиши суд ҳокимиятини фақат билвосита кучайтиради ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни бирмунча чеклаб қўяди.

Германия Асосий қонунида конституциявий суд аъзоларини парламент йўли билан сайлаш тартиби белгиланган. Италия Конституциясида конституциявий суд қонун чиқарувчи ҳокимият, президент ва суд ҳокимияти (умумий ва судларнинг олий босқичларидан)дан ташкил топади. Бундай тартиб турли ваколатли давлат органларининг муайян вазият ва бир мувозанат тизими сифатида Ўзбекистон Республикаси учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

1958 йилги Франция Конституцияси ҳам конституциявий назорат тизимини назарда тутган. У франция сиёсий тизимида ниҳоятда муҳим ўрин тутса-да, бироқ Европанинг бошқа мамлакатларидаги конституциявий назорат органларига қараганда имконияти анча чекланган орган ҳисобланмиш Конституциявий кенгаш фаолиятида мужассамлашган.

Қонунларнинг келгусидаги конституциявий назоратини амалда кенг қўллайдиган ва бу қонунларни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган конституциявий судлардан фарқли ўлароқ, Франция Конституциявий кенгаши парламент томонидан имзоланган қонунларнинг дастлабки назоратинигина амалга оширади, холос. Лекин шундай бўлса ҳам, кучга кирган қонунларнинг конституцияга зид деб тан олиниши билан парламент қабул қилган, бироқ президент томонидан имзоланмаган қонунни ман этиш ўртасидаги амалий фарқ у қадар катта эмас.

Эрон Ислом Республикасидаги конституцияга асос қилиб олинган тузумнинг конституцияга мувофиқлиги устидан олиб бориладиган олий назоратнинг дин арбоблари томонидан амалга оширилиши тўғрисидаги ғояга мутлақо қўшилиб бўлмайди.

Конституциянинг устунлиги барча бошқа қонунларнинг Асосий қонунга мувофиқлиги устидан суд назорати мавжуд бўлган давлатларда бирмунча тўлароқ таъминланади. Италия, Германия, Испанияда конституциялар асосий қонун бўлиб, тегишли мамлакат қонунчилигида у ёки бу ҳужжат қачон ва ким томонидан қабул қилинганлиги ҳамда унинг конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги дастлабки қарорнинг мавжудлигидан қатъи назар, ана шу қонунлар мавжудлигининг мезони бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, конституциявий суд назорати йўли билан қонуннинг мазмунини ўзгартиришга йўл қўйилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, конституциявий суд назорати мажуд бўлган мамлакатларда конституция устунлиги — айнан конституция устуворлиги демакдир. Қонун устунликка эга бўлиб, конституция эса қонун туфайли муайян имтиёзлардан фойдаланадиган Францияда аҳвол бутунлай ўзгача, яъни бу ерда конституция кўп қонунлар орасидаги биринчи қонун ҳисобланади.

Франция, Мексика, Сурия ва Миср конституцияларида мамлакат президентининг конституциявий тузумнинг муҳим кафолати сифатидаги ўрни ва ваколати алоҳида таъкидлаб ўтилади. Бизнинг ёш давлатимиз Конституциясида ҳам мазкур ёндашувдан фойдаланиш зарур[1].

2-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ОБЪЕКТИ ВА ТУРЛАРИ

Конституциядан кейинги ўринда конституциявий қонунлар ва органик қонунлар, ундан сўнг жорий қонунлар туради. Жорий қонунларнинг органик қонунларга мос келмаслиги конституциявий назоратнинг мавзуини ташкил этади. Айни вақтда, референдум йўли билан қабул қилинган қонуннинг конституцияга мувофиқлиги тўғрисида масала кўтарилиши мумкин эмас,

---

[1] Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Саидов А. Х.* Қиёсий конституциявшунослик. Т., 1993. 15—17-бетлар.

чунки бундай қонун бевосита халқ суверенитетининг ифодасидир.

Конституциявий назоратнинг кейинги объекти — ижроия ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатларининг Конституцияга ва қонунларга мослигидир. Шунингдек, конституциявий назорат таъсири билан шартномалар, васиятномалар, индивидуал ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ҳам қамраб олинади.

Кўпгина мамлакатларнинг конституцияларида халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устунлиги қайд этилади. Бундан шундай хулоса чиқадики, мамлакат миллий қонунларининг халқаро шартномаларга мослиги масаласи ҳам конституциявий назоратнинг объектини ташкил этади. Одатда халқаро шартномаларнинг лойиҳалари ёки имзоланган халқаро шартномалар конституцияга мувофиқлиги нуқтаи назаридан текширувга тортилади. Қатор давлатлар халқаро шартномаларнинг ўз конституциясига зид келишини истамайдилар. Шу сабабли айрим конституцияларда бундай зиддиятга йўл қўйилмаслигини очиқ эътироф этадилар. Масалан, Испания Конституциясининг 95-моддасида шундай дейилади:

«1. Тузилаётган халқаро шартномада Конституцияга зид қоидалар бўлса, улар дастлабки тарзда конституциявий кўрикдан ўтиши шарт.

2. Ҳукумат ёки палаталардан бирортаси бундай номутаносиблик мавжудлиги ҳақида Конституциявий трибуналга хабар бериши лозим».

Шунга ўхшаш қоида Франция Конституциясининг 54-моддасида ҳам белгиланган. Унда айтилишича:

«Башарти Конституциявий Кенгаш Республика президенти, Бош Вазир ёки палаталардан бири Раисининг сўровига биноан халқаро мужбурият Конституцияга зидлигини аниқласа, уни ратификация қилишга (маъқуллашга) Конституциявий кўриб чиққанидан сўнг рухсат берилади».

Хўш, борди-ю янги қабул қилинган конституция билан аввалроқ тузилган халқаро шартнома ўртасида тафовут келиб чиқса, қандай йўл тутилади?

Бундай ҳолларда халқаро шартнома то тафовутлар халқаро ҳуқуқ асосида халқаро шартнома ўзгартирилиши йўли билан бартараф этилгунга қадар ёки конституцияга зарур ўзгартишлар киритилгунга қадар амал қилиб туради.

Ва ниҳоят, яна бир савол қўйиш зарур: конституциянинг ўзидаги айрим қоидаларнинг конституцияга мос келиши текширилиши мумкинми? Савол ноўриндек туюлиши мумкин, аммо бу унчалик оддий савол эмас. Баъзи конституцияларда бошқаларга нисбатан мураккаб тартибда ўзгартириладиган ёки умуман ўзгартириб бўлмайдиган нормалар мавжуд. Ва тасаввур қилайлик, Конституцияни ўзгартириш ҳақида қонун қабул қилинди, мураккаб тартибда ўзгартириладиган ғайриқонуний норма унга киритилди, дейлик. Бундай ҳолда янги конституциявий норма конституцияга мувофиқми ёки йўқми?

Бунга эътироз билдириш мумкин, яъни муайян конституциявий нормани ўзгартириш тартибининг мураккаблиги, у қолган конституциявий нормалардан юқорироқ юридик кучга эга деган маънони англатмайди. Агар конституция ўзида зиддиятни мужассам этмаслиги инобатга олинса, мураккаб тартибда ўзгартириш киритиладиган нормалар, содда тартибда ўзгартириладиган нормалардан фарқ қилмай қолади. Демак, конституция учун биринчи норма иккинчи нормага нисбатан принцип жиҳатдан муҳимроқдир.

Баъзан Конституцияга киритилган норма, конституция томонидан тақиқланган бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳолларда ҳам биз янги конституциявий нормаларнинг конституцияга мос келишини инкор этиш мумкинлигини ёки хатто зарур эканлигини эътироф этамиз. Масалан, Германия Асосий қонуни 79-моддасининг 3-қисмида ҳудудларнинг қонунчиликда иштироки принципларига тегишли ўзгартиш киритиш тақиқланади. Агар Асосий қонунга рақобатли қонунчилик принципини истисно этувчи ўзгартиш киритилса, у ҳолда бундай ўзгартишлар ғайриконституциявий деб топилмоғи лозим.

Мазкур тезиснинг тасдиғи учун айтиш мумкинки, нормаларни қабул қилиш ёки ўзгартиришнинг мураккаброқ тартиби уларнинг юридик кучи ошганлигини ифодалайди. Шу муносабат билан, Франция Конституциявий Кенгашининг қарорини мисол тариқасида келтириш мумкин. Франция Конституциясида органик қонунларнинг олий юридик кучи тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган бўлса-да, Конституциявий Кенгаш 1966 йилда жорий қонунлар ва органик қонунлар бир-бирига мослигини текшириш вазифасини ўзига олади.

Ушбу фикрлар конституциявий назоратни кенг маънода тушунишдир. Тор маънода эса конституциявий назорат фақат қонун чиқарувчи ҳокимият ҳужжаларига, аввало, парламент томонидан қабул қилинадиган қонунларга қаратилган. Юқорида келтирилган таърифлардан конституциявий назорат, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати конституцияга мос келишини текширишни ҳам қамраб олади, деган фикр келиб чиқади. Одатда бу давлатнинг олий мартабали шахслари — Президент, ҳукумат аъзолари, Олий суд раиси, барча судьялар ва бошқаларга тегишлидир. Номувофиқликни аниқлаш одатда эгаллаб турган лавозимдан озод этиш (импичмент) тартибларини келтириб чиқаради. Аммо бу АҚШга тегишли эмас, бу ўринда конституциянинг бузилиши импичмент асоси бўлиб ҳисобланади. Бошқа мамлакатларда биз буни тез-тез кузатамиз. Масалан, Болгария Конституцияси 103-моддасининг 1-қисмида: «Президент ва Вице-президент ўз вазифасини бажараётганда содир этган конституция бузилиши ва давлатга хоинлик қилишдан ташқари барча хатти-ҳаракатлари учун жавобгар эмаслар» — дейилган. Кўриниб турибдики, бунда у ёки бу вазиятда Президент хатти-ҳаракатининг конституцияга мослигини текшириш масаласи туради.

Конституциявий назоратнинг объекти давлат маълум ҳокимият вазифаларини ишониб топширган жамоат бирлашмаларининг ҳаракатлари ва ҳужжатлари бўлиши мумкин. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар уюшмаси маълум товарлар ва хизматлар турини сертификатлаб, конституция бўйича тақиқланган чекловларни қонунлаштириши мумкин.

Конституциявий назорат, авваламбор, сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва сиёсий-ижтимоий бирлашмаларнинг фаолиятига жорий қилинади.

Конституциявий назорат турлари. Конституциявий назорат ҳар хил асослар бўйича таснифланиши мумкин.

Конституциявий назорат амалга оширилиш вақтига қараб — **дастлабки** ёки **кейинги** бўлиши мумкин. Дастлабки назорат қилишда қонун парламент томонидан қабул қилиниб, кучга киришдан олдин текширилади. Кейинги назорат эса, амалда мавжуд бўлган, расман эълон қилинган ҳужжатларга жорий қилинади.

Конституциявий назоратнинг амалга оширилиши вақтига қараб — **ички** ва **ташқи** бўлиши мумкин. Ички

назорат ҳужжатларни чиқарган идораларнинг ўзи томонидан, ташқиси эса бошқа идоралар томонидан амалга оширилади. Ички назорат дастлабки назоратдир. Лекин кейинги назорат бўлишига ҳам мисоллар бор. Бундай назорат кўпинча тавсия хусусиятига эга бўлиб, ташқи назоратни инкор этмайди. Ташқи назорат кўпчилик ҳолларда кейинги назорат бўлади. Ҳужжат лойиҳалари қабул қилинмаган барча ҳолларда одатда ташқи назорат амалга оширилади.

Ҳуқуқий оқибатлар нуқтаи назаридан олиб қараладиган бўлса, конституциявий назорат **маслаҳат берувчи** ёки **қарор қабул қилувчи** бўлиши мумкин. Маслаҳат берувчи назоратнинг хулосаси юридик кучга эга бўлмасдан, ахлоқий аҳамият касб этиб, юридик жиҳатдан ҳеч кимни ҳеч нарсага мажбурламайди ва, аксинча, қарор қабул қилувчи назоратнинг хулосаси мажбурий, ҳатто умуммажбурийдир. Агар у конституцияга мос келувчи ҳужжат сифатида эълон қилинса, унга нисбатан ҳеч қандай эътирозлар қабул қилинмайди. Борди-ю, ҳужжат конституцияга зид деб эълон қилинса, унда юридик кучга эга бўлмайди. Кўп ҳолларда конституциявий назорат дейилганда, хусусан, қарор қабул қилувчи назорат тушунилади.

Конституциявий назорат амалга оширилишининг мажбурийлигига қараб **мажбурий** ва **факультатив** бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда ҳужжат мажбурий конституциявий назорат қилиниб, одатда бу дастлабки назорат бўлади. Факультатив назорат фақат ваколатли субъектнинг ташаббуси билан амалга оширилади. Кўп ҳолларда конституциявий назорат факультатив бўлиб, ҳужжатнинг конституцияга мослигини шубҳа остига олган индивид, мансабдор шахс ёки ҳуқуққа эга бўлган идора талабига биноан амалга оширилади.

Конституциявий назорат шакл жиҳатдан **мавҳум** ёки **аниқ** бўлиши мумкин. Мавҳум назорат ҳужжат ёки нормаларнинг конституциявийлиги уларнинг бошқа ишлар билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини текширишни билдиради. Дастлабки назорат фақат мавҳум бўлиши мумкин. Аниқ назорат эса кўпинча суд ишларини ҳал қилишда маълум ҳужжат ёки нормаларни қўллаш лозим бўлган тақдирда амалга оширилади. У ҳар доим кейинги назоратдир. Бизнинг фикримизча, мавҳум назорат аниқ назоратга нисбатан ўзига хос устунликка эга. У конституция билан ҳужжатнинг баҳсли муносабатларига кенгроқ ёндашишга имкон беради ва назо-

ратнинг бирлиги ҳамда мутаносиблигини таъминлайди, бу билан ҳокимият бўлиниши ғоясига тўғри келади. Дарҳақиқат, аниқ назорат инсон ҳуқуқларининг у ёки бу ҳолда тезда ҳимоя қилиниши учун имкониятлар яратиб беради.

Конституциявий назорат ўзининг ҳажми жиҳатидан **тўлиқ** ёки **қисман** бўлиши мумкин. Тўлиқ назорат конституция томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизимининг ҳамма жиҳатларини қамраб олади. Қисман назорат эса фақат маълум соҳалар бўйича амал қилади. Масалан, инсон ва фуқаролар ҳуқуқларига, федератив муносабатларга ва бошқаларга нисбатан амалга оширилади.

Конституциявий назорат, мазмунига кўра, **расмий** ёки **моддий** бўлади. Расмий назоратда ҳужжатнинг чиқарилишига тааллуқли конституциявий талаб ва шароитларга амал қилиниши текширилади, яъни ҳужжат тегишли шаклда чиқарилганми ва чиқаришдаги талабларга риоя қилинганми ҳамда чиқарилган ҳужжат уни чиқарган идоранинг ваколати доирасига кирадими ва ҳоказо. Моддий назорат эса ҳужжат мазмуни билан боғлиқ бўлиб, унинг мазмуни конституцияга қанчалик мос келишини текширади.

Вақт бўйича ҳаракат нуқтаи назаридан, яъни орқага қайтиш кучига қараб, конституциявий назоратнинг иккита шакли кузатилади. **Биринчи шакл — ex tunc** — хулосанинг конституциявий эмас деб тан олиниши орқага қайтиш кучига эгадир. Конституцияга зид деб эълон қилган ҳужжат ёки норма у чиқарилган ёки кучга кирган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Бундан келиб чиққан ҳолда қонун чиқариш билан боғлиқ харажатлар қопланиб, муносабатларнинг аввалги ҳолати қайта тикланиши лозим. Конституцияга зид норма ва ҳужжатлар узоқ вақт амалда бўлса (албатта бунга чидаб бўлмайди), бу, ўз навбатида, катта қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда назоратнинг иккинчи шакли қўлланилади.

Иккинчи шакл — ex nunc — ғайриконституциявийлик ҳақидаги қарор фақат келажак учун ҳақиқийдир, барча аввалги конституцияга зид норма ва ҳужжатлар ўз кучида қолади. Руминиянинг 1991 йилги Конституцияси иккинчи бўлимининг 145-моддасида тўғридан-тўғри шундай дейилади: «Конституциявий суднинг қарори мажбурий ҳисобланиб, фақат келгусида ўз кучига эга бўлади».

3-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ИДОРАЛАРИ

Конституциявий ҳуқуқ фани талқинига кўра, бундай идораларга қуйидагилар кириши мумкин:

1) давлат бошлиғи, парламент, ҳукумат, умумий судлар, ўзининг функциялари билан бирга бошқа махсус функцияларни ҳамда конституциявий назоратни амалга оширувчи маъмурий судлар;

2) конституциявий назоратнинг махсус идоралари: бунга судловчи (масалан, кўпгина Европа мамлакатларида мавжуд бўлган конституциявий судлар) ёки квазисудловчи идоралар (масалан, Франциядаги Конституциявий Кенгаш ва Франция конституциявий моделини қабул қилган бошқа мамлакатлардаги идоралар) киради.

Президент, парламент, ҳукумат ва бошқа шунга ўхшаш идоралар томонидан амалга оширилаётган конституциявий назорат баъзида сиёсий деб номланади ёки қайд қилинган идоралар сиёсий фаолиятни амалга оширадилар. Улар маълум вақтга сайланадилар, навбатдаги ёки навбатдан ташқари сайловлар уларнинг сиёсий таркибини ҳамда улар олиб бораётган сиёсатни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Шунинг учун улар олиб бораётган сиёсий конституциявий назорат кундалик сиёсий вазифаларга мувофиқлаштирилади ва, албатта, ўзининг мазмуни жиҳатидан ўзгарувчандир.

1. Сиёсий конституциявий назорат кўпроқ Франциянинг тарихида жорий қилинган бўлиб, унинг назарий асосини 1795 йилги Буюк Француз революциясининг мафкурачиларидан бири Э. Ж. Сьейес илгари сурган ғоя: қонунларнинг конституциявийлигини кузатувчи «конституциявий ҳакамлар ҳайъати» ташкил қилади. Уни 1799 ва 1852 йиллардаги конституцияларда Сенат назорати шаклида амалга ошириш назарда тутилган. Лекин Сенат амалиётда бу вазифаларни ҳар доим ҳам амалга оширмаган. Ҳозирги вақтда Франция Республикасининг 1946 йилги Конституциясига кўра президент раислигида конституциявий қўмита таъсис қилинади. Унинг таркибига Миллий Мажлис ва Республика Кенгаши (яъни парламентнинг қуйи ва юқори палатаси) раислари, Миллий Мажлиснинг йил бошидаги сессиясида тайинланган 7 аъзо ва Республика кенгаши томонидан шу вақтда тайинланган 3 та аъзо киради. Бу 10 та аъзо палата ҳисобида турмаган, лекин парламент фракцияси вакиллари ҳисобланади. Тўртинчи республика мавжуд бўлган

бутун даврида (1958 йилгача) қўмита фақат биттагина хулоса қабул қилган.

Факультатив характердаги дастлабки сиёсий конституциявий назорат Швеция Конституцияси таркибига кирувчи асосий қонунлардан бири бўлмиш «Бошқарув шакли»нинг 8-боби 18-параграфида назарда тутилган. У ерда қонун чиқарувчи Кенгаш маслаҳат берувчи назоратни амалга оширади. Ҳокимият ва Риксдаг қонунда кучсиз ифодаланган бўлса ҳам сиёсий характерга эга бўлиб, қарор қабул қилувчи назоратни амалга оширади.

2. Конституциявий судлов назоратига келсак, унинг шартли равишда америкача ва европача даб аталувчи икки тури мавжуд.

Конституциявий судлов назоратининг биринчи Америкача модели тарихан аввал пайдо бўлган. Бу тизимда қонун ва бошқа ҳужжатларнинг конституциявийлигини умумий юрисдикциядаги судлар муайян ишларни кўриш жараёнида текширадилар. Бу ерда кейинги конституциявий назорат аниқ намоён бўлади.

Агар суд қонунни конституциявий деб топмаса ва иш Олий судгача борса, унинг қонуннинг конституциявийлиги ҳақидаги қарори барча судлар учун мажбурий бўлади. Олий суд томонидан конституциявий деб топилмаган қонун расман амалда бўлса ҳам, лекин ҳеч қандай суд уни қўлламайди. Конституциявий бўлмаган қонун суд муҳофазасидан маҳрум бўлади, яъни расман амалда бўлиб, аслида юридик кучини йўқотади. Бу эса, ўз навбатида, мазкур қонунни маъмурият ҳам қўллай олмаслигидан далолат беради. Юқорида таъкидлаганимиздек, суд учун мазкур қонун йўқ ҳисобида бўлган бир вақтда маъмурий қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Аммо бундан фойда чиқмайди. Парламент мазкур ҳолларда, қоидага кўра, бундай қонунни бекор қилади.

Агар АҚШ, Аргентина, Япония, Норвегияда қонуннинг конституциявийлигини текширишга ҳар қандай суд ҳақли бўлса, бошқа айрим мамлакатлар (Австралия, Ҳиндистон ва Мальта)да бундай ҳуқуққа Олий суд иш унга қуйи турувчи судлардан ўтиб келгандан кейин эга бўлади.

Конституциявий судлов назоратининг иккинчи Европача модели назоратнинг махсус судлов ёки квазисудлов органларини тузишни тақозо қилади. Шундай органлар сифатида Италияда Конституциявий суд, Польшада

Конституциявий Трибунал, Францияда Конституциявий Кенгаш ва қисман Давлат кенгаши, Мисрда Олий конституциявий суд, Германияда Федерал конституциявий судларни мисол қилиб келтириш мумкин. Сўнгги вақтларда Европа модели Лотин Америкасига ҳам кириб келди. Бразилия Федератив Республикасининг 1988 йилги Конституциясига кўра, Олий Федерал трибунал махсус конституциявий суд ҳисобланади. 1991 йилги Колумбия сиёсий конституцияси айнан конституциявий судни назарда тутди. Коста-Рика Олий судининг конституциявий палатаси конституциявий суд сифатида амал қилади.

Федератив давлатларда бундай органлар федерация субъектлари томонидан ҳам тузилиши мумкин. Масалан, Германиянинг Гессен деб аталувчи ўлкасида, унинг 1946 йилги конституциясига биноан, конституциявий назорат Давлат судлов палатаси зиммасига юклатилган, Германиянинг яна бир бошқа ўлкасида — Озод Саксония давлатида 1992 йилги конституцияга асосан бундай назорат вазифаси конституциявий судлов палатасига юклатилган. Шу ўринда конституциявий судлар — федерал ва федерация субъектлари бир бутун тизимни ташкил қилмаслигини назарда тутиш керак: улар ўртасида ҳеч қандай тузилмавий-ташкилий муносабатлар мавжуд эмас, ҳар бир ҳужжатни фақат ўз конституциясига мувофиқлиги нуқтаи назаридан текширилади.

Конституциявий юстиция органлари асосан мавҳум, гоҳида аниқ конституциявий назоратни амалга оширади. Улар томонидан қонуннинг конституциявий эмас деб топилиши, мазкур қонуннинг амал қилишини тўхтатади, аслида эса унинг бекор қилинишини англатади. Жумладан, Хорватия Республикаси 1990 йилги конституциясининг 126-моддаси қуйидагича ифодаланади:

«Хорватия Республикаси Конституциявий суди агар қонунни конституциявий эмас деб топса, мазкур қонунни бекор қилади.

Хорватия Республикаси Конституциявий суди агарда бирон-бир актни конституциявий эмас ёки қонуний деб топса, уни бекор қилади ёки ҳақиқий эмас деб эълон қилади».

Конституциявий назоратнинг махсус судлов органлари кўпинча бошқа ваколатларга ҳам эга бўлади — юқори давлат лавозимидаги шахсларнинг конституциявий жавобгарлигини амалга оширади, сайлов судла-

ри сифатида майдонга чиқади, конституцияга расмий шарҳ беради ва ҳоказо.

Масалан, Словакия Республикаси 1992 йилги Конституциянинг 124-моддасига биноан, конституциявий суд конституциявий муҳофазанинг мустақил судлов органи бўлиб, Конституциянинг 125—129-моддаларига мувофиқ, қуйидаги ваколатларга эга: даставвал, қонунларнинг Конституцияга ва конституциявий қонунларга, ҳукумат қарорлари, вазирликлар ва бошқа давлат маъмурияти марказий органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституцияга, қонун ва бошқа умуммажбурий фармойишларга ва, ниҳоят, умуммажбурий ҳуқуқий фармойишларнинг қонунларга мос тартибда халқаро шартномаларга мувофиқлигини текширади. Бироқ, Конституциявий суд қонун лойиҳалари ва бошқа умуммажбурий ҳуқуқий фармойишлар лойиҳаларининг Конституцияга ва конституциявий қонунларга мувофиқлиги ҳақида хулоса бермайди. Бундан ташқари, Конституциявий суд давлат маъмуриятининг марказий органлари ўртасидаги ваколат масаласидаги баҳсларни агар қонун билан бу ваколат бошқа давлат идораларига юклатилмаган бўлса, ҳал қилади ҳамда давлат маъмурияти марказий, маҳаллий ва ҳудудий ўзини ўзи бошқариш идораларининг кучга кирган ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилувчи қарорлари юзасидан қилинган шикоятларни ҳам, агар мазкур ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш вазифаси бошқа судга юклатилмаган бўлса (мазкур ҳолда маъмурий юстиция идораси сифатида намоён бўлади), ҳал қилади.

Айрим давлатларда шу сингари ваколатларни амалга ошириш учун махсус идоралар тузилади ёки ваколатлар бошқа идораларга юклатилади. Масалан, Франция ва яна бир қатор бошқа мамлакатларда қонунларнинг конституциявийлиги конституциявий кенгаш томонидан текширилади, ижроия ҳокимияти ҳужжатларининг конституциявийлиги, агар улар ўз ваколатлари доирасидан чиқиб кетса, маъмурий юстиция тизимига бошчилик қилувчи Давлат кенгаши томонидан текширилади. Давлатнинг юқори мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш учун Францияда юқори адолат суди ва Республика одил суди тузилади.

4-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИДАГИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди республикада конституциявий назорат олиб борувчи олий суд органи ҳисобланиб, ўз ҳокимиятини қонун асосида мустақил равишда амалга оширади. Конституциявий суднинг ваколати, унинг тузилиши ва фаолият тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108-моддаси ва 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонун[1] билан белгиланади.

Конституциявий суднинг ваколатига Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўриш киради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди республика конституциявий тузуми асосларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон ҳудудида конституция устунлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасинг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларини шарҳлайди;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциянинг 82-моддасига биноан, Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, Олий Мажлисда кўриб чиқиш учун қонун ло-

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. № 9. 178-модда.

йиҳаларини тақдим этиши мумкин. Ўзбекистон Президенти Конституциянинг 95-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, Конституциявий суднинг маслаҳати асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Олий хўжалик судининг ҳужжатлари Конституциявий суд томонидан кўрилмайди.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президенти тавсиясига кўра Олий Мажлис томонидан сайланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Конституциявий суд тўғрисидаги қонунида белгиланишича, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан, Олий Мажлис томонидан суд раиси, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикасидан сайланадиган судьяни қўшган ҳолда, Конституциявий суднинг беш аъзосидан иборат таркибда сайланади. Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси якка тартибда беш йил муддатга сайланади. Олий Мажлис депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Конституциявий суднинг судьясига қўйиладиган талаблар Конституциявий суд тўғрисидаги қонунда кўрсатилган. Судьяликка номзод Ўзбекистон Республикасининг сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатли ва зарур малакали фуқароси бўлиши керак.

Конституциявий суднинг судьяси дахлсиздир. У Олий Мажлисининг розилигисиз, сессиялар ўртасидаги даврда эса Олий Мажлис Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки унга суд томонидан маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Конституциявий суднинг судьясига нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Конституциявий суд судьясини мажбурий келтириш, ушлаб туриш, шунингдек, шахсий ашёлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат биносини кўздан кечириш мумкин эмас.

Конституциявий суд таркибига камида тўрт киши сайланган тақдирда, у ўз фаолиятини бошлашга ҳақлидир.

Конституциявий суднинг раиси, раис ўринбосари ва судьялари вазифаларини бажариш билан бир вақтда

депутатлик мандатига эга бўлиши, сиёсий партия аъзоси бўлиши, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, ҳақ тўланадиган бирон-бир бошқа лавозимни эгаллаши мумкин эмас.

Конституция ва қонунда Конституциявий суд иш фаолиятининг асосий принциплари кўрсатилган. Булар жумласига қуйидагилар киради:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига содиқлик;

2) судьялар мустақиллиги;

3) коллегиаллик;

4) ошкоралик;

5) судьялар ҳуқуқларининг тенглиги.

Конституциявий суднинг мустақиллиги шуни билдирадики, ушбу суд ҳамда унинг судьялари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақил иш олиб борадилар ва фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бўйсунадилар. Конституциявий суднинг судьялари қарор қабул қилар экан, мақсадга мувофиқ амалий мулоҳазалар, сиёсий мойиллик ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ҳуқуқий нуқтаи назарларини ифодалайдилар. Ҳеч кимнинг Конституциявий суд фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Конституциявий суд фаолиятининг коллегиаллик принципи суд ишларини кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилишни камида тўрт судьядан иборат тартибда коллегиал амалга оширишини билдиради.

Конституциявий суд мажлислари очиқ ўтказилади, унинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, Бош Вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, Олий суд раиси, Олий хўжалик судининг раиси, республика Бош прокурори ва Адлия вазири қатнашишлари мумкин. Улар кўриб чиқилаётган барча масалалар юзасидан ўз фикрларини баён этишга ҳақлидирлар. Суднинг мажлисига, бундан ташқари, зарур маълумот ёки материалларга эга бўлган шахслар, экспертлар ва мутахассислар чақирилиши мумкин.

Конституциявий суд судьяларининг тенглиги шуни билдирадики, Конституциявий суд томонидан масалаларни кўриш ва кўриб чиқилаётган масалалар бўйича овоз беришда Раис, раис ўринбосари ва Конституциявий суднинг аъзолари судьялар сифатда тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунда Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар рўйхати кўрсатилган. Жумладан, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Олий Мажлис Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис депутатлари умумий таркибининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Олий хўжалик судининг раиси ва Бош прокурор Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Масала Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан Конституциявий суд томонидан ҳам киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ички фаолияти — мажлисларни тайёрлаш, масалаларни Конституциявий суд мажлисида кўриш, мажлис ўтказиш тартиби, судьялар ўртасида ишни тақсимлаш тартиби, суд ходимларига қўйиладиган талаблар, иш юритишнинг ўзига хос жиҳатлари ва суднинг фаолият кўрсатишига тегишли бошқа ички масалалар бўлиб, улар Конституциявий суд томонидан қабул қилинадиган «Иш тартиби»да белгилаб қўйилади.

Конституциявий суд тўғрисидаги қонунда масалаларни кўриб чиқиш муддатлари аниқ кўрсатилган. Масалан, агар олинган материаллар қўйилаётган талабларга жавоб берса, Конституциявий суд уларни олинган кундан эътиборан етти кунлик муддатдан кечиктирмай ўрганиб чиқишга киришади.

Конституциявий судда тегишли материал олинган пайтдан бошлаб кечи билан уч ой ичида кўриб чиқилаётган масала юзасидан қарор қабул қилинади. Конституциявий суд конституциявийлиги шубҳа туғдирган аниқ масалалар юзасидангина тўхтамга келади.

Конституциявий суд норматив ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириб, айни вақтда текширилган норматив ҳужжатга асосланган ёхуд унинг қоидаларини такрорлайдиган норматив ҳужжатлар хусусида ҳам (гарчи Конституциявий суд кўриб чиқиши учун киритилган масалада улар хусусида сўз юритилмаган бўлсада) тўхтамга келиши мумкин. Конституциявий суднинг давлатлараро шартномалар, қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг Конституцияга тўла ёки қисман мос келмаслигини аниқловчи қарори ёки хулосаси, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қили-

шини, шунингдек, Конституцияга мос эмас деб топилган ҳужжатга асосланган бошқа норматив актларнинг амал қилишини ҳам бекор қилади.

Конституциявий суднинг тўхтами очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Конституциявий суднинг судьяси овоз беришда бетараф қолишга ёки қатнашмасликка ҳақли эмас. Мажлисда қатнашаётган судьяларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган бўлса, Конституциявий суднинг тўхтами қабул қилинган деб ҳисобланади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Конституциявий суднинг ушбу тўхтамга қўшилмаган судьяси ўз фикрини ёзма тарзда баён қилиш ва уни Конституциявий суд мажлиси баёнига қўшиб қўйишга ҳақлидир. Конституциявий суднинг талаблари унинг ҳал қилув қарорларида ёки бошқа шаклда ифодаланиши мумкин.

Давлатлараро шартноманинг ва норматив ҳужжатнинг конституциявийлиги юзасидан кўриб чиқилган ишнинг моҳияти бўйича Конституциявий суднинг тўхтами қарор деб аталади. Қарорлар Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади. Бошқа ҳолларда Конституциявий суднинг тўхтами хулоса деб аталади ёки бошқача шаклда ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари, хулосалари ва бошқа тўхтамлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва улар матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Конституциявий суднинг тўхтами қатъий ва унинг устидан шикоятга ўрин бўлмайди.

Конституциявий суднинг қарорлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг барчаси учун мажбурийдир.

VIII б о б. КОНСТИТУЦИЯ — ЖАМИЯТ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

*** КОНСТИТУЦИЯ — ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ҲУҚУҚИЙ ОНГ МАҲСУЛИ**
*** КОНСТИТУЦИЯ ВА МИЛЛИЙ МАФКУРА**
*** КОНСТИТУЦИЯ ВА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИ**
*** КОНСТИТУЦИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ ХУЛҚ-АТВОР МОДЕЛИ**

1-§. КОНСТИТУЦИЯ — ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ҲУҚУҚИЙ ОНГ МАҲСУЛИ

Конституция инсоният тафаккури, маърифий тараққиёти ҳамда ҳуқуқий маданиятининг ҳосиласидир. Ҳар қандай конституция жамият маданий тараққиётининг муайян даражасини акс эттиради. Конституция маданий алоқалар ва қоидалар тизимида алоҳида маънавий ҳамда ижтимоий қадрият тарзида намоён бўлади.

Конституциявий-ҳуқуқий маданият жамият умумий-ҳуқуқий маданиятининг муҳим таркибий қисми, унинг алоҳида шакли сифатида майдонга чиқади. Айни вақтда, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шу жамиятда амалда бўлган қонунлар билан, айниқса, асосий қонун — конституция билан бевосита алоқадорликда намоён бўлади.

Конституция ва қонунлар, **бир томондан,** ижтимоий ҳуқуқий онг, ҳуқуқий мафкура ва маданиятнинг маҳсули сифатида вужудга келади, **иккинчи томондан** эса, — аҳолининг ҳуқуқий онги, тафаккури, мафкураси ва маданиятини шакллантириш, йўналтириш ҳамда юксалтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақил маънавий маданий заминга таянган. Унда ўзбек халқининг кўп асрлик тарихий тараққиёти давомида шакллантирилган ва сайқал топтирилган маданий қад-

риятлари, ахлоқий фазилатлари, тарихий ва миллий анъаналари, шарқона донолиги ва тафаккури хазинаси дурдоналари ўзининг мужассам ҳуқуқий ифодасини топган. Жаҳонда мислсиз маданият, тарих, сиёсат ва фиқҳ ёдгорликлари ҳисобланмиш «Темур тузуклари», Навоий «Хамса»си, «Бобурнома», «Зафарнома» ва бошқа манбаларнинг мазмуни Конституциямиз матнига сингдирилган.

Асосий қонунимиздаги инсонпарварлик, ватанпарварлик, ижтимоий адолат, миллий ғурур, саховатпешалик, демократияга мойиллик, бағрикенглик каби кўплаб қадриятлар Абу Али ибн Сино, Форобий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Жалолий, Абдураззоқ Самарқандий, Бурхониддин Марғиноний, Фосих Ҳавофий, Давоний, Муҳаммад Ғаззолий, Аҳмад Дониш, Бобораҳим Машраб ва бошқа аждодларимиз асарларидаги дурдона фикрлар билан ҳамоҳангдир.

Шубҳасиз, Конституциямизнинг ҳар бир нормаси ўз мазмун-моҳияти билан халқимизнинг қадимий бой маданияти ва маънавиятига бевосита ёки билвосита алоқадордир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Асосий қонунимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий қадр-қиммати қуйидаги юксак мезонларга тўла мувофиқлиги:

биринчидан, унинг инсон ва жамият манфаатларига тўла бўйсундирилганлиги;

иккинчидан, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш ва ривожлантириш манфаатларига самарали хизмат қила олиши;

учинчидан, халқимизнинг асрий орзусига, у қарор топтирган маданий-маънавий қадриятлар ва адолат идеалларига мувофиқлиги;

тўртинчидан, конституциявий нормаларнинг катта маданий-тарбиявий салоҳиятга эгалиги ва комил инсонни тарбиялашга тўла сафарбар этилганлиги;

бешинчидан, халқимизнинг бой ички дунёсини, руҳияти, менталитетини акс эттира олганлиги, шунингдек, унинг ўзига хос энг яхши ахлоқий фазилатларини, миллийлигини ифода эта олганлиги;

олтинчидан, ҳозирги маърифий дунёда қарор топган ахлоқий-маданий қадриятларни, умумбашарий инсоний меъёрларни халқимизнинг миллий маданияти ва маънавияти категориялари билан оқилона уйғунлаштира олганлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, **Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир**[1].

Умумбашарий маърифий тараққиётнинг ва жаҳон маданиятининг умум эътироф этган принципларидан бири — гуманизм, яъни инсонпарварликдир. Бутун дунё маданиятининг маъносини, мағзини, устувор қадриятини **инсон** ташкил этади. Зеро, бу маданият инсон шахсини олий ижтимоий неъмат сифатида улуғловчи, салбий нарсалардан воз кечиб, ҳамиша эзгулик қилишга чорловчи ғоялар тизими таъсирида шаклланади.

Уйғониш (ренессанс) даврида инсонпарварликнинг бош принципи: «Инсон ҳаётининг қадрини дунёдаги жамики неъматлар биргаликда ташкил этадиган қийматга тенглаштириб бўлмайди»[2], деган ғоя қарор топди. Яъни инсон оламнинг беназир хилқати, бебаҳо неъмати эканлигини англаш ижтимоий онгнинг мулкига айланди. Бундай ёндашув, бундай ғоя ва талқин дастлабки конституциялардаги ҳуқуқий ва ахлоқий талабларда ўз ифодасини топди.

Ҳозирги замон конституцияларидаги инсоннинг яшаш ҳуқуқи, шу жумладан ҳали туғилмаган инсоннинг ҳуқуқлари ҳақидаги ғамхўрликни ифодаловчи нормалар, ўлим жазосини чеклашга қаратилган интилишлар ўша инсонпарварлик анъаналари давом этаётганлигининг бугунги ёрқин намойишидир.

Уйғониш даври маданиятининг марказий ғояси — инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш, ҳар бир шахснинг ички салоҳияти, иқтидори ва бутун имкониятларини ривожлантиришдир. Мазкур ғоялар замонавий конституцияларнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Масалан, Германиянинг Асосий қонунида қуйидаги қоида эълон қилинади: «Ҳар ким ўз шахсини эркин ривожлантириш ҳуқуқига эга, чунки у бошқаларнинг ҳуқуқини бузмаяпти ва конституциявий тузумга ёки ахлоқий қонунга қарши бормаяпти» (2-модда, 1-қисм).

Инсон шахсини улуғлашдек ахлоқий, чуқур мада-

---

[1] *Каримов И. А.* Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.: Ўзбекистон, 1993. 6-бет.

[2] *Мор Томас.* Утопия. М.—Л.: Учпедгиз, 1959. С. 68.

ний қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида ўз ифодасини топган. Жумладан, мамлакатимиз Асосий қонунининг 13-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонун билан ҳимоя қилинади».

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Конституциямизнинг мазкур сифатларини таърифлаб, шундай деган эди: **«Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади»**[1].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида демократия, ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқларига садоқат билдирилганлиги, чексиз ҳурмат бажо келтирилганлиги ҳам халқимизнинг юксак маданиятидан далолат беради. Ёхуд инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек олижаноб мақсадни кўзлаганлиги ҳам ана шу маданий савиямизнинг ёрқин кўрсаткичидир.

Асосий қонунимизнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», — дейилган. Бундай тантилик, бағрикенглик ва саховатлилик маънавий жиҳатдан кучли, маданияти юксак миллатга, қудратли халққа хос фазилатдир.

«Давлат, — дейилади Конституциянинг 14-моддасида, — ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади». **Адолат ва ҳақиқатга интилиш халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор,** — деб таъкидлайди Президент И. Каримов. «Ҳуқуқ», «ҳақиқат» ва «ижтимоий адолат» бир-бирига яқин тушунчалардир. Ҳақиқат қарор топмаган жойда

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон — келажаги буюк давлат // *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Т.: Ўзбекистон, 1996. 125-бет.

адолат ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Адолат тантанасига хизмат қилмаган конституция ўзининг маънавий-ахлоқий аҳамиятини ва ижтимоий-маданий бойлик сифатидаги қадрини йўқотади.

Конституцияда шахс эркинлиги, дахлсизлиги ва фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ғояларининг мустаҳкамланиши ҳам маданиятимизнинг ютуғи ва ифодасидир. Конституциянинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», деб белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир (19-модда). Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга (25-модда). Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишлардан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга (27-модда). Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод, шунингдек, диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга (29 ва 31-модда). Инсониятнинг бутун маданий тарихи, цивилизацияси вужудга келтирган мазкур ҳуқуқ ва эркинликларнинг Асосий қонунимизда акс эттирилганлиги унинг жаҳон маданияти андозалари (стандартлари) талабларига тўла жавоб беришини кўрсатади.

Ҳаётимиздаги эзгуликлардан баҳраманд бўлиш ҳар қандай маданиятнинг асл мазмунини ташкил этади. Хусусан, табиат инсон яшаши учун инъом этилган манзил — макондир. Талофат ёқасига бориб қолаётган атроф табиий муҳитни асраб қолиш лозимлигини англаб етиш ҳозирги қонун чиқарувчи идораларни конституцияларни «экологлаштириш»га мажбур этмоқда. Аксарият конституцияларга табиатни муҳофаза этишга йўналтирилган нормалар киритилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар, деб кўрсатилган. Атроф табиий муҳитга меҳр-мурувватли муносабатда бўлиш жамият маданиятининг муҳим кўрсаткичидир.

Конституциянинг 49-моддаси муҳофаза этадиган объект маданият ва маънавиятнинг ўзи эканлиги рамзий маъно касб этади. Мазкур моддага биноан, фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва

маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

Конституциянинг тили, унда қўлланиладиган иборалар ҳам миллий маданиятнинг бевосита ифодаси ва маҳсулидир. Масалан, давлат идораларининг номланиши турли мамлакатлар конституцияларида шу юрт халқининг миллий-маданий хусусиятларини акс эттиради. Финляндияда парламент — Сейм, Голландияда — Бош штатлар, АҚШда — Конгресс, Ўзбекистонда — Олий Мажлис деб номланади.

Россия Федерациясида область (вилоят) даражасидаги маъмурий-ҳудудий тузилманинг ижроия ҳокимият раҳбари **губернатор** деб номланади. Ўзбекистон Республикасида эса вилоят, туман ва шаҳарлар ижроия ҳокимият идоралари раҳбарлари **ҳоким** деб номланади. Конституциянинг 105-моддаси аҳолининг анъанавий тарихий бирлик — **маҳалла**ларга уюшиб яшашини эътироф этиб, уни фуқаролар ўзини ўзи бошқарувининг асосий бўғини сифатида мустаҳкамлайди. «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди».

Келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимиз Конституцияси чинакам миллий-маданий руҳ билан суғорилгандир.

2-§. КОНСТИТУЦИЯ ВА МИЛЛИЙ МАФКУРА

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси моҳият-эътибори билан қад ростлаётган демократик давлатчилигимизнинг мустаҳкам ғоявий-ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади. Конституция, унинг ҳар бир нормаси халқимизнинг мустақилликка интилиши, ўз суверен ҳуқуқий давлатчилигини ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек улуғвор ғояларини нафақат қонун шаклида акс эттиради, балки уларни моддийлаштиради ва ҳаётга жорий қилади.

Конституция ва миллий мафкура, хусусан, ҳуқуқий мафкура ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳар иккала ижтимоий ҳодиса жамиятимиз ягона ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмларидир. Конституция ҳуқуқий тизимнинг ўзаги, бошқа жами унсурларни уюштирувчи, баҳамжиҳат этувчи ва ҳаракатлантирувчи маркази бўлса,

миллий-ҳуқуқий мафкура унинг ғоявий асосини, таркибий бўғинларини мазмунан озиқлантирувчи ҳамда ягона мақсад сари йўналтирувчи маёғидир.

Кишилик жамияти муайян мафкурасиз ҳаёт кечира олмайди. Ҳар бир жамият ўз ижтимоий манфаатларини акс эттирувчи мафкура остида ғоявий жиҳатдан бирлашади. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов тўғри таъкидлаганидек, **«ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Миллий мафкура халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий муаммоларга жавоб излайди»**[1].

Дарҳақиқат, ҳар бир жамият ўз манфаатларини ифодаловчи ва муҳофаза қилувчи мақсадларга эришиш йўлида халқни сафарбар этувчи, уюштирувчи ҳамда йўналтирувчи ғоялар мажмуига эга бўлиши лозим. Бундай ижтимоий ғоялар халқ маънавиятининг маълум уйғунлашуви ва натижаси ўлароқ намоён бўлади. Ижтимоий ғояларнинг йиғиндиси ва уларнинг муайян мантиқий тизими (муштараклиги) мафкурани ташкил этади. Мафкура жамиятнинг турли соҳалари ҳақидаги илмий, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, диний, бадиий, ахлоқий қарашларнинг йиғиндисидан иборатдир[2]. «Мафкура — бу дунёқарашни ташкил этувчи фикрлар ва ғоялар мажмуасидир»[3].

Мафкура ижтимоий онг ва маънавият даражасини, ютуқларини ифодаловчи назарий билимлар, концепциялар, қарашлар, ғоялар мажмуи сифатида жамият ривожи учун устувор дастурий аҳамият касб этади. Мафкура — ижтимоий онг ва маънавиятнинг таркибий қисмидир. У миллат тараққиётини, амалий тажрибасини, дунё мамлакатлари ўзлаштирган ижобий ютуқларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида шаклланади ҳамда бойиб боради. Мафкура мамлакат, шу жумладан миллат истиқлоли муаммоларини биринчи ўринга

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2000. 5—6-бетлар.

[2] *Хайруллаев М.* Ижтимоий ҳаёт ва мафкура // Ўзбекистон овози. 1993. 26 май.

[3] *Қирғизбоев М.* Асрий армонлар ушалмоқда // Ўзбекистон овози. 1993. 2 июль.

қўйган мақсад ва умидлар, уларни амалга ошириш режалари ва усуллари ҳақидаги илмий хулосаларнинг муайян тизимидир[1].

Мафкура жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, маънавий тараққиётига маълум бир йўналиш беради. Бемақсад фаолият, меҳнат бўлмагани сингари, мафкурасиз ҳаёт, ривожланиш ҳам бўлмайди. Фақат илмий, илғор мафкура билан боғлиқ маънавият улкан салоҳиятга, ижтимоий қудратга эга бўлади. Жамиятнинг равнақи ва келажагини юксак маданият, маънавият ҳамда мафкурасиз тасаввур этиш қийин. Мафкуранинг муҳим хусусияти шундаки, у нафақат тараққиёт истиқболларини белгилаб беради балки унинг мақсад ва йўналишларини аниқлайди, келгусида қурилажак жамиятнинг қиёфасини таърифлаб бера олади.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ўзининг янги миллий ва демократик мазмунга эга бўлган мафкурасини шакллантирмоқда. Миллий истиқлол мафкурасини яратиш тарихий зарурият тарзида майдон чиқди. **Биринчидан,** истиқлол шарофати билан Ўзбекистонда аслини олганда тубдан янги ижтимоий-сиёсий тузумга ўтиш юз берди. Иккинчидан, халқимиз ва ёш суверен давлатимиз ўтмишда ҳукмрон бўлган собиқ тоталитар совет тузуми давридаги коммунистик мафкурадан бутунлай воз кечди. Чунки совет мафкураси оддий инсонлар қалби ва онгини забт этишга, уларни миллий қадриятлардан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум қилишга, пировард натижада юртимизни ўзига қарам ҳолда сақлашга қаратилган мафкура эди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, аслида халқимиз табиатига, дунёқарашига ёт бўлган коммунистик мафкурага барҳам берилди. Бу ғоя ўз умрини ўтаб бўлиб, тараққиёт йўлидаги тўсиққа айланди. Шу боис у ижтимоий ҳаётда инкор этилди. Ушбу қонуният, зарурат теран англаб етилмаган тақдирда ғоявий вакуум, бўшлиқ юзага келади... Мафкура соҳасида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Ғоявий беқарорлик ҳукмрон бўлган жойда мафкуравий таҳдид кучаяди. Аҳоли кенг қатламлари, хусусан, ёшларнинг онгини эгаллашга уринишлар пайдо бўлади. Бунга мамлакатимизда

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т: Ўзбекистон, 2000. 39—40-бетлар.

1997—1999 йилларда диний экстремизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилувчи оқимларнинг фаоллашиб қолгани, ваҳҳобийлик, «Хизбут таҳрир» каби зарарли диний секталарнинг юртимиздаги ғўр ёшларни йўлдан оздириб, ижтимоий-сиёсий беқарорликни келтириб чиқарганлиги, террорчилик актлари содир этиб, конституциявий ҳокимиятни эгаллашга уринганлиги, айниқса 1999 йил 16 февраль воқеаларини содир этганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Жамиятимизда Конституция асосида қарор топаётган демократия, сиёсий ҳурфикрлилик ҳақида гапириб, Ўзбекистон Президенти И. Каримов Асосий қонунимизнинг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, деган конституциявий қоида (12-модда) «бизнинг олдимизга **миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини** қўяди»,[1] — деб таъкидлаган эди.

Миллий истиқлол мафкураси турли сиёсий партиялар ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун туради. У бутун жамиятнинг ягона мафкураси бўлиб, бирон-бир ижтимоий гуруҳнинг, сиёсий ҳокимиятнинг мафкурасига айлантирилмайди. Аксинча, миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади; барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг, бутун халқимизнинг умумий манфаатларини ифодалайди. «У давлатимиз фуқароларини улуғ мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклашади»[2].

Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол ғояси халқимизнинг эркин фуқаролик жамияти ва адолатли демократик ҳуқуқий давлат қуришдек асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар, назарий қарашларнинг мантиқий тизимидир.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида таъкидланганидек, миллий истиқлол мафкураси:

---

[1] *Каримов И. А.* Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.: Шарқ, 1993. 13-бет.

[2] *Каримов И. А.* Ўша асар. 13-бет.

— Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия принципларига асосланади;

— халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади;

— адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради;

— жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади.

Миллий мафкура фақат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масала, жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор бўлиб келган. У ҳар бир фуқаронинг жамият олдидаги бурч ва масъулиятини белгилайдиган маънавий мезондир.

Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш. Мазкур мафкуранинг бош ғоясида «озодлик» тушунчасининг етакчи ўринда туриши Ватан мустақиллиги барча орзу-интилишларнинг, амалий фаолият ва истиқболимизнинг асоси эканлигидан далолатдир.

Миллий истиқлол мафкураси қуйидаги вазифаларни ўтайди:

1) мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш;

2) ҳур фикрли, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш;

3) жамият аъзоларининг, айниқса ёшларнинг иродасини бақувват қилиш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавий муҳитни яратиш;

4) инсонлар тафаккурида ўзликни англаш, тарихий хотирага садоқат, муқаддас қадриятларни асраб-авайлаш, ватанпарварлик туйғусини камол топтириш;

5) ўзбек халқига хос бўлган иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни юксалтириш;

6) халқнинг онги ва қалбида «Ўзбекистон — ягона Ватан» тушунчасини шакллантириш ва ривожлантириш[1].

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 45–46-бетлар.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши фуқароларнинг демократик ислоҳотлар даври ва истиқболдаги масъулиятли ҳаёт талабларига жавоб бера оладиган шахсларга, янги жамият қурилишининг фаол иштирокчиларига айлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий истиқлол мафкурасининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Асосий қонуннинг биринчи моддасидан охирги моддасигача мустақиллик, демократия, инсон ҳуқуқлари ва Ватан равнақи ғоялари тараннум этилган. Конституция воситасида жамиятимиз ижтимоий онгига дунё цивилизациясининг замонавий янги демократик қадриятлари, тамойиллари ва ғоялари кириб келди. Булар, энг аввало, суверен давлатчилик ва ҳуқуқий демократик жамият қуриш ғояларидир. Шунингдек, шууримизга «қонун устуворлиги», «сиёсий плюрализм», «инсон ҳуқуқлари дахлсизлиги», «кўппартиявийлик», «хусусий мулкчилик» каби илғор ғоялар кириб келди ва мафкурамизнинг таркибий қисмига айланди. **«Бизнинг Конституциямиз, — деган эди Президент Ислом Каримов, — умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади»**[2].

Ўзбекистон Конституциясининг асосий мақсади ва ички ғоялари юқорида баён этилган миллий истиқлол мафкурасининг мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳангдир. Булар:

биринчидан, халқимиз учун муносиб ҳаёт шароитини яратиш;

иккинчидан, ижтимоий адолат мезонларини қарор топтириш; демократик тузум барпо этиш ва инсон ҳуқуқларини устувор таъминлаш;

учинчидан, миллий қадриятларимиз ва маданиятимизни қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш;

тўртинчидан, шахснинг эркин ривожланиши ва маънавий-ахлоқий камолотини таъминлашдан иборат.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямизнинг қоидалари миллий истиқлол мафкурасидан ажралган ҳолда

---

[1] Ислом Каримов Конституция тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганувчиларга ёрдам) // Тузувчилар А. Саидов, У. Таджиханов. Т.: Академия, 2001. 52-бет.

бўлиши мумкин эмас. Аксинча, конституциявий қоидалар мазмуни билан мафкуравий ғояларнинг уйғунлашуви жамиятни буюк келажакни яратишга сафарбар этувчи катта кучга айланди.

3-§. КОНСТИТУЦИЯ ВА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИ

Дунёда мавжуд конституцияларнинг барчаси уларни ижод этган халқнинг, миллатнинг сиёсий тафаккури, маънавияти ва маданияти билан узвий боғликдир. Ҳар бир конституция ўз мазмунида жамиятнинг, миллатнинг маънавий-маданий қадриятларини, унинг тарихан шаклланган анъаналари, урф-одатлари ва характерини акс эттиради. Худди шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз табиатига хос барча маънавий-маданий қадриятларни, ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган. Айни вақтда, Конституциянинг ўзи ўзбек миллий маданиятининг маҳсули, унинг таркибий қисмидир. Бугунги кунда Конституциямиз халқимиз миллий-маданий қадрияти, ғурури ва ифтихорининг тимсолидир.

Халқ маънавий-маданий қадриятларнинг ижодкоридир. Конституция, унинг принциплари ва қоидалари ҳам ана шундай ижоднинг бевосита самараси, дейиш тўғри бўлади. Бошқа маданий ижодиёт маҳсуллари қатори конституциявий нормалар ҳам шахснинг ўзлигини англаши, ўз салоҳияти ва қобилиятини рўёбга чиқариши, пировардида фаол индивид тарзида майдонга чиқиши ҳамда ижтимоийлашуви учун кўмаклашади. Конституциявий-ҳуқуқий нормалар шахснинг ўз иқтидори ва истеъдодини намоён этишга шароит, яъни мўътадил норматив-ҳуқуқий муҳит яратади. Конституциявий нормалар ўз моҳиятига кўра миллий маданиятнинг ижтимоий-норматив шаклидир. Уларга қатъий риоя этиш нафақат мустаҳкам ҳуқуқий тартибни, балки юксак маданиятни ифода этади.

Конституция мазмунида мужассамлашган ўзбек миллий маданияти ва маънавий мероси узоқ асрлар қаърига бориб тақалади, ўзининг серқирра ва сержилолиги, бой мазмунга эгалиги ҳамда халқчиллиги билан ажралиб туради. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

биринчидан, миллий давлатчилик тажрибаси, сиёсий ва ҳуқуқий-маданий мерос;

иккинчидан, маънавий-маданий, илмий-фалсафий ва адабий мерос;

учинчидан, умуминсоний маданий қадриятларни сингдириш асосида қарор топган, исломий қадриятлар таъсирида шаклланган мерос.

Миллий маданий меросимизнинг улуғворлиги ва беназирлигига шак-шубҳа йўқ. Унга қатъий таянган ҳолда иш кўриб, бугунги маънавиятимизни камол топтириш ва чинакам адолатли ижтимоий тузум ҳамда эркин инсонлар жамиятини яратиш мумкин. Буни қанчалик тез ва теран англасак, миллий истиқлолнинг яна бир муҳим истеҳкомини яратамиз ва бу, ўз навбатида, мустақил ўзбек давлатчилигининг маънавий-маданий замини бўлажак.

Ўзбек халқи ҳам, барча халқлар сингари асрлар мобайнида сақланиб-сайқалланиб келган миллий урф-одати, расм-русуми, удуми ва анъаналарига эга. Буларда ўзбек халқининг миллий хусусиятлари, юриш-туриши, ғурури, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, дини, ҳуқуқий онги ва умуман, маънавий-маданий дунёси акс этади. Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ифодаланиши билан бирга, бу маънавият оилавий ҳаёт учун, ҳар бир инсон учун муҳим тарбиявий аҳамиятга моликдир. Чунки болаларимиз ана шу кўз илғамас миллий ҳис-туйғу ва онг, аждодлар хотираси ва узвийлиги таъсирида, она сути, она алласидан маънавий озуқа, тарбия оладилар. Ушбу туйғулар тил воситаси ила онгимизга кира боради. Буларнинг барчаси миллат маънавиятининг гултожи ҳисобланади.

Сир эмас, асрлар давомида аждодларимиз ҳаётида таркиб ва равнақ топган миллий-маданий анъаналарни ва урф-одатларни қадрламаслик маънавий тубанлик, ўз тарихига, она заминига, тупроғига ҳурматсизликдир. Бой, қадимий ва навқирон маънавиятимиз дурдоналари миллий маънавий инқирознинг олдини олишда, миллий маънавият салтанатимизни тиклашда муҳим омил, таянчдир.

Миллатимиз маънавият салтанатининг деворлари ўзбек маданиятининг янги босқичдаги уйғониши, Ренессанси деса бўлади.

Кўп минг йиллик маданий меросимиз илдизлари униб, ниш бериб, куртак отмоқда. Бу ўзбек миллий маънавиятимизнинг хусусиятлари нималардан иборат?

Биринчидан, юртимиз маданиятнинг барча соҳала-

рида юзлаб, минглаб жаҳоншумул алломаларни, улуғ зотлар, давлат арбобларини етиштириб берган. Буюк аждодларимиз башарият маданиятини яратишда бевосита иштирок этганлар, бу ишга улкан ҳисса қўшганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий-маданий мероси жаҳон маданиятининг ажралмас таркибий қисмидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон чуқур давлатчилик негизларига эга бўлган ўзига хос сиёсий, ҳуқуқий, маданий мерос соҳибидир. Милоддан бир неча юз йиллар олдин, ҳудудимизда давлат ва ҳуқуққа оид институтлар ва қарашлар тараққий этган. Мовароуннаҳрда Ислом маърифатига, ҳуқуқшунослиги — фиққга ва умуман, жаҳон ҳуқуқий маданиятига улкан ҳисса қўшган фақиҳлар — ҳуқуқшунослар яшаганлар.

Учинчидан, ўзбек миллий мафкурасининг узвий таркибий қисмини бой маданий меросимиз ташкил этади, ҳудудимиздаги 9 мингдан зиёд тарихий, маданий, меъморий ёдгорликлар ўзбек халқи беқиёс маданий меросининг тирик гувоҳларидир. Уларни таъмирлаш, тиклаш, сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг маънавий, қолаверса, инсоний ватанпарварлик бурчимиздир. Шунинг учун Конституциямизнинг 49-моддасида: «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар», дейилган.

Ўзбек халқининг бой маданий мероси истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга халқимиз орасидан етишиб чиққан алломалар асос солганлар, жаҳон илм-фани ва маданиятининг деярли барча соҳалари шаклланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшганлар. Улар яратган илмий дурдоналар асрлар оша инсоният маънавиятининг равнақи йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Она заминимиз жаҳонга буюк мутафаккирларни ва қомусий алломаларни етиштириб берган. Улар шу жиҳатлари билан алоҳида ажралиб турадиларки, хоҳ тиббиётчи ва доришунос, хоҳ риёзатчи ва фалакшунос, хоҳ тарихчи ва фақиҳ, хоҳ тилшунос ва мунаққид, хоҳ адиб ва шоир, хоҳ тасаввуф илмининг машҳур намоёндасию давлат арбоби бўлмасинлар, бир вақтнинг ўзида фаннинг турли соҳаларини мукаммал билганлар, етук илмий асарлар яратганлар.

Фикримизнинг далили сифатида улуғ бобокалонларимиздан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ба-

ҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Маҳмуд ибн ул-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Қошғарий, Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Шарафиддин Али Яздий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кабиларнинг номларини тилга олиш кифоя[1].

4-§. КОНСТИТУЦИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ ХУЛҚ-АТВОР МОДЕЛИ

Конституциявий-ҳуқуқий маданият нафақат конституциявий нормалар мазмунида ёки моддий предмет ва рамзларда (байроқ, герб, мадҳия), балки сиёсий ҳокимият идоралари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг тегишли хул-атворида ҳам ифодаланади. Конституциявий-ҳуқуқ субъектларининг конституция нормаларига муносабатида, уларга оғишмай қатъий риоя этишида муайян маданият намоён бўлади. Бу конституциявий маданият бўлиб, жамият ҳуқуқий маданиятининг негизини ташкил этади.

Конституциявий-ҳуқуқий маданиятнинг турли жиҳатлари (норматив асоси, ахлоқий жиҳати, ижтимоий-социологик ва ижтимоий-руҳий ва ҳоказо) ҳақида сўз юритиш мумкин. Бироқ, мазкур параграфда фақат унинг хулқ-атвор, кишилар ҳамда ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ жиҳатлари, конституциянинг реал амал қилиши ва ҳаётга жорий этилиши ҳақида фикр юритамиз.

Конституцияга боғлиқ хулқ-атворнинг бир-бирига қарама-қарши икки модели мавжудлигини таъкидлаш мумкин. **Биринчи модель** — ҳар қандай ҳолатда ҳам конституция қоидаларини сўзсиз бажаришга тайёр бўлган хулқ-атвор, муносабат, интилишдан иборат. **Иккинчи модель** — конституция нормаларини тан олмайдиган, уни четлаб ўтишга қаратилган хулқ-атвор, фаолиятдан иборат.

Хулқ-атворнинг шундай моделлари бор дейиш билан чекланиш масалага жуда оддий ёндашиш бўлар эди. Аслида, конституциявий нормаларга кундалик ҳаётда риоя қилиш ниҳоятда мураккаб, ички қарама-қаршиликлар жараёни орқали кечадики, бунда турли сиёсий кучлар ва ижтимоий қатламларнинг, гуруҳларнинг

---

[1] *Таджиханов У., Саидов А.* Ҳуқуқий маданият назарияси. I жилд. Т., 1998. 125—127-бетлар.

манфаатлари ўзаро тўқнашади. Конституция нормаларини қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай фаолият (хулқ-атвор) маълум бир манфаатни, интилишни акс эттиради.

Фикрни изоҳлаш учун конституциявий-ҳуқуқий амалиётдан айрим мисоллар келтирамиз.

Масалан, Дания Конституциясига мувофиқ, Дания Давлат суди ташкил этилади (у дастлаб 1849 йилда қабул қилинган биринчи конституцияда назарда тутилган эди). Мазкур суднинг бирдан-бир вазифаси жиноят содир этган министрларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал этишдир. Бу суд 1849 йилдан ҳозиргача атиги бешта ишни кўрган (охирги ишлари 1910 йил ва 1994 йилда кўрилган). Аммо бу суд, иш кўриш ёки кўрмаслигидан қатъи назар, унинг таркиби сайлаб қўйилаверади. Ушбу мисол конституция ғояларига содиқликнинг, идеал маданий хулқ-атворнинг ёркин ифодасидир.

Конституциявий-ҳуқуқий анъаналарга, принципларга қатъий амал қилиш маданияти кўпгина Европа мамлакатларида теран ривож топган. Масалан, Франция, Бельгия, Швеция, Польша парламентларида қонун лойиҳаларини икки-уч марта муҳокама этиш (ўқиш) орқали қабул қилиш тартибининг барча унсурларига қатъий амал қилинади: парламент маданиятига, қонун чиқарувчи орган мажлиси (сессияси)да баҳс-мунозара олиб бориш маданияти қоидаларига қатъий риоя этилади.

Бир қатор мамлакатларда сайланган давлат раҳбарларининг, тайинланган министрларнинг парламент ҳузурида ҳисобот бериш анъаналарига қаттиқ риоя қилинади. Бундай парламент маданияти анъанаси Буюк Британияда ҳам бир неча асрдан бери давом этиб келмоқда. Хусусан, Литва Сеймида шундай тажриба жорий этилган. Ҳар ҳафтанинг маълум бир кунида, белгиланган соатларда мамлакат Бош вазири парламент депутатлари ҳузурида ҳозир бўлади ва депутатларнинг савол ва сўровларига жавоб қайтаради.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ижобий конституциявий-ҳуқуқий маданият, тегишли фаолият ва хулқ-атвор шаклланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларини тайинлайди ва бу фармон тегишли халқ депутатлари кенгашининг

тасдиғига киритилади. Бу ижобий демократик қоида, ўзига хос конституциявий маданий фаолият бўлиб, бунда ҳар сафар ҳоким тайинланиши (шунингдек, вазифасидан озод этилиши) муносабати билан, мамлакат Президенти вилоят кенгаши халқ депутатлари билан учрашади, ўз қарорини улар билан маслаҳатлашади, бу борадаги ўз далил ва исботларини баён этади. Айни вақтда, мамлакат ички ва ташқи сиёсатини юритиш масалаларида давлат миқёсида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида ахборот беради. Шунингдек, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммолари юзасидан батафсил мулоқот қилади, депутатлар билан фикр алмашади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига биноан, Президент айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. Мамлакатда шундай анъана жорий этилдики, ҳар сафар Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари Президент раислигида ўтади ва у Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилади. Мазкур ҳолат, **биринчидан,** мамлакат Президенти — Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган конституциявий-ҳуқуқий фаолиятдир; **иккинчидан,** бунда ҳукумат фаолиятидаги демократия ва ошкоралик яққол намоён бўлмоқда; **учинчидан,** халқни ҳукумат режалари ва қарорларидан бевосита хабардор қилинади ҳамда уларнинг бажарилишига халқ оммаси сафарбар этилади; **тўртинчидан,** аҳолининг ҳуқуқий билимдонлиги, онги ва ҳуқуқий маданияти шакллантириб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияларида Президентнинг мунтазам иштирок этиши ва уларда мамлакат ҳаётининг долзарб масалалари юзасидан атрофлича маърузалар қилиши ҳам ижобий конституциявий маданий фаолият шаклланганлигига мисол бўла олади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 7-бандига кўра, Президент ҳар йили Олий Мажлисга ички ва халқаро аҳвол бўйича ахборот тақдим этиши лозим. Юқорида зикр этилган анъана мазкур мақсадни амалга оширишга ҳам хизмат қилади.

Конституция нормаси асосида юртимизда шаклланган яна бир маданий-маърифий анъанага тўхталиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 18-бандига мувофиқ, Президент орден ва медал-

лар билан, Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини беради. Президентнинг бу конституциявий ваколати айни вақтда унинг мукофотларни шахсан топширишини ҳам назарда тутади. Бу конституциявий қоидани бажариш бўйича шундай анъана қарор топдики, ҳар йили «Конституция куни» арафасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти йил давомида мукофотланган фуқароларга Ўзбекистон давлат мукофотлари ва фахрий ёрлиқларини тантанали равишда топширади. Ушбу тадбир телевидение орқали намойиш этилади. Табиийки, шундай вазиятда мукофот олган ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг кўнгли тоғдек кўтарилади, қалби ифтихор туйғуларига тўлади, ўзининг юртимизда кечаётган улкан бунёдкорлик ишларига дахлдорлигини ҳис этади, қилаётган меҳнати юксак даражада баҳоланганлигидан мамнун бўлади. Бу анъана нафақат мукофотга сазовор бўлганларни, балки бунга гувоҳ бўлган барча юртдошларимизни, айниқса, ёшларни улкан меҳнат зафарларига руҳлантиради, беқиёс тарбиявий аҳамият касб этади.

Конституциявий-ҳуқуқий фаолият (хулқ-атвор)нинг салбий модели ҳам учраб туради. Масалан, бир вақтлар АҚШ Конституциясига киритилган ўн саккизинчи тузатиш мамлакатда спиртли ичимликларни тақиқлади. Бу жамиятда оммавий тарзда хулқ-атворнинг салбий модели вужудга келишининг типик мисоли бўлди. Америкалик ҳуқуқшунос Лоуренс М. Фридман бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Алкогол ичимликларни тақиқловчи қонун «хайрли эксперимент» бўлиб, у 1920 йилда кучга кирди. Бироқ, кўпчиликнинг фикрига кўра, бу йирик муваффақиятсизлик бўлди. Амалда миллионлаб одамлар спиртли ичимликлар истеъмол қилишни давом эттирдилар. Дўкон ва расталарда спиртли ичимликлар савдосини ниҳоятда кенгайтирдилар. 1928 йилда АҚШ федерал судлари бу қонуннинг бузилиши билан боғлиқ 55729 аризани кўриб чиқди ва улар юзасидан 48000 та айблов хулосасини чиқардилар. Албатта, айбдор жазоланмай қолган ҳолатлар сони бундан бир неча бор ортиқ эди. Қайтага бу қонун кучда бўлган даврда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш анча ортиб кетди[1].

---

[1] *Фридман Л.* Введение в американское право. — М.: Прогресс — Универс, 1992.

Худди шунга ўхшаш фармонни 1985 йил май ойида собиқ СССР Президенти М. С. Горбачев чиқарган эди. Бу ҳуқуқий чеклов ҳам муваффақиятсиз чиқди. Фуқаролар ясама ароқ (самагон) чиқаришга киришиб кетдилар. Бунинг натижасида минглаб одамлар заҳарланди, кўплари ҳаётдан кўз юмди.

Ҳокимият идоралари, мансабдор шахсларнинг ғайриконституциявий фаолияти (хулқ-атворлари) тегишли конституциявий-ҳуқуқий нормаларни аҳоли кўз ўнгида обрўсизлантиради, қадрини туширади. Бу эса пировардида конституциявий-ҳуқуқий тартибга зарар етказади. Шу боис барча мутасадди субъектлар ижобий конституциявий-ҳуқуқий хулқ-атвор моделини шакллантиришга интилишлари лозим. Бу жамият, давлат ва фуқаролар манфаатига тўла мос тушади.

Учинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМИНИНГ АСОСЛАРИ

* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАВСИФИ

* ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШИ

* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУВОРЛИГИ

* КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ АСОСЛАРИ

* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

IX б о б.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАВСИФИ

*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ — СУВЕРЕН ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ — КОНСТИТУЦИЯВИЙ ДАВЛАТ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН — РЕСПУБЛИКА ШАКЛИДА БОШҚАРИЛАДИГАН ДАВЛАТ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ — ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ**

1-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ — СУВЕРЕН ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси «Ўзбекистон — **суверен демократик республика»** эканлигини эълон қилувчи ва қонуний мустаҳкамловчи қоидадан бошланади (1-модда). Давлат халқнинг расмий вакили сифатида ўз фуқароларининг иродасини ифода этади. Фақат суверен давлатгина фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла ҳажмда таъминлаши мумкин.

Давлат суверенитети деганда, давлат ҳокимиятининг устуворлиги, унинг мамлакат ичкарисида ҳам, халқаро майдонда бошқа давлатларга нисбатан ҳам тўла мустақиллиги тушунилади. Суверенитет давлат ҳокимиятининг алоҳида хусусияти бўлиш билан бир пайтда, давлатнинг муҳим белгиси ҳам ҳисобланади.

«Суверенитет» французча сўз бўлиб, давлатнинг ташқи ишларда мустақиллиги ва ички ишларда устунлигини билдиради. «Суверен» сўзи эса олий ҳокимият соҳибини англатади.

Давлат ҳокимиятининг олийлиги, ўша давлатдаги барча ҳуқуқий муносабатларни белгилаганлигида, умумий ҳуқуқий тартиботнинг ўрнатилганлигида ҳамда

давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгиланганлигида намоён бўлади. Давлатнинг бутун ҳудудида олий давлат органи томонидан чиқарилган конституция ва қонунларнинг устуворлиги давлат ҳокимияти олийлигини билдирувчи асосий белгиси сифатида тан олинади.

Шундай қилиб, давлат ҳокимиятининг олийлиги бу ҳокимиятнинг шундай ҳолатики, бунда бошқа бир ҳокимият ундан устун бўлмайди ва бўла олмайди. Бироқ, ҳокимиятнинг олийлиги унинг чексизлигини билдирмайди. Конституциявий давлатда у доимо қонун билан чеклаб қўйилади. Бошқа ҳокимиятлар каби давлатнинг суверен ҳокимияти қонун билан берилади ва чеклаб қўйилади. Давлатнинг суверен ҳокимияти ўзга барча ҳокимиятлардан устун туради. Давлат ҳокимиятининг олийлиги уни ягона сиёсий ҳокимият сифатида расмийлаштиради, бу давлат ҳокимияти билан мувозий тарзда бошқа бирон-бир сиёсий ҳокимиятнинг мавжуд бўлишини истисно этади.

Давлат ҳокимиятининг бирлиги давлатнинг олий ҳокимиятини ташкил қилувчи ягона орган ёки органлар тизими мавжуд бўлишида ифодаланади. Давлат ҳокимияти бирлигининг юридик белгиси, давлат ҳокимияти олийлигини ташкил қилувчи органлар тизимининг бевосита давлат функцияларини бажариш учун зарур бўлган ваколатларни қамраб олишини англатади. Шу тизимга тегишли органлар эса, бир хил субъектларга, бир хил вазиятларда ўзаро истисно қилувчи хулқ-атвор қоидаларини ифодалай олмайди. Суверен давлат ҳокимиятининг асосий хусусияти унинг мустақиллиги ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг мустақиллиги, шу давлатнинг бошқа давлатлар билан тўғридан-тўғри, бевосита муносабатларида ўз ифодасини топади.

Давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларация Ўзбекистон Республикасини суверен давлат сифатида тавсифлайди. Унда, хусусан, шундай дейилган:

«ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари,

ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи,

ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда,

Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда,

халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб,

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилади»[1].

Декларация Ўзбекистон Республикаси суверенитетининг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини белгилаб берган. У давлат ва жамият ишларини ҳал қилишда халққа тўла ҳуқуқ беради, конституция ва қонунларнинг Ўзбекистон ҳудудида устунлигини белгилайди ҳамда халқнинг ўз бойликларидан фойдаланиши, уларга эгалик қилиши учун замин яратади.

Декларацияда кўрсатилишича, у мустақил Ўзбекистон Конституциясини яратиш учун асос бўлади. Декларациянинг бу қоидаси 1992 йил 8 декабрда амалга оширилди.

1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» қонун қабул қилинди. Бир ой ўтгач унга конституциявий қонун мақоми берилди. Шу қонунга асосан Ўзбекистон ҳудудидаги ер, унинг табиий бойликлари (олтин, олмос захираси, қимматбаҳо тошлар кони, кумуш, нефть, кўмир, газ, уран, камёб рангли ва қора металлар ва бошқа фойдали қазилмалар), ҳаво йўллари, сув, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий ва ноёб ресурслар, хўжалик ва маданият ютуқлари халқнинг миллий бойлиги ҳисобланади. Юқорида санаб ўтилган объектларга эгалик қилиш тартиби ва шароитлари қонун билан белгиланади.

Қонунда қайд этилишича, «суверен Ўзбекистон республика ҳудудида ... Қуролли кучларни шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини сақлаб қолади». Ўзбекистон Республикаси мустақил молия ва кредит сиёсатини амалга оширади. Чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатади, улар билан мухтор вакиллар айирбошлайди, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши мумкин.

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида. Ҳужжатлар. Т.: Ўзбекистон, 1991. 5-бет.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир.

Мустақиллик Декларацияси ва Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги конституциявий қонуннинг асосий ғоя ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган. Конституциянинг 7-моддасига биноан, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принциплари ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Мамлакат ҳудудининг яхлитлиги — давлат суверенитетининг муҳим белгисидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддасида: «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас-

дир», дейилган. Мазкур конституциявий қоида давлатимизга ташқаридан бўладиган муносабатларга нисбатан қаратилгандир. Бу билан Ўзбекистон ҳудудига ташқаридан билдирилиши мумкин бўлган ҳар қандай даъво ўринсизлиги таъкидланади. Шунингдек, мабодо ташқи ҳужум хавфи ёки демографик тажовуз ниятлари вужудга келса, давлат ўзини ҳимоя қилишга тайёр эканлиги билдирилади. Дахлсизлик ва яхлитлик принципи Ўзбекистон ҳудудининг қайси қисмига бўлмасин ҳужум ёки тажовуз қилиниши Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига раҳна солинишини англатади.

Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради. Демак, Қорақалпоғистон ҳудуди Ўзбекистон давлати ҳудудига киради. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир. Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 70 ва 72-моддалари).

Шундай қилиб, Конституцияда Ўзбекистоннинг суверен давлат эканлиги қонуний мустаҳкамланган.

Конституциянинг 1-моддасига мувофиқ, **Ўзбекистон Республикаси демократик давлатдир.** Унинг демократиклиги, аввало, унинг халқпарварлигини таъминлашида, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишида, мафкуравий ва сиёсий ҳурфикрлиликда, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришида ўз аксини топади. Юқорида таъкидланганидек, давлат ҳокимиятининг манбаи халқдир. Бу давлатнинг халқчиллигини, демократиклигини англатади. Халқ ҳокимияти — қадимги юнон сўзидан олинган бўлиб, «демократия» сўзининг таржимасидир.

«Халқ» ва «ҳокимият» категорияларининг ҳар бири «халқ ҳокимияти» тушунчасини ташкил қилувчи мураккаб ҳодиса сифатида махсус кўриб чиқишни тақозо этади.

Юридик нуқтаи назардан қараганда «халқ» сўзи «фуқаролар» тушунчаси билан уйғунлашиб, яхлит давлатга мансублик ва бирликни ифодаловчи, давлатта хос кишиларнинг умумийлигидир. Халқ давлатнинг жисмоний асосини ташкил этади.

Ҳокимият кимнидир бошқаришни, унинг хоҳиш-иродасини ўзига қаратишни англатади. Ҳокимият — ижтимоий ҳодиса. У кишилик жамиятининг юзага келиши билан пайдо бўлади ва барча инсонлар жамия-

тида мавжуддир, чунки барча инсонлардан жамиятни турли восита ва эҳтиёжлар орқали бошқаришни таъминлаш талаб қилинади.

Давлатнинг юзага келиши билан унинг муҳим белгиси сифатида давлат ҳокимияти ҳам пайдо бўлади. Давлат ҳокимияти ўзининг энг асосий элементи сифатида барча жамият аъзоларининг умумий хоҳиш-иродаси ва қарашини акс эттиради. Давлат ҳокимияти — халқ ҳокимиятининг ягона шакли эмас. Унинг бошқа шакли маҳаллий ўзини ўзи бошқаришдир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти ташкилотлари тизимига кирмайди.

Демократия халқ ҳокимиятчилигининг барча даражада тан олиниши ва реал амалга оширишидир. Халқ суверенитети халқнинг ўз ҳокимиятини ўзи мустақил, тегишли конституциявий механизмлари воситасида ўз манфаатлари йўлида амалга оширишини англатади. Халқ ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳокимиятнинг тўла соҳиби сифатида майдонга чиқади ва у ҳокимиятни ҳеч ким билан бўлишмайди. Ҳокимиятни конституцияда назарда тутилмаган тартибда ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, давлат ҳокимиятининг янги ва мувозий таркибларини тузиш ғайриконституциявий ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади (Конституциянинг 7-моддаси).

Демократик жамиятда ҳокимият қонуний (легитим) тарзда ташкил этилади ва халқнинг назорати остида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи учта мезон бор, дейди. «Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»[1]. Шу тариқа демократия теранлашиб ва кенгайиб борган сайин халқ ҳокимиятчилиги давлатнинг шакли ҳамда бошқарув усули сифатида ҳокимиятга эгалик қилиш ва амалга оширишнинг ташкилий принципига айланади. Ҳокимият идоралари қанчалик халқ ишончига сазовор бўлса ва унга таянса, шунчалик тўлақонли ҳамда ваколатли бўлади.

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. 181-бет.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир. Асосий қонун демократик жамиятнинг қарор топишига қўшган жуда катта ҳисса шундан иборатки, у мавҳум жамият ёки умуман халқнинг эмас, балки муайян инсон эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилгандир. Конституциявий норма ва қонунларнинг устуворлиги, улар инсон манфаатларини кўзлаб иш тутишга ва шу доирада ижтимоий ўзаро муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг, фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилидир[1].

2-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ — КОНСТИТУЦИЯВИЙ ДАВЛАТ

Демократик жамиятларда давлатнинг мамлакат ичкарисидаги суверенитети, мустақиллиги конституция воситасида қонунлаштирилади. Бу, айни пайтда, давлат ҳокимиятининг конституция билан чекланганлигини ҳам англатади. Ҳуқуқий фуқаролик жамиятида конституция давлат ҳокимияти билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонуний мезонини, ҳуқуқий нисбатини ўрнатувчи асосий восита ҳисобланади. Шунга кўра, давлат ҳокимияти идораларининг ваколати, ҳаракат доираси инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кўлами билан чекланади. Ушбу фикрни исботлаш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2, 13 ва 14-моддаларида баён этилган қоидаларни ўзаро боғлаб таҳлил этиш лозим. Конституцияда эътироф этилишича, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўз навбатида, давлат органлари мансабдор шахслар фуқаролар олдида масъулдирлар.

Мазкур конституциявий қоидалар мазмунидан инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг устунлиги принципи келиб чиқади. Эътиборни шу нарсага алоҳида жалб этиш лозимки, Ўзбекистон Респуб-

---

[1] Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. 172—173-бетлар.

ликаси Конституцияси муқаддимасининг биринчи бошловчи мавзуси «инсон ҳуқуқлари» ғояси бўлиб, халқимиз ва давлатимиз ана шу масалада ўзининг инсон ҳуқуқларига чексиз содиқлигини эълон қилади.

Асосий қонунимизнинг барча қоидалари мажмуи мушоҳада қилиб кўриладиган бўлса, Ўзбекистон давлати — **конституциявий давлатдир.**

Конституциявий давлат деганда, давлат ҳокимияти идоралари конституцияда белгиланган тартиб ва принциплар асосида шакллантириладиган ва конституциявий нормаларга қатъий риоя этган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширадиган давлат аппарати тушунилади.

Конституциявий давлат — мамлакатнинг бутун ҳудудида ва давлат фаолиятининг барча соҳаларида конституциянинг, қолаверса, жорий қонунларнинг устунлиги таъминланган давлатдир. «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар» (15-модда). Мамлакатда чиқариладиган бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (16-модда).

Роман-герман ҳуқуқий тизимига кирувчи барча мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда қонуннинг устунлиги демократик конституциявий давлатнинг асосий принципи ҳисобланади. Бу ерда мазкур принцип, аввало, конституциянинг устунлигини назарда тутади. Башарти, қонунни қўлловчи ижроия ҳокимият органи (мансабдор шахс) ёки суд ушбу қонун конституцияга зидлигини аниқласа, масалани бу қонун асосида эмас, балки конституция асосида ҳал этиши лозим.

Давлатнинг конституциявийлиги — унинг суверенитетининг ҳуқуқ, конституция билан чекланганлиги, қонунлар конституция қоидаларининг мазмуни ва маъносига мувофиқ қабул қилиниши ҳамда қўлланилишидир. Пировардида, давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ваколатларини адо этиш, қонунларни яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш конституцияда мустаҳкамланган мақсад, идеаллар ва жамият қадриятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши лозим.

Конституциявий давлатда қонун устунлиги принципининг мантиқий давоми сифатида яна икки принцип: «Қонун билан тақиқланмаган барча нарсага рух-

сат этилади» (фуқаролар учун) ҳамда «Фақат қонунда мустаҳкамланган нарсагагина рухсат этилади» (давлат органлари ва мансабдор шахслар учун) амал қилади.

Биринчи принцип фуқароларнинг ҳаракатланиш эркинлиги ва имкониятларини кенгайтиради. Қонунда ман этилмаган, тақиқланмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни содир этиш мумкин бўлади ва бунинг учун юридик жавобгарлик келиб чиқмайди.

Иккинчи принципнинг маъноси шундаки, бунда давлат идоралари ва мансабдор шахслар ўзларининг қонунда белгиланган ваколатлари доирасида, уларга айнан мос равишда ҳаракатланишлари лозим бўлади. Ҳокимиятнинг бу субъектлари конституцияда, қонунда назарда тутилмаган хатти-ҳаракатни содир этишлари, қонундан ташқари ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин эмас. Борди-ю, давлат идоралари ва мансабдор шахслар конституция ва қонун уларга берган ваколатлар чегарасидан ташқари чиқадиган бўлсалар, жамият манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етиши мумкин.

Конституциявий давлатда ҳокимиятнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши конституцияда мустаҳкамлаб қўйилади. Конституцияда назарда тутилмаган ҳокимият органларини ташкил этиш мумкин эмас. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади (7-модданинг 2-қисми). Давлат ҳокимияти ваколатларини Конституцияда назарда тутилмаган тартибда ўзлаштириш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий тармокларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади (7-модданинг 3-қисми). Конституция Ўзбекистон халқи номидан гапириш ва иш олиб бориш ҳуқуқини фақат сайланган иккита органга, яъни Олий Мажлис ва Президентга беради (10-модда). Шу билан бирга, Президент ўз конституциявий ваколатларини бажариш ҳуқуқини бошқа давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас (93-модда).

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида тузилиши назарда тутилган давлат идораларига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республи-

каси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, Олий ва маҳаллий судлов ва прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва давлат қўмиталари, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашлари ҳамда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси органлари, Қуролли Кучларни бошқариш органлари ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари, банк, молия ва солиқ идоралари.

Ушбу санаб кўрсатилган барча давлат органлари Конституция асосида ташкил этилади ва ўз фаолиятини конституциявий ваколатлар ҳамда шу асосда қабул қилинадиган қонунларда ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланадиган ваколатларга мувофиқ ҳолда амалга оширадилар. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисидаги конституциявий қонуни, Конституциявий суд тўғрисидаги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуни, Судлар тўғрисидаги қонуни, Прокуратура тўғрисидаги қонуни ва бошқа қонунлари мавжуд бўлиб, улар давлат органларининг ҳуқуқий мақомини, фаолияти йўналишларини, ваколатлари кўламини белгилайди.

Шундай қилиб, конституциявий давлат, энг аввало, давлатнинг ҳуқуқ билан узвий боғлиқлигидир. Конституция эса — инсон ва фуқаронинг шу ҳокимият томонидан кафолатланган ҳуқуқларини мустаҳкамлайди ва ана шу ҳуқуқларга мутаносиб тарзда давлат ҳокимиятини чеклайди. Бошқача айтганда, Конституция — давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолият юритишининг ҳуқуқий расмийлаштирилиши бўлиб, бу ҳокимиятнинг фуқаролик жамияти бошқа субъектлари билан муносабатини тартибга солади.

Демократик конституциявий давлатда эркинлик, мустақиллик ва мулкка эгалик қилишнинг кафолатлари тизими конституцияда мустаҳкамланган бўлиши, конституциявий нормалар бевосита амал қилиши ҳамда бу борада конституциявий назоратнинг самарали механизми мавжуд бўлиши талаб этилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ўз Асосий қонунига мувофиқ яшаётган, уни қатъият ва собитқадамлик билан ҳаётга жорий этиб бораётган конституциявий давлатдир.

3-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМИ

Ўзбекистон жамияти ҳар қандай кишилик жамияти сингари серқирра, мураккаб ижтимоий тизимдир. Тизимлилик жамиятнинг табиий ҳолати ва мавжудлигининг зарур шартидир. Жамият нисбатан йирик тизимли ҳодиса сифатида, ўз навбатида, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий тизимларнинг мажмуидир. Мазкур мустақил тизимларнинг ҳар бири ҳақида дарсликнинг тегишли бобларида мавруди билан баён қиламиз, ҳозир эса асосий эътиборни сиёсий тизим масалаларига қаратамиз.

Сиёсий тизим — халқ иродасига мувофиқ сиёсий ҳокимиятни амалга оширишга хизмат қилувчи сиёсий ташкилотлар (давлат, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат уюшмалар), сиёсий нормалар, принциплар, институтлар, жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги ва муштарак йиғиндисидир. Ушбу тизимга кирувчи элементлар нафақат сиёсий ҳокимиятни амалга оширишни, балки жамиятга оқилона сиёсий раҳбарликни таъминлайди.

Сиёсий тизим инсонлар фаолиятининг алоҳида соҳаси — сиёсат, сиёсий муносабатлар ва алоқалар соҳаси билан боғлиқдир. У муайян сиёсий ироданинг маҳсули сифатида вужудга келади ва бу ироданинг амалга оширилишига сафарбар этилган воситаларнинг институциявий (ташкилий-тузилмавий) расмийлашган шакли тарзида намоён бўлади. Сиёсий тизим кишилар ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг барқарор шакли бўлиб, унинг ёрдамида жамият аъзоларининг барчасига нисбатан ҳокимият таъсири амалга оширилади ёхуд қатъий иродавий қарор қабул қилинади.

«Сиёсий тизим» талқинига чуқурроқ кириб бориш, унинг моҳиятини англаб етиш учун «сиёсат» ва «система» (тизим) ибораларининг луғавий ҳамда илмий маъносини аниқлаш лозим.

«Сиёсат» — юнонча «политика» сўзининг таржимаси бўлиб, унинг маъноси «давлатни бошқариш санъати», «давлат ишлари» демакдир.

Қадимги юнон файласуфи Демокритнинг фикрича, «сиёсат — давлатни идора этиш, бошқариш маҳоратидир». Платон (Афлотун) бу фикрни давом эттириб, сиёсатни ҳукмдорнинг санъати сифатида, яъни шоҳнинг одамларни (жамиятни) бошқариш соҳасида-

ги билим ва қобилияти сифатида таърифлайди. «Сиёсат санъатининг моҳияти, — дейди у, — давлатнинг умумий ҳаётини оқилона ташкил этиш ва олиб бориш қобилиятида, сиёсий «матони» тўқиш қобилиятида намоён бўлади».

Бугунги кунда сиёсат — давлат ишларида иштирок этиш, давлатни йўналтириб туриш, унинг шаклини, вазифаларини, фаолиятининг мазмунини белгилаш деб талқин қилинади. Сиёсат — турли ижтимоий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятига муносабатининг ифодасидир. Инглиз сиёсатшунос олимлари Г. Понтон ва П. Жилл сиёсатни қуйидаги уч жиҳатнинг муштарак бирлиги тарзида изоҳлайдилар:

1) кишиларнинг ижтимоий масалаларни тушуниш ва ҳал этиш усуллари;

2) бу фаолият асосида ётувчи принциплар;

3) айрим шахс ёки гуруҳнинг вазият устидан назоратни қўлга киритиш ва уни сақлаб қолиш воситаси.

Ғарб сиёсатшунослигида кенг тарқалган нуқтаи назарга кўра, сиёсат — жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг манфаатларини муросага келтириш, уйғунлаштириш асосида оқилона қарор қабул қила олиш қобилиятидир.

«Система» ибораси сўнгги 40—50 йил давомида фалсафа фанида чуқур тадқиқ этиб келинмоқда ва уни ижтимоий ҳаёт соҳасига кенг жорий этиш расм бўлиб бормоқда. Ижтимоий, шу жумладан ҳуқуқий ҳодисаларга системали ёндашиш реал воқеликнинг туб моҳиятини теран англашга, уларнинг атрофдаги бошқа ҳодисалар билан узвий алоқадорлик ва ўзаро таъсир ҳолатида ривожланишини англаб етишга кўмаклашмоқда. Ягона система — ўзаро узвий алоқадор ва чамбарчас боғлиқ қисмлар (предмет, жараён, воқеалар)нинг бир бутун сифатида ҳаракатланиши, мавжуд бўлишидир.

Фалсафий талқинга мувофиқ, **«система» (қисмлардан таркиб топган бутун, бирикма) — ўзаро муносабатда ва алоқадорликда бўлган элементлар йиғиндиси бўлиб, муайян яхлитликни, бир бутунни ташкил этади**[1].

Системанинг муҳим жиҳати — структуравий хусусиятнинг борлиги, яъни воқеликнинг ички таркибий қисмларга эгалиги, бу қисмлар орасида поғонали бўйсу-

---

[1] Философский энциклопедический словарь. М., 1983. 160-бет.

ниш мавжудлиги ҳамда бу қисмларнинг нисбий мустақиллиги[1].

Системанинг мазкур сифатларига эътибор қаратишимизнинг боиси сиёсий тизим таркибига кирувчи қисмлар ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд эканлигини чуқур тушуниш ва улар ўртасидаги муносабатларнинг узвий боғлиқлиги ва диалектикасига эътиборни жалб этишдир.

Сиёсий ва ҳуқуқий адабиётларда сиёсий тизимнинг таркибий тузилиши қуйидаги қисмлардан иборат деб кўрсатилади:

ташкилий жиҳат — давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар;

меъёрий жиҳат — ҳуқуқ, сиёсий норма ва анъаналар, сиёсий ҳаёт доирасидаги ахлоқ ва маданият қоидалари;

алоқалар тизимига оид жиҳат — сиёсий институтлар ўртасидаги алоқа воситалари ва шакллари: сайловлар, референдумлар, оммавий муҳокамалар, мажлислар, давлат ва сиёсий партияларнинг аҳолига мурожаатлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ва ҳоказо;

мафкуравий жиҳат — жамиятда ҳукмрон сиёсий онг, уни йўналтирувчи сиёсий мафкура.

Сиёсий тизимни бундай тушуниш унга комплекс ёндашишни таъминлайди. Юқоридаги талқиндан келиб чиқиб, сиёсий тизимнинг қуйидаги асосий таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

1) сиёсий ва ҳуқуқий нормалар;
2) сиёсий тузилмалар (институтлар);
3) сиёсий фаолият;
4) сиёсий онг;
5) сиёсий маданият.

Сиёсий ва ҳуқуқий нормалар — Конституция, кодекс, низом, партиявий ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидалар бўлиб, улар сиёсий муносабатларни тартибга солишга ва ривожлантиришга йўналтирилган бўлади.

Сиёсий тузилмалар (институтлар) — сиёсий ва давлат ташкилотлари, улар ўртасидаги муносабатлар, институтлар ҳамда муассасалар йиғиндисидир. Бунда сиё-

---

[1] *Блауберг И. В., Юдин Б. Г.* Понятие целостности и его роль в научном познании. М., 1972. 16-бет; *Афанасьев В. Г.* Системность и общество. М., 1980. 21—31-бетлар.

сий фаолият, ҳаракатлар ва муносабатни амалга оширишнинг ташкилий жиҳати назарда тутилади.

Сиёсий фаолият — жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш тизимини муҳофаза этиш, ривожлантириш ҳамда функционал жиҳатдан таъминлашга қаратилган фаолият тури.

Сиёсий онг — ижтимоий онгнинг бир тури, сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизмларини акс эттирувчи ва кишиларнинг сиёсий муносабатлар соҳасидаги хулқ-атворини йўналтирувчи тафаккурнинг намоён бўлишидир. Сиёсий онг — сиёсий назариялар, дастурлар, таълимотлар тарзида, шунингдек, сиёсат ҳақидаги оддий инсоний қарашлар, тасаввурлар ва анъаналар кўринишида бўлиши мумкин.

Сиёсий маданият — сиёсий бирлик, жамоа аъзолари томонидан ўз фаолияти ва муносабатларини тартибга солиш бобида қабул қилинган қадриятлар, сиёсий ғоялар, рамзлар, эътиқодлар тизимидир.

Сиёсий тизимнинг марказий таркибий бўғинини, ўзагини — **давлат** ташкил этади. Давлат сиёсатни шакллантирувчи, амалга оширувчи ва жамиятни бошқарувчи муҳим зарурий ташкилий тузилмадир. Давлат сиёсий тизимга кирувчи барча элементларни мувофиқлаштирувчи, уларнинг ҳаракатига (фаолиятига) сиёсий мазмун бағишловчи, система ҳосил қилувчи бўғиндир. Сиёсий тизимнинг вазифа ва функцияларини адо этишда давлат ниҳоятда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон сиёсий тизимининг қонуний асосларини ташкил этади. Унда давлат, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми, ўзаро алоқалари ҳамда фаолиятининг асосий принциплари белгиланган.

Сиёсий тизимнинг амал қилиши, фаолият кўрсатиши мазкур институт ҳақидаги конституциявий қоидаларнинг рўёбга чиқишини ва ҳаётга татбиқ этилишини англатади.

Сиёсий тизимнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, халқнинг сиёсий иродасини аниқлаш, ифодалаш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

иккинчидан, халқ оммасини жамият ва давлат олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш;

учинчидан, жамиятни уюштириш ва бошқариш, жа-

мият ривожининг қонуниятларини аниқлаш ва илмий асослантирилган механизмларни яратиш.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг моҳияти — халқ ҳокимиятчилигининг амалга оширилишидан, ҳокимиятнинг халқ манфаатига бўйсундирилганлигидан иборат. Зеро, унинг социал базасини халқ ташкил этади. Республикамиз сиёсий тизимининг *мақсади:*

1) Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамиятини вужудга келтириш;

2) демократик ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш;

3) ижтимоий-сиёсий ҳаётда демократик муҳитни, сиёсий барқарорликни, миллатлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими қуйидаги *вазифаларни* бажаради:

— Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини таъминлаш;

— мамлакатдаги сиёсий кучларни юқоридаги мақсадлар йўлида бирлаштириш;

— жамиятда сиёсий раҳбарликни амалга ошириш, унда демократик принципларни қарор топтириш;

— бозор иқтисодиёти муносабатларининг муваффақиятли ривожланиши учун тегишли сиёсий шарт-шароит ва ҳуқуқий замин яратиш;

— қонуннинг устунлигини таъминлаш;

— жамиятда маънавий барқарорликни таъминлаш учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ва шу асосда янги авлодни — комил инсонни тарбиялаш.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

биринчидан, сиёсий, иқтисодий ва ғоявий манфаатларнинг бирлиги; халқни ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга сафарбар қилиш;

иккинчидан, ўзбек халқининг миллий, маънавий ва маданий қадриятлари, тарихий мероси билан замонавий демократик қадриятлар ва принципларни ҳамоҳанг бирлаштириш ва шу йўл билан ривожланишнинг маърифий даражасига эришиш.

Мамлакатдаги сиёсий тизим ўз фаолиятида Конституцияда белгиланган асосий принципларга таянади. Булар:

1) давлат суверенитети;

2) инсон ҳуқуқларининг муқаррар таъминланиши;

3) Конституция ва қонунларнинг устунлиги;

4) халқ манфаатларининг биринчи ўринга қўйилиши, ижтимоий адолат ва демократия талабларига қатъий риоя этиш;

5) ҳокимиятлар тақсимланиши;

6) ҳурфикрлилик ва кўппартиявийлик, ошкоралик ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида таъкидланганидек, мамлакатда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади (12-модда). Сиёсий тизимни демократик тарзда фаолият кўрсатишига кафолат берувчи конституциявий қоидалардан бири оппозиция (мухолифат) ҳуқуқларининг таъминланишидир. «Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас» (34-модданинг 2-қисми).

Шундай қилиб, Конституцияда Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган.

4-§. ЎЗБЕКИСТОН — РЕСПУБЛИКА ШАКЛИДА БОШҚАРИЛАДИГАН ДАВЛАТ

Ўзбекистон суверен давлат сифатида ўз давлат бошқаруви шаклини мустақил белгилайди. Давлатнинг бошқарув шакли доирасида давлат ҳокимияти олий органларининг ташкил этилиши, уларни шакллантириш тартиби, фаолият юритиш асослари ҳамда ҳокимиятни амалга ошириш усуллари, марказий ва маҳаллий ҳокимият идораларининг ўзаро алоқалари тизими қамраб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида **«Ўзбекистон демократик республика»** деб эътироф этилган. Республика шаклидаги давлат бошқарувининг асосий сифатловчи белгиси шундаки, бунда давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошлиғи сайлаб қўйилади ҳамда улар муайян муддат ўтгач алмаштирилиши мумкин. Худди мана шу жиҳати билан давлатнинг республика шакли монархиядан (яъни, якка ҳокимлик ҳукм сурадиган ва ҳокимият ваколатлари ворислик асосида мерос бўлиб ўтадиган давлат бошқарув шаклидан) фарқ қилади.

Соф назарий маънода олганда, республика шаклидаги давлатни демократик деб, монархия шаклидаги давлатни эса авторитар, нодемократик деб ҳисоблаш қабул қилинган. Лекин тарихда шундай мисоллар борки, улар баъзан бизнинг назарий қарашларимизга (стереотипларимизга) ўз тузатишларини киритади. Масалан, монархия давлати ҳисобланадиган Буюк Британияда аллақачонлар демократик давлатчилик асослари ва тегишли бошқарув қарор топган. Бироқ республика шаклидаги давлат ҳисобланган собиқ Совет Иттифоқида тоталитар давлат бошқарув шакли ривож топган эди. Ёки монархия давлати бўлмиш XIX асрдаги Россия асло демократик конституциявий давлат бўлмаган. Айни вақтда, Франция Республикаси аллақачондан бери демократик конституциявий давлатдир.

Лекин республика шаклидаги давлатларда монархияга нисбатан демократияга ҳамоҳанглик, конституциявий анъаналарни ривожлантиришга мойиллик кўпроқдир. Ваҳоланки, конституциявий монархиялар ўз табиатига кўра тоталитар республикаларга нисбатан демократияга яқин туради.

Конституция давлатнинг республика шаклини ўрнатар экан, аввало унинг қуйидаги белгиларини мустаҳкамлайди:

биринчидан, давлат ҳокимиятини ҳаддан зиёд муддат якка тартибда эгаллаб туришдан холи бўлиш;

иккинчидан, мустабид тузумга олиб борувчи идеал мақсадлардан тийилиш, аксинча, оқиллик ва ижобий тажрибага асосланиш;

учинчидан, давлат бошқарувини амалга оширадиган идораларни тузишда фуқаролик жамияти ва шахс манфаатларидан келиб чиқиш;

тўртинчидан, давлат ҳокимият идораларини сайлов асосида ва қатъий белгиланган муддатга тузиш.

Республика шаклидаги давлат бошқарувига демократия мос келади, демократияни қарор топтириш учун эса республика шакли айни муддаодир. Аслида демократиянинг ўзи давлат шакли саналади. Шу боис демократия республика шаклидаги давлатнинг мазмунмоҳиятини янада тўлдиради.

Республика кўринишидаги демократия эркинлик учун ижобий хизмат қилади, унинг ривожланишига кўмаклашади, ижтимоий тенгликни юзага келтиради, сайловлардаги тенглик, давлат мансабларига эришишдаги тенг ҳуқуқлилик, таълим олиш ва мулкка эга бўлиш

соҳасидаги тенглик, сиёсий ироданинг шаклланишида қатнашиш ҳамда давлат ҳокимиятига даъвогар кучларни ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этишдаги имкониятлар тенглиги ана шу ерда намоён бўлади.

Республиканинг икки асосий тури мавжуд: **президентлик** ва **парламент республикаси**. Президентлик республикасида Президент ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ва давлат бошлиғи мақомини ўз қўлида сақлаб қолади. Президентлик республикасининг ўзига хос томонлари — Президентнинг парламентдан ташқари сайланиши (тўғридан-тўғри ёки билвосита сайлов йўли билан) ва ҳукуматнинг парламентсиз шакллантирилиши.

Парламент республикасида давлат ҳокимиятининг олий органи парламент бўлиб, ҳукумат унинг олдида ҳисоб беради. Парламент республикасида президентлик республикасидан фарқли ўлароқ ҳукумат парламентдаги кўпчилик уни қўллаб-қувватлаб турган давр да фаолият юритаверади.

Демак, ҳукуматни ким тузиши ва у кимга ҳисобот беришига қараб, парламент ёки президент устунлиги белгиланади. Агар ҳукуматни парламент шакллантирса ва ҳукумат парламент олдида ҳисоб бериб, парламентлик ҳузурида ваколатларни ўзидан соқит этса, бу парламентлик республикаси бўлади. Парламентнинг мавқеи устун давлатларда президентни ҳам парламент сайлайди.

Том маънодаги президент республикаларида президент халқ томонидан сайланади. Президент давлат бошлиғи сифатида ҳукуматни тузади ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилади.

Энди ана шу юқоридаги республика бошқарув шаклини тавсифловчи асосий белги ва сифатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қанчалик акс эттирилганлигини кўриб чиқайлик.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг тизими республикачиликка хос демократик принциплар бўлмиш — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши қоидаларига асосланади (11-модда).

Қонун чиқарувчи ҳокимият мамлакатнинг вакиллик органи бўлмиш Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган депутатлардан иборат.

Жойларда ҳокимиятнинг вакиллик органлари вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашлари бўлиб, улар ҳам беш йил муддатга сайланади (101-модда).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига Ўзбекистон Республикасининг ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил мудатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати — Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва Олий Мажлис тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз фармонлари билан Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади. Ҳукумат Президент олдида ҳисоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик судини сайлайди.

5-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ — ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ

«Дунёвий давлат» тушунчаси давлат билан дин ўртасидаги нисбатни, аниқроғи, давлатнинг динга муносабатини, диндан холи мавжуд бўлиши ва ривожланишини англатади. Тарихдан маълумки, қатор мамлакат-

ларда диний мафкура давлат мафкураси даражасига кўтарилган ёки баъзи давлатлар тамомила диний моҳиятига эга бўлган.

Милоддан аввалги V—I асрларда «теократик» давлатлар ҳукм сурган («теократия» юнонча сўз бўлиб, thoos — худо ва kratos — ҳокимият, бошқарув маъносини англатади). Бундай давлатларда ҳокимият черков бошлиғи ёки руҳоний раҳбар измида бўлган. Давлат бошқаруви, суд ҳокимияти ва бошқа давлат институтлари, авваламбор, диний эътиқод қонун-қоидаларига асосланган. Ҳозирги замоннинг типик теократик давлати сифатида Ватикан давлатини кўрсатиш мумкин, уни Рим Папаси бошқаради.

Бугунги кунда дунёда расмий давлат дини ёки давлат миқёсида черковнинг нуфузли мақомга эга бўлганлиги ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, Англияда — англикан дини, Швеция, Норвегия, Дания, Исландияда — евангелия, Лютеран диний оқими, Португалия, Ирландияда — католик черкови ҳукмронлиги, Грецияда — шарқий православ диний йўналиши, Иордания, Сурия, Миср, Эрон, Ироқда — ислом дини, Исроилда — яҳудийлик дини ана шундай ҳукмрон мавқега эга. Бу давлатларда санаб ўтилган динларнинг имтиёзли ҳолати, устунлик мақоми конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилган.

Бошқа бир қатор мамлакатларнинг қонунларида расмий давлат дини назарда тутилмайди, аксинча, барча динларнинг тенглиги ўрнатилган. Бундай давлатлар қаторида ГФР, Италия, Япония каби давлатларни кўрсатиш мумкин.

Дунёвий давлат деганда ҳеч бир динга давлат дини, расмий дин мақомини бермайдиган, қонуний имтиёзларни назарда тутмайдиган, динининг сиёсийлашувига йўл бермайдиган, таълим тизими ва давлат бошқарувини дин таъсиридан холи қилиб, ўз юрисдикциясида тутувчи давлатлар тушунилади.

Дунёвий давлат учун истиқболли муносабат шакли — давлатнинг диндан ажратилганлигидир. Бундай давлатлар қаторига АҚШ, Франция, Россия Федерацияси, Болгария, Ўзбекистон Республикаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси демократик тараққиёт йўлидан бораётган дунёвий маърифий давлатдир.

Диннинг жамиятимиздаги ўрнини белгилашда, давлат идоралари билан диний ташкилотларнинг ўзаро му-

носабатини ҳуқуқий жиҳатдан оқилона тартибга солишда Конституция ва қонунлар алоҳида ўрин тутади. Жумладан, Ўзбекистон Конституцияси фуқароларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини кафолатлайди. Асосий қонуннинг 31-моддасида шундай қоида мустаҳкамланган: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Виждон эркинлиги ва эътиқод ҳурлигини ўрнатувчи конституциявий қоидаларнинг амал қилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда 1998 йил 1 майда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) қонун қабул қилинган[1]. Қонун виждон эркинлигини фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқи сифатида талқин этади. Дунёвийликка интилаётган давлатимизнинг дин билан муносабатини ифодаловчи асосий принциплар Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида аниқ баён этилган. Улар қаторига, хусусан, қуйидагилар киритилган:

1) диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

2) диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

3) диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

4) маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;

5) диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Якуний принцип «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактнинг 18-моддасига тўла мувофиқ келади. Мазкур моддада ҳар бир инсоннинг ҳур фикрлаш, виждон ва дин эркинлигига бўлган ҳуқуқини

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. № 5—6. 99-модда.

мустаҳкамлаш билан бир қаторда, қуйидагилар таъкидланган: «Дин ёки эътиқод эркинлигига қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқни сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиш мумкин»[1].

Қонун жамият манфаатлари ва инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиб,

биринчидан, диний ташкилотлар ва дин хизматчиларига диний ибодатхоналарни сиёсий минбарга айлантиришни тақиқлайди;

иккинчидан, диндорларни ўз фуқаролик бурчларини адо этишдан чалғитишларини ман этади;

учинчидан, фуқароларни ижтимоий-сиёсий, давлат-ҳуқуқий ва маданий ҳаётда фаол иштирок этишдан қайтарувчи тарғибот олиб боришларининг олдини олади.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун, **бир томондан,** диний эътиқод эркинлигини, диний ташкилотлар фаолияти батартиб амалга оширилишини таъминласа, **иккинчи томондан,** диндан ғаразли мақсадда фойдаланувчилар, ўрнатилган ҳуқуқий нормалар чегарасидан чиқувчиларнинг қатъий юридик жавобгарликка тортилишини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар кимнинг виждон эркинлиги кафолатланар экан, айни вақтда, мамлакатда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканликлари, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканликлари мустаҳкамланган (18-модда). Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, — дейилади Қонуннинг 4-моддасида, — динга муносабатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқароларнинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

Қонун демократик давлатнинг динга нисбатан юритадиган сиёсатининг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Унинг мазмуни қуйидагича: Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга

---

[1] *Каримов И.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. 43—44-бетлар.

ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди (5-модда).

Давлат билан дин ўртасидаги муносабатлар моҳиятини англашда Ўзбекистон Конституциясининг 61-моддаси алоҳида ўрин тутади. Унга мувофиқ, «диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди». Диннинг давлатдан ажратилганлиги қуйидагиларни билдиради:

биринчидан, диний конфессиялар, ташкилотлар ва дин хизматчилари фаолиятини бир мақсадга — фуқароларнинг диний эҳтиёжларини қондиришга, фақатгина диний ибодат ва маросимларни адо этишга йўналтириш (лозим бўлса, уларни шу йўналиш доираси билан чеклаш);

иккинчидан, диний муассаса ва ташкилотлар зиммасидан давлатга тегишли бирон-бир функцияни бажариш вазифасини соқит қилиш;

учинчидан, давлат томонидан ҳеч бир диний конфессияга моддий ёрдам кўрсатмаслик ва уларнинг ҳеч бирига ҳеч қандай имтиёз бермаслик;

тўртинчидан, давлат диний ташкилотларнинг фуқаролар диний эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмаслиги.

Қонуннинг 5-моддасида: «Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат функцияларини бажаришга даъво қилмайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятни маблағ билан таъминламайди», — дейилган.

Ўзбекистон Республикасида диний хусусиятга эга бўлган сиёсий партия ва жамоат ҳаракатлари, шунингдек, мамлакатдан ташқарида тузилган диний партия-

ларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасида турли йўналишдаги 15 та диний конфессия (мусулмонлик, насронийлик, иудаизм, буддизм ва бошқалар) ўзларининг расмий ташкилотларига эга бўлган ҳолда фаолият юритмоқдалар. Уларнинг ташкилотлари диний жамиятлар, масжид, черков, синагога, монастир каби кўринишларга эга.

Ҳозирги кунда юртимизда 1804 та мусулмонлар масжидлари мавжуд. Шунингдек, 13 та диний мадраса фаолият кўрсатмоқда. Айни вақтда, насроний, буддизм ва яҳудий динларига оид 50 дан ортиқ ташкилот ҳамда муассасалар расмий рўйхатдан ўтган ҳолда иш олиб бормоқдалар.

1997 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан Тошкент Ислом университети ташкил этилди. У ислом тарихи ва фалсафаси, ислом манбашунослиги ва мусулмон ҳуқуқи мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрламоқда. Ушбу олий таълим муассасалари ҳар йили 100 дан ортиқ талабаларни ва 30 дан ортиқ магистрант ва аспирантларни ўқишга қабул қилади. Университет қошида, шунингдек, Исломшунослик илмий тадқиқот маркази, қўлёзма манбалар хазинаси ва академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

Диний ташкилотларнинг кўнгиллилиги, ихтиёрийлиги, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият юритиши уларнинг ўта муҳим белгилари ҳисобланади.

Диний ташкилотлар тўғрисидаги амалдаги қонунларга мувофиқ, давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоиданинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун

хужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазйиқ ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек, яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади.

Қонунда белгиланишича, диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойларидаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга оширади. Давлат фақат уларнинг уставларини рўйхатдан ўтказади, яъни инобатга олади ва диний ташкилотларнинг ички тартиб-қоидаларини ҳурмат қилади. Диний ташкилотлар уставларининг руҳи ва мазмуни амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги керак.

Диний ташкилотлар раҳбарларининг ташкилот уставини давлат органларида рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 240-моддасига мувофиқ, нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилот раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга қамоққа олишга сабаб бўлади.

Айнан шундай хатти-ҳаракатлар улар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, унга жиноий жазо қўлланади, яъни энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима

ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (Жиноят кодексининг 216^2-моддаси).

Диний ташкилотларнинг фаолияти ўз уставига мувофиқлигини назорат қилиш диний ташкилотни рўйхатга олган орган томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотларнинг фаолият кўрсатишига йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Мутасадди ташкилотлар диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этишлари мумкин. Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида рўйхатга олишни рад этиш ваколати ва унинг асослари мустаҳкамланган: «Агар диний ташкилот уставининг қоидалари ва бошқа ҳужжатлари ушбу Қонун ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига зид бўлса, уни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин.

Диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилганда рад этиш асослари кўрсатилган қарор ёзма равишда аризачиларга юборилади. Диний ташкилот тузиш ташаббускорлари уставларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирганларидан сўнг, уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан тегишли тарзда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки унинг жойлардаги органларига қайтадан мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Диний ташкилотни рўйхатга олишнинг рад этилганлиги ёхуд адлия органлари томонидан ушбу Қонун талаблари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин».

Диний ташкилотнинг фаолияти у ўзини ўзи тарқатиб юборганда ёки ушбу қонуннинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари бузилган тақдирда тугатилиши мумкин.

Диний ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор уни рўйхатга олган орган томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин (Қонуннинг 13-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, давлат таълим тизими диндан ва диний ташкилотлар таъсиридан ажратилган. Давлат таълим тизими эркин, дунёвий мазмунга эга бўлиб, мафкуравийликни инкор этади. Ўз навбатида, давлат мамлакат

фуқароларига, уларнинг динга муносабатидан қатъи назар, таълимнинг барча турлари ва даражаларидан баҳраманд бўлиш имкониятини таъминлаб беради.

Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда юқоридаги конституциявий принципдан келиб чиқиб: «Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди», — деб белгиланган (Қонуннинг 7-моддаси). Шунингдек, қонунда вояга етмаган болаларни, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга жалб этиш тақиқланди. Бунда диний ўқишга жалб этилаётган ёшларнинг, уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслар (васийлар ва ҳомийлар)нинг ёзма розилиги талаб қилинади.

Ижтимоий адолат ва холислик принципларидан келиб чиқиб, қонун Ўзбекистон фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар таъмин этилишини назарда тутади. Муайян диний эътиқод эгаси бўлган шахс давлат таълим муассасаларида (масалан, коллеж ёки давлат олий ўқув юртида) дунёвий илм олиш мақсадида бўлса, унинг динга муносабатидан қатъи назар, мазкур ҳуқуқи таъминланади.

Диний таълим махсус диний ўқув юртларида амалга оширилади. Диний ўқув юртлари ҳам қонунга мувофиқ диний ташкилотнинг бир тури ҳисобланиб, улар тегишли тарзда рўйхатдан ўтказилади ва юридик шахс мақомига эга бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаёт ва тараққиёт қонуниятларини илмий англаб етишга асосланган маърифий, демократик, маданий, дунёвий давлатчилик барпо этиш йўлидан бормоқда. Мазкур стратегик сиёсат инсоннинг эркин камол топиши, ҳурфикр бўлиши ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини монеликсиз амалга оширишга йўналтирилгандир.

X б о б.
ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

*** МУСТАҚИЛЛИК, ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ ВА КОНСТИТУЦИЯ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯДА МУСТАҲКАМЛАНИШИ**
*** ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ ВА БЕВОСИТА ДЕМОКРАТИЯНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ РАМЗЛАРИ**

1-§. МУСТАҚИЛЛИК, ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ ВА КОНСТИТУЦИЯ

Мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият ва давлат бунёд этишда ўз андазасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш режасини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни инобатга олган ҳолда, адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш, бозор муносабатларига ўтиш, мустақил давлат манфаатларининг устунлигига ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатнинг аниқ принципларини ва йўналишларини белгилаб олди.

Мустақил Ўзбекистон биринчи Конституциясининг қабул қилиниши айни шу эзгу мақсадларнинг ҳуқуқий кафолатидир. У мустақил ҳуқуқий йўлимизнинг ва миллий ҳуқуқларимиз тизимининг таянч пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу

маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир»[1].

Конституциямизнинг муқаддимасида Ўзбекистон халқи ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлида қайси сиёсий ва ҳуқуқий негиз ва принципларга таяниши аниқ кўрсатиб берилган. Бу негиз ва принциплар:

биринчидан, жаҳоннинг маърифий ривожланган мамлакатларида умум эътироф этган инсон ҳуқуқларига ҳамда давлат суверенитети ғояларига содиқлик;

иккинчидан, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш;

учинчидан, ўзбек миллий давлатчилигининг бой тарихий тажрибасига таяниш;

тўртинчидан, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига садоқат;

бешинчидан, халқаро ҳуқуқнинг бутун жаҳонда эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш;

олтинчидан, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш;

еттинчидан, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш;

саккизинчидан, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини кафолатлаш.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси чинакам демократик конституциядир, у тарихда синалган умумбашарий ҳуқуқий қадриятларни ўзида мужассам этган. Ҳақиқатан ҳам, «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун шарт-шароит яратишдир»[2].

---

[1] *Каримов И. А.* Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.: Ўзбекистон, 1993. 6-бет.

[2] *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1993. 74-бет.

Инсон ҳуқуқларига оғишмай амал қилиш ва демократия каби умуминсоний қадриятлар Ўзбекистоннинг давлатчилик манфаатларига, халқининг ўзига хослигига, унинг анъана ва урф-одатларига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари бизнинг жамиятимизда Конституция ва қонунлар билангина эмас, балки халқимизнинг ўз онги, унинг маънавий-ахлоқий дунёқараши ва тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезгирлиги билан мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Конституцияси энг ривожланган, тараққий топган демократик давлатларнинг тарихий тажрибаси ва жаҳон конституциявий амалиётига таянган ҳолда яратилган. Конституциямиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принцип ва нормаларига асосланган.

Шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Канада, Германия, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испаниянинг ҳамда Шарқ мамлакатларидан — Япония, Ҳиндистон, Миср давлатларининг конституциявий тажрибасидан ижодий фойдаланилган.

Асосий қонунимизни баҳолашда халқаро холис экспертлар, жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли давлат ва халқаро ташкилотларнинг сиёсатшунос олимлари ва вакиллари фаол қатнашдилар. Ҳеч ким, ҳаттоки мухолифларимиз ҳам Конституциямизнинг демократик моҳиятини ва афзалликларини инкор эта олмади.

«Бизнинг қомус демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини кафолатлайди»[1]. Шу маънода у ҳар қандай илғор давлат конституцияси билан бемалол куч синашмоқда. Шунинг учун ҳам Конституциямиз энг илғор ғояларни ўзида мужассамлаштирганини, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганини бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг маъна-

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 1993. 7-бет.

вий, маданий мероси, миллий тафаккури, муқаддас исломий қадриятлари ва кўп асрлик ўзбек давлатчилиги тажрибаси ҳамда ҳуқуқий анъаналарига асосланган ва уларнинг бой ижобий тажрибасини ўзида акс эттиради.

Ўзбекистон халқининг тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади. Мазкур тарих уч минг йилдан зиёд даврни ўз ичига олади. «Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган»[1].

Маънавий, ахлоқий, илмий, диний ва ҳуқуқий қадриятлар халқимизнинг узоқ асрлик турмуш тарзида, анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Муқаддас она заминимизда одамлар кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик, тантилик, саховатпешалик каби улуғвор хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олган.

Қомусимизнинг маънавий, тарихий асослари сифатида жаҳон маданияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз — Шарқнинг мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳовуддин Нақшбанд, Улуғбек, Навоий, Бобур ва бошқа даҳоларнинг қолдирган маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий мероси намоён бўлмоқда. Уларнинг инсонни маънавий комилликка чорловчи диний-ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари Конституциямизга руҳ бағишлаган.

Конституциямиз халқимизга хос бўлган хусусиятлар: меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга ҳурмат, ақл-заковатга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларга асосланган.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси келажаги буюк давлатнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайди. У инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт принциплари мажмуини ифодалайдиган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўлларини аниқ ифода этган.

---

[1] Ўша жойда. 6-бет.

2-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯДА МУСТАҲКАМЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи боби «Давлат суверенитети» деб номланган. Ушбу бобда Ўзбекистоннинг суверен давлат сифатидаги барча хусусиятлари мустаҳкамланган.

Конституциянинг биринчи моддасида мустақил ўзбек давлатининг туб моҳияти ифодаланган. Авваламбор, Ўзбекистон суверен давлатдир: «Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир»[1]. Ўзбекистоннинг халқимиз орзу қилган чинакам мустақилликни қўлга киритиши, унинг гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши биз кўзлаётган энг олий мақсаддир.

Юртимизда суверен ўзбек давлатчилиги асослари изчиллик билан барпо этилмоқда. Биз мустақилликка бир тарихий тасодиф оқибатида осонгина, ҳеч қандай курашсиз, табиатнинг гўёки бир эҳсони сифатида эришганимиз йўқ. Тарихимизнинг ёркин кунлари билан оғир ва машаққатли саҳифаларини, турли тарихий босқичдаги мустамлакачилик, чет эл босқинчилигининг ҳукмронлик йилларини унутмаслик керак. Аммо ўзининг ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз ҳеч қачон эрксизликка, мустабидликка кўнмаган, доимо ҳуррият ва эрк сари интилган. Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги пойдеворига буюк бобокалонларимиз, авлоду аждодларимиз, гуноҳсиз қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас халқ фарзандлари тамал тошларини қўйган. Шу боисдан ҳам мустақиллик, ҳуррият халқимизга қимматга тушган. Бинобарин, истиқлолимиз қадрига етиб, уни ҳамжиҳатлик билан, бор кучимиз ва иймонимиз билан асраб-авайлаб, келажаги буюк Ўзбекистон давлатини қуриш керак.

1991 йилнинг 31 августида халқимизнинг азалий орзуси, яъни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Ўзбекистон тинч парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчили-

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1992. 23-бет.

гига эришди. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда мамлакатимиздаги кўп миллатли аҳолининг хоҳиш-иродаси мустаҳкамлаб қўйилди ва умумхалқ референдуми буни тасдиқлади. Мустақилликка эришиш ўзбек халқининг ҳаётида буюк ҳодисадир. Бу тарихий воқеа давлатимиз йилномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни бўлиб, халқимизнинг энг табаррук байрами сифатида нишонланади.

Суверенитет — ҳар қандай давлатнинг энг муҳим ажралмас белгиларидан бири. Шу боис ҳам янги тугилган ўзбек давлатининг мустақиллиги, суверенитети Конституциянинг 1-моддасидаёқ қонуний ифодасини топган.

Ўзбекистон — демократик давлат. У инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Ўзбекистонда халқимизнинг бой тажрибасига, маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принциплари қарор топмоқда.

Маъмурий буйруқбозликка асосланган собиқ яккаҳокимлик тизимининг иллатлари қатъиян тугатилди. Кўп партиявийлик, ғоялар ва фикрларнинг хилма-хиллигига тоқат қилиш воқеликка айланмоқда. Собиқ Иттифоқ республикалари ичида биринчи бўлиб 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов кўп партиявийликка асосланган сайловларда муқобил номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан бевосита халқ томонидан сайланди.

Ўзбекистонда давлатнинг бошқарув шакли республикадир. Республика халқ ҳокимияти демакдир. Республика энг асосий умуминсоний ҳуқуқий қадриятлардан биридир. Бошқарувнинг республика шакли давлат идоралари ваколатларини аниқ белгилаб беришни, қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг сайлаб қўйилишини англатади.

Ҳар бир инсоннинг бошқалардан фарқланувчи муҳим жиҳатларидан бири унинг исми шарифи бўлганидек, ҳар қандай давлатнинг ҳам номи унинг ажралмас белгиларидан ҳисобланади. Давлатимизнинг номи «Ўзбе-

кистон» ва «Ўзбекистон Республикаси» айнан бир маънони англатади ва улар муқобил тушунчалар сифатида қабул қилинган. Ўзбекистон давлатининг номи ва унинг рамзлари (герби, байроғи, мадҳияси), халқаро шартномаларда, давлат идораларининг муҳрларида, хизмат ҳужжатлари ва гувоҳномаларида ифодаланади.

Ўзбекистон истиқлолга эришган давлат сифатида ўзининг мустақил сиёсатини юритиши лозим. Бу мустақил сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

биринчидан, миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини аниқлаш. Мазкур қоидалар Конституциянинг тўртинчи бўлимида батафсил баён этилган.

иккинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини белгилаш. Конституциянинг бешинчи бўлими тўлиқ мазкур масалаларга бағишланган.

учинчидан, ўз ички ва ташқи сиёсатини юритиш. Конституциянинг тўртинчи боби, 17-моддасида ташқи сиёсатнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини амалда намоён қиладиган ташкилий давлат тузилмалари шакллантирилди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш принципи изчиллик билан амалга оширилмоқда. Давлат бошқарувининг янги замонавий тизими шаклланмоқда. Мазкур тизимнинг ўзагини президентлик институти ташкил этади. Вилоят, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлик лавозими таъсис этилди.

Ўзбекистон миллий давлати ижтимоий, иқтисодий ва маънавий камолот, истиқлол ва тараққиёт йўлини ишлаб чиқди. Мазкур йўл мустақил Ўзбекистоннинг ички ва ташқи ривожланиш стратегиясини белгилаб берди. Ўзбекистон танлаб олган тараққиёт йўлининг моҳияти ва хусусиятлари Президент И. А. Каримовнинг асарларида, мақолалари ва нутқларида, мамлакатимиз парламенти қабул қилган қонунларда ўз аксини топган. Бу йўл мамлакатимизнинг ўзига хослиги ва манфаатларига, унинг шароит ва имкониятларига, ўзбек халқи турмуш тарзи, урф-одати ва анъаналарига, унинг тарихига, миллий-руҳий, демографик, табиий иқлим, ижтимоий-иқтисодий шароитларига мувофиқ келади.

Ушбу танланган йўлнинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг беш асосий

тамойилларида чуқур таърифлаб берилган. Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг беш тамойили фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки бошқа давлатларда ҳам эътироф этилмоқда.

Мазкур тамойиллар қуйидагилар:

биринчидан, иқтисодиётнинг сиёсатдан устувор бўлиши ва бунинг учун, иқтисодиёт мафкурадан холи этилиши;

иккинчидан, давлат асосий ислоҳотчи бўлиши;

учинчидан, қонуннинг ҳамма нарсадан устун бўлиши;

тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат юргизилиши;

бешинчидан, янги ижтимоий жамият қуриш босқичма-босқич амалга оширилиши керак[1].

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва иқтисодий қудрати бўлинмас, унинг чегаралари эса дахлсиз бўлиб давлат ҳимоясидадир. Мамлакат ҳудудининг яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлиги ҳар қандай давлатнинг муҳим белгиси ва ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий принципларидандир.

3-§. ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ ВА БЕВОСИТА ДЕМОКРАТИЯНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Конституциямизнинг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади» дейилган.

---

[1] Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1992; *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993; *Каримов И. А.* Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., 1994; *Каримов И. А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., 1994.

Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқ иродасини ифодалайди, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат сиёсатини халқнинг хоҳиш-иродаси белгилаб беради. Мазкур сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини фақат конституцияда, қонунларда кўзда тутилган тартибда ва улар асосида тузилган идораларгина амалга оширади. Давлат идоралари фақат қонунда кўрсатилган ваколатлари доирасидагина фаолият кўрсатади. Давлат идораларининг конституция ва қонунга сўзсиз итоат этиши ва шу асосда фаолият кўрсатиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгисидир.

Конституцияда кўзда тутилмаган ҳолларда эса давлат ҳокимияти ваколатини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиш ёки тугатиб қўйиш, давлат ҳокимияти органларига параллел равишда янги тизилмалар ташкил этиш конституцияга хилоф ҳисобланиб, қонунга биноан жавобгар қилишга сабаб бўлади.

Қомусимизнинг энг муҳим хусусиятларидан бири Конституциямизнинг 2-моддасида ўз ифодасини топган. Унда фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Собиқ тоталитаризм даврида бундай фикрни ҳеч ким хаёлига ҳам келтиролмас эди.

Истиқлол шарофати билан ҳар бир инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир. Булар ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик ҳуқуқий ютуқлардан ҳисобланади. Чунки сўнгги 70 йил мобайнида биз советларга қарамлик ҳолатида яшадик. Ҳар бир фуқаро давлат маҳкамасининг кичик мурувати, аҳамиятсиз қисмига айланиб қолганди. Энди эса барча давлат идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар.

Давлатнинг фуқаролар олдида масъуллиги демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Давлат қонун доирасида инсонлар учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи керак. Шунинг учун ҳам давлат халқ иродасини ифодаламоғи, унинг манфаатлари, хоҳиш-истакларига хизмат қилмоғи лозим.

Ўзбекистон давлати халқ манфаатларини ўзининг айниқса ислоҳотчилик фаолиятида ҳимоя қилмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш даврида мураккаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий жараёнларни бошқаришда бебошликка йўл қўймаслик, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган қатламларини қўллаб-қувватлаш давлат томонидан амалга оширилмоқда.

Конституциянинг 8-моддасида қайд этилган қоида жаҳондаги бирор-бир конституцияда учрамайди. Унда конституция даражасида «Ўзбекистон халқи» тушунчасининг таърифи баён этилган. Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида истиқомат ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий ва ирқий мансублигидан, эътиқодидан қатъи назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир.

Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон халқини ташкил этади. Конституция Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва миллий анъаналарини ҳурмат қилишни кафолатлайди.

Конституцияда мустаҳкамланган Ўзбекистон фуқароларининг миллий тенглиги принципи инсон ҳуқуқларига оид барча халқаро ҳужжатларга, жумладан, Ўзбекистон Республикаси номидан унинг Президенти имзолаган Париж хартияси талабларига тўла мос келади. Мазкур принцип мамлакатимиздаги тинчлик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг ҳуқуқий кафолатидир.

«Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади», — дейилади конституциянинг 9-моддасида.

Демократик талаблар асосида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари умумхалқ овози — референдумга чиқарилади. Умумхалқ референдумига иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларга тааллуқли муҳим аҳамиятга молик масалаларни қўйиш кўзда тутилади. Чунончи, 1991 йилнинг 29 декабрида ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи давлат мустақиллиги эълон қилинганлигини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб овоз берди. Энг муҳим қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш анъанага айланди.

Масалан, конституция лойиҳаси рўзномаларда эълон қилиниб, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди. «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонун 2000 йилда қабул қилинди.

Референдум ўтказиш тартиби 1991 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солина бошланди. 2001 йил 29 августда «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида» (янги таҳрири) қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларининг тақсимланиши принципи негизида амалга оширилиши кўрсатилган. «Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти давлатнинг учта асосий таянчидир»[1].

Қонун чиқарувчи ҳокимият Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан, ижроия ҳокимият эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. Суд ҳокимияти Конституциявий Суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда Ўзбекистоннинг ягона суд тизимини ташкил этади.

Конституциянинг бешинчи бўлимида учала ҳокимият идораларининг ўзаро уйғунликдаги фаолият воситалари, шунингдек, мазкур идораларнинг ўзаро бирбирини тийиб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланган.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти идоралари давлат ҳокимиятининг ягона тизимини ташкил этади. Худди ана шу асосда ўзбек демократик ҳуқуқий давлатчилиги барпо этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаёти ва сиёсий тизими мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг якқаҳокимлигидан қатъиян воз кечиш, сиё-

---

[1] Қаранг: *Каримов И. А.* Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.: Ўзбекистон, 1993. 11-бет.

сий партиялар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги конституциявий йўл билан эътироф этилган.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ, етмиш йилдан ортиқроқ ҳукм сурган коммунистик мафкура, синфийлик, яккапартиявийлик иллатлари собитқадамлик билан тутатилди.

Бир сиёсий партиянинг мафкураси давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси — бирон-бир партия мутлақ ҳақиқатга, халқ номидан сўзлашга даъво қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Мазкур конституциявий қоида миллий истиқлол мафкурасини яратиш вазифасини долзарб қилиб қўяди. Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, мурувват, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат қилиши лозим. Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат бирлашмалари, аҳоли турли табақаларининг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топмоғи лозим. У давлатимиз фуқароларини улуғ мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга кўмаклашиши лозим[1].

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қурилмоқда. Чинакам демократиянинг зарурий ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийлик принципи амалда шаклланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига сайловлар кўппартиявийлик принципи асосида ўтказилади.

Ўзбекистон — умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддасдир. Демократия ва инсон ҳуқуқлари сингари умумбашарий қадриятлар Ўзбекистоннинг миллий давлатчилик манфаатларига тўла мос келади. Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи мазкур ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлашдир. Мазкур ҳуқуқни

---

[1] Қаранг: *Каримов И. А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1994. 190—191-бет.

амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ана шу билан белгиланади[1].

Ўзбекистонда фуқароларнинг демократик ва ҳуқуқий эркинликлари конституция ва амалдаги барча қонунлар тизими ҳамда давлат идоралари томонидан ҳимоя қилинади.

Ҳокимиятни зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, конституциявий тузумларга, халқнинг демократик эркинликлари ва маънавий негизларига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқаридир.

Ўзбекистон ижтимоий адолатга асосланган жамиятдир. Шу боис ҳам Ўзбекистон давлати бош ислоҳотчи сифатида ишга лаёқатсизларни, ногиронларни, кўп болали оилаларни, қаровсиз қолган гўдакларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама қўллаб-қувватламоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишда, жамиятни тубдан янгилашда халқнинг туб манфаатларини кўзлаб, энг устувор ва муҳим йўналишларни давлатнинг ўзи танлаб, уларни амалга оширишда етакчилик қилмоқда. Ҳар қандай ижтимоий адолатли жамият ва давлатнинг ўлчов мезони жамиятдаги энг ночор ижтимоий табақаларга мурувватли муносабат билан белгиланади.

Давлат ва жамият фуқарони ўз ғамхўрлигига олмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир фуқаронинг кўнгли тинч бўлиши керак. Хотиржам одамгина унумли меҳнат қила олади. Давлат ҳалол меҳнат учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратмоғи лозим.

Кучли ижтмоий сиёсат адолатли жамият ва демократик давлат барпо этишнинг асосий мезонидир. Давлатнинг фаол ислоҳотчилик мавқеида бутун диққат-эътиборни иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этишга, қонунийлик ва ҳуқуқий-тартибга риоя қилишга, эски иқтисодий муносабатларни бозор муносабатларига айлантиришга қаратиш ижтимоий барқарорлик учун мустаҳкам негизни вужудга келтиради.

---

[1] Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1993. 76-бет.

Ўзбекистонда ижтимоий адолат принциплари, авваламбор, оиладан бошланади. Чунки оила жамиятнинг негизидир. Оила ва турмуш «виждон қонунлари» асосида қурилади. У ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эгадир. Оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Шу боис ҳам давлатимизни катта бир оила деб тушуниш мумкин. Бу эса бизни ана шу оиланинг аҳил фарзандлари бўлишимизга даъват этади.

4-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ РАМЗЛАРИ

Конституцияда давлатимиз байроғи, герби ва мадҳиясининг ҳуқуқий асоси ифодаланган.

«Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир»[1].

Ҳар бир мустақил давлат ўз рамзларига эга бўлганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳам давлат мустақиллигининг рамзларига эга ва улар тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи 1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган қонун билан тасдиқланган. Ўзбекистоннинг давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда, Республиканинг бугунги табиатига мувофиқ келадиган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ҳам акс эттиради.

Байроқдаги ҳаворанг бўёқ — зангори осмон ва мусаффо сувнинг, шунингдек, ер ва осмондаги ҳаёт манбаларининг рамзидир. Маълумки, буюк Амир Темур давлатининг байроғи ҳам ҳаворанг бўлган.

Оқ ранг эса — тинчлик ва поклик тимсолидир. Байроғимиздаги оқ ранг ёш мустақил давлатимиз ошиб ўтиши лозим бўлган довонлардаги йўлнинг ёркин ва

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1993. 81-бет.

чароғон бўлиши учун эзгу ният тимсоли сифатида қўйилган.

Байроқнинг қизил рангдаги йўллари — ҳар бир тирик жон қон томирида жўшиб турган ҳаётий кучнинг, барҳаётликнинг ифодасидир.

Яшил ранг эса — табиатнинг тимсоли, гуркираб яшнаётган ҳаёт ва ҳосилдорликнинг рамзидир. Байроқдаги ярим ой — ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарига мувофиқ келади. Чунончи, ярим ой ва юлдузлар мусаффо осмоннинг, тинчликнинг рамзидир. 12 рақами — қадимдан халқларимиз орасида мукаммаллик тимсоли бўлиб келган. Шу боисдан ҳам байроғимизга ўн икки юлдузнинг тасвири туширилган. Давлат байроғи бизнинг кўҳна ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва буюк келажагимизнинг рамзидир.

Ўзбекистоннинг Давлат герби Республика Олий Кенгаши ўнинчи сессиясида 1992 йилнинг 2 июлида қабул қилинган қонун билан тасдиқланган.

Гербимиз марказида қанотларини кенг ёйиб турган Ҳумо қуши тасвирланган. Бу бахт-саодат ва эрксеварлик рамзидир. Ҳумо қуши ўзбек халқи орасида одамларни бахт-саодатга етакловчи илоҳий қушнинг рамзи сифатида эъзозланиб келинган. Жумладан, Алишер Навоий Ҳумо қушини тирик мавжудотлар ичида энг саховатлиси деб таърифлаган.

Гербнинг юқори қисмида Ўзбекистоннинг собит ва барқарорлиги рамзи бўлган саккиз қиррали мусамман тасвирланган бўлиб, унинг ичида ярим ой ва беш қирали юлдуз ифодаланган.

Қуёш тасвири — ўзбек давлати ва халқининг ҳаёт йўли ҳамиша нурли бўлишига билдирилган эзгу ниятдир. Бундан ташқари, қуёш мамлакатимиздаги ниҳоятда гўзал, табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб туради. Гербдаги бошоқлар — ризқ-рўзимиз бўлмиш ғалланинг тимсоли, оппоқ бўлиб очилаётган пахта чаноқлари тасвирланган ғўза шохлари серқуёш Ўзбекистоннинг донғини дунёга таратган асосий бойлигимиз рамзидир. Буғдой бошоқлари ва пахта чаноқларининг давлат байроғига ўхшаган лента билан ўраб қўйилганлиги — бу мамлакатимизда яшаётган халқлар якдиллигининг тимсолидир.

Гербимиз рангли тасвирда бўлиб, Ҳумо қуши кумуш рангда; қуёш, пахта чаноғи ва «Ўзбекистон» ёзуви тилла рангда; тоғлар ҳаворанг бўёқда; чаноқдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда; давлат

байроғи тасвирланган тасма тўрт хил рангда берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси 1992 йилнинг 10 декабрида Республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган қонун билан тасдиқланган. Давлат мадҳиясининг шеърини машҳур ўзбек шоири Абдулла Орипов ёзган, мусиқасини эса таниқли санъат арбоби Мутал Бурҳонов басталаган.

Мадҳия матнида Ўзбекистоннинг гўзал табиати, унинг серқуёш ўлка эканлиги, водийларнинг олтинга монандлиги, эрксеварлиги, бағрида илму фан, ижод синғари ўлкамизга шон-шуҳрат келтирадиган қадриятлар юқори пардаларда тараннум этилади. Шунингдек, мадҳияда Ўзбекистонда яшайдиган халқларнинг доимо унинг тинчлиги, осойишталиги, мустақиллиги учун курашганликлари ҳақидаги тарихий ҳақиқатлар ҳам ўзининг бадиий-мусиқий ифодасини топган.

Мадҳиянинг мусиқасида ҳам элимизга жуда манзур келадиган истиқболдаги фаровон ҳаётнинг нашъу намоси оҳангларига монанд ғоят кўтаринки руҳ, жанговарликка, ғайратга, ижодга, истиқлолга даъватдек мағрур жаранглайди.

Ўзбекистоннинг муҳим миллий тимсолларидан бири — ўз давлат тилидир.

Ўзбекистонда давлат тили ўзбек тили эканлиги баён этилган. 1989 йилнинг 21 октябрида она тилимизга давлат тили мақоминиг берилиши истиқлолимиз сари қўйилган энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Бу эса собиқ совет салтанати давридаги «руслаштириш» сиёсатининг марказий ғояларидан бўлган «она тилимиздан маҳрум этиш» мақсадларига қонуний равишда тўсиқ қўйишдан иборат эди. 1995 йил қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Асосий қонунда ўзбек тили қонуний тарзда давлат ҳимоясига олинган. Бугун салкам унутилаёзган тилимизни фаол тикламоқдамиз. Мазкур йўлда қатор ижобий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Ўзбек тилида қонунларимиз ёзилмоқда, давлат ҳужжатлари, илмий асарлар, дарсликлар, адабиёт, шеърият намуналари пайдо бўлмоқда.

Тил — ҳар бир миллат ўзлигининг ажралмас белгисидир. Халқимизда «Тилга эътибор — элга эътибор» ҳикматининг пайдо бўлиши бежиз эмас. Бу борада яна бир муҳим қонуний қадам ташланди. Икки минг бешинчи йилга қадар ўзбек ёзуви лотин алифбосига кўча-

ди. Бу билан бизга жаҳон маданияти ва ахбороти маконига тўлиқ кириш учун кенг имкониятлар очилади. Ўзбек халқининг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тили мақомидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш — умумхалқ вазифасидир.

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллатлар ва элатлар яшайди. Республикада истиқомат қилувчи барча миллатларнинг миллий маданиятлари, урф-одатлари, анъаналари ва тилларига ўзаро ҳурмат муносабатида бўлиш конституциявий талаблардандир. Бунинг учун кенг ва етарли шарт-шароитлар яратилган. Мисол сифатида мамлакатимизда етмишдан ортиқ ишлаб турган турли халқларнинг миллий маданий марказларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри ҳам миллат тимсолларидандир.

Азим ва навқирон Тошкент Ўзбекистон Республикасининг пойтахтидир. Ҳар бир давлат ўз пойтахтига эга бўлади. Пойтахт шаҳар ўзига муносиб бир қатор муҳим хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат: давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг марказий идоралари, давлат бошлиғи қароргоҳи, давлатнинг асосий сиёсий ва иқтисодий тадбирлари амалга ошириладиган, чет эл дипломатик ваколатхоналари жойлашадиган шаҳар пойтахт мақомига эга бўлади.

Тошкент — қадимий, икки минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган йирик шаҳар. Унинг икки миллиондан зиёд аҳолиси, замонавий, салобатли бинолари, Алишер Навоий номидаги миллий боғ, улуғ бобомиз Амир Темур номидаги хиёбон, «Туркистон» ва «Халқлар дўстлиги» саройлари, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек ҳайкаллари, масжиду мадрасалар, кўҳна Шарқ услубида қурилган ва безанган расталар, қад ростлаётган меҳмонхоналар ва бошқа маҳобатли обидалар, муҳташам ер ости йўли унинг беқиёс кўрки ва шукуҳини орттиради.

Тошкент — дўстлик ва тинчлик шаҳри. У дунёга ўзининг сулҳпарварлиги, «Тошкент руҳи» билан машҳур. Тошкентда кўплаб халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий анжуманлар ўтказилмоқда.

XI боб.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШИ

*** ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШИ ПРИНЦИПИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ**
*** ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТАРМОҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ**

1-§. ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШИ ПРИНЦИПИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Ҳокимиятнинг бўлиниши — демократик ҳуқуқий давлатнинг зарурий шартидир. Мазкур принципнинг қўлланилиши ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишига тўсиқ қўяди, фуқароларни мансабдор шахсларнинг тазйиқидан ҳимоя қилади, давлат идоралари фаолиятининг самарали бўлишига шарт-шароит яратади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясининг яралиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо унинг мустақил ва бир бутун сиёсий-ҳуқуқий таълимот сифатида шаклланиши XVII—XVIII асрдаги буржуа инқилоблари даврига тўғри келди. Давлат органлари фаолиятининг (ваколатларининг) чегараланиши ғояси энг умумий кўринишда антик давр донишмандлари — Платон, Аристотель, Полибий, Ликург ва бошқалар томонидан ифода этилган.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси «классик» шаклининг анъанавий асосчилари Джон Локк ва Шарл Луи Монтескьёлардир. Ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федерал турларга бўлиниши, Локкнинг фикрича, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Бунда «барча қонун чиқарувчи ҳокимиятга итоат этади, чунки у қонунларни ўрната оладиган энг олий идорадир». Локк суд ҳокимиятини алоҳида эътироф этмаган, сабаби уни ижроия ҳокимиятнинг таркибий қисми деб ҳисобланган.

Бу борада буюк француз тарихчиси ва файласуфи Шарл Монтескьёнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. У «ҳокимиятлар тақсимланиши» деб ном олган бир бутун тугал таълимотни яратган. Олимнинг хулосасига кўра, адолатли қурилган давлатда ҳокимият ягона эмас, балки, аксинча, бир-бирига тобе бўлмаган учта ҳокимият — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мавжуд бўлиши шарт. Уларнинг ҳар қандай кўринишда бирон-бир орган ёки шахс қўлида мужассамланиши умумий манфаатларга путур етказади, суиистеъмолликларга олиб келади ва шахснинг сиёсий эркинлиги билан асло сиғишмайди. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг бир қўлда бирлаштирилиши қонуннинг устун бўлишига зарар етказади, борди-ю, судьялар фақат судлов билан машғул бўлмай, қонун яратиш иши билан шуғуллансалар, у ҳолда инсонлар ҳаёти ноҳақлик қурбонига айланиши мумкин.

Ўз ўтмишдошлари сингари Монтескьё ҳам бошқарувнинг самарали бўлиши учун давлат фаолияти соҳасида одилона «меҳнат тақсимоти» зарур, деб таъкидлаган. У учта ҳокимиятнинг ҳар бири ўз фаолиятининг хусусиятига мувофиқ, алоҳида мустақил орган томонидан амалга оширилгани маъқул, деган. Айни вақтда, донишманд, давлат органлари тизимини, улар ўртасидаги алоқалар табиатини, ўзбошимчаликни чеклаш ва инсон эркинлигини таъминлаш мақсадида идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда бир-бирини «тийиб» туриш муносабатларини таҳлил қилишда давом этган.

Бу ўринда ҳокимиятлар мустақиллиги ва уларни амалга оширувчи органларнинг мустақиллиги, бир-бирининг фаолиятига аралашмаслиги ўта муҳимдир.

Монтескьё таълимотида алоҳида ўрин тутадиган ғоя — ҳокимиятларнинг мувозанати, тенглиги ҳамда уларнинг «ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва қарамақарши таъсир этиш системаси» ҳақидаги ғоядир. Юқорида зикр этилган ҳокимиятлар ўртасида шундай муносабат ўрнатилмоғи лозимки, бунда уларнинг ҳар бири давлат вазифаларини мустақил ўташ билан биргаликда, ўз ҳуқуқий воситалари ёрдамида бир-бирини мувозанатга чорлаб турадилар, ҳокимият ваколатларини биргина муассаса томонидан қонунсиз равишда тортиб олиниши (узурпация қилиниши)ни бартараф этадилар. Масалан, қонун доирасида ишлаши лозим бўлган

ижро этувчи ҳокимият, айни пайтда, қонун чиқарувчи кенгашнинг фаолиятини чегаралаб туриши талаб этилади, акс ҳолда парламент ўзининг мутлақ ҳокимлигини ўрнатиши мумкин. Шу сабабли ҳам ижро ҳокимиятининг бошлиғи қонунларни имзолашда «veto» (яъни, вақтинча рад этиш) ҳуқуқидан фойдаланади, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлади.

Ўз навбатида, қонун чиқарувчи орган қонунларнинг ижро этувчи идора томонидан қандай бажарилаётганлиги устидан назорат қилиш ваколатларига эга, ҳукумат эса парламентга ҳисоб беришга мажбур.

Ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида ўзаро муносабат масаласига чуқурроқ кириб борар эканмиз, унда Монтескьёнинг қарашлари Локкнинг ғояларидан фарқ қилишини кўрамиз. Ҳокимиятларнинг узвий алоқадорлигини тан олиш билан бирга, Локк қонун чиқарувчи ҳокимият ижро этувчи ҳокимиятдан устун туришини таъкидлайди. Монтескьё эса уларнинг тўла тенглиги, мустақиллиги, ҳатто алоҳидалигини ёқлаб чиқади. Бундан ҳокимиятлар мутлақо чекланмаган деган маъно чиқмайди. Аксинча, ҳеч бир ҳокимият идораси бошқасининг ваколатлари доирасига аралашмайди. Ҳар бир ҳокимият ўз ҳимояси нуқтаи назаридан ўзгасини назорат қилади, чеклаб туради, ваколатларидан четга чиқишга йўл қўймайди. Буни таъминлашнинг тартиби, воситалари (механизми) вужудга келтирилади.

Ҳокимиятларнинг энг мақбул тақсимланиши ўзаро «тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш системаси» ёрдамида таъминланади. Мазкур система бирон-бир ҳокимият органи мутлақ авторитар мавқега эга бўлишга, ҳуқуқни ва конституцияни поймол этишга йўл бермайди.

Монтескьё кашф этган «ўзаро тийиб туриш ва қарши таъсир этиш системаси», яъни ҳокимиятларни мувозанатлаштириш ва, ҳатто, қарама-қарши қўйиш системаси давлат органларининг самарали ҳамкорлик қилишига шароит ярата олмайди, — деб ёзади рус олими А. Барнашов.

Монтескьёнинг схемаси «уч ҳокимият» орасида бирининг устун бўлишини инкор этади. Бу таълимот, аввало, ҳокимиятлар тақсимланишига ташкилий-ҳуқуқий ёндашувни англатади.

Кейинчалик Монтескьёнинг қарашлари буржуазиянинг мафкурачилари томонидан танқидга учраган. Хусусан, буюк француз олими Ж.-Ж. Руссо ажралмас,

ягона ва бўлинмас **«халқ суверенитети»** позициясида туриб Монтескьёнинг ҳокимиятлар тақсимланиши ғоясини танқид қилган. Руссо ўз даври учун илғор саналган сиёсий дастур билан чиққан. Унинг асосида давлат ҳаётини «ақл ҳукмронлиги» ва халқ суверенитетини таъминловчи **«ижтимоий шартнома»** воситаси билан демократик ташкил этиш ғояси ётади.

Руссо давлат функциялари тақсимланишини, яъни давлат органлари ўртасида ваколатлар чегараланишини тан олган. Руссонинг таъбирича, қонун чиқарувчи ҳокимият — суверен халқ иродаси бўлганлиги сабабли у (қонун чиқарувчи) барчага тааллуқли ҳисобланган умумий характердаги масалаларни тартибга солиши лозим. Ижроия ҳокимият суверен халқ қарори билан ўрнатилганлиги боис, у халқнинг ишончли таянчи ва хизматкори сифатида майдонга чиқади. Барча давлат органларининг тенглигига олий қонун чиқарувчи ҳокимиятни қайта тузиш эвазига эришилади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни халқнинг ўзи бевосита мажлисларда амалга оширади (йирик шаҳарларда вакиллик органлари тузилиши мумкин).

Юқорида биз келтирган икки ёндашув элементларини бирлаштириш биринчи марта Америка Қўшма Штатларининг 1787 йилги Конституциясида ўзининг қонуний ифодасини топган. Конституция муаллифлари «биз Қўшма Штатларнинг халқи...» деган сўзлар билан унинг суверенитетини баён этган. Давлат органлари (Конгресс, Президент ва унга итоат қилувчи министрлар, судлар)нинг ваколатларини бўлиб бериш орқали эса «тийиб туриш ва қарши таъсир этиш системаси» билан тўлдирилган ҳокимиятлар тақсимланишини жорий қилган.

Кўпчилик буржуа давлатлари, шу жумладан АҚШ ҳам, халқ суверенитети ва ундан келиб чиқувчи қонуннинг олийлиги принципи замирида «ҳокимиятлар тақсимланиши»ни эътироф этган. Масалан, АҚШ Конституциясига биноан, қонун чиқарувчи ҳокимият Вакиллар палатаси ва Сенатдан иборат Конгрессга тегишли. Ижро этувчи ҳокимият сайлашга вакил қилинган кишилар томонидан сайланади. Президент бир вақтнинг ўзида ҳам давлат бошлиғи, ҳам ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. У қонунларга итоат этиши шарт, аммо Конгрессга ҳисоб бермайди.

АҚШнинг Олий суди нафақат одил судловни амалга ошириш ваколатларига, балки конституциявий назо-

рат ҳуқуқига ҳам эга. Бунинг маъноси шуки, Олий суд қонунларнинг ва маъмурий актларнинг конституция нормаларига мувофиқлигини текширади ва уларни ғайриконституциявий деб эълон қилиш ҳамда президент ёки конгресс актларини юридик кучга эга эмас, деб топиш имкониятига эга. Жиддий сиёсий инқирозлар даврида эса Америка Олий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида арбитрлик (ҳакамлик) ролини бажаради. Шу йўл билан ҳокимиятлар фаолиятини ўзаро уйғунлаштиради.

Анъанага кўра, ҳокимиятларнинг тақсимланиши принципи АҚШ Конституциясида ўзининг энг аниқ ифодасини топган деб ҳисобланади. Бунга Америка давлат қурилиши тажрибасидан олинган юқоридаги мисоллар ҳам далил бўла олади. Аммо кўпчилик америкалик мутахассисларнинг ўзлари эътироф этишича, ҳокимиятлар тақсимланишининг моҳияти ўз талқинини Массачусетс штатининг Конституциясида янада мукаммалроқ топган. Унда масалан, шундай дейилган: «Жамиятда инсонлар эмас, балки қонунлар ҳукмрон бўлиши учун уни бошқаришда:

— қонун чиқарувчи ҳокимият ҳеч қандай шароитда ижро этувчи ва суд ҳокимиятини (ёки улардан бирини) амалга оширмаслиги лозим;

— ижроия органлар ҳеч қандай шароитда қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятини (ёки улардан бирини) амалга оширмаслиги лозим;

— суд органлари ҳеч қандай шароитда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятни (ёки улардан бирини) амалга оширмаслиги лозим».

Ҳокимиятларнинг тақсимланиши дунёнинг ҳеч бир мамлакатида, ҳаттоки 200 йиллик тарихга эга бўлган АҚШнинг ўзини умумий олганда ҳам бунақа радикал кўринишда амалга оширилган эмас. Бу уқувсизлик ёки истамаслик оқибати эмас, балки жамиятнинг реал турмушини назарий (мавҳум мафкуравий) қолипга солиб бўлмаслиги натижасидир. Лекин шунга қарамасдан парламент демократияси ривож топган қатор мамлакатларда ҳар бир ҳокимиятнинг ваколат доираси нисбатан мукаммал белгиланганки, унга бошқаси «бостириб» киролмайди. Фақаттина «чегарадош» масалалардагина, шунда ҳам қонун билан белгиланган ҳолларда, турли ҳокимиятларнинг ваколатлари ўзаро сингишиб кетиши мумкин. Аммо ўз ваколатлари доирасида ҳар бир ҳокимият мустақил, ўзаро тенг ва фақат қонунга итоат этади.

1917—1991 йиллар мобайнида Ер куррасининг олтидан бир қисмига тенг ҳудудда Совет давлати ҳукм сурганлиги тарихий ҳодисадир. У ўзига хос тоталитар шаклдаги давлат бўлиб, «коммунистик» мафкурага амал қилар эди. Совет ҳуқуқшунослик фани етмиш йил давомида ҳокимиятлар тақсимланиши тўғрисидаги мумтоз назариянинг «оқилона мағзини», унинг илмий ва амалий аҳамиятини инкор этиб, хаспўшлаб келди.

Тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тузумининг барбод бўлиши оқибатида собиқ Совет Иттифоқи вайроналарида бир қатор янги суверен давлатлар вужудга келди. Собиқ иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка эришиш жараёни демократиялаштириш, умуминсоний қадриятларни қайта тиклаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини тан олиш, қонуннинг (ҳуқуқнинг) олийлиги, ҳуқуқий давлат яратиш шиори остида амалга ошди. Ёш мустақил давлатларнинг шаклланиш тўфонларида турли ғоялар ва концепцияларнинг пайдо бўлиши табиий бир ҳолдир. Ана шулар жумласидан ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси ҳам кенг тарқалди. Бундан кутилаётган мақсад — ҳокимият суиистеъмол қилинишидан, бюрократизмдан ва сиёсий ҳаётдаги бош-бошдоқликдан сақланишдан иборатдир. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи деярли ҳамма республикаларнинг янги конституцияларида давлат тузумининг ҳуқуқий асоси сифатида мустаҳкамланган.

Конституциявий қонунчилик соҳасида бундай ўта масъулиятли қарорга келиниши ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Гап сиёсий механизмларнинг оддийгина ўзгариши ҳақида эмас балки давлат қурилишининг «демократик» шакллари ҳақидаги чуқур сингиб кетган эски стереотип (қолип)ларнинг тубдан ўзгарганлиги, МДҲ давлатларида умуман давлат ҳокимияти концепциясининг ўзгарганлиги ҳақида бораётир.

Ҳокимиятларнинг оқилона тақсимланиши — давлат тузилмаларининг самарали фаолият қилиши, суиистеъмолликларнинг бартараф этилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя этилиши, умуман қонунчилик таъминланишининг гаровидир. Шунинг учун ҳам ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг давлатчилигимиз ҳаётига реал сингдирилиши масаласи катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Биргина қуйидаги мисолга мурожаат этайлик. Кўпчилик республикаларда президентликнинг жорий қили-

ниши ва кейинчалик унинг кучайиб бориши парламент билан ижроия органлар ўртасида ҳокимият ваколатларини қайта тақсимлаш масаласини кун тартибига қўйди. Бу жараён анча мураккаблиги аён бўлиб қолди. Далил сифатида Россия Федерациясининг парламенти билан ҳукумати ўртасидаги узоқ давом этган кескин қарама-қаршиликни эслаш кифоя. Тажриба шуни кўрсатадики, республикаларнинг парламентлари президентлик ҳокимияти билан «баҳслашишга» ноқобил бўлиб чиқдилар.

Ҳокимиятлар тақсимланиши принципи мамлакатнинг аниқ-тарихий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жорий этилсагина, ҳокимият органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлаш мумкин. Мазкур принцип ҳокимият эгаси бўлган субъектларнинг ўзаро муносабатларнинг тартиб (муайян қолип, андаза)га солиш имкониятини беради. Зеро, уларнинг ҳар бири ўз соҳаси доирасида мустақил, бошқа ҳокимиятга итоат этмайди, сўзсиз ижро этилишига мўлжалланган қарорлар (актлар) қабул қилади.

Бироқ ҳокимиятлар тақсимланишини мутлақлаштириш керак эмас, чунки ҳокимиятларни ўзаро қовуштириш, улар фаолиятини уйғунлаштириш лозим бўлади. Бунинг учун ҳокимиятларнинг мавқеини (мақомини) конституциявий белгилаш, чегаралаш талаб қилинади. Қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган «чегаралар»дан бирон-бир ҳокимиятнинг четга чиқиши ва бошқа ҳокимиятларнинг ваколат доирасига аралашиши мумкин эмас.

Ҳокимиятнинг учала шохобчаси, бирғаликда ягона давлат ҳокимиятини ташкил этадилар. Улардан бошқа ҳеч бир давлат органи ҳокимиятга даъвогарлик қилолмайди.

Ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, унда ҳокимиятнинг ҳар бир шохобчаси (тармоғи) қолган икки ҳокимият субъектининг ҳар бирини назорат қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши керак. Аммо бу назорат — устунлик эмас. Назорат ҳуқуқи назорат қилинаётган ҳокимиятнинг конституциявий ваколатларини ўзлаштириб олиш имкониятини бермайди.

Ҳокимиятлар тақсимланиши ҳар бир ҳокимиятнинг ўз ваколати доирасида тўлақонли ҳокимият эгаси бўлишини тақозо этади. Шу боисдан ҳар қандай алоҳида олинган давлатда ягона қонун чиқарувчи орган, ягона

ижро этувчи орган ҳамда ягона судлов органи (тизими) мавжуд бўлиши лозим.

Илгари юридик адабиётда **«вакиллик ҳокимияти»** деган ибора кенг қўлланиларди. Бу иборани тўғри деб бўлмайди. Аслида қонун чиқарувчи **ҳокимият ва вакиллик органи** дейиш тўғридир. Қонун ижод этиш фақат вакиллик органи томонидан эмас, балки бевосита халқ томонидан (референдум йўли билан) ёки ҳатто алоҳида шахс томонидан (монархия шаклидаги давлатларда) амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, масалан, Франция Президентининг ҳам қонунчилик ваколатлари бор. Вакиллик характерига эса ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи ҳокимият эга бўлиши мумкин.

Ҳокимият тақсимланиши серқирра ҳодиса бўлиб, у структура ҳосил қилувчи ва функционал принципдир. У алоҳида таркибий қисмларнинг қотиб қолган йиғиндиси эмас, балки ишловчи, ҳаракатланувчи механизмдир. Бу механизм мураккаб келиштирув ва махсус ҳуқуқий жараёнларни (шу жумладан, ихтилоф ва фавқулодда ҳолатларга мўлжалланган жараёнларни) бирлаштириш воситасидир. Ҳокимиятларнинг ягоналиги (ҳамжиҳатлиги) ва тақсимланиши давлат ҳокимияти тармоқларининг диалектик ҳолатидир. Ягоналикка диалектик мувозанат орқали, ҳокимиятларни мутаносиблаштириш ёрдамида эришилади.

Ҳокимиятлар тақсимланиши назариясининг тарихий ва умуминсоний қадр-қимматига тан бериш билан бир қаторда шуни таъкидлаш керакки, у маъмурий-буйруқбозлик системасининг барча балоларидан ва бетайин давлат бошқаруви оқибатларидан фориғ бўлишининг ягона воситаси эмас. Бунинг учун ҳали яна талайгина омиллар керак. Яъни, илғор тараққий этган демократия, тегишли сиёсий маданият даражаси, «тийиб туриш ва қарши қўйишнинг» конституциявий расмийлаштирилган системаси ва ҳоказо. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, ҳокимиятлар тақсимланиши принципини аслида тўла ҳажмда жорий этиш мумкин эмас. Ҳатто, Америка Қўшма Штатларида ҳам ҳокимиятлар тақсимланиши соф кўринишда амалга ошмаган. Шунинг учун ўзга давлат-ҳуқуқий андазасини муайян мамлакатга механик тарзда кўчириб ўтказиш нотўғри. Чунки барча халқлар ва давлатлар учун ягона намуна, қолип, андаза бўлиши мумкин эмас.

2-§. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ШОХОБЧАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ

Бизнинг мамлакатимизга келсак, Ўзбекистон ҳуқуқий давлатчиликка ўз йўли билан боради. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов давлатимизнинг янгиланиш йўналишлари ва қўламларини белгилаб шундай деб ёзади: **«Барқарор бозор иқтисодиёти очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак... Сиёсий соҳадаги муҳим вазифалардан бири — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этишдир»**[1]. Табиийки, бизнинг республикамизда ҳокимиятлар тақсимланиши принципини жорий этиш ўзбек давлатчилигининг тарихий, маданий ва миллий хусусиятларини акс эттирувчи жиҳатларга эга бўлади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясида ҳокимиятлар тақсимланиши принципи ўзининг қонуний ифодасини топган. Конституциянинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида давлат органларининг тизими ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланиш принципига таянади. Давлат функциялари қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис, давлат бошлиғи ва ижроия ҳокимият бошлиғи — Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва суд ҳокимияти (Конституциявий суддан, Олий суддан ҳамда Олий хўжалик судидан иборат) ўртасида тақсимланади (Конституциянинг V бўлими).

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. У илгариги 500 депутатли Олий Кенгашдан фарқли ўлароқ, 250 депутатдан иборатдир. Парламент аъзолари сони қисқартирилишининг маъноси қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Олий Мажлисни мумкин қадар профессионал қонун чиқарувчи органга айлантириш. Сон жиҳатидан унча кўп бўлмаган Олий Мажлис малакали юристлардан, сиёсатшунослардан, иқтисодчилардан,

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 8-бет.

файласуфлардан, социологлардан ва бошқа соҳаларнинг мутахассисларидан иборат бўлиши лозим;

иккинчидан, парламентнинг ихчам ва ишчан бўлишига эришиш. Албатта, бу ўринда қонун ижодкорлик фаолиятининг ҳал қилувчи талаби ваколатлилик ва ихчамлиликдир. Чунки ўтмишдаги халқ депутатлари съездлари, кўпсонли депутатлик корпусларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, охир-оқибатда парламентларда митингбозлик характери устун бўлиб қолди. Сафсатабозлик ва мавзусиз тортишувлар парламент томонидан келишувга эришишни ва керакли қарорларни қабул қилишни қийинлаштиради.

Конституция бизда парламент демократиясини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Олий Мажлис депутатлари ҳудудий округлардан **кўппартиявийлик асосида** сайланадилар. Фикрлар ва мафкуралар хилма-хиллиги, сиёсий институтлар турлилиги мамлакат ижтимоий-сиёсий ва давлат ҳаётининг асосидир (Конституциянинг 12-моддаси).

Эътиборга молик ери шундаки, қонун чиқарувчи органнинг ўзи ҳокимиятларнинг тақсимланиши принципи асосида тузилади. Масалан, 91-моддага биноан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, қуйидаги лавозим эгалари депутатлик мандатини ололмайдилар: Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судининг раислари ва аъзолари (Конституциянинг 108—112-моддалари). Бу ҳокимиятларнинг бир-биридан ажралиб қолганлигини англатмайди. Ўзбекистон Конституциясининг 80-моддасида шундай деб ёзилган: «Олий Мажлис ва унинг органлари йиғилишида Республика Президенти, Бош Вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди раислари, республика Бош Прокурори, Марказий банк бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин».

Олий Мажлис олий қонун чиқарувчи орган сифатида қуйидаги мутлақ ваколатларга эга:

1) Конституция ва қонунлар қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) республика ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

3) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, давлат банкларини бошқариш;

4) маъмурий-худудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, республика чегараларини ўзгартириш;

5) давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судини, Олий судини ва Олий хўжалик судини тузади. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисини сайлайди. Давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этади, Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари ва битимларини тасдиқлайди ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилади, Президент фармонларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига мамлакат Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Олий Мажлиснинг депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош Прокурор эгадирлир.

Олий Мажлис фаолиятига умумий раҳбарликни унинг Раиси амалга оширади. У парламент қўмиталари ва комиссиялари фаолиятини уйғунлаштиради, қонунлар ва қарорларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этади, Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур бўлган харажатлар сметасини тасдиқлайди. Олий Мажлис ўзининг доимий Кенгашига эга.

Ўзбекистонда ҳокимиятлар тақсимланиши жараёнининг сиёсий-руҳий хусусияти шундаки, у илгари ягона органга тегишли бўлган ваколатларни ва функцияларни ажратиш шаклида амалга ошмоқда. Президент раҳбарлигида ижро ҳокимиятининг вужудга келиши ва унинг ўзига хос функция ҳамда ваколатлар билан таъминланиши илгари Олий Кенгаш (ҳамда унинг Президиуми)нинг ваколатларидан ажратиб олиш орқали рўй бериши мумкин эди.

Ўзбекистонда президентлик ҳуқуқий институт сифатида ўзининг ҳозирги кўринишида бирданига қарор топгани йўқ. Республика парламенти 1990 йил мартида қонун қабул қилиб, ўша вақтда амалда бўлган Конституцияга тузатишлар киритди. Шу тариқа президент лавозими жорий этилди. Ҳозирги янги Конституция бу борада ворисликни нафақат давом эттирди, балки Президентнинг ҳуқуқий ҳолатини янада такомиллаштирди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясига мувофиқ, Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Президент айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади (89-модда).

Ўзбекистон Президенти:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилишига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) Ўзбекистон давлати номидан иш кўриши мумкин. Ўзбекистонни мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда намоён этади, музокаралар олиб боради ва республиканинг шартнома ва битимларини имзолайди;

4) олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди;

5) Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади, Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалалар юзасидан фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

6) вилоят, туман, шаҳар судларининг ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

7) вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

8) Ўзбекистон Республикаси қонунларини имзолайди, «вето» ҳуқуқига эга, яъни имзолаш учун Президентга юборилган қонунларга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли;

9) Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонларни беради;

10) республика фуқаролигига қабул қилади, сиёсий бошпана бериш масалаларини ҳал этади;

11) амнистия эълон қилади ва афв этиш актларини чиқаради ва ҳоказо.

Президент давлат бошлиғи сифатида парламентга таъсир этишга имкон берувчи тегишли ваколатларга эга. Аввало у қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг фаолиятини уйғунлаштиради. Қонунларнинг Президент томонидан имзоланиши чуқур рамзий маънога эга бўлиб, бу билан у бутун халқ (миллат)нинг иродасини мужассам этади. Президент ўз ваколатларини халқдан олади, шу боис, ўз имзоси билан халқ иродаси ва эзгу истагини акс эттирувчи қонунни тасдиқлайди. Конституция Президент зиммасига бутун давлат тақдири учун жавобгарликни юклайди. Шу сабабли унга «вето» ҳуқуқини беради. Қонунни ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтаришида қандайдир ғайритабиийликни кўриш керак эмас. Чунки қонун қабул қилингач, унинг ижросини таъминлаш Президент гарданига тушади.

Демак, Президент мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий равнақига имкон бермайдиган қонунга (унинг айрим қоидаларига) эътироз билдириши мумкин ва бу табиийдир. Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қонунни учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди (Конституциянинг 93-моддаси 14-банди). Ушбу Конституциявий қоида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги бир-бирини ўзаро «тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш» тизимининг муҳим бир элементини мустаҳкамлайди.

Президентнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқни, яъни Олий Мажлис эътиборига қонун лойиҳаси, шунингдек, қонунчилик характеридаги таклифларни тақдим этиш ҳуқуқини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур ҳуқуқ ҳам Президентнинг парламентга таъсир этиш имкониятини мустаҳкамлайди (Конституциянинг 82-моддаси).

Яна бир қиёсий мисол, АҚШ Конституциясига мувофиқ, ижро ҳокимияти фақат президентга берилади. Бу президентга билдирилган юксак ишончгина эмас, балки улкан масъулият ҳамдир. Кучли президентлик ҳокимияти — қонунларнинг аниқ ва оғишмай бажарилишининг ишончли гаровидир. Президент ҳокимиятининг тўла-тўкислигида ҳеч қандай хавф йўқ, чунки у сайловчиларга ёки парламентга ҳисоб бериб туради.

Ҳокимиятларнинг ўзаро бир-бирини «тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш тизими»нинг энг муҳим

бўғинларидан бири шуки, Олий Мажлис таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилинган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин (Конституциянинг 95-моддаси).

Ўз навбатида, Конституцияда Олий Мажлис томонидан Президент бошчилигидаги ҳукуматга ва олий суд ҳокимиятига тийиб турувчи таъсир ўтказиш механизмлари назарда тутилган. Масалан, Олий Мажлис қонунлар, шу жумладан Конституция қабул қилиш йўли билан Президентнинг, Вазирлар Маҳкамасининг ва судларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб қўяди; ижроия ва суд ҳокимият органлари учун мажбурий меъёрий мўлжал бўлиб хизмат қилувчи ички ва ташқи сиёсат асосларини белгилайди; Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судининг таркибини сайлайди, Вазирлар Маҳкамаси таркибини тайинланишини тасдиқлайди, Президентнинг фармонларини тасдиқлайди.

Президент ҳар йили Олий Мажлисга ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади. Унинг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги қарори уч кундан кечиктирилмасдан Олий Мажлиснинг тасдиғига киритилади.

Суд ҳокимиятининг мақомини конституциявий тартибга солиш қуйидаги масалаларни қамраб олади:

1) қонунийликни муҳофаза этиш соҳасида суд ҳокимиятининг устуворлиги ва олийлиги;

2) судларнинг тузилиши принциплари ва судьяларнинг мақоми;

3) демократик одил судлов асослари — судларнинг фаолият принциплари;

4) одил судлов соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари.

Афсуски, совет давлати мавжуд бўлган бутун тарихий давр мобайнида қонунга нисбатан менсимаслик кайфияти устун бўлди, суднинг роли эса камситиб келинди. Судларни «бошқариш» мумкин бўлди, ҳатто улар устидан «қўмондонлик» қилинди.

Махсус юридик адабиётда суд анъанавий тарзда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлардан бири сифатида

эътироф этилиб келди. Судга дастлаб «оддий», кейинчалик «асосий», «етакчи» ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган деб қаралди. Бундай ёндашув ҳуқуқий давлат шароитида на сиёсий, на назарий ва на амалий жиҳатдан ўринсиздир. Суд оддийгина ҳуқуқни кўриқловчи орган эмас. У ҳокимиятнинг тўлақонли субъекти. Суд — адолат элтувчидир. Суд — инсоният ақлининг бутун цивилизация тарихи давомида эришган энг буюк ютуғидир. «Суд — қонунийлик ва ҳуқуқий — тартиботни таъминлашнинг ўта нозик сайқал топган, энг такомилга етган воситаси (механизми)дир».

Мазкур таъриф ва тафсилотдан келиб чиқиб айтиш лозимки, ҳозирги пайтда суд давлат ҳокимиятининг зарурий ажралмас қисми сифатида талқин этилиши лозим.

Ўзбекистонда реал суд ҳокимияти кенг қўламли чуқур суд-ҳуқуқий ислоҳоти натижасида қарор топиши мумкин. Ушбу ислоҳотнинг бош мақсади суднинг мустақиллигини таъмин этишдан иборатдир. Одил судловнинг мустақиллиги ўн йилликлар давомида шиор бўлиб келди. Аммо иш шиордан нарига ўтмади. Эндиликда эса одил судловга муносабат тубдан ўзгармоқда.

Суд ислоҳоти доирасида одил судловнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий, моддий, мафкуравий чоратадбирлар кўрилмоқда (суд ислоҳотлари ҳақида кейинги бобларда алоҳида тўхталамиз). Булар мужассам ҳолда ва собитқадамлик билан олиб борилсагина судлов тизимига сифат жиҳатдан янгича тус беради, уни юқорироқ поғонага кўтаради. Пировардида судларнинг республикада қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш бобидаги ролининг ошишига олиб келади.

Мустақилликни таъминлаш, аввало, судьялар корпусини шакллантириш тартибини ўзгартиришдан, судьялик ваколатининг оқилона муддатларини белгилашдан бошланмоғи лозим. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси судларни тегишли юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари томонидан сайланиши тажрибасига ва шунинг оқибатида маҳаллий таъсирда қолиб кетишига чек қўйди. Янги тартибга биноан, вилоят, шаҳар, туман судининг, шунингдек, хўжалик судларининг судьялари республика Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Судьяларнинг ваколат муддати — беш йил.

Бундай тайинлашнинг афзаллиги шундаки, вилоят, туман ва шаҳар судьялари ва ваколатларини Президентдан — яъни, давлат бошлиғидан оладилар. Бу ниҳоятда тўғри, чунки судьялар одил судловни Ўзбекистон Республикаси номидан амалга оширадилар. Энг муҳими — судьялар маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг таъсиридан халос бўлдилар, сезиларли даражада мустақиллик ва эркинликка эга бўлдилар. Судларнинг мустақиллиги принципини ҳаётга узвий жорий этишнинг мақсади қуйи судларнинг юқори турувчи суд инстанциялари билан муносабатларини ижобий ўзгартиришдир.

Одил судловнинг мустақиллигини таъминлашда судларнинг моддий-техникавий асосини мустаҳкамлаш чегаралари, уларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлиги, уй-жой шароитларининг яратиб берилганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида Конституциявий суднинг тузилганлиги ҳуқуқий давлат сари қўйилган муҳим қадамдир. Бундай суд Ўзбекистонда биринчи бор қарор топди ва у бизнинг суд-ҳуқуқий тизимимизда янги институтдир. Конституциявий суд қонунларнинг ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Президент фармонларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат органлари қарорларининг Конституцияга мослигини белгилайди; Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларнинг мослиги юзасидан хулоса беради.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас (Конституциянинг 109-моддаси).

Илмий адабиётларда суд юрисдикциясини кенгайтириш зарурлиги хусусида асосли фикрлар билдирилмоқда. Ижро этувчи органлар билан фуқаролар ўртасида вужудга келадиган барча низолар (шу жумладан, норматив акт қабул қилиниши туфайли шахс ҳуқуқларининг бузилишига доир даъволар) суднинг муҳокамасига тааллуқли бўлиши керак. Зеро, ҳуқуқий давлатда ҳар бир фуқаро суд ёрдамида ўзининг бузилган ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиши шарт.

Суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимиятлар билан тенг фаолият қилиши Конституция даражасида мустаҳкам-

ланган. Асосий қонунимиз: — «судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар», деб эълон қилади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади (112-модда). Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир (114-модда).

Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи органга нафақат ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти устидан назорат қилиш орқали, балки қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш йўли билан ҳам таъсир кўрсата олади. Суд фикри қонун чиқарувчи орган учун ҳамиша қимматлидир. Зеро, суд ўз ғоя ва таклифларини бевосита ҳаётдан, ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб шакллантиради.

Шундай қилиб, ҳокимиятлар тақсимланиши ва давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилиши ва ўзаро бир-бирини назорат қилиши нуқтаи назаридан, улар ўртасидаги низоли вазиятларни ечиш ва фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш жиҳатидан энг самарали юридик восита бўлиб хизмат қилади. Ҳокимиятлар тақсимланиши ижтимоий-сиёсий ҳаёт демократлаштирилганлигининг меъёри ва ўлчовидир. У ўзаро турли қутбларда турувчи ҳокимият ва эркинлик, қонун ва адолат, давлат ва шахс каби ижтимоий ҳодисаларни инсон қадр-қиммати нуқтаи назаридан келиб чиқиб узвий мужассамлаштиради.

XII б о б.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ

*** КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ ПРИНЦИПИ, УНИНГ МОҲИЯТИ**
*** ҚОНУННИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ ПРИНЦИПИНИ АМАЛГА ОШИРИШ КАФОЛАТЛАРИ**

1-§. КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ ПРИНЦИПИ, УНИНГ МОҲИЯТИ

Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамиятда қонуннинг ҳукмронлигини қарор топтиришни тақозо этади. Чинакам ҳуқуқий давлат барпо этмоқ учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар, демократик қонунлар тантана қилмоғи шарт. Қонуннинг олийлиги давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас принципларидан биридир. Ижтимоий-сиёсий турмушда қонун муқаддас саналиб, унинг юксак нуфузга эга бўлишининг боиси шуки, унда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўзининг мужассам ифодасини топади.

Қонуннинг олийлиги бугун пайдо бўлган янги муаммо эмас. Бу ғоя бир неча асрлардан буён инсоният сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари хазинасидан ўрин олиб, ўз қадрини умумбашарий қадрият сифатида ҳурматловчи давлатлар тажрибасида қўлланиб келинмоқда. Масаланинг қадр-қиммати тоталитар тузумдан воз кечиб, миллий истиқлол йўлига кирган Ўзбекистон давлати учун алоҳида аҳамият касб этади. Ҳамма гап қонуннинг олийлиги принципини Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий воқелигига изчил сингдиришдадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида вужудга келганлигини дунёга эълон қилувчи «Ўзбе-

кистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда (1991 йил, 31 август) ўзининг умуминсоний қадриятларга содиқлигини, демократик давлатчилик йўлидан боражагини, Ўзбекистонда унинг Конституцияси ва қонунлари устун эканлигини баён этган. Мустақил Ўзбекистоннинг 1992 йилги янги Конституциясида ҳам халқимизнинг олий мақсади — инсонпарвар демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш эканлиги ўз ифодасини топган. Шу олий мақсад ва манфаатлардан келиб чиқиб, Асосий қонунимизда ҳуқуқий давлат зоҳир бўлишининг асосий принциплари мустаҳкамланган. Хусусан, Конституцияда «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади», деган раҳбарий қоида битилган (Конституциянинг 15-моддаси).

Бу давлат, унинг барча органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари, уларга оғишмай ҳамда қатъий амал қилишлари лозимлигини билдиради. Қонунлар, биринчи навбатда, Конституция, ҳуқуқий муносабат соҳиблари фаолиятининг олий мезони бўлиши шарт.

Шуниси диққатга сазоворки, мамлакатда бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон Президенти И. Каримов томонидан эълон қилинган беш принципи орасида қонуннинг ҳамма нарсадан устун бўлиши ва қонунга итоаткорлик принципи алоҳида ўрин тутади. «Чинакам демократик жамиятда Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам қонунга риоя этади. Бошқа иложи йўқ»[1].

Қонуннинг олийлиги масаласи анчагина серқирра бўлиб, у ижтимоий, ҳуқуқий ва гносеологик жиҳатларга эга. Бироқ бу ўринда, асосан, унинг ҳуқуқий тизимида қонун олийлигини таъминлаш ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг реал жорий этилиши билан чамбарчас боғликдир. Зеро, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари қонунда белгилаб қўйилган ваколат доирасидагина фаолият кўрсатадилар, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам энг олий ҳакам — қонун ва фақат қонундир. Қонун ҳатто уни яратувчи ҳокимият органи учун ҳам муқаддасдир.

---

[1] *Каримов И. А.* Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Т.: Ўзбекистон, 1993. 26-бет.

Қонуннинг устунлигини таъминлаш ниҳоятда демократик мазмундаги ишдир.

Қонунга оғишмай итоат этилган жамиятдагина демократия қарор топади ва мустаҳкам бўлади. Қолаверса, барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун воситаси билан жорий этилади.

Қонуннинг олийлиги хусусида гап борганда, аввало, давлатнинг шоҳ қонуни ҳисобланган Конституциянинг олийлигини, устуворлигини таъминлаш муҳимлигини эътироф этиш лозим. Конституция мамлакат ҳуқуқий тизимининг пойдеворидир. У — халқимизнинг давлат донишмандлиги ва сиёсий-ҳуқуқий тафаккури маҳсули. Асосий қонунда халқ руҳияти, маданияти ҳамда ижтимоий онги айниқса яққол намоён бўлади. Бинобарин, Конституция халқ билан бевосита мулоқотда, кенг маслаҳатлашиш ва унинг манфаатли муҳокамаси натижасида яратилган. Ўзбекистон халқи ўз Конституциясининг чинакам ижодкоридир.

Конституция нормалари бирламчи, таъсис этувчи характерга эга бўлиб, улар бевосита амал қилади. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (16-модданинг 2-қисми). Конституциянинг қоидалари жорий қонунлар ёки бошқа ҳуқуқий актлар воситасида муайянлаштирилмаганлиги туфайли уларни бажармаслик ва уларга риоя этмасликка йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида (8 декабр 1992 й.) шундай деб таъкидлаган эди: **«Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади»**[1].

Конституция ва қонунлар ҳар бир фуқаро учун, ҳар бир ҳуқуқ соҳиби учун энг олий қадрият, мўътабар ва муқаддас бўлмоғи лозим. Бироқ бунинг учун

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1992. 38—39-бетлар.

Конституция ва қонунларнинг ўзи ниҳоятда адолатли, инсонпарвар, демократик ва оқилона бўлиши, жамиятнинг етилган эҳтиёжларига ҳамда давр талабларига мос келиши лозим.

Конституция Асосий қонун сифатида мамлакатдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида устунлик қилади, «ҳукмрон» мавқени эгаллайди. Унинг нормалари бошқа қонунларнинг қоидаларидан юқори олий юридик кучга эга. Қолган барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар конституция асосида, унга мувофиқ ва унинг ижроси учун чиқарилган. Бу маданияти юксак тараққий этган мамлакатнинг қатъий қоидасидир.

Асосий қонун — Ўзбекистон давлатидаги ҳуқуқнинг бош манбаи. У турли қонунчилик соҳаларининг муштараклигини, бир бутунлигини ва ўзаро мувофиқлигини, бошланғич принципларининг умумийлигини таъминлайди. Шу туфайли бутун ҳуқуқ тизимига батартиблик ва барқарорлик бахш этади.

Диққатга сазовор яна бир нарса — конституциявий нормалар сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим томонларини тартибга солади. Шу жиҳатдан конституция бошқа жорий қонунчилик актларидан фарқ қилади.

2-§. ҚОНУННИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

Қонун — жамият ҳуқуқий тизимининг энг муҳим таркибий қисми, ҳуқуқни ифода этишнинг олий шаклидир. Қонун воситаси халқ (жамият) иродасиниг давлат амри даражасига кўтарилиши, расмийлашуви, умуммажбурий қоидага айланиши ҳамда мустаҳкамланиши амалга ошади.

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий актлари тизимида қонунлар асосий ўринни эгаллайди. Қонун давлат олий вакиллик органининг энг юқори юридик кучга эга бўлган актидир. Қонунлар бевосита конституция қоидалари ва принциплари асосида, уларни ҳаётга жорий этиш мақсадида чиқарилади.

Қонун олий юридик кучга эга. Қонуннинг ушбу хусусияти қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, қонунни уни қабул қилган олий вакиллик органидан бошқа ҳеч ким ўзгартира олмайди, бекор қила олмайди ёки янгисини ўрната олмайди;

иккинчидан, бошқа барча норматив-ҳуқуқий актлар қонунга қатъий мувофиқ ҳолда қабул қилинади ва амалга оширилади;

учинчидан, бирон-бир қонуности норматив-ҳуқуқий акт қонунга зид бўлса, у қонунга мувофиқ ҳолга келтирилади ёки бекор қилинади;

тўртинчидан, қонун олий юридик кучга эга бўлган акт бўлганлиги сабабли уни қабул қилган органдан бошқа ҳеч ким қўшимча тасдиқлаши ва бекор қилиши мумкин эмас.

Қонун давлат нуқтаи назаридан энг муҳим деб ҳисобланган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситасидир. Унда мазкур муносабатлардаги қонуниятларнинг норматив мажбурий характери ва сиёсий ҳуқуқий меъёри ўз ифодасини топади. Қонунлар фақат сиёсатнинг ифодаси, сиёсий чора бўлиб қолмасдан, беқиёс ижодий ва тарбиявий вазифани бажарувчи катта маънавий бойлик ҳамдир.

Ўзбекистонда қонун ҳуқуқнинг асосий шакли (манбаи) бўлиб, у давлат олий ҳокимият вакиллик органи томонидан махсус белгиланган тартибда қабул қилинади.

Қонун давлат томонидан конкрет ҳолатларга (муносабатларга) татбиқ қилиш учун чиқариладиган, айнан ўхшаш турдаги ҳолатларга такрор-такрор қўлланадиган, барча фуқаролар, мансабдор шахслар, давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган умумий қоидаларни ўз ичига олувчи норматив ҳуқуқий актдир.

Республика қонунларида янгиланаётган ижтимоий тузумимизнинг, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг энг муҳим принциплари, ривожланишимизнинг йўналишлари ва дастурий вазифалари ўз аксини топади. Бундай муҳим принциплар, аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган. Улар жумласига қуйидагилар киради:

1) давлат суверенитети принципи;
2) халқ ҳокимиятчилиги принципи;
3) инсон ҳуқуқларининг устунлиги принципи;
4) қонунийлик принципи;
5) демократия принципи;
6) давлат билан шахснинг ўзаро бурчдорлиги принципи;
7) конституция ва қонуннинг олийлиги принципи;

8) ҳокимиятлар тақсимланиши принципи;

9) ижтимоий адолат принципи;

10) қонун ва суд олдида барчанинг тенглиги принципи;

11) айбсизлик презумпцияси;

12) фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш принципи ва бошқалар.

Шундай қилиб, қонун ижтимоий тараққиёт қонуниятларининг юридик шаклдаги тавсифини ўзида акс эттирган ва энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, бевосита халқ иродасини ифодаловчи, белгиланган тартибда давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи томонидан ёки референдум йўли билан қабул қилинадиган ва олий юридик кучга эга бўлган норматив актдир.

Қонуннинг юридик хусусиятлари ичида унинг нормативлиги алоҳида аҳамият касб этади. Нормативлик конуннинг муҳим белгиси ва хусусияти ҳисобланади. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг бошқа шакллари ҳам норматив бўлиши мумкин, бироқ улар қонунчалик кучга эга бўлмай, тезкор-ижро этувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи бўлиши мумкин. Қонуннинг норматив акт эканлиги қуйидаги икки жиҳат билан характерланади.

Биринчидан, у қонун чиқарувчи органнинг ҳуқуқий қоида ўрнатиш хусусидаги амр-фармойишини, иродасини, қарорини мустаҳкамлайди.

Иккинчидан, реал ҳаётга қатъий ва мунтазам ҳуқуқий таъсир этиш шакли, воситасидир. Қонун нормаларининг мавжудлиги норматив-ҳуқуқий актда намоён бўлади.

Қонуннинг нормативлиги деганда, шунингдек, унинг барча учун умумий-мажбурий қоида, давлат талабининг ифодаси эканлигини ҳам тушуниш лозим.

Демак, қонуннинг нормативлиги:

биринчидан, унинг давлат-ҳокимият мазмунидаги олий иродани ифода этишида;

иккинчидан, энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилганлиги ва бундай тартибга солишнинг қатъий чегарасини белгилашда;

учинчидан, ҳамма учун бир хилдаги умуммажбурий ҳаракат қоидасини ўрнатишида ва лозим бўлганда давлат мажбурлов кучи билан таъминланганлигида;

тўртинчидан, махсус ваколатли давлат органи то-

монидан алоҳида белгиланган тамойил асосида яратилишидадир[1].

Қонуннинг амал қилиш механизми икки жиҳатга эга: **ички механизм ва ташқи механизм.**

Биринчи ҳолда қонуннинг самарали амал қилиши масаласи қонуннинг ижроси йўлида чиқариладиган ҳукумат қарорлари ва қонун ости идоравий актларга боғлиқ бўлмайди. Бу механизм аслида қонунларнинг мазмунида, матнида шакллантирилади. Қонунларнинг самарали ишлаши, ижобий натижа бериши учун уларда ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва бурчларини аниқ-тиниқ ифодалашга эришиш лозим. Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқ (қонун) нормаси мазмунини ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бирлиги ташкил этади. Нормадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро бир-бирига мутаносиблиги, мувофиқлиги юридик аксиомадир. Агар муайян ҳуқуқ қаршисида унга тенг келувчи, унинг рўёбга чиқишини таъминловчи мажбурият бўлмаса, ҳуқуқ ҳеч нарса бўлмай қолади. Ҳар қандай ҳуқуқ нормаси (қонун моддаси)нинг талаби қатъий бўлиб, унда ифодаланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаган тақдирда тегишли санкция қўлланилади.

Қонунни амалга оширишнинг ички механизми унинг лойиҳаси битилаётган чоғда, сўнгра қонун парламент томонидан қабул қилинаётган чоғда яратилади. Бу жараёнда қонун воситасида ўрнатиладиган ҳар бир ҳуқуқ қаршисида тегишли, унга айнан мос мажбурият шакллантирилиши лозим. Шу билан бирга, мазкур мажбурият бажарилмаган ҳолда, дастлаб, унинг адо этилиш чоралари (шунингдек, етказилган зарарни қоплаш чоралари) назарда тутилади, айб учун мутаносиб санкция белгиланади. Ана шу уч нарса: **ҳуқуқ, мажбурият ва санкция қонун амал қилишининг ички механизмини ташкил этади.**

Қонуннинг амал қилиш механизми структура билан фаолиятнинг бирлигидан иборат. Аниқроғи, механизм — бу ҳаракатдаги структурадир. Қонун мазмунини шакллантиришда ана шу қонуниятга қатъий риоя этиш лозим.

Қонунни амалга ошириш ўзининг ташқи механизмига ҳам эга. Бу ерда гап қонунни қўллашнинг ҳуқуқий

---

[1] *Одилқориев Х. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. Т., 1995. 43—45-бет.

воситалари (давлат мажбурловини таъминлаш, ваколатли давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти) ҳақида бормоқда. Қонунни амалга оширишнинг ташқи ташкилий намоён бўлиши ҳуқуқий тартибга солиш механизми орқали рўёбга чиқади.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг асосий қисмлари қуйидагилардан иборат:

1) юридик нормалар;

2) ҳуқуқий муносабатлар;

3) субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларни амалга ошириш актлари.

Қонунни амалга ошириш механизмида қонуннинг ижроси йўлида чиқариладиган норматив-ҳуқуқий актлар муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасида шундай қоида мавжуд: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради». Вазирлар Маҳкамаси қонунлар ва фармонларга мувофиқ ҳамда улар ижросини таъминлаш мақсадида қарор ва фармойишлар чиқаради (98-модда). Вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий ҳокимият органлари ҳам қонун, фармон ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлашга қаратилган қарор, буйруқ, фармойишлар қабул қиладилар.

Қонунни қўлловчи бошқа давлат идоралари ва мансабдор шахслар ҳам тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладилар. Жумладан, суд ҳукм, ажрим ва ҳал қилув қарори чиқаради. Молия, солиқ, божхона идоралари ҳам қонунни қўлловчи актлар чиқарадилар ва ҳоказо. Шу тариқа юқоридан қуйига қараб қонунни ҳаётга жорий этишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг узвий тизими вужудга келтирилади.

Қонунни амалга ошириш механизмида қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориш фаолияти ҳам алоҳида муҳим ўрин тутади. Бундай назорат, аввало Олий Мажлис ва унинг қўмиталари ва комиссиялари томонидан олиб борилади. Конституциянинг 118-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни прокуратура амалга оширади. Турли соҳавий қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари тўғри қўлланилиши ва бажарилиши устидан назоратни тармоқ вазирликлари, идоралари, шунингдек, божхона

ва солиқ қўмиталари, молия идоралари, маҳаллий давлат органлари олиб борадилар.

Қонунни амалга ошириш мақсадида чиқариладиган норматив актлар тизими, қонунни қўлловчи актлар тизими, қонунни бажариш билан боғлиқ бўлган давлат идораларининг ташкилий-ҳуқуқий фаолияти ва қонунга амал қилиниши устидан назорат фаолияти — шу кабиларнинг ҳаммаси қонун амал қилишининг ташқи механизмидир.

3-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ ПРИНЦИПИНИ АМАЛГА ОШИРИШ КАФОЛАТЛАРИ

«Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси, Президент И. А. Каримов кўрсатиб ўтганидек, **барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир».** Зеро, қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик, демократия бўлади.

Конституция ва қонун устунлиги принципининг моҳияти қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонунларнинг қатъий ҳукмронлигини билдириб, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг конституция ва қонунларга сўзсиз итоат этишидир;

иккинчидан, ижтимоий муносабатларнинг жамият, фуқаро ва давлат манфаатларига мос тарзда тартибга солинганлигини англатиб, мамлакат миқёсида барқарорлик, батартиблик ва қонуний тартибот муҳити ўрнатилганлигидир;

учинчидан, ҳуқуқ бузилиши ҳолларининг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари қонунни бузган тақдирда қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос вазифасини бажаришидир.

Мустақил давлатчилигимиз даврида эришилган муҳим ютуқлардан бири шуки, конституция ва қонун устунлиги ғояси ижтимоий онгимизнинг таркибий қисмига айланди. Қонунни четлаб ўтиш эмас, аксинча, қонун талаблари асосида, унга мос ва мувофиқ равишда яшаш лозимлиги тобора шууримизга сингиб бормоқда. Мазкур ғоянинг яна шундай қирраси борки,

давлат ҳуқуқ (қонунлар) билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашнинг кафолатини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги пайтда мамлакатимизда конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашнинг изчил ҳуқуқий механизми яратилди.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг сиёсий ва давлат-ҳуқуқий тизимида конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашнинг муҳим кафолатини, яъни, бу мамлакатда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг реал жорий этилганлигидир. Унга кўра қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари ўзларининг конституцияда, қонунда белгиланган ваколатлари доирасида фаолият юритадилар. Улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштиришда энг олий ҳакам қонун ва фақат қонундир.

Қонун нафақат фуқаролар, уни қўлловчи давлат идоралари ва мансабдор шахслар учун, балки қонунларни яратувчи ҳокимият органлари, Олий Мажлис учун ҳам муқаддас ва мажбурийдир. Ҳокимиятларнинг оқилона тақсимланиши давлат тузилмаларининг самарали ишлаши, суиистеъмолликларнинг бартараф этилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари амалда таъминланиши, умуман, демократия ва қонунийлик ҳукм суришининг муҳим гаровидир. Бундай муҳитда ҳокимият шахобчаларининг ҳар бири қолган ҳокимият шахобчаларининг фаолиятини назорат қилади, уни қонун доирасидан четга чиқишдан тийиб туради. Шундай муҳитнинг мавжудлиги конституция ва қонунларга қатъий амал қилиниши учун сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, мамлакат Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир (93-модданинг 1-банди). Президентнинг бу борадаги фаолияти катта сиёсий-юридик аҳамиятга эга. У ўз фармонлари билан, ҳукумат қарорлари билан конституциявий тамойилларнинг, қонунларда мустаҳкамланган қоидаларнинг ҳаётга тўла жорий этилиши учун йўл очади, тегишли ҳуқуқий механизмларни яратади. Президентнинг ўзи Конституция ва қонунларга қатъий амал қилиши билан давлат идоралари ва мутасадди мансабдор шахслар учун ибрат-намуна кўрсатади. Шу билан бирга ўз ваколатлари доирасидаги ташаббускор ташкилий фа-

олияти билан давлат идораларини, айниқса, ижроия ҳокимият таркибига кирувчи (Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий ҳокимликлар) тузилмаларни Конституция ва қонунларга оғишмай риоя этишга сафарбар этади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2001 йилнинг 4 январида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» фармойиш қабул қилганлиги ҳам жамиятда Конституциянинг мавқеи ва нуфузини кўтаришга қаратилган муҳим тадбирдир. Гарчанд, фармойишнинг асосий мақсади аҳоли орасида конституциявий-ҳуқуқий билимдонликни, маданиятни оширишдан иборат бўлса ҳам, бу пировардида Конституциянинг эъзозланиши, унга устувор тарзда амал қилинишига пухта замин яратади.

Учинчидан, қонун устуворлиги ҳақида гап борганда, аввало, конституциянинг олийлигини, устунлигини таъминлаш ҳуқуқий тизимнинг пойдевори, қонунчиликнинг ўзаги эканлиги кўзда тутилади. Конституция нормалари бирламчи таъсис этувчи, стратегик йўналиш берувчи характерга эга. Жорий қонунлар ва барча норматив-ҳуқуқий актлар конституцияга тамомила мос, унга мувофиқ яратилиши шарт.

Конституция ва қонунлар ҳар бир фуқаро учун, ҳар бир ҳуқуқ соҳиби учун энг олий қадрият, мўътабар неъмат ҳамда муқаддас бўлмоғи лозим. Бироқ бунинг учун, аввало, конституция ва қонунларнинг ўзи том маънода адолатли, инсонпарвар, демократик ва оқилона бўлиши, жамиятнинг етилган эҳтиёжларига ҳамда давр талабларига тўла мос келиши лозим.

Конституциянинг олийлигини таъминлаш алоҳида муҳофаза механизми бўлишини тақозо этади. Бундай механизмнинг асосий ва марказий бўғинини Конституциявий суд ташкил этади. У қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари актларининг конституциявийлиги тўғрисидаги ишларни кўриб ҳал қилади[1].

Тўртинчидан, қонуннинг олийлигини таъминлаш, унинг қонунчилик соҳаларидаги устунлигини мустаҳкамлаш воситаларидан бири кодекслаштиришдир. Ко-

---

[1] Конституциявий суднинг ваколатлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунга қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. № 9. 178-модда.

декс муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги нормаларни мужассам ифода этувчи қонунлар мажмуидир. Кодексдаги ҳуқуқий нормаларнинг жойлашуви тегишли ҳуқуқ тармоғи ички тузилишини, тизимини акс эттиради.

Кодекс ўз юридик кучига кўра оддий жорий қонундан устун саналади. У оддий қонундан ўзининг мукаммаллиги, сайқал топганлиги, ички барқарорлиги, мантиқий мутаносиблиги билан фарқ қилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари мобайнида 350 га яқин қонун, шу жумладан 15 та кодекс қабул қилинди (Ҳаво кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Солиқ кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси, Божхона кодекси, Оила кодекси, Ер кодекси, Уй-жой кодекси кабилар шулар жумласидандир).

Кодекслар ҳуқуқ тармоғининг бош қонуни сифатида конституция принципларини ривожлантириш йўлида яратилади ва улар конституция, конституциявий қонунлардан кейинги мавқени эгаллайди. Кодекслар ўз ички мантиғининг пишиқлиги, нормаларининг ўзаро мувофиқ ҳамда мутаносиблиги билан ажралиб туради. Кодекс яратилаётган чоғда тегишли ҳуқуқ ёки қонунчилик тармоғидаги барча ҳуқуқий актлар ва қоидалар янгитдан «тафтишдан» ўтказилади, татбиқ ва таҳлил этилади. Кодекс тузиш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар қайта ишланади, ихчамлаштирилади ва такомиллаштирилади. Ҳаёт синовидан ўтган ҳуқуқий қоидалар кодексдан жой олади. Шу боис кодекс нормалари ҳаётда ўзининг амалини осон топади.

Бешинчидан, қонун устуворлигини таъминлашнинг қуйидаги омилларини эътироф этиш мумкин:

а) қонун чиқарувчи жараённи муттасил демократлаштириб бориш. Бу омил инсонпарвар, адолатли, халқчил қонунлар яратилишининг гаровидир;

б) қонуннинг сифатини мукаммаллаштириш, унинг ички механизми пухта, юридик техника нуқтаи назаридан бенуқсон бўлишига эришиш;

в) қонунчиликни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришда

«қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилади» (фуқаролар учун),

«фақат қонунда мустаҳкамланган нарсаларгагина

рухсат берилади» (мансабдор шахслар ва давлат идоралари учун) деган принципларга қатъий амал қилинишига эришиш;

г) қонунчилик фаолиятининг яқин йиллар ва истиқболга мўлжалланган стратегиясини яратиш (режалаштириш ва башорат қилиш); қонун устуворлигини таъминлаш концепциясини яратиш;

д) қонунлар амал қилишининг ижтимоий (социал) механизмига эътибор қаратиш. Бу соҳадаги ижтимоий омиллар (таъсир этувчи кучлар, воситалар)ни синчиклаб ўрганиш. Шу мақсадга йўналтирилган социологик тадқиқотларни йўлга қўйиш;

е) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳоказо.

Олтинчидан, мамлакатдаги барча норматив-ҳуқуқий (айниқса, идоравий ҳужжатлар) актларнинг қонунга тўла-тўкис мос бўлишини таъминлаш. **Идоравий ҳуқуқ ижодкорлигини чегаралаш.**

1997 йил 9 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 469-сонли қарор қабул қилди. Қарорнинг моҳияти шундаки, у умуммажбурий тусдаги идоравий норматив ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлаш вазифасини Адлия вазирлиги зиммасига юклаб, уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини талаб этди. Шунга мувофиқ, идоравий норматив актларнинг, яъни вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа бошқарув идоралари чиқарадиган ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлигини назорат этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. 1993 йилдан 2000 йил 1 январигача Адлия вазирлиги 958 та идоравий ҳужжатни рўйхатдан ўтказди. 1100 дан зиёд умуммажбурий норматив ҳужжатлар талабга жавоб бермаслиги сабабли тегишли идораларга қайтарилган. Расмий тарзда рўйхатдан ўтмаган идоравий норматив ҳужжатлар юридик кучга эга бўлмайди, уларни ҳаётга жорий этиш мумкин эмас.

Еттинчидан, шиор ва декларация тарзидаги нормалар бўлишини бартараф этиш зарур. Шунингдек, унда қонун ости, идоравий норматив ҳужжатларга ҳаволалар ҳаддан зиёд бўлишининг олдини олиш. Бундай ҳаволалар кўп бўлиши кейинчалик ҳаётда қонун четда қолиб кетиб, унинг ўрнини идоравий ҳужжат эгаллаб олиши хавфини келтириб чиқаради.

Саккизинчидан, қонунларнинг барқарор бўлишига эришиш. Уларга тез-тез қўшимча, ўзгартиш ва қўшимчалар киритавериш, пировардида, қонуннинг аҳамияти ва нуфузи тушиб кетишига олиб келади.

Тўққизинчидан, конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашда прокурор назоратининг роли ҳам каттадир. Мазкур вазифа доирасида прокуратура идоралари муайян қонунлар ижросини бевосита бажарувчи вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, қонун бузилишининг олдини олиш, унинг сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўрадилар. Қонун бузилишининг олдини олиш мақсадида прокуратура органлари умумий назорат тартибида жойларда текширувлар ташкил этади. Мутасадди ташкилот ва раҳбарларнинг эътиборини қонунларнинг қатъий бажарилишига жалб этади. Баъзи камчиликлар аниқланган тақдирда масъул шахсларга прокурорлик талабномалари, амрномалари ва огоҳлантириш хатлари йўлланади. Қонунни қўпол бузиш ҳоллари аниқланганда эса маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Шундай қилиб, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадида конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш учун комплекс ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар яратилган. Албатта, мазкур кафолатлар ва юридик механизмларни муттасил такомиллаштириб, уларнинг самарадорлигини ошириб бориш лозим. Юқоридаги баёнимизда конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашнинг асосан ҳуқуқий механизми ва кафолатлари хусусида фикр юритилади. Конституция ва қонунлар устунлигини таъминлашнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий, руҳий ва бошқа кафолатлари ҳам мавжудлигини ёдда тутиш зарур.

XIII б о б. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ АСОСЛАРИ

*** ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ**
*** МУЛК ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**
*** СИЁСИЙ ПЛЮРАЛИЗМ ВА КЎППАРТИЯВИЙЛИК**

1-§. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Иқтисодиёт билан давлат тузуми ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд бўлиб, у маълум қонуниятлар билан тавсифланади. Булар:

биринчидан, давлат тузумининг барқарорлиги иқтисоднинг ривожланганлик даражасига, мустаҳкамлигига ва истиқболлигига боғлиқ;

иккинчидан, иқтисодий барқарорлик заминига таянган давлат конституциявий-ҳуқуқий принципларга монанд бўлади;

учинчидан, демократик конституциявий тузум мавжуд бўлган давлатда эркин бозор иқтисодиёти баравж ривожланиши мумкин.

Иқтисодиёт билан давлат, сиёсат ўртасидаги муносабатда иқтисод белгиловчи, етакчи ўрин тутади. Жамиятнинг иқтисодий тузумини давлат таъсис этмайди, у ижтимоий тараққиётнинг қонунияти сифатида вужудга келади ва шаклланиб боради. Давлат эса иқтисодий муносабатларнинг асосий жабҳаларини ҳуқуқ, эркинлик ва мажбурият белгилаш орқали тартибга солади.

Инсонларнинг сиёсий фаолияти билан давлатнинг алоқадорлиги ҳам худди шундай асослар замирида қурилади ва намоён бўлади. Жамиятнинг сиёсий тизимини қарор топтириш, таъсис этиш давлатнинг ихтиёридаги иш эмас. Зеро, сиёсий ҳаёт, сиёсий муносабатлар

кишилар ташаббускорлик фаолиятининг маҳсулидир. Сиёсий соҳада ҳам эркинликни муҳофазалаш ва ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжи мавжуд. Ана шу охиргиси давлат фаолияти билан боғликдир.

Ўзбекистон Республикасида давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги стратегияси мамлакат Президенти И. А. Каримов томонидан қуйидагича таърифлаб берилган:

1) республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этиш;

2) ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш;

3) мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шаклларининг ҳуқуқий тенглигини қарор топтириш. Шу асосда инсоннинг мулкдан бегоналаштирилишига барҳам бериш;

4) иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда монополияларга барҳам бериш, корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтириш. Давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечиш[1].

Ўзбекистонда демократик давлат барпо этишнинг ва бозор иқтисодиёти асосларини яратишнинг бешта дастурий тамойили эътироф этилади. Уларнинг моҳияти қуйидагича:

биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак;

иккинчидан, давлат ислоҳотларнинг ташаббускори сифатида майдонга чиқиши, бошқача айтганда, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши шарт;

учинчидан, қонун устунлиги, қонунга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 2000. 17—18-бетлар.

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг объектив қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда, «инқилобий сакрашлар»сиз, яъни тадрижий йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак[1].

Ижтимоий йўналтирилган, аҳоли манфаатларига бўйсундирилган иқтисодиёт — кўп укладли, мулкчиликнинг аралаш шаклига асосланган иқтисодиётдир. Агар бозор ишлаб чиқаришни одамларнинг ўсиб борувчи ва муттасил ўзгариб турувчи эҳтиёжларига энг юқори даражада йўналтиришни таъминловчи механизм бўлса, давлат барқарорликнинг, ҳимояланганликнинг ва ижтимоий адолатнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Мулкчилик шаклларининг ва хўжалик фаолияти ташкилий-ҳуқуқий механизмларининг хилма-хиллиги аралаш иқтисодиётнинг хусусиятидир.

Ўзбекистон конституциявий тузумининг иқтисодий асосини мамлакатда қад ростлаётган ижтимоий бозор хўжалиги ташкил этиб, унинг доирасида бозор қонуниятларига асосланган тарзда маҳсулот ишлаб чиқариш ва моддий неъматларни тақсимлаш амалга оширилади ҳамда унинг иштирокчилари сифатида ўзаро рақобатдош бўлган хусусий хўжалик субъектлари намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси бундай рақобатни қўллаб-қувватлайди, яккаҳокимлик тартибида имтиёзларга эга бўлишнинг олдини олиш чораларини кўради ва бу соҳада тегишли назоратни амалга оширади.

Мамлакатимизнинг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуни, маҳсулот бозорларида монополистик фаолият ва ноҳалол рақобатнинг олдини олиш, чеклаш ва тўхтатишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этиб, товар бозорларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишига шароит яратишга қаратилган.

Мазкур қонун:

бозорда юқори мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъект томонидан рақобатни чеклаш ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг манфаатларига путур етказиш мумкин бўлган, шунингдек,

---

[1] *Каримов И. А.* Ўша жойда. 101—102-бетлар.

товарларни олиб қўйиб, бозорда тақчилликни юзага келтиришга, нархларни оширишга қаратилган хатти-ҳаракатларни ман этади;

тузилаётган шартномаларда рақобатчини бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан тенгсизлик ҳолатига қўювчи талабларнинг киритилишига;

бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришга (чиқишга) тўсқинлик қилишга;

норматив, ҳуқуқий актлар билан белгиланган нархнавони ташкил этиш тартибининг бузилишига йўл қўймайди.

Шунингдек, ушбу қонун томонидан рақобатлашаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг бир нечтаси бозор иқтисодиёти шароитида қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, юқори мавқени эгаллаш мақсадида тузилган, бозорда рақобатни чеклашга, нархларни (тарифларни) белгилашга (бир маромда ушлаб туришга), чегирма, қўшимчаларнинг ташкил этилишига қаратилган бўлса, улар тақиқланади ва ўрнатилган тартибда тўла ёки қисман бекор қилинади. Шунингдек, ким ошди савдоларида, аукционларда нархларни кўтариш, тушириш, ушлаб туриш; бозор ҳудудий принципларда, сотиш ва олиш ҳажмларига қараб, сотилаётган товарлар ассортименти, сотувчилар ёки олувчилар (буюртмачилар)га қараб бўлиш ман этилади. Қонун томонидан ҳокимият идораларига хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини чегараловчи (ёки чекловчи), камситувчи актлар қабул қилиш ёки ҳаракатлар содир этилиши, агарда ушбу ҳаракатлар рақобатни ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган бўлса, улар тақиқланади[1].

Баъзи бир хўжалик юритувчи субъектларнинг юқори мавқега эга бўлишининг олдини олиш мақсадида қонун, давлат томонидан иттифоқлар, ассоциациялар, концернлар, ҳудудий ва тармоқ бирлашмаларининг бирлашуви устидан, бошқарув идоралари ва қўшимча субъектларнинг қайта ташкил этилиши ва бирлашуви, ҳиссадорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкил этилиши, қўшилиши ва тугатилиши юзасидан дастлабки назоратнинг амалга оширилишини кўзда тутади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. № 2. 54-модда.

Шу билан бирга, қонунда акциялар, пайлар сотиб олиниши ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталида қисман иштирок этилиши устидан давлат назорати ҳам кўрсатиб ўтилади.

Қонун бўйича рақобат ва тадбиркорлик асосида бозор муносабатларининг шакллантирилиши; монополистик ва ноҳалол рақобатнинг олдини олиш, чеклаш ва тўхтатишни ҳамда антимонопол қонунларга риоя этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши кураш қўмитасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий бозор хўжалигини ташкил этишда, иқтисодий фаолиятнинг, тадбиркорликнинг ва меҳнатнинг эркин бўлишига, ҳалол рақобат ва ижтимоий фойдани кўзлаб, хўжаликни давлат томонидан бошқаришда, мазкур фаолият жамият ва шахс манфаатлари йўлида амалга оширилишига интилади. Ривожланаётган бозор иқтисодиёти билан бир қаторда, давлат корхоналари ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришда ва уларни тақсимлашда иштирок этади.

Шу билан бирга, давлат турли шаклларда мамлакатимизда аҳоли манфаатларига катта таъсир кўрсатувчи, ишлаб чиқариш ва тақсимлашни ташкиллаштиришнинг алоҳида муҳим жиҳатлари учун жавобгардир. Сўз биринчи навбатда, аҳолини керакли нарсалар билан таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришда меҳнатга лаёқатли барча аҳолининг иштирок этишини (аҳолининг бандлигини), иқтисоддаги мувозанат бузилишининг ёки халқаро бозордаги талабнинг ўзгариши оқибатларини юмшатиш ҳаракатларини амалга ошириши; жойлардаги, ҳаётнинг айрим жабҳаларидаги, инсонлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф қилиш учун жавобгарлик устида бормоқда.

Давлатнинг иқтисодий муносабатлар соҳасидаги роли Конституцияда ниҳоятда аниқ ва лўнда акс эттирилган. «Давлат, — дейилади Конституциянинг 53-моддасида, — истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди».

Конституциямизнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб таҳлил юритилганда бозор иқтисодиётининг белгиловчи муҳим принциплари қуйидагилардан иборат бўлади:

биринчидан, иқтисодий макон бирлиги;

иккинчидан, товар, хизмат ва молиявий воситаларнинг эркин равишда бир жойдан иккинчи жойга ўтказилиши;

учинчидан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва эркин рақобат.

Иқтисодий макон бирлиги соф конституциявий-ҳуқуқий категория эмас. Бироқ, у мамлакатимиз ҳудудини ўзига хос ягона қоидаларга эга умумий бозор сифатида эътироф этиш ниятини акс эттиради. Бунинг конституциявий асоси Конституциянинг 3, 72, 78, 94, 98-моддалари мазмунидан келиб чиқади. Бунда Ўзбекистон ҳудудининг ягоналиги, унда қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар, шу жумладан, бозор муносабатлари тартиб-қоидаларини ўрнатувчи ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумий мажбурий характерга эгалиги назарда тутилади.

Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва эркин, соғлом рақобатни ривожлантириш бозор иқтисодиётига кўмаклашувнинг энг омилкор усулидир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда микро, кичик ва ўрта бизнес корхоналари 165 мингдан ошиб кетди ёки мамлакатда рўйхатга олинган барча корхоналарнинг 90 фоизини ташкил қилади, шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес корхоналари тахминан 34 минг, микрофирмалар — 131 мингдан зиёд. Кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши 14—16 фоизни ташкил қилмоқда. Мамлакатда 26,4 минг фермер хўжалиги ишламоқда[1].

«Давлатнинг куч-қудрати — аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш,... тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади»[2].

Давлатнинг тадбиркорликка нисбатан кўмаги, аввало, бу фаолиятнинг ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йилнинг 17 февралида «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика

---

[1] Ўзбекистон: инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Т.: Ўзбекистон, 2000. 51—52-бет.

[2] *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. Т.: Ўзбекистон, 2000. 335-бет.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бунда тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларнинг фаолиятини текширишларни тартибга солиш чоралари белгиланди. Шунингдек, Адлия вазирлиги таркибида «Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси» ташкил этилди. Вазирлик тадбиркорлар фаолиятини текширишларни рўйхатга олиш китобини жорий этди. Текширувчиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати оқибатида тадбиркорларнинг манфаатларига путур етказилган тақдирда Адлия вазирлиги қоида бузувчи текширувчига тақдимнома киритади; тадбиркор фойдасини кўзлаб судга даъво аризаси киритади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида (2000 йил 25 май) «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг асосий вазифаси фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолат ҳамда шароитлар яратишдан, тадбиркорлик фаолият субъекларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат (қонуннинг 1-моддаси). Тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (18-модда). Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Шунингдек, қонун тадбиркорларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини кафолатлайди. Давлат органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ноқонуний қарорлари натижасида тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрни суднинг қарори асосида қопланади.

Қонуннинг 39-моддасига кўра, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ режали тартибда текширувларни мувофиқлаштирувчи органнинг қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин. Текширишлар борасида қонунда рағбатлантирувчи норма ҳам бор. Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда тўлаб турадиган, бошқа нормалар ва қоидаларга риоя этадиган, ҳар йиллик

тегишли аудиторлик хулосаларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади[1].

«Биз, — дейди мамлакат Президенти И. А. Каримов, — давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашни иқтисодиётни эркинлаштириш йўлидаги асосий вазифалардан бири, деб биламиз»[2].

Давлат бошқарув органлари:

тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан мониторингни таъминлашлари;

тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари;

уларга молиявий, моддий-техника ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишда кўмаклашишлари;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа фаолиятни амалга оширишлари шарт.

Давлат тадбиркорликни муттасил ривожлантириш мақсадида турли рағбатлантирувчи чоралар белгилайди, имтиёзли муҳит вужудга келтириш учун ғамхўрлик қилади, уларга қулай шарт-шароит яратишни ўз зиммасига олади.

Давлат ҳуқуқий механизмлар ёрдамида эркин рақобатга мос мўътадил муҳит ҳамда шарт-шароит яратади. Рақобат — ҳокимият томонидан бирон-бир мажбурлов ва аралашувсиз алоҳида иқтисодий фаолиятларни уйғунлаштиришнинг энг ишончли механизмидир.

Рақобатни қўллаб-қувватлаш давлатнинг бутун иқтисодий сиёсати билан амалга оширилади. Бу, аваламбор, давлат монополизмини йўқ қилиш, хусусийлаштириш, корхоналарни хусусийлаштириш ва акционерлаштириш, махсус антимонопол чоралар, инвестицияга оид фаолликни рағбатлантиришдир. Бундай сиёсат натижасида товарларнинг сифати яхшиланади ва хили кўпаяди, қимматчилик бартараф этилади, шу билан бирга, аҳолининг яшаш шароити ва турмуш даражаси кўтарилади. Рақобат марказлаштирилган иқтисодиёт ва бошқарувнинг буйруқбозлик

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2000.

[2] *Каримов И. А.* Ўша асар. 367—368-бетлар.

усуллари билан бажариб бўлмайдиган ишларнинг амалга оширилишини таъминлайди. Агарда конституциявий тузум мазкур рақобатни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, бу уни иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг энг яхши иттифоқчисига айлантиради.

2-§. МУЛК ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

Мамлакатимиз иқтисодий тизимига **мулкчиликнинг турли** шаклларга бўлинганлиги хосдир. Мулкчилик муносабатларининг тартибга солиниши турли ҳуқуқий нормалар орқали амалга оширилиб, ушбу нормаларнинг марказида мулкий муносабатларни тартибга солишнинг асоси ҳисобланган конституциявий нормалар ётади.

Мулкий муносабатларнинг конституциявий тартибга солиниши ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, уларнинг асосий вазифаси давлат томонидан тан олинган мулк шаклларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибланишидир. Шундай қилиб, конституциявий нормалар давлат томонидан қандай мулк шаклларининг тан олиниши ва кафолатланиши тўғрисидаги масалаларнинг ҳал этилишига ёрдам беради.

Мулкка нисбатан бўлган муносабат шуниси билан муҳимки, у муқаррар равишда шахснинг жамиятдаги мавқеини, эркинлигини, ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тизимини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси хусусий мулк билан боғлиқ масалага муҳим ўрин ажратган. Бу, албатта, ҳар бир фуқаронинг эркинлигини кафолатлашга ва фуқаровий жамиятнинг мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган. Айнан шундай ёндашув хорижий конституцияларда амалга оширилган.

Аммо Конституция хусусий мулкнинг ҳуқуқий мавқеини ниҳоят даражада кучайтирган. Шу билан бирга, гап хусусий мулкни бошқа мулк шаклларига нисбатан устувор бўлиши тўғрисида эмас, балки унинг бошқа мулк шаклларига нисбатан тенг ҳуқуқли мақомга эгалиги тўғрисида боради. Собиқ совет тоталитар давлати (асосли равишда) хусусий мулкдан қўрқар эди. Ҳозирги демократик давлат барча мулк шаклларини тан олади ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакатимиз иқтисодиётига мулкчиликнинг турли шакл-

лари — хусусий, давлат мулки, жамоа мулки кабиларнинг хослиги келиб чиқади. Конституцияда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик дунёси ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир деб эътироф этилади, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги таъкидланади.

Бозор хўжалиги ташкил топишининг асосий йўлларидан бири иқтисодий аҳамиятга молик мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилишидан иборат. Мамлакатда ўтказилган хусусийлаштириш усул ва шаклларига ҳар қанча танқидий назар билан қарамайлик, унинг натижасида бозор иқтисодининг асослари ташкил этилганлигини тан олиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан, мулкдор мулкидан ўз хоҳишига кўра фойдаланади ва тасарруф этади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин (53—54-моддалар).

Конституцияга биноан, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчилар ҳуқуқининг устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Бундан кўринадики, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини иккита асосий конституциявий қоида ташкил қилади:

биринчидан, мулк шаклларининг хилма-хиллиги: хусусий мулк ва давлат мулки (республика мулки ва муниципал мулк);

иккинчидан, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишининг кафолатланганлиги.

Хусусий мулк шахсий мулк билан бир эмас, чунки унинг ҳажми шахсий мулкдан каттароқ. Бу тушунчага шахсларнинг шахсий эҳтиёжларини қондирувчи предметлардан ташқари (уй, автомобиль, қимматбаҳо нарсалар ва ҳоказо), шунингдек, фойда олиш мақсадида ташкил этилган саноат, молиявий, савдо корхоналари киради. Уларнинг эгалари (жисмоний ва юридик шахс-

лар) қонунларга риоя қилишлари, солиқларни тўлашлари, мазкур мулк билан амалдаги қонунчиликка риоя қилган ҳолда, хоҳлаган ҳаракатларини қилишлари (уни тугатиши, бошқа корхона билан қўшиши, қайта ташкил этиши ёки сотиши) мумкин. Давлат бундай корхоналарнинг ишига аралашиш ҳуқуқига эга эмас.

Давлат мулки ҳар хил корхоналар ёки уларнинг қисмини (агарда бу корхоналар давлатга тегишли бўлган пул маблағлари ҳисобига яратилган бўлса) қамраб олади. Давлат мулкига барча корхоналар киради. Давлат бундай корхоналарни бошқариш тизимини ўрнатади.

Маҳаллий ҳокимият идораларининг ва ўзини ўзи бошқариш органларининг мулки (муниципал мулк). Шуни эслаш керакки, вилоят, туман ва шаҳарлар ҳудудларида бошқа мулк шаклига мансуб бўлган (давлат, хусусий ва бошқа) объектлар ҳам мавжуд. Муниципал мулкка одатда унча катта бўлмаган саноат ва савдо корхоналари, уй-жойлар киради ва уларни ўзини ўзи бошқариш маҳаллий бошқарув органлари тартибга солади.

Конституцияда қайд этилган «ўзга мулк шакллари» тушунчасига жамоат бирлашмаларининг мулки — касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, хилма-хил нодавлат, нотижорат ташкилотларининг мулки киради. Уларнинг қаторига йирик объектлар ҳам киритилиши мумкин. Масалан, касаба уюшмаларнинг меҳмонхоналари, маъмурий бинолари, автобаза, ўқув юртлари, сиҳатгоҳлар, дам олиш масканлари профилакторийлари ва ҳоказо. Ўтмишда уларнинг мулки алоҳида конституциявий мавқега эга эди, ҳозирда ўзга жамоат бирлашмалари ҳам шундай умумий мавқега эга бўлди. «Ўзга мулк шакллари» тушунчасига умумий, қўшма, ширкат мулкларини киритиш мумкин. Улар бошқа мулклардан субъекти бўйича фарқланади ва моҳияти бўйича шахсларнинг хусусий мулки сифатида ҳам тан олиниши мумкин.

Мулк шаклларига доир қоидаларда уларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши катта аҳамият касб этади. Собиқ тоталитар давлатда давлат мулкига жамоат ва шахсий мулкка нисбатан устунлик берилар эди, аммо ҳозир бундай ҳолга чек қўйилди. Ҳуқуқий давлат ҳеч қандай мулк шакли учун бирон-бир имтиёз ёки чеклашларни яратишдан йироқ. Фуқаролик кодекси эса мулкнинг қайси шаклда бўлишидан қатъи назар, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг умумий принципларини ўрнатади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талқинига кўра, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир (207-модда). Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори чекланмайди. Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари, ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк объекти бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларининг асоси бўлмиш хусусий мулкнинг қарор топишида 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун муҳим ўрин тутади. Ўтган давр мобайнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмига айланди. Хусусий мулкни шакллантириш жараёни сифатида давлат тасарруфидан чиқариш инсон манфаатларини акс эттириб, қуйидаги тарзда ифодаланади:

1) реал мулкдорларни (мулкнинг ҳақиқий хўжайинларини) уларга корхоналарни (уларнинг низом жамғармаларидаги улушлари ёки мулкнинг айрим турларини) сотиш йўли билан шакллантириш;

2) мамлакатда иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштирувчи қонунлар тизими орқали янги мулкдорларга уларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

3) одамларга ўз қобилиятларини намоён этиш учун имкониятларни таъминлаш, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик асосидаги ўз фаолияти самарадорлигини ошириш йўли билан турмуш шароитларини яхшилаш ва тегишли даромадларни олиш.

Умуман, бутун хусусийлаштириш даври (1992—1997 йиллар) давомида қайта ишлаш ва кон саноати, транспорт, қурилишнинг турли тармоқларидаги 20692 корхона давлат тасарруфидан чиқарилган, 54000 дан ортиқ савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, маҳаллий саноат, матлубот уюшмалари ва тайёрлов корхоналари хусусийлаштирилган. 1997 йилда мамлакат корхоналарининг 86,5 фоизи давлат тасарруфидан чиқарилган эди.

Ўзбекистоннинг 1 млн. дан ортиқ фуқароси илгари давлатга қарашли бўлган хонадонларнинг эгаларига айланди. Давлат секторида ишлаётганларнинг 200 минг нафарга яқини нодавлат секторига ўтди. Кўрсатилган давр мобайнида 100 минг дан зиёд хусусий кичик

корхоналар тузилиб, рўйхатдан ўтказилди, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларидаги монопол тузилмалар тугатилди.

1998 йилдан бошлаб Ўзбекистон ўрта ва йирик, шу жумладан, стратегик аҳамиятга эга корхоналарни босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқаришга киришди. Мамлакатда ўрта ва йирик, биринчи навбатда, чет эл сармоялари жалб қилинган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришни жадаллаштириш бўйича 1999—2000 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича кўрилган чоралар оқибатида республика корхоналарининг умумий миқдорида нодавлат корхоналарнинг ҳиссаси 1998 йилда 83,7 % ни ташкил қилди, бунда хусусий фирмаларнинг нодавлат секторидаги ҳиссаси 46 % ни, ҳиссадорлик компанияларидаги ҳиссаси — 18 % ни, қўшма корхоналардаги ҳиссаси — 2 % ни ташкил этди.

Хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва шу асосда мулкдорлар синфини шакллантириш давлатнинг иқтисодий соҳадаги сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолди. **«Биз хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ўсиб борадиган кўпукладли иқтисодиётни ривожлантириш тарафдоримиз. Дунё тажрибаси шундан далолат беради, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчиликни ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади»,** — деди Президент И. А. Каримов[1].

Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тосарруфидан чиқариш жараёнига иқтисодиётнинг негизини белгилайдиган тармоқларга қарашли ўрта ва йирик корхоналар ҳам жалб қилинди. **Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришдан 1999 йилда тушган маблағ 9 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этди.** 1998 йилда эса бу кўрсаткич 8 миллиард сўм бўлган эди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш натижасида тушган маблағнинг 350 миллион сўми корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш мақсадлари учун йўналтирилди.

Давлат мулки бўлган 67 та иншоот, жумладан, мулкий мажмуалар шаклидаги 27 та объект хорижий инвес-

---

[1] *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. Т.: Ўзбекистон, 2000. 338-бет.

торларга сотилди. Сотиб олинган корхона ва акциялар учун хорижий инвесторлар томонидан тўланган маблағ 16 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу 1998 йилдагига қараганда 7,5 баробар кўп демакдир. Шу билан бирга, хорижий сармоядорларнинг инвестиция мажбуриятлари 238,5 миллион АҚШ доллари ва 1 миллиард сўмдан зиёдроқни ташкил этди.

Шундай қилиб, Конституция ҳар бир фуқаронинг ва юридик шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқини кафолатлайди (36-модда). Ўзганинг мулкига тажовуз қилиниши қонунчиликда белгиланган фуқаровий, маъмурий ва жиноий жавобгарликларга сабаб бўлади. Барчанинг мулки ва мулкий манфаатлари қонун билан қўриқланади. Шу жумладан, хусусий мулк ҳам дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир (Конституциянинг 53-моддаси).

3-§. СИЁСИЙ ПЛЮРАЛИЗМ ВА КЎППАРТИЯВИЙЛИК

Сиёсий ва мафкуравий ҳурфикрлилик (плюрализм) демократик фуқаролик жамиятининг муҳим хусусияти бўлиб, шахснинг эркинлиги, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигини, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади. Инсонлар табиатан хилма-хилдирлар, уларнинг манфаатлари ва яшаш тарзлари ҳам турлича. Шу боис, ҳар бир инсон ўзига хос фикрлайди, мушоҳада юритади. Маълумки, ҳар бир инсон танҳо ва бетакрордир. Фикрлар хилма-хиллиги фуқаролик жамиятининг ихтироси эмас, балки табиий ҳолатдир.

«Плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги маърифий жамиятга хос бўлиб, муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш, тушуниш ва талқин этиш тамойилига асосланади. Мана шундай тамойил устувор бўлган шарт-шароитни эътироф этадиган ва ўз ғояларини шу мезонлар асосида ривожлантирадиган мафкура илғор, кучли ва ҳаётахш бўлади»[1].

Инсониятнинг сиёсий тарихи сабоқлари шундан далолат берадики, ўз фикрини эркин ифода эта оладиган шахс, ижтимоий гуруҳ, партия, аввало, ўзининг аниқ-равшан, асосли қарашларига эга бўлиши, ўз нуқ-

---

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Ўзбекистон, 2001. 19-бет.

таи назарининг оқибати учун масъулиятни зиммасига олиши, баҳс-мунозара маданияти талабларига амал қилиши лозим. Энг муҳими, фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги жамиятнинг устувор манфаатларига, миллий ва умумбашарий қадриятларга, қонунларга, ахлоқий мезонларга зид бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири — мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш, эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган сиёсий маданиятини шакллантиришдан иборат. Мазкур жараёнда демократия, фикр ва виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда инсонпарварлик қоидаларига риоя этиб яшашни жамият ҳаётининг асосий мезонига айлантириш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов собитқадамлик билан олиб бораётган сиёсат ва амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳити қарор топишига йўналтирилгандир. Сиёсий партиялар аҳоли муайян қатламларининг, фуқаролар ҳамда улар уюшмаларининг фикрини, нуқтаи назарини ифодалашнинг муҳим демократик воситасидир. Худди мана шунинг учун ҳам **«ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим. Амалда кўппартиявийлик — бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, мухолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдонидир»**[2].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамиятимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, ом-

---

[1] *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. Т.: Ўзбекистон, 2000. 333-бет.

мавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас» (34-модда).

Фуқароларнинг Конституцияда қатъий белгилаб қўйилган касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқлари:

биринчидан, ўзларининг аниқ мақсадлари ва вазифаларини кўзлаб, фуқароларнинг сиёсий фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг кўп қиррали манфаатларини қондиришга мувофиқ келувчи ташкилот ва бирлашмалар тузишда;

иккинчидан, бошқа фуқаролар билан тенг асосларда жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатларга ихтиёрий аъзо бўлишда;

учинчидан, жамоат бирлашмаларининг мақсади ва низомидаги вазифаларини ҳеч қандай тўсиқсиз амалга ошириш, унинг ҳимоясидан ва аъзоликдан келиб чиқувчи ҳуқуқларидан фойдаланишда;

тўртинчидан, жамоат бирлашмалари орқали жамият ва давлатни бошқариш ишларида қатнашиш кабиларда ифодаланади.

Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза этади. Бундан ташқари, давлатнинг зиммасига сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳамда сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш вазифаси ҳам юклатилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 4 та сиёсий партия ва 2 та ижтимоий ҳаракат фаолият юритмоқда. Сиёсий партиялар қаторига: Ўзбекистон халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси, «Миллий тикланиш» партияси киради. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий ҳолатига оид конституциявий қоидалар 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда батафсил ривожлантирилган.

Давлат сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уларнинг уставларида белгиланган мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилот ҳамда уларнинг ман-

сабдор шахслари сиёсий партияларнинг ички ишларига аралашишлари ёхуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга оширилаётган бўлса, уларнинг фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади.

Айни пайтда, сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига ҳам йўл қўйилмайди («Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси)[1]. Агар совет даврида ҳукмрон яккаҳоким партиянинг раҳбарлари ўз амрини давлат ҳокимияти органларига ўтказган, қонунларни инкор этган бўлсалар, эндиликда қонун бундай хатти-ҳаракатларнинг ғайриқонунийлигини алоҳида белгилаб қўйди.

Қонун сиёсий партияларга аъзолик якка тартибда қайд этилишини талаб қилади. Бу аъзоларни ҳисобга олиш ишларини юритиш учун моддий маблағ ва кадрлар мавжуд бўлишини назарда тутади. Шуни тан олиш керакки, баъзи партиялар аъзоларининг аниқ сонини аниқлашда муаммолар мавжуд. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига кўра, ҳеч бир партия сафидаги аъзолар беш мингдан кам бўлмаслиги лозим. Энг йирик Халқ демократик партияси 470 мингдан зиёд аъзога эга бўлиб, бу кўрсаткич бўйича бошқа партиялардан 8 дан 80 бараваргача олдинда туради. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасидан маълумки, энг муҳими партия аъзоларининг сони эмас, балки унинг сиёсий конструктивлиги, сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланишга қодирлигидир.

Конституциянинг 77-моддаси ва «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун парламентда ва маҳаллий халқ депутатлари кенгашларида фаолият юритиш учун партияларга кенг имкониятлар беради. Ўз вакиллари уларга сайланган тақдирда, улар қонунчилик ташаббуси билан чиқишлари, ҳукуматта ва маҳаллий маъмурларга сўров билан мурожаат этишлари, муҳокама қилинаётган кун тартиби бўйича партия нуқтаи назарини тушунтириб беришлари мумкин. Партия гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси (Ўзбекистон таркибидаги давлат парламенти)да маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида тузилади. Партия гуруҳлари тегишли вакиллик органи қўмиталари ва ко-

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. № 2. 36-модда.

миссияларининг раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқидан кенг фойдаланадилар. Бундай лавозимни эгаллаган партия вакили сайловчилар, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга партиянинг тайёрлигини ўз ишлари билан исботлаш учун катта имкониятларга эга.

Ҳар бир партиянинг муҳим дастурий йўналиши бўлиб, унга кўра партия сиёсий таклифлар ишлаб чиқади ва уларни ўз нашрларида тарғиб қилади. Халқ демократик партиясида бу — аҳолини бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида ижтимоий ҳимоя қилиш, «Адолат»да эса: барқарорликнинг ва Ўзбекистон бозор ислоҳотлари моделини рўёбга чиқаришнинг кафолати сифатида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, «Фидокорлар»да: мулкдорлар «синфи»нинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий роли ошиб бориши, «Миллий тикланиш»да: халқ маънавиятини, тарихий хотираси ва маданиятини тиклаш каби масалаларни партиявий дастур сифатида қарайди.

Халқ демократик партиясининг бошланғич ташкилотлари бир қатор корхоналарда ишлаб турибди. «Адолат» партияси туманлар ва шаҳарлардаги ҳудудий ташкилотларда муайян мавқега эга. «Фидокорлар» ва «Миллий тикланиш» партиялари асосан ҳудудий белгига кўра тузилган.

Сиёсий партияларнинг ташкилотлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Қаршида энг фаолдир.

Барча сиёсий партиялар жамиятда обрўли кишиларга ва ёшларга таянишга интилади.

Ҳар бир сиёсий партия барча асосий масалалар бўйича у ёки бу даражада ҳукуматни қўллаб-қувватлашини ва уларни амалга ошириш усуллари тўғрисида таклифлар билдиришда муайян мустақилликка эгалигини эълон қилади.

Сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва фаоллари ўзларининг шиорларига фуқароларнинг аксарияти лоқайдлигини ва уларни сайловларда қўллаб-қувватлашга тайёр эмаслигини тан оладилар. Буни бартараф этиш учун сиёсий партиялар ўз раҳбарияти таркибига ёшларни киритишни ва, айни чоғда, маҳаллаларда обрўли, партия сиёсатининг тарғиботчилари бўлишига тайёр фуқароларни жалб этишни мўлжалламоқдалар. Шу мақсадда жамоатчилик фикри ўрганилмоқда ҳамда халқ

байрамлари ва миллий байрамлар муносабати билан оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказилмоқда[1].

Сиёсий партиялар давлат органларини шакллантиришда фаол иштирок этадилар. Хусусан, 1999—2000 йилларда парламент ва президент сайловлари ҳақиқий маънода кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Бу фуқароларнинг сиёсий жараёнда демократик иштирок этишини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонун асосида 1999 йил декабрда ўтказилган парламент сайловларининг аҳамияти шундаки, аввалги сайловларда иккита партия иштирок этган бўлса, бу сайловларда бешта партия иштирок этди. Бу, шубҳасиз, депутатлар ўртасида рақобатни ошириш имкониятини берди ҳамда сайловчилар учун танлов имкониятини кенгайтирди. Яна бир хусусият шундаки, «Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш киритилиши муносабати билан фуқаролар ташаббус гуруҳлари ташкил қилиш ва мустақил номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Сиёсий партияларнинг фаоллигини кўрсатувчи бир мисолга эътибор қаратайлик. 1999 йил 5 декабрда ўтказилган Олий Мажлисга сайловларни тайёрлаш ва ўтказиш учун республика бўйича 250 округ сайлов комиссиялари ва 7723 сайлов комиссиялари участкалари тузилди. Сайлов бюллетенларига сиёсий партиялар, ваколатли ҳокимият органлари, ташаббускор сайловчи гуруҳларидан 1010 депутатликка номзод киритилди, хусусан, «Адолат» социал-демократик партиясидан — 119 номзод, «Ватан тараққиёти» партиясидан — 108, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан — 93, «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан — 207, Халқ демократик партиясидан — 180, ваколатли ҳокимият органларидан — 205, ташаббускор сайловчи гуруҳларидан — 98 номзод киритилди.

Республика бўйича сайловчи рўйхатларига 12 692 202 киши киритилди, булардан 12 061 266 нафари (барча рўйхатга олинган сайловчиларнинг 95,03%) овоз беришда иштирок этдилар[2].

---

[1] Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Т.: Ўзбекистон, 1998. 88—89-бетлар.

[2] Халқ сўзи. 1999. 11 декабрь.

XIV б о б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШҚА ДАВЛАТЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР**

1-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ

XX асрда ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг асосий йўналиши мазлум халқларнинг ўз озодлиги учун кураши бўлди. Мустамлакачилик сиёсати халқаро ҳаётда сиёсий воқелик сифатида бутунлай инқирозга юз тутди. Аср охирига келиб тарих тақозоси билан дунёдаги энг катта империя — СССР парчаланиб кетди. Қуруқликнинг олтидан бирини эгаллаган бундай катта давлатда тўлиқ бўйсуниб яшаган турли халқлар мустамлакачиликдан озод бўлдилар. Ушбу халқларнинг барчаси ўзларининг имкониятлари ва менталитетидан келиб чиққан ҳолда, ўз миллий давлатларини тузишга киришди.

Давлат мустақиллигига қадар собиқ марказ барча халқаро алоқаларни фақат ўз қўлида тутар эди. Ўзбекистонга эса фақат «гуллаб-яшнаётган Совет Шарқи»ни хорижий меҳмонларга кўз-кўз қилиш вазифаси топширилар эди. Ўзбекистон номигагина давлат мустақиллигига эга бўлиб, бошқа иттифоқдош республикалар сингари халқаро ҳамжамиятда юз бераётган жараёрлардан четлатилган эди. Бундай узилиш, айниқса, жаҳон иқтисо-

дий тизимидан четда қолиш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ниҳоятда чеклар эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин» дейилган.

СССР парчалангандан кейин Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдан узилиб қолишига ҳам чек қўйилди. Ҳозирга келиб, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амур Темур ва Темурийлар, ўзбек хонликлари давридаги» давлатлар сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг ташқи сиёсатини мустақил равишда белгиламоқда ва амалга оширмоқда.

Ўзбекистоннинг Конституцияси 1991 йил 31 августда қабул қилинган бўлиб, «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг муҳим жиҳатларини ривожлантиради. Ушбу ҳужжатда халқаро ҳуқуқ суверен давлат қурилишидаги муҳим манба сифатида қабул қилинади. Бу билан Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятта ўзининг халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормалари ва принципларига содиқлигини кўрсатади. Ушбу ҳолат ёш давлатнинг дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилотларга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб киришига имкон туғдирди ва Ўзбекистоннинг дипломатик тан олинишига ва мамлакатимизнинг халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларга жадал кириб боришига замин яратди.

Давлатнинг ташқи сиёсий фаолияти у ёки бу даражада конституциявий тартибга солиш предмети бўлиб келган. XVIII асрнинг охири — XX аср бошларида қабул қилинган конституциялар «уруш ҳуқуқини» суверенитетнинг зарур белгиси деб билиб, «уруш эълон қилиш ҳуқуқи»ни олий ҳокимият тизимидаги анъанавий ҳуқуқлардан бири сифатида қабул қилган. Ўша даврда

ҳам «тинчликка оид моддалар» мавжуд эди, улар уруш сиёсатини амалга оширишнинг воситаси сифатидаги ўриндан воз кечишни кўзда тутган. Ушбу ҳолат айниқса Франция конституциявий ҳужжатларида мавжуд бўлган. 1971 йилги Франция Конституциясида эса урушдан «миллий сиёсат қуроли» сифатида фойдаланишдан воз кечиш ҳолатлари ўз аксини топган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин вазият кескин ўзгарди. «Тинчликка оид моддалар» Италия, Япония, ГФР ва бир қанча бошқа давлатларнинг конституцияларидан жой олди. Япониянинг 1947 йилги Конституцияси 9-моддасида урушдан бутунлай воз кечиш ва мамлакатда қуролли кучларни тузишни ман этиш қоидалари мустаҳкамланган.

XX асрнинг иккинчи ярмида қабул қилинган конституциялар давлатларнинг, ташқи сиёсат борасидаги фаолиятини тартибга солиш йўналишларини кенгайтириш тамойиллари билан ажралиб туради. Бу, энг аввало, ташқи сиёсатнинг айрим принципларини расман эълон қилиш ва сулҳ тузиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш, халқаро ва ички қонунчиликнинг, ўзаро мутаносиблиги, давлат органларининг халқаро шартномаларни тузиш, ратификация ва денонсация қилиш бўйича ваколатларини белгилаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик — фуқаролик, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, экстрадиция ва бошпана ҳуқуқи, давлатлараро иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий интеграцияни тартибга солиш масалаларида яққол намоён бўлади.

Интернационналлаштириш замонавий конституционализмнинг асосий хусусиятларидан биридир. У дунё демократик давлатларидаги конституцияларнинг халқаро ҳуқуқ билан яқинлашишида намоён бўлмоқда. Айрим давлатларнинг конституциявий ҳуқуқи эришган ютуқлар халқаро миқёсда умумлаштирилиб, халқаро ҳуқуқнинг муҳим ҳужжатлари — декларациялар, конвенциялар, пактларга киритилган. Ушбу ҳужжатлар иштирокчи давлатларга ўзларининг миллий — қонунчиликларига у ёки бу турдаги демократик конституциявий — ҳуқуқий институтларни киритиш мажбуриятини юклайди (масалан, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини).

Халқаро ҳуқуқнинг миллий-ҳуқуқий тизимларга таъсири ҳам чуқурдир. Кўпгина конституцияларда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормалари ва принциплари миллий конституциявий ҳуқуқнинг таркибий

қисмига киради, улар бир-бирига зид келса, халқаро ҳуқуқий нормалар устун келади, деб ёзиб қўйилган. ГФРнинг Асосий қонуни 25 моддасига асосан, «халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидалари Федерация ҳуқуқнинг таркибий қисмига киради, — улар қонунлардан устун бўлиб, федерал ҳудуд аҳолиси учун бевосита ҳуқуқ ва мажбуриятлар яратади», деб ёзиб қўйилган.

Франция Конституциясининг 55-моддасида «тегишли равишда қабул қилинган ёки ратификация қилинган шартномалар ёки келишувлар ички қонунлардан каттароқ кучга эга бўлади», — деб ёзиб қўйилган.

2-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШҚА ДАВЛАТЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Халқаро муносабатлар — сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий дипломатик, ҳарбий ва бошқа алоқаларнинг, давлатлар ҳамда давлатлар тизимлари, асосий сиёсий, иқтисодий, маданий ташкилотлар ҳамда ҳаракатларнинг ўзаро муносабатлари мажмуидир. Халқаро муносабатлар ўзининг моҳиятига кўра бирон-бир давлатнинг ваколати ва юрисдикциясидан ташқарига чиқади ва бир қанча давлатлар ёки халқаро ҳамжамият ваколати ва юрисдикциясининг объектига айланади.

Халқаро муносабатларда давлатлараро муносабатлар асосий ўрин тутади. Бундан ташқари, давлатлараро хусусиятга эга бўлмаган халқаро алоқалар — юридик ва жисмоний шахслар (хорижий элементлар ёки халқаро элементлар), халқаро ҳукуматга тегишли бўлмаган ва халқаро хўжалик ташкилотлари орасидаги алоқалар мисол бўла олади.

«Ўзбекистон — халқаро муносабатларнинг тўла қонли субъекти» деган конституциявий қоида Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги дунёдаги ўрнини билдирибгина қолмай, мамлакатимизнинг ҳақиқатан ҳам халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас қисми эканлигини исботлайди.

Бу қуйидагиларни англатади:

биринчидан, Ўзбекистон суверен давлат сифатида замонавий халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари билан боғлиқ, бошқа мажбуриятлар давлатимизнинг розилигисиз зиммасига юклатилиши мумкин эмас;

иккинчидан, Ўзбекистон ҳудудида давлат ҳокимияти

чекланмайди ва халқаро ҳуқуқнинг ҳеч қайси субъекти бунга аралашиш ҳуқуқига эга эмас, ўзининг ҳудудидан ташқарида у ўз ҳокимиятини фақат бошқа манфаатдор давлат розилиги бўлгандагина амалга ошириши мумкин;

учинчидан, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан дипломатик алоқаларни амалга ошириб, икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларни тузиб, бевосита давлатлараро муносабатларда қатнашади.

Конституция асосида Ўзбекистон Республикасини халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида билдирувчи ҳуқуқий асослар яратилди. Қуйидаги ҳужжатлар ташқи алоқалар соҳасида асосийлари ҳисобланади:

1996 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонун, 1992 йилда қабул қилинган «Дипломатик ваколатхоналар бошлиқларини тайинлаш ва чақириб олиш тўғрисидаги» қонун, 1992 йилда қабул қилинган «Дипломатик ходимларнинг даражаларини ўрнатиш тўғрисида»ги қонун; ташқи иқтисодий соҳада эса — 1992 йилда қабул қилинган «Хорижий сармоялар тўғрисидаги қонун, 1992 йилда қабул қилинган ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонун, «Хорижий сармоядорларнинг фаолиятини кафолатлаш тўғрисида»ги 1994 йилда қабул қилинган қонун.

Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсий иқтисодий алоқаларини таъминлаб берувчи давлат органлари шакллантирилди. Кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ҳамда бутун халқимизнинг қатнашуви натижасида Республика Президенти ва Олий Мажлис депутатлари сайландилар, мамлакат ҳукумати ташкил этилди. Ташқи ишлар вазирлигининг функциялари ва фаолияти йўналишлари тубдан ўзгартирилди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва ташқи иқтисодий фаолият банки ташкил этилди, ташқи савдо билан шуғулланувчи фирмаларнинг махсус тизими шакллантирилди, хорижий фирма, банк ва компанияларнинг 260 дан ортиқ ваколатхоналари очилди.

3-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари Конституциянинг 17-моддасида ўзи-

нинг қонуний аксини топган. «Ташқи сиёсат» тушунчаси давлатнинг халқаро ишлардаги умумий йўналишини ўз ичига олади. Ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқаларини ўз ичига олувчи мақсад ва воситаларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормалари ва принципларига республиканинг ташқи сиёсатни тартибга солувчи қонунчилигига, ҳарбий соҳадаги қонунчиликка, БМТнинг ҳамда ЕХҲТнинг принциплари ва мақсадларига, Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларига асосланади.

Дипломатия ташқи сиёсатни амалга оширишнинг ўта муҳим воситаси ҳисобланади. Айнан ташқи сиёсат дипломатиянинг мақсад ва вазифалари, яъни ташқи сиёсатни амалга ошириш шакллари, воситалари ва усуллари, амалий тадбирлар мажмуасини намоён этади ҳамда белгилаб беради. Дипломатия билан бир қаторда, унинг иқтисодий, маданий ва бошқа муҳим алоқалари давлатнинг ташқи сиёсати воситалари ҳисобланади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий мақсади давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга ёрдам берувчи халқаро шароитларни яратиш, тинчлик, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатишдир.

Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини амалга оширишда қуйидаги муҳим шарт-шароитлардан келиб чиқади:

биринчидан, давлатимиз ўзининг миллий-давлатчилик манфаатларининг устунлиги шароитида умумий манфаатларни тўлиқ ҳисобга олади;

иккинчидан, инсонлар ва давлатлар орасидаги ўзаро муносабатларда умуминсоний қадриятлар устунлигини тан олган ҳолда Ўзбекистон халқаро алоқаларда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, низоларни тинч йўл билан бартараф этишни ёқлаб чиқмоқда. Ўзбекистон ядро қуролидан озод ҳудуд бўлиб қолади, тажовузкор ҳарбий блоклар ва иттифоқларга аъзо бўлмайди, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни тан олади ва муттасил равишда уларга содиқликни исботлайди;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг ташқи

сиёсати тинчлик, ўзаро манфаатдорлик, ички ишларга аралашмаслик принципларига, мустақилликни ва суверенитетни чекловчи ҳамда давлатлараро муносабатларни мафкуралаштиришга қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмаслик принципларига қурилади. «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисидаги» қонуннинг 3-моддаси);

тўртинчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатда очиқлик принципини турли хил мафкуравий қарашлардан холи равишда амалга ошириб, барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатмоқда;

бешинчидан, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликдан устунлигини тан олади, халқаро ҳуқуқий стандартларни ҳурмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан бўлган муносабатлари давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид солмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа норма ва принципларига асосан қурилади. Ушбу принципларнинг Конституцияда мустаҳкамланганлиги бу принципларнинг Ўзбекистон ҳудудида ички қонун сифатида қабул қилинганлигини ҳамда ички қонунчиликнинг халқаро қонунчиликка тўлиқ мослаштирилганлигини, уларнинг давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан тўлиқ ҳурмат қилинишини билдиради.

Халқаро ҳуқуқ қуйидаги муносабатларни тартибга солади:

биринчидан, давлатлар орасидаги икки томонлама, кўп томонлама ҳамда халқаро ҳамжамиятни қамраб оладиган муносабатларни;

иккинчидан, давлатлар билан ҳукуматлараро ташкилотлар орасидаги муносабатларни;

учинчидан, ҳукуматлараро ташкилотлар орасидаги муносабатларни;

тўртинчидан, давлатлар ва давлатларга ўхшаш мустақил халқаро мақомга эга бўлган бирликлар (масалан, Ватикан рим-католик черковининг маркази сифатида алоҳида халқаро ҳуқуқий мавқега эга) билан бўлган муносабатларни.

Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари — замонавий халқаро ҳуқуқнинг моҳиятини намоён этувчи асосий универсал нормалардир. Халқаро

ҳамжамият томонидан қабул қилинадиган ва тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган нормалар умум эътироф этган нормалар ҳисобланади. Ушбу нормалар умумий тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг, халқлар озодлиги ва мустақиллигини таъминлаб беришнинг, давлатлар орасидаги ижобий алоқаларнинг, умумий ўзаро манфаатлар ва ишончни таъминлашнинг ҳуқуқий асосидир. Умум эътироф этган принциплар ва нормалар аҳамиятининг ошиб бориши ҳозирги замонавий халқаро ҳуқуққа хос хусусиятлардан биридир.

Халқаро ҳуқуқнинг кўпгина принциплари БМТ Низомининг 2-моддасида ўз аксини топган. 1970 йилда қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияда ушбу принциплар батафсил берилган. Бундан ташқари, улар БМТ Низоми ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг якунловчи актида ҳам кенг талқин этилган.

У ёки бу шаклда умум эътироф этган принциплар ва нормалар ҳозирги замон давлатларининг конституцияларига киритилган бўлиб, қонунчилик ҳамда ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг фаолияти ушбу принципларга мос келиши лозим. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 4-бобида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган суверен тенглик принципи давлатларнинг ўзига хослигини, мустақилликни ҳурмат қилишни, ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлашни, ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тизимини эркин танлашни, мустақил равишда ўзининг қонунлари ва маъмурий қоидаларини ўрнатишни билдиради.

Конституциямизда халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқ принципларининг устун бўлиши, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида гап боради. Шу нарсани таъкидлаш лозимки, ушбу принциплар давлатларнинг халқаро муносабатларда фаолият кўрсатишининг тартиб-қоидаларидир.

Халқаро муносабатларда суверен тенглик принципи ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар билан мустақил равишда ва ўз хоҳишига кўра алоқаларга киришишини билдиради, яъни муайян давлатнинг халқаро ҳуқуқ талабларига биноан халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, кўп томонлама, хусусан, иттифоқ шартномаларида қатнашиш, бетарафлик ҳуқуқига эга бўлиши демакдир. Ушбу принципдан келиб чиқиб, Ўзбекистон халқаро

муносабатларнинг кўпгина муаммоларини ҳал этишда бошқа давлатлар билан тенг равишда иштирок этади.

Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик конституциявий принципи бошқа давлатга нисбатан бевосита ёки билвосита равишда куч ишлатишга қаратилган турли ҳаракатлардан ўзларини тийишларини билдиради. БМТ Низомида (2-модданинг 4-банди) «куч» тушунчаси фақат қуролли кучларни эмас, балки мажбур этишнинг бошқа шаклларини ҳам билдиради.

1970 йилда қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларациянинг муқаддимасида давлатларнинг куч ишлатишга ёки куч билан таҳдид солишга қаратилган барча ҳаракатлари ман этилади, деб очиқдан-очиқ ёзиб қўйилган. Ҳеч қандай сабаблар куч ишлатишга ёки куч билан таҳдид қилишга асос бўла олмайди. Декларация ушбу принципнинг моҳиятига янги мазмун киритиб, унинг амал қилиш доирасини кенгайтирди. Унда бошқа аъзо давлатга нисбатан куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилмаслик тўғрисидаги ҳолатлар ўз аксини топган. Декларацияда бошқа аъзо давлатга нисбатан куч ишлатмаслик, унинг суверен ҳуқуқларини чеклашга бўлган ҳаракатлар ман этилади, деб ёзиб қўйилган.

БМТ Низомида «ҳудудий яхлитлик» ва «сиёсий мустақиллик»ка қарши қаратилган куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилишни ман этувчи қоидалар мавжуд. Бу шуни билдирадики, давлатлар халқаро муносабатларда сиёсий мустақиллик ёки ҳудудий яхлитликка қарши қаратилган ҳарбий, иқтисодий ёки бошқа бирор шаклда тазйиқ ўтказишдан ўзларини тийиб туришлари керак.

Чегараларнинг дахлсизлиги принципи барча давлатларнинг ҳудудий устунлиги ва яхлитлигини ҳурмат қилишни билдиради. Бу принципга мувофиқ, умумий чегаралар ҳам, шунингдек, бошқа давлатларнинг чегаралари ҳам дахлсиз деб қабул қилинади. Барча давлатлар ҳар қандай давлатнинг бутун ҳудуди ёки ҳудудининг бир қисмини босиб олиш ёхуд зўрлик билан эгаллашга қаратилган ҳар қандай талаблар ва ҳаракатлардан ўзларини тийиб туриш мажбуриятини оладилар. Биз дунёдаги баъзи давлатлар орасида ҳудудга оид низоли масалалар бўлмайди, деб айта олмаймиз. Лекин чегаралар ҳақидаги масалалар музокаралар ва халқаро ҳуқуққа мос келадиган бошқа воситалар орқали ҳал қилиниши керак. Чегараларнинг бузилмаслиги универсал тусга эга ва барча қитъаларда қўлланилиши лозим. Бу эса, шуб-

ҳасиз, халқаро тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилган низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципи шуни назарда тутадики, барча низоли масалалар фақат тинч йўл билан ва халқаро ҳуқуққа мос равишда, яъни — халқларнинг қонуний манфаатлари, тинчлиги ва хавфсизлигини хавф остида қолдирмасдан ҳал қилиниши керак. 1970 йилги Халқаро ҳуқуқнинг принциплари тўғрисидаги декларацияда эътироф этилишича: «Ҳар бир давлат ўзининг бошқа давлатлар билан муносабатларидаги низоларни халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остига қўймаган ҳолда тинч восита ва усуллар билан ҳал қилади». Ўзбекистон бу принципга оғишмай амал қилмоқда, ҳар гал давлатлар ўртасидаги у ёки бу низоли масалани тинч ҳал қилиш ташаббуси билан чиқмоқда.

Низоли масалаларни ҳал қилишда фақат тинчлик воситаларидан фойдаланишнинг мажбурийлиги принципи БМТ Низоми 8-моддасининг 3-банди ва IV бобидан ўрин олган. Бу принцип давлатлар зиммасига низолар юзага келганда, уларни ҳал қилиш учун бевосита музокаралар, тергов ёки келишув маросимлари, воситачилик, арбитраж ёки бошқа суд тартибидан фойдаланиш мажбуриятини юклайди. Мабодо, томонлар юқорида эслатилган тинчлик воситаларининг биридан фойдаланган ҳолда низони ҳал қилишга эриша олмасалар, улар низони тинч йўл билан тартибга солишнинг ўзаро келишилган йўлларини излашда давом этишлари шарт.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бошқа давлатлар ва халқларнинг ички ишларига аралашмаслик тўғрисидаги конституциявий принципи халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принципига асосланади. У, авваламбор БМТ Низомида (2-модда 7-банд) ва Бош Ассамблеянинг давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва уларнинг мустақиллиги ҳамда суверенитетини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1965 йилги декларациясида қайд этилган. Кўрсатилган қоидалар, агар халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид туғдирадиган бўлса, бу таҳдид қайси давлат ёки халқаро ташкилотдан келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир халқнинг ўз ривожланиш масалаларини ўзи ҳал қилиши ҳуқуқи билан боғликдир. Бу принципнинг умум томонидан тан олиниши давлатлар ўзаро муносабатларидан қатъи назар, бошқа аъзо давлатнинг ички ваколатига кирадиган ички ва ташқи ишларига

ҳар қандай аралашишдан (хоҳ у бевосита ёки билвосита бўлсин, якка ёки жамоа тарзида бўлсин) ўзларини тийиб туриш тўғрисида келишиб олганлигини англатади. Таъкидлаш зарурки, халқаро ҳуқуқда аралашмаслик принципи бошқа давлатнинг тузумини куч билан ағдариб ташлашга қаратилган террористик, қўпорувчилик ёки бошқа фаолиятига бевосита ёхуд билвосита ёрдамдан ўзини тийиб туришни билдиради.

Халқаро ҳуқуқда унинг умум эътироф этган барча принцип ва нормаларини тўла санаб ўтувчи норматив ҳужжат йўқ. Масалан, БМТнинг Низомида бешта принцип айтилган бўлса, Халқаро ҳуқуқнинг принциплари тўғрисидаги декларацияда еттита шундай принцип мавжуд. Улар қуйидагилардир: куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик; халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш; давлатнинг ички ваколатига кирадиган ишларга аралашмаслик; давлатларнинг БМТ Низомига мувофиқ бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиш мажбурияти; халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши; давлатларнинг суверен тенглиги; давлатларнинг улар БМТ Низомига мувофиқ қабул қилган мажбуриятларини сидқидилдан бажаришлари. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки Кенгашининг якунловчи ҳужжати буларга яна учта принципни қўшди: чегараларнинг дахлсизлиги; давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги; инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш. Шунингдек, жаҳон ҳамжамияти олдида турган оламшумул муаммоларни ҳал қилиш зарурлигини акс эттирадиган янги принциплар ҳам шаклланмоқда. Масалан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мажбурияти.

Ўзбекистон Конституциясида юқорида таъкидланган бешта принцип аниқ кўрсатилган. Унда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланилиши зикр қилинади. Конституцияда кўрсатилмаган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари тоифасига қуйидагилар киради: инсон ҳуқуқларини, ҳудудий яхлитлик, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқини ҳар томонлама ҳурмат қилиш, ҳамкорлик, халқаро мажбуриятларни сидқидилдан бажариш.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормаларига риоя қилади, халқаро шартномалар тузади ва уларни бажаради, кўплаб халқаро ташкилотларнинг фаолиятида қатна-

шади. Ўзбекистон бошқа давлатлар билан биргаликда умумий ва адолатли тинчликни, ўзаро фойдали халқаро ҳамкорликни, инсоният олдида турган оламшумул муаммоларни биргаликда ҳал қилишни таъминлаш учун куч-ғайрат сарфлайди.

Ўзбекистон 500 дан ортиқ кўп томонлама ҳамда икки томонлама шартномалар ва битимлар тузди, 60 дан ортиқ инсон ҳуқуқларига оид муҳим халқаро конвенциялар ва шартномаларга қўшилди. Улар орасида қуйидагиларни санаб ўтиш лозим: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари конвенцияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ирқий камситишнинг барча турларини бартараф этиш тўғрисидаги конвенция, Янги Европа учун Париж хартияси, Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча кўринишларини бартараф этиш тўғрисидаги конвенция, Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция, Бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги конвенция, Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция, Халқаро шартномалар, дипломатик алоқалар, консуллик алоқалари ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси, Умумдунё маданият ва табиат меросини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция, Маданият бойликларини ноқонуний олиб кириш, мулк ҳуқуқини бировга беришни ман қилиш ва олдини олишга қаратилган чоратадбирлар тўғрисидаги конвенция ва бошқалар.

4-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

Конституцияда «Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин», деб кўрсатилган (17-модданинг 2-қисми). Давлатлараро тузилмалар (иттифоқлар) унга аъзо давлатларнинг иқтисоди ва сиёсий интеграциясини мақсад қилиб қўяди. Масалан, Европа Иттифоқи (ЕИ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ). Давлатлараро тузилмалар халқаро ташкилотларга ўхшашдир (ҳар иккаласининг асосида халқаро шартнома ётади), лекин мақсадлари, аъзо давлатлар

уларга берадиган ваколатларининг миқёси билан сезиларли фарқ қилади.

Ўзбекистоннинг иттифоқлар тузишига, ҳамдўстлик ёки аъзо бўлиши мумкин бўлган бошқа шаклдаги давлатлараро тузилмалар (жумладан, МДҲ туридаги) тузишига давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигига зид келмагандагина йўл қўйилади. Бунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, Ўзбекистоннинг яхлитлиги ва суверенитети, ҳудудининг дахлсизлиги ҳамда ҳокимиятнинг қонуний сайланган давлат органлари томонидан амалга оширилишини таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон давлатининг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини кўзлаб, иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин».

Ўзбекистоннинг халқаро обрўси, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва иштироки ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. 1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон БМТ аъзолигига қабул қилинди. Бу ташкилот — барча давлатлар, минтақалар, бутунжаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим масалаларини сайёрамиз миқёсида ўрганиш ва ҳал қилишдаги замонамизнинг энг катта универсал халқаро ташкилотидир. Халқаро ҳуқуқда БМТ аъзолигига қабул қилиш кўпинча бошқа давлатлар томонидан ўзига хос тан олиш сифатида қаралади. Янги давлатнинг аъзоликка қабул қилинишини ёқлаб овоз бераётган давлатлар уни ўз-ўзидан тан оладилар, деб таъкидлаш мумкин. Лекин уни аъзоликка қабул қилишни ёқлаб овоз бермаган давлатлар янги давлатни у фақат БМТга аъзо бўлганлиги учунгина тан олишга мажбур эмаслар.

Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг энг муҳим вазифаси БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ишида фаол қатнашиш, Европа, Осиё ва жаҳон хавфсизлик тузилмаларига қўшилишдир.

Ўзбекистон БМТнинг деярли барча ихтисослашган муассасалари фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Булар қуйидагилардир: БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО), Халқаро меҳнат таш-

килоти (ХМТ), Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ), Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ), БМТнинг тараққиёт дастури (БМТ ТД), БМТнинг атроф муҳит бўйича дастури (ЮНЕП), Болаларга ёрдам кўрсатиш фонди (ЮНИСЕФ), БМТнинг саноат ривожланиши бўйича дастури (ЮНИДО), БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД), БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО), БМТнинг аҳоли пунктлари бўйича маркази (ХАБИТАТ), БМТнинг халқ ҳокимиятчилиги соҳасидаги фаолият фонди (ЮНФПА), Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО), Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ва бошқалар.

Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва таъсирга эга халқаро ташкилотлар таркибига кирган. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ), Қўшилмаслик ҳаракати, Парламентлараро Иттифоқ, Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОК), Интерпол шулар жумласидандир. У НАТОнинг «Тинчлик учун ҳамкорлик» дастурида иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлатлараро битимларга, айниқса, иқтисодий тусдаги битимларга устувор аҳамият беради. Улар барқарорлик, изчил ривожланиш ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашга имкон беради, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон алоқаларига ахборот, технологик ва коммуникация жиҳатидан киришга кўмаклашади.

Ўзбекистон 15 дан ортиқ етакчи халқаро ва молия бирлашмалари билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Масалан, Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Қора денгиз бўйи мамлакатларининг иқтисодий ассоциацияси ва бошқалар шулар жумласидандир. 1996 йил июнда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ғоясини қўллаб-қувватлади, 1991 йил 21 декабрда унинг таркибига кирди, барча МДҲ аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги асосида унинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши йўлида собитқадамдир. МДҲга 12 та собиқ СССР республикалари (учта Болтиқбўйи республикаларидан ташқари) кирган. 1993 йилда МДҲ Низоми қабул қилинди. У шуни белгилаб қўйганки, МДҲга

аъзо давлатлар халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъектларидир, чунки МДҲ давлат эмас ва унинг миллий ваколатлари йўқ, МДҲнинг мақсадлари — аъзо мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий, гуманитар, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги; инсон ҳуқуқларини таъминлаш; давлатларнинг фуқароларига эркин муносабатлар ва алоқалар ўрнатишга кўмаклашиш.

Низом ҳамкорликдаги фаолиятнинг еттита соҳасини назарда тутади: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш; ташқи сиёсатни мувофиқлаштириш; умумий иқтисодий ҳудудни шакллантиришдаги ҳамкорлик; транспорт ва алоқа тизимини ривожлантиришдаги ҳамкорлик; аҳоли соғлиғи ва атроф муҳитни муҳофаза қилишдаги ҳамкорлик; ижтимоий ва иммиграция сиёсати масалалари; уюшган жиноятчиликка қарши кураш, мудофаа сиёсати ва ташқи чегараларни қўриқлашдаги ҳамкорлик. МДҲ аъзоларининг хавфсизлигига таҳдид туғилганда қуролли кучлардан биргаликда фойдаланиш мумкин. МДҲдан чиқиш ихтиёрийдир (фақат 12 ой олдин ёзма ариза бериш зарур). МДҲнинг доимий аъзолари билан бирга, фақат МДҲнинг алоҳида фаолият турларида қатнашувчи аъзолар ҳам қўшилиши мумкин. МДҲ фаолиятини мувофиқлаштириш учун махсус органлар тузилган: Давлат бошлиқларининг кенгаши, Ҳукумат бошлиқларининг кенгаши, Ташқи ишлар вазирларининг кенгаши ва бошқалар.

МДҲнинг доимий фаолият кўрсатувчи органи — мувофиқлаштирувчи-маслаҳат кенгашидир. 1994 йилда Давлатлараро иқтисодий қўмита тузилди.

1994 йилнинг январида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари томонидан ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги битим имзоланди. У товарлар, хизматлар, ишчи кучининг эркин ҳаракат қилишини, шунингдек, кредитлар, ҳисоб-китоблар, бюджетлар, солиқлар, нархлар ва валюта сиёсати бўйича ўзаро келишишни таъминлашни назарда тутади. Марказий Осиё мамлакатлари Ҳамдўстлиги тузилди. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси ва ундан ташқаридаги ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида ҳукуматлараро ва ноҳукумат тузилмаларининг фаолиятида фаол қатнашмоқда.

Халқаро ҳамкорлик ва давлатлараро (халқаро) тузилмаларга кириш ҳуқуқи дунёнинг кўплаб конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган. Бир қатор Конституцияларда бу ҳуқуқни амалга ошириш шартлари ҳам

ўрнатилган. Масалан, ГФР Асосий қонунининг 24-моддасида шундай дейилган: «Давлат Европа ва бутун дунё халқлари ўртасида тинч ва доимий тартибни ўрнатишга хизмат қилиши керак бўлган, ўз устувор ҳокимиятини чеклашга розилик билдиради». Испания Конституциясининг 93-моддасида: «қонун халқаро ташкилотларда иштирок этишга ёки Конституция қоидаларидан келиб чиқадиган функцияларни амалга оширадиган ташкилотларни таъсис этишга рухсат берадиган шартномалар тузишга ижозат беради», — дейилган. Шунга ўхшаш нормалар ГФР (24—25-модда), Италия (10—11-моддалар), Дания (20-параграф), Греция (28-модда) Конституцияларида мавжуд. Бу нормалар кўпчилик ҳолларда шундай ташкилотлар фойдасига давлат суверенитетини чеклашга рухсат этади.

Ўзбекистон дипломатияси ўз тарихида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормаларига таянади. Улар конституция даражасида устун мовқе касб этди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро пактлар, Хелсинки кенгашининг якунловчи ҳужжатлари, Париж ва Мадрид хартияларидаги принциплар ва нормаларни қабул қилган.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, ҳарбий-сиёсий иттифоқларда иштирок этмайди. Бунда Ўзбекистон ҳар қандай давлатлараро тузилмадан, башарти у ҳарбий-сиёсий иттифоққа айланса, ажралиб чиқиш ҳуқуқига эгадир.

Давлатлараро тузилмаларда иштирок этиш фақат Ўзбекистон Республикасининг шартномаларига асосан амалга оширилиши мумкин. Амалга оширишнинг шакли, яъни халқаро шартнома тузиш эса Конституцияда белгиланган қоидалардан келиб чиқади.

Умуман олганда, халқаро ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига сезиларли таъсир кўрсатганлиги маълум: ушбу масаланинг аҳамияти фақатгина халқаро шартномалардаги мажбуриятлар билан белгиланмаган. Халқаро ҳуқуқнинг принциплари ва нормаларига содиқлик Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидан келиб чиқади.

Тўртинчи бўлим

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАХС ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИНГ АСОСЛАРИ

* ДАВЛАТ ВА ШАХС МУНОСАБАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

* ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

XV б о б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАХС ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИНГ АСОСЛАРИ

*** КОНСТИТУЦИЯ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИДА ФУҚАРОЛИК ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК**

1-§. КОНСТИТУЦИЯ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — Конституциянинг асосий принципи, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва пировард мақсади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маъруза ва нутқларида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги беш стратегик йўналиш белгилаб берилган:

1) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини вужудга келтириш;

2) инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

3) қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устунлигини таъминлаш;

4) одил судлов ислоҳотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш;

5) аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидандир. Инсон ҳуқуқлари — жа-

миятнинг энг олий қадрияти. Инсон ҳуқуқлари муҳим конституциявий институтдир. «Инсон ҳуқуқлари» — бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ўзида жамлаган кенг қамровли тушунча. Инсон ҳуқуқлари ҳозирги замон тараққиётининг асоси ва давр талаби демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси, ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезондир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқий тизимда муҳим ўрин тутади.

Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик — инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги қонунлар мажмуи. Бу қонунлар қаторига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлар киради.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ўз тараққиётида уч катта босқични босиб ўтган.

Биринчи босқич 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз декларациясидан бошланиб, то биринчи жаҳон урушига қадар давом этган. Бу босқичда инсоннинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик устун равишда ривожланган. Бунга мисол қилиб, АҚШ Конституциясига киритилган биринчи ўнта қўшимча — Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Биллни кўрсатиш мумкин.

Бу даврда қабул қилинган қонунларда қуйидаги муаммоларни ҳуқуқий тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган:

шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги;

шахс дахлсизлиги;

хусусий мулк ҳуқуқи;

сайлов ҳуқуқи (турли цензлар билан чекланган бўлса-да).

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик тараққиётининг **иккинчи босқичи** XX асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олган. Бу босқичда социалистик ғоялар ва ҳаракатлар таъсирида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунчилик тез ривожланган. Меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи тўғрисидаги қонунлар алоҳида аҳамият касб этган.

Франция ва Швециядаги социал қонунчилик, 1920 йилги Веймар Конституцияси, Франция ва Италия-

нинг 1946 йилги конституциялари бунга яққол мисол бўлади.

Учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, бу босқичда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг «янги авлоди» ривожланади. Бу ҳуқуқлар қаторига:

тинч яшаш ҳуқуқи;

соф ва тоза атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи;

ахборот олиш ҳуқуқи кабилар киради.

Бу босқичда инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро қонунчилик тизими шаклланади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 80 га яқин, Евроғпо Кенгаши томонидан — 160 дан зиёд, ЮНЕСКО-да — 70 дан ортиқ, Европода хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан — 30 дан кўпроқ; турли минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кўплаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари бўйича ҳаммаси бўлиб 500 га яқин халқаро ҳужжатлар мавжуд. Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон андозалари белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устунлиги принципи аксарият давлатлар томонидан тан олинган.

Дунёдаги ҳар бир давлатда ҳам инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шаклланган. Бу қонунчиликнинг негизини, авваламбор, конституциялар ташкил этади. Барча давлатлар конституцияларида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига махсус бўлим, боблар ажратилган. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жорий қонунларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро-ҳуқуқий қоидаларни мустаҳкамлаган:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш — давлатнинг мажбурияти;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устунлиги;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқли эканлиги, яъни табиий ҳуқуқ ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;

тўртинчидан, ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқла-

ри ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

олтинчидан, фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

еттинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими қуйидаги беш таркибий қисмдан иборат:

1) фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар — виждон эркинлиги, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳақидаги қонунлар;

2) фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид қонунлар — жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, сайлов тўғрисидаги, касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунлар;

3) фуқароларнинг ҳуқуқларига оид қонунлар — мулк, тадбиркорлик, ер, ижара, хусусийлаштириш, истеъмолчининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар;

4) маданий ҳуқуқларга оид қонунлар — фан, таълим, маданият, музей, кутубхона, маданий меросларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар;

5) инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар (кўп томонлама ва икки томонлама) — миллий-ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларига:

биринчидан, инсон ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш;

иккинчидан, конституциявий адлия (судлов)ни ривожлантириш;

учинчидан, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий институтларни шакллантириш;

тўртинчидан, янги демократик институтларни, жумладан, омбудсман институтини тараққий эттириш киради.

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилиши барча фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасига дахлдор бўлган билимларни етарли даражада эгаллашларини тақозо эта-

ди. Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари БМТнинг қарийб 80 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамланган. Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқларини халқаро ҳуқуқий нормалар тизими ҳамда уларнинг кафолатлари механизмларини ялпи ҳолатда мустаҳкамлашга йўналтирилган халқаро гуманитар ҳуқуқ шаклланмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўтган қисқа давр ичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида миллий қонунчилик тизимини ташкил этувчи 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги Конституциясида халқимиз, миллатимиз, давлатчилигимизнинг ва инсоният ҳуқуқий маданиятининг барча илғор қадриятлари чамбарчас узвий боғлиқ эканлиги ўз аксини топди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 60 га яқин халқаро шартномага қўшилди ва улар бизнинг мамлакатимизда ҳам амал қилмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича барча нормаларни бажариш барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбурияти ҳисобланади. Унда жамият кенг қатламларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги билимларга эга бўлиши катта аҳамият касб этади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги билимларни ўрганиш ва уларни тарқатиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

2-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИДА ФУҚАРОЛИК ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК

Ўзбекистонда қурилаётган демократик, инсонпарвар фуқаролик жамияти мулк шаклларининг янги тизими, қудратли ишлаб чиқариш кучлари ва воситалари, илғор фан ва маданият барпо этиш, халқ фаровонлигини ошириш, такомиллаштириш, шахсни ҳар томонлама камол топтиришга қулай шароитлар вужудга келтираётган одил жамиятдир.

Демократик, инсонпарвар фуқаролик жамияти мамлакатимизда яшовчи барча халқларнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тенглиги, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги асосида фуқароларнинг дўстлиги ва бирлигини яратиб, ғоят уюшган, юксак онгли ва маърифатли кишини камол топтирмоқда, ҳар бир фуқаронинг бахт-сао-

дати тўғрисида ҳамманинг ғамхўрлик қилиши ва ҳамманинг бахт-саодати тўғрисида ҳар бир фуқаронинг ғамхўрлик қилишини ўз ҳаётий қонуни қилиб оладиган байналминал жамиятдир.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан мавжуд бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғликдир. Фуқароларнинг конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқалар уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаролик ҳуқуқига эга. Инсоннинг фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум қилиниши, камситилиши қонун билан ман этилади.

Ҳар бир инсон — шу давлат фуқаросими, чет эл фуқаросими ёки фуқаролиги бўлмаган шахсми — барибир, ўзи истиқомат қилаётган давлат ҳудудида шу давлат билан ҳуқуқий алоқада бўлади. Барча фуқаролар истиқомат қилаётган шу давлат қонунларига, ижтимоий ва ҳуқуқий тартибга тўла риоя қилишлари керак.

Давлат ўз ҳудудида яшовчи фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари доирасини белгилаб қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва фуқаролиги тўғрисидаги қонунчилигида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат билан сиёсий-ҳуқуқий муносабатлари, бу муносабатлар уларнинг ўзаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ифодалаши орқали келиб чиқиши аниқ ифодаланган.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Фуқаролик ҳар бир шахсга республиканинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий турмушида мумкин қадар тўлароқ иштирок этиш имконини беради. Чунончи, шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилар экан, бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Табиийки, Ўзбекистон давлати ҳам фуқароларнинг манфаатлари ва

эркинликларини ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади»[1].

Ўзбекистон давлати ўз органлари, мансабдор шахслари орқали фуқаролар олдида, фуқаролар эса давлат олдида масъулдирлар. Давлат мамлакатимиз ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида давлатимиз фуқаролигини олиш ва уни тўхтатиш қоидалари, ота-оналарнинг фуқаролиги, фарзандликка олганда болаларнинг фуқаролиги, фуқаролик масалаларига оид ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи ташкилотлар тизими ва уларнинг ариза, тақдимномаларини кўриб чиқиш тартиби, фуқароликка оид масалалар бўйича ҳуқуқий хужжатлар ижросини таъминловчи идоралар ваколати доираси, фуқаролик масалаларига оид ҳуқуқий хужжатлар юзасидан шикоят қилиш тартиб-қоидалари, фуқаролик масалалари бўйича халқаро шартномалар қоидалари сингари масалалар ўзининг ҳар томонлама демократик ечимини топган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, ўзининг истиқлол йўлини танлагач, қабул қилган фуқаролик тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар мустақил давлатнинг инсонпарвар руҳда эканлигидан далолат бермоқда.

Фуқаролик деганда, инсоннинг ҳуқуқий ёки сиёсий-ҳуқуқий томондан ҳимояланиши ва қонуний манфаатларини давлат ичида ва унинг ташқарисида қўллаши тушунилади.

Умум эътироф этган қоидага кўра, ҳар бир шахс фақат бир давлатнинг фуқароси бўла олади. Ўзбекистонда бир фуқаролик ўрнатилган. Шунинг учун ҳам, «Фуқаролик тўғрисида»ги қонунимизга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган шахснинг бирон-бир чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди. Бу қоида 1930 йилги Гаага конвенциясида мустаҳкамланган икки фуқароликни тан олмаслик халқаро принципига ҳам тўла мос келади[2].

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, фуқаролик тўғрисидаги қонун, амалдаги бошқа қонунлар, хори-

---

[1] Ислом Каримов Конституция тўғрисида. Т.: Академия, 2001. 54-бет.

[2] Қаранг: Ўша асар. 54—56-бетлар.

жий давлатлар билан тузилган шартномалар, битимлар орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги жамият ва шахс ўртасидаги янги турдаги муносабатлардан келиб чиқиб, қуйидаги белгиларга эга:

1) Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқлар, элатлар миллати, тили, динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлидир;

2) эркаклар ва хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилиги тўла таъминланган;

3) шахсий, ижтимоий келиб чиқиши, мулки, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг;

4) маҳаллий бўлмаган, фуқароликни қай тарзда қабул қилганлигидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқий ҳолати бир хил белгиланган;

5) Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилган. Фуқаролар бир вақтда Ўзбекистон ва бошқа давлат фуқароси бўлишлари қонун билан ман этилган;

6) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш ва тўхтатиш тартиби ҳуқуқий ҳал қилинган;

7) ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганда болалар фуқаролигининг ўзгариш тартиби аниқ белгиланган;

8) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжат қабул қилувчи ва ижросини текширувчи давлат органлари тизими вужудга келтирилган;

9) фуқаролик масалаларига оид қарорлар юзасидан шикоят қилиш тартиби аниқ-равшан белгиланган;

10) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик бўйича халқаро шартномалари тури ва характери қонунда аниқ белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида ўзбек халқининг мустақилликка бўлган интилишини жаҳон ҳамжамияти, халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватлаганлиги, дунёдаги 125 давлат (ҳозир бу рақам бирмунча кўпайган) Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини тан олгани, 40 дан зиёд хорижий мамлакатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги, Тошкентда Туркия жумҳуриятининг, Америка Қўшма Штатларининг, Ҳиндистон, Франция, Германия Республикаларининг ва бошқа давлатларнинг элчихоналари очилганлиги, бошқа хори-

жий давлатлар билан ҳам дипломатия ваколатхоналари айирбошлаш тўғрисида музокаралар олиб борилаётганлиги, ўзбек халқи тарихида илк бор, 1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашнинг Якунловчи ҳужжатини имзолаб, Хельсинки жараёнига қўшилганлигини мамнуният билан таъкидлаб: «Мана шуларнинг ҳаммаси республика тараққиётида мазмунан янги босқични бошлаб берди ва тенг ҳуқуқли асосларда халқаро иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш имкониятини очди»[1], — дейди.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиши Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигига янгилик киритишни долзарб масала қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар», — дейилиб, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми қонуний ифода этилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги давлатимиз ҳудудида чет эл фуқароларининг доимий ёки вақтинча истиқомат қилиши жараёнидаги ҳуқуқ ва бурчларини аниқ-равшан белгилаб берган. Улар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланган демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларга эга бўлиб, улардан мамлакат фуқаролари билан тенг фойдаланадилар.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг шахсий, мулкий, оилавий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий, меҳнат қилиш, дам олиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, малакали тиббий ёрдам олиш, ижтимоий-таъминот олиш, уй-жойли бўлиш, билим олиш, тарихий, маданий ёдгорликлардан фойдаланиш каби ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳам

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992. 6-бет.

кенг фойдаланадилар. Уларга мулкдорлик, фан, адабиёт, санъат, ихтиро, рационализаторлик ҳуқуқлари берилган. Шунингдек, улар виждон эркинлиги, тижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Бу ҳуқуқ ва эркинликларга тўсқинлик қилинган тақдирда улар маъмурий ва суд органларига ҳимоя қилиниш учун мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мамлакатимиз қонунчилиги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кенг демократик ҳуқуқ, эркинликлар берилиши билан улардан ўзбек жамияти ва давлати ўрнатган ҳуқуқ ва тартиб-қоидаларга зид хатти-ҳаракат қилмасликларини талаб этади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга давлатимиз фуқаролари билан демократик ҳуқуқ ва эркинликларда ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида тенглик берилган, деган фикрга келмаслик лозим. Қатор ҳуқуқ ва эркинликлар борки, улар табиатан фақат Ўзбекистон фуқароларига тегишлидир.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаганлар Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий вакиллик органларига, Ўзбекистон Республикасининг президентлигига ва бошқа сайланадиган давлат органларига сайловларда, умумхалқ овоз бериши— референдумда қатнашишлари, айрим давлат органларида мансабни эгаллашлари, дипломатик корпус ходими, прокурор, судья, нотариус каби лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Улар Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафига сафарбар қилинмайдилар.

Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини, ижтимоий ва ҳуқуқий тартиботни, давлат ва жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидаларни, ўзбек халқи анъаналари, ахлоқ ва одоб нормаларини ҳурмат қилишлари даркор.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар мамлакатимиз ҳудудида республика қонунчилигини бузган тақдирда уларни маъмурий жавобгарликка тортиш тартиби қонунларимизда аниқ-равшан белгилаб берилган.

Бундай шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туриш, ҳудуддан ўтиб кетиш, яшаш ва унинг муддатини қайд этиш қоидасини бузиш, чиқиб кетиш вақти келганда чиқиб кетмаслик ва шу каби ҳолларда

ички ишлар органлари томонидан огоҳлантирилади-лар, айрим ҳолларда уларга жарима солинади. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилиши ҳам мумкин.

Чет эл фуқаролари давлатимиз ички ишларига у ёки бу шаклда, баҳона билан аралашмаслиги лозим.

Мамлакатимизда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳақ-ҳуқуқларининг аниқ-равшан белгиланганлиги Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқ, шартномалар асосида демократик, инсонпарварлик, байналмилаллик руҳида ҳал қилинганлиги, демократик, инсонпарвар фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат сари оғишмай борилаётганлиги, халқаро обрў-эътиборининг юксалиб бораётганлиги, ижтимоий-сиёсий тузумидан қатъи назар, барча давлатлар билан дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилаётганлигининг ёрқин далилидир.

XVI б о б. ДАВЛАТ ВА ШАХС МУНОСАБАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

*** ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ**
*** ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ДЕМОКРАТИК ЭРКИНЛИКЛАРИ**
*** ФУҚАРОЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАРИ**

1-§. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонун ҳужжатларида Ўзбекистон фуқароларининг демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари акс эттирилган бўлиб, конституциявий, маъмурий, фуқаролик, меҳнат, оила, аграр ва бошқа ҳуқуқ тармоқларида ривожлантирилган.

Ўзбекистон фуқароларининг ўз асосий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўлиқ бажаришлари Ўзбекистон давлатини янада мустаҳкамлайди, унинг демократик асосини кенгайтиради, давлатимиз фуқароларининг моддий-маънавий эҳтиёжини қондиради.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, давлатимиз фуқароларининг демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари янгича мазмун ва маъно касб этди, янгидан-янги, нуфузли қоидалар, шахс, жамият ва давлат ўртасида янгича муносабатлар вужудга келди, улар асосида янги, демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини эълон қилиш билан бирга, қатор янги ижтимоий-иқти-

содий, маданий ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний мустаҳкамлади. Бу эса Ўзбекистонда шахс эркинлигини ривожлантириш, уни ҳар томонлама тараққий эттиришда улкан қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари уларнинг жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларини ўзида ифодалайди, давлат манфаати билан шахс манфаати бирлигида ўз аксини топади, шунинг учун бу ҳуқуқ, эркинликлардан фуқаролар кенг фойдаланиб, ўзларига юклатилган бурчларни виждонан бажаришга интиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига: меҳнат қилиш, дам олиш, қариганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганда моддий таъминот олиш, илм олиш, матбуот, виждон эркинлиги, намойиш ва митингларда қатнашиш эркинлиги, жамоат бирлашмаларига уюшиш эркинлиги, шахсий ва уй-жой дахлсизлиги, хат ёзишмаларини сир сақлаш сингари ҳуқуқлари ва эркинликлари киради.

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигига эришгач, демократик, инсонпарвар фуқаролик жамияти ва давлат қуриш жараёнида Ўзбекистон жамияти ва давлатининг демократик моҳияти, энг аввало, унинг халқ манфаатларини ҳимоя қилишида, унинг иродасини тўла акс эттиришида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон жамияти ва давлатининг асосий мақсади, вазифаси, йўналиши ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларни тўла амалга оширишдан иборат. Ўзбекистон давлати ва жамиятининг асосий мақсадларидан бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бутун чоралар билан ривожлантириш ҳамда таъминлашдир.

Ўзбекистон давлати фуқароларга ўз мустақиллигига эга бўлган биринчи кунданоқ кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берди, уни амалга оширишни моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлади.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд ҳуқуқлар, эркинлик ва бурчлар тўғрисидаги қоидалар шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга, ишлаб чиқаришда, давлат ва жамият ҳаётида кенг ташаббус кўрсатишга, меҳнатга онгли муносабатда бўлишга, инсонпарварлик, ахлоқий-маънавий принципларга қатъий риоя этишга қаратилган.

Мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги билан белгиланади.

Ўзбекистоннинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳар бир фуқарога ҳақиқий шахс эркинлигини таъминламоқда. Бизнинг жамиятда инсон энг бебаҳо қадриятдир, унинг тинмай ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш давлат органларининг энг олий мақсадидир.

Ўзбекистонда ўрнатилган ижтимоий ва давлат тузуми ўзбек халқи тарихида биринчи бўлиб халқ оммасини жамият соҳибига айлантирди. Ўзбекистон фуқаролари ижтимоий муносабатларнинг ижодкорлари, улар фақат ҳуқуқий жиҳатдан эмас, балки ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг бутун тизими билан кафолатланган жуда кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар эгасига айландилар.

Ўзбекистон давлати ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғри амалга оширилиши, турмушга тўғри татбиқ этилишини кафолатлаш учун тинмай ғамхўрлик қилади. Фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистонда ўрнатилган ҳақиқий демократиянинг буюк ғалабасидир.

Мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муҳим белгилари бўлиб, унда ёзиб қўйилган қоидалар шиор бўлиб қолмай, амалда бажарилиши учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари шахс ҳуқуқий мақомининг асосини ифодалаб, барча фуқароларга хўжалик, давлат, маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этишга имконият туғдиради.

Ўзбекистон Республикасида барпо этилаётган демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари уч гуруҳга бўлинади:

Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг **биринчи** гуруҳига уларнинг уй-жой дахлсизлиги, шахсий хатларининг сир сақланиши, виждон эркинлиги, мулк, ворислик каби ҳуқуқлари киради. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар ўзбек жамияти ва давлатида шахс камолотининг асосий омилидир.

Иккинчиси Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликларига асосан жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларга уюшиш, сайлаш ва сайланиш, сўз, матбуот эркинлиги, мажлис ва митинглар ўтказиш ҳуқуқларидан иборат.

Мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари уларни давлат ва жамиятни бошқаришда фаол иштироки, Ўзбекистон Республикаси ҳокимият органлари ва сиёсий тизимнинг ҳақиқий халқчил, инсонпарварлик характеридан келиб чиқади.

Ўзбекистон фуқароларига берилган кенг сиёсий ҳуқуқлар ва ҳақиқий демократик эркинликларсиз мамлакатимизда ижтимоий ва давлат тизимини тасаввур қилиб бўлмайди.

Учинчиси ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар бўлиб, улар меҳнат қилиш, дам олиш, моддий таъминот каби ҳуқуқлардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари уларга давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари функцияларини бажаришда фаол қатнашиш имкониятини беради. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар мамлакат ишлаб чиқариш кучлари ривожи билан боғлиқ бўлиб, фуқароларнинг бошқа ҳуқуқ, эркинликлари ва бурчлари орасида муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонунлари, фуқароларнинг асосий демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларидан ташқари, давлат ва жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида — ирқи, миллати, ўтмиши, диний эътиқоди, маълумоти, жинси, миллати, мансабидан қатъи назар — тенг ҳуқуқлилигини қонунан мустаҳкамлайди. Қаерда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги бўлмаса, у ерда ҳақиқий демократия, ҳуқуқ ва эркинликлар бўлмайди.

2-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати давлат ва жами-

ятнинг олий қадриятидир. Ўзбекистонда қурилаётган демократик фуқаролик жамиятида ижодий салоҳиятни рўёбга чиқариш, жамият ва давлатни идора этишда фуқароларнинг фаол қатнашиши таъминланмоқда. Давлат, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларининг манфаатлари инсон манфаатларидан юқори қўйилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий демократия, ижтимоий адолат ва инсонпарварлик қоидаларига тўла амал қилинмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида: «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади», — деб уқтирилади.

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг шаъни, қадри, обрў-эътиборини ҳимоя қилувчи қатор қонунларнинг жорий этилиши халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади ва ҳақиқий демократик, инсонпарвар, адолатли давлат тузумининг инсоний моҳиятидан келиб чиқади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасига асосан, «ҳеч ким инсоннинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиши, инсоннинг уй-жой дахлсизлигига, унинг хатларидаги сирларига ёки ор-номуси ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ана шундай аралашиш ёки тажовуздан қонун йўли билан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир»[1].

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ичида энг асосийси ўз мулки ва мулкка ворис бўлиш ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, фуқароларнинг ўз меҳнатлари билан топган даромадлари, жамғарма, мол-мулклари, турадиган уйлари ва ёрдамчи хўжалигига, уй-рўзғор ашёлари ва бисот буюмларига, шахсий истеъмол буюмлари ва қулайликлар туғдирадиган нарсаларига шахсий эгалик ҳуқуқини, шунингдек, шахсий мулкни мерос қолдириш ҳуқуқи қонунан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида фуқароларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи «ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган

---

[1] Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. Т.: Адолат, 1992. 13-бет.

омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади», шаклида мустаҳкамланган. Фуқароларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи ва унга бўлган ворислик фуқароларнинг тўла ҳуқуқлилиги, уларнинг шахсий манфаатлари бирлигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасида шахс дахлсиздир. Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи Ўзбекистон фуқароларининг энг муҳим ҳуқуқларидан бўлиб, Конституция томонидан кафолатланган. Шахсий дахлсизлик ҳар бир фуқаронинг ким томонидан бўлмасин, ўз ҳаёти, соғлиғи, эркки, ор-номуси ва қадр-қимматига қилинадиган жиноятқорона тажовузлардан давлат муҳофазаси ва ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқини билдиради. Фуқароларнинг бу ҳуқуқи, асосан, қонунларда белгилаб берилган тадбирлар билан амалга оширилади. Конституциянинг 25-моддасида «ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга» эканлиги таъкидланади. Суднинг ҳукмидан ёки прокурорнинг рухсатидан (санкциясидан) ташқари ҳеч кимнинг қамоққа олиниши мумкин эмас. Ўзбекистон жамиятида давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар республика қонун-қоидаларига тўла амалга қиладилар. Фуқароларнинг озодлигига ғайриқонуний тажовуз қилиш жиноятдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида: «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас», деб фуқароларнинг бу демократик ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний ифода этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонунларида фуқароларнинг шахсий дахлсизликлари кафолатланиши билан бир қаторда, шахсий эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор берилган.

Уй-жой дахлсизлиги — инсоннинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бири. Фуқароларга уй-жойнинг дахлсизлиги амалда тўла таъминланган. Истиқомат қилувчиларнинг розилигисиз уларнинг уйига қонуний асос бўлмай туриб, киришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Уй-жойнинг дахлсизлиги фуқароларнинг ўз турар

жойини бошқа шахсларнинг қонунга хилоф равишда бостириб киришларидан давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари орқали ҳимояланиш ҳуқуқини билдиради.

Қонунда фуқароларнинг уйи ёки хонасида тинтув ўтказишнинг алоҳида тартиби белгилаб берилган. Тинтувни фақат тинтув ўтказишга ҳақли бўлган терговчи, милиция ходими ёки бошқа шахслар терговчи ёки тергов органларининг қарори асосида, прокурор ижозати билан, шоҳидлар, шунингдек, гумон қилинувчи шахс ёки унинг оиласидаги вояга етган кишилар иштирокида ўтказишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг уй-жой дахлсизлигини бузганлик учун қонун жиноий жавобгарликка тортишни кўзда тутади. Ғайриқонуний тинтув, қонунга хилоф равишда чиқариб юбориш ёки фуқароларнинг уй-жой дахлсизлигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларни қилган шахслар озодликдан маҳрум этиш ёки ахлоқ тузатиш ёхуд жарима солиш билан жазоланади.

Фуқаролар мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида тенг ҳуқуқлидирлар. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органлари таркиби турли миллат вакилларидан иборатлиги, Ўзбекистон фуқароларининг қайси миллат ва элатдан бўлишига қарамай, тенг ҳуқуқли эканлиги бунинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларга тенг имтиёзлар берилиши, миллатларни камситишга йўл қўймаслик руҳи билан суғорилган.

Ўзбекистон Республикасида қонунларида ирқий ва миллий душманлик ёхуд адоват қўзғатиш мақсадида тарғибот ва ташвиқот олиб бориш, шунингдек, фуқароларнинг ирқи ёхуд миллатига қараб уларнинг ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан бирор йўсинда чеклаб қўйиш ёхуд ирқи ва миллатига қараб, уларга тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан имтиёзлар беришга уринганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимиз хотин-қизларига иқтисодий, маданий, ижтимоий-сиёсий ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ беради. Меҳнат қилишда,

меҳнат учун ҳақ олишда, дам олишда, ижтимоий суғурта қилиш ва илм олишда уларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилганлиги, она ва бола манфаатларининг давлат томонидан қўриқланиши, кўп болали ва болали ёлғиз оналарга ёрдам берилиши, ҳомиладор аёлларга маош тўланган ҳолда таътил берилиши ва кўплаб туғруқхоналар, болалар ясли ва боғчалари очиб қўйилганлиги бу ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятини таъминлайди. Хотин-қизларнинг ҳақиқий озодлигига қаршилик кўрсатувчилар қонунга мувофиқ жазоланадилар. Ўзбекистон давлатида халқ хўжалиги ва маданиятнинг хотин-қизлар иштирок этмайдиган ҳеч бир соҳаси йўқ.

Мамлакатимиз истиқлоли шароитида оила ва никоҳ муносабатлари янгича тус олди. Оилани мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш каби принциплар Ўзбекистон давлати қонунчилигида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов: «Республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш — бош вазифадир. Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила — шу жамиятнинг асосини ташкил этади»[1], —деб ўзбек оиласига юқори баҳо беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби «Оила» деб номланиб, 4 моддани ўзида мужассамлаштирган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонунлари оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, унинг жамият ва давлат ҳимоясида бўлиши, никоҳ аёл билан эркакнинг ихтиёрий келишувига асосланиши, оилавий муносабатларда эр-хотин тўла тенг ҳуқуққа асосланиши, давлат етим ва ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиши, тарбиялаши ва ўқитиши лозимлиги, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши, Ўзбекистонда болалар муассасаларининг кенг шохобчаларини барпо қилиши ва ривожлантириши, маиший хизмат кўрсатишни такомиллаштириши, бола туғилганда нафақа тўлаши, кўп болали оналарга нафақа ва имтиёзлар, ёрдам бериш йўли билан ғамхўрлик қилиши кераклигини белгилайди.

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992. 15-бет.

Оила муносабатларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларида акс эттирилиши оилани юксак ахлоқий-маънавий нормалар асосида мустаҳкамлашнинг ёрқин намунасидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Ўзбекистон фуқаролари болаларни вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, фарзандлар ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари ва уларга ёрдам бериб туришлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Фарзандлар, ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига асосан, «ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Истиқлол шароитида виждон эркинлиги давлат ва жамиятни демократик, инсонпарварлик тарзида қайта қуришдаги умумий масаланинг таркибий қисмидир. Чинакам демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида виждон эркинлиги тўла ўрнатилади. Республикамиз тараққиётининг ҳозирги босқичида виждон эркинлиги катта эътиборга эга. Собиқ совет давлати, коммунистик партия томонидан вайрон этилган, харобага айлантирилган мачит ва мадрасалар, тарихий обидалар, диний муассасалар таъмирланмоқда, кенг кўламда қайта қурилмоқда. Диний байрамлар дам олиш куни деб эълон қилинди, муқаддас ҳаж сафарига бормоқчи бўлган фуқароларга қулайлик яратилмоқда, давлат томонидан моддий ёрдам берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг — «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги 1996 йил қарори бунинг ёрқин мисолидир. Бу ғамхўрликка жавобан мамлакатимиз диний ташкилотлари, диндорлар давлат ва жамият асосини мустаҳкамлашда, Ўзбекистон жамияти ва давлатининг ҳаётида фаол қатнашмоқдалар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида ишчи ва деҳқонлар, ўқитувчи ва талабалар, олим ва ёзувчилар, ёшлар

ва пенсионерлар, аҳоли турли қатламларининг вакиллари билан бир қаторда диндорлар фаол иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов: «Мен бугун мамнуният билан таъкидламоқчиманки, халқимизнинг кўнглини кўтаришда, унинг қадини ростлашда кўпчилик дин вакиллари, юзлаб имом-хатибларимиз бизга яқиндан ёрдам бераяптилар. Бошқа айрим мусулмон республикаларидаги диндошларидан фарқли ўлароқ, улар халқни бирлаштиришни, ўзаро низо ва нифоқлардан йироқ туришни тарғиб этмоқдалар. Бунинг натижасида бошқа ижтимоий-сиёсий тадбирларни ҳам уйғун этган ҳолда, биз жумҳуриятимизда бугунги энг катта бойликни — тинчликни барқарор этишга эришдик»[1], — деб диндорлар, дин арбоблари фаолиятига юксак баҳо берди.

Ўз-ўзидан равшанки, Ўзбекистон Республикасида диний маросимлар ўтказиш ниқоби остида, амалда эса фуқароларнинг сиҳат-саломатлигига зарар етказадиган, уларни фуқаролик бурчларини бажо келтиришдан бош тортишга ундайдиган гуруҳларнинг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши тақиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига асосан, Ўзбекистонда, ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкинлиги ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига асосан, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Республикамиз фуқаролари мансабдор шахслар,

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1992. 7-бет.

давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ножўя ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир. Фуқароларнинг шикоятлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши лозим. Мансабдор шахсларнинг қонунни бузиб, ваколат доирасидан чиқиб қилган ғайриқонуний ҳаракатлари, фуқароларни камситадиган ҳаракатлари устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар давлат ва жамоат органларини, мансабдор шахсларни танқид қилгани учун таъқиб қилиш ман этилган. Акс ҳолда таъқиб қилувчи мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларига эътибор кучаймоқда. Фуқароларнинг давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш идораларига мурожаат қилиши шахснинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилиш, давлат маҳкамаларининг аҳоли билан алоқасини мустаҳкамлаш воситаси, ахборот олиш, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш манбаи бўлиб, тўрачилик, сансалорлик ва бошқа камчиликларга қарши кураш имконини беради.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишнинг белгиланган муддатини бузган, уларга тўраларча муносабатда бўлган, сансалорликка йўл қўйган, мурожаат қилганлиги, танқид қилганлиги учун таъқиб қилишда айбдор мансабдор шахслар ҳам қонунга биноан жавобгарликка тортиладилар. Агар мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати давлат ва жамият манфаатига ёки фуқароларнинг ҳуқуқларига, қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар келтирса, улар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари фуқарога туҳмат қилиш, уни обрўсизлантириш, унга иғво қилиш мақсадида ариза ёки шикоят қилишини ман этишни ва жазолашни ҳам назарда тутади. Агар шахсни бадном этувчи, шарманда қилувчи ёлғон ахборотлар тарқатилса ва уни тарқатган шахс ўзининг ҳақлигини исботлай олмаса, жабрланган фуқаро ўз шаъни ва қадр-қимматини тиклаш, бундай ахборотни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаронинг шаъни, қадр-қимматини қасддан, ғаразли мақсадда атайлаб поймол этиш, уни обрўсизлантириш айбдорни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40-моддаси билан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларидан яна бири шундан иборатки, барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришлари шарт. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида «республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш» мақсади қонуний ифодасини топган.

3-§. ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ДЕМОКРАТИК ЭРКИНЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари шахснинг эркинлиги, тўла ҳуқуқлилиги, жамият ва давлат вазифаларини фаол бажаришга қатнашишида намоён бўлади.

Мамлакатимиз фуқароларига кенг сиёсий ҳуқуқлар ва демократик эркинликлар берилиши Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг ажралмас қисмидир. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари меҳнаткашлар ва уларнинг ташкилотларига босмахоналар, қоғоз захиралари, жамоат бинолари, майдонлар ва алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ва бу ҳуқуқларини амалга оширишлари учун бошқа зарурий моддий шарт-шароит яратиш йўли билан таъминланади. Фуқароларнинг бу ҳуқуқ ва эркинликлари мамлакат сиёсий фаолиятида фаол қатнашиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасида халқ манфаатларини назарда тутиб мустақиллик ва истиқлолни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида фуқароларнинг сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, митинглар, йиғилиш ва намойишлар ўтказиш эркинликлари таъминланган.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзларининг

сиёсий ҳуқуқларини жамият ишларини бошқариш, давлатни идора этишда қатнашиш орқали амалга оширадилар.

Ўзбек халқининг сиёсий фаоллиги ва ташаббусини оширмасдан туриб демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятини муваффақиятли қуриш мумкин эмас. Мустақиллик ва истиқлол шароитида Ўзбекистонда халқ оммасининг сиёсий фаоллиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари томонидан фуқароларга ўз давлатини идора этиш ҳуқуқи берилиши республикамизда мустақиллик туфайли қарор топган ҳақиқий демократия моҳияти ва талабларидан келиб чиқади.

Ўзбекистонда демократик, инсонпарвар, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш шароитида жамоат уюшмалари, ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг аҳамиятини кучайтириш, ҳақиқий демократияни ривожлантириш ва такомиллаштириш, демократиянинг олий мақсади бўлган жамият ва давлат ишларини бошқаришга барча фуқароларни жалб қилишнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Давлат амалга оширадиган кўплаб вазифаларнинг жамоат уюшмалари, ўзини ўзи бошқариш идоралари ихтиёрига ўтиши ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон жамияти ва давлатининг халқчиллиги ва халқ манфаатини ифода этишидан дарак бермоқда. Давлат ўз фаолиятида фуқароларни ишонтириш, тарбиялаш, уларнинг онгини ошириш усулларига таянган ҳолда, барча фуқароларнинг ахлоқ қоидаларига ихтиёрий равишда риоя қилишларига интилмоқда ва бу ишда фаолларга, уларнинг садоқати ва онглилигига таянмоқда.

Ўзбекистон «республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилувчи» инсонпарвар давлат бўлиб, унинг асосий вазифаси бутун жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг кенг қатламини жалб қилишдан иборат бўлгани учун ўз олдида турган асосий масала — бозор иқтисодиётини қарор топтириш вазифасини давлат органлари билан жамоат уюшмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларисиз бажара олмайди. Мамлакатимизда демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятининг ривожланиши Ўзбекистон давлатининг маъмурий мажбурлов фаолиятини чеклаш ҳисобига унинг тарбиявий фаолиятини кенгайтириш, мустақил давлат тизимининг, ҳа-

қий демократизмнинг тобора ривожланиши ва такомиллашишига шароит туғдирмоқда.

Ўзбекистонда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи қуйидагиларда намоён бўлади:

1) давлат ҳокимияти вакиллик органларини сайлаш ва сайланишда;

2) умумхалқ референдумларида фаол қатнашишда;

3) давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида мансаб эгаллаши мумкинлигида;

4) давлат органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотларига ўз мулоҳаза ва таклифларини билдириш ҳуқуқи берилганлиги ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига кўра, «ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга». Фуқаролар берган аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт эканлиги қонуний ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига асосан, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддаси фуқароларнинг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини қонуний ифода этади.

Фуқароларнинг жамоат уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатларда иштирок этиши мумкинлиги, уларнинг сиёсий конституциявий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари ичида муҳим ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятини барпо қилиш жараёнида жамоат уюшмалари, сиёсий партиялар, ёшлар ташкилотлари, спорт ва мудофаа ташкилотлари, маданий ва илмий

жамиятларнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида фуқароларга кенг, ҳақиқий ҳуқуқлар ва демократик эркинликларнинг берилиши, давлат қурилишининг халқчиллигини исботловчи хусусиятдир.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар орасида фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи муҳим ўрин тутади. Бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида қонуний ифодасини топган. Фуқаролар ташаббускорлигини ривожлантиришга, хилма-хил манфаатларини қондиришга кўмаклашувчи жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқига эгадирлар. Жамоат бирлашмаларига ўз низомларида белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун шарт-шароит берилган.

Фуқароларнинг уюшмаларга уюшиш ҳуқуқи давлатимиз моҳиятидан келиб чиқади. Мустақиллик шарофати билан иқтисодий, сиёсий, маданий ўзгаришлар жараёнида жамоат бирлашмалари ва уюшмаларининг аҳамияти янада ошмоқда. Бу эса фуқаролар сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлган жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқининг янада кенгайиши, такомиллаштирилишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларидан бири давлат ҳокимияти вакиллик органларининг барча бўғинларига, олий ва маҳаллий органларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидир. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти вакиллик органлари тўла ҳокимиятга эгалик принципларини изчиллик билан амалга оширмоқда. Улар ўз ҳудудларида хўжалик, сиёсий, ижтимоий-маданий қурилишга кенг кўламда раҳбарлик қилмоқда, уларнинг обрўси, аҳамияти тобора ошиб бормоқда, фаолияти кун сайин ривожланмоқда, ҳал қиладиган масалалари доираси кенгаймоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик ва истиқлолга эришилгач, давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари республика аҳолисини ўзига қамраб олган оммавий, энг демократик ва обрў-эътиборли ташкилотга айланди, демократик негизи такомиллашди. Улар ўзбек халқининг энг демократик, давлат ва жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олувчи халқ ташкилотига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралдаги сессиясида қил-

ган маърузасида: «Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг жаҳонда энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Ўзбекистон парламенти — Олий Мажлис илк маротаба кўппартиявийлик асосида сайланди», — деб республикамиз тарихида илк бор жорий этилган сайлов тизимига юқори баҳо берди.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда жорий этилган янги сайлов тизимида барча фуқаролар давлат ва жамият ишларини идора этишда фаол қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Эндиликда сайлов тизимида ҳеч қандай синфий, миллий, ирқий, мулкий чегараланишлар йўқ. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси — ирқи, миллати, жинси, диний эътиқоди, маълумоти, ўтроқ ва кўчманчилигидан, ижтимоий келиб чиқиши, бойлигидан ва ўтмишидаги фаолиятидан қатъи назар — сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Янги сайлов тизимининг ушбу чинакам демократик принциплари кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизимининг ҳақиқий демократик асослари фақат Конституцияда кўрсатилибгина қолмай, балки олий ва маҳаллий ҳокимият органларига сайлов тўғрисидаги қонунларда ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларда Ўзбекистон фуқароларининг чинакам демократик сайлов тизимидаги ҳуқуқ ва эркинликлари тўла ифодаланади.

Ўзбекистон давлати томонидан моддий ва сиёсий жиҳатдан кафолатланган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи фуқаролар ҳуқуқий мақомининг асосий хусусиятидир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIII боби «Сайлов тизими» деб номланиб, республика фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгалигини қонуний ифода этди. Бунда ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, ўз хоҳиш-иродасини билдиришда тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалиги, ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғри-

дан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслиги, фуқаролар бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмаслиги ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларига сайлов тўғрисидаги қонунлар ҳақиқий демократик сайлов тизимини жорий этди. Конституциянинг 34-моддасида республика фуқаролари сиёсий партияларга уюшиш ва унинг фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг вужудга келиши давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органларининг такомиллашишида катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда вужудга келган сиёсий партиялар халқ маъқуллаган барча яхши сифатларни ўзига мерос қилиб олган. Улар собиқ компартиянинг янгича кўриниши эмас, балки мазмуни ва фаолият усули жиҳатидан батамом янги сиёсий партиялардир. Улар ўз фаолиятида ўзбек халқининг энг яхши демократик анъаналарига, адолат, эзгулик, тенглик ва инсон эркинлиги каби умуминсоний қадриятлар ҳамда ғояларга, ахлоқ ва одамийлик қоидаларига суянади.

Ўзбекистон Республикасида ташкил топган сиёсий партиялар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрь қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, ўз уставларига асосан амалга оширадилар. Бу қонун ҳужжатлари улар фаолиятининг ҳуқуқий асосини ташкил этиб, уларнинг тузилиши ва фаолиятининг асосий принципларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида хоҳиш-иродасини эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд сиёсий партиялар фуқароларнинг дунёқараши, манфаатлари, мақсадларининг муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият му-

айян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмалардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий ҳолат аниқравшан белгилаб берилган. «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар».

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари:

1) конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи;

2) Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги, суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи;

3) урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи;

4) халқнинг соғлиғи ва манфаатларига тажовуз қилувчи;

5) миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар тузилиши ва фаолият кўрсатишини тақиқлайди.

Ўзбекистон Республикасида кўппартиявийлик, мукобиллик асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари кенгашларининг депутатлари сайланди.

1999 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар бўлиб ўтди. Сайлов бюллетенларига беш сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан 1010 нафар номзод киритилди. 66 сайлов округида 19 декабрь куни такрорий сайловлар бўлиб ўтди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи мажлисида ҳокимият вакиллик органларидан сайланган 110 кишидан иборат депутатлар блоки, Халқ Демократик партиясидан сайланган 48 кишидан, «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан сайланган 34 кишидан, «Ватан тараққиёти» партиясидан сайланган 20 кишидан, «Адо-

лат» социал-демократик партиясидан сайланган 11 кишидан ва «Миллий тикланиш» партиясидан сайланган 10 кишидан иборат депутатлар фракциялари ҳамда ташаббускор гуруҳлардан сайланган 16 кишидан иборат депутатлар блоки рўйхатга олинди. «Ватан тараққиёти» партияси 2000 йил 14 апрелда «Фидокорлар» миллий демократик партияси билан бирлашиб, «Фидокорлар» миллий демократик партияси номини олди.

Сайловнинг кўппартиявийлик ва муқобил асосда ўтказилиши, Конституция ва қонунларда мустаҳкамланиши, депутатликка номзодларнинг фаоллиги, сайловчилар олдидаги масъулиятини оширди, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий демократияни кучайтирди, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, сайлов маданиятини оширишга, мустаҳкамлашга олиб келмоқда.

Ўзбек давлати моддий ва сиёсий жиҳатдан кафолатлаган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқий ҳолатининг асосий негизидир.

Мамлакатимиз давлат ҳокимияти органларига сайловларнинг ҳақиқий демократик тизими фуқароларни давлатни бошқаришга жалб қилишнинг қудратли қуролидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайловлар тўғрисидаги қонунлари барча фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, мустақилликни мустаҳкамлаш мақсадида кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар ўрнатган ва уларни кафолатлаган.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари фақат жамият, давлат ва халқ оммаси манфаатларига мос келиши ва шу йўлда фойдаланилиши керак.

4-§. ФУҚАРОЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган. Улар орасида ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар бўлиб, у фуқароларнинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига замин яратади. Улардан бири Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида мустаҳкамланган **меҳнат қилиш ҳуқуқидир.** Меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларининг асосийсидир. Ўзбе-

кистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган бу ҳуқуқ:

биринчидан, фуқароларга ўзлари хоҳлаган касб-ҳунарни эркин танлаши;

иккинчидан, ўз қобилиятига яраша иш билан таъминланиши;

учинчидан, меҳнатининг миқдори ва сифатига қараб ҳақ олиши;

тўртинчидан, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш;

бешинчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур воситалар билан таъминланишини англатади. У давлатга фуқароларни қобилиятлари, билимлари ва малакаларига қараб иш билан таъминлаш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқи мустақиллик ва истиқлол шарофати туфайли янги-янги имтиёз ва қоидалар билан бойитилди. Ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш ва унинг натижаларидан фойдаланиш, шу жумладан, унумли ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятини ишга солиш ҳуқуқига, ишни эркин танлаш, қулай меҳнат шароитларида ишлаш, давлат томонидан кафолатланган меҳнат ҳақи минимуми олиш ва ишсизликдан ҳимояланиш, тенг меҳнат учун ҳеч бир камситишсиз тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси: «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади», деб Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ўзида ифода этади.

Ўзбекистон Республикасида демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг зарур шарти кишиларга жамият бойлигини кўпайтириш манбаи бўлмиш меҳнат қилиш ҳуқуқининг берилганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг **дам олиш ҳуқуқи** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида белгиланган. Фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи қонун томонидан иш кунининг маълум муддат билан чекланганлигида, иш муддати даврида дам олиш,

овқатланиш учун танаффус белгиланганлигида, ҳар ҳафта ва байрам кунлари дам олиш кунлари белгиланганлигида, ҳар йили иш жойи сақланган ҳолда асосий ва қўшимча таътиллар берилганлигида ўз қонуний ифодасини топган.

Фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи Конституцияда кафолатланган ва янгича талқин этилган. Унинг 38-моддасида: «Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади», — деб қонунан мустаҳкамланган.

Дам олиш ҳуқуқи Ўзбекистон фуқароларига меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ишчи ва хизматчилар учун 41 соатдан ошмайдиган иш ҳафтаси белгиланиши билан бирга, муайян касблар ва ишлаб чиқариш турлари учун қисқартирилган иш куни, тунги пайтларда қисқартирилган иш вақти, ҳар йили ҳақ тўланадиган таътиллар бериш, ҳар ҳафтада дам олиш кунлари берилиши билан, шунингдек, маданий-маърифий ва соғломлаштириш муассасалари шохобчаларини кенгайтириш, оммавий спортни, физкультура ва туризмни ривожлантириш билан, истиқомат жойида дам олиш учун қулай имкониятлар ҳамда бўш вақтдан оқилона фойдаланиш учун бошқа шароитлар яратиш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида ходимларнинг кўпчилиги учун икки дам олиш куни бўлган иш ҳафтаси жорий этилган, бу эса ишдан бўш вақтлардан оқилона фойдаланиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратади.

Ўзбекистонда фуқароларга дам олишни мазмунли ўтказиш учун санаторийлар, дам олиш уйлари, клублар, ўйингоҳлар, спорт майдонлари, маданият ва истироҳат боғлари, кутубхоналар шохобчалари барпо этилган ва улар борган сари кенгайиб бормоқда. Ҳар йили миллионлаб фуқаролар санаторий, дам олиш уйларида саломатликларини тиклаб дам оладилар. Қонунга кўра, санаторий, дам олиш уйларига йўлланма нархи имтиёзли бўлиб, ижтимоий суғурта маблағидан қопланади. Кўпчилик ходим ва деҳқонларга йўлланмалар бепул берилади.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи қариган чоғида, бетоб бўлганда меҳнат лаёқатини йўқотганда **моддий таъминот олиш ҳуқуқи** билан чамбарчас боғланган. Бу Конституциянинг 39-моддасида мустаҳкамланган:

«Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас».

Ўзбекистонда демократик инсонпарвар фуқаролик жамияти барпо қилиш жараёнида Ўзбекистон жамияти ва давлати фаолиятининг асосий йўналиши ҳар бир фуқаронинг лаёқатини ҳар томонлама ривожлантириш, уни жамият манфаатларига бўйсундиришга қаратилгандир. Мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий тараққиёти жамият аъзоларини ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялашни тақозо этади. Шунинг учун мустақилликка эришган мамлакатимизни ривожланган, маърифатли давлатга айлантириш асосий вазифалардан биридир. Ўзбекистон фуқаролари **билим олиш ҳуқуқи** уларнинг миллати, ирқи, жинси, ўтмиши, диний эътиқодидан қатъи назар тенг асосда, она тилида амалга оширилади. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ўз ифодасини топган. Унда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги қайд этилади.

Умумий мажбурий бепул таълимнинг жорий қилиниши, ўқишни турмуш билан, ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб бориш асосида ўрта умумий, касб-ҳунар, ўрта махсус ва олий таълимнинг кенг йўлга қўйилганлиги, кечки ва сиртқи таълимнинг ҳар томонлама ривожлантирилганлиги, давлат стипендиялари бериш тизимининг жорий қилинганлиги, мактабларда таълимнинг она тилида олиб борилиши, шаҳар ва қишлоқларда фуқароларга ишлаб чиқариш, техника ва агрономия билимларини ўргатиш уюштирилганлиги илм олиш ҳуқуқини кафолатламоқда.

Мустақил мамлакатимиз таълим тизимидаги ислоҳотлар юртбошимиз ташаббуси ва бошчилигида яратилиб, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасида биринчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ рўёбга чиқарилмоқда. Ҳозирги пайтда

Ўзбекистонда 9672 та умумтаълим мактабида 6 миллионга яқин ўқувчи таълим олмоқда. Ўқувчиларга ярим миллионга яқин педагоглар дарс бермоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ноёб жиҳати бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига асос солинди. 1998—2000 йилларда 160 минг ўқувчига мўлжалланган 46 та академик лицей ва 260 та касб-ҳунар коллежи қурилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 61 та олий ўқув юрти, шунингдек, 3 та медицина институти филиали фаолият кўрсатмоқда. Миллий дастурга мувофиқ, тўрт йиллик бакалавриат ва икки йиллик магистратура орқали олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг замонавий тизими яратилди[1].

Ўзбекистон Республикасининг демократик, инсонпарварлик моҳияти фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишда ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бу соҳада белгиланган ижтимоий тадбирлари давлатимиз инсонпарвар табиатининг ёрқин намойишидир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш, малакали **тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи** эндиликда алоҳида мустақил ҳуқуқ бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқини мустаҳкамлаш билан чекланиб қолмай, балки бу муҳим ҳуқуқни таъминлашнинг аниқ-равшан тадбирларини ҳам белгилаб беради. Бу ҳуқуқ давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан бепул ва пулли малакали тиббий ёрдам берилиши, фуқароларни даволаш ва соғлиқни мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган муассасаларни кўпайтириш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш гигиенаси ва санитариясининг ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши, кенг профилактика тадбирларини ўтказиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш тадбирларини кўриш, ёш авлоднинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш, шу жумладан, ўқитишга ва меҳнат тарбиясига тааллуқли бўлмаган болалар меҳнатини тақиқлаш, касалликнинг олдини олиш ва камай-

[1] Маърифат. 2001. 21 июль.

тиришга, фуқароларнинг узоқ йил фаол ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларнинг кенг авж олиши билан таъминланади. Ўзбек халқи соғлиқни сақлашда эришилган ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланади. Халқнинг сиҳат-саломатлиги — Ўзбекистоннинг асосий бойлиги.

Соғлом авлодни тарбиялаш ва, умуман, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги поғонага кўтаришда давлатимиз раҳбари 1998 йил 10 ноябрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида»ги фармон муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг **уй-жойли бўлиш ҳуқуқини** қонуний ифода этди ва унга кенг йўл очиб берди. Зеро, уй-жой киши учун ҳаётий аҳамиятга эга. Фуқароларнинг бошқа конституциявий ҳуқуқлари билан бирга, бу ҳуқуқ жамоат уй-жой фондини ривожлантириш ва қўриқлаш билан кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қуриш режаси кенг кўламда амалга оширила борган сари бериб бориладиган уй-жой майдонини жамоатчилик назорати остида одилона тақсимлаш билан таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, илм-фан билан техникавий ижодиётдан, осори-атиқа, тарихий ёдгорликлар ва маданият ютуқлардан кенг фойдаланмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида мустаҳкамланганидек, «ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади».

Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига **илмий, техникавий ва бадиий ижод ҳуқуқи ва эркинлиги** берилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар илмий тадқиқотлар, ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятини кенг авж олдириш, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, рағбатлантириш, мукофотлаш билан таъминланади.

Ўзбекистонда бунинг учун зарур моддий шарт-шароитлар яратиб берилмоқда, кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар қўллаб-қувватланиб турибди, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини халқ хўжалиги ва жамият ҳаётининг қатор соҳаларида жорий этиш имконияти туғдирилмоқда.

Фуқароларнинг муаллифлик, ихтирочилик ва рационализаторлик ҳуқуқлари давлат томонидан рағбатлантирилмоқда ва қўриқланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари **тарихий ёдгорликлар, маданият ютуқларидан кенг фойдаланиш ҳуқуқига** эгадирлар. Бу ҳуқуқ мамлакатимиз ва жаҳон маданиятининг давлат ва жамоат фондларида сақланаётган маданий-маънавий бойликлардан барча фуқароларни баҳраманд қилиш, мамлакатимиз ҳудудида маданий-маърифий муассасаларни ривожлантириш, телевидение, радио, китоб нашр қилиш ишини ва вақтли матбуотни, текин кутубхоналар шохобчаларини ривожлантириш, чет эл давлатлари билан маданий алоқаларни кенгайтириш орқали таъминланмоқда.

Мустақиллик ва истиқлол шароитида Ўзбекистон фуқароларининг интеллектуал эҳтиёжлари, хилма-хил талаблари ошиб бормоқда, у эса ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан тобора тўла қондирилмоқда.

XVII боб. ФУҚАРОЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

*** ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ**
*** ФУҚАРОЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАНИШИ**
*** ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ БУРЧЛАРИ**

1-§. ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларининг муносабати демократик асосда ҳал қилинган. Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини ихтиёрий, онгли, виждонан бажариш руҳида тарбияланмоқда.

Шахс ва жамият манфаатларининг бирлиги, фуқаролар ҳуқуқ, эркинлик ҳамда бурчларининг ўзаро боғлиқлиги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши жараёнида ёрқин ифодасини топмоқда. Фуқароларнинг жамият ва давлат олдидаги масъулияти, бирлиги, уюшқоқлиги бўлмаса, ҳақиқий демократик ҳуқуқ ва эркинликлар ҳам бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасидаги муносабатлар мамлакат қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жамиятнинг ахлоқ-одоб нормалари, турмуш қоидаларида ўз аксини топган. Қонунда белгиланган қоидаларни бажариш барча фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида фуқароларнинг аксарияти ўз бурчларини тўғри тушуниб, виждонан бажармоқда. Уларнинг демократик ҳуқуқлари асосий бурчларига мос тушади.

Мазкур бурчлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзининг қонуний ифодасини топиб, ўзбек давлати фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этади. Улар Конституцияга тўла риоя қилиш, қонунларни оғишмай бажариш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, меҳнат интизомига бўйсуниш, жамоат ишига виждонан муносабатда бўлиш, ижтимоий турмуш қоидаларига тўла риоя қилиш, давлат, жамоат, шахсий мулкни кўз қорачиғидек сақлаш, кўпайтириш, қўриқлаш, ҳарбий мажбуриятни бажариш, Ватанни ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида: «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир», деб уқдирилади.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари синғари асосий бурчлари ҳам жамият ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, бутун халқ манфаатларини ифодалаб, фуқароларнинг шахсий манфаатига ҳам тўла мос келади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий бурчларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Уларнинг биринчиси, Ўзбекистон Республикасининг жамият ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган бурчлар бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя қилиш, қонунларни бажариш, меҳнат интизомига риоя қилиш, давлат мулкини асраб-авайлаш, турмуш қоидаларини ҳурмат қилишдан иборат.

Иккинчиси Ватан қудратини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, умумий ҳарбий хизмат қонунига риоя этишдир.

Ўзбекистон фуқароларининг асосий бурчлари орасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, ахлоқ нормалари ва турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш, уларни тўла бажариш биринчи ўринда туради. Булар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз қонуний ифодасини топган. Конституция давлатнинг Асосий қонуни бўлиб, ўзбек халқининг мустақиллик ва истиқлол йўлидаги тарихий ғалабаларини қонуний акс эттиради, кенг халқ манфаати ва эркинлигини ифодалайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тўла риоя қилиш мустақил дав-

латнинг куч-қудратини оширишга, гуллаб-яшнашига, жамият ва давлат тузумини мустаҳкамлашга олиб келади.

Ўзбекистон фуқароларини қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шахс ҳуқуқларини муҳофаза этиш давлат ва жамият бутун сиёсий тизимининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ижтимоий бурчни ҳалол бажариш фуқароларнинг қонунларга оғишмай риоя этишларинигина эмас, балки ҳар бир кишининг жамиятимиз қонунлари бошқа шахслар томонидан бузилмаслиги учун чора-тадбирлар кўриш бурчини ҳам назарда тутади. Ўзбекистон фуқаролари бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишлари, жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасиз бўлишлари ва жамоат тартибини сақлашга бутун чоралар билан кўмаклашишлари керак. Янги ижтимоий муносабатлар шаклланган ҳозирги жамиятимизда бошқа шахсларнинг жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларига ва қилаётган жиноятларига нисбатан кузатувчи бўлиб туриш мумкин эмас. Ўзбекистон қонунларини бузувчиларга қарши кураш жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун ор-номус ва виждон иши бўлган тақдирдагина катта натижаларга олиб келишини фуқаролар яхши биладилар.

Содир бўлаётган жиноятга лоқайд қараган, ўз бурчини унутган, тинчини бузишдан қочиб, жиноятчининг ёнидан индамай ўтиб кетган киши қаттиқ қораланади. Жиноятчиликка қарши кураш ва республика қонунларини мустаҳкамлашда милиция, прокуратура ва суд органлари томонидан кўп ишлар амалга оширилаётир. Бироқ ҳуқуқ-тартиботни қўриқловчи органларга жамоатчилик фаол ёрдам бергандагина қонунбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш кўпроқ самара беради.

Давлат манфаатларига зид ҳаракатларга муросасиз бўлиш, жиноят содир бўлмаслиги учун жамоат тартибини сақлашга бутун чоралар билан кўмаклашиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчидир. Янги кишини тарбиялаш вазифасини амалга оширишда оилада болаларни тарбиялаш марказий ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш бурчини фуқароларнинг конституциявий бурчи эканлигини эълон қилди. Асосий қонунимиз фуқароларнинг болаларни тарбия-

лаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлашлари, жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб ўстиришлари лозимлигини назарда тутади.

Миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва яқинлаштириш сиёсати бўлиб, фуқароларни ватанпарварлик ва байналминаллик руҳида тарбиялашни назарда тутади. Бошқа фуқароларнинг миллий қадр-қимматини ҳурмат қилиш, миллатлар ва элатларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчидир.

Ўзбекистон давлати ва жамиятида миллий адоват туйғусини уйғотишга уринган шахслар қаттиқ жазоланади. Ирқий ёки миллий камситиш, ирқий ёки миллий адоватни ҳар қандай шаклда тарғиб қилиш қонунга мувофиқ жазоланади.

Ўзбекистоннинг жиноят қонунига мувофиқ, миллий ёки ирқий адоват ёхуд низо қўзғатиш мақсадида тарғибот ёки ташвиқот юритиш, шунингдек, фуқароларнинг миллати ёки ирқига қараб уларнинг ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан чеклаб қўйиш ёки имтиёзлар бериш озодликдан маҳрум этиш ёки сургун қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи муносабатларда мустаҳкам тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини изчиллик билан ўтказиб, халқаро хавфсизлиги ва кенг халқаро ҳамкорлик учун собитқадамлик билан курашиб келмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро мавқеи мустаҳкамланмоқда, жаҳон сиёсатига кўрсатаётган таъсири беқиёс даражада ошмоқда. Давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг узвий боғлиқлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига фуқароларнинг байналминаллик бурчи тўғрисида қоидалар киритиш зарурияти-ни тақозо қилди. Бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш Ўзбекистон фуқароларининг байналмилал бурчидир.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг тинчлигини мустҳкамлаш, урушга йўл қўймаслик биринчи галдаги вазифалардандир. Мамлакатимизда урушни тарғиб қилиш қатъий тақиқланган. У қандай шаклда олиб борилмасин, жиноят ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида инсоният асрлар давомида орзу қилиб келган демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар амалга ошмоқда. Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»[1].

2-§. ФУҚАРОЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАНИШИ

Мустақил давлатнинг асосий вазифаларидан бири ўз фуқароларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уни кўриқлашдир. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. Унинг X боби «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари»га бағишланган бўлиб, 43-моддасида: «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган моддалар бирмунча кенгайтирилган.

Мамлакатимиз фуқароларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликларига оид принциплар Конституцияда ўз аксини топган. Улар орасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги (24-модда), ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги (25-модда), Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эгалиги (28-модда), ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ҳуқуқига эгалиги (29-модда), Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992. 15—16-бетлар.

бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятларини яратиб бериши (30-модда), жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги,, бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилиши (32-модда), Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ўз ижтимоий фаолликларини республика қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгалиги (33-модда), касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги (34-модда) алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, фуқароларнинг шахсий ҳаёти қонун билан қўриқланади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир, ҳар бир фуқаро эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлиб, унинг ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади. Ўзбекистон фуқароси қонунга асосланмаган ҳолда қамалиши, қамоқда сақланиши мумкин эмас. Булар республика қонунлари билан мустаҳкамланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 234-моддаси «Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш» деб номланиб, унда: «Била туриб, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда шахс эркинлигининг қисқа муддатга чекланиши — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади;

Била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади», дейилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонунлари Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи қатор конституциявий принципларни ўзида акс эттирган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида: «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», дейи-

лади. Бу Олий Мажлис томонидан қабул қилинган бошқа қонунларда ҳам мустаҳкамланган.

Истиқлолга эришилгандан сўнг вужудга келган ижтимоий-иқтисодий ва давлат тузумининг мустаҳкамланиб борилиши, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёт режалари бажарила борган сари фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кенгайтирилиши уларнинг турмуш шароити узлуксиз яхшиланиб боришини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари орасида энг муҳими давлат вакиллик органлари ва бошқа ҳокимият органларини тузишда фаол қатнашишини таъминловчи сайлов тизимидир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади», деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисидаги қонунларда сайловчиларнинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишга зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатаётган шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз бериш тартибини бузган ёки сайлов қонунчилигининг бошқа тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ, белгиланган жавобгарликка тортиладилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълмотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

1994 йил 5 майда Ўзбекистонда «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» қонун қабул қилинди. У 21 моддадан иборат бўлиб, бошқа ҳамдўстлик давлатларида бундай қонун йўқ. Мазкур қонунга асосан, фуқаролар ўзларининг сайлов ҳуқуқларини бузган, эътибор бермаган ташкилотлар, мансабдор шахслар устидан сайлов комиссияси, тегишли давлат органи, жамоат уюшмаси, мансабдор шахслар, судларга

мурожаат қилиши мумкин. Бу ҳуқуқни бузувчилар Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида жазоланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари Ўзбекистон фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги принциплари доирасини аниқ-равшан кафолатлаган. Унда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, турли ирқ ва миллатга мансуб фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, республика фуқаролари ўз наслинасабидан, ижтимоий ва мулкий мавқеидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, яшаш жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар тенглиги кафолатланган. Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўла таъминланган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари улар шахсий манфаатларини қондириш учун хизмат қилиш билан бирга, жамоа, давлат, жамият манфаатларини ҳам ўзида яққол акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, жамият ва давлат қурилишида ҳақиқий демократияни ҳар томонлама кенгайтириб, ривожланган, маърифатли давлатлар сафига киришни асосий мақсад қилиб қўйган даврда инсон ва фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий қонунларда ифода этибгина қолмай, унинг ривожини, такомиллашувини шу мақсадда тузилган, тузилаётган давлат органлари, жамоат билашмалари, кўнгилли ташаббускор ташкилотлар, улар олиб бораётган кўпқиррали фаолият билан ҳам амалга оширмоқда, кафолатламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг олий вакиллик ҳамда қонун чиқарувчи органи — Олий Мажлис таркибида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) тузилиб, бу нуфузли ташкилотнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи (1997 йил апрель) қонун қабул қилинди.

Республикамиз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи — Олий Мажлис таркибида ташкил топган инсон ҳуқуқлари бўйича вакил жаҳондаги 100 дан ортиқ мамлакатларда мавжуд бўлиб, унинг ҳуқуқий ҳолатини аниқ-равшан белгилаб берувчи конституциявий қонун собиқ СССР республикалари, Марказий Осиёдаги биринчи ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситa-

сини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва республика аҳолисининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида»ги 1996 йил 31 октябрь фармони эълон қилинди. Фармонга биноан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази давлатга қарашли таҳлил қилувчи, маслаҳат берувчи, идоралараро ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланиб, унга Конституция, қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум эътироф этган халқаро ҳуқуқ нормалари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, республикада инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш, давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таҳсил беришц, тарғибот, ўқув-методик адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш, давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш каби нуфузли ва масъулиятли вазифалар юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига асосан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳуқуқий шахс ҳисобланади, молиявий жиҳатдан республика бюджети қарамоғида бўлиб, унинг зиммасига Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Давлат телерадиокомпанияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази халқаро алоқаларни амалга оширишларида, хориждаги турдош ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда, халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари

соҳасида битимлар тузишда ёрдам кўрсатишларига доир вазифалар юклатилган. У ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Ўзбекистонда демократиялаш ва инсон ҳуқуқлари» махсус журналини нашр этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва бошқа ташкилотларнинг ташкил топиши фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари Ўзбекистонда таркиб топган демократик, инсонпарвар ҳуқуқий давлатнинг асосий функцияларидан, маърифатли давлатлар сари қўйган йирик қадамларидан биридир.

Ўзбекистон ижтимоий ва давлат тузуми томонидан республика фуқароларига инъом этилган кенг, ҳақиқий демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳаётда тўла амалга оширилиши, уларнинг мустақиллик ва истиқлолга эришган жамиятимизни, ҳаётимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг илдизи халқимизнинг маънавий уйғонишидир. Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тикланган, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбек ўзлигига ишона бошлади»[1], деган сўзларини мамлакатимизда демократик, инсонпарвар, одил фуқаролик жамиятининг амалга оширилаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақиллигига эришган кунидан бошлаб инсон омилига эътиборни кучайтирди.

Ўзбекистон фуқароларининг қонунчиликда белгиланган демократик ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари жаҳондаги маърифатли, ривожланган мамлакатларда ҳукм сураётган андозаларга мос тарзда амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсоннинг демократик ҳуқуқларига оид юздан ортиқ қонун ҳуж-

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1992. 6—7-бетлар.

жатлари қабул қилинди, инсон ҳуқуқлари тўғрисида қонунчилик мажмуаси шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил, инсонпарвар давлат сифатида инсон ҳуқуқларига оид 60 дан ортиқ халқаро шартнома ва конвенцияларга аъзодир. Масалан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида конвенция», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пакт» ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

3-§. ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ БУРЧЛАРИ

Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақоми фақат ҳуқуқлар ва эркинликлардангина иборат эмас. Унга мажбуриятлар мажмуи ҳам киради. Шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари мўътабар ва муқаддасдир. Бироқ турли-туман ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлмиш инсон (фуқаро) фақат ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиб қолмасдан, жамият, давлат ҳамда бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятлар ҳам ўтайди. Ҳуқуқлар ҳақида гаприлса-ю, мажбуриятлар эсга олинмаса, мантиқан тўғри бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлигини ниҳоятда аниқ ифодалаб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Демократик жамият қуриш учун, демократик тамойилларни тўла қарор топтириш учун, энг аввало, шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак... ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки: «Мен ўз Ватанимга, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак»[1].

Ҳар қандай субъектив ҳуқуқнинг рўёбга чиқиши муайян юридик мажбуриятнинг адо этилиши билан боғликдир. Фуқаронинг ҳуқуқий лаёқати ва ўзга ҳуқуқларининг амалга ошиши бошқа шахсларнинг бунга монелик қилмаслик мажбурияти билан таъминланади. Ма-

---

[1] *Каримов И. А.* Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.: Шарқ, 1993. 27-бет.

салан, фуқаронинг қонунда белгиланган доирада ўз шахсий мулкига эга бўлиш имконияти, ўзига ёққан касбни танлаш ва турар жой танлаш ҳуқуқи, давлат ҳокимият идораларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлари барча шахслар ва ташкилотларнинг бу ҳуқуқларнинг амалга оширишига қаршилик кўрсатмаслик мажбурияти билан таъминланади.

Юридик ва сиёсатшуносликка оид адабиётларда «инсон мажбуриятлари» ва «фуқаронинг мажбуриятлари» деган иборалар учрайди. Масаланинг ибтидосига эътибор берадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, табиий ҳуқуқ мактаби, у яратган концепцияда инсоннинг мажбуриятлари ҳақида умуман гап кўтарилмаган. Шунингдек, Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари тўғрисидаги 1798 йилги Француз декларацияда ҳам мажбуриятлар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Умуман олганда, аввал ҳам ҳозирги вақтда ҳам «инсон мажбуриятлари» деган ибора расм бўлмади. Тўғри, «жамиятда яшовчи инсонга маълум мажбуриятлар юкланади» деб гапирилади, бироқ шу чоққача расмий ҳужжатларда бундай мажбуриятлар таърифи ва кўлами аниқ белгиланган эмас. Инсоннинг, шахснинг жамият олдидаги мажбуриятлари кўпроқ маънавий-ахлоқий, умумижтимоий маънога эга. Бу ерда «мажбурият» сўзи ўрнига «бурч» иборасини ишлатиш тўғрироқдир.

Шу боис «ижтимоий шартнома» (Ж. Локк, Ж.-Ж. Руссо) таълимоти шаклланиб, у асосда инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари ғояси туғилган даврда ҳам инсоннинг бошланғич ва ажралмас ҳуқуқларига мувофиқ, инсоннинг «абадий ва ажралмас» мажбуриятларини кўрсатиб бериш мумкин бўлмади. Ижтимоий шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятлар инсон мажбуриятлари эмас, балки фуқаронинг давлат билан боғлиқ мажбуриятлари эди. Сиёсий жамиятда фуқаронинг ҳуқуқлари билан мажбуриятлари ўзаро чамбарчас боғликдир. Фуқаронинг ҳуқуқлари бўлмаса, унинг мажбуриятлари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ҳозирги замон давлатларида фуқаролик нисбатан қатъий қонунлаштирилган, уларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципи эълон қилинган. Мазкур принцип асосида шахснинг муайян давлат билан фуқаролик муносабатларида бўлиши унинг қонунлар билан аниқ белгиланган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари орқали

ифодаланади. Демак, фақат фуқаронинг мажбуриятлари тўғрисида гапириш мантиқий маънога эга бўлади. Бироқ, шу ўринда Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддасидаги бир муҳим қоидага изоҳ бериш лозим. Ушбу моддада: «Ҳар бир инсон жамият олдида мажбуриятларга эга, зеро унинг шахси шу жамиятда тўла ва эркин камол топиши мумкин», дейилган. Бу қоида, асосан, маънавий мазмунга эга бўлиб, жамиятдаги бошқа инсонлар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳурмат қилинишига эришиш мақсадида ёзилган[1].

Фуқаронинг мажбуриятлари юридик мазмунга эга. Юридик мажбуриятлар уч вариантда намоён бўлади: биринчидан, шахснинг фаол хатти-ҳаракатлар содир этиш мажбурияти; иккинчидан, шахснинг пассив ҳаракатланиш мажбурияти; учинчидан, давлат мажбурлов чорасига итоат этиш мажбурияти, яъни юридик жавобгарликни ўташ мажбурияти. Масалан, олди-сотти шартномасини олайлик. Бунда харидор шартномада иштирок этувчи бир тараф сифатида олинган товар учун келишилган пулни тўлашга мажбур; сотувчи пулни (чекни) олгач, белгиланган ҳақи тўланган товарни харидорга беришга мажбур, айни вақтда у харидорга нисбатан ноўрин хатти-ҳаракатдан ўзини тийиши шарт (харидорга қўпол муомала қилмаслик, уни ҳақоратламаслик, товарни танлаб олишига эътироз билдирмаслик ва ҳ.к.); мабодо сотувчи хизмат кўрсатиш интизомини бузишга йўл қўйса, юридик жиҳатдан у интизомий жавобгарликка тортилади.

Ҳуқуқий норма деспозициясида қандай хатти-ҳаракат, хулқ-атвор тури кўрсатилишига қараб, юридик мажбуриятлар **«фаол»** ёки **«пассив»** кўринишга эга бўлади. Фаол мажбуриятлар содир этилиши зарур бўлган хатти-ҳаракатни мустаҳкамлайди. Пассив мажбуриятлар эса ҳуқуқий нормада тақиқланган хатти-ҳаракатни содир этишдан ўзини тийиш заруратини назарда тутади.

«Пассив» мажбуриятлар «бир томонлама амал қилувчи», яъни ҳуқуқий муносабатнинг бошқа иштирокчиси учун юридик оқибатлар келтириб чиқарувчи ҳуқуқларга нисбатан ҳам риоя этиш ҳуқуқига нафақат даъ-

---

[1] Қаранг: Общая теория права и государства: Учебник / Под ред. Лазерева В. В. М.: Юрист, 1994. С. 317.

вогар ва жавобгарнинг суд муҳофазасидан фойдаланиш ҳуқуқи, балки томонларнинг ишни кўришда белгиланган тартибга риоя этиш мажбурияти ва суднинг қонуний кучга кирган барча қарорларига риоя этиш мажбурияти мувофиқ келади. Тарафларнинг суд муҳофазасидан фойдаланиш ҳуқуқига суднинг томонлар тавсияномаларини кўриб чиқиш, кассация шикоятларини қабул қилиш ва тегишли юридик чоралар кўриш мажбурияти мос келади. Бундан хулоса шуки, ҳар қандай субъектив ҳуқуққа муайян бир шахснинг юридик мажбурияти мувофиқ келади.

Фуқароларнинг мажбуриятлари қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилади. Уларнинг энг асосий мажбуриятлари конституцияда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI боби фуқароларнинг бурчлари (мажбуриятлари)га бағишланган. Бу ерда жами олти моддада фуқароларнинг асосий мажбуриятлари мустаҳкамланган (фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари эса Конституциянинг 23 та моддасида мустаҳкамланган).

Барча фуқароларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яшовчи **ҳар бир инсоннинг энг муҳим мажбуриятларидан бири Конституция ва қонунларга риоя этиш,** Асосий қонунда белгилаб қўйилган бурчларни бажаришдир (47 ва 48-моддалар). Мазкур конституциявий талаб замирида мамлакатда қатъий қонунийлик режимини таъминлаш мақсади ётибди.

Қонунийлик муҳити — давлатда, жамиятда мустаҳкам тартиб ва барқарорлик асоси, ҳар бир фуқаро ҳаётида тинчлик ва осойишталик бўлишининг гаровидир.

Конституция ва қонунларга риоя этиш мажбурияти ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари учун умумий, универсал талабдир. Бунинг маъноси шундаки, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқарода ҳаёт фаолиятнинг барча жабҳаларида ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаракат қилишдек ички руҳий «дастур», эътиқод мавжуд бўлиши назарда тутилади.

Конституция ва қонунларга риоя этиш — нафақат уларнинг қоидаларини бузмаслик, балки фуқаролар ўз фаолияти, ҳаёт тарзи билан конституциявий принцип ва асосларни, қонунчилик нормаларини реал воқеликка айлантиришга кўмаклашишлари демакдир.

Конституция ва қонунларда жамият ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий асослари, мамлакатда ўрнатилган ҳуқуқий тартибот, ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими мужассам тарзда ифода этилади. Шу сабабли уларга ҳар бир фуқаро қатъий риоя этишга мажбур. Бу қоидаларни ҳар қандай кўринишда бузиш давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатига путур етказади. «Фуқаролар,— деб таъкидланади Конституциянинг 48-моддасида, — Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар».

Конституцияда фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар, деб кўрсатилади (49-модда). Ўзбек халқи чиндан ҳам бой тарихий, маънавий ва маданий мерос соҳибидир. Асрлар мобайнида шаклланган, жамланган бу мерос нафақат ўзбек давлатчилиги ривожига, балки бутун жаҳон цивилизациясига қўшилган улкан ҳиссадир. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бу билан фахрланибгина қолмасдан, балки мазкур маданий ва маънавий «хазина»ни кўз қорачиғидек асраши, уни келгуси авлодларга етказиб беришни ўзи учун ҳам фарз, ҳам қарз деб билиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбуриятини мустаҳкамлайди (50-модда).

Дарҳақиқат, фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги асримизда инсониятнинг ҳаёт кечириш маскани бўлмиш табиий атроф муҳит алоҳида муҳофазага муҳтож. Бундай муҳофаза мутасадди давлат идоралари ва жамоатчилик тузилмалари бўғини (масалан, «Экосан» жамғармаси, «Орол»ни қутқариш жамғармаси ва бошқалар) томонидан амалга оширилади. Ушбу фаолиятда табиат инъомларидан баҳраманд бўлувчи ҳар бир фуқаро (инсон) иштирок этиши шарт.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ер кодекси», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Давлат санитария назорати тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги бир қатор муҳим қонунлари қабул қилинди. Уларнинг кўпчилик нормалари фуқароларнинг табиат билан бўладиган муносабатдаги мажбуриятларини белгилайди. Табиатга тегиш-

ли қонунлардаги ҳар бир қоидага риоя этиш, уларнинг бузилишига фаол қарши ҳаракат қилиш ҳар бир фуқаронинг юридик мажбуриятидир.

Фуқароларнинг қонунлар билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш мажбурияти конституциявий даражада мустаҳкамланган (Конституциянинг 51-моддаси).

Собиқ совет тузуми давридаги конституцияларда фуқароларнинг бундай мажбурияти назарда тутилмаган эди. Сабаби социалистик давлат мулкчилиги ҳукмронлик қилган шароитда бюджет асосан корхона ва ташкилотлар ҳисобидан тўлдириларди.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўта бошлаганлиги муносабати билан Конституциямизда биринчи марта фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти қонунлаштирилди. Бу қонуниятли ҳолдир. Хусусий мулкчиликнинг жорий этилиши, эркин тадбиркорликка йўл очилиши, иқтисодиётда давлат мулкчилиги соҳасининг қисқариши солиқ тизимида янгича ёндашувни тақозо этди. Солиқ тўловчи субъектлар таркиби сифат жиҳатдан ўзгариб, солиққа тортиладиган даромадлар тури кенгайди. Шу боис давлат бюджетида фуқаролардан олинадиган солиқларнинг аҳамияти ошди.

Эркин иқтисодий фаолият кенгайган шароитда, табиийки, фуқароларнинг, хусусий тадбиркорларнинг давлат назоратига олинмаган даромад манбалари кўпайиши мумкин. Бундай вазиятда даромадларни декларация қилиш тартиби йўлга қўйилиб, фуқаролар ўз ихтиёри ва ташаббуси билан солиқ тўлашлари лозим. Фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбуриятини конституциявий даражада мустаҳкамланганлигининг боиси ана шунда.

Конституциянинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир, деб мустаҳкамланган.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ҳарбий (муқобил) хизматни ўтайди. Юқоридаги қонунлар Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги мажбуриятни адо этиш тартиби, муддатлари, шарт-шароитлари ҳамда имтиёзлари масалаларини тартибга солади.

Конституция фуқароларнинг соғлиғи, диний эътиқоди имкон бермаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда муқобил хизмат ўташлари мумкинлигини ҳам назарда тутган.

Шундай қилиб, фуқароларнинг мажбуриятлари жамият, давлат ва барча фуқароларнинг ўз манфаатлари йўлида амалга оширилади. Ҳар бир фуқаро ўз мажбуриятларини виждонан ўташ орқали бошқа инсонларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширишга кўмаклашаётганини англаб етиши лозим.

Бешинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМИЯТ ВА ШАХС МУНОСАБАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

XVIII б о б.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

*** ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА УНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЗАМИНИ.**
*** ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ.**
*** ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ.**
*** ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ВА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ.**
*** ОИЛА, МАКТАБ ВА ЖАМИЯТ.**
*** ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ.**

1-§. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА УНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЗАМИНИ

Эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш Ўзбекистон халқининг улуғвор мақсадларидан биридир. Конституциянинг мазмун ва моҳиятидан шу нарса қатъий аёнки, мамлакатимизда шакллантирилаётган жамият — демократия ва адолат тамойилларига таянувчи эркин инсонлар жамияти бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов шундай деган эди: «Биз фуқаролик жамияти қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана боргани сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир»[1]. Президент яна қуйидагиларга эътибор қаратган эди: **«Биз учун**

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари. — Т.: Ўзбекистон, 1995. 14-бет.

фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қилади».[1]

Хўш фуқаролик жамиятининг моҳиятини нима ташкил қилади, бу қандай жамият?

Энг умумий тарзда лўнда таъриф бериладиган бўлса, **фуқаролик жамияти** — ижтимоий ҳаётнинг давлат таъсири ва аралашувидан, маъмурий тазйиқлардан ҳоли бўлган ҳамда инсонларнинг хусусий турмуш соҳасини ташкил этувчи муносабатлар мажмуидир.

Ҳозирги даврда фалсафий, сиёсий ва юридик адабиётларда фуқаролик жамиятини таъриф ва тавсиф этишга фаол ҳаракат қилинмоқда. Бу таърифлардан баъзиларини талқин этайлик.

Фуқаролик жамияти — давлатдан мустақил ва ундан ҳоли муносабатлар ва воситалар тизими бўлиб, у шахс ҳамда жамоатларнинг ижтимоий, маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги хусусий манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишга шароит яратади.

Фуқаролик жамияти аксарият ҳолларда инсонларнинг хусусий манфаат ва эҳтиёжлари соҳаси тарзида таърифланади. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий кўпчилик қисми мана шу хусусий ҳаёт соҳасида рўёбга чиқарилади. Бироқ бу шахсларнинг ижтимоий ҳаётдан ажралиб қолганлигини, бегоналаштирилишини англатмайди.

Фуқаролик жамияти — шахсларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки улар ўртасидаги ранг-баранг алоқалар, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликнинг ифодасидир. Мазкур муштараклик ва хамжиҳатлик ташкилий-институциявий кўринишга эга бўлиб, у турли ижтимоий кучлар, нодавлат ташкилотлар, бирлашмалар мавжудлиги билан тавсифланади.

Фуқаролик жамияти ниҳоятда мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Шу боис уни уч асосий жиҳат, учта йўналиш:

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўлағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997. 173-бет.

1) иқтисодий жиҳат;
2) сиёсий жиҳат;
3) маънавий-ахлоқий жиҳат бўйича таърифлаш мумкин.

Биринчи жиҳати. Фуқаролик жамияти хусусий мулкчиликка кенг йўл берувчи ва унга асосланувчи бозор иқтисодиёти муносабатларига, эркин иқтисодий фаолият таъминланган шарт-шароитга таянади. Айнан хусусий мулкчилик муҳити ва муносабатлари қарор топган жамиятда шахснинг мулкий мустақиллиги, иқтисодий фаолият юритишдаги эркинлиги таъминланади. Худди шу аснода шахс давлат ҳокимиятига нисбатан автоном, мустақил мавқени эгаллайди. Давлат хусусий ҳаёт соҳасига, шахс ва ташкилотларнинг қонуний иқтисодий фаолиятига аралашмаслиги лозим. Президент И. А. Каримов айтганидек, «давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим». Бу талаб аввало иқтисодий ишлаб чиқариш, хусусий тадбиркорлик соҳасига оиддир.

Фуқаролик жамияти концепциясини яратишга катта ҳисса қўшган немис файласуфи Гегел, бу жамиятни буржуача ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи сифатида тушунган. У икки асосий принципни ажратиб кўрсатган:

биринчидан, шахслар ўз хусусий манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қиладилар;

иккинчидан, инсонлар шундай ижтимоий муносабатлар тизимини вужудга келтирадиларки, бунда ҳар ким бошқа кимсага боғлиқ бўлади.

Хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий структура бўлмиш фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти муносабатлари тизимидан иборатдир. Бундай муносабатларга ишлаб чиқаришдаги рақобат ва унда ҳокимиятнинг маъмурий аралашувини чеклаш орқали эришилади. Фуқаролик жамияти инсоннинг ижодий фаоллигини намоён этишга йўл очувчи муносабатлар шаклланган тақдирда зоҳир бўлади.

Буюк француз инқилобининг манифести — 1791 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида ҳам хусусий мулк муқаддас ва дахлсиз деб эълон қилган. Феодализмнинг ашаддий душмани бўлган якобинчилар эса хусусий мулкни янги жамиятнинг, яъни фуқаролик жамиятининг бирдан-бир асоси деб билганлар. Тарих сабоқларидан маълумки, хусусий мулк нафақат жамиятни турли қатламларга ажратган, балки ишлаб

чиқаришни ривожлантиришга қаратилган ташаббусни рағбатлантирган, ҳокимиятга нисбатан мустақил (автоном) тузилмаларни вужудга келтирган.

Ўзбекистонда ҳам хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодий муносабатлар тизими қарор топмоқда, тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очилиб, тегишли ташкилий ва ҳуқуқий механизмлар вужудга келтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқаролик жамиятининг қарор топишини хусусий мулкнинг қатъий мавқега эга бўлиши билан боғлайди. Шу асосда ҳозирги пайтда жамиятда кенг кўламда хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Хўш, нима сабабдан ислоҳотчи-давлат Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини жадал шакллантириб боришдан манфаатдор?

Биринчидан, шу аснода мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари олға силжиш йўллари ва усуллари хусусида фуқаролар келишувига эришиш тўғрисида норасмий ижтимоий шартнома тузиш ва уни рўёбга чиқаришда ислоҳотчи — давлат учун шерик вужудга келтирилади;

иккинчидан, фуқаролик жамияти ўз институтлари орқали шахснинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини таъминлаган ҳолда, давлатда вакиллик демократиясининг ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий тизимнинг асоси ҳисобланади;

учинчидан, Ўзбекистон халқи **фуқаролик институлари** ва механизмлари, аввало сайлов тизими орқали ўзининг сиёсий юксалиши ва ҳаётий муҳим миллий манфаатларини ифодалаши учун барқарор шарт-шароитлар яратмоқда;

тўртинчидан, фуқаролик жамияти шахс ва жамият, фуқаро ва давлат, этник ва конфессионал жамоалар, ижтимоий-демографик гуруҳларнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ўзаро мақбул мувозанатидан келиб чиққан ҳолда қурилади;

бешинчидан, демократик жамият фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигига асосланган. Ўз навбатида, унинг ўзи турмушнинг барча соҳаларидаги ислоҳотлар жараёнида бундай фаолликнинг ўсиб боришини изчил рағбатлантириб боради ва давлатнинг бюрократлашуви, унинг институтлари фуқароларнинг ҳаётий муҳим манфаатларидан узилиб қолиши хавфига қарши туради;

«Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, — дейди Президент И. А. Каримов, — давлат иқтисодий эркинликларнинг кафолати бўлади. Айни шу туфайли давлат иқтисодиётга ўзининг тартибга солувчи таъсирини мақбул равишда ўтказа олади»[1].

Иккинчи жиҳати. Сиёсий нуқтаи назардан баҳолаганда фуқаролик жамиятидаги сиёсий тизим ва сиёсий бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ҳуқуқий давлатчилик ифода этади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятининг сиёсий моҳиятини, сиёсий шаклини ташкил этади. Бу икки ҳодисанинг ўзаро муносабати шакл билан мазмуннинг ўзаро алоқадорлигини акс эттиради. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, фуқаролик жамияти тўла маънода мавжуд бўлишининг шак-шубҳасиз шарти ҳуқуқий давлатнинг мавжудлигидир. Ва, аксинча, ҳуқуқий давлат фақат фуқаролик жамиятидек ижтимоий маконда қарор топиши ва фаолият юритиши мумкин.

Фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлатнинг ўзаро нисбатини иқтисод билан сиёсатнинг нисбати тарзида изоҳлаш ўринли бўлади. Буни Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Зеро, иқтисодий ислоҳатлар тегишли демократик сиёсий тузилмалар, институтлар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Мамлакатимизда мулк шаклини ўзгартириш, хусусийлаштириш жараёнларини амалга оширишга қаратилган давлат тузилмалари вужудга келтирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси ташкил этилиб (1992 йил), у мамлакатда хусусийлаштиришни амалга ошириш билан шуғулланиб келмоқда. Президентнинг 1992—1993 йилларда қабул қилинган ўттиздан ортиқ фармонлари билан давлат мулкчилигига асосланган ўнлаб вазирлик ва давлат қўмиталари бошқа мулк шаклидаги концерн, ассоциация, уюшма ва жамғармаларга айлантирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси пахтачилик вазирлиги замирида «Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат акциядорлик ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармон асосида мазкур асосциация ташкил этилди. (1992 йил 7 ноябр), Маҳаллий саноат вазирлиги ислоҳ этилиб, унинг ўрнида Президентнинг 1992 йил 3 сен-

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 115-бет.

тябрдаги фармони билан «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси ташкил этилди. Шунингдек, «Ўзбексавдо» ассоциацияси (1992 йил 5 май фармони) «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (1992 йил 28 январ фармони) ташкил топди ва ҳоказо.

1997 йил 20 майда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Бу қарорнинг асосий мақсади ҳукумат аппаратини иқтисодиётни бошқаришнинг бозор усулларига ўтказишдан иборат эди. Вазирлар Маҳкамаси аппарати бевосита соҳавий маъмурий бошқарувдан қайтиб, бошқарувнинг функционал тизимига ўтди. Бунинг маъноси шуки, Вазирлар Маҳкамаси аппарати хўжалик юритувчилар фаолиятига аралашмайди, иқтисодиётни давлат йўли билан бошқармайди. Бунинг ўрнига у иқтисодиётни бозор йўлига ўтказишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқади, иқтисодий жараёнлар ва иқтисодий комплекслар фаолиятини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Шунингдек, хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш, таркибий ва институционал қайта ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш, тадбиркорлик ва рақобатни ривожлантириш билан шуғулланади.

Фуқаролик жамиятининг сиёсий тавсифланиши фақат давлат тузилмаларининг ривожлантирилишидан иборат эмас. Демократия равнақ топиши учун фуқаролик жамиятида хурфикрлилик, сиёсий плюрализм ҳам қарор топиши зарур. Бунинг учун жамиятда том маънодаги кўппартиявийлик, жамоат ва нодавлат ташкилотларининг кенг кўламли тизими, тадбиркорларнинг иттифоқлари, уюшмалари, меҳнаткашларнинг мустақил бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими вужудга келтирилиши лозим, токи бу тузилмалар давлат идоралари билан тенг ҳуқуқли муносабатларга кириша олсин.

Фуқаролик жамиятининг сиёсий тизимида оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади (бу ҳақда кейинги параграфларда батафсил тўхталамиз).

Таҳлил юритилаётган жабҳада ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифаси инсон ва фуқаронинг юксак ҳуқуқий мақомини таъминлаб беришдан иборат. Конституциянинг 2-моддасида давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, деб ёзилган. Бунинг маъноси шуки, давлат, унинг идора-

лари аввало, фуқароларнинг ҳуқуқларини хурмат қилишлари лозим. Қонунда белгиланган фуқаровий ҳуқуқ ва эркинликлар давлат идоралари ва мансабдор шахслар учун муқаддас бўлмоғи лозим. Ўз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаб бера олмаган давлат демократик ҳуқуқий давлат деб аталиши мумкин эмас. Фуқаролар қонун олдида тенг, ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида эътироф этилиши лозим.

Фуқаролар ва уларнинг уюшмалари давлат идоралари билан ҳуқуқнинг тенг субъектлари сифатида муносабатга киришадилар. Башарти, бу тенг ҳуқуқий муносабатларда томонлардан бирининг ҳуқуқига, манфаатига путур етказилса, у судга мурожаат этиши ва қонуний асосларда суд тартибида ўз ҳуқуқини тиклашга эришиши лозим. Ҳуқуқий давлатчиликнинг муҳим тамойилларидан бири ана шундай. Шундай қилиб, ҳуқуқий давлат фақат фуқаролик жамиятига боғлиқ бўлмай, балки унинг манфаат ва эҳтиёжларига бўйсунувчи тизим сифатида майдонга чиқади.

Учинчи жиҳати. Фуқаролик жамияти чуқур маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар замирига таянади. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир нарса устуворлик қилади, яъни инсон бениҳоя даражада улуғланади, умуминсоний қадриятлар эъзозланади, улар мўътабар ва муқаддас саналади. Бунда инсоннинг қадр-қиммати, меҳр-оқибат, ахлоқий поклик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби олий қадриятлар одамлар ўртасидаги муносабатларнинг белгиловчи мезони сифатида майдонга чиқади.

Демократик ислоҳотлар даврида маънавиятни юксалтиришга асосий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, маънавият инсоният ички дунёсининг кўзгуси, тафаккури, онги ва фикр юритиш тарзининг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи юксак ижтимоий қадриятдир. Инсоният ҳамиша эзгуликка, маънавий баркамолликка интилиб яшайди. Юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатнинг яқин келажакдаги истиқболи ҳамюртларимиз қандай мавқени эгаллашига, қанақа маданий-маънавий ва ахлоқий қадриятларни шиор қилиб олишига боғлиқ бўлади[1].

Фуқаролик жамиятида эркинлик, қонун олдида бар-

---

[1] Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 397-бет.

чанинг тенглиги, ижтимоий адолатнинг таъминланиши ҳамма фуқароларнинг ижодий салоҳияти ва истеъдодининг бевосита рўёбга чиқарилишига имконият яратилади. Фуқаролик жамияти ҳуқуқ ва адолат мезонлари билан ўлчанади. Ҳуқуқ жамиятнинг ўзига хос «гуманистик императиви» (инсонпарварварлик талаби), яъни инсоний-ахлоқий қоидаси, маънавий маёғи бўлиб ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатидаги мавқеи қуйидаги принциплар асосида белгиланади:

1) жамиятнинг ҳар бир аъзоси инсон сифатида эркин ва озод бўлиши;

2) ҳар бир фуқаронинг бошқа фуқаро билан тенглиги;

3) жамият ҳар аъзосининг фуқаро мақомидаги мустақиллиги.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, суверен давлатчиликни шакллантиришда маданиятимиз сарчашмаларига, теран ва улкан маънавий меросимизга мурожаат қилиш, боқий тарихий ўтмишимизда мавжуд бўлган барча эзгуликларни юзага чиқариб, ривожлантириш борасида беқиёс имкониятлар очилди. Ўтмиш аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойлиги чуқур мушоҳада этилиб, онгимизга сингдирилмоқда, шу орқали биз барпо этаётган янги фуқаролик жамияти манфаатларига хизмат қилмоқда.

Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки одил демократик жамият барпо этмоқдамиз. Давлатчилигимиз адолат тамойилларига таянади. **«Адолатга интилиш — халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак»**[1].

Маънавий-маданий савия паст бўлган жамиятда адолат тантанаси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Биз барпо этаётган фуқаролик жамиятида адолат, ҳақиқат ва инсонпарварлик ғоялари устуворлик қилиши лозим. Адолат бор жойда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла таъминланишига умид боғлаш мумкин.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятининг қуйидаги

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т. Ўзбекистон, 1998. 399-бет.

асосий белгилари ва хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

1) жамият ва шахс эҳтиёжлари тизимида фаол ижобий фаолият ва меҳнатнинг роли алоҳида мазмунга эга бўлиши, меҳнатга асосланган ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлар тизимининг қарор топиши;

2) жамият мазмунини, унинг ривожланиш қонуниятлари моҳиятини хусусий мулкчилик муносабатлари орқали белгиланиши;

3) хусусий мулк барча мулк шакллари қатори равнақ топиши ва уни муҳофазалашда қонуннинг, давлат ҳокимиятининг алоҳида роль йўнаши;

4) фуқароларнинг юридик жиҳатдан бир хил мақомга эгалиги ва қонун олдида тенглиги. Жамиятда адолатли суд тизимининг қарор топиши ва унинг фуқароларни ҳимояловчи посбон идорага айланиши;

5) шахснинг шахсий ҳаёти ва иқтисодий фаолиятига давлат аралашувининг қонун доирасида чекланиши. Ҳуқуқий давлатчиликнинг мавжуд бўлиши;

6) шахснинг давлат ҳокимиятига нисбатан мулкий ва иқтисодий мустақиллиги;

7) давлат, давлат идоралари ва фуқаролар ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида муносабатга кириша олиши, уларнинг судда тенг тарафлар сифатида майдонга чиқа олиши. Фуқаролар ҳуқуқларини кафолатлаш ва устувор таъминлаш механизмларининг яратилганлиги;

8) фуқаролик жамиятининг таркибий институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг мавжудлиги;

9) жамиятнинг юксак маънавий-маданий ва ахлоқий ривожланганлиги; инсонлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, иймон-инсоф доирасида, шахс қадрини эъзозлаш асосига қурилганлиги.

Шундай қилиб, **фуқаролик жамияти — ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга** келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамият.

2-§. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ

Фуқаролик жамияти юксак даражада уюшган, батартиб муносабатлар тизимига таянган ўзини ўзи бошқариш механизмлари мукаммал қарор топган жамиятдир. Бу жамият шароитида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ҳамда манфаатларини акс эттирувчи, муҳофаза этувчи турли-туман уюшмалари, бирлашмалари, нодавлат ташкилотлари ва идоралари мавжуд бўлади. Улар давлат ҳокимиятидан мустақил бўлиб, ўзини ўзи бошқариш тамойили асосида актив фаолият кўрсатади.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсон ҳаётини сақлаш, унинг мақсадларини, ҳаётий орзуларини, ниятларини шу жамиятдаги ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гуруҳлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир. Бу ташкилотлар, институтлар ва гуруҳлар алоҳида шахсга унинг ҳокимият манбаи эканлигини, унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилотлар ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларига:

1) кўппартиявийлик;

2) сиёсий ҳаётнинг ва сиёсий институтларнинг, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги;

3) ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеининг баландлиги;

4) жамиятни бошқаришда оммавий ахборот воситалари ролининг катталиги киради. Фуқаролик жамияти маънавий ҳаёт умумбашарий қадриятлар асосида амалга оширилганлиги, инсоннинг муқаддаслиги, эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ижтимоий адолатнинг тўлиқ қарор топганлиги билан белгиланади.

Демак, **фуқаролик жамияти** — тенг ҳуқуқли инсонларнинг жамияти, якка шахслар ёки жамоалар манфаатларини амалга оширишга кўмаклашадиган жамоат ва нодавлат институтларининг тизимидир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, фуқаролик жамияти жамоат бирлашмаларининг йиғиндисидангина иборат бўлмай, балки улар фаолиятининг натижасида пайдо бўладиган муносабатлар тизими ҳамдир. Шунинг учун ҳам фуқаролик жамиятини миллий ва диний анъаналар-

сиз, одатларсиз, одоб-ахлоқ нормаларисиз ва миллий қадриятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу жамият иқтисодий, касбий, маданий, диний ва бошқа манфаатларни шакллантиришга ва уларни амалга оширишга қаратилган ижтимоий алоқалар тизимини ҳам қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳар бир инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга қаратилган. Конституция инсонни энг катта бойлик сифатида алоҳида кўрсатгани ҳолда фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона, ҳуқуқий ҳал этилишини сиёсий жиҳатдан расмийлаштиради. Конституция ва қонунларнинг устунлиги, уларнинг инсон манфаатларини ҳимоя қилишга ва ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилларидир.

Фуқаролик жамиятида қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини ўзи камол топтиришига ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бу барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт эканлигини ҳам билдиради.

Ўзбекистон фуқаролари Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиб, давлатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг таъкидлашича, «Ўтмиш даври шароитида фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли, кўппартиявий тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.[1]

Шу жиҳатдан олганда, давлатнинг роли сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланиши секинлаштириб қўядиган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни бартараф этишдан иборатдир»[1].

Фуқаролик жамиятидаги мавжуд манфаатларни

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон. 1997. — 174-бет.

қаноатлантириш, рўёбга чиқариш учун тегишли ташкилий тузилмалар ва институтлар шаклланади.

Фуқаролик жамиятининг ички тизимини қуйидагича таснифлаш мумкин.

Биринчидан, иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи тузилмалар:

а) хусусий мулк асосида вужудга келадиган ва фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлар;

б) ширкат хўжаликлари ва уларнинг уюшмалари;

в) ижара асосида ишловчи жамоалар;

г) ҳиссадорлик жамиятлари;

д) молиявий жамғарма ҳамда уюшмалар;

е) ишлаб чиқариш корпорация, концернлари ва бирлашмалари;

ж) тадбиркорлар уюшмалари (палатаси) ва ҳоказо.

Иккинчидан, ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар:

а) оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи махсус ташкилотлар;

б) таълим-тарбия муассасалари (мактаб, ўрта-махсус ва олий таълим муассасалари);

в) жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар;

г) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

д) мустақил оммавий ахборот воситалари;

е) диний ташкилотлар;

ж) миллий-маданий марказлар;

з) кўнгилли жамиятлар;

и) жамоатчилик фикрини аниқлаш ва ўрганиш институтлари;

й) турли ижтимоий зиддиятларни адолатли ҳал этувчи тузилмалар ва ҳоказо.

Учинчидан, сиёсий соҳадаги манфаатларни акс эттирувчи институтлар ва тузилмалар:

а) ҳуқуқий давлатнинг мавжудлиги;

б) сиёсий партиялар;

в) ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар;

г) сиёсий мухолифатнинг мавжудлиги;

д) инсон ҳуқуқларини ҳимояловчи институтлар ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган тасниф умумий бўлиб, у энг асосий таркибий тузилмаларни ифодалайди. Албатта, фуқаролик жамияти ўзининг ранг-баранглиги, турлитуманлиги билан тавсифланади. Унда турфа кўринишдаги маърифий, маданий ва бошқа мазмундаги ташкилотлар фаолият кўрсатиши мумкин.

3-§. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

Кенг кўламда ривож топган жамоат бирлашмалари тизимининг мавжудлиги — фуқаролик жамиятининг муҳим сифат белгиларидан биридир. Бундай ижтимоий институтлар воситасида фуқаролар ўзларининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва турмушнинг бошқа соҳаларидаги эҳтиёж ҳамда манфаатларини қондириш ва ҳимоялаш, умумий муаммоларни биргаликда ҳал этиш имкониятига эга бўладилар.

Жамоат бирлашмалари давлатдан мустақил бўлган, алоҳида фаолият юритадиган ва айни вақтда, давлат институтларига таъсир ўтказа оладиган, давлатнинг ижтимоий ҳаётга, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига асоссиз аралашувидан муҳофаза қилишга йўналтирилган ташкилотлардир.

Жамоат бирлашмаларининг давлатга нисбатан мустақиллиги қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, улар ўз ички ва таркибий тузилиши ҳамда фаолиятининг йўналишларини мустақил белгилайдилар;

иккинчидан, ўз иродаларини ўзлари ифода этадилар ва бу норматив ирода ташкилот аъзоларига мажбурий бўлади;

учинчидан, мазкур ижтимоий тузилмалар ўз устав (низом)лари воситасида ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини мустақил белгилайдилар;

тўртинчидан, ўз мулки ва маблағларига эга бўлиб, уларни ўз ихтиёр ва эҳтиёжларига қараб тасарруф этадилар.

Фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига, сиёсий партияларга уюшиш борасидаги конституциявий ҳуқуқи ижтимоий институтларнинг, шу жумладан, касаба уюшмаларининг ташкил топиши ва фаолият юритиши учун юридик асос бўлиб хизмат қилади. Гап Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 34-моддасининг 1-қисми ҳақида бормоқда. Унга мувофиқ, Ўзбекистон фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Жамоат бирлашмалари халқ ижодкорлиги ва ташаббусининг натижаси бўлиб, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол ҳамда самарали иштирок этишининг ишончли воситасидир. Улар демократиянинг таркибий қисми ва фуқаролик жамияти ҳаётининг шакли сифатида намоён

бўладилар. Конституция жамоат бирлашмаларининг ташкил этилиши ва фаолият юритиши эркинлигини кафолатлайди.

Яна бир муҳим конституциявий қоидага мувофиқ, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради (58-модданинг 1-қисми).

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқларини аниқ белгилаш мақсадида конституциявий нормаларга таянган ҳолда алоҳида қонунлар қабул қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида» қонун қабул қилди. Унинг муқаддимасида рамзий маъно касб этувчи қуйидаги сўзлар битилган: «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»га ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланиб, ушбу қонунда фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш эркинлиги уларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида мустаҳкамлаб қўйилади»[1].

Қонунда жамоат бирлашмаларининг тушунчаси берилган: «Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини қамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир».

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, жамғармалар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Ўзбекистон фуқароларига ўз фаолиятларини амалга ошириш учун кенг кўламдаги шарт-шароит яратилган. Янгиланаётган жамиятимизда фуқароларнинг давлат ишларида қатнашиш фаоллигини оширишда жамоат бирлашмалари катта аҳамият касб этади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991. № 4. 76-модда.

Ўзбекистон Республикасида амалий жиҳатдан катта ёшдаги аҳолининг қарийб ҳаммаси жамоат бирлашмаларининг фаолиятида қатнашадилар. Шуниси ҳам борки, кўпгина фуқаролар бир эмас, балки бир неча жамоат бирлашмалари фаолиятида иштирок этадилар. Жамоат бирлашмалари ўз таркиби, мақсад ва вазифалари, фаолият шакллари ва иш услублари билан бирбиридан фарқ қиладилар. Лекин уларнинг ҳаммасига хос бўлган белгилар ҳам мавжуд. Бу жамоат бирлашмалари ўз низомларида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ, жамиятни бошқаришда, ҳар хил вазифаларни ҳал этишда фаол қатнашадилар.

Жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолият қоидалари бир хил.

Жамоат бирлашмалари фаолиятининг асосий принципларига қуйидагилар киради:

1) ихтиёрийлик;
2) тенг ҳуқуқлилик;
3) ўзини ўзи бошқариш;
4) қонунийлик;
5) инсонпарварлик;
6) ошкоралик.

Ихтиёрийлик принципи шуни билдирадики, Ўзбекистон фуқароларининг ҳар бири ўз хоҳиш-иродаси ҳамда манфаатларини ўз ихтиёрига кўра амалга оширади. Жамоат бирлашмалари ёки сиёсий партияларга кириш ёки ёхуд кирмасликини фуқароларнинг ўзлари ҳал этадилар, мажбурий аъзоликка йўл қўйилмайди.

Тенг ҳуқуқлилик принципи республикадаги барча жамоат бирлашмаларининг тенг ҳуқуқлилик асосида фаолият кўрсатишини англатади. Бирор-бир жамоат бирлашмаси ўз сони жиҳатидан оз бўлган жамоат бирлашмасидан устун бўлишига ёки уларнинг ҳуқуқлари камситилишига йўл қўйилмайди.

Ўзини ўзи бошқариш принципи шуни англатадики, жамоат бирлашмаларида раҳбарлик бевосита ўша жамоат бирлашмаси аъзолари орасидан сайланган фуқаролар томонидан амалга оширилади. Давлат, қонунда кўзда тутилгандан ташқари ҳолларда, жамоат бирлашмаларининг фаолиятига аралашмайди. Худди шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Қонунийлик принципи барча жамоат бирлашмаларининг ўз низомларида ва бошқа ҳужжатларида кўзда

тутилган вазифаларини бажаришда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари доирасида иш кўришини билдиради.

Ошкоралик принципи жамоат бирлашмаларининг фаолияти ҳеч қандай чеклашларсиз, очиқдан-очиқ юритилишини англатади. Жамоат бирлашмалари ўзларининг фаолияти тўғрисида ўз аъзоларига ва ваколатли давлат идораларига ҳисобот бериб турадилар. Бундан ташқари, улар ҳеч қандай чеклашларсиз ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича тегишли давлат идоралари, мансабдор шахслардан маълумот олиш ҳуқуқини ҳам ошкоралик принципи асосида амалга оширадилар.

Инсонпарварлик принципига кўра ҳар бир жамоат бирлашмаси ўз фаолиятини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча қоидалари асосида, инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлигини, дахлсизлигини тан олган ҳолда олиб бориши зарур.

Жамоат бирлашмалари маълум бир мақсадни бажариш учун ташкил этилади. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида бу мақсадлар кўрсатилган. Унга кўра, жамоат бирлашмалари:

— фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш;

— фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш;

— касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш;

— илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш;

— аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш;

— маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси;

— халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш;

— маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш;

— халқларнинг маданий мероси ва миллий бойлиги бўлган санъат асарларини излаб топиш;

— қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш;

— ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш мақсадида тузилади. Республика Президенти И. А. Каримов таъкидлаганларидек, «маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайди»[1].

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 2300 дан ортиқ жамоат бирлашмалари расмий равишда рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатмоқда. Булар жумласига шунингдек, 80 дан зиёд миллий маданий марказлар, 40 дан ортиқ жамғарма ва хайрия ташкилотлари, 65 жамият, 19 бирлашма, 34 ассоциация, 37 федерация, 16 тармоқ касаба уюшмаси, 40 дан зиёд аёллар ва болалар ташкилотлари киради. Мазкур ташкилотларнинг 400 дан ортиғи вилоятлар адлия бошқармаларидан рўйхатдан ўтган.

Давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари сифатида жамоат бирлашмалари, жумладан, турли жамғармаларнинг қарор топишида хайрихоҳлик билдираётганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорлари воситасида ўзининг яққол исботини топмоқда. Масалан Президентнинг «Наврўз» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони (1992 йил 23 май), «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони (1992 йил 12 сентябр), «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони (1997 йил 7 январ), «Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони (1998 йил 16 ноябр), «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси тўғрисида»ги фармони (1996 йил 14 декабр), «Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони (1993 йил 23 апрел), «Ижодкор ёшларнинг «Истеъдод» республика жамғармасини тузиш ҳақида»ги фармони (1993 йил 4 май), «Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони (1999 йил 6 январ), Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (1992 йил 25 март), «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасини давлат то-

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Т.: Ўзбекистон, 1992. 22-бет.

монидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори (1994 йил 17 ноябр), «Халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори (1996 йил 14 март), «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори (1996 йил 27 сентябр), «Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси тўғрисида»ги қарори (1996 йил 8 ноябр), «Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори (1997 йил 14 апрел), «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори (1997 йил 9 июл), «Ўзбекистон Архитекторлар уюшмасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори (1998 йил 16 июн) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Конституция жамоат бирлашмалари орасида энг қамровли ва нуфузли ташкилот ҳисобланмиш касаба уюшмаларини алоҳида эътироф этади. Бу муносабат Ўзбекистонда «Касаба уюшмалари ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги алоҳида қонуннинг (1993 йил) мавжудлиги билан ҳам изоҳланади[1]. Қонунга мувофиқ, **Касаба уюшмаси** — кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун эҳтиёжлар умумийлиги билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 53 мингдан зиёд бошланғич ташкилотга бирлашган 7,5 миллиондан ортиқ аъзоси бор. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси таркибида 21 та тармоқ касаба уюшмаларидан ташқари ҳудудий йўналишдаги Қорақалпоғистон Республикасида 1 та, 12 та вилоят ҳамда 1 та Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари мавжуд.

Мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар, шу жумладан, талабалар ўз хоҳишларига кўра ва олдиндан ижозат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмалари тузиш ҳуқуқига, шунингдек уставларга риоя этиш шарти билан касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эгадирлар. Касаба уюшмалари корхона, муассаса, ташкилотларда ва бошқа иш жойларида тузилиши мумкин (2-модда).

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 9. 344-модда.

Касаба уюшмалари ўз фаолиятларида давлат бошқарув идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан мустақилдирлар, улар олдида ҳисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат қилинмайдилар. Мазкур уюшмаларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки шу ҳуқуқларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган тарздаги ҳар қандай аралашув ман этилади.

Касаба уюшмалари ўз уставларида белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ фаолият юритадилар. Улар ўз уставларини мустақил ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уюшма ички тузилишини белгилайдилар, раҳбар органларини сайлайдилар, ўз фаолиятларини ташкил этадилар.

Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этадилар, уларга тегишли меҳнат шароитлари яратиб берилиши ва бажарилган ишга муносиб ҳақ тўланиши устидан ғамхўрлик қиладилар. Корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат олиб борадилар. Меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояси билан шуғулланадилар ва меҳнат низоларини кўриб ҳал этилишида фаоллик кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади (Конституциянинг 56—57-моддалари).

Жамоат бирлашмалари ўз фаолият доираларига кўра қуйидагиларга бўлинади:

1) республика жамоат бирлашмалари;

2) маҳаллий жамоат бирлашмалари;

3) халқаро жамоат бирлашмалари.

Республика жамоат бирлашмаларига ўз низомида белгиланган фаолиятни бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган, камида уч минг аъзоси бўлган жамоат бирлашмалари, сиёсий партия ёки касаба уюшмалари киради. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам жамоат бирлашмалари тузилиши мумкин.

Маҳаллий жамоат бирлашмаларига — вилоят, туман, шаҳар, посёлка ва қишлоқ жамоат бирлашмалари киради.

Бу жамоат бирлашмаларига низомларида белгиланган фаолиятни бутун вилоят ҳудудида, Тошкент шаҳрида эса шаҳар худудида амалга оширадиган жамоат бирлашмалари, вилоят, Тошкент шаҳар жамоат бирлашмалари киради.

Бутун туман (шаҳар) ҳудудида фаолият кўрсатадиган жамоат бирлашмалари туман (шаҳар) жамоат бирлашмалари дейилади.

Фаолиятини посёлкада, қишлоқ ҳудудида амалга оширадиган жамоат бирлашмалари посёлка, қишлоқ жамоат бирлашмалари дейилади.

Қонунга асосан, зарур ҳолларда вилоятлараро ва туманлараро жамоат ташкилотлари тузилиши мумкин.

Халқаро жамоат бирлашмалари — Ўзбекистон Республикаси ва битта ёки ундан кўпроқ хорижий давлат ҳудудида фаолият кўрсатадиган жамоат бирлашмаларидир.

Башарти чет элда тузилган халқаро жамоат бирлашмаси таркибига республика жамоат бирлашмаси коллектив аъзо сифатида кирса, республика жамоат бирлашмасининг низоми ҳам жамоатчилик бирлашмаси тўғрисидаги қонунга мувофиқ рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва ўз низомларига мувофиқ халқаро жамоат бирлашмалари билан бевосита алоқалар ўрнатишлари мумкин.

Сўнгги йилларда жамоат бирлашмаларини нодавлат ташкилотлар ёки ҳукуматга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотлар тарзида таърифлаш расм бўла бошлади. Улар фаолияти орқали фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги рўёбга чиқарилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотига кўра, устави уларни ҳукуматга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотлар (ҲҚБНТ) деб ҳисоблаш имконини берадиган 350 дан зиёд жамоат бирлашмаси бор.

ҲҚБНТнинг адлия органлари томонидан рўйхатга олиниши уларга юридик шахс мақомини беради ва давлат идоралари ҳамда бошқа жамоат муассасалари билан муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1999 йил 14 апрелда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонунини қабул қилди. Қонуннинг қабул қилиниши мазкур тоифа жамоат бирлашмаларининг фаолияти кенг ҳуқуқий асосга таяниши ва ривожланиши учун йўл очиб берди. Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ёки юридик шахслар (ёки улар биргаликда) томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Улар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиши учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат уларнинг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига кўмак кўрсатиши мумкин. Давлат идоралари, мансабдор шахслар нодавлат нотижорат ташкилот фаолиятига аралашишга, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотнинг давлат идоралари ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлар, шунингдек, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, ташкил этилиш асослари, уставлари, рўйхатдан ўтказиш тартиблари, мулкий мақоми, тадбиркорлик фаолияти ва солиқ тўлашлари масаласи ҳамда фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш тартиблари батафсил белгилаб берилган.

Ўзбекистонда ҲҚБНТ шаклланаётган фуқаролик жамиятининг механизмидир. Фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан тузилган кўнгилли ўзини ўзи бошқарувчи бу ташкилотлар хилма-хиллиги билан фарқланади. Уларни қуйидаги (аниқ мисоллар орқали кўрсатиладиган) гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) аҳоли муайян йирик тоифаларининг ижти-

моий манфаатларини кўзлаб ишлашга ихтисослашган ҳукуматга қарашли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар;

2) «Маҳалла» жамғармаси (фуқароларнинг жамоавий-маҳаллий ўзини ўзи бошқарувига доир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи);

3) Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси (республикада ва жойларда қўмиталарнинг бошлиқлари давлат раҳбарияти тизимига киритилганлиги туфайли барча даражаларда ҳукумат ташкилотлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ишлаш механизмига эга). Ишбилармон аёллар уюшмаси, олима аёллар уюшмаси каби шерик ташкилотларни таъсис этган;

4) Ўзбекистон Республикаси ногиронлар уюшмаси (маълумотларга кўра унинг таркибида 600 мингдан зиёд киши бор);

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим тарихий воқеа содир бўлди, 2001 йилнинг 25 апрелида Ўзбекистон Республикасида «Камолот» — ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда мамлакат ёшларининг янги ижтимоий ҳаракати яхлит бир демократик ташкилот, уюшма сифатида бунёдга келди. Таъсис қурултойида мамлакатнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистондан келган делегатлар — ёшларнинг энг фаол вакиллари иштирок этди. Анжуман ишида Ҳаракатнинг ташаббус гуруҳи ва маслаҳат кенгаши аъзолари, ёшлар масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қурултой қатнашчиларига мамлакат Президенти И.А. Каримов табрик йўллаб, унда жумладан шундай деди: «Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос энг гўзал фазилатларни намоён этадиган, унинг эзгу орзу-ниятларини амалга оширишда мардлик ва фидойилик кўрсатишга қодир бўлган ўз таянч ва суянчини кўриши табиийдир...

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқаётган бугунги кунда ўғил-қизларимизни ўз сафларида бирлаштирадиган, ўз тақдирини эл-юрт тақдири билан узвий боғлаган, Ватаннинг шаъни, ор-номуси учун курашга отланган ёш авлодни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган ёшлар ташкилоти тузишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда...

Ўзбекистон ёшларининг хоҳиш-иродасини, уларнинг жўшқин ва соф интилишларини ифода қиладиган сиз — қурултой делегатлари мураккаб ва шиддатли замон бугун олдимизга қўяётган долзарб вазифаларни адо этиш борасидаги улкан масъулиятни чуқур англаб, «Камолот» ижтимоий ҳаракатини шу асосда ташкил этасиз, деб ишонаман. Ана шу олижаноб мақсад йўлида сизларга ғайрат-шижоат тилайман»[1].

ҲҚБНТ фаоллари ва чет эллик экспертлар ўртасида ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотнинг мақоми, унинг тузилишини ким молиявий таъминлаганлигига қандай боғлиқ бўлиши хусусида баҳслар юритиляпти. ҲҚБНТнинг аввало фуқаровий ва мустақил ташкилот сифатидаги фаолияти хусусияти белгиловчи ўрин тутади деган фикр кўпроқ тарқалган. Ўзбекистонда кам сонли ва фаолияти кўлами чегараланган ҲҚБНТлар ўзининг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлашувида энг кўп қийинчиликларга дуч келмоқда. Улар маҳаллий адлия органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим.

Қисман ҳукуматга қарашли ҳолда (давлатнинг ташкилий ва моддий-молиявий қўллаб-қувватлашида) тузилган бир қатор жамғармалар, марказлар ва жамиятларнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларга айланишини тенденция сифатида эътироф этиш мумкин. Бу Ўзбекистонда ҲҚБНТ ҳаракатининг шаклланишига хос хусусиятдир. Шу билан бирга, «ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар» таърифининг ўзига аҳолининг анъанавий кайфиятидаги ёки ҲҚБНТнинг давлатга нисбатан шериклик роли тўғрисида яхши хабардор бўлмаган қисми ишончсизлик билан қарайди.

Бундай ташкилотлар ҳақида амалдаги қонун ҳужжатларида ҳатто эслатиб ўтилмаганлиги уларнинг тўлақонли ривожланишига муайян тўсиқ бўлмоқда. Бу етишмовчиликни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази ЕХҲТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда ҲҚБНТ бўйича миллий қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун халқаро тажрибани ўргандилар ва таклифлар тайёрладилар.

Унда қуйидагиларни қайд этиб қўйиш таклиф этилади, жумладан ҲҚБНТ:

---

[1] Ўзбекистон овози. 2001. 26 апрель.

— ўз устави Конституцияга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлган тақдирда, уни адлия органларида рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга;

— ўзининг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини амалга ошириш учун қонуний асосда ишлаб турган ҳар қандай ташкилот ва фуқаролардан ҳомийлик ёрдами олиши мумкин;

— мамлакат минтақаларида ўз филиаллари ёки бошқа таркибий бўлинмаларини тузади, бошқа ҲҚБНТнинг муассислари бўлиши мумкин;

— ижодий, хайрия, маданий-маърифий, ахборот, ижтимоий кўмаклашувга оид ва жамият учун фойдали бошқа фаолиятни амалга оширади;

— зарур бўлганда муҳтож фуқаролар ёки бошқа ҲҚБНТларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

— ўз устави доирасида халқаро фаолият билан шуғулланиши ва чет эл ҲҚБНТлари билан алоқа боғлаши мумкин;

— давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов кампанияларида ёки бошқа сиёсий фаолиятда иштирок этмайди;

— одамлар соғлиғи ва руҳиятига зарарли, Ўзбекистон Республикаси халқининг маънавий ва маданий қадриятларига путур етказишга қаратилган фаолият олиб бормайди.

4-§. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ВА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан белгиланади. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари, уларнинг мақсадлари, иш фаолиятининг шакллари, тузилиш тартиби кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ўзларининг давлат ва жамият ишларида қатнашиш ҳуқуқини жамоат бирлашмаларига уюшган ҳолда амалга оширадилар.

Жамоат бирлашмаларининг фаолияти жуда кенг со-

ҳаларни ўз ичига олади. Уларнинг ҳуқуқлари, ҳар бир жамоат бирлашмасининг низомида ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган бўлади.

Жамоат бирлашмаларининг низомлари давлат томонидан рўйхатга олинади. Низомларни рўйхатга олиш тартиби жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасида кўрсатилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро жамоат ташкилотларининг, республика вилоятлараро бирлашмаларининг низомлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинади.

Вилоят, туман, шаҳар, посёлка, қишлоқ худудида ёки икки ва ундан ортиқ туман, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг низомлари эса вилоят адлия бошқармаларида рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмалари, уларнинг низомлари рўйхатга олинган кундан бошлаб, ўз фаолиятларини амалга оширадилар ва юридик шахс деб тан олинадилар.

Жамоат бирлашмалари низомларида, дастурий ва бошқа ҳужжатларида белгиланган мақсадлар, вазифаларни амалга ошириш учун, ўз мақсадлари ва фоалияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатадилар, қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда эса:

— давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини шакллантиришда қатнашадилар;

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этадилар;

— давлат ва жамоат идораларида эса ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритадилар ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар;

— Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, жамоат бирлашмаларининг дастурлари ва низомларида кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда жамоат бирлашмаларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларни жалб қилиб, улар иштирокида давлатни ва жамиятни ривожлантиришга ҳисса қўшишлари учун тўлиқ имкониятлар яратилган.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунда уларни тузиш ва фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳам кўрсатилган. Жамоат бирлашмаси камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади. Жамоат бирлашмаси-

ни тузиш ташаббускорлари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишини ўтказади, унинг низом (ўзга асосий ҳужжат) қабул қилинади ва раҳбар органлари тузилади. Қонунга мувофиқ, нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам жамоат бирлашмаларига аъзо этиб қабул қилинадилар. Республика сиёсий партияларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эса фақат 18 ёшга тўлган фуқаролар эгадирлар.

Партиялар ўз аъзоларининг сиёсий иродасини ифодалаб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини тузишда иштирок этишни, шунингдек, республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Кенгашларига сайланган ўз вакиллари орқали ҳокимият органларининг фаолиятида қатнашишни асосий вазифа қилиб қўядилар. Уларнинг дастурий ҳужжатлари бўлади ва бундай ҳужжатлар матбуот орқали омманинг эътиборига ҳавола қилинади. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўзи хоҳлаган сиёсий партияга аъзо бўлиб, ўша партия орқали ўз сиёсий иродасини ифода этиши мумкин. Бундай эркинлик, ўз навбатида, халқ сиёсий онгининг ўсишига, мамлакатда ҳар хил дунёқарашга эга, ўз Ватани истиқлоли ва ҳар томонлама ривожланишига бор куч-ғайратини сарфлайдиган инсонларнинг кўпайишига олиб келади. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ҳар хил йўллар билан ўз аъзолари ва бошқа фуқароларнинг давлат ишларида иштирок этишини таъминлашга ҳаракат қилади.

Сиёсий партиялар республика Олий Мажлиси, халқ депутатлари Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиши, сайловолди ташвиқот ишларини олиб бориши, республика Олий Мажлисида ва тегишли халқ депутатлари Кенгашларида ўз тарафдорлари бўлган депутатлар фракциялари, гуруҳларини тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сиёсий партияларнинг дастурини, уларнинг мақсадларини ўрганиб чиқиш имкониятига эгадирлар, ўз ихтиёрлари ва хоҳиш-иродаларини сиёсий партияларга аъзо бўлиш орқали ифодалайдилар. Сиёсий партияларга аъзолик фақат якка тартибда амалга оширилади. Бир партиянинг аъзоси айни вақтда иккинчи партияга аъзоликка қабул қилинмайди. Оммавий жамоат ҳаракатлари ҳам сиёсий ёки ўзга мақсадларни кўзлайдилар, лекин уларнинг рўйхатга олинган аъзолари бўлмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда хизмат қилувчи шахслар, ҳарбий хизматчилар ўз хизмат фаолиятида фақат қонун доирасида иш юритадилар, шунинг учун бу шахслар сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатларининг аъзолари бўла олмайдилар.

Жамоат бирлашмалари қонунларда белгилаб қўйиладиган тартибда ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти билан шуғулланадилар ҳамда фақат ўз низомидаги вазифаларни бажариш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни тузишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар фақат низомда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади. Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунга асосан, сиёсий мақсадларни кўзловчи сиёсий партиялар ва оммавий жамоат ҳаракатларининг диний ташкилотлардан, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан молиявий ва ўзга ёрдам олиши ман этилади, улардан тушган маблағлар эса давлат фойдасига ўтказилади.

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасига асосан, ўз фаолиятларини молиявий манбалари ҳақида Республика Олий Мажлисига ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

Жамоат бирлашмаларининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади. Жамоат бирлашмалари оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари ҳамда амалдаги матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларга мувофиқ ноширлик фаолияти билан ҳам шуғулланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, республика Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари бутун республика ҳудудида фаолият кўрсатадиган барча жамоат бирлашмалари учун уларнинг низомларида, бошқа ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат ёшлар, болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларидан, спорт иншоотларидан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Конституцияга асосан, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Фуқаролик ва жиноят кодексларида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи қоидалар мустаҳкамланган. Давлат органлари ва мансабдор шахслар учун бу қоидалар мажбурийдир. Қонунга асосан, сиёсий партиялар, ташкилотлар, бошқа жамоат бирлашмалари фаолияти асосан улар аъзоларининг (қатнашувчиларининг) ишдан бўш вақтида ва мазкур бирлашмалар маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Жамоат бирлашмалари манфаатларига дахлдор масалалар қонунларда кўзда тутилган ҳолларда тегишли жамоат бирлашмалари иштирокида ёки улар билан келишилган ҳолда давлат органлари ва хўжалик ташкилотлари томонидан ҳал қилинади.

Давлат молия органлари жамоат бирлашмаларининг маблағ билан таъминланишини ва улар дромадларининг манбаларини солиқлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ назорат қилиб боради. Прокуратура органлари эса жамоат бирлашмалари республика қонунлари ва республика Президенти фармонларини қай даражада тўғри бажараётганлигини назорат қилиш ҳуқуқига эга.

Жамоат бирлашмаларининг низомини рўйхатга олган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари жамоат бирлашмалари фаолиятининг мақсадларига тааллуқли низом қоидаларига риоя этилишини назорат қиладилар. Жамоат бирлашмаси, уни рўйхатга олган Адлия вазирлиги органларига уларни қизиқтирган масалалар бўйича ҳисобот бериб туради. Рўйхатга олувчи адлия органлари жамоат бирлашмасининг раҳбар органидан қабул қилинган қарорларни тақдим этишни талаб қилишга, жамоат бирлашмалари ўтказадиган тадбирларда қатнашиш учун ўз вакилларини юборишга, жамоат бирлашмасининг

низомига риоя қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан унинг аъзолари ва бошқа фуқаролардан тушунтириш хати олишлари мумкин. Бу ҳар қандай бирлашма фаолиятининг ошкоралик билан амалга оширилишини таъминлайди.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузиш амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, моддий ёки ўзга жавобгарликка сабаб бўлади. Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузганлик учун айбдор бўлган давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар жавобгарликка тортиладилар. Шу билан бирга жамоат бирлашмаси шу жумладан, ўз низомини рўйхатдан ўтказмаган жамоат бирлашмалари ҳам жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузсалар, жавобгар бўладилар.

Агар жамоат бирлашмаси ўз низомида белгилаб қўйилган мақсадлар ва вазифалар доирасидан четга чиқадиган ёки қонунни бузадиган хатти-ҳаракатларни содир этса, шу жамоат бирлашмасининг раҳбар органи жамоат бирлашмаси низомини рўйхатга олган адлия органи ёки прокурор томонидан ёзма равишда огоҳлантирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 62-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

Маҳаллий жамоат бирлашмаларига нисбатан бундай ҳаракат тегишли вилоят, Тошкент шаҳар, туман судлари томонидан амалга оширилади. Халқаро жамоат бирлашмалари, давлатлараро жамоат бирлашмаларининг бўлимлари, вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг фаолияти эса республика Бош прокурори, Ўзбекистон Адлия вазирлиги тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Олий суди қарори билан тўхтатилиши мумкин. Бундай вақтда Олий суд қарори устидан шикоят қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлганидан сўнг кўппартиявийлик ҳолати вужудга келди. Ҳозир Ўзбекистонда бир неча сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар пайдо бўлди ва жамият ишида фаол иштирок этмоқда. Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Фидокорлар» партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Халқ бирлиги» ҳаракати «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати, шулар жумласидандир.

1996 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Бу қонуннинг 1-моддасида сиёсий партияга қуйидагича таъриф берилган: «Сиёсий партия қарашлар, қизиқишлар ва мақсадларнинг муштараклиги асосида тузилган, жамият муайян қисмининг давлат ҳокимиятини шакллантиришдан иборат сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кўнгилли бирлашмасидир».

Сиёсий партиялар тўғрисидаги ушбу қонунда, сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари, улар фаолиятининг кафолатлари, уларни тузиш тартиби, низоми, рўйхатга олиш, фаолиятини тўхтатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқлари, вакиллик органларидаги партия фракциялари, гуруҳларининг мақсади, вазифалари тўлиқ кўрсатиб берилган.

Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат жамоат бирлашмаларига катта масъулият юклайди. Бундай масъулиятнинг асосий негизи ҳар қандай жамоат бирлашмаси олдига қўйилган ягона мақсадни, яъни бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳимояланган бўлиши, уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришда онгли равишда ва фаол иштирок этишини таъминлашдан иборат. Жамоат бирлашмалари республикада амалга оширилаётган ислоҳотларни ўз аъзолари иштирокида таҳлил қилишлари ва уларга нисбатан ўзларининг фикрларини билдиришлари, ислоҳотлар натижасида ўз олдиларида турган вазифаларни аниқлаб олишлари ва барча аъзоларни уларни бажаришга жалб этишлари лозим. Бу, ўз навбатида, жамиятдаги барча кучларни ягона мақсад — Ўзбекистоннинг юксак ривожланиши, ҳар бир фуқаронинг тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечириши йўлида бирлаштиради.

5-§. ОИЛА, МАКТАБ ВА ЖАМИЯТ

Фуқаролик жамияти ўзлигини намоён этишда, муайян мақсад ва эҳтиёжларига эришишда оила ва мактаб каби ноёб ташкилий тузилмалар, ижтимоий муассасалар кўмагидан фойдаланади. Оила ҳам, мактаб ҳам

(мактаб ибораси — жамиятдаги барча таълим масканларининг мажмуини ифодаловчи тушунча сифатида ишлатилмоқда) фуқаролик жамиятининг узвий таркибий қисми бўлиб, муайян ижтимоий вазифани ўтайди.

Оила жамиятнинг бирламчи, асосий бўғинидир. Оила инсонларнинг турмуш кечириш ва ҳаёт давомийлигини таъминлаш тарзидир. Унинг жамиятдаги юксак нуфузи, эътибори ва аҳамияти боис Конституциямизда алоҳида модда оилага бағишланган. «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» (63-модданинг 1-қисми).

Ўзбекистонда 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилинганлиги ва «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури» қабул қилинганлиги, унинг ҳаётга тўла татбиқ этилганлиги бевосита рамзий маъно касб этади. Мамлакат Президенти И. А. Каримов оила ҳақида гапириб, шуни таъкидлаган эди: «...авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва хамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган»[1].

Оила фуқаролик жамиятининг таянч тузилмаларидан бири десак муболаға бўлмайди. Зеро, бу муқаддас масканда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбияланади, шаклланади ҳамда камол топади. Унинг шахс ўзлигини намоён этишида аҳамияти бениҳоя каттадир. Ҳозир республикамизда 3,5 миллиондан зиёд оила мавжуд. Ҳар йили 230—235 минг атрофида ёш (янги) оила вужудга келиб, ўртача 700 мингдан зиёд бола туғилади. Юртимиздаги оила-

---

[1] 1998 йил — оила йили — 1998 год — год семьи. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 9—10-бет.

ларнинг 35 фоиздан ортиғини ёш оилалар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик ва болалик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш борасида эътиборга молик чора-тадбирлар кўриб келинмоқда. Юқорида зикр этилган «Оила манфаатлари» давлат дастурини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 144 миллиард 339 миллион сўм, 1,5 миллион немис маркаси, 160 миллион АҚШ доллари сарфланган. 1998 йил мобайнида 7400 минг кавдрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди, натижада минглаб оилаларнинг яшаш шарт-шароитлари яхшиланди. 2000 йилдаги вазиятга кўра болалар боғчалари сони таълим ва 7800 тадан ошиқ бўлиб, уларда 684200 дан зиёд бола тарбия олмоқда.

Кам таъминланган оилаларга давлат кўмагини кўрсатиш йил сайин ошиб бормоқда. Масалан 1999 йилда болали оилаларнинг 40 фоизидан зиёди нафақа олди. Нафақаларнинг ҳар бир оилага берилган ўртача миқдори қарийб 1500 сўмни ташкил этди. Ҳозирги вақтда, 145,8 мингдан ортиқ аёллар давлат ижтимоий ёрдам тизими орқали нафақа оладилар. Улар ижтимоий нафақа олувчиларнинг 60 фоизини ташкил этадилар.

Оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бюджетига мадад бобида қуйидаги тадбир ҳам ибратлидир. Сўнгги йилларда биринчи синф ўқувчиларига ўқув қуроллари ва кам таъминланган оилаларга кийим-кечакларнинг бепул берилиши жорий этилди. 1998—1999 ўқув йилида бу тоифа ўқувчиларга 767 миллион сўмлик 630 мингдан кўпроқ ўқув қуроллари жамланмаси бепул тарқатилди. Шунингдек, улар учун 1072 миллион сўмлик қишки кийим-кечаклар кам таъминланган оилаларнинг фарзанди бўлган 373 мингдан ортиқ болага ҳадя қилинди.

Оиланинг жамиятдаги ролини таъминлашда, унинг ҳуқуқий муҳофазаси ва ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашда «Оила кодекси»нинг роли бениҳоя каттадир. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси жаҳон ҳамжамиятида умумий эътироф этилган ҳуқуқий нормаларга тўла мос равишда тузилгани ҳолда, **«оила — жамиятнинг таянч тузилмасидир»** деган фикрга асосланган.

Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифаси оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўз-

аро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қурилдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат (Кодекснинг 1-моддаси). Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳ иттифоқини тузиши, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий тенг ҳуқуқлигига асосланади.

Оилавий муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари фақат қонунга асосан ва фақат оиладаги бошқа аъзоларнинг ҳамда ўзга фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, қадр-қиммати, соғлиғи, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур бўлган меъёрда чекланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир.

Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовордир.

Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёлларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади (Кодекснинг 4-моддаси).

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида оиланинг тутган ўрни хусусиятлари орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, ҳуқуқий механизмлар, масалан, ижтимоий ёрдам, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, жамоат тартибини таъминлашнинг самарали ишлаши оиланинг қўллаб-қувватлашига муҳтож. Негаки у давлат фаолиятини инсонийлаштиришга қаратилган кўпгина жамоат талаб-эҳтиёжларини ва манфаатларини келтириб чиқаради;

иккинчидан, мамлакатни ислоҳ қилиш ва давлат фаолиятининг энг муҳим муаммоларини оилада норасмий баҳолаш, оилавий бирдамлик, шунингдек, ахборот билан (электрон ахборот воситалари кенг тарқалиши эвазига) таъминлаш даражасининг ўсиши, бир томондан, жамоатчилик фикрини ва айниқса ёшлар ахлоқини барқарорлаштиради; иккинчи томондан, ис-

лоҳотларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий механизмларини самаралироқ йўлга қўйиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўз бошқаруви етакчилари ва депутатлар, жамоатчилик фикри орқали давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таъсир кўрсатади;

учинчидан, давлат янги шароитларга ижтимоий-иқтисодий ва руҳий мослашишга қаратилган қонунлар, давлат бошлиғининг фармонлари, ҳукумат қарорлари орқали оилаларнинг ҳаётий муҳим манфаатларига бевосита боғлиқ ҳолда иш олиб бориши ижтимоий кескинлик нисбатан паст бўлишини ва ижтимоий портлашларнинг олдини олишни таъминлайди.

Фуқаролик жамиятнинг интеллектуал, ақлий салоҳиятини таъминлаш ва муттасил юксалтириб боришда мактабнинг аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон Республика Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга, деб таъкидланган. Билим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир. 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги Миллий дастур» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ мамлакатда кўп босқичли узлуксиз таълим тизими вужудга келтирилган. Мамлакатда таълим ва тарбия инсонпарвар ва демократик характерга эга.

Ҳар бир шахсга жинси, тили, ёши, ирқий ҳамда миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади (*Қонуннинг 4-моддаси*).

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат, нодавлат таълим муассасалари;

2) таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

3) таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек, уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

1) мактабгача таълим;
2) умумий ўрта таълим;
3) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
4) олий таълим;
5) олий ўқув юртидан кейинги таълим;
6) кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
7) мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади;

1) бошланғич таълим (I—IV синфлар);
2) умумий ўрта таълим (I—IX синфлар).

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба, кўникмаларни ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари эгалланган касб-ҳунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-ҳунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг касб-ҳунарга

мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-ҳунар ўқув юртидир.

Мамлакат таълим тизими ислоҳотлари силсиласида олий таълим алоҳида ўрин тутади. Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалавриат ва магистратурага эга.

Бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислар бўйича бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон таълим тизимининг мазмуни ва салоҳияти, таълимнинг савияси ҳамда мактаб ишларининг даражаси бўйича дунёдаги етакчи давлатлар қаторига чиқиб олди. Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатда таълим тизими тубдан ислоҳ этилди, кадрлар тайёрлашнинг давлат тизими сақлаб қолиниб, у янада такомиллаштирилди ва шу орқали аҳолининг барча қатламлари учун моддий аҳволи, яшаш жойи, миллатидан қатъи назар таълим олишнинг исталган босқичларига кенг йўл очилди.

Таълим соҳасидаги асосий тамойиллар қуйидагилардан иборат:

1) саводхонлик даражаси ва таълим савияси бўйича юқори кўрсаткичларнинг сақлаб қолинганлиги. 1997—2000 йилларда саводхонлик даражаси 98,0—99,5 % ни ташкил этди;

2) янги тўққиз йиллик мактаб таълими принципининг сақлаб қолинганлиги; ўрта мактабларда олти тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, қирғиз тилларида дарс ўтилади;

3) мактабни битиргандан сўнг олий ва ўрта махсус

ўқув юртларида таълим олувчилар сонининг орттанлиги. Масалан, 1996—1997 ўқув йили учун 28,6 минг битирувчи ўқишга қабул қилинган, кейинги ўқув йилида 35,8 минг йигит-қиз талаба бўлди.

2000—2001 ўқув йилида 46,5 минг киши олий ўқув юртлари талабаси бўлиш шарафига эришди, шундан 23 минг нафари давлат маблағлари ҳисобидан ўқийдиган бўлди. Ўзбекистондаги олий ўқув юртларининг сони 62 та бўлиб, уларда 187 мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Уларга 20 мингдан зиёд профессор-ўқитувчилар илм бермоқда.

Ўрта махсус ўқув юртлари талабалари сони ҳам ошиб бормоқда. 1996—1997 ўқув йилида 72,062 минг бола ўқишга кирган бўлса, 1997—1998 ўқув йилида бу кўрсаткич 91,766 минг нафарга етди. 2000—2001 ўқув йилида таълимнинг бу турида таҳсил олувчилар сони 110 мингдан ошиб кетди.

Юртимиз янги XXI асрга мактаб билан бирга академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларнинг кенг тизимини вужудга келтирган ҳолда кирди. Ўзбекистонда бугунги кунда 9645 та ўрта мактаб бўлиб, уларда 5 миллион 654 минг 400 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Мактабда 447,5 минг ўқитувчи ёшларга устозлик қилмоқда. Фақат 1998—2000 йиллар мобайнида 30 та академик лицей ва 120 та касб-ҳунар коллежлари вужудга келтирилди.

Таълим муассасалари, мактабларнинг жамият ижтимоий ҳаёти ва ривожидаги аҳамияти бениҳоя каттадир. Аҳолининг саводхонлиги ва билим савияси қанчалик юқори бўлса жамият равнақи шунчалик жадаллашади, ижтимоий турмуш муаммоларининг оқилона ҳал этилиши имкониятлари шунчалик ортиб боради. Ёш авлоднинг мустаҳкам ва чуқур билимли бўлиши жамият маданий ва демократик тараққиётининг гаровидир.

6-§. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, оммавий ахборот воситалари, журналистлар давлат ҳокимияти идоралари билан халқ оммаси ўртасида алоқа боғловчи асосий бўғин сифатида майдонга чиқади. Жамият аъзоларининг кундалик ижтимоий-сиёсий, давлат-ҳуқуқий ҳаёт воқеликларидан тезкор, мунтазам ҳамда рўйи рост хабардор қилиб туриш уларнинг устувор вазифасидир.

Ўзбекистон иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошириш орқали демократик фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий давлатчилик сари бормоқда. Ислоҳотлар орқали фуқаролик жамияти таркибий тузилмалари шаклланаётган ҳозирги шароитда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини белгилаш алоҳида долзарб масаладир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида: **«Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда... — оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилади»**[1], — деб таъкидлади.

Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида баён этилган: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди».

Мазкур қоиданинг Асосий қонун даражасида мустаҳкамланганлиги, **биринчидан,** фуқароларнинг ўз фикрларини эркин тарзда матбуотда, радио-телевидение орқали ёзма ёки оғзаки чиқишларда ифодалаш ҳуқуқини кафолатласа, **иккинчидан**, оммавий ахборот воситаларига берилган беназир аҳамият юксак эътибордир. Ушбу конституциявий битикда учта муҳим принцип: оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, улар фаолиятида қонун устуворлиги ҳамда цензура қилишга йўл қўймаслик ўз ифодасини топган. Айни вақтда ахборотнинг ҳаққонийлиги учун масъулият юкланиб, юридик жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган. Бундан кўзланган мақсад оммавий ахборот воситалари томонидан эҳтиросга берилиш оқибатида ножўя ахборот тарқатилишининг олдини олиш, уларга чек қўйишдир.

Белгиланган конституциявий мезон асосида барча зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш орқали оммавий ахборот воситаларини фуқаролик жамиятининг мустақил ва самарали институтига айлантириш лозим.

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997. 176-бет.

Албатта, бунинг учун, аввало, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг мазмун-моҳиятини тубдан янгилаш зарур бўлади. Табиийки, республикамиздаги янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар оммавий ахборот воситалари олдига мутлақо янги, шу пайттача нотаниш бўлган вазифаларни қўймоқда. «Бугунги кунда, — деб таъкидлайди И. А. Каримов, — Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги борган сари аён бўлмоқда. Чунки ҳозирги чуқур ўзгаришлар, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини демократиялаш сурьатлари қаршисида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талабга жавоб бермаяпти»[1].

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ислоҳ қилиш, уларнинг самарали ишлашига кўмак берувчи механизмларни тартибга солувчи қонунчилик базасини яратиш борасида муайян ишлар қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1996 йил 30 августда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги ва «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунларни қабул қилди[2].

Бу йўналишдаги қонун ижодкорлик ишлари давом эттирилиб, тез орада, яъни Олий Мажлиснинг 1997 йил 24 апрелда бўлиб ўтган VIII сессиясида «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ҳамда «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар тасдиқланди[3]. 1997 йил 25 декабрда эса Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди[4].

Шубҳасиз, яратилган қонунлар давлат ҳамда нодавлат шаклдаги, телевидение каналлари ишини ташкил қилиш, шунингдек, журналистларнинг профессионал жиҳатдан камол топишига кенг кўламда ёрдам бериш, матбуот ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашда, жамиятда демократик муҳитни қарор топтиришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакатимизда ноширлик фаолиятининг эркинлиги қонун билан кафолатланган. Ноширлар ўз фаолиятларида, шу жумладан ноширлик йўналишларини,

---

[1] Ўша манба. 176—177-бетлар.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996. № 9. 135-модда.

[3] Ўша манба. 1997. № 4—5. 108 ва 110-моддалари.

[4] Ўша манба. 1998. № 1. 11-модда.

мавзуларини, ихтисослашувини, чиқариладиган маҳсулот нусхасини белгилашда, муаллифни танлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонун ҳужжатлари доирасида мустақилдир.

Мустақиллик, эркинлик заруриятни ҳамда масъулиятни ҳис этиш билан боғликдир. Матбаа маҳсулотида мавжуд конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, давлат аҳамиятига молик сирларни ошкор қилиш, уруш, зўравонлик, беҳаёликни тарғиб қилиш, аҳоли орасига диний ва миллий нифоқ солиш, инсон ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини камситиш, туҳмат қилиш ман этилади. Шунингдек, ноширлик фаолиятида монополияга ҳамда ноширлик фаолияти эркинлигидан қонун талабларига зид мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг сўз, матбуот ва ижод эркинлигини таъминлашда муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза остига олинганлиги муҳимдир. Муаллифлик ҳуқуқи интеллектуал мулк билан боғлиқ бўлган, унга соҳиблик мазмунидан келиб чиқадиган ҳуқуқдир. Қонунга мувофиқ, адабий, драматик (сценарий), мусиқа, мусиқий-драматик, хореография, аудиовизуал (кино, теле ва видеофильмлар), теле-радиоасарлар, шунингдек, тасвирий санъат, архитектура, фотография ва бошқа асарлар муаллифлик ҳуқуқининг объектлари саналади. Асарлар ёзма, оғзаки шаклда ва уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланиши мумкин. «Муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига биноан, асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади. Икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади»[1].

Муаллифлик ҳуқуқини бузганлик, асардан ноқонуний фойдаланганлик учун юридик жавобгарлик қўлланилади. Муаллифлик ҳуқуқининг эгаси билан шартнома тузмаган ҳолда асардан фойдаланилган тақдирда қоидабузар ҳуқуқ эгасига етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаши шарт. Ҳуқуқ эгаси қоидабузардан ўзи кўрган зарар ўрнига унинг қоидабузарлиги оқибатида олган даромадларини ундириб олишга ҳақли (Қонуннинг 46-моддаси). Их-

[1] Ўша манба. 1996. № 9. 134-модда.

тиёрий келишувга эришилмаган тақдирда низоли вазият суд орқали ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликларни рўёбга чиқаришда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади. Бизда ҳар кимнинг оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, улар Конституцияга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади. Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Таҳлил этилаётган қонунларнинг деярли барчасида цензурага йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасида **оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди.** Эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Цензура, оддий қилиб айтганда, бу муайян ахборот берилишига (нашр қилинишига) тўсқинлик қилиш, унга нисбатан таъқиб ва чеклов ўрнатишдир. Сўз эркинлиги, фикр билдириш эркинлигини ҳар қандай чеклаш демократияга хилофдир. Ва аксинча, цензуранинг олиб ташланганлиги журналистлар, оммавий ахборот воситалари орқали истаган хабар, маълумот ва материални эълон қилаверади деган гап эмас, албатта. Масалан, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш ҳуқуқига эга.

Оммавий ахборот воситалари «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги қонун[1] билан тақиқланган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида тасдиқланган

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1993. № 5. 232-модда.

давлат сирлари ҳисобланган объектлар рўйхатидан ташқари масалалар хусусида эркин тарзда хабарлар эълон қилиши мумкин. Қонунга биноан, давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари ҳисобланади (1-модда).

Ўзбекистон Республикасида Давлат матбуот қўмитасининг алоҳида бошқармаси давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан давлат сири ҳисобланган маълумотларнинг оммавий нашр ва ахборотларда эълон қилиниб кетмаслиги устидан назорат олиб боради. Бу қонун доирасидаги фаолият бўлиб, оммавий ахборот воситаларини ялпи цензура қилиш деган маънони англатмайди.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларидан мавжуд конституциявий тузумни, республика худудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, давлат сирини ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Қонунда яна бир муҳим жиҳат борки, у ҳам бўлса, журналист ёки оммавий ахборот воситаси прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз дастлабки тергов материалларини эълон қилиши, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг ҳал қилув қарори ёхуд ҳукми қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиши ёки судга ўзгача йўл билан таъсир кўрсатиши тақиқланади.

Мазкур тақиқ фуқароларнинг айбсизлик презумпцияси принципи бузилмаслиги учун белгиланган дир. Зеро, жиноят содир этганликда (гумон қилинаётган) айбланаётган ҳеч бир шахснинг иши судда кўрилиб, унинг айби исботланмагунича у айбдор ҳисобланмайди. Шу боис суд қарори ёки ҳукми чиқмагунча журналистлар ва оммавий ахборот воситалари иш бўйича олдиндан хулоса чиқаришлари, шахснинг хатти-ҳаракатига баҳо беришлари жоиз эмас. Акс ҳолда, шахснинг шаъни ва обрўси асоссиз завол топиб қолиши мумкин.

Шахснинг шаънини асоссиз беқадр қилишнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида қуйидаги модда мустаҳкамланган: «Суриштирув ва дастлабки тергов материалларини суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилиш — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик

бараварига ча миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари эгадир. Оммавий ахборот воситалари белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг таҳририятига тегишли гувоҳнома берилгандан сўнг фаолият бошлаши мумкин. Қонунга биноан, рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза Давлат матбуот қўмитасига топширилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши шарт. Ахборот воситасини (газета, журнал) чиқаришга киришиш ҳуқуқи гувоҳнома олинган кундан бошлаб уч ой давомида сақлаб турилади. Белгиланган муддат ичида оммавий ахборот воситасининг бирорта ҳам сони (дастури) эълон қилинмаган тақдирда гувоҳнома ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун талабларини бузишда айбдор деб топилган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Муҳаррир ёки журналист оммавий ахборот воситасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган материалларни тарқаттанлик учун, агар маълумотлар: расмий хабарлардан олинган бўлса; ахборот агентликлари ёки давлат органларининг матбуот хизмати орқали олинган бўлса ёхуд муаллифнинг олдиндан ёзиб олинмай, тўғридан-тўғри эфирга берилаётган нутқларида айтилган бўлса, жавобгар бўлмайди.

Демократик жамиятда ахборот воситалари «тўртинчи ҳокимият» дет таъриф қилинади. Бу «ҳокимият»ни рўёбга чиқаришда журналист, унинг касб маҳорати, умумий савияси ва маданияти катта рол ўйнайди. Журналистлик фаолиятининг давлат даражасида муҳофазаланиши, журналистнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан тартибга солиниши «тўртинчи ҳокимият» учун мустаҳкам ҳуқуқий заминдир.

Журналист ўз касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида, қонунга кўра, қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— ахборот тўплаш, уни таҳлил этиш ва тарқатиш;

— ахборот олиш учун давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларга мурожаат этиш;

— давлат сирини ташкил этувчи ҳужжат ва маълумотлардан ташқари материал, ахборот ва ҳужжатлардан фойдалана олиш;

— журналист текшируви ўтказиш;

— журналист фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахслар қабулида бўлиш;

— суднинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирлардан ҳозир бўлиш;

— ахборот манбаи ёки муаллифнинг номи сир сақланишини талаб қилиш;

— тақдим этган хабарининг мазмунини бузиб эълон қилиниши оқибатида ўзига етказилган маънавий зарар ва моддий зиён қопланишини суд орқали талаб қилиш ва ҳоказо.

Журналист хизмат фаолияти доирасида дахлсиздир. Уни танқидий материал эълон қилганлиги учун таъқиб қилишга йўл қўйилмайди.

Айни чоғда **журналист зиммасига қуйидаги масъулият ва мажбуриятлар юкланади:**

Конституция ва қонунлар талаблари доирасда фаолият юритиш;

ҳаққоний ва холис ахборот тақдим этиш;

айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиш;

шахснинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва ҳоказо.

Журналист ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз инсоннинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек, аудио ва видео ёзув воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас.

Журналист текшируви институтининг жорий этилганлиги қонунчилигимизнинг инқилобий янгиликларидан биридир. Таҳририят ходими, журналист мурожаатлардан ёки бошқа манбаларидан ўзига маълум бўлган (ёхуд ўзи гувоҳ бўлган) муайян воқеа, ҳолат юзасидан журналистлик текшируви ўтказишга ҳақли («Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддаси). Журналист ўз текширувининг натижаларини оммавий ахборот тарқатишга, уларни давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий тақдим этиши мумкин. Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

Журналистнинг юқорида баён этилган ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади. Давлат журналистнинг ахборотни эркин

олиши ва тарқатишини кафолатлайди, ўз касбига доир фаолиятни амалга оширишида унинг ҳимоя этилишини таъминлайди.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари цензура қилганлик, журналистнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, унинг сўров ва ахборот олиш ҳуқуқини бузганлик, журналистга тазйиқ ўтказганлик ва фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликка тортиладилар. Журналистнинг материаллари ва техника воситаларини ғайриқонуний равишда олиб қўйиш мумкин эмас. Журналист шаъни ва қадр-қимматини ҳақорат қилиш, унинг ҳаёти, соғлиғи ва молмулкига таҳдид, зўравонлик ёки тажовуз қилиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан журналистлар бугунги кунда ҳали нуфузли «тўртинчи ҳокимият»ни тўлиқ намоён этиш даражасига кўтарила олгани йўқ. Улар ҳали халқнинг тафаккури, ижтимоий онги ва ҳаётий ташвишлари ифодачисига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳимоячисига тўла айлана олганлари йўқ. Хўш, «тўртинчи ҳокимият» жамиятимизда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши, самарали ишлаши учун нима қилиш керак? «Тўртинчи ҳокимият» фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Тўғри, балки уни янада такомиллаштириб бориш керакдир. Аммо масала мавжуд қонунларни ҳаётга собитқадамлик билан жорий этишдадир.

Оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучи ва мавқеини юксалтиришда журналистларнинг ҳуқуқий маданияти, шунингдек матбуот, радио ва телевидениеда бериладиган ахборотнинг маданий савияси алоҳида аҳамият касб этади. Матбуот саҳифаларида баҳс-мунозара юритиш маданиятини юқори даражага олиб чиқиш борасида ҳали кўп меҳнат талаб қилинади. Журналист жамиятда амалга ошаётган демократик ўзгаришларни пухта таҳлил этмоғи, халал бераётган иллатларни ҳолис, вазмин ва зукколик билан халқнинг маданиятига мос равишда моҳирона фош этиб бориши лозим.

Бугунги журналист нафақат ўзи олижаноб сифатлар, юксак маданият соҳиби, балки халқнинг ҳуқуқий ва умумий маданиятини шакллантириш жонкуяри, янгилик жарчиси ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси бўлмоғи лозим.

Олтинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ВА МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

XIX б о б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

*** ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИНИНГ ШАКЛИ**
*** ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ ШАКЛЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ШАКЛИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН — УНИТАР ДАВЛАТ**
*** ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ**

1-§. ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИНИНГ ШАКЛИ

Давлат тузилиши шакли нима? Ҳуқуқшунос олимлар томонидан мазкур тушунчага турли таърифлар берилган. Бу таърифлар бир-биридан катта фарқ қилмайди.

Давлат тузилиши давлат шаклининг муҳим бир туридир. Давлат тузилиши шу давлат олдида турган вазифалар ва мақсадлар билан белгиланади. Давлат тузилишига уч нарса:

биринчидан, муайян даврда жамият ва давлат олдида турган иқтисодий вазифалар ва сиёсий мақсадлар;

иккинчидан, давлатдаги миллатларнинг сони ва ўзаро муносабатлари;

учинчидан, давлат ҳудудининг катта ёки кичиклиги таъсир этади.

Давлат тузилиши — давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, унинг бўлаклари, маркази, органлар, бу органларнинг жойлардаги маҳаллий органлар билан ўзаро алоқаларининг хусусиятларидан иборат.

Миллий-давлат тузилиши — давлатнинг тузилиши, унинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, давлат билан унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, давлат ва унинг таркибий қисмларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ваколатларидан иборат.

Ҳар қандай давлат муайян чекланган ҳудудда жойлашади. Ўз ҳудудини қўриқлаш учун чегаралар ўрнатади. Шу ҳудудда унинг фуқаролари истиқомат қиладилар. Давлат ўз функцияларини бажариш учун турли-туман фаолиятни амалга оширади. Бироқ давлат ўз фаолиятини бир марказдан туриб амалга ошириши аҳоли кўп ва ҳудуд катта бўлганда жуда қийин.

Фуқаролар сонининг ортиб бориши ва ер майдонининг кенгайиши натижасида давлат ўз ҳудудини муайян ҳудудий қисмларга бўлади. Улар округлар, вилоятлар, ўлкалар, штатлар, кантонлар, губерниялар, уездлар ва ҳоказолар деб номланиши мумкин. Шу ҳудудларда маҳаллий-ҳудудий ҳокимият идоралари ташкил этилади. Натижада давлат ҳокимияти ва бошқарувининг марказий ва маҳаллий идоралари ўртасида ваколатларни тақсимлаш эҳтиёжи туғилади. Бу давлат тузилиши зарурлигини келтириб чиқарадиган **биринчи сабабдир.**

Иккинчи сабаб у ёки бу давлат аҳолисининг кўп миллатлилигидир. Ҳар бир халқ, миллат ўз анъаналарига, давлатчилик тарихий тажрибасига, маданий, тил ва бошқа маънавий эҳтиёжларга эга. Шу каби омилларни ҳам давлат тузилишида назарда тутиш лозим бўлади.

Учинчи сабаб субъектив ва ҳатто, тасодифий омилларга боғликдир. Бундай омиллар мустамлакачилик таъсири, сиёсий манфаатлар ва кўпинча бошқа ҳолатлардан иборат бўлиши мумкин.

Давлатнинг ҳудудий тузилиши ҳам бошқарув шаклига ўхшаш тарихан қадим замонларга бориб тақалади. Қадимги яккаҳокимлик салтанатлари провинцияларга, шаҳарларга, сатрапларга, забт этилган ҳудудларга бўлинган. Масалан, Францияда 26 туман, 100 департамент ва 36,5 минг коммуна мавжуд. АҚШ да энг қуйи маъмурий-ҳудудий бирлик «графлик» бўлиб (уларнинг сони 30 мингдан зиёд) 50 штатга бирлашган. Мазкур ҳудудий минтақалар ўзининг ҳокимият ва бошқарув идораларига эга бўлади. Албатта, давлат унинг оддийгина ҳудудий минтақалари йиғиндиси эмас, лекин бундай таркибсиз давлат ўз вазифаларини уддалай олмайди.

Давлат тузилиши ёки миллий-давлат тузилиши ҳозирги даврда қуйидаги:

биринчидан, давлатнинг олдида турган иқтисодий вазифалар нималардан иборат;

иккинчидан, бу давлат бир миллатли давлатми, бу давлатдаги миллатларнинг ҳуқуқий ҳолати қандай;

учинчидан, бу давлат яшаётган ҳар бир миллат ва элат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига ва улар ўзларининг миллий суверенитетига эгами,

тўртинчидан, давлат тузилиши бўйича маълум бир маъмурий ҳудудларга бўлинадими;

бешинчидан, давлатнинг ягона қонун чиқарувчи органи борми;

олтинчидан, давлатда ягона фуқаролик жорий қилинганми;

еттинчидан, давлат иттифоқ давлатми, унинг таркибига кирувчи давлатларнинг ҳуқуқий мақоми қандай деган саволларга жавоб бериши керак.

Давлат тузилиши **оддий (унитар) ва мураккаб (федератив, конфедератив)** бўлиши мумкин. Давлат тузилиши шакли бевосита расмий ҳокимият билангина эмас, балки давлатнинг яна бир муҳим хусусияти бўлмиш аҳолининг ҳудудий уюшиши билан ҳам боғликдир.

Давлат ўз ички тузилишига, унинг айрим қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга, марказий ва маҳаллий ҳокимият ўртасида бўлган муносабатларга, давлат ҳудуди айрим қисмларининг ҳуқуқий мавқеига кўра оддий (унитар) ва мураккаб (федератив, конфедератив) бўлиши мумкин.

Унитар давлат айрим давлатлардан иборат эмас, у яхлит бўлиб, маъмурий-ҳудудий қисмларга вилоятлар, губерниялар графиклар ва шу сингариларга) бўлинади, холос.

Федератив давлатлар ўзларининг қонун чиқарувчи органларига, ўз ҳукуматларига ва суд органларига эга бўлган бир неча давлатлардан таркиб топади. Масалан, АҚШда штатлар, ГФРда — ер федерациянинг таркибий қисми ҳисобланади.

Давлатнинг бир қадар сустроқ иттифоқи конференциядир. У муайян мақсадларга — мудофаа учун, умумий хўжалик муаммоларини ҳал қилиш ва ҳоказолар учун тузилади.

Шундай қилиб, **давлат тузилиши шакли деганда,**

давлат ҳокимиятининг маъмурий-ҳудудий уюшуви, давлат ва уни ташкил этган ҳудудларнинг, айрим қисмларнинг, марказий ва маҳаллий идоралар орасидаги муносабатларнинг табиати тушунилади.

2-§. ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ ШАКЛЛАРИ

Давлат тузилишининг икки шаклини кўрсатиш мумкин. Биринчи шакли — бу оддий — унитар давлат бўлса, иккинчиси — мураккаб — федератив ёки конфедератив шаклидир.

Унитар (французча «unitaire» — **«ягона»** дегани) давлат — оддий ва яхлит давлатдир. Унитар давлатларнинг аксарияти муайян маъмурий-ҳудудий бўлиниш (туманлар, вилоятлар, кантонлар ва ҳоказолар)га эга. Бироқ ушбу ҳудудий қисмлар давлат мустақиллиги аломатларига эга эмас. Бундай давлатда олий давлат идоралари ва қонунчиликнинг ягона тизими мавжуд бўлади.

Барча унитар давлатларга хос бўлган марказлаштириш турли шакллар ва даражалар намоён бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатларда умуман маҳаллий идоралар мавжуд бўлмай, маъмурий-ҳудудий ўлкалар марказий ҳокимият тайинлайдиган вакиллар томонидан бошқарилади. Бошқа давлатларда эса маҳаллий идоралар тузилиб, улар марказий ҳокимият олдида (бевосита ёки билвосита) ҳисобот берадилар.

Марказий ҳокимият маҳаллий идоралар устидан назоратнинг қай турини амалга оширишига қараб унитар давлатлар **марказлашган ва марказлашмаган** турларга бўлинади.

Баъзи унитар давлатларда бир ёки бир неча маъмурий-ҳудудий қисмларга, ўлкаларга имтиёзли ҳуқуқий мақом берилади. Бундай унитар давлат маъмурий автономияга эга бўлади. Қайд этилган давлат тузилиши шакли ҳудудий ўлкаларнинг махсус манфаатларига эътибор бериш зарур бўлган ҳолларда қўл келади. Мазкур автоном ўлкаларда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи аҳолининг бошқа қисмига қарағанда бир мунча кенг бўлади. Лекин уларнинг мустақиллиги марказий ҳокимият белгилаган доирадагина сақлаб қолинади.

Ҳозирги замонда аксарият кўпчилик давлатлар тузилиши бўйича унитар давлатлардир. Масалан, Ита-

лия, Франция, Англия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари унитар давлатлардир.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз давлат тузилиши бўйича унитар давлатдир.

Унитар давлатлар ҳудудида бошқа мустақил давлатлар бўлмайди. Унитар давлатлар ичидаги маъмурий-ҳудудий бўлинмалар фақат маҳаллий масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга, марказий ягона давлат ҳокимиятининг кучи давлатнинг бутун ҳудудига ўз таъсирини кўрсатади.

Шундай қилиб, **унитар давлат** — шу давлатнинг маъмурий-ҳудудий қисмлар (вилоятлар, туманлар, графликлар, губерниялар ва шу кабилар)га бўлиниб, ягона тизимдаги ҳокимият ва бошқарув органларига, Конституцияга, фуқароликка, муайян ҳудудга, давлат чегарасига ва ўз қонунчилигига эга бўлган давлатдир.

Энди давлат тузилишининг федератив шакли нима деган саволга жавоб берамиз.

Федератив давлат (лотинча «feodus» - «иттифоқ» дегани) — мураккаб давлат бўлиб, унинг субъектлари давлат мустақиллигига эга бўлади. Федерацияларнинг икки иттифоқ ва автономия (муҳторият) тури мавжуд.

Кишилик жамиятининг ривожланиши, илмий-техник тараққиёт, янги иқтисодий муаммолар ва бошқа омилларнинг пайдо бўлиши натижасида яқинлашув (интеграция) жараёнлари бошланади. Булар эса мураккаб давлатлар ва улар турлари бўлмиш федерациялар, конфедерациялар, ҳамдўстликлар кабиларнинг барпо этилишига олиб келади.

Иттифоқ федерациясининг ҳудуди ундаги субъектлар ҳудудлари мажмуидан иборат. Ҳар бир федерация ўз субъектларининг фуқаролари мажмуидан иборат. Ҳар бир федерация субъектларининг фуқаролари айни пайтда бутун мамлакатнинг ҳам фуқаролари ҳисобланадилар. Бундай давлат ягона федерал қуролли кучлар, молия, солиқ ва пул тизимларига эга бўлади. Федерал идоралар ягона ташқи сиёсатни амалга оширадилар. Федерация субъектлари ҳам ўзларининг қўшинларига эга бўлиши мумкин.

Федерал давлатда давлат ҳокимиятининг умумфедерал (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд) идоралари мавжуд бўлиб, уларнинг қарорлари федерация субъектлари учун унинг ваколати доирасида мажбурийдир. Олий федерал идоралар қаторида федерация

аъзоларининг, субъектларининг ҳам олий давлат идоралари мавжуд бўлади. Федерацияда давлат аппарати икки даражада бўлади: **биринчиси**, федерал (иттифоқ) давлат органлари; **иккинчиси,** штат, кантон, ўлка каби давлат органлари.

Давлатнинг федератив моҳияти олий даражада икки палаталик иттифоқ палатасини тузишда ифодаланади. Ушбу палаталарнинг бири (юқори палата) федерация субъектлари манфаатларини акс эттиради. Уни тузишда аҳоли сонидан қатъи назар тенг вакиллик принципидан фойдаланилади. Иккинчи (қуйи) палата эса давлатнинг барча аҳолиси манфаатларини ифодалаш мақсадида тузилади.

Федерациянинг ўзига хос белгиларидан бири икки фуқаролик бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг бир вақтнинг ўзида ҳам федератив давлат фуқароси, ҳам федерация субъекти фуқароси эканлигини билдиради.

Федератив давлатда федерация субъектларининг ўз ҳуқуқий тизимларини тузишлари, ўз конституцияларига эга бўлишларидан қатъи назар, ягона федератив ҳуқуқий тизим амал қилади. Бироқ, федерация субъектларининг конституция ва қонунлари федерал конституция ва қонунларга тўла мувофиқ келиши, уларга зид бўлмаслиги лозим.

Федерация субъекти Конституцияда кўрсатилган ўз суд идоралари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига эга бўлиши керак. Олий суд федерация субъектлари судларининг қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқмайди ёки махсус кўрсатилган ҳолатлардагина қараб чиқиши мумкин.

Федерацияда солиқларнинг икки поғонали тизимидан фойдаланилади. Булар — федерал солиқлар ва федерация субъектлари солиқларидир. Тўпланган солиқлар умумфедерал хазинага тушади ва сўнгра улар (бюджет орқали) федерация субъектларининг даромадлари етишмаслиги натижасида субсидия ва дотацияларга эҳтиёж сезиш ҳоллари учраб туради.

Федерация субъектлари ўртасидаги муносабатлар жуда мураккаб. Уларда хўжалик муносабатларининг кооперацияси мавжуд бўлиб, федерациянинг бир субъектидан иккинчисига молиявий маблағларнинг оқиб ўтиши юз бериб туради. Шу боис федерация субъектларининг бири ушбу иттифоқдан чиқишни ихтиёр этса, федерациянинг бошқа аъзоларига бу

маъқул бўлмайди, бунинг учун барча федерация субъектларининг қўллаб-қувватлаши зарур бўлади. Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи давлатнинг яхлитлигига путур етказмаслиги лозим.

Ҳар қандай федерациянинг бош масаласи иттифоқ ва федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни белгилашдир. Бу давлат тузилмалари мавқеи ва улар орасидаги муносабатга дахлдор. Одатда бу федерация конституция ёки федератив шартнома билан мустаҳкамлаб қўйилади.

Федератция ва федерация субъектларининг ваколатлари масаласи уч принцип асосида ҳал қилинади:

биринчиси, федерациянинг фавқулодда ваколати принципи, яъни фақат федерациянинг ўзи қарорлар қабул қила олади, норматив ҳужжатлар чиқара олади. Бошқа масалалар федерация субъектлари ваколатларига киради;

иккинчиси, биргаликда ваколатга эгалик принципи, яъни федерация ва унинг субъектларининг умумий ваколатлари;

учинчиси, ваколатларнинг уч соҳаси принципи федерация, федерация субъектлари ваколатларини белгилаш, шунингдек, федерация субъектлари ва федерациянинг биргаликдаги ваколатига тааллуқли деб топилган ваколатларни белгилашни тақозо қилади.

Федерациянинг мураккаб масалаларидан бири миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, яъни миллатларнинг федерация таркибидан чиқиш масаласидир. Турли федерацияларнинг конституцияларини таҳлил этиш ушбу конституцияларнинг бирортасида ҳам мазкур принцип мустаҳкамланмаганлигини кўрсатди. Бундан фақат собиқ СССР Конституцияси мустасно. Унда мазкур принцип фақат эълон этилган эди, холос. Ушбу муаммони ҳал қилиш механизми тўғрисида унда ҳеч нима дейилмаган эди.

1994 йилда дунёда 21 та федератив давлат мавжуд эди. Жумладан, АҚШ, Австралия, Россия, Германия, Бразилия, Швейцария, Австрия, Покистон, Ҳиндистон, Малайзия федератив давлатлардир. Одатда, федерация шартнома асосида (1992 йилда собиқ СССРда тузилган эди) ёки конституция қабул қилиш йўли билан (1787 йилда АҚШда тузилган эди) пайдо бўлади.

Давлат тузилиши мураккаб шаклининг янги бир тури — бу конфедератив давлатдир. Хўш, давлат тузи-

лишининг конфедерация шакли нима? Конфедерация давлатларнинг муайян иттифоқи бўлиб, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий мақсадлар учун шартнома ёки битим асосида тузилади. Конфедерация одатда муваққат бўлади. Кейинчалик конфедерациялар ё федерацияларга бирлашадилар (АҚШ, Швейцария) ёки тарқаб кетадилар (Австро-Венгрия)

Конфедерацияни ташкил этган мустақил давлатлар халқаро ҳуқуқ субъектлари бўлиб қоладилар, шунингдек, ўз фуқароликлари, ҳокимият идоралари, бошқарув, одил судлов тизимларига эга бўладилар.

Конфедерация аъзоси бўлмиш давлатлар ҳокимиятни мустақил амалга оширадилар, ўз конституцияларига эга бўладилар. Шу боис конфедерация даражасида қабул қилинган ҳужжатлар мазкур давлатга кирадиган давлатларнинг олий идоралари томонидан маъқулланиши лозим. Конфедерация аъзолари даромаднинг мустақил манбаига эга бўлиб, унинг бир қисмини конфедерация бюджетига ажратишлари мумкин. Конфедерация қўшинлари конфедерация аъзолари бўлган давлатларнинг ҳарбий қисмларидан тузилади, улар ушбу давлатларнинг қарорига кўра конфедерация қўмондонлиги ихтиёрига юбориладилар.

Давлат тузилишининг конфедерация шакли унга кирувчи давлатларнинг ҳоҳишига кўра тузилади. Конфедерация аъзолари давлат мустақиллигини сақлаб қолиб, маълум бир вазифаларни бажариш мақсадида бирлашадилар.

Конфедерациянинг органлари унга кирувчи давлатларнинг фаол иштироки асосида тузилади, уларнинг қабул қилган ҳужжатлари конфедерацияга кирувчи давлатлар орқали амалга оширилади. Лекин, конфедерацияга кирувчи давлатлар бундай ҳужжатларни тан олмаслиги ва бажармаслиги мумкин.

Конфедерациянинг моддий асослари унга кирувчи давлатларнинг маблағларидан ташкил топади. Конфедерациянинг умумий ҳудуди, ягона фуқаролиги ва конституцияси бўлмайди. Шунинг учун ҳам конфедерация мустақил давлат ҳисобланмайди, у маълум маънода вақтинчалик иттифоқдир. Конфедерация асосий мақсадига эришгандан сўнг тарқалиб кетиши ёки тузилган иттифоқни мустаҳкамлаб федерацияга ўтиши, ёхуд қўшилиб унитар давлат бўлиб кетиши мумкин.

Масалан, тарихда АҚШ 1776—1787 (11 йил), Швей-

цария — 1815—1848 (33 йил), Германия 1815—1856 (51 йил) йилларда конфедератив шаклдаги давлат бўлган.

Миллий давлат тузилиши маълум принциплар асосида амалга оширилади. Бу принциплар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, миллатларнинг суверенлиги ва тенг ҳуқуқлилиги;

иккинчидан, миллат ва элатларнинг эркин, озод ривожланиши;

учинчидан, байналмилаллик, миллатларнинг ҳамкорлиги, дўстлигини таъминлаш.

Бу принциплар ҳар бир миллий давлат тузилишига асос бўлиши керак, чунки федератив давлатми ёки якка миллатли унитар шаклидаги давлатми, уларнинг ҳудудида турли миллатлар яшайди. Давлат тузилишида, давлат органларининг шаклланишида, унинг фаолиятида юқоридаги принциплар асос бўлиши зарур.

Ҳар қандай давлат тузилиши шаклининг асосий шартларидан бири марказий ҳокимият ваколатларининг тақсимоти масаласидир.

3-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

Ҳар бир давлат ўзининг муайян маъмурий-ҳудудий тузилишига эга бўлади. Чунки давлат ҳудудининг маълум маъмурий-ҳудудий бўлакларга бўлиниши давлатнинг асосий вазифа ва функцияларини амалга ошириш учун зарур тадбир ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат тузилиши жамиятимизнинг сиёсий ташкиллаштирилишида муҳим ўрин тутади. Бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти билан белгиланган ҳудудий ташкиллаштирилишидир. Ушбу масала давлатнинг таркибий қисмларга бўлинишини, бир бутун давлат билан унинг таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатини, бу қисмлар ҳар бирининг ҳуқуқий ҳолатини қамраб олади.

Унитар (ягона) давлатга таркибида маъмурий-ҳудудий бирликлар, шунингдек, суверен давлат ҳуқуқига эга бўлган миллий-ҳудудий тузилмаси бўлган Ўзбекистон Республикаси киради.

Маъмурий-ҳудудий бўлинма — маъмурий-ҳудудий тузилиш тизимининг мустақил таркибий қисми бўлиб, бунда давлатнинг вазифалари ва асосий функциялари-

га мувофиқ тарзда давлат апларати маҳаллий органларининг структураси тузилади ва фаолияти амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий тузилиши ҳам барча органлари, институтлари сингари ўзининг конституциявий кафолатларига эгадир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVI боби Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига бағишланган. Мазкур бобнинг 68-моддаси «Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат» — деган конституциявий нормани мустаҳкамлаб қўйган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги маъмурий-ҳудудий бўлиниши мамлакатнинг ишлаб чиқариш кучлари аҳволини, уларнинг жойлашиш хусусиятини, транспорт ва алоқа воситаларининг ривожланишини, жойлардаги бошқарувнинг ташкилий тузилишини акс эттиради. Вилоят Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тизимидаги юқори бўғиндир ва энг йирик бўлинма сифатида алоҳида ўрин тутади. Ҳудудий тизимининг қолган бўғинлари — туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул, вилоятнинг таркибий қисмлари, ички бўғинлари бўлиб, шу тариқа у муҳим ташкилий функцияни бажаради. Чунки у орқали Ўзбекистон Республикаси давлат вакиллик ҳокимият органи ва бошқарув идоралари билан алоқа боғлашнинг бутун тизими амалга ошади. Бундай ҳолат вилоят қуйи ҳокимият вакиллик ва ижроия органлари фаолиятига нафақат раҳбарлик қилишни, балки уларни умумдавлат ва маҳаллий манфаатлардан келиб чиқиб бирлаштирилишини англатади.

Вилоят йирик маъмурий-ҳудудий бўлинма сифатида барқарор бўлмоғи лозим. Унинг тузилиши, мустаҳкамланиши, йириклашуви ёки бўлиниши иқтисодий жиҳатдан асослантирилиши лозим, бу мазкур маъмурий-ҳудудий бирликда халқ хўжалигининг барча тармоқларининг комплекс ривожланишига олиб келмоғи лозим ва бу вилоят барча таркибий бўғинларининг мавжуд иқтисодий ва маданий алоқаларига таянмоғи шарт.

Мавжуд вилоятларга бўлиниш, умуман олганда сўнгги йилларда барқарор сақланиб қолмоқда. Улар ҳозир Ўзбекистон Республикаси таркибида 12 та.

Туман — қишлоқ жойларидаги иқтисодий, хўжа-

лик ва ижтимоий-маданий ҳаётга бевосита раҳбарлик қилишнинг муҳим бўғини. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан, янги табиий ресурсларни ўзлаштириш ҳамда аҳоли сонининг ўсиши билан маъмурий-ҳудудий бўлинмаларнинг чегараси, ўзгаришлар, аввало, қишлоқдаги туман бўғинлари ҳисобига рўй беради.

Ўзбекистон Республикасидаги шаҳарлар республика итоатидаги (Тошкент шаҳри), вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва туман итоатидаги шаҳарларга бўлинади.

Республика итоатидаги шаҳарлар тоифасига аҳолиси 500 минг кишидан ортиқ йирик иқтисодий, маданий, маъмурий марказ бўлган шаҳарлар киради.

Шаҳарлардан кейинги тоифаси — бу вилоятга итоат этувчи шаҳарлардир. Ҳозир Ўзбекистон Республикасида бундай шаҳарлар сони 51 та бўлиб, улар, масалан, 1967 йилдагидан 24 та кўпдир. Бундай кўпайиш асосан ўртача шаҳарларда саноат ишлаб чиқаришининг тезлашиши ва аҳолининг мужассамлашиши билан изоҳланади.

Вилоят итоатидаги шаҳарларни туманлар мақомига тенглаштириш ўзининг мақсадга мувофиқлигини исботлади. Вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси итоатидаги шаҳарлар тоифасига муҳим саноат аҳамиятига эга бўлган, аҳолиси 30 минг кишидан кам бўлмаган иқтисодий, маданий маркази бўлган шаҳарлар киради.

Туман итоатидаги шаҳарлар тоифасига саноат корхоналари, коммунал хўжалиги, давлат уй-жой фонди, ривожланган ижтимоий-маданий муассасаларни, савдо умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд бўлган ҳамда аҳолиси 7 минг кишидан кам бўлмаган ва унинг учдан икки қисмини ишчи, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ташкил этган шаҳарчалар ва бошқа аҳоли манзиллари киритилади. Бунда мазкур аҳоли манзилларининг маъмурий аҳамияти ва ривожланиш истиқболлари эътиборга олинади.

Қишлоқ, овул, шаҳарча — республика маъмурий-ҳудудий тизимидаги энг қуйи бўғинлар.

Вилоятларни тузиш, тугатиш ёки уларнинг чегарасини ўзгартириш тегишли вилоят вакиллик идораларининг тавсияси асосида Вазирлар Маҳкамаси такли-

фига кўра Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Туман маъмурий-ҳудудий бўлинишдаги муҳим бўғиндир, шунинг учун уни тузиш ёки тугатиш Олий Мажлис томонидан йириклаштирилаётган (тугатилаётган) туман, шаҳардаги туман Кенгашларининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, Қорақалпоғистонда республика Жўқорғи Кенгесининг тавсиясига асосан Вазирлар Маҳкамаси киритадиган таклифга кўра амалга оширилади.

Шаҳарларни республика итоатидаги шаҳарлар тоифасига киритиш тегишли шаҳар ва вилоят халқ депутатлари Кенгаши тавсиясига асосан Вазирлар Маҳкамаси киритадиган таклифга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Шаҳарларни вилоят итоатидаги шаҳарлар тоифасига киритиш ёки уларни қайта тузиш тегишли шаҳар, туман ва вилоят халқ депутатлари тавсияси асосида Вазирлар Маҳкамаси киритадиган таклифга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги 1996 йил 30 август қонунида Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий тузилиши шакллари ва уларни ҳал қилиш тартиби кўрсатилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллардан ташкил топади.

4-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ШАКЛИ. ЎЗБЕКИСТОН — УНИТАР ДАВЛАТ

Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши жиҳатидан унитар республикадир. Лекин Ўзбекистонда давлат тузилишининг ўзига хос хусусиятлари бор. Чунки

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 1992. — 22-б.

Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси мустақилдир[1].

Ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи асосида қорақалпоқ миллати Ўзбекистон ҳудудида ўз давлатини мухтор республика шаклида ташкил этган эди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, Қорақалпоғистон Республикаси мустақил деб эълон қилинди. Бу Мустақиллик тўғрисидаги декларацияда, Мустақиллик асослари тўғрисидаги қонунда ва ниҳоят, 1993 йил 9 апрелда қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган[1].

Конституцияга асосан, Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши бўйича унитар давлат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг унитар давлат деб аталишига қуйидаги хусусиятлар сабаб бўлади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди тузилиши бўйича яхлит бирликни ташкил қилади;

иккинчидан, давлат ҳокимияти, бўлиниш принципи асосида тузилган бўлса ҳам, ҳудудида бир бутунликни ташкил этади ва уларнинг чиқарган ҳуқуқий ҳужжатлари бутун Ўзбекистон ҳудудига тааллуқлидир;

учинчидан, қонунчилик тизими ҳам бутун Ўзбекистон учун тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг устунлиги асосида амал қилади;

тўртинчидан, суд ҳокимияти ва прокуратура органлари тизими бутун Ўзбекистон ҳудудида ягонадир;

бешинчидан, Ўзбекистонда ташқи сиёсатни бутун Ўзбекистон халқининг манфаатини кўзлаб ва унинг номидан фақат у сайлаб қўйган Олий Мажлис ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти амалга ошириши мумкин;

олтинчидан, Ўзбекистонда молия, солиқ, божхона тузилиши ва республика Қуролли Кучлари, миллий хавфсизлик ва ички ишлар органлари хизмати марказлаштирилган;

еттинчидан, бутун Ўзбекистон ҳудудида ягона фуқаролик жорий қилинган.

Ўзбекистоннинг ягона давлат эканлигини кўрсатиш билан бирга, Ўзбекистоннинг давлат тузилишидаги ўзи-

---

[1] Қаранг: Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси. 1 боб. Нукус, 1993.

га хос айрим федератив белгилар, федератив давлатга хос хусусиятларни ҳам кўрсатиш лозим:

1) Ўзбекистон Республикаси таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикасининг мавжудлиги ва унинг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан қўриқланади;

2) Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқий тизимида алоҳида Конституциянинг мавжудлигидир;

3) Ўзбекистон Республикаси умумдавлат органлари билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси давлат органларининг ва бошқа давлат-ҳуқуқий институтларининг ўзига хос ва маълум даражада мустақил белгиланиши: Жўқорғи Кенгес, Вазирлар Кенгаши, суд органлари, республика фуқаролигининг мавжудлиги ва бошқалар;

4) Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди ва чегарасининг дахлсизлиги, ўзгартирилиши ва бўлиниши унинг рухсатисиз амалга оширилмайди (Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 3-моддаси);

5) Қорақалпоғистон Республикасининг ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини ўзи мустақил ҳал қилади;

6) Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга;

7) Қорақалпоғистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси алоқаларини ўзаро тузилган шартномалар ва битимлар орқали тартибга солади;

8) Қорақалпоғистон Республикаси ўз давлат рамзларига эга.

Шунга қарамай, Ўзбекистонни федератив шаклдаги давлат дейишга асос йўқ. Чунки федератив давлат тузилишида федерацияга кирувчи ҳар бир субъектнинг ўз давлат органлари билан бир қаторда умумфедератив давлат органлари бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон билан Қорақалпоғистон Республикасининг бундай умумий федератив органлари йўқ. Шунга асосланиб, Ўзбекистон Республикасини, давлат тузилиши бўйича, федератив давлатнинг баъзи бир белгилари, хусусиятларига эга бўлган унитар давлат деб ҳисоблаш мумкин[1].

[1] Қаранг: *Каюмов Р.* Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. — Т.: Адолат, 1998. — 232—233-бетлар.

5-§. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVII боби Қорақалпоғистон Республикасининг конституциявий-ҳуқуқий мақомини белгилаб берган. Улар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясини ўзи тасдиқлайди. Ўзининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини ўзи мустақил ҳал этади, давлат ҳокимияти органлари ва бошқаруви тизимини ўзи белгилайди. Давлат ҳокимияти тизимини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига тақсимланиши асосига қуради, Ўзбекистон Республикаси сиёсатига мос ҳолда ўз мустақил сиёсатини юргизади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бўлинмас ва дахлсиздир. Бу миллатнинг ўз ерига, ўз бойликларига ўзи эгалик қилишидир, бу тенгларараро тенг бўлиш, кенг дунё минбарига чиқиш, халқаро муносабатлар ўрнатиш ҳуқуқидир. Қорақалпоғистонда давлат тили — қорақаллоқ тилидир.

Бу миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва фарзандлари истиқболини ўзи яратиши, ҳал қилишидир. Булар Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

Айни вақтда Қорақалпоғистон ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, маънавий-ахлоқий, маърифий қадриятлари ва урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланади ва уларнинг ривожланиши учун шароит яратиб берилади. Қорақалпоғистон суверен республикасининг давлат рамзлари ҳурмат қилинади. Мазкур моддада давлатнинг халқ эрки-иродасини ифода этиши, халқ манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида жавобгар эканлиги қайд этилган. Бинобарин, Ўзбекистон Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини муҳофаза этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қорақалпо-

ғистон давлат суверенитетининг таъминланиши Президентимиз И. А. Каримовнинг билдирган фикр ва мулоҳазаларида, фармонларида ўз ифодасини топган.

1993 йилда қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг «Давлат суверенитети» деб номланган биринчи бобининг 1-моддасида ҳам Қорақалпоғистон Ўзбекистон Республикасининг таркибига кирувчи суверен демократик республикадир, дейилади.

«Асосий қонунимиз, — дейди Ислом Каримов, — Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг мақомини тан олади ва унинг суверенитетини муҳофаза этади»[1].

Иккинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.

Бинобарин, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциялари энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилгандир. Мазкур конституциялар тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатлардир.

Қорақалпоғистон суверен Республикаси Конституцияси ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси сингари ишлаб чиқилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилиб, сўнгра халқ эрки-иродаси ҳисобга олиниб, қабул қилинган. Қорақалпоғистон Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асло зид эмас. Чунки Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибига суверен давлат бўлиб киришига хоҳиш билдирган халқ Қорақалпоғистон Конституциясининг ҳам Ўзбекистон Конституциясига зид бўлишини асло истамайди. Чунки бу конституциялар умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади. Мана шу янгитдан бунёд этилган Қорақалпоғистон суверен Республика ва мустақил Ўзбекистон Республикаси халқларининг абадий бирлиги ва қон-қардошлигини Қорақалпоғистоннинг янги қабул қилган

---

[1] *Каримов И. А.* Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т.,. 1993. 7-бет.

Асосий қонуни ҳам тасдиқлади ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси бошдан-оёқ ана шундай олижаноб манфаатлар руҳи билан суғорилгандир.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир. Ўзбекистон учун мажбурий бўлган айрим қонунлар унинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам мажбурийдир. Бу ҳолатни ижобий англамоқ даркор ва у мутлақо Қорақалпоғистоннинг манфаатларига қаратилгандир. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик, фуқаролик-процессуал, оила, меҳнат, солиқ ва ҳоказо кодекслари, ҳарбий хизматга оид қонунлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Орол муаммосини ҳал этиш борасидаги актлар, Наврўз байрами, Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни байрами, Конституция кунини нишонлаш, чет эл сармояларининг кафолати, миллий валюта (сўми)мизнинг Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам амал қилиши, аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий муҳофаза қилиш каби кўпдан-кўп қонунларни мисол келтириш мумкин.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасида: «Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади», — дейилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикасида ягона фуқаролик ўрнатилганлиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар бир фуқароси Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади, дейилган.

Модомики шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир ва бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийлиги, айни вақтда, Қорақалпоғистон фуқаролари учун ҳам амал қилади.

Бешинчидан, «Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз

маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади».

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида унда туманлар, шаҳарлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини ўзгартириш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади, дейилган.

Бу қоида асосан Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида унинг ички маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини назарда тутади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон билан туташ ҳудудлар чегарасини ўзгартириш зарурати келиб чиқса, у ҳолда бу масала, табиийки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

Маъмурий-ҳудудий тузилиш ва чегаралаш масаласи ғоят мураккаб ва нозик масалалардир. Бунда бир муҳим жиҳатни эътиборда тутмоқ зарур. Маъмурий-ҳудудий чегаралаш катта ҳажмдаги тадбир — миллий давлат чегараланишининг таркибий қисми бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади ҳам.

Олтинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга.

Конституциямизнинг 74-моддасида Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистоннинг чинакам суверенлигини тасдиқловчи қоида мустаҳкамланган. Бу қоида Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 1 ва 9-моддаларида ҳам мустаҳкамланган.

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади. Бундай ҳолларда, шубҳасиз, Конституция ва қонунларимизнинг устуворлигига қатъий амал қилган ҳолда масала ҳар икки республиканинг манфаатларини ҳисобга олиб ҳал этилади.

Ўзбек халқи билан Қорақалпоқ халқи азалдан дўст,

биродар, қон-қардош ва бир-бирларига мурувватлидир. Уларнинг маънавияти, бирлиги, унинг бир йўналишда қурилганлиги, хўжалик юритиш усули ва шаклларининг уйқаш ва бир хиллиги ҳар икки халқ ўртасидаги қадрдонлик ришталарини янада мустаҳкамлайди ва бу муқаррар ҳолат ўзининг конституциявий ифодасини топган.

Еттинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ
* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ВА РЕФЕРЕНДУМ
* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ
* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ
* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ
* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ
* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ
* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИКНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ
* ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

XX б о б.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ

*** ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ**
*** ДАВЛАТ АППАРАТИНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИ ТУЗИШ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ**

1-§. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ

Конституциянинг асосий функцияларидан бири давлат ҳокимиятини таъсис этишдир. Айнан конституция воситасида давлат органларининг муайян тизими вужудга келтирилади. Бундай тизим давлат идораларининг алоҳида-алоҳида фаолият юритишини эмас, аксинча, уларнинг бир бутун уюшган вужуд сифатида давлат функцияларини самарали амалга оширишини таъминлаш тушунилади.

Ҳокимиятнинг конституциявий тизими нафақат Асосий қонуннинг матнида назарда тутилган давлат ҳокимияти органларини, балки конституциявий органларнинг ваколатлари ва функцияларини амалга ошириш манфаатлари йўлида ташкил этиладиган бошқа тузилмаларни ҳам қамраб олади. Демак, давлат **ҳокимияти органлари тизими ўзаро мутаносиб ҳамда итоат этиш муносабатларида бўлган турли-туман идораларнинг кенг доирадаги мажмуасидан иборат.**

Давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг шу улкан вертикал ва горизонтал тузилмаси инсон ҳуқуқларига бевосита ёки билвосита тааллуқли бўлганлиги учун

давлат ҳокимияти органлари ҳақида аниқ-тиниқ тасаввурга эга бўлиш лозим, шунингдек, уларнинг турли-туман корхона, муассаса ва ташкилотлардан қандай фарқ қилишини ҳам англаб етиш зарур.

Давлат ҳокимияти органларига хос белгилар давлатнинг табиати ва функцияларидан келиб чиқади. Давлат ўз фаолиятини давлат ҳокимияти органлари орқали амалга оширади. Бу органларнинг ҳар бири ўз соҳасида ва ўзига хос усуллар орқали давлатнинг жамиятдаги уюштирувчи ҳамда ташкилотчилик ролини ифодалайди. Ҳеч бир давлат ҳокимияти органи давлатнинг умумий функцияларига зид келувчи вазифа ва ваколатларни адо этмайди. Барча ҳокимият органларининг муштараклигига эришиш учун давлат умумий стратегик сиёсат юритади ва шу асосда ҳар бир органнинг ташкил этилиши ва фаолият юритишининг ягона, қатъий тартибини ўрнатади, уларга муайян меъёрдаги ваколатлар беради. Ҳар бир давлат ҳокимияти органи бошқа органдан фарқланади, аммо уларнинг жами ягона давлат ҳокимиятини намоён этади.

Давлат органлари қуйидаги белги ва хусусиятлар билан тавсифланади.

Биринчидан, ҳар бир давлат органи муайян давлат-ҳокимияти ваколатларига эгадир ва шу туфайли ўзига берилган ҳуқуқлар доирасида маълум масалаларни ҳал этади, бошқа давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган ҳужжатлар чиқаради ҳамда уларнинг ижросини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган давлат ҳокимият органи муайян давлат-ҳокимият ваколатларига эга бўлади. Бироқ, бу орган ваколатларининг ҳажми ва ифодаланиш шакли турличадир. Зеро, улар зиммасига ана шунга мос вазифа ва функциялар юклатилади.

Давлат-ҳокимият ваколатлари давлат органининг фаолият юритадиган соҳаси доирасидаги ҳуқуқ ва бурчлари йиғиндисидир. Давлат органларининг ваколати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, қонунларида, Президент фармонларида, ҳукумат қарорларида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳокимият ваколатлари давлат органларидан ташқари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам тегишлидир. Бироқ, ўзини ўзи бошқарув органларининг ваколатлари давлат характе-

рига эга эмас ва улар Ўзбекистон Республикаси номидан амалга оширилмайди.

Иккинчидан, ҳар бир давлат органи давлат белгилаган тартибда тузилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига мувофиқ, Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади. Ёки бошқа қоидани олайлик: Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади (98-модда). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов асосида шакллантирилади. Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади (117-модда) ва ҳоказо.

Учинчидан, давлат ҳар бир органга ўз вазифаси ва функцияларининг маълум қисмини бажаришни юклайди. Масалан, Конституцияга кўра, Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқариш вазифасини адо этади (76-модда). Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафили сифатида майдонга чиқиб, шунга оид вазифаларни бажаради, Ўзбекистон суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради ва ҳоказо (93-модда). Вазирлар Маҳкамаси Президент раҳбарлигида ижроия ҳокимиятни амалга оширади.

Тўртинчидан, ҳар бир давлат органи давлат томонидан белгиланган тартибда амал қилади. Масалан, суд органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади. Ўзбекистонда суд муассасаларининг шакллантирилиши Конституция ҳамда «Судлар тўғрисида»ги қонун (дастлаб у 1993 йил 2 сентябрда, янги таҳрирдагиси 2000 йил 13 декабрда қабул қилинган) билан белгиланган. Юқоридаги қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Хўжалик-процессуал кодексларида судларнинг фаолият юритиш тартиби белгилаб берилган ва судлар ана шу қонунларга мувофиқ иш юритадилар. Шунингдек, Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунда белгиланган.

Бешинчидан, ҳар бир давлат органи Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти идоралари ягона тизимининг ажралмас таркибий қисми, бир бўлаги ҳисобланади. Барча давлат органлари бирлашиб, ягона давлатни, яхлит давлат ҳокимиятини ташкил этади. Агар давлатни ягона бир тизим, вужуд деб тасаввур этсак, унда ҳар бир алоҳида олинган давлат органи ана шу тизимнинг аниқ, алоҳида, узвий мустақил элементи (қисми)дир.

Юқорида баён этилган тавсиф ва хусусиятлардан келиб чиқиб, давлат органига шундай таъриф бериш мумкин: **давлат органи — муайян давлат — ҳокимият ваколатларига эга бўлган, давлат томонидан унинг аниқ вазифа ва функцияларини бажаришга сафарбар этилган ҳамда давлат белгилаган тартиб асосида фаолият кўрсатадиган фуқаро (шахс) ёки фуқароларнинг жамоаси (тузилмаси)дир.**

Мазкур таърифда давлат органини шахс деб атадик. Бу янглиш фикр эмас. Зеро, мамлакат Президенти алоҳида жисмоний шахс. Аммо юридик маъно-моҳиятига кўра у давлат органига тенглаштириб талқин этилади.

2-§. ДАВЛАТ АППАРАТИНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар бир жамиятда давлат аппарати давлатнинг олдига қўйган вазифаларни бажариш учун ташкил этилади ва шу давлат ҳокимиятини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси давлат аппарати халқ ҳокимиятини амалга оширишга, ҳозирги даврда аста-секин ижтимоий таъминланган бозор иқтисодиётига ўтиш, халқ манфаатларини амалга ошириш ва пировардида демократик фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш учун хизмат қилади.

Шу боис давлат аппарати ва унинг хусусиятларига тўхталиб ўтиш жоиздир. **Давлат аппарати қуйидаги белгиларига кўра бошқа ташкилотлардан фарқ қилади:**

1) давлат аппарати бошқариш билан шуғулланувчи алоҳида фуқаролар гуруҳидир;

2) давлат аппарати давлат функцияларини бажаришга ваколатли бўлган ва ўзаро бўйсуниш ёки келишиб олиш асосида боғланган давлат органлари ва муассасалари тизимидир;

3) давлат аппарати халқ иродасини амалга ошириш, ўз вазифасини бажариш учун зарур тузилмалар

ва мажбурлаш воситаларига эга бўлган органлар мажмуидир.

Давлат аппарати давлатнинг моҳияти билан узвий боғликдир. Давлат аппаратининг шаклланишига, унинг фаолиятига шу жамият тарихий тараққиётининг хусусияти, иқтисодий тузуми, ижтимоий муҳити ва муносабатлар шароити таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси давлат аппарати мамлакат олдида турган вазифа ва функцияларни бажариш учун тузилган, барча ваколатларга эга бўлган давлат органлари ва муассасалар тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, давлат аппарати тизими тубдан қайта тузилди. Ўзбекистонда суверенитетни мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш мақсадида марказлаштирилган тизимдан, хўжалик юритишнинг ўзини ўзи бошқариш шаклига ўтилди. Ўзбекистонда илгари бутунлай бўлмаган бир неча янги давлат органлари тузилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлат аппарати мамлакат иқтисодий, сиёсий, маданий, ижтимоий ҳаётини бошқарувчи турли давлат органларидан иборат бўлиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Улар қуйидагилардан иборат.

биринчидан, давлат аппарати органлари халқ манфаати учун хизмат қилади, унинг иродасини ифода этади: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир;

иккинчидан, давлат ҳокимиятининг барча органлари давлат номидан ҳаракат қилиб, халқ ҳокимиятини амалга оширади. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган давлат органлари томонидангина амалга оширилади (7-модда);

учинчидан, давлат ҳокимияти органлари ўз вазифасини амалга ошириш учун давлат томонидан берилган тегишли ваколатларга, ҳуқуқ ва бурчларга эга.

тўртинчидан, давлат органлари қабул қилган норматив ҳуқуқий актлар барча Ўзбекистон фуқаролари учун мажбурийдир. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажари-

лиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради (Конституциянинг 98-моддаси);

бешинчидан, давлат органлари маълум давлат томонидан ўрнатилган тартибда тузилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (91-модда) кўрсатилишича, Республика Президентини сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади. Шунингдек, ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби ҳам қонун билан белгиланади (Конституциянинг 103-моддаси).

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади (Конституциянинг 120-моддаси);

олтинчидан, давлат органлари маълум миқдорда ўз ихтиёридаги моддий ресурслар ва ҳар хил муассасалар, ташкилотлар орқали ўз олдида турган вазифаларни амалга оширадилар[1].

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси давлат аппарати тузилиши жиҳатидан, қонун билан ўрнатилган тартибда ўз функциясини амалга оширадиган ваколатли давлат органларининг йиғиндиси сифатида тавсифланади.

3-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Давлат органлари ўзларининг ташкил этилиш тартиби ва бажарадиган вазифаларига қараб бир-биридан фарқ қилади. Ана шу асосларга кўра давлат органлари тизими белгиланади. Ўзбекистон Республикасида давлат органларининг тизими ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланиш принципига таянади.

Ўзбекистон Республикаси давлат органлари анчагина ва улар турли хил белгиларга эга.

Муайян давлат фаолиятини амалга ошириш (давлат функцияси) юзасидан давлат органлари учга бўлинади:

1) қонун чиқарувчи;
2) ижроия-фармойиш берувчи;
3) суд органлари.

---

[1] *Қаюмов Р.* Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. — Т.: Адолат, 258—259-бетлар.

Ҳокимиятларнинг тақсимланиш принципи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган. Ҳокимиятларнинг тақсимланиш принципини Ўзбекистон Республикасида жорий қилишдан мақсад мамлакатда демократиялаштириш жараёнини тезлаштириш, умуминсоний қадриятларни қайта тиклаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлигини тан олиш ва пировардида ҳуқуқий давлат қуришдир. Ҳокимиятларнинг тақсимланиш принципи ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишидан, бюрократизмдан ва сиёсий ҳаётдаги бош-бошдоқликдан қутулиш, ҳокимият органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлаш, уларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш имкониятини беради.

Бундан ташқари, бу принципни амалга ошириш ҳар бир ҳокимиятнинг ўз ваколатидан четга чиқишга ва бошқа ҳокимиятларнинг ваколат доирасига аралашишига йўл қўймайди. Шуни қайд қилиш лозимки, ҳокимиятнинг учала тармоғи, фақат уларнинг учаласи биргаликда ягона давлат ҳокимиятини ташкил этадилар. Улардан ташқари, Конституцияда кўзда тутилмаган ҳеч бир орган ҳокимиятга даъвогарлик қила олмайди. Ўзбекистон Конституциясида кўрсатилишича, «Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзгартириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади».

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият Республика Олий Мажлиси томонидан, ижроия ҳокимият эса Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда Ўзбекистоннинг ягона суд тизимини ташкил этади.

Учала ҳокимият органлари ўзаро уйғунликда фаолият кўрсатадилар. Ўзбекистон Конституциясида бу ҳокимиятлар ўзаро муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий асослари кўрсатиб берилган.

Олий Мажлис давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги асосий йўналишларни аниқлайди ва улар устида умумий парламент назоратини амалга оширади. Республика парламенти Олий Мажлис Раисини, Консти-

туциявий судни, Олий судни, Олий хўжалик судини ва Президент тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини, Марказий банк раисини тайинлайди ва ишдан озод қилади.

Туманлар, шаҳарлар ва вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш ҳам Олий Мажлис ваколатидадир.

Қонун чиқарувчи олий давлат вакиллик органининг хусусияти шундаки, бу орган кўппартиявийлик асосида бевосита халқ томонидан сайланади, бошқа ҳеч қандай йўл билан тузилиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқининг иродасини амалга оширади ва унга умуммажбурий тус беради. Бу орган ўзи чиқарган ҳужжатга ҳуқуқий тус бериб, уларнинг бажарилишига қаратилган чоралар кўради ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади. Қонун чиқарувчи орган қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (XVIII боб) ва 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонунда Олий Мажлиснинг ваколатлар тизими, фаолият шакллари, унинг қўмиталари, комиссиялари, партия фракциялари ва блокларининг ваколатлари кўрсатилган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон ҳудудида унинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси ҳам ўз олий давлат вакиллик органи — Жўқорғи Кенгесига эга бўлиб, бу орган қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Жўқорғи Кенгес чиқарган қонунлар Ўзбекистон Конституциясига, қонунларига мос бўлиши лозим ва бу қонунлар бутун Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида бажарилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи органларига мамлакат Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқарувни амалга оширувчи концерн ва корпорациялар, жойларда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари киради.

Маълумки, Ўзбекистон Президентининг давлат марказий органлари тизимида тутган ўрни давлат бошқарувининг шаклига боғлиқ. Агар мамлакатда давлат бошқарувининг парламентар республика тури ўрнатилса,

бу ҳолда Президент фақат давлат бошлиғи вазифасини бажаради ва у ижроия ҳокимиятга раҳбарлик қила олмайди. Шунинг учун ҳам бошқарувнинг парламентар республика шаклида Президент давлат органлари тизимида марказий ўрин эгалламайди.

Бошқарувнинг президентлик республикаси шаклидаги давлатларда эса республика президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади. У давлат органлари тизимида марказий ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарувининг президентлик республикаси шакли ўрнатилган.

Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Президенти давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғидир. Айни вақтда у Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳам ҳисобланади. Ўзбекистон Президентининг ўзи ҳукумат таркибини тузади, унинг фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади. Ҳукумат ва унинг аъзолари Президент олдида ҳисоб берадилар.

Ўзбекистон Президенти давлат ва миллатнинг муштарак бирлиги рамзидир. Мазкур сифатда Президент Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини муҳофаза этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. У давлат қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди.

Республика Президенти давлат ва ижроия ҳокимиятларнинг бошлиғи сифатида республика ҳудудида Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Президент Конституцияга биноан ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши ёки вакиллик, қонун чиқарувчи органнинг депутати бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолат Ўзбекистон Президентининг ижро этувчи ҳокимиятни бошқаришидан ва «ҳокимият бўлиниши» принципига асосан, қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил бўлиши кераклигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам республика Президенти бевосита сайловчилар томонидан сайланади ва унинг дахлсизлиги қонун билан мустаҳкамланган.

Ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари давлат фаолиятининг алоҳида тури — ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширадилар. Улар давлат

ҳокимияти қонун чиқарувчи органларининг ҳужжатларини, Ўзбекистон Президентининг фармонларини бевосита бажарувчи, уларни амалга ошириш жараёнида ўз фармойишларини чиқарувчи органдир.

Бошқарув ва ижро этувчи органларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши киради. Бу органлар иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайдилар. Улар ўз фаолиятини бажариш юзасидан қарорлар ва фармойишлар чиқарадилар.

Ижро этувчи органларга вазирликлар ва давлат қўмиталари ҳам киради. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мамлакатдаги барча махсус бошқарув органлари тизими тубдан ўзгариб, республика мустақиллиги заминида қайтадан тузилди. Ўзбекистонда Мудофаа ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш, қимматбаҳо қоғозлар, Фан ва техника қўмиталари, Олий аттестация комиссияси биринчи марта ташкил этилди. Марказий иқтисодий идоралар — вазирликлар, қўмиталарнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди. Банк тизими қайта ташкил этилди. Республиканинг Марказий банки бошқарув идораларидан мустақил бўлди. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий миллий банки очилди. Кўпгина тармоқ вазирликлари ва идоралар мустақил хўжалик юритишга, бозор муносабатларига ўттанлиги туфайли тугатилди. Давлат моддий-техникавий таъминоти ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Уларнинг ўрнига ихтисослаштирилган товар хом ашё биржалари, брокерлик идоралари ва савдо уйлари очилди.

Умуман, мустақиллик даврида Ўзбекистонда халқ хўжалигини бошқаришнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилган тузилмаси тубдан ўзгартирилиб, корхоналарнинг ўзига кўпроқ мустақиллик берилди. Аксарият тармоқ вазирликлари ва идоралари тугатилди. Уларнинг негизида хўжалик уюшмалари, концернлар ташкил қилинди, катта корпорациялар тузилди.

Бошқарув — ижро этувчи органларга вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятлари, уларнинг бўлим ва бошқармалари ҳам киради.

Конституцияга асосан, вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари жойларда вакиллик органи ҳисобланган халқ депутатлари Кенгашига бошчилик қиладилар. Жойлардаги вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятни тегишлигига қараб, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқарадилар. Ҳокимлар ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширадилар.

Ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашларининг фаолият шаклларини ташкил қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябр қонуни билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти органлари тизимига — Ўзбекистон Республикасинмнг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасинмнг Олий суди, хўжалик суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари, вилоят хўжалик судлари киради ва уларнинг барчаси ўз иш фаолиятларини мустақил равишда, қонун асосида амалга оширадилар.

Бу суд ҳокимияти органларининг хусусияти шундаки, улар Конституцияга асосан, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритадилар. Лекин бу давлат ҳокимияти тизимига кирган ҳар бир ҳокимият амалий иш юритишда қарамақарши иш олиб бориши мумкин, деган маънони билдирмайди. Уларнинг бири иккинчисидан ажралган ҳолда иш юритмайди. Давлат ҳокимияти тизимининг бундай бўлиниши, ҳокимиятни ўта марказлаштиришдан, уни ягона юқори мансаб эгаси қўлида бўлишидан сақлайди, битта ҳокимиятнинг ўзбошимчалик билан иш юритишига йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасида ва «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасида кўрсатилганидек, суд ўз фаолиятини мустақиллик, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниш принциплари асосида амалга оширади. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига (108-модда) биноан, Конституциявий суд Ўзбекистонда конституциявий назоратни амалга оширувчи олий суд органи ҳисобланади. Конституциявий суднинг ва-

колатига қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар қабул қилган ҳужжатларнинг Конституцияга қанчалик мослиги тўғрисидаги ишларни кўриш киради. Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди (109-модда).

Конституциявий судни тузиш тартиби, унинг таркиби, ваколатлар доираси, иш тартиби ва актлари «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонуни билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ (110-модда) Ўзбекистон Республикасининг Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юритиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. У қабул қилган ҳужжатлар қатъий ва республика ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикасининг Олий суди Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоятлар, шаҳар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан (111-модда), мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодий соҳада ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Хўжалик судининг суд ҳокимиятини амалга оширувчи умумий судлар қатори одил судлов органи эканлиги Конституцияда мустаҳкамланган.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, якка ҳамда қўшма корхоналар, тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикаси ва давлатларнинг турли хил мулк шаклига асосланган бошқа халқаро бирлашмалари низоларини кўриб чиқиш учун хўжалик судларига мурожаат қиладилар. Хўжалик судлари иқтисодий доирада ва бошқарув жараёнида келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқадилар.

Хўжалик судларининг тузилиши, ваколатлари ва иш

олиб бориш тартиби «Судлар тўғрисида»ги қонун ва Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси билан белгиланади.

Давлат органлари тизимига прокуратура органлари ҳам киради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ (118-мода) «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади».

Прокуратура идоралари фаолиятини ташкил этиш ва бу фаолият тартиби ҳамда прокурорларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (XXIV боб), Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида (янги таҳрирда)»ги қонуни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланади.

4-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ташкил топиши, вазифалари ва фаолият шаклларига қараб бир-бирларидан ажралиб турадилар.

Давлат органлари ташкил топишига қараб:

1) сайланадиган давлат органлари;

2) тайинланадиган давлат органларига бўлинадилар.

Сайланадиган давлат органлари халқ томонидан сайланиш йўли билан ташкил топади. Буларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Кенгашлари (вилоят, район, шаҳар миқиёсида) киради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан (90-модда), Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Республика Президентининг таклифига биноан, Олий Мажлис Раисини, унинг ўринбосарларини, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судини сайлайди.

Тайинланадиган давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг шундай давлат органларики, уларни

сайлашда халқ бевосита иштирок этмайди. Лекин вакиллик органлари томонидан бундай органларни тайинлаб қўйишлари мумкин. Республика Олий Мажлиси мамлакат Президентининг тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлайди ва вазифасидан озод этади (78-модда).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларини тайинлайди, улар вилоят ва шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланади, туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари эса тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади (102-модда).

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан тайинланадиган давлат органларига вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судлари судьялари ҳам киради. Улар Президент томонидан тайинланадилар ва лавозимларидан озод этиладилар. Конституция бўйича Ўзбекистон Республикасининг Президенти Бош вазирни, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалалар Олий Мажлис тасдиғига киритилади (93-модда).

Давлат органлари ўз ваколатлари характерига қараб, **умумий ваколатли** ва **махсус ваколатли** давлат органларига бўлинадилар.

Умумий ваколатли давлат органлари ўз ваколатига кирадиган умумий ёки кўп тармоқли бошқарув фаолияти билан шуғулланадилар. Уларга қонун чиқарувчи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимиятлари киради.

Махсус ваколатли давлат органларига ваколатлари ва фаолиятлари давлатнинг маълум бир махсус вазифасини бажаришга қаратилган органлар масалан, вазирликлар, ҳокимликларнинг алоҳида бошқармалари ва бўлимлари киради.

Давлатнинг ижроия ва бошқарув органларидаги махсус ваколатли органлар ҳам, ўз навбатида, тармоқ органлари, яъни маълум бир тармоқнинг бошқарув органлари ва тармоқлараро бошқарув органларига бўлинадилар. Биринчисига, асосан, вазирликлар, иккинчисига эса давлат қўмиталари киради.

Ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш усули бўйича давлат органлари **коллегиал тарзда** ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи ёки **яккабошчилик асосида** ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи давлат органларига бўлинадилар.

Биринчисида, ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш кўпчиликнинг овоз бериши йўли билан амалга ошади. Ўзбекистон Республикасида бундай давлат органлари сирасига — Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, халқ депутатлари Кенгашлари, вилоят, туман, шаҳар суд органлари киради.

Иккинчисида, яккабошчилик асосидаги органлар, раҳбарларнинг ўзи томонидан мустақил ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади. Бундай давлат органларига — Ўзбекистон Республикасининг Президенти, вазирлар, давлат қўмиталари раҳбарлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг бошқарув, бўлим бошлиқлари киради.

Ваколат муддатлари бўйича, давлат органлари **доимий** ва **вақтинчалик** давлат органларига бўлинадилар.

Доимий давлат органларига асосий кўпчилик давлат органлари киради, чунки бундай органлар давлатнинг вазифаларини доимий оддий шароитда бажаришга мўлжалланган бўладилар.

Фавқулодда шароитларда (уруш, табиий офатлар) ёки давлатнинг баъзи бир муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифаларини бажариш мўлжалланганда, **вақтинчалик давлат органлари** тузиш ҳам мумкин. Бундай ташкилотлар ўз вазифасини бажариб бўлгандан сўнг, тарқатиб юбориладилар.

Вазифаларининг салмоғи ва ҳудудий фаолиятлари бўйича давлат органлари **марказий** ва **маҳаллий** давлат органларига бўлинадилар.

Марказий (ёки олий) органлар Ўзбекистон Республикаси миқёсида тузилган органлар бўлиб, уларнинг фаолияти ва чиқарган ҳужжатлари бутун республикада мажбурийдир.

Маҳаллий органларга Марказий органларга нисбатан паст поғонада турувчи маҳаллий аҳамиятга эга бўлган органлар киради. Маҳаллий органлар мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига кўра бир неча поғонали бўлиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг марказий органларига Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси,

Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳам марказий органлари бўлиб, уларга Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси, Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, давлат қўмиталари киради.

Бу поғоналарда олий мартабали лавозим Республика Президентлиги ҳисобланади. Президент ҳам ижро этувчи органлар бошлиғи, ҳам давлат бошлиғи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари, ўз ваколатларини бажаришларига қараб, **давлатнинг ички функцияларини бажарувчи органлар ва давлатнинг ташқи функциясини бажарувчи органларга** бўлинади.

Асосий кўпчилик органлар давлатининг ички функцияларини амалга оширадилар. Лекин умумий ваколатли органлар — Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳам ички, ҳам ташқи функцияларни амалга оширадилар.

Давлатнинг ташқи функцияларини бажарувчи органларга Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги — Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати ва банклари, чет эллардаги давлат органлари (дипломатик, савдо, вакиллик ва бошқалар) киради.

Бу давлат органлари ҳар бирининг тузилиш тартиби, ваколатлари, фаолият шакллари Ўзбекистон Конституциясида ва улар тўғрисидаги бошқа қонунларда кўрсатилган.

5-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИ ТУЗИШ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

Демократик жамиятда давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш маълум принципларга таянади. Бундай принциплар, яъни раҳбарий ғоялар ва фаолиятни йўналтириб турувчи қоидалар давлат органлари тизимида аниқ ва самарали ҳаракатланишни таъминлайди.

Давлат органларини тузиш ва фаолияти принциплари деганда, мазкур давлат органларининг қандай асосларда шакллантирилиши ҳамда қай тартибда ишлаши тушунилади. Бу принциплар давлат органларининг моҳиятини, у қандай манфаат ва вазифаларга

хизмат қилишини, қанақа устувор ғояларга таяниб иш тутишини англатади[1].

Ўзбекистон Республикасининг давлат органларини тузиш ва уларнинг фаолият юритиш принциплари мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган. Улар умумий ва махсус принципларга ажралади. Умумий принциплар — давлат ҳокимиятини ташкиллаштириш, бутун давлат механизми фаолиятига тааллуқли бўлган принциплардир. Махсус принципларга давлат механизмининг айрим бўғинларига, алоҳида давлат органи фаолиятига тегишли бўлган принциплар киради. Махсус принциплар умумий принциплар асосида, яъни уларни давлат органлари фаолиятига татбиқан конкретлаштириш мақсадида келиб чиқади.

Умумий принциплар, ўз навбатида, икки гуруҳга бўлинади:

биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган принциплар киради;

иккинчи гуруҳга эса — жорий қонунлар ва кодексларда ифодаланган принциплар киради.

Давлат ҳокимияти органларини тузиш ва фаолият юритишининг биринчи гуруҳдаги умумий принциплари қуйидагилардан иборат:

1) халқ ҳокимиятчилиги;
2) ижтимоий адолат;
3) демократизм;
4) инсонпарварлик;
5) ҳокимиятлар тақсимланиши;
6) Конституция ва қонун устунлиги;
7) ошкоралик.

1. **Халқ ҳокимиятчилиги принципининг** маъноси шундаки, давлат органларини шакллантириш ҳамда улар фаолиятида халқ ҳокимиятнинг асосий ва бирдан-бир манбаи эканлиги тўғрисидаги конституциявий қоидадан келиб чиқилиши лозим. Шунга кўра, давлат органлари халқ иродасини ифода этиши ва ўз ваколатлари доирасида жамият ва давлат ҳаётини бошқаришда халқ оммасининг кенг иштирокини таъминлашга шарт-шароит яратиши лозим. Ҳар бир давлат органи ўз фаолиятида халқ эҳтиёжлари ва манфаатларини инобатга олган ҳолда иш тутиши талаб этилади. Мамлакатда дав-

---

[1] Қаранг: *Каюмов Р.* Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. — Т.: Адолат, 1998. 272-бет.

лат бошқарувининг республика шакли ўрнатилганлиги, халқнинг иродаси сайловлар, референдумлар ва умумхалқ муҳокамалари орқали аниқланиб борилиши халқ суверенитетини таъминлашнинг кафолатларидир.

2. Конституциямизда **«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар»**, — деб эътироф этилган (2-модда). Бу конституциявий принцип барча давлат органларини тузишда ва улар фаолиятида дастуриламал бўлмоғи лозим. Зеро, ҳар бир давлат органи халқ ва фуқаролик жамияти манфаатларига самарали хизмат қилган тақдирдагина ўз вазифасини тўла адо эттан бўлади. Халқнинг иродаси давлат сиёсатини, давлат идоралари фаолияти йўналишларини белгилаб беради. Маълумки, мазкур сиёсат жамиятнинг, барча фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминламоқда.

Халқ оммасининг давлат ишларини бошқаришга кенг жалб этилиши кўриб чиқилаётган принципнинг мағзини ташкил этади. Мамлакат фуқаролари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловларда, президентликка сайловларда, референдум ва умумхалқ муҳокамаларида фаол иштирок этишлари учун ҳуқуқий-ташкилий шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти таъкидлаганидек, «Ислоҳотлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тизим асослари яратилди... Бу тизим сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосида қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди»[1].

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат органларини шакллантириш ва фаолият юритишининг муҳим принципларидан бири — **ижтимоий адолат принципи** мустаҳкамланган. Унга кўра, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асоси-

---

[1] *Каримов И. А.* Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 12-бет.

да амалга оширади (14-модда). Асосий қонунимизнинг Муқаддимасида халқимиз демократия ва ижтимоий адолат ғояларига содиқ эканлиги ва мазкур принцип давлатчилигимиз ҳамда ижтимоий муносабатларнинг асосини ташкил этиши эълон қилинган. Ўзбек халқи табиатан адолатпарвар ва адолатга ташна халқдир. У ҳар қандай қийинчиликка чидаши, сабр-бардош намоён этиши мумкин, аммо адолатсизликка тоқат қила олмайди. Халқимизнинг ана шу фазилати конституциявий қоида даражасига кўтарилган.

Мамлакат Президенти И. А. Каримов **биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессиясида** шундай деган эди: **«Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Ўтмишда олий адолат ғояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаш... мезонларининг пойдеворини ташкил этган»**[1].

Барча давлат органлари, мансабдор шахслар билан фуқаролар ўртасида рўй берадиган ижтимоий ҳамда конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар адолат мезонлари асосида бўлмоғи лозим.

Ўзбекистонда ижтимоий адолатни қарор топтириш соҳасида талайгина ишлар қилинди. Аҳолининг кам таъминланган қатламларини — пенсионлар, ногиронлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кўп болали оилалар, ўқувчи ёшлар, талабалар давлат томонидан ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Хусусан, давлатга тегишли уй-жойлар бир қатор тоифадаги фуқароларга — мактаб ўқитувчиларига, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларига, тиббиёт ходимларига, ижодкорларга, урушда иштирок этган байналмилалчи жангчиларга, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига бепул хусусийлаштириб берилди.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш ва бу даврда кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилишининг маъно-моҳияти ҳам аҳоли аксарият қисмининг кескин қашшоқлашиб кетишига йўл қўймасликдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг аҳолининг бандли-

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т.: Ўзбекистон, 1995. 13-бет.

ги тўғрисидаги қонуни, Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги қонуни ва бошқалар юртдошларимизни ишсизликдан муҳофаза этишга, ногиронларни қўллаб-қувватлаш кафолатли тизимини яратишга қаратилган.

4. **Демократизм** давлат органларини шакллантириш ва фаолият юритишининг муҳим принципларидан биридир. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органларини тузиш, уларга ҳокимият ваколатларини бериш демократик тарзда рўй беради. Демократиянинг бевосита ва билвосита шакллари фарқланади. Жумладан, Олий Мажлис депутатларини, республика Президентини сайлаш, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига вакил сайлаш, референдумларда иштирок этиш бевосита демократияни ифода этади. Шунингдек, сўз ва матбуот эркинлигидан фойдаланиш, митинг ва намойишларда иштирок этиш (33-модда), ҳар бир шахс ваколати давлат органларига, муассасаларга ёки халқ вакилига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиши (35-модда) ҳам бевосита демократиянинг намоён бўлишидир.

Билвосита демократия эса халқнинг ўз вакиллари орқали давлат органларини тузишда ва давлатни бошқаришда иштирок этишида кўринади. Масалан, қонун қабул қилиш жараёнида халқ ўзининг парламентдаги мухтор вакиллари орқали иштирок этади.

Демократияга муттасил ва собитқадамлик билан интилиш ижтимоий тараққиётимизнинг стратегик йўналишидир.

«Демократия атамаси қандай шарҳланишини эмас, балки унинг қанчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳимдир... У ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига сингиб кетмаса, турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма шиорлар ва таърифлар мазмунсиз... сўз ўйини бўлиб қолаверади»[1].

5. **Инсонпарварлик (гуманизм)** ҳам давлатчилигимизнинг таянч принципларидан биридир. Давлатимизнинг моҳияти инсон манфаатларини ифодалаш, унга хизмат қилишдан иборат. Инсонпарварлик принципи давлат органларининг инсон қадр-қимматига муносиб баҳо бера олишида, унинг эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларига жавоб берадиган мезонларни яратиш ҳамда амалга оширишида намоён бўлади.

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 560-бет.

Конституциямизда инсонни улуғловчи, унга хизмат қилувчи қоидалар талайгина. «... Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» (13-модда). Мазкур конституциявий қоида ҳар бир давлат органи учун муқаддас ва қатъий талаб бўлиб янграйди. Давлат идоралари фаолиятига баҳо беришнинг асосий мезонларидан бири, уларнинг инсон манфаатларига қай даражада хизмат қилаётганлигидадир.

Инсонпарварлик — авваламбор, инсон ҳуқуқларига ҳурмат бажо келтиришда. Давлат органлари, мансабдор шахслар фуқароларнинг энг оддий, бирламчи ҳуқуқларига, хусусан, инсоннинг яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш ҳуқуқи, мулкдор бўлиш ҳуқуқи ва ҳоказоларни таъминлашга кўмаклашиши лозим. Президентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий марказини тузиши тўғрисидаги 1996 йил 31 октябрдаги фармони ҳам бу борада муҳим рамзий маъно касб этади. Мазкур Марказ давлат идораларининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги фаолиятини уйғунлаштириш билан шуғулланади.

Инсон жамики дунёвий неъматлар ичида энг улуғидир. Унинг равнақи, ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши йўлида хизмат қилиш мамлакатимиздаги ҳар бир давлат органининг шарафли вазифасидир.

6. **Ҳокимиятларнинг тақсимланиши принципи.** Мазкур конституциявий принципга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига ажралади (11-модда). Ягона давлат ҳокимиятининг оқилона тақсимланиши — давлат тузилмаларининг самарали фаолият кўрсатиши, эҳтимолдан холи бўлмаган суиистеъмолликларнинг бартараф этилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши, умуман демократия ва қонунийлик таъминланишининг гаровидир.

Давлат ҳокимиятининг юқорида санаб ўтилган уч шахобчаси, биргаликда ягона давлат ҳокимиятини ташкил этади. Улардан бошқа ҳеч бир давлат органи ҳокимиятга даъвогарлик қилолмайди. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг муҳим жиҳатларидан бири шуки, унда ҳокимиятнинг ҳар шахобчаси қолган икки

ҳокимият субъектининг ҳар бирини назорат қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлади[1].

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг функциялари қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис, давлат бошлиғи ва ижроия ҳокимият бошлиғи — Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва суд ҳокимияти: Конституциявий суддан, Олий суддан ҳамда Олий хўжалик судидан иборат судлов тизими ўртасида тақсимланади (Конституциянинг V бўлими).

Ўзбекистоннинг миллий-ҳуқуқий тизимида қонун устунлигини таъминлаш кўп жиҳатдан ҳокимиятлар тақсимланиши принципининг жорий этилиши билан чамбарчас боғликдир. Зеро, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўғинлари Конституцияда, қонунда белгиланган ваколатлар доирасидагина фаолият кўрсатадилар. Улар ўртасидаги муносабатларда энг олий ҳакам — қонун ва фақат қонундир. Қонун ҳатто уни яратувчи ҳокимият органи — Олий Мажлис учун ҳам мажбурий, муқаддасдир. Қонунга барча оғишмай, қатъий риоя этган тақдирдагина жамиятда демократия қарор топади ва у барқарор бўлади.

Ҳокимият шахобчаларидан биронтаси ҳам ўз қонуний ваколатлари доирасидан четга чиқиб, бошқа ҳокимият идорасининг ваколатлари кўламига дахл қилиши, ҳокимиятни тўла ҳажмда ўзлаштириб олишга интилиши (уни узурпация қилиши)га йўл қўйилмайди. Акс ҳолда демократия ва инсон ҳуқуқлари завол топади.

7. **Конституция ва қонун устунлиги принципи** давлат қурилиши ва фаолиятининг муҳим принципларидан биридир. Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамиятда қонуннинг чинакам ҳукмронлиги қарор топишини тақозо этади. Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилганидек, мамлакатимизда Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар (15-модда).

Қонун устунлиги ҳақида гап борганда, аввало, Конституциянинг олийлигини, устунлигини таъминлаш муҳимлигини эътироф этиш лозим. Конституция мам-

---

[1] *Одилқориев Х. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. — Т.: Ўзбекистон, 1995. 19—20-бетлар.

лакат ҳуқуқий тизимининг пойдевори, қонунчиликнинг ўзагидир. Конституция нормалари бирламчи, таъсир этувчи, стратегик йўналиш берувчи характерга эга. Жорий қонунлар ва барча норматив-ҳуқуқий актлар Конституцияга мос, унга тўла мувофиқ яратилиши шарт.

Конституция ва қонунлар ҳар бир фуқаро учун, ҳар бир ҳуқуқ соҳиби учун энг олий қадрият, мўътабар неъмат ҳамда муқаддас бўлмоғи лозим. Мамлакат Президенти ушбу масала хусусида алоҳида тўхталиб: «Қонун ҳамма нарсадан устун бўлиши керак. Ким бўлишидан қатъи назар — у камбағалми ёки бойми, мансабдорми, йўқми, қонун олдида баробар бўлиши лозим! Чинакам демократик жамиятда Президент ҳам, оддий фуқаро ҳам қонунга риоя этади. Бошқа иложи йўқ. Юрт фаровонлиги учун меҳнат қилсангиз — раҳмат! Қонунни буздингизми, ватан бойлигини ўғирладингизми, жавоб беринг!»[1]— деган эди.

8. **Ошкоралик принципи.** Жамият давлат идораларининг фаолиятидан етарли даражада тўла хабардор бўлиши лозим. Фақат том маънодагина ошкоралик мавжуд бўлган жамиятда демократия, халқ ҳокимиятчилиги реал бўлади. Ушбу принцип мазмунига ҳар кимнинг ўзи истаган ахборотни излаши, олиши ва уни тарқатиш ҳуқуқи киради (29-модда). Барча давлат органлари, мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим (30-модда).

Ахборот олишни чеклашга фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкин. Амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот билан муомала қилиш, уни тасарруф этиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат идоралари фаолиятида ошкоралик принципи реал воқеликка айланди. Мамлакат парламенти — Олий Мажлиснинг сессиялари, Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари телевидение орқали намойиш этиб борилиши бевосита амалиётга айланди. Парламент, Президент, ҳукумат, Конституциявий суд ва бошқа давлат идоралари фаолияти, улар қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатлар мунтазам равишда матбуотда эълон қилиб борилади. Конс-

---

[1] *Каримов И. А.* Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. — Т.: Ўзбекистон, 1993. 26-бет.

титуциянинг 83-моддасида белгилаб қўйилишича, қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир. Бу конституциявий қоида муҳим демократик мазмунга эга. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳаётга жорий этишдан аввал у ошкора тарзда халққа етказилиши лозим. Ҳуқуқий ҳужжатлар фуқаролардан сир тутилиши, яширин характерда бўлиши мумкин эмас.

Иккинчи гуруҳга кирувчи умумий принциплар қонунларда мустаҳкамланиб, улар юқорида баён этилган конституциявий принципларни муайянлаштиради ва ривожлантиради. Масалан, Фуқаролик кодексида шартномаларнинг ихтиёрий, эркин ва тенглик асосида тузилиши принципи, фуқаровий-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг мустақиллиги (мухторлиги) принципи: фуқароларнинг низоли ишларини судда кўришда тарафларнинг тортишуви принципи ва бошқалар. Жиноят кодексининг жазонинг адолатлилиги принципи; жазонинг содир этилган жиноий қилмишга мутаносиб бўлиши принципи; айбсизлик презумпцияси принципи ва ҳоказо.

Мазкур принциплар қаторида давлат бошқарувида коллегиаллик билан яккабошчиликни уйғунлаштириш принципини айтиб ўтиш ўринли бўларди. Давлат аппарати ходимларининг малакали (профессионал) ва ваколатли бўлиши принципи ҳам муҳимдир.

Тавсиф ва таъриф этилган принциплар ўзаро узий алоқадорликда намоён бўлади. Улар функционал бирлик, ягоналик ва мақсадга йўналтирилганлик хусусиятларига эгадирлар. Худди мана шу жиҳатлар давлат органлари тизимига муштараклик ва баҳамжиҳатлик бахш этади.

XXI б о б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ВА РЕФЕРЕНДУМ

*** САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА САЙЛОВ ТИЗИМИ**
*** САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ПРИНЦИПЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ ТИЗИМИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИ**
*** МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЕФЕРЕНДУМ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**
*** ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ВА У ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН**

1-§. САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА САЙЛОВ ТИЗИМИ

«Сайлов» ўз мазмунига кўра бирон-бир органни (давлат, жамоатчилик, халқаро ва ҳоказолар) овоз бериш йўли билан шакллантириш демакдир. Бинобарин, сайлов учун бир неча объектлар бўлиши мумкин. Унда сайлов муқобиллик тарзида амалга оширилади ёки ҳеч бўлмаганда, муқобилликсиз сайловларда ундан воз кечиш учун кафолат бериш имкониятини яратиш лозим.

«Сайлов ҳуқуқи» ибораси икки маънода ишлатилади. **Биринчиси,** сайлов ҳуқуқи сайлов йўли билан шакллантириладиган давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизимидир. Сайлов ҳуқуқининг манбалари Конституция, давлатнинг олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар ҳақидаги қонунлардир. **Иккинчиси,** сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг сайлаб қўйиладиган органларини тузишда қатнашиш,

яъни унга ўзларининг сайланиш (пассив сайлов ҳуқуқи) ва уларнинг таркибини сайлаш (фаол сайлов ҳуқуқи) ҳуқуқларидир.

Ўзбекистонда сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ва кўппартиявийлик асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Сайлов тизими — жамиятда давлатнинг вакиллик органларини сайлаш йўли билан юзага келувчи давлат-сиёсий муносабатлари тизимидир. Бу эса сиёсий партияларнинг фаол ҳаракатлари ва фуқароларнинг ўз иродасини қанчалик намоён қилишларига боғлиқ. Бир томондан, давлат ҳам сайлов тизимининг қонунийлигини ташкил этувчи, ҳам ҳуқуқийлигини кафолатловчидир. «Сайлов тизими» ибораси, шунингдек, депутатлик мандатларига номзодларни ким кўрсатиши, депутат сайлаш учун сайловчилар овозининг сони қанча бўлиши, депутатлик мандатлари номзод кўрсатган партиялар ўртасида қандай тақсимланишига қараб сайлов натижаларини аниқлаш воситаси маъносини ҳам билдиради. Бу маънодаги сайлов тизими — сайлов натижаларига мувофиқ равишда сайлаб қўйиладиган давлат органида мандатларни тақсимлаш усули ҳамдир. Унинг асосий турлари: мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларидан иборатдир.

Сайлов тизими, бир-бирига зид бўлмаган принциплар ва аниқ талаблар асосида қурилиши керак. Сайлов тизими принциплари Конституцияга асосланади ва жаҳон мамлакатларининг тажрибаси ва ўз миллий тарихимизга ҳам таяниши зарур.

Биринчи принцип — сайлов тизимининг Конституцияга тўла мувофиқ келиши.

Иккинчи принцип — давлатчилик ва давлат ҳокимиятининг легитимлиги (қонунийлиги).

Учинчи принцип — сайлов тизими тартиботлари ва вазифаларининг қонунийлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлиги.

Тўртинчи принцип — сайлов тизимининг демократиклиги, фуқароларнинг ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги.

Бешинчи принцип — сайлов тизимининг барқарорлик, тараққиёт, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилганлиги.

Олтинчи принцип — сайлов тизимининг халқчиллиги, барча фуқаролар учун тушунарли ва қулай бўлиши.

Еттинчи принцип — сайлов тизимининг уюшганлиги, конституциявий, ҳуқуқий, суд назорати остида бўлиши ва қонуний бошқарилиши.

Саккизинчи принцип — сайлов тизимининг тежамли бўлиши.

Тўққизинчи принцип — овоз бериш ва сайланишнинг зиддиятсиз, унинг учун етарли бўлган натижаларини олишга кафолат яратилиши.

Сайлов тизимини ислоҳ қилишнинг турлича йўллари бўлиши мумкин. Лекин гап овоз бериш якунларини жаҳон тажрибасидаги шакллари — мажоритар ва пропорционал сайлов тизимлари ҳамда сайлов округларининг бир ёки икки мандатли турларидан бирини танлаб олиш ҳақида бормоқда. Бир мандатли округ бир депутатлик ўрнига эга. Кўп мандатли округ эса қонунда назарда тутилган миқдордаги депутатлар ўрнига эгадир.

Мажоритар сайлов тизимига аксарият ҳолларда нисбатан ёки мутлақ кўпчиликнинг сайловларда ютиб чиқиш қоидаси асос қилиб олинган бўлиб, ҳар бир сайлов округи депутатлик ўринлари белгилаб қўйилган кўпчилик овоз олишга эришган сиёсий партиянинг номзоди ёки номзодларига берилади. Озчилик овозига эга бўлган барча сиёсий партияларнинг номзодларига эса депутатлик ўринлари тегмай қолади.

Мажоритар сайлов тизимида сиёсий партиялар сайловчилар кўпчилигининг қўллаб-қувватлашига эришишга мажбурдирлар. Бу сайлов тизими жамиятга нима беради? Партиялар бунда эҳтиёт бўлиши, ортиқча ўнг ва сўл нуқтаи назарлардан қочиши, муҳим бўлган ўз сиёсатини улар билан оқилона келишиб олиб бориши, халқнинг қандайдир ижтимоий қатламларига ёки улар яшаётган минтақаларга эмас, балки барча тоифадаги кўпчилик сайловчиларга фаол «хизмат қилиши» керак. Мажоритар сайлов тизими партиялар йўлини фуқаролар билишига қаратилган йўналишини рағбатлантиради. Бизнинг фикримизча, бундай нормалар шариат ва мусулмон ҳуқуқи қоидаларига кўра қадимий Ўрта Осиё халқларининг шахснинг умма (жамоа) олдидаги масъуллиги, унга жамоа томонидан берилган ваколатлар доирасида аҳилликни ва яхши ниятларни таъминлаш мажбурияти ҳақидаги ёзилмаган оддий ҳуқуқий нормалар ва миллий одатлар билан бемалол сиғиша олади.

Мажоритар сайлов тизимининг салбий томони шундаки, кам овоз олган номзодлар учун берилган сайловчилар овози «йўқолиб кетади». Бизнингча, мажоритар

сайлов тизими қўлланганда сайловдаги овоз беришнинг биринчи турида сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг учдан икки қисми иштирок этганда уни қонуний норма сифатида муҳокама қилса бўлади. Бу пайтда сайловчилар овозининг етганлиги ёки етмаганлиги муаммоси пайдо бўлади. Рўйхатдаги бўйича сайловчиларнинг ярми керакми ёки учдан икки қисми керакми? Муқобил таклиф: агар сайлаш учун эллик фоиз ва яна битта овоз керак бўлса, рўйхат таркибидаги сайловчилар кифоя қиладими? Унда албатта, мажоритар сайлов тизимининг салбий томонлари камаяди. Кўпчилик чет мамлакатларнинг қонунларида бундай чегара эллик фоиз ва яна битта овоз билан чекланган. Агар иккинчи тур учун эҳтиёж бўлса, иккинчи томон (кўп мандатли сайлов округлари бўйича сайловдаги номзод ёки партиявий сайлов рўйхати)га нисбатан нисбий кўп овоз олиш қоидасини қўллаш мумкин.

Пропорционал сайлов тизимида ҳар бир сайлов округидаги мандатларга уларнинг ҳар бирида тўпланган овозлар таъсир қилади. Одатда, бу тизимдаги сайловларда хорижий мамлакатлар тажрибасида овозларнинг ҳиссадорлиги ёки меъёри белгиланади (масалан, 4—5 фоиз). Бунда шартга кўра, у ёки бу партиянинг номзодлари ана шу белгиланган овозларни олгандан кейингина мандатларни тақсимлашда қатнашади. Аввало, сайловчилар берган овозларнинг миқдори депутатлик ўринларининг сонига бўлинади. Шунда битта мандат доирасидаги овозлар сони маълум бўлади. Кейин ҳар бир партия олган овозлар алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқарилади. Бу миқдор депутатнинг 1 мандати учун зарур бўлган овозлар миқдорига бўлинади. Шунда мазкур партияга берилган депутатлик ўринлари сони келиб чиқади.

Бундай тизимда сайловчи амалда номзод учун эмас, балки сиёсий партия учун овоз беради. Сайловчиларнинг овози белгиланган норма доирасида ва мутаносиб равишда депутатлар мандатлари сонини келтириб чиқаради. Бу ўринлар партия раҳбар органлари томонидан партиявий рўйхатнинг бош қисмидан жой олган номзодларга берилади.

Пропорционал сайлов тизими жуда мураккаб бўлиб, айниқса, унда овозларни ҳисоблаб чиқиш қийин. Қолаверса, бу усулдаги сайловларда парламентга кўпинча номзодлар депутатликка ўзларининг шахсий фазилатлари ва сифатлари билан эмас, балки партиялараро

кураш ва партия ичидаги кўзланган мақсад натижасида кириб қолиши мумкин. Пропорционал сайлов тизимида кўп нарса партия раҳбарларининг омма орасида нечоғлик таниқли эканликларига боғлиқ. Лекин партия рўйхати бўйича овоз беришда оммага унчалик таниш бўлмаган номзодлар ҳам депутатликка сайланиб қолишлари мумкин.

Пропорционал сайлов тизимининг мухолифлари фикрича, бу тизимнинг асосий камчилиги шундаки, у сиёсий партияларнинг сонини сунъий равишда кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин. Айниқса, ўтиш даврида бундай тизимни қўллаш сиёсий ва парламент инқирозларини келтириб чиқариши мумкин.

Мандатларни тақсимлаш қаттиққўл мутаносиб сайлов тизими турли партиялар қўшма (каолициявий) ҳукуматларининг ёки ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партиялар ўртасидаги давомли музокараларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ҳам мажоритар, ҳам пропорционал сайлов тизимлари хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган усулни ҳам жорий қилиш мумкин. Масалан, сайловчилар пропорционал сайлов тизимидан келиб чиқиб, номзодлар рўйхатига киритилганларнинг қайси бири овоз беражагини олдиндан кўрсатадилар. Бунда депутатларнинг бир қисмини бир тизим бўйича, қолганларини эса иккинчи тизим бўйича сайлашга йўл қўйилиши мумкин. Лекин муҳими, бундай мураккаблашган тизимда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари ва депутатликка номзодлар учун тенг шароитлар яратишнинг таъминланишига тўсиқлар пайдо бўлмаслиги керак. Яна шунингдек, сайловчиларнинг бундай мураккаб сайлов тартиботларига тайёр бўлиш даражаси билан ҳисоблашиш зарур. Шунинг учун ҳам бу усул ривожланаётган мамлакатлардагина эмас, балки иқтисодиёти ривожланган, илғор мамлакатларда ҳам кам қўлланилади.

2-§. САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Сайлов ҳуқуқининг асосий манбаи конституциявий нормалардир. Қонунларни тайёрлашда ортиқча расмиятчиликка берилмасдан ўзбек халқининг бутун маданий-тарихий тажрибасига асосланган Конституциямизнинг руҳини эътиборга олмоқ лозим. Бундай ёндашув, шак-шубҳасиз, умуминсоний қадриятлар ва инсон

ҳуқуқларига, давлатимизнинг бу йўналишдаги юксак масъулиятига ҳам жавоб беради.

Конституциямизнинг 117-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Олий Мажлисга сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Конституциянинг 77-моддасида белгиланганидек, «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган депутатлардан иборат». Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар.

77-моддага биноан, биринчидан, олий давлат вакиллик органи Олий Мажлис депутатлари эмас, балки Олий Мажлиснинг ўзидир. Бу билан Шарқ цивилизацияси ва ҳуқуқий маданияти анъаналари ҳамда қадимий Ўрта Осиё халқларининг давлат ва ижтимоий тажрибасидан келиб чиқувчи Олий Мажлис фаолият доирасининг бир бутун яхлитлиги қайд қилинади. Уни «Олий Мажлисга сайловлар» деган иборанинг ўзи ҳам тақозо этиб турибди. Иккинчидан, ҳудудий сайлов округларини қонуний жиҳатдан белгилаш ва уларнинг рўйхатини тасдиқлаш зарурияти. Бу ишни Марказий сайлов комиссияси ана шундай рўйхатнинг лойиҳасини тайёрлаш мақсадида амалга ошириши лозим.

Конституциянинг 10-моддасида сиёсий партиялар халқ номидан иш олиб боришга ҳақли эмаслиги алоҳида кўрсатилган. Умуман, Конституциянинг 10 та моддасида кўппартиявийлик билан боғлиқ бўлган нормалар бор. 60-моддада «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар», деб ёзилган.

«Кўппартиявийлик» тушунчаси том маънода сайловларда бир неча сиёсий партияларнинг, камида эса иккита сиёсий партиянинг иштирок этишини билдиради. Шу тариқа, сайлов тизимининг кўппартиявийлиги фуқароларнинг танлаш ҳуқуқини кафолатлайди.

Кўппартиявийлик асосида сайловлар ўтказиш қуйидагиларни билдиради: **биринчидан,** юридик жиҳатдан рўйхатга олинган барча сиёсий партияларнинг сайлов компаниясида иштирок этиши; **иккинчидан,** Кон-

ституция ва қонун талаблари доирасида ўз номзодларини Олий Мажлис депутатлигига кўрсатиш ҳуқуқи ва кафолатли шарт-шароитларни яратилиши; **учинчидан,** сиёсий партиялар вакилларининг барча даражадаги сайлов комиссияларининг ишида қатнашиш ҳуқуқи ва уларга кафолатли шарт-шароит яратилиши; **тўртинчидан,** Олий судга, зарур ҳолларда эса Конституциявий судга Олий Мажлисга сайловлар ҳақидаги қонуннинг бузилиши фактлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши.

3-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Сайлов ҳуқуқининг конституциявий принциплари яширин овоз бериш йўли билан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқидир.

Сайловлар ҳақидаги қонун, албатта, фуқаролар сайлов ҳуқуқининг умумийлиги, яъни сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, овоз бериш ҳуқуқини расмийлаштириш ва овоз бериш вақтини тасдиқлаш каби тадбирларнинг ҳуқуқий кафолатланишини назарда тутиши керак.

Тенг сайлов ҳуқуқида ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлади ва барча фуқаролар сайловларда тенг шароитларда иштирок этадилар. Қонунда Олий Мажлисга сайловларда сайлов округлари аҳоли сонига кўра тенг бўлиши ҳам ўз ифодасини топиши зарур.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқида сайловчилар Олий Мажлис депутатларини сайлашда бевосита иштирок этадилар.

Яширин овоз бериш эса сайловчининг ўз иродасини билдириш устидан назорат қилишга йўл қўймасликни назарда тутади. Қонунда ана шу конституциявий принципнинг, яъни фуқароларнинг ўз иродасини эркин билдиришини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатланиши ҳар бир демократик жамиятнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини бевосита чеклашга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган баъзи ҳоллар бундан мустасно. Ўзбекистон Республикасининг сайловлар кунида 25 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро Олий Мажлисга сайланиш ёки пассив сайлов ҳуқуқига эга. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар ҳам сайловлар ҳақидаги

қонунда белгиланади. Олий Мажлис депутати Ўзбекистон Республикасининг халқи ва фуқароларининг вакилидир. Олий Мажлисга сайловларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланадиган номзодлар ва барча партиялар, шунингдек, йирик жамоат ташкилотлари манфаатларини ифода этувчи Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилади.

Сайлов қонуни ҳокимият турли шахобчаларининг ўзаро алоқада бўлиш принципига мос бўлиши лозим. Бунда қонун сиёсий партия, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори, Олий Мажлисга сайловлар ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссияси ёки Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайловолди кампаниси давомида ёки сайловдан кейин камида 20 кун ичида номзоднинг сайланиш шартларига мувофиқ эканлигига, сайлов жараёни иштирокчилари ҳаракатларининг қонунийлигига, ҳуқуқий нормалар ва Олий Мажлисга сайловларнинг амалда умум эътироф этилган халқаро стандартларга ва Ўзбекистон Республикаси халқининг манфаатларига мос келишига шубҳа билдирса, улар Республика Олий судига бу ишни кўриб чиқиш ва узил-кесил қарор чиқаришни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Конституциявий асослардан келиб чиқиб, сайлов тизимининг асосий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари белгиланиши мумкин. Улар: 1) сайлов комиссиялари фаолиятининг тартиби ва шаклланиши; 2) сайлов округлари ва участкаларини шакллантириш; 3) сайловчи фуқароларнинг рўйхатини тузиш; 4) номзодлар кўрсатишга сиёсий партияларнинг ҳуқуқий розилиги; 5) депутатликка номзодлар рўйхатини шакллантириш; 6) сайлов округлари бўйича овоз бериш тартиби; 7) овозларни санаш ва овоз бериш якунларини чиқариш тартиби; 8) сайлов ҳуқуқи нормаларининг бузилиши устидан судга шикоят қилиш кабилардир.

4-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларига ва илғор чет эл тажрибасига мос сайлов қонунчилиги яратилди. Асосий мақсад амалдаги қонунларни ҳаётга татбиқ қилиш механизмларини яратишдир.

Сайлов қонунчилиги ва амалиёти — демократик ислo-

ҳотларнинг таркибий қисми. Ўзбекистон — ёш мустақил давлат. Собиқ Совет империясида сайлов тизими ҳам тоталитар тузумнинг таркибий қисми эди. Сайловчи психологиясида демократик сайловларга ишонч руҳи йўқ эди. Бу психологияни ўзгартириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган сайлов соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор мақсадидир.

Умуман, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг мантиғи, принциплари қандай?

Биринчидан, вазминлик билан, босқичма-босқич ҳаракат қилиш;

иккинчидан, демократик ўзгаришлар даражасининг халқ руҳиятига, менталитетига мувофиқлиги;

учинчидан, тарихий-миллий тажрибага таяниш;

тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларини эътиборга олиш.

Шунинг учун, сайлов қонунчилиги ва амалиёти тараққиётини мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг узвий таркибий қисми деб қараш керак.

Сайлов қонунчилигимизнинг **асосий мақсади:** самарали, ишчан вакиллик органларини сайлаш ва юқори фуқаролик туйғуси ва ҳуқуқий маданиятга эга сайловчиларни шакллантиришдир.

Биз бу борада уч босқични босиб ўтдик.

Биринчи босқич собиқ Иттифоқ даврида ёқ бошланган бўлиб, 1992 йилги Конституция қабул қилингунча давом этган. Бу босқичда илк бор Ўзбекистонда муқобил кўппартиявийлик асосида президентлик сайловлари бўлиб ўтди ва сайловлар тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқич Конституция қабул қилингандан бошлаб 1997 йилгача давом этди. Бу босқичда Конституцияда сайлов тизимининг асослари мустаҳкамланди, сайловлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ, кўппартиявийлик асосида биринчи ўзбек парламенти — Олий Мажлис сайланди.

Учинчи босқич 1997 йилдан бошланди. Бу босқичда амалдаги сайлов қонунларига бир қатор ўзгартишлар қабул қилинди. Бўлажак сайловлар учун зарур ҳуқуқий асослар яратилди.

Ўзбекистонда сайлов тизими ҳар бир босқичда ҳуқуқий асосда амалга оширилди ва жамиятда, давлатда муайян институциявий ўзгаришлар билан давом эттирилди. Сайлов ҳуқуқининг ривожланиши ва қўлла-

нилишига демократик ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида қаралмоғи керак. Ўтган даврда нафақат сайлов қонунчилигимиз ўзгариб, ўсиб ривожланди, балки сайлов тизимининг асосий «фигураси» сайловчи онги, руҳияти ўзгарди.

Ҳозирги замон ўзбек сайлов қонунчилиги тизими нималардан иборат? Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги тизими яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — сайлов қонунчилиги тизимининг ўзагини, умуртқасини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида сайлов тизимига бағишланган махсус боб бор. Бундай боб кўпгина давлатларнинг конституцияларида йўқ. Конституциянинг сайлов ҳуқуқига бағишланган моддалари катта ижобий салоҳиятга эга. Улар маълум шароитлар етилганда тегишли қонунлар қабул қилиш йўли билан ҳаракатга келтирилмоқда.

Аристотель айтганидек, ҳуқуқ фуқароларнинг етуклигидан олдинда боради, лекин фуқароларнинг етуклиги ҳуқуқни татбиқ қилишни таъминлайди.

Шу ерда бир тарихий фактни эслаб ўтмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини тайёрлаш ва муҳокама қилиш даврида бир қатор чет эллик экспертлар Конституция матнига сайлов тизимига бағишланган махсус бобни қўшмасликни таклиф этган эдилар. Аммо биз сайлов тизимига бағишланган бобни Конституциямизга онгли равишда қўшдик. Нима учун? Авваламбор, сайлов тизимига конституциявий ёндашув сайлов ҳуқуқининг фундаментал принципларини кафолатлайди. Иккинчидан, жорий сайлов қонунларига асос бўлиб хизмат қилади.

Сайлов қонунчилиги тизимига, **биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонун; **иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисидаги қонун; **учинчидан,** халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонун; **тўртинчидан,** Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун киради. Санаб ўтилган тўрт та қонун бевосита сайловларга бағишланган қонунлардир.

Бундан ташқари, сайлов қонунчилиги тизимига яна бир қатор қонунлар киради. Бу иккинчи гуруҳ қонунларнинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети бевосита сайловлар бўлмаса-да, улар сайловларнинг у ёки бу жиҳатларини тартибга солади. Масалан: «Оммавий ах-

борот воситалари тўғрисида»ги қонун, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс», «Жиноят кодекси», Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун, «Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун, «Прокуратура тўғрисида»ги қонун, Фуқаролик процессуал кодекси ва яна бир қатор қонунларни сайлов қонунчилиги тизимига киритиш мумкин.

Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тизими икки гуруҳ қонунлардан ташкил топади: **биринчиси,** Конституция ва бевосита сайлов тўғрисидаги қонунлар; **иккинчиси,** сайлов масалаларини у ёки бу жиҳатдан тартибга соладиган қонунлар.

Сайлов ҳуқуқи сайлов қонунчилигидан кенгроқ тушунчадир.

Сайлов ҳуқуқи ҳуқуқнинг комплекс соҳаси бўлиб, конституциявий ҳуқуқ номаларидан ташқари, маъмурий, жиноий ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларини ўз ичига олади. Сайлов ҳуқуқининг ривожланиши ўзбек миллий-ҳуқуқий тизимининг тараққиёт қонунларига тўла мос келади.

Ҳозирги замон Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг халқаро андозаларга мослиги ва хусусиятлари. Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг **энг биринчи ва асосий хусусияти** — бу унинг умум эътироф этган халқаро андозаларга мослигидир.

Сайловлар тўғрисидаги халқаро стандартлар қайси ҳужжатларда ўз аксини топган?

1. Инсон ҳуқуқларига оид БМТнинг халқаро ҳужжатларида. Бу Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, Фуқароларнинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт (1966).

2. ЕХҲТнинг ҳужжатларида. Булардан энг асосийси 1990 йилги Копенгаген анжумани ҳужжатларидир.

3. Парламентлараро Иттифоқ ҳужжатлари. Бу Иттифоққа 129 давлат, шу жумладан Ўзбекистон ҳам аъзо. Парламентлараро Иттифоқ Кенгаши 1994 йили Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида декларация қабул қилган.

Ушбу халқаро ҳужжатларда демократик сайловларнинг умум эътироф этган тўртта принципга асосан ўтказилиши кўрсатилган. Бу принциплар умумий сайлов ҳуқуқи, тенг сайлов ҳуқуқи, Яширин овоз бериш ҳуқуқи, тўғридан-тўғри сайловлардан иборат.

Бу тўрт принцип Ўзбекистон Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва тизимининг **иккинчи муҳим хусусияти** Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонуннинг мавжудлиги ва Марказий сайлов комиссияси таркибининг тузилганлигидир. Марказий сайлов комиссиясининг тузилиши парламентлараро Иттифоқ Кенгаши қабул қилган «Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида»ги декларация талабларидан келиб чиқади. Марказий сайлов комиссияси сайловларни ўтказишнинг асосий ташкилотчисидир. У фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини тўлиқ амалга оширишнинг гаровидир.

Жаҳон амалиётида сайловларни ташкил этишнинг **тўртта тури бор.**

Биринчиси — сайловлар ҳукумат томонидан ташкил этилади. Масалан, Германияда сайловларни ички ишлар вазирлиги ташкил этади. Сайлов участкаларида ишловчи мансабдор шахслар давлат хизматчилари орасидан танланади.

Иккинчиси — сайловлар суд органлари томонидан ташкил этилади. Масалан, Покистонда марказий сайлов комиссияси Олий ва бошқа суд раислари томонидан танланган уч судьядан иборат бўлади. Руминияда Олий суднинг 7 аъзоси қуръа ташлаш йўли билан марказий сайлов комиссиясига танлаб олинади.

Учинчиси — кўппартиявий ёндашув бўлиб, манфаатдор сиёсий партиялар ўз вакилларини марказий сайлов комиссиясига тайинлайдилар.

Тўртинчиси — мустақил марказий сайлов комиссиясини тузиш. Ўзбекистон айнан шу тўртинчи турдаги марказий сайлов комиссияси тузиш йўлини танлади.

Ўзбекистонда шу йили 30 апрелда қабул қилинган марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонунда ушбу комиссияни тузиш, унинг ваколатлари ва иш тартиби батафсил тартибга солинган.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг **учинчи хусусияти** — сайлов компанияси жараёнида фуқаролар ташаббускор гуруҳининг ташкил этилишидир. Бу сайлов ҳуқуқини ва қонунчилигини демократлаштиришга қаратилган муҳим қадамдир. Сайлов ҳуқуқида бу йўл билан фуқаролар ҳуқуқи сиёсий партиялар ва маҳаллий вакиллик органлари билан тенглаштирилди. Сайлов кампаниясининг барча босқичларидаги фуқаролар ташаббускор гуруҳларининг ҳуқуқлари Олий Мажлисга сай-

ловлар тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасида мустаҳкамланган. 13-моддада округ сайлов комиссияларининг фуқаролар ташаббускор гуруҳлари вакиллари билан ўзаро муносабатлари кўрсатилган.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг **тўртинчи хусусияти** — бу ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлов жараёнларидаги иштироки. Бу — Ўзбекистондаги демократлаштириш жараёнининг энг устувор йўналишларидан бири. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайлов ҳуқуқи субъектига айланадилар. Бу бизнинг ҳуқуқий ҳаётимиздаги янгиликдир.

Сайлов қонунчилигимиздаги яна бир, **бешинчи хусусиятнинг** — Олий Мажлис депутатлигига номзодларни бевосита фуқаролар томонидан кўрсатилишидир. Бу модда классик рим ҳуқуқи талабларидан келиб чиқади. Энди депутатликка номзодларни учта субъект кўрсатади: сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органлари ва фуқаролар. Сайлов ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаро 100 кишидан кам бўлмаган ташаббускор гуруҳ тузиши мумкин. Бу фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган муҳим қадамдир.

Сайловлар тўғрисидаги қонунларда яна бир қатор хусусиятлар бор. Улар халқаро андоза ва талабларга тўлиқ жавоб беради.

Биринчи хулоса: Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожланиши, авваламбор, фуқароларнинг актив ва пассив сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларини яратишга қаратилган.

Иккинчи хулоса: сайлов ҳуқуқидан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиблари ва техникаси такомиллаштирилди. Бу фуқароларнинг сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш маданияти даражасига боғлиқ.

Учинчи хулоса: Ўзбекистонда нафақат сайлов қонунчилиги янгиланди, балки сайловларга ёндашув фалсафаси ҳам ўзгарди. Яъни сайлов қонунчилигида халқаро стандартлар ўз аксини топди.

Ниҳоят, **тўртинчи хулоса,** сайловлар демократиянинг юраги, узвий бўлагидир. Ўзбекистон ҳам демократияга юз тутди. Шу ерда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг қуйидаги сўзлари ўринлидир: «Демократия бошдан кечирилган тажрибага, тўлиқ ўзаро келишувга, масъулиятга асослангандагина яшайди. Бунда демократия олинадиган фойда ёки кўриладиган зарарга боғлиқ келишувга, масъулиятга асослангандагина яшайди. Бунда демократия олинадиган фойда ёки

кўриладиган зарарга боғлиқ бўлмайди. Демократия — фақатгина сайловлар тартиби ёки бошқариш шакли эмас, балки турмуш тарзи ҳамдир».

Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов маданияти миллий турмушимиз тарзига айланмоғи зарур.

5-§. ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ ТИЗИМИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИ

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги қонунларда жаҳон ҳамжамияти ўрнак олса арзийдиган энг оламшумул янгиликлардан бири — сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи берилганлиги. Бу сайлов амалиётимиздаги муҳим ижобий ҳол бўлиб, фикримизча, жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига сазовордир.

Маълумки, «бевосита демократия» ва «билвосита демократия» деган тушунчалар мавжуд бўлиб, билвосита демократияда фуқаролар вакиллари орқали сиёсатда қатнашса, бевосита демократияда фуқаро шахсан ўзи қатнашади. Ташаббускор гуруҳларни тузиш билан фуқаролар сиёсатда бевосита — тўғридан-тўғри иштирок этадилар, яъни бевосита демократия принципи яққол намоён бўлади.

Ҳозирги кунги сайловчи истиқлолга қадар бўлган, ҳатто тўрт-беш йил бурунги сайловчидан фарқ қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислоҳотлар натижасида сайловчининг сиёсий фаоллиги ошиб, у чинакамига танлаш ҳуқуқини амалга оширишга киришди. Эндиликда, сайловчилар нафақат сиёсий партиялар ёки маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўрсатилган номзодларга, айни вақтда, бевосита фуқаролар томонидан танланиб, саралаб кўрсатилган номзодларга ҳам овоз берадилар.

Хўш, ушбу янгиликнинг юзага чиқиш сабаблари нимада?

Аввало, бу истиқлол шарофати билан мамлакатимизда сайловларнинг эркин, демократик усуллар билан олиб борилаётганлиги мевасидир. Шу билан бирга, вакиллик органларига номзодлар кўрсатишнинг сайловчилар учун биз билган партия номзодлари ва ҳокимият органлари

номзодларига муқобил номзодлар кўрсатиш ҳамда сайлаш имкониятининг берилганидир. Бу — чинакам демократиянинг амалда намоён бўлишидир.

Иккинчидан, ушбу янгилик халқаро сайлов ҳуқуқи стандартларига ва умуминсоний демократик қадриятларга тўла мос келади.

Учинчидан, бу усул Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан қўйиладиган халқаро талабларга тўла жавоб беради.

Тўртинчидан, бу шарқона демократик миллий институт бўлмиш маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш анъаналарига ҳамоҳангдир.

Бешинчидан, бу республикамизда чин демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги муҳим амалий қадамлардан деб ҳисоблаш мумкин. Жаҳон сайлов тажрибасида ибратли халқ оммаси вакилларини парламентга кўпроқ жалб этишни, давлатни бевосита бошқаришда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш Ўзбекистонда ўзига хос халқчил демократиянинг чуқурлашиб бораётганини кўрсатувчи кўзгудир.

Мустақил номзодларнинг кучли, адолатли, халқчил, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамияти каттадир.

Авваламбор, бу ҳолат мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларга халқимизда ишончнинг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Мустақил номзодлар кўрсатиш тажрибаси — демократик принциплар халқимиз миллий турмуш тарзига сингиб бораётганлигининг яққол мисолидир.

Иккинчидан, сайловолди жараёнлари аҳоли сиёсий фаоллигининг ошиб боришига, уларнинг собиқ шўролар давридагидек сайловларнинг четдан кузатувчиси бўлиб қолмай, аксинча, унинг фаол иштирокчиси бўлишига сабаб бўлди. Қисқача қилиб айтганда, **халқ сиёсий боқибеғамликдан қутулди, чуқур, сиёсий уйқудан уйғонди дейиш мумкин.** Бошқача айтганда, биз Ўзбекистонда рўй бераётган сиёсий уйғонишнинг гувоҳлари ва иштирокчилари бўлмоқдамиз.

Учинчидан, ушбу жараён сайловчилар сиёсий онги ва руҳиятида ижобий ўзгаришларни пайдо қилди. Олдин сайловчилар ким номзод бўлишига деярли бефарқ бўлганлар. Чунки номзод юқоридан аниқланиб, фақатгина тасдиқлаш учун сайловчиларга тавсия эти-

лар эди. Қолаверса, у сайланганидан сўнг ҳам халқ олдида ҳисоб бермас, унинг дарду ташвишини айта олмасди, мажлисларда номига ўтириб қайтарди. Бундай тартибнинг ўзиёқ сайловчининг бефарқ бўлишига олиб келар эди.

Тўртинчидан, бугунги уйғониш Ўзбекистонда анъанавий миллий демократик институт — маҳалланинг обрў-эътибори, жамиятдаги ўрнини яна бир карра аниқлаб олишга имкон берди. Маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамияти ўсиши эса уларнинг умуминсоний ва миллий қадрият бўлмиш сайловлар билан янада уйғунлашаётганидан, сайловлар эса миллий турмуш тарзимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганидан далолат беради.

Вакиллик органларига номзод кўрсатишнинг ушбу янги усулининг ўзига хос жиҳатларидан биринчиси, мустақил номзодларнинг бевосита фуқаролар томонидан кўрсатилиши, уларнинг кенг жамоатчиликка яхши танишлиги, халқ ичидан чиққанлиги ва элга яқинлигидир. Фуқаролар ўз маҳаллалари, мавзелари ва туманларининг таниқли, обрў-эътиборли ва ишончли кишиларини ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун номзод сифатида кўрсатиш имконига эга бўлдилар.

Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни олиб бораётган ҳозирги жараёнда аҳолининг ишбилармон қисми тадбиркорлик, иқтисодий масалаларни ечиш билан машғул. Уларнинг аксарияти партияларга аъзо бўлмаганлар. Аҳолининг яна бир қисми ноҳукумат, нотижорат бирлашмалари тузиб, маърифат, маънавият, илм, яратувчилик билан банд — уларнинг ҳам катти қисми партиясиздир. Ва бундай аҳоли ҳозирги шароитда аксарият кўпчиликни ташкил этиб, улар сиёсий фаолиятдан — давлат бошқарувида иштирок этишдан четда қолишлари керак эмас.

Бир сўз билан айтганда, ҳокимиятга даъвогар бўлган партиялардан ташқари жамиятнинг бошқа қатламлари ҳам давлат бошқарувида иштирок этиши адолатли ҳаракатдир. На касбу кори, на миллий маҳдудлиги билан чекланмаган, халқ, Ватанни ўйлаб, умуминсоний талаблар, одамийлик бурчи ва масъулияти буюрган вазифасидан келиб чиқадиган **бизнинг номзодларимиз, мустақил халқ номзодларидир.**

Мустақил номзодларнинг ижтимоий базаси — кенг халқ оммасидир, улар бевосита халққа таянади. Биз уларни

неча йиллар синаган, феъл-атворини билган, шажарасидан хабардор кишиларимиз орасидан, нималарга қодирлиги, эл-юрт манфаати нимаю, ўз манфаати нима яхши билган, кўпнинг манфаатини юксак қадрлаган кишилар орасидан танлаб олишга мушарраф бўлдик.

Яна бир хусусият, бу мустақил номзодларнинг сайловларни ўтказиш жараёнида биринчилардан бўлиб сайловчилар билан мулоқотда бўлишидир.

Мустақил номзодларни бирлаштирувчи бир қанча омиллар мавжуд.

Авваламбор, улар ташаббускор гуруҳлар томонидан номзод қилиб кўрсатилади.

Иккинчидан, улар сайловларда сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларидан мустақилдирлар.

Учинчидан, улар бошқа номзодларга нисбатан бевосита халққа яқиндирлар. **Мустақил номзодлар — халқ номзодларидир.** Халқ ишончи эса, ўз навбатида, Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек, олий масъулиятдир.

6-§. МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

Ушбу сайловларимизнинг яна бир янгилиги — Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказининг тузилиши. У жаҳон сайлов амалиётида биринчи марта тузилди. Янги марказ йигирмадан ортиқ таъсисчилар, жумладан, ташаббускор гуруҳлар вакиллари, мустақил номзодлар, маҳалла оқсоқоллари кенгашларининг раислари ва бир қатор нуфузли ноҳукумат ташкилотлари ташаббуси натижасида юзага келди. 1999 йил 23 сентябрда Марказнинг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда ушбу Марказнинг низоми қабул қилинди, шунингдек, раҳбар органлари тузилди. Адлия вазирлиги томонидан рўйхатта олинди ва низомга кўра нодавлат, ноҳукумат ташкилоти ҳисобланади. Марказга унинг мақсадларини қўллаб-қувватловчи барча ташкилотлар, мустақил номзодлар ва ташаббускор гуруҳ вакиллари жамоа шаклида ва шахсан аъзо бўлишлари мумкин. Марказнинг бўлимлари барча вилоятларда фаолият кўрсатмоқда.

Марказнинг асосий мақсади **Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига,** барча даражалар — туман, шаҳар, вилоят ва республика вакиллик орган-

ларига бўладиган сайловларда фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатиладиган мустақил номзодларни ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда доимий қўллаб-қувватлаш ва бу билан ҳақиқий кучли фуқаролик жамияти қуриш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, эркин, адолатли сайловларни ўтказиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, фуқаролар, жамият ҳамда давлат манфаатларини уйғунлаштиришга кўмаклашишдан иборатдир.

Марказ бунинг учун мустақил номзодларга фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларини тузишда ва уларнинг сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинишида кўмаклашади, сайловларда мустақил номзодларнинг умумий рўйхатини тузади, уларга сайловолди кампаниясини ўтказишда, хусусан, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш учун имзо тўплашда, учрашувлар ва ташвиқот ишлари олиб боришда ёрдам беради, мустақил номзодларнинг кузатувчиларини тайинлаш қилиш, жалб қилишда кўмаклашади. Бундан ташқари, мустақил номзодларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, уларнинг сайлов ҳуқуқлари, ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш воситалари ва усуллари тўғрисида тавсиялар беради. Мустақил номзодларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашади ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Шунингдек, фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларига сайловларда иштирок этаётган мустақил номзодлар тўғрисида мунтазам маълумотлар бериб боради.

Марказ маълумотларидан фойдаланган ҳолда сайлов кампаниясида иштирок этаётган мустақил номзодларнинг социологик портретини кўришимиз мумкин. Уларнинг тўртдан бир қисми вилоятлардаги жамоа хўжаликлари, фермерлик уюшмалари вакиллари, қисқаси, қишлоқ тадбиркорларидир. Саноат ва ишлаб-чиқариш муассасалари, бирлашмалар, фирмалар ходимлари иккинчи ўринда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар, қишлоқ йиғинлари вакиллари учинчи ўриндадирлар. Мустақил номзодларнинг салмоқли қисмини халқ маорифи ходимлари — педагоглар, шунингдек, шифокорлар ташкил қилади. Номзодлар орасида давлат идоралари хизматчилари кам, ноҳукумат ташкилотлари вакиллари эса анчагинадир. Шуниси эътиборга

сазоворки, **уларнинг асарияти илк бор парламентга номзод сифатида кўрсатилаяптилар**.

Мустақил номзодларнинг ҳар бири ўз сайловолди дастурларига эга. Шу билан бирга, айтиш керакки, мамлакатимизнинг истиқболи, халқимизнинг муштарак манфаатлари, истиқлолимизнинг муқаддаслиги ғоясига содиқлик мустақил номзодларимиз дастурларининг ўзагидир.

Маҳаллалар, ноҳукумат ташкилотларнинг номзод кўрсатишдаги фаоллигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бунинг бир қатор сабаблари бор.

Аҳолининг аксарият қисми — 90 фоизи на сиёсий партияларга бирлашган, на давлат органларига тегишлидир. Ўзбекистонда эса аҳолининг деярли ҳаммаси маҳаллаларга бирлашганлар, бунинг устига 2300 дан ортиқ ноҳукумат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Улар аҳолининг аксарият қисми манфаатини акс эттиради. Улар томонидан ташаббускор гуруҳларнинг тузилиши ва мустақил номзодларнинг кўрсатилиши ва қўллаб-қувватланиши бевосита демократиянинг намоён бўлиши ва аҳоли сиёсий фаоллигининг ошиб бораётганлигининг далилидир.

Янги Марказнинг ташкил этилишига бўлган муносабат ҳам ўзига хосдир. Масалан, аҳоли, маҳалла фаоллари, ёшлар, хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотлари томонидан Марказнинг фаолияти катта қизиқиш билан кутиб олинди ва астойдил қўллаб-қувватланмоқда.

Сиёсий партияларнинг муносабатини эса бир хил деб бўлмайди. Айрим партия ходимлари Марказнинг тузилишига салбий муносабат билдириб, «барқарор кўппартиявийлик тўлиқ шаклланмаган даврда мустақил номзодлар институтининг киритилиши ва уларни қўллаб-қувватловчи Марказнинг ташкил этилиши зарурмиди» деган фикрларни ҳам айтмоқдалар. Лекин ушбу институтнинг киритилиши оқибатида партиялар синовдан ўтишлари ва сайловчилар овозларини йўқотсалар, бундан демократик жараён ютишини айтиб, бизни қўллаб-қувватлаётган худди шу партияларнинг вакиллари ҳам талайгинадир.

«Мустақил номзодларни Марказга бирлаштириш уларнинг ҳуқуқларини, мустақиллигини чеклашга олиб келмайдими?» деган фикрлар ҳам билдирилмоқда. Йўқ, албатта. Марказ мустақил номзоднинг на сайловолди дастурига, на унинг келажакда парламент ва маҳаллий

вакиллик органларидаги фаолиятига таъсир кўрсатади. Марказ уларга фақат ҳуқуқий ва маънавий томондан кўмаклашади, холос.

Марказнинг истиқболи хусусида сўзлаш бироз қийинроқ, чунки Марказ ҳозирги кун сиёсий ҳаёти — сайлов эҳтиёжлари натижасида вужудга келди. Бугунги кунда бизнинг асосий мақсадимиз — ушбу сайловларда мустақил номзодларни қўллаб-қувватлашдир.

Ҳозирги сайловолди кампанияси қизғин давом этмоқда. Марказга мурожаат қилувчилар сони ҳам кундан-кун ортиб бормоқда. Лекин, табиий савол туғилади: сайловолди кампанияси даврида ва сайловларда фаол қатнашиш имкониятига эга бўлган ушбу Марказ, сайловлардан кейин қандай ишлар билан шуғулланиши мумкин, унинг фаолияти навбатдаги сайловларга қадар тўхтаб қолмасмикан?

Маълумки, Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларининг иш фаолияти жараёнида баъзи депутатларнинг маълум сабаблар туфайли муддатидан олдин ўз вазифаларини зиммаларидан соқит қилишлари, ваколатларини тўхтатиш амалиёти ҳам мавжуд. Марказнинг **биринчидан,** сайловлардан кейин айни ўша ўрни бўшаб қоладиган депутатлар учун номзодлар кўрсатилишида фаол иштирок этиши кўзда тутилмоқда. **Иккинчидан,** Олий Мажлисдаги бўлажак мустақил депутатлар гуруҳи билан ҳамкорликда иш олиб бориш, фикримизча, Марказнинг устувор вазифаларидан бири бўлмоғи лозим. Марказнинг келгусидаги яна бошқа вазифаларини, истиқболини ҳаёт, вақт кўрсатади.

Марказнинг асосий мақсади, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлашга келсак, биз уларнинг мамлакат парламенти ва жойлардаги вакиллик органларидан ўз муносиб ўринларини эгаллашлари ва келажакда парламентда мустақил депутатлар гуруҳи ишида фаол иштирок этишларига тўла ишонамиз. Бинобарин, **мустақил номзодлар** бевосита Президентимиз Ислом Каримов давлат раҳбари сифатида доимо ардоқлаб, суяниб келган **буюк халқнинг вакилларидирлар.** Халқ билан маслаҳатлашиб, дардлашиб, халқ билан парламент ҳукумат ўртасидаги соғлом, эзгулик билан йўғрилган муносабатни авайлаб сақлаш, мустаҳкамлашда, истиқболда адолатли, ҳуқуқий, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақил депутатларнинг ўрни каттадир.

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини шакллантиришга астойдил бел боғлаган эркин юртдир. Бундай адолатли жамият яратилишининг тақдири охир оқибатда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онги ва сайлов маданияти даражасига, қонунга муносабатига боғлиқ бўлади. Замон чинакам халққа боққан, Ватаннинг тақдири халқ ихтиёрига топширилган қимматли дамларни бошимиздан кечирмоқдамиз. Тез орада Ўзбекистон парламенти биз сайлаган, ҳар бир уй, кўча, маҳалланинг вакили — ҳар биримизнинг вакилимиз бўлмиш мустақил номзодлар билан тўлади. Улар эса, депутат сифатида ўз кучлари, билимлари ва барча имкониятларини Ватанимиз равнақи учун хизмат қилишга бағишлайдилар.

7-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЕФЕРЕНДУМ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида: «жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади» — дейилган.

Референдум (лотинча referendum — хабар (маълум) этилиши керак бўлган нарса) — алоҳида жамият ва давлат аҳамиятига молик масалани ҳал қилиш учун умумхалқ овозига, сўровига қўйишдир.

Референдум — бевосита демократиянинг энг муҳим конституцияларидан биридир. Референдумга иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларга тааллуқли муҳим масалалар қўйилади. Чунончи, 1991 йилнинг 29 декабрида ўтказилган референдумга Ўзбекистон халқи давлат мустақиллиги эълон қилинганлигини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб овоз берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи белгиланган. Фуқаролар бундай ҳуқуқни ҳар хил шакллардаги сиёсий-ташкилий тадбирларда, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида, референдумларда вакилларини сайлаш, давлат органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини амалга оширишда қатнашиш орқали амалга оширадилар.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг олий шакли — референдумда қатнашиб, овоз беришдир. Агар давлат ўз конституция ва қонунларида референдумлар ўтказилиши, яъни умумхалқ овоз беришини ва уларда фуқароларнинг қатнашиш ҳуқуқини ҳамда бу ҳуқуқни амалга ошириш йўл-йўриқларини белгилаб қўйган бўлса, бундай давлатни жаҳондаги энг илғор демократик давлатлар қаторида *санаш* мумкин.

Ўзбекистон Республикасида референдум давлатнинг демократик белгиларидан бири сифатида Конституцияда ва 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Мазкур қонун 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинди. Референдум — жамият ва давлат ишларини бошқаришда халқ иштирокининг олий шакли. Референдумда иштирок этаётган фуқаро ижтимоий ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан овоз бериш йўли билан ўз эркини ифодалайди. Демак, жамият ва давлат ривожининг энг муҳим масалаларини ҳал этиш фуқаролар ихтиёрига ҳавола этилади.

Бундай ҳуқуқни амалга оширишда фуқаролар бевосита ўзи, яъни ҳеч қандай вакил (воситачи)ларсиз иш кўради. Шу маънода фуқаронинг референдумда иштирок этишини ҳатто сайловда иштирок этиш билан ҳам тенглаштириб бўлмайди. Агар сайлов вакилни сайлаш бўлса, референдумда овоз бериш фуқаронинг вакилисиз, яъни ўз ихтиёрига ҳавола этилган масала бўйича эрк изҳор этишидир. Демак, фуқаро учун бундай овоз бериш қандайдир маънода жуда афзалдир.

Бундан ташқари, референдум *орқали* қабул қилинган қонун (қарор)лар олий юридик кучга эга бўлади. Улар фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бу ерда хулоса шуки, фуқаро ўзи бевосита овоз бериб билдирган эркининг кучи сайлаб қўйган вакиллари орқали қабул қилинган қонун (қарор)лардан ҳам юқори даражада юридик кучга эга.

Қонунда референдумни ўтказиш принциплари мустаҳкамлаб қўйилган (3-модда). Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда ихтиёрий тарзда ва бевосита иштирок этадилар.

Референдумда овоз бериш яширин ўтказилади, фу-

қароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини изҳор этишларини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда тенг асосларда иштирок этадилар. Ҳар бир фуқаро шахсан овоз беради ва бир овозга эга бўлади.

Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш давомида кенг ошкоралик, жамоатчиликнинг иштироки таъминланади.

Қонунда референдум предметига кирмайдиган масалалар ҳам кўрсатилган. Жумладан, республиканинг ҳудудий бир бутунлигини ўзгартириш тўғрисидаги, солиқлар, бюджет тўғрисидаги, амнистия, афв этиш тўғрисидаги, жамоат тартибини, аҳолининг сиҳат-саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавқулодда ва шошилинч чора-тадбирлар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги масалалар, шунингдек, мансабдор шахсларни тайинлаш ва озод этиш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг референдумига қўйилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ташаббуси билан:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти;

Қорақалпоғистон Республикаси номидан унинг давлат ҳокимияти олий органи чиқиши мумкин.

Референдумни тайинлаш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши эгадир.

Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш чоғида ошкоралик ва очиқлик алоҳида аҳамият касб этади. Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, оммавий ҳаракатлар, референдумни ташкил этишда ва уни ўтказишда қатнашаётган давлат ва жамоат идоралари ўз фаолиятларини очиқ ва ошкора амалга оширадилар.

Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, бошқа жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатлар, меҳнат жамоалари ва фуқароларга референдумга киритилажак масалани ёқлаб ёки унга қарши бемалол ташвиқот юргизиш ҳуқуқи кафолатланади.

Овоз бериладиган кунда ташвиқот олиб бориш ман этилади.

Референдумга оид барча масалалар, шунингдек, референдумга киритилажак қонун ёки ўзга қарорларнинг лойиҳалари тегишли идоралар томонидан қабул қилингандан кейин етти кун мобайнида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Оммавий ахборот воситалари референдумни тайёрлаш қандай бораётганини ва унинг ўтишини ёритиб турадилар, уларнинг вакилларига референдум билан боғлиқ бўлган барча йиғилишлар ва мажлисларга бемалол кириш ва тегишли ахборотни олиш кафолатланади.

Референдум комиссиялари ўзларининг таркиби, манзилгоҳи ва иш вақтидан, овоз бериш участкаларининг ташкил этилганлигидан ва референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатидан аҳолини ўз вақтида воқиф қилади.

Референдум комиссияларининг мажлисларида, шунингдек, овоз бериш вақтида ва овозларни ҳисоблаб чиқиш чоғида, референдумнинг натижаларини аниқлаш пайтида сиёсий ва ўзга жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатларнинг, меҳнат жамоаларининг, фуқаролар йиғилишларининг, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлишга ҳақлидирлар. Комиссияларнинг мажлисларида ёки овоз бериш участкаларида ҳозир бўлган шахслар уларни йўллаган ташкилот йиғилишининг баённдан тасдиқланган кўчирмага ёки ўзларининг ваколатларини тасдиқловчи ўзга ҳужжатга эга бўлишлари керак. Мазкур вакиллар ҳозир бўлиши кутилаётганлиги тўғрисида референдум ўтказувчи комиссияларни олдиндан воқиф этиш талаб қилинмайди. Референдум ўтказувчи комиссиянинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва уларнинг бирлашмалари зарур хоналар ва жиҳозларини референдум ўтказувчи комиссиянинг ихтиёрига бепул берадилар. Давлатга қарашли бўлмаган корхоналар ва ташкилотларнинг хоналари ва жиҳозларини референдум ўтказувчи комиссия иши учун ижарага олиш ҳақи республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Демак, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари

жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади.

8-§. ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ВА У ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

«Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиши» Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўзда тутилган бўлиб, (9-модда) **умумхалқ муҳокамаси — конституциявий демократик жараёндир.** Фуқаронинг қонунлар лойиҳаларининг муҳокамасида қатнашиши, таклиф ва мулоҳазаларини билдириши ҳамда кўпчилик томонидан билдирилган фикрларнинг ҳисобга олиниши бевосита демократиянинг амалий намоён бўлишидир.

Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ўзларининг «Тузуклар»ида: **«Ниманки муҳим иш қилсам, аввал машварат ўтказдим, маслаҳатлашдим»,** — деб лутф қилган эдилар. Хоҳ ҳарбий соҳада бўлсин, хоҳ давлатчиликнинг арконлари йўлида бўлсин, соҳибқироннинг барча тадбирлари изчил муваффақият қозонганлигининг, Амир Темур салтанати қудратининг бош сабаби, эҳтимол, ана шунда — ҳар бир муҳим ишнинг халқ билан маслаҳат қилинганида эди. Қолаверса, халқ ҳокимияти ҳисобланган демократиянинг бош принципи ҳам шу — халқни унинг иродасига кўра бошқармоқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавобларида миллий мафкура борасида гапирганида: **«Бундай мафкура шу мамлакатда яшайдиган барча аҳолининг, дейлик, ҳар бир деҳқон, ишчи ёки хизматчининг, зиёлининг юрагидаги ғоялар, туйғуларни мужассам этиб, унга бунёдкорлик руҳини бахш этиши лозим»,** — деган эди. Бу фикр қонунчилигимизга нисбатан татбиқ қилинганда ҳам тўғридир. Зеро, қонунлар ҳам халқнинг юрагидаги туйғуларга мос келганда, элни ўйлантирган фикрларни ўзида мужассам қилгандагина одамларга бунёдкорлик руҳини бахш этиши мумкин.

Парламентимиз томонидан қабул қилинган бир қанча қонунларнинг лойиҳалари аввал умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиб, билдирилган таклиф ва мулоҳаза-

лар асосида қабул қилинади. **«Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинишининг қандай зарурати бор?** Қонунлар лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг аҳамияти нималардан иборат?

Биринчидан, мамлакатимизда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг моҳияти акс этган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: **«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади»,** — дейилган (2-модда). Конституцияда **«давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб»** амалга оширилиши (7-модда), **«давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши»** (14-модда) кўзда тутилган.

Иккинчидан, эътироф этиш керак, эркин, очиқ ва бевосита сайловлар демократиянинг асосида ётади. Аммо сайловлар орасида анчагина муддат бор. У сайловдан бу сайловгача ҳокимиятни халқ билан боғлаб турадиган, демократик тузум моҳиятини намоён қиладиган, халқнинг давлатни бошқаришдаги иштирокини таъминлайдиган жараёнлардан бири қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасидан ўтказилишидир.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади», — деган муҳим қоида мавжуд. Халқдан келадиган турли фикрларнинг ҳисобга олинишига ва сиёсатимизнинг адолатни таъминланишига хизмат қиладиган жараён сифатида қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси ҳурфикрликка ҳам йўл очади.

Тўртинчидан, истиқлол шарофати билан қонунга халқ томонидан давлат одамларнинг ҳаракатини чеклаш учун юқоридан белгилайдиган чегара эмас, аксинча, халқ манфаатларини ҳимоя қиладиган, одамларнинг ўзлари иштирокида ишлаб чиқиладиган меъёр сифатида қаралмоқда. Яъни қонунга — тор идоравий қоғозбозлик меваси эмас, халқ ижодкорлигининг маҳсули сифатида қараш шаклланмоқда ва бу жуда муҳим ҳодисадир.

Бешинчидан, қонунларнинг умумхалқ муҳокамаси уларнинг бажарилишига ҳам бевосита таъсир қилади. Ахир, одамлар ўз иродаларини ифода этиб, ўз хоҳиш

истаклари асосида қабул қилинган қонунларни осон қабул қиладилар, бажонидил ижро этадилар.

Олтинчидан, қонунларнинг умумхалқ муҳокамаси одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий давлат барпо этиш учун фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш энг муҳим масала бўлиб келмоқда. Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ўтказилар экан, бир томондан, қонун лойиҳаси мукаммаллашади, иккинчи томондан, муҳокамага қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари, демократик жараёнга кўникмаси ошади.

Еттинчидан, қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасидан ўтиши унинг «легитимлиги»ни — халқ наздидаги ҳурмати ва қадрини таъминлайди.

Саккизинчидан, энг муҳими, Ўзбекистон Президенти олдимизга қўйган талаб — «Кучли давлатдан кучли жамият сари!» ҳаракатланишимизда халқни қонунчилик жараёнига тортиш, фуқароларимизни фаоллаштириш катта аҳамиятга эгадир.

Истиқлол йилларида анъанага кирган ва қонунчилик фаолиятимизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига чиқариб, маромига етказиш тажрибасидир. Мустақиллик йилларида қабул қилинган ҳар 8 қонундан биттаси умумхалқ муҳокамасига чиқарилди, яъни жами 30 та қонун лойиҳаси халқимизнинг бевосита иштирокида, фуқароларнинг таклифлари, мулоҳазалари асосида тайёрланди.

Бу қонунлар қаторига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Ҳўжалик процессуал кодекси, Солиқ кодекси, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар лойиҳалари киради.

Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасидан ўтказишга намуна бўладиган мисол — бу мустақиллигимиз қомуси бўлмиш Конституциямиз лойиҳасини халқ муҳокамасидан ўтказилганидир. Конституциямиз лойиҳаси икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди ва натижада Президентимиз таъкидлаганларидек, **«халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди».**

Умумхалқ муҳокамасидан ўтган Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ қатнашди. **«Кон-**

ституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир».

Энг муҳим қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш қонун яратувчилик фаолиятимизнинг таркибий қисмига айланди. Аммо шунга қарамасдан, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш, ўтказиш, муҳокамага якун ясаш, якунларни эълон қилиш каби масалалар бирор-бир қонун билан тартибга солинмаган. Бошқача айтганда, қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг ҳуқуқий асослари яратилмаган.

Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига чиқариш мумкинлиги Конституциямизнинг 9-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисидаги конституциявий қонунда, парламентимиз регламентида, қонун лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисидаги қонунда айтилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги[1] қонуни 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган. У беш боб, йигирма етти моддадан иборатдир.

«Қонун лойиҳаларининг умумхалақ муҳокамаси тўғрисида»ги қонун жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига дахлдор қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Мазкур сиёсий тадбирда иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди.

Мазкур қонун жаҳон қонунчилик амалиётида ўзига хос янгиликдир, чунки ҳали бирор-бир мамлакат парламенти томонидан бундай қонун қабул қилинмаган.

Қонунда кафолатланишича, умумхалқ муҳокамасининг асосий принциплари ихтиёрийлик, тенглик, ошкоралик, ҳамма учун очиқлик, эркин фикр билдириш принципларидир. Айнан шу принциплар асосида фуқароларнинг қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишга бўлган ҳуқуқлари таъминланади.

Қонунда қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш тартиби, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасини ўтказиш бўйича ваколатлари белгиланган.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2001. № 1—2. 14-модда.

Қонунда умумхалқ муҳокамаси якунларини умумлаштириш ва хулоса чиқариш тартиби белгиланган.

Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари парламент учун қонун лойиҳаларининг муҳокамаси якунлари тўғрисида, тушган таклиф ва мулоҳазалар хусусида тегишли тавсиялар баён қилинган ахборот тайёрлайди.

Олий Мажлис муҳокама якунларини кўриб чиқиб, қонунни қабул қилиши ёки лойиҳани қўшимча ишлашга юбориши ёхуд уни рад қилиши мумкин. Муҳокама якунлари тўғрисидаги ахборот Олий Мажлис томонидан кўриб чиқилгач, эълон қилинади.

Шундай қилиб, «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонун қонунларнинг адолатлилиги, ҳаётийлиги ва халқчиллигини, яъни халқ иродасига мувофиқлигини таъминлайди ҳамда фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг ўсишига, уларнинг демократик ислоҳотлар жараёнида бевосита ва онгли иштирок этишига хизмат қилади.

XXII б о б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

*** ДЕПУТАТ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**
*** ДЕПУТАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ**
*** ДЕПУТАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДЕПУТАТНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

1-§. ДЕПУТАТ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва бошқа вакиллик органларига бевосита ўз вакилларини — депутатларни сайлайди. Бу идораларда фаолият юритувчи депутатлар халқнинг ваколатли мухтор вакиллари ҳисобланадилар. Депутат тегишли ҳокимият органида, аввало, уни сайлаган халқнинг, шунингдек, ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг манфаатларини ифода этади.

Депутатнинг асосий вазифаси парламентнинг қонун чиқариш фаолиятида фаол иштирок этишдир. У айнан мана шу қонун ижодкорлиги жараёнига юқорида зикр этилган манфаатларни акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесининг депутатлари қонун чиқариш ҳокимиятини амалга оширишда, яъни қонун лойиҳаларини тайёрлашда, уларни қўмита ва комиссиялар ҳамда сессия мажлисларида муҳокама қилишда, қонунларни қабул қилишда қатнашадилар.

Юридик адабиётларда парламент депутати кимнинг

манфаат ва иродасини рўёбга чиқаради, деган масала хусусида мунозара мавжуд: бутун халқнинг манфаатиними ёки фақат ўз сайловчиларининг манфаатиними? Бу саволга аниқ жавоб бериш учун **депутатлик мандатининг** табиатини очиш лозим.

Суверенитетни француз мутафаккури Жан Жак Руссо каби тушунувчилар халқ суверенитетини (умумий иродани) тақсимлаб депутатга инъом этиб бўлмайди, унга фақат ҳокимият ваколатларини бериш мумкин, дейдилар. Ж. Ж. Руссонинг ўзи шундай хулоса қилган: «Халқ депутатлари халқнинг бевосита вакили бўла олмайдилар, улар фақат ундан ваколат олган кишилардир»[1]. Халқ депутатларга ҳокимият ваколатларини инъом этади, депутатлар эса қонун қабул қилиш орқали халқнинг умумий иродасига мувофиқ ҳаракат қиладилар.

Бу фикрдан депутатнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи муҳим принцип — яъни императив мандат принципи келиб чиқади. Унга кўра, сайловчилар ўз депутатларига бажарилиши шарт бўлган топшириқлар бера оладилар, ишончни оқламаган депутатни муддатидан олдин вазифасидан чақириб олишлари мумкин. Таъкидлаш лозимки, хорижий мамлакатларда депутатлар ва сайловчилар ўртасида тўғридан-тўғри вакиллик муносабатлари йўқ. Боиси, депутат сайловчиларнинг алоҳида гуруҳининг эмас, балки бутун халқнинг, бутун миллатнинг вакили деб ҳисобланади. Шунга кўра, депутат «эркин мандат»га эга, яъни ўз номидан чиқишлар қилар экан, барча фуқароларнинг манфаатларини ифодалаши шарт. Масалан, Италия Конституциясининг 67-моддасида эътироф этилишича, «парламентнинг ҳар бир аъзоси бутун миллатнниг вакили ҳисобланади ва ўз вазифаларини мажбурий мандатсиз бажаради».

Ривожланган демократик мамлакатларнинг Конституциялари эркин мандатни мустаҳкамлаб қўяди ҳамда депутатнинг эркинлигини чекловчи ва унинг сайловчилар томонидан чақириб олинишини назарда тутувчи императив мандатдан ҳимоя қилади.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, парламент депутатлари ҳам ўз сайловчилари манфаатини, ҳам бутун халқ манфаатини акс эттирадилар, халқ иродасини ифодаловчи қонунлар қабул қиладилар. Ўзбекистон

---

[1] *Руссо Ж. Ж.* Трактаты. — М.: Наука. 1969, 222-бет.

Республикасининг Конституциясида халқ депутатлари ҳуқуқий мақомининг конституциявий асослари мустаҳкамланган.

Депутатнинг ҳуқуқий мақоми — унинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларининг бир бутун мажмуидир.

Асосий қонунда таъкидланишича, Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар. Олий Мажлис депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар. Депутатлар ўзлари сайланган органлар орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этадилар. Депутатлар ўз сайловчилари олдида масъул ва ҳисобдордирлар (Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисидаги қонуннинг 4-моддаси).

Конституциянинг 87-моддасига кўра, Олий Мажлис депутатларига белгиланган тартибда уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар қопланади. Олий Мажлисда доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас. Мазкур конституциявий қоидани изоҳлашда шуни таъкидлаш жоизки, конституциявий ҳуқуқда депутатнинг ҳуқуқий мақоми **индемнитет** ва **иммунитет** тушунчалари орқали тавсифланади.

«Индемнитет» деганда, одатда, депутатга парламентдаги иши учун турли моддий рағбатлар берилиши тушунилади, бунда, аввало, профессионал парламент фаолияти учун ҳақ-тўловлар ажратилиши назарда тутилади[1]. Маълумки, депутатларнинг парламентдаги вазифаларини адо этишлари муайян харажатлар сарф бўлиши билан боғлиқдир. Масалан, депутатлар ўз хизмат турар жойи учун, депутатлик фаолияти жараёнида мутахассисларни жалб этгани учун, хизмат сафарлари, турли ёзишмалар учун, ахборот манбаларидан (воситаларидан) фойдалангани учун хилма-хил тўлов киритишга тўғри келади. Шу сабабли, уларга мазкур харажатларни қоплаш учун маълум миқдорда пул маблағлари ажрати-

---

[1] Қаранг: Конституция Российской Федерации. Комментарий/ Под общей ред. Б. Н. Топорнина и др. — М.: Юрид. лит., 1994. С. 443.

[2] Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ.— Т., 1995. 213-бет.

лади[2]. Бизнинг мамлакатимизда бу муносабатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари фаолиятининг таъминоти тўғрисида»ги низом билан тартибга солинади.

Бу ҳужжатга мувофиқ, Олий Мажлиснинг депутатлари фаолиятини амалга ошириш учун ўзларининг асосий ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилинишлари мумкин. Депутатларнинг зарур ҳолларда доимий асосда ишлашга жалб этилиши масаласи тегишли қўмита раисининг тақдимига мувофиқ, Олий Мажлиснинг Раиси томонидан ҳал этилиши мумкин. Доимий асосда ишлайдиган депутатларга эса белгиланган миқдорда иш ҳақи берилади. Олий Мажлис депутатларига депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар учун ой сайин энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида даромад солиғи олинмайдиган маблағлар тўлаш кўзда тутилган.

Депутатлар Олий Мажлис сессияларида унинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссияларининг мажлисларида қатнашиш вақтларида, шунингдек, Олий Мажлис раҳбариятининг топшириқларини бажариш мақсадида сафарда бўлган вақтларида асосий иш жойларидаги ўртача иш ҳақи сақланади, уларга суткалик пул тўланади ҳамда меҳмонхонада туриш билан боғлиқ харакажатлар қопланади.

Депутатлик юксак нуфузли лавозим ҳисобланади. Шу боис, депутат ўзининг асосий вақтини сайланган ишига бахшида этиши олий шарафдир. Мана шу муносабат билан парламентда доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мақсадга мувофиқ эмас.

Шунингдек, улар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари ҳам мумкин эмас. Мазкур конституциявий қоида депутатликнинг бошқа мансаб билан номутаносиблиги принципини мустаҳкамлайди. Бир қатор мансаб лавозимларининг депутатлик билан номутаносиблиги принципи депутатнинг молиявий ва иқтисодий жиҳатдан муайян таъсир доирасига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган. Депутат бундай омиллар таъсиридан холи бўлса, хусусий манфаатларни чеклай олса, халқ, жамият манфаатларини холис ва тўла-тўкис ифодалаш имкониятига эга бў-лади.

Юқоридаги конституциявий қоидадан амалиётда айрим истисноларга йўл қўйилади. Яъни, доимий

асосда парламентда ишлайдиган депутатлар педагогик ва илмий-ижодий фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Бундан депутат таълим, илм ва ижод билан шуғулланувчи муассасаларда ҳамда жамоат бирлашмаларида маъмурий лавозимларни эгаллаши мумкин, деган маъно келиб чиқмайди. Масалан, у олий ўқув юртининг ректори ёки проректори, Ёзувчилар уюшмасининг раиси бўлишга ҳақли эмас. Ижодий фаолият билан шуғулланган депутат, албатта бунинг учун бериладиган қалам ҳақи олишга ҳақли.

«Иммунитет» — депутатнинг дахлсизлиги, яъни депутатлик фаолиятининг энг муҳим кафолатининг ҳуқуқий ифодасидир. Иммунитет депутатнинг жавобгарликка тортилмаслиги ва дахлсизлигини англатади.

Депутатнинг жавобгарликка тортилмаслиги унинг сўз ва овоз бериш эркинлигида ифодаланиб, маъноси шундаки, парламент аъзоси олий вакиллик органи мажлисларида билдирган фикри ва берган овози учун жавобгарликка тортилмайди. Жавобгарликка тортилмаслик депутат учун имтиёз эмас, балки халқ манфаатини ифода этишдаги масъулиятдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси депутатлик иммунитетини назарда тутувчи қоидани мустаҳкамлайди: «Олий Мажлис депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлиснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас» (88-модда). Ушбу конституциявий қоида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатининг шаъни ва қадр-қимматини, шахсини муҳофаза этиш мақсадида, унинг муайян юридик жавобгарликка тортилмаслигини назарда тутади. Конституцияга мувофиқ, Олий Мажлис депутати давлат ҳокимияти олий вакиллик органларининг розилигисиз, сессиялар оралиғидаги даврда эса — Олий Мажлис Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида қўлланиладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Депутатлик фаолиятининг бундай кафолати депутат бўлган шахснинг жиноий ёки маъмурий тарзда асоссиз жавобгарликка тортилишининг олдини олишга қаратилган. Аммо унинг асло депутатни муайян жазодан қутқариш воситаси деб тушунмаслик керак.

Агар оддий фуқаронинг жавобгарликка тортилиш сабабларини ҳар томонлама текшириб кўриш лозим бўлса, депутатга нисбатан бу ишни янада чуқурроқ ва асосли тарзда амалга ошириш зарур. Шу боисдан, депутатни бирон-бир шаклдаги юридик жавобгарликка тортиш ҳақидаги таклиф билан Олий Мажлисга киришдан олдин, бу ишлар тегишли идоралар томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилади.

Олий Мажлис депутатининг қонунни бузиш билан боғлиқ ҳаракатига оид масалалар Олий Мажлис мажлисларида атрофлича муҳокама қилинади.

Олий Мажлис депутатига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин[1].

Дахлсизлик ҳуқуқи Олий Мажлис депутатини мажбуран келтириш, ушлаб туриш ҳамда унинг шахсий буюмларини, юки, транспорти, уй-жойи ёки хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўймасликда ҳам ифодаланади.

Депутатлик дахсизлиги депутатларнинг бутун ваколат муддати мобайнида амалда бўлиб, бу муддат тугагандан сўнг унинг амал қилиши тўхтайди.

«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонунга биноан, сессиялар оралиғидаги даврда Олий Мажлис Кенгаши иш жойидаги маъмурият ташаббусига кўра депутатларни ишдан бўшатишга розилик бериш масалаларини ҳам кўриб чи-қади.

Депутатнинг ҳуқуқий мақомига оид масалалардан яна бири Конституциянинг 82-моддасида акс эттирилган. Бунга кўра, парламент депутати Олий Мажлисда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга, яъни у ўзи ёки бошқа депутатлар билан биргаликда Олий Мажлисга қонун лойиҳаларини ёки қонунчиликка оид таклифларни тақдим эта олади.

«Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонунда (1995 йил 6 май) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари ви-

---

[1] Олий Мажлис депутатини жавобгарликка тортиш учун розилик олиш тартиби «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасида батафсил ёритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995, № 6. 114-модда.

лоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатларининг мақоми, энг муҳим ваколатлари ва депутатлик фаолиятининг кафолатлари мустаҳкамланган. Шунингдек, Олий Мажлиснинг Регламенти, Жўқорғи Кенгеснинг Регламенти, вакиллик органлари, қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги низомларда ҳам депутатларнинг ҳуқуқий мақомига оид қоидалар мавжуд.

Депутатлар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ, шунингдек, халқ депутатлари тегишли кенгашларининг қарорлари ва тегишли сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари асосида ташкил этадилар.

Депутатларнинг ваколатлари уларнинг ҳокимият вакиллик органларига сайланган кунидан бошланади.

Депутатнинг ваколатлари янги чақириқ ҳокимият давлат вакиллик органлари депутатлари сайланган кунда тугайди.

Маҳаллий кенгашларнинг депутатлари ўз депутатлик фаолиятини ишлаб чиқаришда фаол қатнашиш билан қўшиб олиб борадилар ва шунинг учун ўз депутатлик фаолиятини бепул амалга оширадилар.

Ҳар бир депутат ўз депутатлик фаолияти даврида ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчилар билан доимий равишда алоқа боғлаб турадилар, тегишли ҳокимият вакиллик органида уларнинг манфаатларини ифода этадилар, сайловчилар олдида масъулдирлар. Шунинг учун ҳам депутатлар доим аҳолининг ичида, бевосита аҳоли гавжум яшайдиган ва ишлайдиган жойларда фаолият кўрсатмоқлари зарур.

Депутатлар тегишли ҳокимият вакиллик органининг, бу орган тузадиган қўмиталарнинг, комиссияларнинг ишида фаол иштирок этишни таъминлайдиган барча ҳуқуқларга эга. Депутатлар бу органлар олдида масъулдирлар. Ҳокимият вакиллик органи депутатнинг ўз иши тўғрисидаги, қабул қилинган қарорлар ва ўзига берилган топшириқларни қандай бажараётганлиги ҳақидаги ахборотларни тинглашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасида депутат одоб-ахлоқ қоидаларига ҳам қатъий риоя қилиши лозим. Депутатнинг ўз мақомидан фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига зиён етказадиган тарзда фойдаланишига йўл қўйилмайди.

«Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, «де-

путатлик одоби бузилган тақдирда депутатнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала тегишли ҳокимият вакиллик органи ёки комиссия томонидан кўриб чиқилиши мумкин».

Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси депутатларининг ваколати муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

Депутатларнинг мақоми тўғрисидаги қонунда депутат ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш шартлари кўрсатилган. Бу қонунга мувофиқ:

1) депутат ўз ваколатини зиммасидан соқит қилган;

2) қонунга кўра, депутатлик ваколатини бажаришга номувофиқ лавозимга сайланган ёки тайинланган, унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган;

3) суд уни муомалага лаёқатсиз деб топган;

4) депутатликдан чақириб олинган;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган, вафот этган тақдирда, унинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилади.

Бундан ташқари, баъзи бир ҳолларда Олий Мажлис депутатининг ваколати Олий Мажлис қарори билан муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Унинг депутат деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвори бунга сабаб бўлиши мумкин.

2-§. ДЕПУТАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

Депутатлик фаолиятининг шакллари қонунда белгилаб қўйилади. Бунинг боиси, парламент аъзоларининг қонун ижод этиш фаолияти расмий тарзда ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган бўлиши лозим. Айни вақтда, мазкур фаолиятнинг муайян мезонлари ва кўламлари қатъий белгилаб қўйилишига сабаб, депутатларнинг ижроия ва суд ҳокимиятлари ваколати доирасига аралашиб кетишининг олдини олишдир.

Ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари ўз фаолиятларини асосан икки шаклда амалга оширадилар:

Биринчидан, уларнинг ҳокимият вакиллик органларидаги фаолияти;

Иккинчидан, сайлов округидаги фаолиятидир.

Депутатлар ўз ваколатларининг асосий қисмини ўзлари сайланган ҳокимият вакиллик органи фаолияти орқали амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига мувофиқ, сессия Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларининг асосий иш шакли ҳисобланади. **Шу ҳокимият вакиллик органлари сессияларида депутатлар ўз ваколатларини амалга оширадилар.**

Депутатнинг Олий Мажлис йиғилишида, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида амалга оширадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари депутатларнинг мақоми тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасида берилган. Бу қонунга асосан, депутат тегишли ҳокимият вакиллик органининг сессияларида, ўзи сайланган қўмиталар ва комиссияларнинг мажлисларида қатнашиши, уларнинг ишида фаол иштирок этиши шарт.

Депутат тегишли ҳокимият вакиллик органининг сессиясида кўриб чиқилаётган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади. «Депутат муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан баён қилган нуқтаи назари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас».

«Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, ҳокимият вакиллик органлари депутатлари:

— Олий Мажлис ва тегишли маҳаллий кенгашларнинг органларига сайлаш ва сайланишга;

— тегишли вакиллик органи қараб чиқиши учун масалалар таклиф этишга;

— сессияда муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва уларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга;

— қарор лойиҳалари ва уларга киритиш учун тузатиш таклиф этишга;

— тегишли вакиллик органи тузадиган органларнинг шахсий таркиби, ушбу вакиллик органи сайлаб қўядиган, тайинлайдиган ёки тасдиқлайдиган мансабдор шахсларнинг номзодлари хусусида ўз фикрини билдиришга;

— музокараларда қатнашишга, сўров билан мурожаат қилишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга;

— ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чи-

қишга ва овоз бериш сабаблари хусусида изоҳ беришга;

— Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, тегишли ҳокимият вакиллик органи қарорларининг бажарилишини текшириш ҳақида кўриб чиқиш учун масалалар таклиф этишга ҳақлидирлар.

Шунингдек, депутат сессияда муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклифи ва мулоҳазасининг матнини сессия стенограммасига киритиш учун раислик қилувчига топшириши ва қонунда назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

Олий ҳокимият вакиллик органлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг амалга оширилиши «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонунда юридик жиҳатдан кафолатланган. Масалан, ушбу қонуннинг 10-моддасида «Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес депутатининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибида киритилган таклифни Олий Мажлис ва Жўқорғи Кенгес мажлисида, албатта, кўриб чиқиб, қонун қабул қилиш; янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилиш; таклиф қилинган қонун лойиҳасини такомилига етказиш учун тегишли қўмиталар ва комиссияларга юбориш; қонун лойиҳасини, таклифни асосли рад қилиш сингари қарорлардан бирини қабул қилиш» билан кафолатланади.

Ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари ўзаро келишув асосида ва расмий равишда вакиллик органида тузиладиган партия фракцияларига, блокларига ва депутатлар гуруҳларига бирлашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳокимият вакиллик органларининг ижроия органлари, уларнинг мансабдор шахслари устидан назоратни амалга оширишнинг шакли сифатида **депутат сўрови** ҳуқуқига эгадирлар. Депутат сўрови, қонунда кўрсатилишича, сессияда давлат органлари ёхуд мансабдор шахсларга ижтимоий аҳамиятга молик масалалар юзасидан расмий тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиб бериш ҳақида қўйилган талабдир.

Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес депутати олий вакиллик органининг сессияларида Олий Мажлиснинг Раисига ва Вазирлар Маҳкамасига, Қорақалпоғистон

Республикасининг Жўқорғи Кенгеси Раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларга, давлатнинг бошқа органи раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан ташқари, олий ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларига, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига ҳам сўров юбориши мумкин.

Вилоят, туман, шаҳар депутатлари кенгаши эса тегишли ҳокимга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимлик бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек, кенгаш ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Сўров депутат ёки бир гуруҳ депутатлар томонидан ёзма равишда ёхуд оғзаки киритилиши мумкин. Ёзма равишда киритилган сўров ҳокимият вакиллик органининг сессиясида ўқиб эшитирилиши керак.

Сўров қаратилган давлат органи ёки мансабдор шахс сўровга кечи билан уч кун муддат ичида ёки тегишли ҳокимият вакиллик органи белгилаб қўйган бошқа муддатда, сессияда оғзаки ёки ёзма равишда жавоб бериши шарт. Сўров муносабати билан ўтказилган муҳокама натижаси бўйича қарор қабул қилинади.

Бундан ташқари, депутатлар оғзаки билдирган ёки ёзма равишда берган таклиф ва мулоҳазалар ҳокимият вакиллик органи унинг қўмиталари ёки комиссиялари томонидан кўриб чиқилади ёки кўриб чиқиш учун тегишли давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг органлари ва мансабдор шахсларга юборилади.

Давлатлар таклиф ва мулоҳазалар юборган давлат органлари ва мансабдор шахслар бу таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, кечи билан бир ой муддат ичида таклиф ва мулоҳазалар натижалари тўғрисида бевосита депутатга ва тегишли ҳокимият вакиллик органларига маълум қилишлари шарт.

Депутатларнинг таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш ҳамда уларни рўёбга чиқариш устидан назорат Олий Мажлис Кенгаши, Жўқорғи Кенгес, тегишли комиссиялар ва қўмиталар, ҳукумат, ҳокимликлар томонидан амалга оширилади.

Депутатлар тегишли ҳокимият вакиллик органлари тузган қўмита ва комиссиялар фаолиятида ҳам фаол қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қўмита, комиссия ёки бошқа органлар таркибига кирган депутат мазкур органлар кўриб чиқиши учун ҳар қандай масала ва таклиф киритишга, бу масала ва таклифларни кўриб чиқиш учун тайёрлашда, уларни муҳокама қилиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишда, шунингдек, қабул қилинган қарорлар рўёбга чиқарилишини ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга ҳақлидир.

Қўмита ёки комиссия таркибига сайланган депутат уларнинг ишида ҳал қилувчи овоз билан қатнашади.

Депутатлар фаолияти амалга оширилишининг иккинчи шакли уларнинг сайлов округларидаги фаолиятидир.

Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият вакиллик органлари депутатлари ўз сайлов округларида жуда катта иш олиб борадилар. «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасида депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти ва ҳуқуқлари батафсил кўрсатилган. Масалан, депутатлар сайлов округида ўз ваколатларини амалга ошириш учун тегишли ҳокимият вакиллик органи назорати остидаги ташкилотларда ўз сайлов округидаги фуқароларнинг муҳим манфаатларига тааллуқли бўлган ҳар қандай масала кўриб чиқилиши чоғида иштирок этиш, округ сайловчилари билан йиғилишлар, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партияларнинг ташкилотлари билан учрашувлар ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Депутат ўз депутатлик фаолиятига доир масалалар юзасидан матбуот органларида чиқиш, радио ва телевидение орқали сўзлаш борасида имтиёзли ҳуқуққа эга.

Бундан ташқари, депутат ўз сайлов округида аҳолини тегишли ҳокимият вакиллик органининг иши тўғрисида мунтазам хабардор қилиб туриши; қонунларнинг ва ҳокимият вакиллик органлари қарорларининг бажарилишини ташкил этиш ҳамда назорат қилишда иштирок этиши; жамоатчилик фикрини, аҳолининг талаб ви эҳтиёжларини ўрганиш, булар ҳақида тегишли давлат ҳокимият органларига хабар бериши, тегишли қонунлар ва қарорлар тайёрлаш чоғида ўз таклифларини киритиши шарт.

Депутатлар мақоми тўғрисидаги қонунда депутатларнинг ўз сайловчиларидан тушган таклиф, ариза ва

шикоятларни кўриб чиқиши, уларни ўз вақтида ҳал этиш чораларини кўриши, фуқароларни мунтазам равишда қабул қилиб туриши, сайловчилар олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб туриши кўрсатилган. Масалан, Олий Мажлис ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари йилига камида бир марта, вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутати эса йилига камида икки марта ўз иши тўғрисида сайловчиларга ҳисоб бериб туриши ва ўзи сайланган ҳокимият вакиллик органининг иши ҳақида ахборот бериб туриши шарт.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилган тақдирда ёки қонунийлик бузилган бошқа ҳолларда депутат давлат ҳокимиятининг вакили сифатида, ўша жойнинг ўзида бундай қоидабузарлик тўхтатилишини талаб қилишга ёки тегишли органлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳақлидир. Қонунбузарлик факти депутатнинг талаби билан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки назорат органининг вакили тузган баённомада қайд этилиши мумкин.

Депутат талаб билан мурожаат этган давлат органларининг мансабдор шахслари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари, корхона ва ташкилотларнинг маъмурияти, шунингдек, милиция ходимлари қонун бузилган ҳолларда бартараф этиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш учун зудлик билан чора кўришлари, кўрилган чоралар ҳақида депутатга маълум қилишлари шарт. Чора кўрмаган мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар[1].

3-§. ДЕПУТАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир депутатга ўз ваколатларини тўсиқсиз ва самарали амалга ошириш учун шароит яратилишига кафолат берилади ҳамда унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати муҳофаза қилинади. Депутатнинг шаъни ва қадр-қимматига қасд қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жиноий

---

[1] *Каюмов Р.* Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т.: Адолат. 307—308-бетлар.

ёки ўзга жавобгарликка тортиладилар. Депутатни ҳақорат қилган, унга нисбатан туҳмат қилган, унинг ишига тўсқинлик қилган, унга атайлиб сохта маълумот берган мансабдор шахслар қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Депутатлар депутатлик гувоҳномасини кўрсатиб, ўз ҳудудидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қаршиликсиз кириш, уларнинг раҳбарлари ва давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмаларининг бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Депутат барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаат қилишга ва ўртага қўйилган масалаларни кўриб чиқишда иштирок этишга ҳақлидир. Мазкур органлар ва мансабдор шахслар депутатнинг мурожаатига дарҳол, қўшимча равишда ўрганиш ёки текшириш зарур бўлган тақдирда эса, кечи билан бир ой муддат ичида жавоб қайтаришлари шарт.

Бундан ташқари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари депутатга ўз ваколатларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиб берадилар. Тегишли вакиллик органлари ва ҳокимликлар депутатни вакиллик органларининг қабул қилган ҳужжатлари билан таъминлайдилар, ахборот ва ёрдамчи материаллар билан таъминлашга кўмаклашадилар, депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар, шу жумладан, ҳуқуқий масалалар юзасидан мутахассисларнинг маслаҳатларини уюштирадилар.

Депутатларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳам қонун томонидан кафолатланади. Олий Мажлис депутати ўз ваколатлари даврида Олий Мажлиснинг, сессиялар оралиғидаги даврда эса Олий Мажлис Кенгашининг розилигини олдиндан олмасдан туриб, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона, муассаса ёки ташкилот ишидан маъмурият ташаббуси билан бўшатилиши, ўқув юртидан чиқариб юборилиши мумкин эмас. Бошқа вакиллик органлари депутатларига ҳам меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги қоида тааллуқли. Ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилган депутатнинг ҳокимият вакиллик органида ишлаган вақти умумий ва узлуксиз иш стажига,

аввалги ихтисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Олий Мажлис депутатига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан, Жўқорғи Кенгес депутатига нисбатан эса — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Олий Мажлис ва Жўқорғи Кенгес депутатини мажбуран келтириш, ушлаш, шунингдек, унинг шахсий буюмларини, юки, транспорти, уй-жойи ёки хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

Депутат ўзининг депутатлик дахлсизлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётган мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, қонунда кўрсатилишича, башарти депутат ўзи сайланган Кенгашга қарашли бўлмаган ҳудудда жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутатини жиноий жавобгарликка тортиш, ҳибсга олиш ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортиш учун розилик олиш талаб қилинмайди.

4-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДЕПУТАТНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Ўзбекистонда депутатни чақириб олишнинг қонуний мустаҳкамланганлиги халқ ҳокимиятчилигининг тўлиқ намоён бўлиши ва депутатнинг ўз сайловчилари олдидаги жавобгарлигини тасдиқловчи ҳолатдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида депутатни чақириб олиш асослари кўрсатилган. Депутатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини бузаётганлиги, депутатлик вазифаларини бажармаганлиги ёки сайловчиларнинг, шунингдек, депутатликка номзод қилиб кўрсатган органнинг ишончини оқламаётганлиги уни чақириб олиш учун асос бўлади.

Депутатни чақириб олиш тўғрисидаги таклиф ҳокимият вакиллик органи депутатлигига номзод кўрсатган

тегишли орган ёки тегишли сайлов округининг сайловчилари томонидан киритилади.

Қонунда кўрсатилган депутатликдан чақириб олиш асослари мавжуд бўлган тақдирда, депутатликка номзод кўрсатган тегишли орган, яъни сиёсий партиянинг олий органи ёки у ваколат берган орган вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари бу ҳақда қарор қабул қилиши мумкин. Мазкур қарор баённома билан ёки баённомадан кўчирма билан бирга олий Мажлис Кенгашига юборилади. Депутатни чақириб олиш тўғрисидаги таклиф асосли бўлса, ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида Олий Мажлис Кенгаши депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни ўтказиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилади ва уни Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига юборади.

Марказий Сайлов комиссияси Олий Мажлис Кенгашининг қарори олинган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида депутатни чақириб олиш бўйича округ комиссиясини тузади, овоз бериш кунини тайинлайди ва бу ҳақда Олий Мажлис Кенгашига маълум қилади.

Депутатни чақириб олиш зарурлиги масаласи сайловчиларнинг йиғилишларида ёки уларнинг вакиллари йиғилишларида ҳам муҳокама қилинади. Олий Мажлис депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклифни округда қўллаб-қувватлаган сайловчиларнинг сони сайлов куни рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг камида беш фоизини ташкил этиши керак.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатини чақириб олиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш тартиби юқорида кўрсатилган қонуннинг 5—6-моддаларида кўрсатилган, депутатни чақириб олиш эса маҳаллий кенгашлар округ сайлов комиссиялари орқали амалга оширилади.

Чақириб олинаётган депутатнинг ҳуқуқлари ҳам қонун билан кафолатланган. Масалан, ҳокимият вакиллик органлари, депутатга уни депутатликдан чақириб олиш тўғрисидаги таклиф хусусида ёзма билдириш хати юбориб, тушган ҳужжатларнинг нусхаларини унга илова қилиши керак. Депутат сайловчилар билан учрашишга, ўзининг чақириб олиниши тўғрисидаги масала кўрилаётган йиғилишлар, сессиялар ва мажлисларда иштирок этишга ҳамда ўзини ҳимоя қилишга ҳақлидир.

Депутатни чақириб олиш юзасидан овоз бериш яши-

рин бўлиб, депутатни чақириб олиш тўғрисидаги қонунларнинг талабларига мувофиқ ўтказилади. Овоз бериш чоғида, башарти, сайловчи депутатнинг ваколатлари сақлаб қолинишига тарафдор бўлса, бюллетендаги депутатнинг фамилиясини ўчирмайди, агар депутат чақириб олинишини ёқлаб овоз берса, депутатнинг фамилиясини ўчиради.

Овоз бериш натижаларини аниқлашда овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпи депутатни чақириб олишни ёқлаб овоз берган бўлса, у чақириб олинган ҳисобланади.

Овоз бериш натижасида депутат чақириб олинган бўлса, депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш якунлари қайд этилган пайтдан эътиборан унинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилган ҳисобланади.

XXIII б о б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ

*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ –ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ОЛИЙ ВАКИЛЛИК ВА ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ОРГАНИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАКОЛАТЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАРИ**
*** ОЛИЙ МАЖЛИС, ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР БЛОКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ РАИСИ ВА РАИС ЎРИНБОСАРЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ КЕНГАШИ ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚЎМИТАЛАРИ ВА КОМИССИЯЛАРИ**
*** ҚОНУН ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЗАРУРАТИ**

1-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ — ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ОЛИЙ ВАКИЛЛИК ВА ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ОРГАНИ

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси давлат ҳокимиятини амалга оширувчи органлардан бири сифатида таъсис этилади. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципига кўра, давлатнинг муайян органи қонун чиқариш ваколатларини адо этиши лозим. Бу масъулиятли вазифа мамлакат парламенти, олий вакиллик органи — Олий Мажлис зиммасига юклатилган.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти давлатнинг уч асосий таянчидир. Конституцияда ана шу учта ҳокимият идорасининг ўзаро уйғун фаолиятини таъминлаш воситалари, уларни давлат сиёсатининг умумий йўналишлари бўйича ўзаро муросага келтириш ва бу идораларнинг ўзаро бир-бирларини тийиб туриш механизмини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланган[1].

Ўзбекистон Республикасининг биринчи чақириқ Олий Мажлисининг тарихий 1-сессиясида (1995 йил 23 феврал) Президент И. А. Каримов бу ҳокимият идорасининг туб моҳияти ва асосий вазифаларини ёритиб берди. Шунга кўра, Олий Мажлиснинг конституциявий вазифаси — жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида амалга оширилаётган туб демократик, иқтисодий, ижтимоий-маънавий ислоҳотларни қонунчилик жиҳатдан ўз вақтида самарали таъминлашдан иборатдир. Олий Мажлис фаолиятининг бош мезонини адолат ғояси ташкил этади, у депутатлар корпуси қонун ижодкорлигининг асосий принципига айланди. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт[2], — деди Президент И. А. Каримов.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси халқ томонидан бевосита сайлов асосида шакллантириладиган орган бўлиб, унинг фаолиятининг асосий мазмунини қонун ижод этиш ташкил этади. Олий Мажлис ўз моҳият эътибори билан халқ эрки-иродасини қонун шаклида акс эттиришга сафарбар этилган. Давлат ҳокимияти воситасида ифодаланган халқ иродаси — олий қонундир.

Халқнинг олий иродаси давлатимизнинг олий вакиллик органлари — Олий Мажлис қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатларда — Конституцияда, қонун ва қарорларда ўз расмий ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида таъкидланишича, «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади». Мазкур конституциявий қоида асосида ва унга аниқлик киритиб, ҳаётга бевосита жорий этиш мақсадида 1994 йил 22 сентябрда «Ўзбекистон Республикасининг

---

[1] Қаранг: *Тожихонов У.* Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг маънавий-ҳуқуқий муаммолари. — Т., 1996. — 73-бет.

[2] *Каримов И. А.* Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Т., 1995. 13-бет.

Олий Мажлиси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни қабул қилинди.

Қонун Олий Мажлисга оид конституциявий нормани қуйидагича талқин этди: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси республикада қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органидир» (1-модда). Давлатнинг қонун чиқариш фаолияти унинг жамиятни бошқариш, унга сёсий-ҳуқуқий раҳбарлик қилиш борасидаги муҳим функциясидир.

Дунё парламентаризми тажрибасига биноан, қонун чиқариш ҳокимияти умумдавлат миқёсидаги вакиллик идораси томонидан амалга оширилади. Ушбу нуфузли ирода халқ томонидан сайланиб, ҳозирги замон сиёсий тилида **«парламент»** деб аталади.

Парламент давлат-ҳуқуқий институт сифатида ўзининг узоқ шаклланиш тарихига ва «улғайиш» босқичларига эга. Қадимги Юнонистон ва Римда парламент сайлаб қўйилган вакиллик органи сифатида мавжуд бўлган. Ўрта аср Европаси ҳаётида парламент илк бор XIII асрда табақа-вакиллик органи тарзида Англияда ташкил топган. Бу муассаса қонун чиқарувчи идора сифатидаги реал қиёфага XVII—XVIII асрлардаги буржуа ҳамда саноат инқилоблари туфайли эга бўлди. Бугунги кунда **«парламент» бутун дунёда халқ томонидан сайланадиган вакиллик муассасаси сифатида эътироф этилади.**

Парламент, аввало, давлат ҳокимияти муассасасидир. Унинг сиёсий-ҳуқуқий моҳиятини англатувчи икки жиҳати бор:

биринчидан, парламент халқдан ваколат олувчи **вакиллик органи;**

иккинчидан, халқ номидан **қонун чиқарувчи органдир.**

Бу икки жиҳат ўзаро узвий боғлиқ. Айнан сайлов йўли билан демократик тарзда шакллантирилганлик ва «халқдан мандат», ваколат, ижозат олганлик парламентга қонун чиқариш ҳуқуқини беради.

«Қонун чиқарувчи ҳокимият» ибораси давлат ҳокимиятининг битта тармоғини ва давлат фаолиятининг битта муҳим йўналишини англатиш учун қўлланилади. Қонун чиқариш парламентнинг ўта муҳим, бироқ ягона функцияси эмас. У маълум маънода жамиятни бошқариш, ҳуқуқий тартибга солиш стратегиясини белгилаш ва қонунлар ижросини назорат қилиш функцияларини ҳам бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси давлатимизнинг **«олий вакиллик органи»** деган ибора хусусида профессор Р. Қ. Қаюмов алоҳида тўхталиб қўйидагиларни ёзади: «Олий вакиллик органи халқнинг сайлаб қўйилган вакиллари бўлиб, улар асосан қонун чиқариш билан шуғулланадилар (ҳамма вакиллик органлари ҳам, яъни маҳаллий вакиллик органлари қонун чиқармайди,— *таъкид бизники).* Бу орган вакилларининг асосий фаолияти халқ иродасини ифода этишдан иборат. Олий Мажлис депутатлари уларни сайлаб қўйган халқ олдида ҳисобдордир. Халқ иродаси ушбу олий ташкилот чиқарадиган ҳужжатларда — Конституция, конституциявий ва бошқа қонунлар, қарорлар каби... ҳужжатларда ўз аксини топади»[1].

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси бир палатали органдир. Олий Мажлис ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида сайланадиган 250 нафар депутатдан иборат. Конституциянинг 77-моддасида парламент беш йил муддатга сайланиши кўрсатилади. Ваколат муддати тугагач, Олий Мажлис янги чақириқ Олий Мажлис иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

2-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАКОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатлари мустаҳкамланган. Улар қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ҳамда ваколатларини белгилаш;

---

[1] *Қаюмов Р. Қ.* Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Т.: Адолат. 1998. 313-бет.

5) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларини тасдиқлаш;

6) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

7) маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш;

8) Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан, Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш; Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

10) ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш кунини тайинлаш;

11) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш;

12) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик судини сайлаш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

21) халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилиш;

22) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

23) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш;

24) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Биз санаб ўтган ваколатлар парламентимизнинг мутлақ ваколатлари бўлиб, булардан ташқари у Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Зотан, санаб кўрсатилган ваколатларнинг ўзи ҳам кенг кўламли ва серқирра бўлиб, Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти идоралари ўртасидаги нуфузли мавқеи ҳамда юридик мақомини белгилайди.

Олий Мажлис ушбу ваколатларни ўз сессияси мажлисларида, депутатлар корпуси воситасида амалга оширади. Мазкур ваколатларни на Олий Мажлис Раиси ёки Кенгаши ва на парламент қўмита ҳамда комиссиялари ҳал қилишга ҳақли эмас. Олий Мажлис ўз ваколатларини бажариш борасида қонун ёки қарор шаклидаги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади (қонун қабул қилиш жараёни ва унинг босқичлари тўғрисида кейинги параграфларда батафсил тўхталамиз).

Конституцияда белгиланганидек, Республика Президенти Олий Мажлисга ҳар йили мамлакат ички ва халқаро аҳволи тўғрисида ахборот тақдим этади. Бу эса Олий Мажлис томонидан ички ва ташқи сиёсат соҳасида тегишли қарорлар қабул қилинишига асос бўлади.

Ҳуқуқий адабиётларда Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатларини турлича таснифлаш мавжуд. Профессор Р. Қ. Қаюмов бу ваколатларни беш гуруҳга ажратади: 1) давлат қурилиши соҳасидаги; 2) хўжалик соҳасидаги; 3) бошқарув ва суд органларини тузиш соҳасидаги; 4) қонунчилик соҳасидаги; 5) халқаро алоқалар соҳасидаги ваколатлар[1]. О. Т. Ҳусановнинг фикрича, Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатлари олти гуруҳга

[1] *Қаюмов Р. Қ.* Кўрсатилган асар. 315-бет.

бўлинади: 1) қонунчилик соҳасидаги; 2) Олий Мажлис ва унинг органларини тузиш соҳасидаги; 3) маъмурий-ҳудудий тузилишни белгилаш ва бошқа давлат органларини ташкил қилиш соҳасидаги; 4) Олий Мажлиснинг назорат соҳасидаги; 5) фуқаролар манфаатини таъминлаш соҳасидаги; 6) ташқи муносабатлар соҳасидаги ваколатлар[1].

Парламентнинг конституциявий ваколатларини қатъий амалга ошириш ўта масъулиятли вазифадир. Ҳар бир ваколатнинг аниқ бажарилишини таъминлаш учун юқорида номи зикр этилган қонун ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти қабул қилинган (1995 йил 5 май). Ушбу ҳужжатларда парламент ваколатларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизми ўз тасдиғини топган.

Олий Мажлис давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар ва Олий Мажлис қарорлари ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Олий Мажлис мансабдор шахсларнинг умуман иши тўғрисидаги ёки фаолиятининг айрим масалалари юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини тинглаши мумкин. Ҳисобот ёки ахборот бўйича Олий Мажлиснинг сессиясида музокаралар ўтказилиши мумкин. Муҳокама якуни бўйича Олий Мажлис қарор қабул қилади.

Олий Мажлиснинг битта ёки бир гуруҳ депутатлари, қўмитаси, комиссияси, фракцияси ёки блоки мансабдор шахсларга, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларига республиканинг давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиши учун муҳим масалалар юзасидан расмий тушунтиришлар бериш ёки ўз муносабатини баён этишни талаб қилиб сўров билан мурожаат этишга ҳақлидирлар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кенг кўламдаги ваколатларга эга бўлган, мамлакат халқининг иродасини ифодаловчи мухтор вакилларидан иборат бўлган қонун чиқариш ҳокимиятини амалга оширувчи органдир[2].

---

[1] *Хусанов О.* Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. Т., Шарқ. 1996. 28-бет.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1995. № 6. 104-модда.

3-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг таркибий тузилмаларининг иш фаолияти тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти»[1], «Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида»ги қонуни[2], «Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги Низом»[3] билан белгиланади.

Олий Мажлис фаолиятининг доимий ва самарали бўлиши, парламент ҳақидаги қонуннинг 1-моддасида таъкидланганидек, унинг сессиялари, Олий Мажлис Кенгаши, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ҳамда депутатларининг фаолияти билан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолияти масалаларни жамоа бўлиб, эркин муҳокама қилиб ҳал этишга, ошкораликка, у тузадиган органлар ҳамда сайлайдиган ва тайинлайдиган мансабдор шахсларнинг жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олишга асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ишининг асосий ташкилий шакли — сессия ҳисобланади. Сессиялар Олий Мажлис депутатларининг умумий мажлисида очилади ва шу тарзда ёпилади.

Олий Мажлис сессияси унинг мажлисларидан, шунингдек, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг, бошқа органларининг сессия мажлислари оралиғидаги даврда ўтказиладиган мажлислардан иборат бўлади.

Олий Мажлис сессиялари Олий Мажлис Раиси томонидан заруратга қараб, лекин бир йилда камида икки марта чақирилади. Олий Мажлис Раиси сессияни чақириш тўғрисидаги масалани Олий Мажлис Кенгаши муҳокамасига киритишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда сессия Олий Мажлис Кенгаши томонидан чақирилиб, бу хусусда қарор қабул қилинади. Сессияни чақириш тўғрисидаги қарор ҳамда унинг муҳокамасига киритиладиган масалалар ҳақидаги ахборот Олий Мажлис депутатлари ва аҳолига олдиндан маълум қилинади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. № 9. 24-модда.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. № 6. 41-модда.

[3] Ўша жойда.

Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари депутатларга олдиндан, қоида тариқасида, сессия очилишидан анча олдин тақдим этилади.

Олий Мажлис сессиясига тайёргарлик кўриш учун ишчи гуруҳи тузилиши мумкин. Депутатлар ишчи гуруҳига, одатда, Олий Мажлис Раисининг муовинларидан бири бошчилик қилади ва сессияга қўйилган масалалар юзасидан депутатлар билан катта тайёргарлик ишлари олиб боради.

Олий Мажлиснинг сессияси қаерда ва қачон ўтказилиши тўғрисидаги, шунингдек, сессияга келаётган депутатлар қаерда ва қачон рўйхатга олиниши ҳақидаги хабар сессия очилишидан камида уч кун олдин республика ва вилоят газеталарида эълон қилинади, телевидение ва радио орқали ўқиб эшиттирилади.

Олий Мажлиснинг иши унда жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан сўнг икки ойдан кечиктирмай чақирилади.

Олий Мажлиснинг янги чақириқ биринчи сессиясининг биринчи мажлисини Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва у мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Раиси сайлангунга қадар бошқаради.

Олий Мажлис сессиясида раислик қилувчи унинг мажлисларини очади ва ёпади, маърузалар қилиш ва нутқлар учун сўз беради, қонунлар, қарорлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини, депутатларнинг кўрилаётган масалаларга доир таклифларини овозга қўяди ҳамда овоз бериш натижаларини маълум қилади, Олий Мажлис сессиясининг Котибиятига депутатлардан тушган сўровлар, саволлар, маълумотлар, хабарлар, аризалар ва таклифларни ўқиб эшиттиради, мажлислар залида тартибни таъминлайди.

Зарур ҳолларда раислик қилувчи келишмовчиликларни бартараф этиш ҳамда Олий Мажлиснинг иши давомида юзага келадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш учун депутатлар гуруҳлари, фракциялар, блокларнинг раҳбарлари билан маслаҳатлашиб олади.

Олий Мажлис ҳар бир сессиянинг мажлислари даврида сессия Котибияти тузилади. Котибиятнинг вази-

фаси Олий Мажлис мажлисларининг стенограммаси юритилишини ташкил этиш, сўзга чиқиш истагини билдирганларни ёзиб бериш, депутатлар сўровлари, саволлар, маълумотлар, хабарлар, аризалар, таклифларни ҳамда депутатларнинг бошқа материалларини рўйхатга олиш, фуқаролардан Олий Мажлис номига келаётган мурожаатлар ва бошқа ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этишдир.

Олий Мажлис депутатлари, одатда, энг аввало сессиянинг кун тартибини муҳокама этадилар ва қабул қиладилар. Кун тартибига доир таклифлар Олий Мажлис Кенгаши томонидан дастлабки тарзда қараб чиқилади.

Олий Мажлиснинг мажлислари очиқ ўтказилади. Олий Мажлиснинг қарорига мувофиқ, баъзи ҳолларда ёпиқ мажлис ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг исталган очиқ ва ёпиқ мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош Вазир, Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирувчи шахслар, Конституциявий, Олий, Олий хўжалик судларининг раислари, Бош прокурор, Марказий банк бошқарувининг раиси қатнашишлари мумкин.

Бу ерда гап кўрсатилган мансабдор шахсларнинг Олий Мажлис мажлисларида қатнашиш ҳуқуқи ҳақида боради. Олий Мажлисда бундай кишиларнинг иштирок этиши ҳокимият барча шахобчаларининг самарали ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, юқорида кўрсатилган мансабдор шахслар, фақат Олий Мажлис ишида эмас, балки Олий Мажлис органлари, жумладан, унинг Кенгаши, қўмита ва комиссияларининг мажлисларида ҳам қатнашишлари мумкин.

Олий Мажлис Регламентида кўрсатилишича, Олий Мажлис йиғилишларида Олий Мажлиснинг Кенгаши томонидан таклиф этилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, илмий муассасалар, матбуот, телевидение, радио вакиллари ва бошқа шахслар ҳозир бўлишлари мумкин. Таклиф этилган шахслар Олий Мажлиснинг ишига аралашиш ҳуқуқига эга эмаслар, маъқуллаётганликлари ёки маъқулламаётганликларини билдиришдан ўзларини тийиб туришлари, тартибга риоя қилишлари ҳамда раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунишлари шарт (17-модда).

Мажлислар, Олий Мажлиснинг қарорига мувофиқ, аҳоли учун қулай вақтда телевидение орқали кўрсати-

лиши ва радио орқали эшиттирилиши мумкин. Мажлислар тўғрисидаги ахборот марказий ва маҳаллий газеталарда босиб чиқарилади, шунингдек, бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Олий Мажлиснинг Регламентида кўрсатилишича, Олий Мажлис иши давлат тилида олиб борилади ва рус тилида ҳамоҳанг таржимаси таъминланади. Депутат ўзбек ва рус тилларидан бошқа тилда сўзга чиқиш ниятини сессия Котибиятига олдиндан маълум қилиб қўяди. Барча нутқларни ўзбек ва рус тилларига таржима қилиш таъминланади.

Олий Мажлис ишига раислик қилувчи аризаларнинг тушиш навбати бўйича музокараларда қатнашиш учун сўз беради. Олий Мажлис депутати сессияда айнан бир масала бўйича икки мартадан ортиқ сўзлаши мумкин эмас. Сўзга чиқиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди. Маърузачиларга саволлар ёзма равишда юборилади ёки ўтирган жойдан микрофон орқали берилади.

Олий Мажлисда кўрилаётган масалалар бўйича музокараларни тўхтатиш сессияда ҳозир бўлган жами депутатларнинг кўпчилиги томонидан очиқ овоз бериш орқали амалга оширилади. Маърузалар тўхтатилгандан кейин маърузачи ва қўшимча маъруза қилган шахс якунловчи нутқ билан сўзга чиқишга ҳақлидир.

Олий Мажлиснинг мажлисларида кўрилаётган масалаларга доир қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ёки Олий Мажлис қарорига мувофиқ, яширин овоз бериш ўтказилади. Бир масала юзасидан овоз бериш ўтказилаётганида, ҳар қайси депутат битта овозга эга бўлади ҳамда таклифни ёқлаб ёки унга қарши овоз беради ёхуд овоз беришда бетараф қолади. Овозларни санаб чиқиш тамом бўлгандан кейин раислик қилувчи овоз бериш натижаларини эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдан ташқари сессияси Олий Мажлис Раиси томонидан унинг ташаббуси билан ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёхуд Олий Мажлис депутатларини камида учдан бир қисмининг таклифи билан чақирилади.

4-§. ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИ ҲАМДА ДЕПУТАТЛАР БЛОКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис таркибидаги сиёсий партиялар, давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан номзоди кўрсатилиб сайланган депутатлар партиявий фракциялар ва блокларга бирлашишлари мумкин (Регламентнинг 36-моддаси).

Олий Мажлис депутати фақат битта депутатлар бирлашмаси (фракция, блок)да бўлишга ҳақли.

Фракциялар, блоклар ўз фолиятини Олий Мажлис томонидан рўйхатга олинганидан кейин амалга оширади ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари доирасида иш олиб боради.

Фракция, блок раҳбари фракцияни, блокни рўйхатга олиш тўғрисидаги илтимос баён этилган ариза билан Олий Мажлисга мурожаат этади. Аризаларни Олий Мажлис сессиясида қараб чиқиш вақтида фракцияларнинг, блокларнинг раҳбарлари тузилган фракциянинг, блокнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида ахборот бериши, бошқа маълумотларни айтиши мумкин.

Олий Мажлис расмий фракцияларни, блокларни рўйхатга олиш масаласи юзасидан қарор қабул қилади.

Олий Мажлис фракциялари ва блокларининг фаолияти тўғрисидаги масала мантиқан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Мажлис ва унга сайлов тўғрисидаги қонунлардан келиб чиқади. Бу жиҳатларга мувофиқ, Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади; сиёсий партиялар халқимиз турли табақа ва гуруҳларининг иродасини ифодалаб, депутатликка сайланган ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда ва унинг фаолиятини амалга оширишда иштирок этади. Чунки партия халқнинг, ижтимоий қатламнинг бир қисми бўлса, блок ва фракциялар Олий Мажлис ҳамда сиёсий партиянинг муайян бўлагидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1996 йил 26 декабрда «Сиёсий партиялар тўғрисида» алоҳида қонун қабул қилиб, унда сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисдаги фракциялари фаолиятига алоҳида модда ажратади.

Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракциялари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тузилади.

Сиёсий партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш;

— сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши;

— тегишли равишда республика ҳукуматига, вазирларга, бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўровлар билан мурожаат этиш;

— Олий Мажлис раҳбарлигига, қўмита ва комиссиялар раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

— сессияда муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орқали билдириш;

— назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Сиёсий партия фракциясининг ва блокининг раҳбарлари Олий Мажлис Кенгашининг таркибига киради. Иккинчи чақириқ Олий Мажлис таркибида вакиллик органларидан 107 депутат, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари блокидан 16 депутат, халқ демократик партиясидан 49 депутат, Адолат социал-демократик партиясидан 11 депутат, Миллий тикланиш партиясидан 10 депутат, Фидокорлар миллий демократик (Ватан тараққиёти партияси билан биргаликда) партиясидан 53 депутатдан иборат партиявий фракциялар фаолият кўрсатиб келмоқда.

5-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ РАИСИ ВА РАИС ЎРИНБОСАРЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятини ташкил этиш ва уни йўналтириб туришда Олий Мажлиснинг Раиси алоҳида ўрин тутади. Парламент сессиялари мажлисларини Раис бошқаради.

Хорижий давлатларда парламент палатаси раиси ёки бир палатали парламент раиси — «спикер» деб аталади.

Спикер марказдан бошқарувчи, йўналтирувчи, раислик қилувчи деган маънони англатади. Спикер англосаксон тизимидаги давлатлар парламентида юксак нуфузга эга. Баъзи парламентлар фаолиятига коллегиал орган (Испанияда — бюро, Чехияда — ташкилий қўмита, Болгария ва Венгрияда — президиум) — раис раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарларининг ҳуқуқий мавқеи ҳамда мақоми Конституциянинг 84 ва 85-моддаларида, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонунда белгиланган. Олий Мажлиснинг Раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан партиялар фракциялари ва депутатлар блоклари вакиллари йиғилишининг таклифига биноан, депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис ваколати муддатига сайланади (Конституциянинг 84-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили ҳисобот бериб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан, Олий Мажлис Раиси Олий Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларини имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси фармойишлар чиқаради (Конституциянинг 85-моддаси, 1,3-бандлари).

Олий Мажлиснинг Раиси ўз ваколатидаги масалаларни Олий Мажлис Кенгаши муҳокамасига кириташи ва унинг фикрига таяниб ўз қарорларини асослантириши мумкин.

Конституция ва қонунга мувофиқ, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари Олий Мажлис депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис ваколати муддатига сайланадилар.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикаси вакили — Олий Мажлис депутати бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарлари Раиснинг топшириғига биноан

унинг айрим вазифаларини бажарадилар ва у йўқлигида ёки унинг ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда Раиснинг вазифасини бажариб турадилар (қонуннинг 14-моддаси).

6-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ КЕНГАШИ ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Олий Мажлис ишини ташкил этиш ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонунда кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга ошириш учун Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг таркибига Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, қўмита ва комиссияларнинг раислари, Олий Мажлис расмий блок ва фракцияларининг вакиллари кирадилар. Олий Мажлис Кенгашига Олий Мажлиснинг Раиси бошчилик қилади. Олий Мажлис Кенгашининг мажлислари заруратга қараб чақирилади ва Кенгаш умумий таркибининг ярмидан ортиғи ҳозир бўлган тақдирдагина ваколатли бўлади. Олий Мажлис Кенгашининг қарорлари, унинг мажлисларида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Шунингдек, қарорлар Олий Мажлис Кенгаши таркибининг аъзоларидан бирма-бир сўраб чиқиш йўли билан ҳам қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Олий Мажлис Кенгашининг мажлисларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Ундан ташқари, Олий Мажлис Раисининг таклифига мувофиқ, Кенгаш мажлисларида Олий Мажлис депутатлари, шунингдек, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг вакиллари, олимлар ва мутахассислар ҳам қатнашишлари мумкин.

Олий Мажлис Кенгашининг ваколатлари «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонуни билан белгиланади. Бу қонуннинг 17-моддасига биноан:

— Олий Мажлис Кенгаши Олий Мажлис сессияси кун тартибига ва иш тартибига доир таклифларни тайёрлайди;

— Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг амалга оширилаётган ишлари тўғрисидаги маълумотлар-

ни ҳамда қонунлар ва Олий Мажлиснинг бошқа қарорларининг ижроси тўғрисидаги ахборотларни эшитади;

— қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштиришни уюштиради;

— Олий Мажлис Раисининг таклифига биноан, қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни дастлабки тарзда кўриб чиқади;

— Олий Мажлис сессиясида депутатлар билдирган таклиф ва мулоҳазаларни таҳлил этади ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилади;

— сессиялар оралиғидаги даврда қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибларда Олий Мажлис депутатларини жавобгарликка тортишга, шунингдек, иш жойидаги маъмурият ташаббусига кўра, депутатларни ишдан бўшатишга розилик бериш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади;

— Олий Мажлис иши ва депутатлар ўз ваколатларини самарали амалга оширишлари билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Олий Мажлис Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади. Бу қарорлар белгиланган тартибда эълон қилинади.

7-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚЎМИТАЛАРИ ВА КОМИССИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан, Олий Мажлис қонунлар, қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Олий Мажлис муҳокамасига ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунлар ва парламент қарорларини амалга оширишга кўмаклашиш ва уларнинг, ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар орасидан қўмиталар ва комиссиялар сайлайди. Зарур бўлган тақдирда Олий Мажлис доимий ҳамда муваққат ишловчи депутатлик, тафтиш ва бошқа комиссияларни тузади (86-модда).

Қўмиталар ва комиссиялар давлат ҳокимият вакиллик органи бўлмиш Олий Мажлиснинг самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашувчи бўғин бўлиб, улар Олий Мажлис томонидан парламент ваколат муддати даврида тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Олий Мажлис йиғилишларини чақиради, би-

нобарин, унинг кун тартибига киритиладиган барча таклифларни қўмиталар ва комиссиялар раислари билан биргаликда тайёрлайди. Шунингдек, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Айни вақтда, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Олий Мажлис қўмиталари раислари этиб сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 85-моддасига асосан, қўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига мувофиқ, қўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб, сўнгра бу ўзгартишларни Олий Мажлис тасдиғига киритади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисидаги конституциявий қонунда қўмита ва комиссияларни сайлаш тартиби ва уларни ташкил этиш, улар мажлисларини ўтказиш тартиби, уларнинг таркиби, ваколатлари ҳамда улар қабул қиладиган қарорлари ҳақида қоидалар мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида депутатлар орасидан партия фракциялари ва депутатлар блоклари вакиллари йиғилишининг таклифига биноан, ўз ваколати муддатига қўмиталар ва комиссияларни сайлайди ва уларнинг раисларини тасдиқлайди. Қўмиталар ва комиссияларнинг рўйхати, таркиби ва миқдори, Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Биринчи чақириқ Олий Мажлис таркибида қуйидаги қўмита ва комиссиялар бўлган эди:

1) бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси;

2) иқтисодий ислоҳот ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси;

3) қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси;

4) халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси;

5) фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси;

6) саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитаси;

7) аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси;

8) меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари қўмитаси;

9) атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси;

10) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги қўмитаси;

11) матбуот ва ахборот қўмитаси;

12) мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси ҳамда Мандат комиссияси. Шунингдек, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман).

Булардан ташқари учта муваққат комиссиялар:

— тафтиш муваққат комиссияси;

— муҳарририят муваққат комиссияси;

— текшириш ёки ўрганиш муваққат комиссияси.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида эса қуйидаги қўмита ва комиссиялар мавжуд:

1) бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси;

2) қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси;

3) халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси;

4) аграр, сув хўжалиги масалалалари ва озиқ-овқат қўмитаси;

5) саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси;

6) иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси;

7) ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси;

8) фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси;

9) атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси;

10) матбуот ва ахборот қўмитаси;

11) мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси;

12) демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси;

13) ешлар ишлари қўмитаси.

Булардан ташқари учта доимий комиссиялар:

1) регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси.

2) оила ва аёллар муаммолари комиссияси.

3) норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси.

Демак, Олий Мажлис тизимида доимий комиссия ва муваққат комиссиялар мавжуд бўлиб, уларнинг сони заруриятга қараб ўзгариб туради. Шароитга қараб қўмита ва комиссиялар рўйхати таркиби ва миқдори, Олий Мажлис томонидан белгиланади ва ваколат муддати давомида зарур бўлган тақдирда, янги қўмита ва ко-

миссиялар тузиш, илгари тузилган қўмита ва комиссияларни тугатиш ва қайта ташкил этиш, улар таркибига ўзгартиришлар киритиши мумкин. Демак, уларнинг сони доим ўзгариб туради. Масалан, улар таркибида ўн иккинчи чақириқ Олий кенгашида 1990 йили 17 та, 1993 йили эса 15 та, 1994, 1995 йилларда 13 та қўмита ва комиссия, 1997 йили 12 қўмита, иккинчи чақириқ Олий Мажлисда 2000 йилдан 12 та қўмита ва 4 та комиссия бўлган. Иккинчи чақириқ учинчи сессияда, 2000 йил 31 августдан бошлаб, 13 та қўмита ва 3 та комиссия бор. Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари комиссияси иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида Олий Мажлиснинг қарори билан Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитасига айлантилди. Уларнинг номлари ҳар доимо ихчамлаштириб, ўзгартириб турилади ва замон талабига жавоб берадиган ном билан аталиб туради[1].

Қўмиталар ва комиссияларнинг (муваққатларидан ташқари) раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари ўз фаолиятларини, қоида тариқасида, мунтазам амалга оширадилар ва ўз ваколатлари даврида ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир лавозимни эгаллашлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари қонун билан ман этилган.

Қўмиталар ва комиссияларни тузиш чоғида депутатларнинг касбий ва бошқа иштиёқлари, уларнинг ишлаб чиқаришга оид ва ҳаётий тажрибалари, хоҳишлари инобатга олинади. Қўмита ва комиссиялар таркибида, қоида тариқасида, фракция ва блоклардан вакил депутатлар бўлиши таъминланади.

Депутатларнинг қўмиталар ва комиссиялардаги ваколатлари уларнинг илтимосига кўра, шунингдек, уларнинг ўз вазифаларини бажаришга имкон бермайдиган ҳолатлар муносабати билан муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин.

Қўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига мувофиқ, Олий Мажлис Раиси қўмиталар ва комиссияларнинг таркибини ўзгартириб, сўнгра бу ўзгартиришларни Олий Мажлис тасдиғига киритади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисидаги конституциявий қонуннинг 18-моддасига асосан, Олий Мажлис депутати, қоидага кўра, Олий Мажлиснинг фақат битта қўмитаси ёки комиссиясининг

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2000. № 1. 7—8-бетлар.

аъзоси этиб сайланиши мумкин. Қўмита ёки комиссия таркибига Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари сайланишлари мумкин эмас. Қўмита ва комиссия таркибига сайланмаган депутат улар ишида маслаҳат овози билан иштирок этишга ҳақлидир.

Қўмиталар ва комиссиялар Олий Мажлис томонидан Раис ва бошқа аъзолардан иборат таркибда сайланади. Уларнинг раис ўринбосари ва котиби қўмита, комиссиянинг тақдимига мувофиқ, тегишли қўмита, комиссия аъзолари орасидан Олий Мажлис Раиси томонидан Олий Мажлис Кенгаши билан келишилган ҳолда тайинланади. Қўмиталар ва комиссияларнинг раислари, раис ўринбосарлари ва Котиблари ўз фаолиятларини, қоидага кўра, мунтазам амалга ошириб борадилар.

Олий Мажлис ва унинг Кенгаши аниқ топшириқларни бажариш учун депутатлар орасидан муваққат комиссиялар тузиши мумкин. Муваққат комиссиялар ўз зиммаларига юкланган вазифаларни бажариб бўлганларидан кейин ёхуд Олий Мажлис ёки унинг Кенгаши қарорига биноан ўз фаолиятларини муддатидан илгари тўхтатишлари мумкин.

Олий Мажлис қўмита ва комиссиялари ишни ўз режаларига, Олий Мажлис, унинг Раиси ва Олий Мажлис Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этадилар. Қўмиталар ва комиссияларнинг мажлислари заруратга қараб чақирилади ва Олий Мажлис мажлислари ўртасида ҳам, шунингдек, сессиялар оралиғидаги даврда ҳам ўтказилиши мумкин.

Қўмита ва комиссияларнинг мажлислари, башарти, уларда қатнашувчилар, яъни қўмита ёки комиссия таркибининг камида ярми ҳозир бўлсагина, ваколатли ҳисобланади. Қўмита ва комиссиялар аъзоларининг сони 19 тадан 32 тагача ўзгариб туради[1].

Қўмита ва комиссияларнинг мажлислари, қоидага биноан, очиқ ўтказилади. Мажлисларга давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар фақат маслаҳат овози ҳуқуқи билан, шунингдек, қўмиталар ва комиссияларнинг фаолиятидан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш учун матбуот органлари, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари-

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмита ва комиссиялар тўғрисидаги Низоми. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. № 6. 33-бет.

нинг вакиллари таклиф этилиши мумкин. Зарурат туғилганда, қўмита ёки комиссия ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссиялари ўз фаолиятларини ошкора амалга оширадилар, фаолиятлари ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қиладилар. Қўмиталар, комиссияларнинг ва ишчи гуруҳларнинг мажлисларига оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин.

Қўмиталар ва комиссиялар Олий Мажлис, унинг Раиси, Олий Мажлис Кенгашининг топшириғига биноан ёки ўз ташаббуси билан вазифалари доирасидаги масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси янги қонунларининг ва Олий Мажлис қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқадилар, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, кун тартибига доир таклифларни тайёрлашда иштирок этадилар. Олий Мажлис кун тартибига киритган масалалар бўйича ёхуд дастлабки тарзда ёки қўшимча равишда кўриб чиқиш учун қўмиталар ва комиссияларга берилган масалалар бўйича ўзларининг асосий ёки қўшимча маърузаларини белгилайдилар.

Биргаликда тайёрланган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида бош қўмита ёки комиссия Олий Мажлиснинг сессиясида маъруза қилади. Бошқа қўмиталар ёки комиссиялар эса қўшимча маъруза қилишлари мумкин.

«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 23-моддасида қўмита ва комиссияларнинг ушбу ваколатлари кўрсатилган. Бу қўмита ва комиссиялар:

1) Олий Мажлис, унинг Раиси, Олий Мажлис Кенгаши топшириғига биноан, ёки ўз ташаббуслари билан тасарруфларидаги масалалар бўйича қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқадилар;

2) қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни тайёрлайдилар, Олий Мажлис сессияси кун тартибига доир таклифларни киритадилар;

3) қўмита ёки комиссия ишида иштирок этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари вакилларини, мутахассислар ва олимларни таклиф этадилар;

4) ўзлари ишлаб чиққан қонун лойиҳаларини ҳам, қонун чиқариш ташаббуси тариқасида тушган қонун

лойиҳаларини ҳам илмий экспертизага юборадилар ва уларнинг фикрларини сўрайдилар;

5) ўрганиб чиқиш учун ўзларига берилган қонун лойиҳалари юзасидан ўз хулосалари, таклифлари ва мулоҳазаларини юборадилар;

6) Олий Мажлис йиғилишларида ўз тасарруфларидаги масалалар бўйича маърузалар ва қўшимча маърузалар билан сўзга чиқадилар;

7) юборилган республика бюджети лойиҳаларини, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек, давлат стратегик дастурлари лойиҳаларини қараб чиқадилар;

8) ўз тасарруфларидаги масалалар юзасидан республика ҳукуматига таклифлар киритадилар;

9) ўз тасарруфларидаги масалалар бўйича давлат органлари ва жамоат бирлашмаларидан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, ёзма хулосалар, ҳисоботлар ва бошқа маълумотларни талаб қиладилар;

10) қонунларнинг ва республика Олий Мажлиси бошқа қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

11) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг қонунларини, Олий Мажлиснинг бошқа ҳужжатларини ва қўмиталар, комиссиялар топшириқларини бажариш юзасидан ахборотларини эшитадилар.

Конституция ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар Олий Мажлис қўмита ва комиссияларининг зиммасига бир қатор ваколатлар юкласа-да, улар қонун чиқариш ҳокимиятини амалга оширувчи Олий Мажлис сингари мустақил давлат органи ҳисобланмайдилар ва шу боис норматив ҳужжатлар қабул қилмайдилар.

Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қўмита ва комиссиялар тавсия тарзида қарорлар қабул қиладилар ва хулосалар чиқарадилар.

Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссияларида барча масалалар улар аъзоларининг кўпчилик овози билан ҳал этилади. Қўмита ва комиссиянинг қарорлари, хулосалар ва мажлис баёнларини қўмита ёки комиссия раиси имзолайди. Ишлаб чиқилган тавсиялар тегишли идоралар ва ташкилотларга юборилади ва зарур ҳолларда Олий Мажлис Раиси ва Вазирлар Маҳкамасининг Раисига маълум қилинади.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари қўмита ва комиссияларнинг қарорларини олгач, кўриб чиқишлар, натижалар ва кўрилган чоралар ҳақида, агар қарорда ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, узоғи билан бир ой муддат ичида хабар қилишлари шарт.

8-§. ҚОНУН ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Қонун давлат ҳокимиятининг махсус фаолияти маҳсули сифатида вужудга келади. Давлат амрининг олий ифодаси бўлмиш қонун, ҳокимиятнинг алоҳида ваколатли органи томонидан амалга ошириладиган мураккаб жараён натижасида яратилади.

Қонунчилик (қонунни яратиш) жараёни — давлат олий вакиллик органининг конституцияда белгиланган тартибда янги қонунлар яратишга, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартириш киритишга қаратилган, шунингдек, эскирган қонунларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, у қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган муносабатларни аниқлаш, қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қабул қилишни ўз ичига олади.

Қонунчилик жараёни муайян тартиб, ташкиллашганлик ифодаси сифатида мамлакатда қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириш шакли ҳисобланади. Қонуннинг олийлиги, жамият ҳаётидаги устун мавқеи қонунчилик жараёнининг илмий ва амалий аҳамиятини белгилаб беради. Зеро, қонун яратиш жараёнининг мукаммал тартибга солинганлиги сифатли ва талаб даражасидаги қонуннинг вужудга келиши учун замин бўлиб хизмат қилади.

Қонунчилик жараёнининг таърифи икки маънога эга:

биринчидан, бу қонун лойиҳасининг парламентга киритилишидан бошлаб, у қабул қилингунга қадар давлат органлари томонидан рўёбга чиқариладиган ваколатлардир;

иккинчидан, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этадиган турли субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи процессуал қоидалар ифодаси (шакли)дир.

Қонунчилик жараёнининг муҳим хусусияти шундаки, унинг мазмунини ташкил этувчи ҳаракатлар тартиби ва уларни амалга ошириш қоидалари кон-

ституциявий тарзда белгилаб қўйилади. Мамлакатдаги бутун ҳуқуқ ижодкорлиги, шу жумладан, қонун ижодкорлиги муайян процессуал тартиб қоидалар доирасида амалга ошади. Қонунни яратиш муносабатлари, шунингдек, бу муносабатларда иштирок этадиган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатувчи моддий ҳуқуқ қоидалари процессуал нормалар орқали ҳаётга жорий этилади. Агар моддий ҳуқуқни татбиқ этишнинг тегишли тартиби ўрнатилмаган бўлса, у юридик нуқтаи назардан яроқсиздир.

Қонунчилик жараёни, анъанага кўра, ушбу жараённинг турли босқичларида иштирок этувчи органлар ўртасидаги ваколатларни тақсимлаш маъносида талқин этилади. Гарчанд, қонунчилик фаолиятида у ёки бу алоҳида субъектлар иштирок этсалар ҳам, қонунчилик жараёни, асосан, парламентнинг қонун яратиш фаолияти тартиби бўлиб қолаверади.

Қонунчилик жараёни тушунчаси:

биринчидан, қонунни мазмунан тайёрлашни таъминловчи ўзаро алоқадор институтлар тизимини белгилашдан;

иккинчидан, халқ иродасини, жамоатчилик фикрини ифодалашнинг қатъий демократик шаклларини мустаҳкамлашдан,

учинчидан, қонунни яратиш ва қабул қилиш жараёнида давлат ҳокимияти олий вакиллик органи фаолиятининг турли шакллари қўлланилишини акс эттиришдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун чиқариш фаолияти, яъни қонун яратиш жараёни тўрт босқичдан иборат тарзда амалга ошади. Ушбу босқичлар:

1) қонунчилик ташаббусини амалга ошириш;
2) қонун лойиҳасини муҳокама қилиш;
3) қонунни қабул қилиш;
4) қонунни имзолаш ва эълон қилиш.

Ушбу босқичларга алоҳида-алоҳида тўхталиш жоиз.

Биринчи босқич — қонунчилик ташаббуси. Қонунни яратиш жараёни, яъни қонун чиқарувчи орган доирасида бевосита фаолият қонунчилик ташаббусида намоён бўлишидан бошланади. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий муаммолар мағзини англаб етиш учун унинг қуйидаги муҳим жиҳатларини пухта мушоҳада этиш талаб қилинади:

1) қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти;

2) қонунчилик ташаббусининг амалга оширилиши натижасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатнинг мазмуни;

3) қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъектлари доираси ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқалар.

Ҳуқуқшунослик фанида қонунчилик ташаббуси алоҳида мустақил ҳуқуқий институт сифатида талқин этилади. Илмий адабиётларда «қонунчилик ташаббуси» ва «қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи» деган иборалар ишлатилади. Ҳатто, баъзан улар айнан бир хил маънода қўлланилади. Айрим таърифларда «қонунчилик ташаббуси» муайян субъектнинг қонун лойиҳасини киритишга бўлган ҳуқуқи сифатида талқин этилса, бошқа изоҳларда эса — қонун лойиҳасини киритиш факти, яъни мазкур ҳуқуқни амалга оширишга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг йиғиндиси сифатида ифода этилади. Қонунчилик ташаббусини қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳасини киритувчи субъектнинг ҳуқуқи маъносида таърифлаш, фикримизча, тўғри бўлмаса керак. Сабаби, бунда қонунчилик жараёнининг алоҳида босқичини англатувчи ҳаракат билан ваколатли органлар ва шахсларнинг қонунчилик ташаббусини кўрсатишга бўлган ҳуқуқи (реал имконияти) аралаштириб юборилмоқда.

Қонунчилик ташаббуси шундай бир ҳаракатлар йиғиндисики, бунинг натижасида қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифи киритилади ва парламент янги қонун чиқариш, амалдагисини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш учун қабул қилади. Бошқача айтганда, қонунчилик хусусиятига эга бўлган таклифни киритиш билан боғлиқ фаолиятдир.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи деганда эса конституцияда белгиланган, давлат органлари, ташкилотлар ва шахсларнинг қонун чиқарувчи органга қонунчиликка оид таклифни ёки қонун лойиҳасини тақдим этишдек субъектив ҳуқуқи тушунилади.

Демак, «қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи» маълум ҳаракатларни (фаолиятни) амалга ошириш имкониятини, ҳуқуқини берса, «қонунчилик ташаббуси» мазкур ҳуқуқни амалга ошириш асосида рўёбга чиқадиган ҳаракатларнинг ўзидир.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини ёки қонунчиликка оид таклифни киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламентида белгиланган. «Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Ўзбекистоннинг янги қонунлари лойиҳаларини, амалдаги қонунларни ўзгартириш тўғрисидаги лойиҳаларини, янги қонунларини қабул қилиш ёки амалдаги қонунларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифларни (қонун чиқариш таклифлари) киритиш шаклида амалга оширилади» (79-модда).

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат ва жамоат идоралари ёки айрим фуқаролар таклиф этадиган қонун лойиҳалари ёки қонун чиқариш таклифлари мазкур ҳуқуққа эга бўлган идоралар ва шахслар орқали Олий Мажлисга киритилиши мумкин. (Регламентнинг 80-моддаси). Ўзбекистон қонунларининг лойиҳалари ва қонунчиликка оид таклифлар уларнинг ишлаб чиқилиши зарурлигини асослаган ҳолда, бўлажак қонунларнинг мақсадлари, вазифалари ва асосий қоидалари ҳамда уларнинг амалдаги қонунлар жумласида тутадиган ўрнининг, шунингдек, уларни қўллашдан кутилаётган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа оқибатларнинг батафсил таърифи билан бирга кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Амалга ошириш учун қўшимча моддий ва бошқа харажатлар талаб қилинадиган лойиҳа тақдим этилган чоғда унинг молиявий-иқтисодий асослари илова қилинади.

Шундай қилиб, **қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи—конституцияда белгиланган ваколатли органлар, ташкилотлар ва шахслар томонидан муайян қонун лойиҳасини ёки янги қонун қабул қилиш тўғрисида, шунингдек, амалдаги қонунни ўзгартириш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги таклифни Олий Мажлис эътиборига тақдим этиш ва парламент томонидан бу масалани белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳақида тегишли қарор қабул қилишдир.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ, қуйидагилар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг субъектлари саналади:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти;

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

3) ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари;

5) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди;
6) Олий суд;
7) Олий хўжалик суди;
8) Бош прокурор.

Олий Мажлисга қонунчилик таклифи билан мурожаат этиш ҳуқуқи ҳеч ким учун чекланмаган. Шундай таклиф киритилган тақдирда эса, қонун лйиҳалари қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган юқорида кўрсатилган идоралар ва шахслар орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилиши мумкин.

1997 йил 30 августда «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги қонуни» қабул қилинди. Бунда қонун яратиш жараёнини янада демократиялаштириш, уларни кенг омма орасида муҳокама қилиш, қонун яратишда молиявий-иқтисодий асосларни илова қилиш шартлиги кўрсатилган[1].

Иккинчи босқич, Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш. **Қонун лойиҳасини муҳокама этиш қонун яратиш жараёнининг алоҳида муҳим босқичидир.** Бу босқич қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси тақдим этилгач ва у сессия кун тартибига киргач бошланади. Шаклланган тажрибага кўра, қонун лойиҳаси икки хил кўринишда муҳокама қилинади. Биринчи ҳолда, қонун лойиҳаси аксарият умумий қоидага биноан парламент — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан унинг йиғилишида муҳокама этилади. Иккинчи ҳолда, мамлакат ҳаётининг ўта муҳим масалаларини тартибга солишга қаратилган қонунлар лойиҳаси Олий Мажлис қарори билан кенг халқ муҳокамасига чиқарилади. Барча қонун лойиҳаларини халқ муҳокамасига қўйиш мажбурий қоида эмас. Умумхалқ муҳокамалари сўнгги йилларда қонунчилик тажрибамизда кенг қўлланилаётган демократик институтдир.

Қонун лойиҳаси аввал паламент муҳокамасига қўйиладими ёки умумхалқ муҳокамасига киритиладими, деган саволга аниқ жавоб бериш мушкул. Чунки парламент баъзи лойиҳаларни аввал ўзи биринчи муҳокама этиб, лозим топса, уни умумхалқ муҳокамасига киритиш учун матбуотда эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Баъзан эса парламент лойиҳани умумхалқ муҳокамасига чиқариб, муҳокама якунларини

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. № 9. 237-модда.

аниқлагандан кейингина уни ўз муҳокамасидан ўтказиб қабул қилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам умумхалқ муҳокамасидан ўтган қонун лойиҳаси яна парламент муҳокамасидан ўтади. Акс ҳолда, лойиҳа қонун сифатида қабул қилинмайди.

Умумхалқ муҳокамаси — ўз моҳият-эътибори билан қонун лойиҳаси юзасидан халқ билан бевосита кенгашув, маслаҳатлашувдир. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига киритиш халқ оммаси тажрибасини мужассамлаштириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш ва қонунда халқ манфаатларининг хоҳиш-иродасини тўла-тўкис акс эттириш имконини беради.

Ўзбекистон Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади. Бу қоида муҳим қонун лойиҳаларига ҳам тааллуқли. Умумхалқ муҳокамасини амалга оширишнинг процессуал, ташкилий жиҳатлари «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Гап қонун лойиҳасини халқ муҳокамасига чиқариш тўғрисидаги қарорни ким, қайси орган қабул қилади? Бу ҳақдаги ташаббусни киритишга кимлар ваколатли деган масалалар хусусида бормоқда. Масалан, ушбу қонунга кўра қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига чиқариш ҳақидаги таклифни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари киритиши мумкин. Лойиҳани бундай муҳокамага чиқариш тўғрисидаги қарорни эса республика Олий Мажлиси қабул қилишга ҳақли.

Умумхалқ муҳокамасини ўтказишнинг баъзи процессуал жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг амалдаги Регламентида мустаҳкамланган. Унда айтилишича, қонун лойиҳасининг биринчи ўқилишида Олий Мажлис унинг асосий қоидаларини муҳокама қилади, зарур ҳолларда, қонун лойиҳасини муҳокама этиш учун эълон қилиш ҳақидаги таклифларни кўриб чиқади (Регламентнинг 89-моддаси I қисми).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ, қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига чиқарилиши мумкин (89-модданинг IV қисми).

Парламент томонидан қонун лойиҳасини муҳокама қилиш — қонунчилик жараёнининг расмий босқичи саналади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Регламентининг 74-моддасига кўра, Олий Мажлисга киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, қоидага биноан, икки марта ўқиш йўли билан амалга оширилади.

Қонун лойиҳасининг биринчи ўқилишида Ўзбекистон Олий Мажлиси қонун лойиҳаси ташаббускорининг маърузасини ва бош қўмита ёки комиссиянинг қўшимча маърузасини тинглайди, қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини (концепциясини) муҳокама қилади ҳамда тузатишлар шаклида таклиф ва мулоҳазалар билдиради.

Биринчи ўқиш, яъни дастлабки муҳокамада қонун лойиҳасининг асосий қоидалари маъқулланса (баъзан у рад этилиши ҳам мумкин), Олий Мажлис уни иккинчи ўқишга тақдим этиш муддатини белгилайди (Регламентнинг 89-моддаси).

Биринчи ўқишда қонун лойиҳаси маъқулланган деб ҳисоблаш учун халқ депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз бериши талаб қилинади. Бундай хулоса Олий Мажлиснинг қарори билан расмийлаштирилади. Бош қўмита ёки комиссия ёхуд қонун лойиҳасини қўшимча равишда ишлаб чиқиш топширилган идора қонун лойиҳаси бўйича биринчи ўқиш чоғида тушган таклиф ва тузатишларни кўриб чиқади, лойиҳани қайта ишлаб, уни иккинчи ўқишга тайёрлайди. Лойиҳани қўшимча ишлаб чиқиш мобайнида рад этилган тузатишлар иккинчи ўқиш жараёнида депутатлар томонидан кўриб чиқиш учун лойиҳа матнига илова қилинади.

Мутасадди бўлган бош қўмита (комиссия ёки идора) қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама этиш учун Олий Мажлис эътиборига тақдим этади. Қонун лойиҳаси юзасидан иккинчи ўқиш чоғида ушбу қонун лойиҳаси бўйича бош қўмита ёки комиссиянинг раиси ёки ўринбосари, ёхуд лойиҳани қўшимча равишда ишлаб чиққан идора раҳбари маъруза қилади. Қонун лойиҳаси моддама-модда, бўлимлар ва боблар бўйича ёки ялпи муҳокама қилинади (93-модда).

Олий Мажлис биринчи ёки иккинчи ўқиш йўли билан қилинган муҳокама натижасида қонунни қабул қилади ёки қонун лойиҳасини рад этади, ёхуд уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради. Борди-ю, лойиҳа умумий тарзда, асос учун қабул қилинса, унинг айрим модда ва бўлимлари бўйича тушган тузатишлар кўриб чиқилади. Ҳар бир тузатиш алоҳида муҳокама қилинади. Лозим бўлган тақдирда киритилган тузатишлар бўйича тегишли қўмиталар ва комиссияларнинг хулосалари тингланиши мумкин. Башарти, қўмита ёки комиссиянинг хулосасига рози бўлинмаса,

бундай тузатишни асослаш учун тузатиш киритган халқ депутатига сўз берилади.

Демократик қонунчилик фаолиятининг ифодаларидан бири — парламент муҳокамасига муқобил (альтернатив) қонун лойиҳаларининг киритилишидир. Парламентга муқобил қонун лойиҳаларининг киритилишига асосий сабаб фикрлар ва манфаатлар хилма-хиллигидир. Кўппартиявийлик асосида тузилган парламентда, албатта, манфаатлар хилма-хиллиги мавжуд бўлади ва шунинг замирида муқобил қонун лойиҳалари муҳокамасига қўйилиши мумкин бўлади. Айнан бир масала бўйича парламентдаги партиявий фракциялар ўз муқобил лойиҳаларини таклиф қила оладилар. Бу ҳол одатий бўлиб, бунга кўникиш лозим.

Учинчи босқич — қонунни қабул қилиш. Қонунчлик жараёнининг яна бир муҳим босқичи — қонун лойиҳасини тасдиқлаш, қонунни қабул қилиш босқичидир. Бу босқичнинг аҳамияти ва масъулияти шундаки, бунда қонун лойиҳасига расмий юридик куч бахш этилади, у қонунга айланади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари икки йўл билан қабул қилинади:

биринчиси, қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилиниши;

иккинчиси, қонунни умумхалқ овоз бериши (референдум) йўли билан қабул қилиш.

Қонун овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Қонун лойиҳасига овоз бериш уч хил шаклда амалга оширилади:

1) моддама-модда;
2) бўлим ёки боб бўйича алоҳида-алоҳида;
3) лойиҳа тўлиғича овозга қўйилади.

Ҳар бир қонунни қабул чоғида овоз бериш тартиби Олий Мажлис томонидан алоҳида белгиланади. Қонунларни қабул қилишнинг, овоз беришнинг умумий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва Олий Мажлиснинг амалдаги Регламентида белгилаб берилган. Қонун лойиҳасини ёқлаб Ўзбекистон халқ депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берса, қонун қабул қилинган ҳисобланади.

Регламентнинг 83-моддаси иккинчи қисмига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон халқ депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган Олий Мажлиснинг қарори билан ўзгартирилади. Бу тўғри қоида, унинг юридик асоси Конституция-

нинг 127-моддасида мустаҳкамланган: «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади».

Жорий қонунларга қўшимча ва ўзгартиш киритувчи қонунлар эса депутатларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Тажрибага кўра, қонун лойиҳаси кўриб чиқилаётган пайтда унга киритиладиган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиш алоҳида овозга қўйилади. Мазкур қоида ҳамда қўмиталар таклиф этган ва лойиҳани киритувчи рози бўлган тузатишларга тааллуқли эмас. Бундай тузатишлар қонун лойиҳасининг дастлабки киритилган матнига қўшиб овозга қўйилаверади. Хулоса берган қўмитанинг айрим аъзоси (агар илгари алоҳида фикр баён этган бўлса) сессия вақтида таклиф киритса ёки халқ депутатларидан бирортаси бевосита мажлис давомида тузатиш киритса, булар лойиҳа бўйича умумий овоз беришдан аввал тақдим этилиш навбатига қараб овозга қўйилади. Башарти, бундай таклифларнинг айримлари лойиҳа матнининг баъзи қисмларини чиқариб ташлашни талаб этадиган бўлса, бу қисм энг биринчи навбатда овозга қўйилади. Борди-ю, лойиҳанинг битта моддаси ёхуд битта қоидаси юзасидан тушган бир неча таклифлардан биттаси қабул қилинса, бу тузатишга маъно жиҳатдан қарама-қарши бўлган бошқа таклифлар овозга қўйилмайди. Қонун лойиҳаси ялпи умумий овозга қўйилган тақдирда қабул қилинган тузатишларнинг ҳаммаси бирга овозга қўйилади.

Қонун чиқарувчи орган тўла юридик кучга эга бўлган ҳужжат қабул қила олиши учун депутатларнинг муайян қисми мажлисда ҳозир бўлиши ва овоз беришда иштирок этиши талаб қилинади. Юқорида таъкидлаганимиздек, қонунлар «халқ депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан» қабул қилинади. Бу ерда мана шу «кўпчилик овоз» деган иборага аниқлик киритиш лозим. Зеро, парламентаризм тажрибасида бу борада аниқ мезонлар мавжуд.

Жумладан:

— нисбий кўпчилик;

— оддий кўпчилик;

— мутлақ кўпчилик;

— малакали кўпчилик тушунчалари қўлланилади.

Нисбий кўпчиликнинг овоз бериши деганда депу-

татларнинг бошқа таклифлар учун берилган овозлари сонига нисбатан олинган энг кўп овози тушунилиб, у қонунда белгиланган депутатлар сони квотасининг ярмидан ошмаслиги лозим.

Оддий кўпчилик овоз бериши амалиётда энг кенг тарқалган шакл бўлиб, бунда парламент мажлисида иштирок этаётган депутатларнинг (кворум мавжуд бўлган тақдирда) ярми ва яна бир овоз берилган ҳолати англанади.

Мутлақ кўпчилик овоз берилиши деганда, депутатлар умумий рўйхатдаги сонининг тенг ярми ва яна битта депутатнинг овози тушунилади. Бир қатор чет давлатларнинг парламентида бу тоифадаги овоз сони парламент мажлисининг ишчи органларини сайлаш учун, депутатни чақириб олиш ёки уни ҳибсга олиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш учун, раислик қилувчининг мажлисни олиб бориши бўйича мунозарани ҳал этиш учун ва ҳоказо ҳолларда талаб этилади.

Парламентда баъзи жиддий масалаларни ҳал этиш учун депутатлар **малакали кўпчилигининг** овоз бериши лозим бўлади. Депутатлар умумий сонининг малакали кўпчилигини Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, жами депутатларнинг учдан икки қисми ташкил этади (127-модда).

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисида овоз бериш демократик тарзда амалга оширилади. Аввало, ҳар бир депутат шахсан ўзи овоз бериш ҳуқуқига эга. Чунки овоз бериш депутатнинг ўз фикрини, у ёки бу масалага шахсий муносабатини билдириш, иродасини ифода этишидир. Депутат овоз бериш учун бошқа депутатни вакил қилиши мумкин эмас.

Овоз бериш очиқ, яширин ва номма-ном бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг йиғилишларида кўриладиган масалаларга доир қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Конституцияда, Регламентда, бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда ёки Ўзбекистон Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ яширин овоз бериш ўтказилади.

Олий Мажлисда овоз бериш овозларни сановчи электрон тармоқ ёрдамида ўтказилади. Овоз беришни бошлашдан олдин раислик қилувчи овозга қўйиладиган таклифларнинг таърифланишини аниқлайди, қарор қандай кўпчилик овоз билан (депутатлар умумий сонининг кўпчилиги билан, ҳозир бўлган депутатлар-

нинг кўпчилиги билан, овозларнинг оддий ёки мутлақ кўпчилиги билан) қабул қилиниши мумкинлигини эслатади.

Яширин овоз беришни ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш учун Олий Мажлис халқ депутатлари орасидан очиқ овоз бериш йўли билан Саноқ комиссиясини сайлайди.

Яширин овоз бериш электрон тармоқдан фойдаланган ҳолда ёки бюллетенларни бериш йўли билан ўтказилади (32-модда).

Ўзбекистон халқ депутатларининг камида бешдан бир қисми талабига мувофиқ, сессияда электрон тармоқдан фойдаланган ҳолда ёхуд депутатларнинг номлари ёзилган бюллетенларни топшириш йўли билан номма-ном овоз бериш ўтказилади. Бюллетенларда «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган сўзлар бўлади. Депутат бюллетендаги ана шу сўзлардан бирини қолдириб, қолганларини ўчириши керак. Овозларни ҳисоблаб чиқиш пайтида, юқорида кўрсатилган сўзларнинг биттадан ортиғи қолдирилган ёки ҳар учала сўз ўчириб ташланган, ё бўлмаса кўзда тутилмаган қарор варианти ёзиб қўйилган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади (35-модда).

Қонунлар умумхалқ овоз бериши (референдум) орқали ҳам қабул қилинади. «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунда референдум тушунчаси қуйидагича таърифланади: Ўзбекистон Республикаси референдуми — давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир».

Референдумда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин (1-модда).

Тўртинчи босқич — қонунни имзолаш ва эълон қилиш.[1] Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 14-бандига биноан, қонунларни Ўзбекис-

---

[1] Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. — Т.: Ўзбекистон, 1995. 140—143-бетлар.

тон Республикасининг Президенти имзолайди. Президентнинг эътирозлари бўлса, у ҳолда Президент бу қонунни такрорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтариб юбориши мумкин. Агар қонунни Олий Мажлис депутатларининг учдан икки қисми тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди.

Қабул қилинган ва Президент имзолаган матн Олий Мажлисга сақлаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис қабул қилган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши ушбу қонунлар қўлланишининг мажбурий шарти ҳисобланади.

Олий Мажлиснинг ҳамда Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси имзолайди, у бўлмаган ҳолларда эса бундай ҳужжатларни Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларидан бири имзолайди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари республика Президенти имзолаганидан кейин узоғи билан бир ҳафта ичида расман эълон қилинади. Агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, улар расман эълон қилинганидан кейин ўн кун ўтгач, бутун Ўзбекистон ҳудудида бир вақтнинг ўзида кучга киради.

Қонунлар матнининг тўлиқ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталарида чоп этилиши, уларнинг биринчи марта расман эълон қилиниши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 2-моддасига асосан, қонунларнинг ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг ижросини назорат қилади.

9-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЗАРУРАТИ

Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш тобора кенг кулоч ёймоқда. Жамиятимиз қиёфаси тез суръатлар билан ўзгармоқда. Ижтимоий онгимизга янги демократик ғоялар, қадриятлар ва институтларга оид фикрлар сингиб, сиёсий ҳамда маънавий етуклик даражамиз ошиб бормоқда.

Парламентни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш ҳар қандай жамият учун ўзига хос демократия мактабидир. Парламент турли қатламлар, сиёсий партиялар ва ҳаракат вакиллари орқали жамиятдаги мавжуд сиёсий-ижтимоий қарашлар ҳамда манфаатларни ифода этади, уларни уйғунлаштириб халқнинг ягона иродасини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида нутқ сўзлаб, ниҳоятда муҳим масалага эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари қонун чиқарувчи идорамизни доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш тўғрисида таклиф киритди. Бу таклифни юртимизда демократик ислоҳотларнинг янги поғонага кўтарилиши, деб баҳолаш мумкин. «Ҳаёт ўзгариши билан, — деди Президент, — одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир»[1].

Парламент ислоҳотига оид таклифларнинг аниқ амалий мазмуни шундан иборатки, 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб ташкил этишдир. Бунда қуйи палата — Олий Мажлис партиялар вакиллари ва мустақил депутатлардан сайланади. Сиёсий партиялар ва аҳоли йиғилишлари унга ўз вакилларини тавсия этадилар, номзодлар муқобиллик асосида сайланадилар. Сайланган депутатлар парламентда доимий равишда ишлайдилар.

Парламент қуйи палатасидаги депутатлар сони ҳозиргидек 250 нафар эмас, балки камроқ бўлар. Парламентимиз тўғрисида янги қонун лойиҳаси, шунингдек, янги сайлов қонунлари лойиҳаси устида ишлаётганда ушбу ва шунга ўхшаш ташкилий-ҳуқуқий масалалар ўз ечимини топади. Муҳими шундаки, янги шаклдаги парламентда мутахассис депутатлар фаолият кўрсатиши, вакиллик ва қонун чиқарувчи идорамиз юқори малакали, профессионал бўлиши назарда тутилмоқда.

Президентнинг эътироф этишича, биз ўсиб-улғайиб, бугун шу даражага етиб келдик. Энди малакали ҳуқуқшуносларимиз, иқтисодчиларимиз, сиёсатчила-

---

[1] *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. — Т.: Ўзбекистон, 2000. 483-бет.

римиз етарли. Қонун яратишда, аввало, ҳаётни яхши биладиган, сиёсатни чуқур тушунадиган ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, иқтисодчилар ва мутахассис вакиллар ишлаши даркор[1].

Халқнинг мухтор вакиллари парламентда фаолият юритиб, дунё тажрибасини, қайси мамлакатда қандай қонунлар бор, уларнинг қандай афзал жиҳатлари мавжуд, бугунги замон нимани талаб қилмоқда — каби масалаларни ўрганиб ўз ҳаётимизга татбиқ этишлари мумкин бўлади. Бўлажак янги қонун чиқарувчи идорамиз олдида турадиган муҳим вазифалардан бири — жаҳон парламентаризми анъаналарини, демократик парламент тарзида ишлаш илмини ва парламент маданиятини пухта ўзлаштиришдан иборат.

Парламентни ислоҳ қилиш натижасида вужудга келтириладиган юқори палата режалаштирилаётган концепцияга мувофиқ, ўз таркибига кўра, вилоят, шаҳар ва туманлардан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг вакилларидан иборат бўлади. Масалан, вилоят Кенгашига сайланган депутатлар шаҳар ва туманларда сайланган депутатлар ҳисобидан вилоят миқёсидаги йиғилишда ана шу кенгашларнинг олти-етти нафар энг ишончли, нуфузли вакилини мамлакат парламентининг юқори палатасига сайлайди.

Юқори палата депутатлари ўз вилояти ҳаёти ҳамда долзарб муаммоларини яхши билиши, шу асосда ўз вилояти манфаатларини парламент даражасида ифода этиши лозимлиги назарда тутилмоқда. Юқори палатага ҳар қайси вилоятдан сайланган депутатлар сони бир хил бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу ҳол уларнинг тенглигини таъминлаб беради.

Юқори палатага сайланган вакилларнинг асосий вазифаси қуйи палатада тайёрланган ва қабул қилинган қонунларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан ўз қарорини қабул қилишдан иборат бўлади. Қуйи палатанинг асосий вазифаси қонун лойиҳалари устида ишлаш, уларни муҳокама этиш ва қабул қилишдир. Юқори палата қуйи палата тайёрлаб, қабул этган қонунларнинг вилоятлар манфаатига нечоғлик мос келиш-келмаслигини чуқур ўрганиб, ўз муносабатини билдиради. Қонунлар ҳар иккала палата томонидан маъқулланганидан сўнг қабул қилинган ҳисобланади, тегишли тартибда имзолангач, ҳаётга йўл олади.

---

[1] Ўша жойда. 483-бет.

Таъкидлаш жоизки, парламент, айниқса, унинг юқори палатаси мамлакатнинг барча ҳудудларига тенг кўз билан қараб, ана шу ҳудудларнинг вакиллари орқали халқ манфаатларини бир хилда ҳимоялашни таъминлаши лозим.

Юртбошимиз И. А. Каримов парламент ислоҳотига оид ташаббусли таклифни умумхалқ муҳокамасига қўйиш, башарти у халқимизга маъқул келса, сайлов тўғрисидаги янги қонунни ишлаб чиқиш мумкин бўлади, деб таъкидлади[1].

Парламент ислоҳотидан кутилаётган мақсад:

Биринчидан, мамлакатда қонун ижодкорлик ишлари савиясини дунё андозалари даражасига кўтариш;

Иккинчидан, халқ иродасини қонунларда аниқ ифодалашнинг самарали ишлайдиган демократик механизмини вужудга келтириш;

Учинчидан, ҳуқуқий бўлишга интилаётган давлатимизда *том маънода парламентаризмни, унинг анъаналарини,* шунингдек, парламент демократияси институтлари ва парламент маданиятини қарор топтиришдан иборатдир.

---

[1] Кўрсатилган асар. 485-бет.

XXIV боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

*** ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТЛИК ЛАВОЗИМИНИНГ ТАЪСИС ЭТИЛИШИ**
*** ПРЕЗИДЕНТЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**
*** ПРЕЗИДЕНТЛИК МОДЕЛЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ — ДАВЛАТ ВА ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТ БОШЛИҒИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЧИҚАРАДИГАН ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

1-§. ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТЛИК ЛАВОЗИМИНИНГ ТАЪСИС ЭТИЛИШИ

Президентлик Ўзбекистон конституциявий-ҳуқуқий амалиётида нисбатан янги давлат-ҳуқуқий институтлардан бири ҳисобланади. Бу институтнинг мамлакатимизда пайдо бўлганига эндигина ўн бир йил бўлди. «Президентликнинг ўзбекча модели» мавзуси Ўзбекистонда доимий равишда ўрганиб боришни, шу билан бирга, жиддий эътиборни тақозо этади.

Президентликнинг ўзбекча модели масаласини изчил тадқиқ этишдан олдин, биринчи навбатда, президентлик лавозимининг мамлакатимизда пайдо бўлиш сабабларини изоҳлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

1990 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши иттифоқдош республикалар ўртасида биринчи бўлиб президентлик лавозимини жорий этди. Бу дав-

лат мустақиллиги йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири бўлди.

Президентлик лавозими нима учун керак бўлди?

Ўзбекистонда президентлик лавозимини жорий этишнинг сабаблари қуйидагилар.

Биринчидан, давлат мустақиллигига интилиш, республикада бошқарув жараёнларини демократлаштириш айнан президентлик институтини тақозо этар эди. Чунки парламент узоқ баҳс ва мунозараларга берилиб кетиб, оператив қарорлар қабул қилиш ва уни амалга ошириш имкониятига эга эмас эди. Шунинг учун ҳам мамлакатни бир киши томонидан бошқариш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Иккинчидан, президентлик лавозимини жорий этиш сабабларидан яна бири ҳокимиятларнинг бўлиниши принципини ривожлантиришдан келиб чиқади. Президентлик давлат ҳокимияти органларининг тизимини ташкил этишда демократик принципларни амалга оширишга ёрдам беришга қаратилган эди. Қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Учинчидан, Президент ўз зиммасига ҳукуматни шакллантириш ва унинг ишига раҳбарлик қилишдек улкан масъулиятни олиши учун объектив зарурат туғилди.

Тўртинчидан, вазиятни барқарорлаштириш, тинчликни таъминлаш ва мураккаб муаммоларни тезликда ҳал этиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Мавжуд давлат структураси бу масалаларни ҳал этишга қодир эмас эди.

Республикада президентлик лавозимини жорий этиш ёки жорий этмаслик масаласини ҳал этишда, мамлакатнинг келажагини белгилашда И. А. Каримовнинг мардлик ва жасурлик хусусиятлари, унинг фуқаролик ва ватанпарварлик масъулияти ўта муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда президентлик лавозимини жорий этиш мустақил давлатчиликни мустаҳкамлаш, бошқарувнинг халқаро шаклига ўтиш, тинчликни, миллатлараро тотувлик, сиёсий барқарорликни таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

2-§. ПРЕЗИДЕНТЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жаҳон президентлик амалиётининг кўрсатишича, давлат бир шахс орқали мувофиқлашиб, унинг айрим мамлакатларда йўқотилган мақсад ва вазифалари ўзаро бирлашади, ягона кучга айланади. Бундай вазифалар давлатнинг ваколати ва фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Жаҳон конституционализмида президентлик институтига қуйидагича тавсиф берилади.

Биринчидан, Президент муайян давлатнинг бошлиғи ва халқ бирлигининг рамзи ҳисобланади. Унинг бирлигини олий давлат органлари мамлакатнинг ичида ҳам, ташқи халқаро сиёсатда ҳам намоён этади.

Иккинчидан, Президент ўз мамлакати халқи номидан иш тутади, унинг миллий манфаатларини ҳимоя қилади, партиявий, ижтимоий, миллий ва бошқа манфаатлар, айниқса, келишмовчиликлардан юқори туради, жамиятни ўзаро мувофиқлаштиради, ижтимоий-сиёсий ҳаётни мустаҳкамлайди.

Учинчидан, Президент мамлакатнинг умумий ҳолати учун масъул бўлиб, сиёсий барқарорликни таъминлайди, ҳуқуқий тартиботни ва хавфсизликни таъминлаш, мамлакатнинг бошқа давлатлар олдидаги мажбуриятини бажариш учун қарорлар қабул қилади, тезкор чора-тадбирлар кўради.

Тўртинчидан, Президент ижро ҳокимиятини бошқаради ва унинг фаолиятини йўналтиради.

Бешинчидан, Президент мамлакатнинг Олий бош қўмондони ҳисобланади ва давлат мудофааси ва фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташи учун раҳбарлик қилади.

Олтинчидан, Президент ижро ҳокимияти тизимида олий лавозимга тайинлаш ваколатини амалга оширади, фуқаролик масалаларини ҳал қилади, фуқароларни давлат нишонлари билан мукофотлайди ва айбидан ўтади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳамда мамлакатда конституция ва қонунларнинг кафолати ҳисобланади.

Табиийки, бу санаб ўтилган ҳолатлар президентликнинг умумий хусусиятлари ҳисобланади. Улар ҳар бир мамлакатда ўзига хос равишда қўлланиши мумкин. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда президентлик лавозимини жорий этишда ҳисобга олинади. Миллий дав-

латчиликнинг узоқ асрлик тарихий тажрибаларини ва муайян даврнинг ўзига хос айрим ҳолатларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас эди.

3-§. ПРЕЗИДЕНТЛИК МОДЕЛЛАРИ

Жаҳонда президентлик моделининг хилма-хил шакллари мавжуд. Президентлар расмий жиҳатдан давлат бошлиғи бўлиши мумкин, лекин амалиётда давлат бошқарувида уларнинг иштироки етарли даражада бўлмаслиги мумкин. Худди шундай ҳолатни парламентар республикалар фаолиятида, хусусан, ГФРда, кўриш мумкин. Аксинча, президент бошқарувининг шундай шакллари ҳам мавжудки, унда президент юридик жиҳатдан асосий раҳбар ҳисобланади. Масалан, АҚШда шу ҳолатни кузатиш мумкин. Шунингдек, шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, президент ваколатлари юридик жиҳатдан анча чегараланган бўлади, жумладан, парламент президент фаолияти устидан назорат ўрнатади, амалиётда эса у анча мустақил иш тутади.

Ўзбекистон Республикасида президентлик моделини жорий этишда президентликнинг қайси шаклини жорий этиш керак? — деган савол турар эди. Бунда бир қанча моделлар мавжуд эди.

Биринчи модел. Президент — фақат ваколати нуқтаи назаридан давлат бошлиғи бўлиб, у ҳукумат ишларига тўла аралаша олмайди, расмий тадбирларни очади, хорижий делегацияларни қабул қилади. Аммо мамлакат аҳамиятига молик масалаларни премьер-министр ҳал қилади.

Иккинчи модел. Президент давлат ва ижро ҳокимияти раҳбари ҳисобланади. Бу модель президентни ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари ҳисобланган давлат органларига нисбатан мувофиқлаштирувчи вазифага йўналтиради.

Учинчи модел. Президент — ижро ҳокимияти бошлиғи ва олий мансабдор шахс. Бу модел президентни давлат бошқаруви аппаратига раҳбарлик қилишга йўналтиради. Бу моделнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд:

а) президент давлат бошлиғи ҳисобланмайди, лекин ҳукумат мажлисларида раислик қилади;

б) президент — расман давлат бошлиғи ҳисобланади;

в) президент ҳукумат таркибини мустақил шакллантиради, премьер-министрдан ташқари бошқа ҳамма номзодларни тайинлашда парламент билан келишади;

г) президент парламентга ҳукумат таркибини ёки унинг айрим асосий фигураларини тасдиқлаш учун тақдим этади.

Тўртинчи модел. Президент — «хўжакўрсин»га эмас, давлатнинг ҳақиқий бошлиғи, ҳукуматнинг ҳақиқий раҳбари ҳисобланади.

Албатта, Ўзбекистон Республикасида президентлик шаклини жорий этишда биринчи модел тўғри келмас эди. Гап фақатгина давлатнинг ўзини кучайтириш устида борар эди. Бунда президентлик институти ўта муҳим аҳамият касб этарди. Давлатга миллий манфаатларни тўла ҳимоя қила оладиган раҳбар керак эди.

Президентлик лавозимини жорий этишда юқоридаги иккинчи модель умуман олганда, унчалик даражада муҳим аҳамият касб этмас эди. Чунки мамлакатда кучли авторитаризмдан қўрқиш кайфияти кучли эди. Бу президентлик институтига ҳам салбий таъсир ўтказиши мумкин эди.

Худди шундай ҳолатларга кўра учинчи моделни ҳам жорий этиб бўлмасди.

Шу нуқтаи назардан тўртинчи модел Ўзбекистонда қабул қилинди ва президентлик лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда президентлик лавозимини жорий этиш — ҳуқуқий давлатчиликни, ҳокимиятларнинг бўлиниш принципини ривожлантиришда, давлатчилик тузилмаларини мувофиқлаштириш ва барқарорлаштиришда энг муҳим ва зарур қадамлардан бири бўлди.

4-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ — ДАВЛАТ ВА ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТ БОШЛИҒИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига кўра: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти, айни вақтда, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади».

Демократик ҳуқуқий давлатда давлат бошлиғининг мақоми конституция ва у асосида қабул қилинадиган қонунлар томонидан аниқ белгилаб қўйилади. Бу давлатдаги энг юқори лавозимни эгаллаган шахсга аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши учун жуда зарурдир.

Президентнинг конституциявий мақоми давлат бошлиғининг фукнциялари ва ваколатларини белгилаб қўювчи конституция нормаларида мустаҳкамланган.

Ўтмишда Ўзбекистонда давлат бошлиғи лавозими амалда йўқ эди. Президент ҳокимияти институти ўзбек давлатчилиги ривожланишида 1990 йил мартидан эътиборан амал қилмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг тузилиш мантиғи ҳокимиятларнинг бўлиниши принципига мос тушади. Конституцияда ҳокимиятларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш бўйича асосий вазифа Президент зиммасига юкланган. Президентнинг Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимидаги алоҳида ўрни шу билан изоҳланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Президентнинг роли ниҳоятда ўсди. У бевосита халқ томонидан сайланади ва давлат ҳамда ижро ҳокимиятининг бошлиғи сифатида катта ҳажмдаги ваколатларга эга. Умуман, замонавий ўзбек давлати бошқаруви президентлик республикаси шаклидир.

Бошқарувнинг президентлик шаклида Президент умумхалқ сайловларида сайланади ва давлат бошлиғи ҳисобланади, айни вақтда, ижро ҳокимиятини бошқаради, фақат ўзи олдида жавобгар бўлган ҳукуматни тузади.

АҚШ, Лотин Америкасининг кўпчилик мамлакатлари, кўплаб араб давлатлари, баъзи Африка давлатлари президентлик республикалари ҳисобланади.

Бошқарувнинг президентлик шаклини яратишнинг илк босқичи Франциянинг 1958 йилги Конституциясида амалга оширилди. У ёки бу ўзига хос хусусиятлари бўлгани ҳолда президентлик республикаси бошқа давлатларда ҳам қабул қилинган (Россиянинг 1993 йилги Конституцияси).

«Президент» тушунчаси конституциявий-ҳуқуқий маънода давлат бошлиғини англатади. Айнан шунинг учун бу институт жаҳон давлат-ҳуқуқий амалиётида яратилган эди. Унинг бундай роли президенти бўлган ҳар қандай замонавий демократик республикага хос-

дир. Президент давлатни жипслаштириши, яъни давлат ҳокимияти механизмининг барқарорлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясига мувофиқ, Президент — ҳокимиятлар бўлиниши принципига риоя қилинишида давлат механизмининг энг муҳим институтидир.

Давлат бошлиғи сифатида президент давлат ҳокимияти органлари тизимида етакчи роль ўйнайди. Президент давлат ичида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг олий вакиллигини амалга оширади.

Давлат бошлиғи ўзида у ёки бу ҳокимият тармоғини эмас, балки давлат ва бутун давлат ҳокимиятининг бирлигини намоён этади.

Кўплаб хорижий мамлакатларда давлат бошлиғи якка шахсдан иборат институт. Швейцария, Бирлашган Араб Амирликлари бундан мустасно. Швейцарияда — парламент томонидан сайланадиган федерал кенгаш, БААда эса етти амир, яъни федерация субъектларининг ҳукмдорлари бошчилик қилади. Монархияларда давлат бошлиғи, қоидага кўра, меросхўр монарх бўлса (Испанияда қирол, Буюк Британияда — қиролича, Японияда — император), республика давлатларида сайлаб қўйиладиган президентдир. Британия ҳамдўстлигининг бир қатор мамлакатларида (Австралия, Канада, Янги Зеландия) давлат бошлиғи Буюк Британия қироличаси ҳисобланади, унинг вакили қиролича тайинлаб қўядиган генерал-губернатордир.

Ўзбекистоннинг олдинги Конституциялари (1927, 1937 ва 1978 йиллардаги) давлат бошлиғи институтини назарда тутмаган эди. Давлат бошлиғи вазифасини Олий Совет Президиуми амалга оширар эди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ижро ҳокимиятининг бошлиғи ҳам ҳисобланади. Ижро ҳокимиятига бевосита иқтисодиётга, ижтимоий ва маънавий соҳаларга бошчилик қилиш юклатилган. Бунинг учун унга фармойиш берувчилик функциялари берилган. Ижро ҳокимиятига қонунларни ижро этиш юкланган, бу ҳокимиятнинг номи шундан келиб чиққан. Ижро ҳокимияти мураккаб, бир-бирига бўйсунадиган давлат органлари тузилмалари орқали амалга оширилади. Унга Вазирлар Маҳкамаси етакчилик қилади. Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий номидир (Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуннинг 1-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат ва ижро ҳокимиятининг бошлиғи сифатида, айни вақтда, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳам ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ: «Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва унинг ўз ваколатларини самарали бажариши учун чора-тадбирлар кўради».

5-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

Замонавий давлатларнинг конституцияларида президент лавозимига номзодлар ва уни сайлаш тартибига қўйиладиган шартлар белгилаб қўйилган. Умуман, ҳамма ерда президент лавозимига номзодларга юқори талаблар қўйилади:

биринчидан, ёш цениз: АҚШ, Россияда — 35 ёш, ГФРда — 40 ёш, Италияда — 50 ёш;

иккинчидан, туғилиши билан ушбу мамлакат фуқароси бўлиш, сайловгача мамлакатда узоқ муддат яшаш: Россияда — 10 йил, АҚШда — 14 йил;

учинчидан, президент лавозимида бўлиш муддати: АҚШ ва Россияда — 4 йил, ГФРда — 5 йил, Италия, Францияда — 7 йил;

тўртинчидан, кўп мамлакатларда президент лавозимига бир мартадан ортиқ (Мексика), икки мартадан ортиқ (Россия, АҚШ) сайланиш мумкин эмас. Франция ва Италияда президентнинг қайта сайланиш имконияти чекланмаган;

бешинчидан, президент лавозимининг бошқа давлат ёки тижорат фаолияти билан қўшиб олиб борилмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасидаги Президент лавозимига номзодларга қўйиладиган талабларга кўра, жаҳон стандартларига тўла мос келади. Масалан, 35 ёшга кирган, фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқаросигина Президент этиб сайланиши мумкин (мамлакат Олий Мажлисига сайланиш учун 25 ёш етарли эканлигини эслатиб ўтамиз). Шуниси аёнки, фаолияти сайловчилар томонидан баҳоланиши мумкин бўлган, етарлича ҳаёт тажрибасига эга одам президент бўлиб сайланиши керак. Шу билан бирга, 35 ёш — анча ҳаракатчан фаолиятни талаб қилувчи президентлик лавозимига етарлича ёш одамни сайлашга имкон беради.

1978 йилги РСФСР Конституцияси (1991 йилда ўзгартириш киритилганидан кейин) президент этиб сайлаш учун энг юқори ёшни — 65 ёш қилиб белгилаган. Россия федерациясининг 1993 йилги, ҳозир амалда бўлган Конституциясида бу шарт йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловлари тўғрисида»ги қонунга (1991 й.) мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқаросигина сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Конституцияси, шунингдек, президентликка номзодга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида 10 йил яшаганлиги зарурлиги ҳақидаги талабни қўяди. Бу муддат — президентликка номзод фақат билимлар ва амалий тажрибага эга бўлибгина қолмай, балки, Ўзбекистондаги ҳаётнинг ўзига хос шароитларини тушуниш учун ҳам зарур ва етарли деб тан олинади.

«Муқим яшайдиган» деган конституциявий тушунча шуни англатади: **биринчидан,** номзод ўзи Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзоди қўйилгунча Ўзбекистон Республикасида доимий яшаган бўлиши шарт; **иккинчидан,** бу муддат узлуксиз бўлиши керак, яъни номзод ўн йиллик даврни қисмларга бўлиб, ўзи бошқа мамлакатда яшаган вақтда оралиқларга йўл қўйган ҳолда «тўпламаслиги» зарур. Муқим яшаш тўғрисидаги талаб хорижий мамлакатларга хизмат сафарлари ва ташрифлар, даволаниш ва дам олиш учун бориб келишларни истисно қилмайди.

Давлат тилини яхши биладиган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси президентликка сайланиши мумкин. Тиллардан фойдаланишни тартибга солиш — Ўзбекистонда конституциявий аҳамиятга эга. У ёки бу тилнинг давлат тили сифатидаги мақоми конституция билан белгиланади. Масалан, Конституциянинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» — деб белгилаб қўйилган. Давлат ҳокимияти органлари, расмий иш юритиш, суд ишларини олиб бориш мажбурий равишда давлат тилида олиб борилади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва расмий нашрлар эълон қилинади.

Ўзбек тили — Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг мутлақ кўпчилиги бўлмиш ўзбек халқининг она тилидир. У Ўзбекистон бирлиги ва яхлитлиги, жамият жипслигининг муҳим омилидир. Айнан шунинг учун Конституция ва Ўзбекистон суверенитетининг кафили бўлмиш Президент ўзбек тилини яхши билиши шарт.

Ўзбекистонда бир шахс сурункасига икки муддатга президент бўлиб сайланиши мумкин эмас. Қайта сайланишлар сонининг чекланганлиги бир шахснинг авторитар ҳокимиятини узоқ муддатга ўрнатишнинг олдини олишга қаратилган. Лекин Конституция собиқ президентнинг учинчи, тўртинчи ва ҳ.к. муддатларга қайта сайланиши имкониятини соқит қилмайди. Фақат бу янги муддат олдинги иккала муддатдан «бошқа» сайланган президент билан ажратилган бўлиши керак.

Конституция 90-моддасининг 2-қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайланиш принципларини аниқ белгилаб қўйган. Президентлик республикаларида президент мамлакат бутун сайлов корпуси томонидан умумхалқ сайловлари йўли билан сайланади. Президент сайловлари нисбий кўпчиликнинг (масалан, АҚШда) ёки мутлақ кўпчиликнинг (масалан Францияда) овозига асосланиб, мажоритар сайлов тизими бўйича ўтказилади. Улар персонлаштирилган хусусиятга эга, мамлакат сиёсий ҳаётининг энг муҳим актларидан бири ва сайловчиларнинг фаоллиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда президент сайловлари умумий, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Президентнинг ўз лавозимида бўлиш муддати 5 йилдир. Ўзбекистондаги 1991 ва 2000 йилларда-

ги президент сайловлари айнан шу йўл билан ўтказилди.

Президент сайвловларини ўтказиш тартиби 1991 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари тўғрисида»ги қонун билан белгилаб қўйилган. Бу қонун эркин ва демократик сайловлар ўтказишни таъминлаб беради.

6-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПРЕЗИДЕНТНИНГ ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 91-моддасида, «Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади», дейилган.

Конституцияга кўра, президент ўз лавозимида иш юритаётган вақтда қуйидагиларни бирга олиб бормаслиги назарда тутилади:

биринчидан, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши;

иккинчидан, вакиллик органининг депутати (парламент, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш) бўлиши;

учинчидан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти дахлсизлик ҳуқуқига эга. Президентнинг дахлсизлиги мутлақ бўлиб, у бажарадиган мажбуриятлардан келиб чиқиб, Президентнинг қонунлар билан алоҳида муҳофаза этилишини англатади.

Конституциянинг 91-моддасида Президент шахси дахлсизлиги тушунчасининг мазмуни очиб берилмаган. Президент шахсининг дахлсизлиги унинг бутун ваколатлари давомида алоҳида кафолатларнинг таъминланиши билан боғлиқ.

Президент шахсининг дахлсизлиги унга қарши жиноят иши қўзғатилиши мумкин эмаслигини билдиради. Президент мажбурий равишда, масалан, гувоҳ сифатида судга чақирилиши, маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Президент ҳибсга олиниши, тинтув этилиши ва шахсий кўздан кечирилиши мумкин эмас. Шу маънода Президентнинг шахси дахлсиздир.

Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади. Президент қасамёдининг матни Конституциянинг 92-моддасида берилган: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Жаҳон конституциявий назарияси ва амалиёти президентнинг қасамёд қабул қилишига алоҳида аҳамият беради. Бу тадбир фақат расмий тантанали маросим сифатидагина қабул қилинмайди. Шунингдек, у юридик аҳамиятга ҳам эга.

Президент қасамёдининг юридик аҳамияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, президент қасамёд қабул қилиши билан ўз лавозимига киришади ва ўзининг конституциявий ваколатларини бажара бошлайди. Шу вақтдан бошлаб, олдинги президент ўз ваколатини тугатади;

иккинчидан, қасамёднинг матни, одатда, конституцияда берилади (АҚШ, Россия), халққа эълон қилинади ва парламент олдида президент томонидан тантанали қабул қилинади. Қасамёд матнида конституцияга садоқат, халқ ва давлатга хизмат қилиш билан бирга, кўпинча, диний тусдаги ифодалар бўлади ёки қасамёд Қуръонда ёхуд Инжилда қабул қилинади;

учинчидан, қасамёдни бузиш президентни жавобгарликка олиб келади, бу унинг ўз лавозимидан четлатилиши бўлиши мумкин (бундай маросим кўп мамлакатларда импичмент номини олган);

тўртинчидан, президент ўзига бевосита берилмаган ваколатларга асосланган ҳаракатларида унга қасамёд юклаган мажбуриятларини рўкач қилиш имконига эга.

7-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Конституциянинг 93-моддаси Ўзбекистон Республикаси Президентига унинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ўрнига мос кўплаб ваколатларни беради. Президент фақат Ўзбекистон Республикасининг

Конституциясида ўрнатилган доиралардагина фаолият кўрсатади. Президентнинг конституциявий ваколатлари давлат ва жамият ҳаёти фаолиятининг энг муҳим соҳаларини қамраб олади. Президентнинг асосий вазифаси — мамлакат ичида ва ташқарисида давлатнинг бирлигини намоён қилишдир.

Президент ваколатларининг ҳажми унинг давлат ва ижро ҳокимиятининг бошлиғи эканлигидан келиб чиқади. Ўзбекистон Президенти фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафилидир. Бу шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикаси Президенти инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмининг узлуксиз ишлаши учун шахсан жавобгар, бирор сабаб билан ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилиши бузилган ҳолларда тегишли чоралар кўришга мажбур. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмини яратиш, халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат органлари ходимлари ва бутун аҳолининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича маданиятини ошириш мақсадида, БМТнинг демократиялашни, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш борасидаги тавсияларига мувофиқ, Ўзбекистон Президенти 1996 йилнинг 31 октябридаги фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини ташкил қилди.

Президент ўз шахсий фаолиятида ҳам, шунингдек, умуман инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда аҳолининг алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларини, масалан, пенсионерлар, ногиронлар ва давлат томонидан ҳимояга муҳтож бошқаларни муҳофаза қилишга йўналтирилган қонунлар хусусида ташаббус кўрсатиш, фармонлар чиқариш орқали ўзининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафили сифатидаги функциясини бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. Президент ўз ваколатларини амалга ошира бориб, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларининг ўз конституциявий мажбуриятларини зарур даражада бажаришларини таъминлайди. У хатти-ҳаракатлари конституция талабларига жавоб бермаётган органлар ва шахсларга бевосита мурожаат қилиш орқали ҳам, шу соҳадаги ваколатли органлар, хусусан, судлар воситасида ҳам бунга эришади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Конституциясида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш юзасидан зарур чоратадбирларни кўради. Суверенитетни муҳофаза қилиш давлат ҳокимияти барча тармоқларининг фаолият кўрсатиши орқали таъминланади. Шунинг учун Президент махсус ваколатларга эга. Хусусан, фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берганда шахсан ўзи тезкор қарорлар қабул қилади.

Президент давлат бошлиғи сифатида халқаро муносабатлар соҳасида муҳим ваколатларга эга. Бунда у муҳим вакиллик функциясини бажаради. Бу функцияни у якка ўзи шахсан амалга оширади. Президент ўз вакилларини юбориши мумкин. Бу вакиллар бутун давлат номидан ваколатларга эга бўлади. Президент мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш юритади.

Президент халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг вакилидир. Бу ерда Президент Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатлари субъекти, суверен ва мустақил мамлакат сифатида намоён қилади. Бу, авваламбор, шуни англатадики, фақат Президентгина шартнома ва битимларга имзо чекиши, музокараларда Ўзбекистон номидан қатнашиши республиканинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаши мумкин.

Бунинг ҳаммаси халқаро ҳуқуқ амалиётига тўла мос келади. Ушбу давлат бошлиғининг ўз конституциявий ваколатларини амалга ошириш, хусусан, музокаралар олиб бориш, шартномалар ва битимлар тузиш ҳуқуқига эга эканлиги тан олинади. Бунда Президент ўзига махсус ваколатлар берилишига муҳтож эмас, чунки у эгаллаган мансабидан келиб чиқиб, бу ваколатларга эга.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ва битимлари қонун қабул қилиш орқали Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан ратификация қилиниши керак (78-модданинг 11-банди). Халқаро шартнома ва битимнинг ратификация қилинганлиги ратификация ёрлиғи билан тасдиқланади. Ратификация ёрлиғига Ўзбекистон Республикаси Президенти имзо чекади. Икки томонлама шартнома ва битимлар тузилганда унинг иштирокчилари ратификация ёрлиқларини ал-

машадилар. Кўп томонлама шартномаларда ратификация ёрлиғи депозитарий давлатга ёки халқаро шартнома матнини сақловчи халқаро ташкилотга бериб қўйилади.

Президентнинг топшириғисиз мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон зиммасига олинган ҳар қандай халқаро мажбуриятлар Президент томонидан бекор қилиниши мумкин.

Президентнинг ташқи сиёсат соҳасидаги муҳим ваколатлари жумласига қуйидагилар киради: **биринчидан,** унинг ҳузурида аккредитациядан ўтган элчилар ва бошқа дипломатик вакилларга ишонч ва чақириб олиш ёрлиқларини топшириш; **иккинчидан,** тегишли ёрлиқларга имзо чекиб, Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлардаги элчилари ва бошқа дипломатик вакилларини тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш.

Ишонч ёки чақириб олиш ёрлиғи — махсус расмий хат шаклидаги алоҳида ҳужжат бўлиб, ушбу шахснинг элчи ёки дипломатик вакил қилиб тайинланганини тасдиқлайди. Бу ёрлиқлар хорижий давлат бошлиғи номидан давлатимиз бошлиғи — Ўзбекистон Республикаси Президентига жўнатилади. Ишонч ёрлиқларида маълум шахсга (элчига) ўз давлатининг манфаатларини ифода қилиш топширилганлиги, унинг сўзлари ва ҳаракатларига «ишониш кераклиги» кўрсатилади. Президентнинг ишонч ёрлиғини қабул қилиши шуни англатадики, тайинланган ва Ўзбекистон Республикасига келган хорижий давлат элчиси ёки дипломатик вакили ёхуд халқаро ташкилот вакили аккредитациядан ўтган, яъни расмий равишда мамлакатимизда ўз мажбуриятларини *бажаришга киришган деб ҳисобланади.*

Хорижий давлат элчиси ёки халқаро ташкилот ҳамда хорижий давлатнинг дипломатик вакили функциясини бажаришининг тўхтатилиши Президентга чақириб олиш ёрлиғи топшириш орқали расмийлаштирилади.

Чет эл давлатларида Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқларини тайинлаш ва чақириб олишнинг тартиби «Хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқларини тайинлаш ва уларни чақириб олиш тўғрисида»ги 1992 йил 3 июлдаги қонун билан белгиланади. Бу қонун «Дипломатик алоқалар тўғрисида»ги 1961 йилги Вена конвенцияси ҳамда бош-

қа умум эътироф этилган халқаро-ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга тўла мос келади.

Хорижий давлатдаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан тайинланади. Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасининг бошлиғини тайинлаш у борадиган мамлакат (агреман)нинг расмий розилигини олгандан кейин амалга оширилади. Дипломатик ваколатхона бошлиқлигига номзодни Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор органларнинг келишувини олган ҳолда киритади. Фавқулодда ва мухтор элчи ёки фавқулодда ва мухтор вакилнинг белгиланган мамлакатга жўнаб кетишидан олдин Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти имзо чеккан ва ташқи ишлар вазирининг имзоси қўйилган, белгиланган давлат бошлиғига бериш учун мўлжалланган ишонч ёрлиғини тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасининг бошлиғини чақириб олиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

биринчидан, дипломатик ваколатхона бошлиғи алмаштирилганда;

иккинчидан, дипломатик ваколатхона бошлиғи номақбул шахс (персон нон грата) деб эълон қилинганда;

учинчидан, давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатлар узилганда;

тўртинчидан, давлатлар ўртасида уруш ҳолати эълон қилинганда;

бешинчидан, давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида мавжудлигини тугатганда.

Конституция 93-моддасининг 7-бандида шу нарса белгилаб қўйилганки, Президент Олий Мажлисга ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади. Унинг маълумотномаси норматив ҳужжат ҳисобланмайди. Бу ахборот сиёсий тусга эга, мамлакатни ривожлантиришнинг дастурий принциплари ва стратегик вазифаларини ўз ичига олади.

Давлат бошлиғининг қонун чиқарувчи органга мурожаат қилиш амалиёти деярли барча мамлакатларда мавжуд. Тақдимномалар маълумотномаларнинг мазмуни, юридик нуқтаи назардан мажбурий кучга эга бўлмасада, қоида тариқасида қонун чиқарувчи органга ҳам,

мамлакатдаги жамоатчилик фикрига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижроия ҳокимиятини тузиш билан боғлиқ ваколатлари Конституция 93-моддасининг 8, 9, 12, 21-бандларида баён қилинган. Бундай ваколатларнинг кўплигига иккита сабаб бор:

биринчидан, Президент бўлиб сайланган шахснинг дастури умумхалқ сайловлари орқали қўллаб-қувватлангани учун у ижроия ҳокимияти органларини тузишда маълум ваколатларга эга бўлиши керак. Чунки унинг дастурини бажариш, асосан, ижроия ҳокимияти органлари зиммасига тушади, уларни тузишда Президентнинг ваколатлари жуда муҳим ўрин тутади;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосларидан бири бўлмиш ҳокимиятларнинг бўлиниши принципи давлат ҳокимиятининг бирор органи фақат бир ҳокимият тармоғи томонидан тузилишини истисно қилади. Шунинг учун давлат ҳокимиятининг марказий органларини тузишга ҳам Президент, ҳам Олий Мажлис жалб қилинган. Бунга икки йўл билан эришилади: ёки Президент муайян мансабдор шахсларни тайинлайди, Олий Мажлис эса маъқуллайди ёхуд Олий Мажлис тайинлайди, номзодни эса Президент таклиф қилади.

Ижроия ҳокимияти органларини ташкил қилишда Президентнинг ваколатлари жуда кенг. Президент Бош вазир, унинг биринчи ўрнибосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади. Шунингдек, Президент вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди. Президент ўз қарори билан конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини лавозимидан озод этишга ҳақли. Миллий хавфсизлик хизматини ва давлат назорати органларини ташкил қилар экан, Президент уларнинг раҳбарларини тайинлайди.

Суд ҳокимияти органларига келганда, шуни айтиш мумкинки, Президент Олий Мажлисга Конституция-

вий суд раиси ва аъзолиги, Олий суд раиси ва аъзолиги, Олий хўжалик суди раиси ва аъзолигига номзодларни тақдим этади. Уларни Олий Мажлис сайлайди. Шунингдек, Президент вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик суди судьяларини тайинлайди. Президентнинг тақдимига биноан, Олий Мажлис Марказий банк бошқаруви раиси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлайди.

Фақат ижроия ҳокимияти органларини тузишгина эмас, балки уларнинг фаолияти билан боғлиқ соҳада ҳам Президентга катта ваколатлар берилган. Конституцияга мувофиқ, Президент ижро ҳокимиятининг бошлиғи ҳисобланади. Ҳукумат таркиби ҳақидаги масалаларни ҳал қилишдан ташқари, Президент, айни пайтда, Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳам ҳисобланади.

Агар республика бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатлари конституция ва қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига зид бўлса ёки улар инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилса, ушбу масала тегишли судда ҳал қилинмагунича Президент бу ҳужжатларни тўхтатиш ёки бекор қилишга ҳақли.

Президентнинг республика давлат ва бошқарув олий органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашдаги ваколатлари ҳам кўп. Бунинг учун у конституцияда ўрнатилган, Олий Мажлисга таъсир ўтказиш (XVII боб), Вазирлар Маҳкамасига таъсир ўтказиш (XX боб) имкониятларидан фойдаланиши, баъзи ҳолларда судга мурожаат қилиши, масалани Конституциявий суд кўриб чиқиши учун тақдим этиши мумкин (1995 йилги «Конституциявий суд тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддаси).

Президент Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, буни Олий Мажлиснинг тасдиғига киритади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлаш учун Президент конституцияда кўрсатилган бошқа воситалардан ҳам фойдаланиш имконига эга. Лекин Президентнинг давлат ва ижро ҳокимияти бошлиғи сифатидаги обрўси ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Чунки у тўғридан-тўғри умумий сайловларда халқ топширган сиёсий мандатга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қонунларни имзолайди. Президентнинг имзоси бўлмаса, қонун кучга кирмайди. Бу давлат бошлиғининг анъанавий функцияси бўлиб, қонунга мажбурий куч беради ва қонун чиқарувчилик жараёнини якунлайди.

Қонунни имзолаш расмий акт эмас. Қонунни имзолаш унинг халққа эълон қилинганлигини, яъни уни оммага билдирганликни англатади. Бундай расмий эълон қилиш — Олий Мажлис қабул қилган ва Президент имзолаган қонун матнини тегишли мақом берилган матбуот органида нашр этишдир. Қонун бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли.

Олий Мажлис Президентнинг эътирозига рози бўлиши ёки қонунни биринчи таҳрирда қабул қилиб, бу эътирозни рад этиши мумкин.

Қоида тариқасида, Президент ветосини енгиб ўтиш учун депутатларнинг малакали кўпчилигининг овозини олиш лозим бўлади. Агар депутатлар учдан икки қисмидан кўпроғи овози билан олдин ўзи қабул қилган қарорни маъқулласа, Президент қонунга имзо чекади. Бундай ҳолда қонунни имзолай туриб, Президент унинг асл эканлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фавқулодда ҳолат масаласидаги ваколатлари Конституциянинг 93-моддаси 15-бандида аниқ ифодаланган. Фақат Президентгина бутун республика ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этишга ҳақли. У қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Олий Мажлис тасдиғига киритади.

Лекин Президент бундай қарорни қабул қилишда эркин эмас, чунки фавқулодда ҳолат фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибдагина жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳарбий соҳадаги ваколатлари анча кенг. У республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, Хавфсизлик кенгашини тузади ва унга раҳбарлик қилади, олий ҳарбий унвонларни беради.

Президентнинг Олий Бош қўмондон эканлиги Му-

дофаа вазирлигига ҳар қандай буйруқлар беришига имкон туғдиради. Мудофаа вазири амалда бевосита Президент раҳбарлигида ишлайди. Уруш ёки агрессия ҳолатида Президент ҳар қандай вақтда қуролли кучларга бошчилик қилишини ўз қўлига олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилишга ҳақли, у бу қарорини уч кун мобайнида мамлакат Олий Мажлиси тасдиғига киритади.

Давлат бошлиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари жумласига фуқаролик, сиёсий бошпана бериш, Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш, афв этиш тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ва гуноҳидан кечишни амалга ошириш каби масалаларни ҳал қилиш киритилган.

Ўзбекистонда ягона фуқаролик ўрнатилган бўлиб, унга қандай асосларда эга бўлишидан қатъи назар, барча учун тенгдир (Конституциянинг 21-моддаси). Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотишнинг асос ва тартиблари, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисида»ги қонуни билан белгиланади. Қонуннинг 30-моддасида Президентнинг фуқаролик масалалари бўйича ваколатлари белгиланган.

Президент қуйидаги қарорларни қабул қилади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш;

иккинчидан, хорижда яшаётган тегишли илтимоснома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига тиклаш тўғрисида;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқариш тўғрисида;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотганлик тўғрисида;

Юқорида айтилган масалаларни дастлабки кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқаролик масалалари бўйича комиссия тузган. У ҳар бир

ариза ёки илтимосномани Президент кўриб чиқишига тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини қабул қилиш ва ундан чиқишининг батафсил тартиби (зарур ҳужжатлари, улар қаерга юборилиши керак ва ҳ. к). Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишнинг тартиби тўғрисидаги қоидалар билан тартибга солинади. У 1992 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари бўйича Президент фармон чиқаради.

Сиёсий бошпана — ўз мамлакатида сиёсий важларга кўра, таъқиб қилинаётган хорижий шахсга, фуқаролиги бўлмаган шахсга бошқа мамлакатда яшаш ҳуқуқини беришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хорижий шахсга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга сиёсий бошпана берилиши шуни англатадики, бу одам Ўзбекистонга келиши мумкин ва жиноятчи сифатида бошқа давлатга берилмайди. Одатда, сиёсий бошпана сиёсий фаолияти, илмий ва маданий важлар учун, миллий ва диний важлар туфайли таъқиб қилинаётган шахсларга берилади. Сиёсий бошпана ҳуқуқи 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (14-модда) ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1967 йил 14 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган ҳудудий бошпана тўғрисидаги декларацияда назарда тутилган, лекин резолюция фақат тавсия хусусиятига эга. Сиёсий бошпана олиш учун зарур бўлган шартларни белгилаш — бошпана бераётган давлатнинг суверен ҳуқуқидир. Фақат Ўзбекистон Республикасининг Президентигина сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ваколатлидир.

Давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар — давлатнинг иқтисод, фан, маданият, санъат, Ватанни ҳимоя қилиш ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги юксак хизматлари учун фуқароларни рағбатлантиришнинг олий шаклидир.

Конституциянинг 93-моддаси 18-бандига мувофиқ, давлат мукофотлари (орденлар, медаллар, ёрлиқлар) билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан амалга оширилади. У олий ҳарбий унвонларни (масалан, армия генерали), олий малакавий унвонларни (масалан, дипломатик даража), олий махсус унвонларни (масалан, амалдаги давлат адлия

маслаҳатчисининг тоифа даражасини) беради. Фан ва техника, адабиёт ва санъат соҳасидаги давлат мукофотлари бўйича комиссиянинг қарори Президент фармонлари билан тасдиқланади. Фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқароларигина эмас, балки хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам давлат мукофотлари ва фахрий унвонлар билан мукофотланиши мумкин. Масалан, 1996 йил апрелда француз олими, профессор Л. Керен Амир Темур меросини ўрганишга қўшган катта ҳиссаси учун «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

Мукофотланган шахс қасддан жиноят содир этганда суднинг тақдимномасига биноан, фақат Президент томонидан давлат мукофотларидан маҳрум қилиниши мумкин (Президентнинг махсус фармони чиқарилади).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади (93-модданинг 20-банди). Амнистия — жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўла ёхуд қисман озод қилиш ёки илгари суд тайинлаган жазони ўтаган шахсларнинг судланганлигини олиб ташлашдир. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия актида кўрсатилган шартларга жавоб берувчи барча шахсларга жорий этилади. Амнистия эълон қилиниши билан терговда бўлган ишлар ёки тергови тугаган, лекин ҳали суд кўриб чиқмаган ишлар ҳам юритувдан тўхтатилади. Жазони ўтаётган шахслар уни ўташдан озод қилинадилар ёки жазо муддати қисқартирилади. Агар айбланувчи ишнинг амнистия бўйича тўхтатилишига эътироз билдирса, ушбу иш тергови ва судда юритуви давом этади. Суд айбланувчини айбдор деб топса, шу амнистия актида кўрсатилган асосларга кўра тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этади. Афв этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилар экан, Президент инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати сифатида майдонга чиқади. Чунки маҳкумнинг Ўзбекистон Президентига мурожаат қилиши — жиноий жазо чорасини қандайдир даражада бўлса-да, ўзгартиришнинг сўнгги имкониятидир.

Амнистиядан фарқли равишда, авф — инвидуал акт, яъни муайян шахс ёки шахслар гуруҳига тааллуқ-

ли ҳужжатдир. Афв жинояти учун судланган шахсни жазодан озод қилиш ёки жазосини юмшатишдир. Афв этиш реабилитациядан фарқ қилади. Реабилитация (оқлаш) ҳам индивидуал акт, лекин у оқланган шахс ноқонуний ҳукм қилинганини билдиради. Афв эса ҳукмнинг тўғрилигини тасдиқлайди, лекин маҳкумнинг ҳолатини енгиллаштиради (жазо чорасини ўзгартириш, жазони ўташдан озод қилиш).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

Шундай қилиб, президентлик ҳокимияти ҳуқуқий давлатнинг демократик хусусиятига у конституциявий тартиботни сақлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

8-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЧИҚАРАДИГАН ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз вазифалари ва ваколатларини амалга ошириш мақсадида кўп қиррали ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини юритади. У бутун Ўзбекистон ҳудудида бевосита амал қиладиган, мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Фармон — аниқ бўлмаган жисмоний ва юридик шахсларнинг иродасига тааллуқли ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, бундан ташқари, у узоқ муддат амал қилади. Фармон — норматив ҳужжат. У ҳуқуқни қўллаш хусусиятига ҳам эга бўлиши мумкин ва демакки, норматив мазмунга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Норматив мазмундаги фармонлар нашр этилади, масалан, у ёки бу шахсни бирор лавозимга тайинлаш тўғрисида. Фармойиш — индивидуал ташкилий хусусиятдаги ҳужжатдир.

Президент чиқарадиган ҳужжатлар унинг ўзи томонидан Олий Мажлис ёки бошқа давлат органини хабардор қилмасдан ёки розилигини олмасдан мустақил чиқарилади. Президент чиқарадиган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар конституция ва қонунларга зид бўлмаслиги шарт. Чунки улар конституция ва қонун-

лар асосида, уларни бажариш мақсадида чиқарилади. Президент чиқарган норматив ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги масала, зарурият туғилганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди томонидан ҳал қилинади (Конституциянинг 109-моддаси). Кўриб чиқиш натижалари бўйича Конституциявий суд бутун ҳужжат ёки унинг айрим қоидалари конституциявий ёхуд ғайриконституциявий эканлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Шу тариқа Президент актларининг конституциявий бўлиши кафолати таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари қонун ости ҳужжатларидир. Улар жиддий ҳужжатлар бўлиб, конституция ва мамлакат қонунларига зид бўлмаслиги шарт (16-модда). Лекин «Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан» дейилган конституциявий, шунингдек, фақат қонун томонидан тартибга солинадиган масалалар рўйхатининг конституцияда мавжуд эмаслиги — Президентнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини кенг талқин қилишга имкон беради. Бирор масалани қонун билан тартибга солиш мавжуд бўлмаган ҳолларда, Президент ушбу масала юзасидан норматив фармон чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг актлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг хабарномаси»да, шунингдек, республика газеталарида расман эълон қилинади.

XXV б о б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

*** ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**
*** ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲУКУМАТИ**
*** ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ТАРКИБИ ВА ФАОЛИЯТИ ТАРТИБИ**
*** ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ БОШҚА ОРГАНЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЧИҚАРАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР**

1-§. ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Ижроия ҳокимияти давлатнинг муҳим бўғини бўлиб, жамият ҳаётини ташкил этишда салмоқли ўрин тутади. Мазкур ҳокимият давлат органларининг асосий қисмини, мансабдор шахсларнинг энг кўп сонини ўз ичига олади. Ҳуқуқий давлат таъминотига кўра, ижроия ҳокимиятининг асосий вазифаси — қонунларни ижро этиш, кенг миқёсда бошқарув ва фармойиш бериш фаолиятини амалга ошириш ҳисобланади.

Ижроия ҳокимияти тизимидаги муайян тузилмалар — мудофаа, ички ишлар идоралари, хавфсизлик хизматлари давлатнинг мажбурлов кучини ифодалайди. Иқтисодий вазирлик ва идоралар жамиятнинг эркин бозор муносабатларига ўтиш, тадбиркорликни ривожлантириш, эркин иқтисодий фаолият учун шарт-шароит яратиш билан шуғулланадилар.

Ҳар бир давлатда ижроия ҳокимиятининг ўрни ниҳоятда катта. Айниқса, бир тузумдан бошқа тузум-

га ўтиш даврини бошидан кечираётган, тоталитар бошқарувдан демократияга томон қадам қўяётган мамлакатларда ижроия ҳокимиятининг аҳамияти беқиёс- дир.

Ижроия ҳокимияти ҳам вертикал, ҳам горизонтал равишда ўзаро боғланган давлат органларининг муайян тизимидан иборат. Мазкур тизимнинг энг юқори поғонаси давлат бошлиғи ёки вазир томонидан бошқариладиган ҳукуматдир. Турли мамлакатларда ижро ҳокимияти — ҳукумат турлича номланиши мумкин (Вазирлар Маҳкамаси, Давлат Кенгаши, Вазирлар Кенгаши ва ҳоказо). Лекин у ўз таркибига министрлар, вазирлар, баъзи мамлакатларда эса турли идоралар бошлиқлари кирувчи ижро ҳокимиятининг коллегиал органи ҳисобланади. Президент республикаларида (АҚШ ва ҳоказо) ҳукумат коллегиал орган сифатида мавжуд бўлмайди, унинг ўрнини давлат бошлиғи қошидаги маслаҳат органи (маъмурият) эгаллайди.

Давлат ҳокимияти органлари тизимида ҳукуматнинг мақоми давлатнинг бошқарув шакли билан белгиланади. Парламент республикалари ва монархия давлатларида ҳукумат парламент томонидан тузилади ва у парламент олдида ҳисоб беради. Ушбу мамлакатларда ҳукумат парламент томонидан қўллаб-қувватланаётган сиёсий партиялар ёки партиялар блоклари вакилларидан иборат бўлади. Ҳукумат сиёсий кўпчилик раҳбарларни ўз ичига олганлиги сабабли мазкур давлат ҳаётида муҳим ўринга эга бўлади. Демак, асосий йўлбошловчи давлат бошлиғи эмас, балки премьер-министр ҳисобланади.

Президент республикасида ҳукуматнинг роли бошқача тарзда бўлади. Бу ерда халқ томонидан сайланган президентнинг ўзи ҳукумат (маъмурият) таркибини тузади. Унинг ўзи вазирларни тайинлайди ва лавозимдан озод этади. Ҳукумат президент олдида ҳисоб беради ва президент сиёсатини ҳаётга татбиқ этади.

Ярим президент республикаларида ҳукуматга хос ҳам биринчи, ҳам иккинчи бошқарув шакллари белгиларини кузатиш мумкин. Бу ерда ҳукумат президент томонидан тузилади. Давлат бошлиғи расман ҳукумат таркибига кирмайди, лекин моҳиятига кўра, у ҳукуматни бошқаради, чунки ҳукумат мажлисларида раислик қилиши мумкин.

2-§. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲУКУМАТИ

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ижро ҳокимияти органи — ҳукумати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига биноан, Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди. Ушбу қоида 1993 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида ўз аксини топган: «Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикаси ҳукумати — иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи органи ҳисобланади»[1].

Вазирлар Маҳкамаси:

— иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради;

— мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қурилишини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади, хўжалик юритишнинг янги шаклларини барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади;

— Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради;

— республика бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг ижросини ташкил этади, бошқарув идоралари тизимини такомиллаштиради, турли министрликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалик тузилмаларини ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар беради;

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. № 5. 202-модда.

— фан ва техникани ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

— фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш чораларини кўради;

— Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлигини ва мудофаа қудратини ошириш, давлат чегараларини қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади;

— республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакиллигини таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради. Юқоридагилардан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида бир қатор ваколатларга ҳам эга.

Ижро этувчи ҳокимият органи ўз фаолиятида коллегиаллик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланади.

Вазирлар Маҳкамасининг ваколати Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди доирасида таъсир этади. У давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ва фармойиш берувчи органидир. Яъни у шундай органки, давлат функцияларининг тўғридан-тўғри амалга оширилишини, мамлакатда маъмурий-сиёсий, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишни таъминлайди. Вазирлар Маҳкамасининг бу хусусияти унинг давлат бошқаруви органлари тизими юқорисида туришини белгилаб беради.

Қонунда кўрсатилганидек, Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органларига раҳбарлик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ҳокимият органларининг тизимини белгилаб берган. Бу органлар доираси жуда кенг бўлиб, ўз ичига марказий давлат бошқарув органлари, давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари, суд ва прокуратура органларини қамраб олади. Давлатнинг функцияларини амалга ошириш мақсадида, улар орасида ваколатларни тақсимлаш ўтка-

зилган. Лекин улар у ёки бу даражада Вазирлар Маҳкамаси билан ўзаро алоқада бўлади.

Давлат бошқарувининг марказий органларига нисбатан Вазирлар Маҳкамаси раҳбар орган ҳисобланади. Чунки вазирликлар, бошқарма, қўмита ва шунга ўхшаш органлар хўжалик ва маданий, ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг алоҳида тармоқларига бевосита раҳбарлик қилиш учун тузилган. Айнан Вазирлар Маҳкамаси уларни бирлаштиради ва фаолиятини йўналтиради.

Марказий давлат бошқарув органларининг аҳамияти ва роли жуда юқори бўлиб, қоидага биноан, уларнинг раҳбарлари Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради. Мазкур марказий бошқарув органлари Вазирлар Маҳкамасига бўйсунган ҳолда ўзларига топширилган давлат бошқарув тармоғига раҳбарлик қиладилар. Бу органлар раҳбарлари ўзларига берилган ваколат доирасида, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари асосида ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида буйруқ ва йўриқномалар чиқаради, уларнинг ижросини назорат этади. Ҳукумат ҳар қандай республика марказий бошқарув органининг ҳисоботини тинглаши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг республика марказий давлат бошқарув органлари билан муносабатини аниқлашда, унинг ушбу органларни тузиш, бекор қилиш, бирлаштириш, мазкур органлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлашда фаол иштирок этиши муҳим ҳисобланади. Ҳукуматда тегишли мавжуд ваколатларнинг мавжудлиги, уни олий ижро этувчи ва фармойиш берувчи орган сифатида баҳолашга асос бўлади.

3-§. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ТАРКИБИ ВА ФАОЛИЯТИ ТАРТИБИ

Вазирлар Маҳкамаси қонун билан белгилаб қўйилган ўз таркибига эга. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари кирадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасига кўра, Президент Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳукумат бошлиғи ўз лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг тузилиш тартиби конституция ва қонунда белгилаб қўйилган. Конституциянинг 98-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикасининг Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Ушбу ҳолат қонуннинг 4-моддасида қуйидагича ифодаланган: «Бош Вазир ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этиладилар ва кейинчалик бу масала Олий Мажлис тасдиғига киритилади».

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш мақсадида махсус аппарат ташкил этилади. Қонуннинг 21-моддасига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг аппарати Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини тайёрлаш, тегишли қарорлар лойиҳаларини, ташкилий, ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб борилишини ташкил этади. Вазирлар Маҳкамасининг аппарати ва унинг бўлимлари тўғрисидаги низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Жумладан, Вазирлар маҳкамасининг 1997 йил 20 майдаги 248-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг ортиқча бўғинларини қисқартириш, бошқаришнинг **тармоқ** тизимидан **функционал** тизимига ўтишни таъминлаш ва шу асосда ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари фаолияти самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. Қарорга биноан, Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимларининг чекланган штатлари сони 214 нафар этиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг аппарати асосий таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари Бош вазирнинг таклифига биноан Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Вазирлар Маҳкамаси аппарати Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўради. Унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

— иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг ус-

тувор лойиҳаларини ва йўналишларини амалга ошириш;

— иқтисодиётни бошқаришнинг бозор усулларини жорий этиш; хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш, таркибий ва институционал қайта ўзгартиришларни амалга ошириш;

— мамлакатнинг пул ва бюджет тизимини мустаҳкамлаш, тўлов интизоми даражасини ошириш, халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш;

— фуқароларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилинишини таъминлаш;

— вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ижро этувчи ҳокимият маҳаллий органларининг иқтисодий ислоҳотларнинг амалда бажарилишини таъминлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

— қонунларнинг, Олий Мажлис қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларининг ижросини ташкил этиш.

Юқоридаги қарорга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида Бош вазир ва Бош вазир ўринбосарларининг котибиятлари ташкил этилган. Шунга кўра, Вазирлар Маҳкамаси аппарати қуйидагилардан иборат: Бош вазир котиби; Бош вазирнинг биринчи ўринбосари котибияти; агросаноат мажмуаси; истеъмол бозори мажмуаси; қурилиш ва уй-жой коммунал соҳа мажмуаси; коммуникациялар мажмуаси; ижтимоий мажмуа раҳбари котибияти; индустриал тараққиёт мажмуаси аппарати; ёқилғи-энергетика мажмуаси раҳбари котибияти; умумиқтисодий мажмуа раҳбари аппарати; давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш мажмуаси раҳбари аппарати; оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш мажмуаси раҳбари аппарати; ахборотни таҳлилий бошқарма; ташқи иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича департамент; вазирлар Маҳкамаси функционал бўлимлари.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунда ҳукумат фаолиятини ташкил этиш тартиби батафсил кўрсатилган. Хусусан, ушбу қонуннинг 13-моддасида кўрсатилишича, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида қуйидагилар кўриб чиқилади:

1) Ўзбекистон Республикаси бюджетини тайёрлаш ва ижро этиш, шунингдек, ҳукумат ихтиёридаги бюджетдан ташқари давлат жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;

2) бошқарув тизимини такомиллаштириш масалалари, республика ва унинг айрим минтақаларини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурларининг лойиҳалари;

3) давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини чиқариш ҳажми ҳамда давлатнинг ички ва ташқи қарзларининг кўламига доир таклифлар;

4) солиқ ва давлат божларининг ставкаларини белгилаш ва ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар;

5) давлат мулки объектларини хусусийлаштириш дастурларининг лойиҳалари ва хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги таклифлар;

6) белгилаб қўйилган давлат нархларида сотиладиган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар рўйхати;

7) Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлисга киритиладиган қонунларнинг лойиҳаси;

8) давлатлараро шартномалар ва битимларни имзолаш тўғрисидаги таклифлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси иш тартиби» билан белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти — Ҳукумат Раиси бошчилигида ёки унинг топшириғига биноан, Бош вазир томонидан йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади.

Қонунда Бош вазир, унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг вазифалари аниқ кўрсатилган. Масалан, Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг ишини ташкил этади, ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, кейинчалик бу масала Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан тасдиқланади. Президентнинг топшириғига биноан, халқаро муносабатларда республика ҳукумати номидан иш кўради ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқиш талаб этилмайдиган давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари бўйича қарорлар қабул қилади. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг топшириғи бўйича бошқа масалаларни ҳам ҳал этади. Қонунда кўрсатилишича, Бош вазир бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини биринчи ўрнибосари бажаради.

Бош вазирнинг ўринбосарлари эса вазирлар ваколатининг тақсимотига мувофиқ, ўзлари раҳбарлик қиладиган тармоқлардаги ишларнинг аҳволи учун жавоб берадилар. Улар тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни, уларнинг ишини назорат қилишни амалга оширадилар. Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифларни ҳамда қарор ва фармойишлар лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқадилар.

Қонунга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари ўзларига топширилган фаолият соҳаси учун жавоб берадилар. Улар Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида маълум масалаларни кўриб чиқишда иштирок этадилар. Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун таклифлар киритадилар ҳамда қарорлар ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда пул тўланадиган бошқа лавозимни эгаллаш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Вазирлар Маҳкамасининг доимий ишини таъминлаш мақсадида, унинг доимий тузилмаси сифатида, Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати фаолият кўрсатади. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг қарорига биноан, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг таркибига Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг ҳужжатлари қарорлар, фармойишлар ва баённқарорлар шаклида чиқарилади. Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқарувининг айрим масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида доимий ва вақтинчалик комиссия тузади ва уларнинг аъзолари, ваколатлари ҳамда фаолият тартибини белгилайди.

4-§. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ БОШҚА ОРГАНЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТИ

Вазирлар Маҳкамаси давлат ҳокимият органи сифатида бошқа давлат органлари билан узвий муносабатда бўлади. Унинг мазкур муносабати Вазирлар Маҳ-

камаси тўғрисидаги қонуннинг «Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан муносабатлари» деб номланувчи III бобида алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган.

Аввало, Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис билан муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ўзаро муносабати қуйидагилар билан белгиланади:

биринчидан, Вазирлар Маҳкамаси таркиби Президент тақдимига биноан, Олий Мажлис томонидан тасдиқланади, у янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатини зиммасидан соқит қилади;

иккинчидан, янги тузилган Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун ўз ваколатлари давридаги фаолият дастурини тақдим этади. Вазирлар Маҳкамаси қонунларнинг, Олий Мажлиснинг бошқа қарорларининг бажарилишига раҳбарлик қилади;

учинчидан, Вазирлар Маҳкамаси ўз иши тўғрисида Олий Мажлис олдида ҳисоб бериб туради;

тўртинчидан, Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, Ўзбекистон Республикаси бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва унга киритиладиган ўзгаришларни ишлаб чиқади ҳамда Олий Мажлиснинг тасдиғига тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси олий вакиллик ҳокимият органи билан муносабати Конституциянинг 78-моддаси 16-бандида ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатлари жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ, Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш киради.

Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис билан ўзаро муносабатлари турли шахслар тимсолида намоён бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ва улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ҳамда

кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари ва комиссияларига улар билан келишилган муддатларда ахборот беради.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси олий вакиллик органи билан ўзаро муносабатининг муҳим бўғини депутат сўровларига Вазирлар Маҳкамаси, унинг аъзолари томонидан жавоб берилишининг ўрнатилганидир. Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасига биноан, Олий Мажлис депутатлари, депутатлар гуруҳи, қўмита ва комиссиялари Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг аъзоларига сўров билан мурожаат қилганларида, улар уч кундан кеч бўлмаган муддатда оғзаки ёки ёзма жавоб беришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолияти доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ҳам ўзаро узвий муносабатда бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ўзаро муносабати суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киришини мустаҳкамловчи Конституциянинг 70-моддасида белгиланган қоидаларга таянади.

Конституциянинг 75-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартнома ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуннинг 8-моддаси республикаларнинг ижро ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатига бағишланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ўзаро муносабати ҳамкорлик шаклида бўлади. Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш масалалари бўйича бошқа актларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ахборотларини эшитади.

Ўз ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифларини кўриб чиқади.

Қонун билан кўзда тутилган ҳолатларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлайди, низоли масалаларни ҳал этади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон қонунларига ва бошқа ҳуқуқий нормаларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижро этилишини тўхтатиб қўяди.

Қонун Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий, ижтимоий-маданий ва миллий ривожлантиришга, унинг миллий бойликларидан оқилона фойдаланишга тааллуқли масалалар ҳал этилаётганда республика Вазирлар Кенгашининг фикри ҳисобга олинишини ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг доимий ваколатхонаси ташкил этилишини кўзда тутади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида республика миқёсидаги ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳам муносабатда бўлади. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига биноан, Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида:

— маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

— вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг таклифларини кўриб чиқади;

— Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг бажарилишини назорат қилади; вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

— бундан келиб чиқадиган низоли масалаларни ҳал этади;

— жойлардаги ижро этувчи ҳокимият аппаратининг сони ва намунавий тузилмасини белгилайди;

— вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларини тўхтатиб қўяди ва бекор қилади.

5-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари мамлакатнинг давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий ҳаётининг барча соҳаларидаги ваколатлари йиғиндисидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари даставвал Конституция билан белгилаб берилган.

Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуннинг VI боби Вазирлар Маҳкамасининг асосий ваколатларига бағишланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳам Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари доирасини белгилаб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини шартли равишда учта катта гуруҳга бўлиб таҳлил этиш мумкин:

биринчидан, хўжалик қурилишидаги ваколатлари;

иккинчидан, маъмурий-сиёсий соҳадаги ваколатлари;

учинчидан, ижтимоий-маданий соҳадаги ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **маъмурий-сиёсий соҳада жуда кенг ваколатларга эга.** Айнан Вазирлар Маҳкамаси:

— республика бошқарув тузилмасини такомиллаштиради;

— Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

— вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради; улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди, марказий аппарат ходимлари сонини ва уларга сарфланадиган маблағлар миқдорини белгилайди;

— вазирлар, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарлари ва бош бошқармалар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

— Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлигини ва мудофаа қудратини ошириш, давлат чегараларини қўриқлашни таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади;

— давлат бошқарув органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради, катта аварияларва фалокатларнинг, шунингдек, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради;

— Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакиллигини таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади ва уларни бажариш чора-тадбирларини кўради;

Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий соҳадаги асосий ваколатлари давлатнинг муҳим фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ. Вазирлар Маҳкамаси ваколатлари доирасида:

— иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради: мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади;

— хўжалик юритишнинг янги шакллари — концернлар, консорциумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа ана шундай ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади, халқ хўжалиги ва аҳоли талабларини қондириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

— Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ва ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

— республика бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ва уларнинг ижросини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий-маданий соҳада кенг ваколатлар доирасига эга. Халқ таълимига раҳбарлик, илмий, маданият-маърифат ишлари, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, меҳнатни ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашни ташкил этиш бўйича ваколатлар йиғиндиси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий-маданий соҳадаги ваколатлари сирасига киради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

— фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

— фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради;

— соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади.

6-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЧИҚАРАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатларини амалга ошириш, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва Президент фармон ва фармойишларининг ижросини таъминлаш юзасидан икки хилдаги норматив ҳужжат чиқаради. Бу қоида Конституциянинг 98-моддаси ва Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонуннинг 20-моддасида белгиланган. Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Қонунда мазкур ҳужжатларга тавсиф берилган. Унда таъкидланишича, Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида чиқарилади. Шошилинч ва бошқа масалалар бўйича ҳужжатлар эса Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида расмийлаштирилади.

Маълумки, қонунлар ижтимоий ҳаётнинг барча жаб-

ҳаларини қамраб ола олмайди, кўп масалаларни ҳал этишда бошқарув органларининг ҳужжатлари етарлидир. Вазирлар Маҳкамасининг актлари қонун ости актлари ҳисобланади. Яъни, ҳар қандай ҳолда ҳам қонун ҳукумат қарорларига нисбатан олий юридик кучга эга. Конституциянинг 16-моддасига мувофиқ, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Шундай ҳол юз берган тақдирда у тегишли тартибда бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига биноан, республика ҳукуматининг қарор ва фармойишлари умумдавлат характерига эга, яъни улар республика ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий.

Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ёки Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида, шу билан бирга Бош Вазир томонидан якка тартибда қабул қилиниши мумкин. Ҳужжатлар қандай тарзда қабул қилинганлигидан қатъи назар, улар Вазирлар Маҳкамаси номидан эълон қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда асосий ишни вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппратининг тегишли бўлимлари бажарадилар. Бош вазирнинг ўринбосарлари қарор ва фармойишлар лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқадилар. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари эса Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатишлари мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларини тайёрлаш, сақлаш, уларнинг Ўзбекистон қонунлари ва юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш, ҳужжатларни таҳрир этиш, ҳукумат ҳужжатларини кодификациялаштириш ва системалаштиришда Вазирлар Маҳкамаси аппарати юридик бўлимининг роли ниҳоятда катта.

Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларини имзолаш, эълон қилиш, уларни бевосита иштирокчилари эътиборига етказиш, кучга кириш вақтини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонунга кўра ҳукуматнинг қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан,

Бош вазир томонидан имзоланади. Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Бош вазир ёки унинг биринчи ўринбосари томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қилган қарорларининг бажарилишини бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари орқали назорат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорлари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўпламида эълон қилинади, кенг оммага дарҳол етказиш зарур бўлган тақдирда эса оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини, тегишли қарорлар лойиҳаларини ва бошқа материалларни тайёрлаш Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш Вазирлар Маҳкамаси аппарати томонидан амалга оширади.

XXVI боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

*** МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ВА УНИНГ ТИЗИМИ**
*** МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ**
*** МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ТАШКИЛИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА АКТЛАРИ**
*** ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ**
*** МАҲАЛЛА – МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТ**
*** МАҲАЛЛА РАИСИ ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ**

1-§. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ВА УНИНГ ТИЗИМИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, узоқ тарихий тажрибага, миллий анъаналарга таянган ҳолда илғор мамлакатлар тажрибасидаги ижобий томонларни ўрганиб, ўзининг давлат идораларини тубдан қайта ислоҳ қила бошлади. Туб ислоҳотлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимини ҳам қамраб олди.

«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги 1992 йил 4 январ қонуни мамлактимизда маҳаллий ҳокимиятнинг икки мустақил органи, яъни вакиллик ва ижро органлари тизимини ҳамда жойларда яккабошчилик асосида иш олиб борувчи ҳоким лавозимининг жорий қилинишини белгилаб берди[1].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992. № 3. 146-модда.

Қонун ҳокимларнинг юқори ижро органлари томонидан тайинланиб, тегишли халқ депутатлари кенгашлари томонидан тасдиқланишини мустаҳкамлаб қўйган, туманларга бўйсунадиган ва шаҳар таркибига кирувчи туманларда эса давлат ҳокимияти вакиллик органлари ташкил этилмайди. Бу жойларда фақат ижроия ҳокимият органлари — ҳоким бўлиши бегиланган.

Ижрочи органларнинг фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ишлаш имкониятини ошириш, ҳуқуқ ва мажбуриятларни янада аниқ белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ваколат муддати 5 йил бўлган ҳокимлик институти жорий қилинди. Бу тарихий аҳамият касб этди, яъни ўтмишда синалган анъанавий бошқарув идоралари — ҳокимликлар қайта тикланди.

Ҳоким бир вақтнинг ўзида ҳам ижро этувчи, ҳам вакиллик органининг бошлиғи ҳисобланади.

Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳам тегишли вилоят, халқ депутатлари Кенгашлари, Тошкент шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли туман ва шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят ҳокимлари Президентнинг жойлардаги вакиллари бўлиб, ўз фаолияти ҳақида тегишли вилоят Кенгашлари олдида ҳисобдордирлар. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ичидан тайинланади ҳамда тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 12-бандига биноан, «Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли».

Бу тартиб ҳокимларда маъсулиятни янада оширишнинг муҳим омили бўлади.

1992 йил 14 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қонунга конституциявий қонун мақомини берди. Маҳаллий ҳокимият тизимини шакллантириш соҳасида бир қатор қонун ва расмий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги

қонун (1993 йил 2 сентябр), «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги қонун (1994 йил, 5 май) кабилар муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI бобида Ўзбекистон Республикаси маҳаллий депутат ҳокимияти органлари фаолиятининг конституциявий ҳуқуқий асоси (99—104-моддалар) ўз аксини топган. Мазкур моддаларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тизими, мавқеи, вазифалари, тузилиш тартиби конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, маҳаллий вакиллик органлари тизими билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими бир-биридан ажратилди, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллик органлари тизимига киради ёки маҳаллий вакиллик органлари ўзини ўзи бошқаришнинг етакчи бўғинидир, деган ақидага барҳам берилди.

Амалдаги Конституция қабул қилингунча маҳаллий вакиллик органларининг уч бўғинли тизими мавжуд бўлиб, улар:

1) қишлоқ, посёлка, овул халқ депутатлари кенгашлари — қуйи бўғин;

2) туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашлари — ўрта бўғин;

3) вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари — юқори бўғин ҳисобланарди.

Конституция маҳаллий вакиллик органларининг икки бўғинли тизимини мустаҳкамлади ва бу маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунда ўз ифодасини топди.

Конституциянинг 99-моддасига биноан, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар», дейилган бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунувчи шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир, деб белгиланди.

Натижада шу давргача, Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишининг ҳамма бўлакларида давлат ҳокимияти вакиллик органлари тузилади, деган қоида барҳам топди. Республиканинг энг қуйи бўлинишлари — қишлоқ, посёлка (шаҳарча)ларда вакиллик органлари тузилмайдиган бўлиб, маҳаллий вакиллик органларининг **икки бўғинли тизими,** яъни туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашлари — **қуйи бўғин;** вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари — **юқори бўғин** вужудга келди.

Маҳаллий вакиллик органларида икки бўғинли тизимнинг ўрнатилиши билан чекланилмай, мавжуд ҳудудий тузилишларнинг ҳам баъзиларида маҳаллий вакиллик органлари тузилмайдиган бўлди. Бу жойларда фақат ижроия ҳокимият органларининг ҳокимлари бўлиши назарда тутилади.

Ўзбекистон туманларининг икки тури — вилоятлар таркибига кирувчи ва шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар, шаҳарларнинг уч тури — туманга бўйсунувчи, вилоятга бўйсунувчи ва республикага бўйсунувчи шаҳарлар мавжуд.

Маҳаллий вакиллик органларига ҳам ижроия ҳокимият бошлиғи — ҳоким раҳбарлик қилади, уларнинг раҳбарлиги, асосан, вакиллик органларининг ишини ташкил этиш ва йўналтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 2 сентябрда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» қонун қабул қилиб, маҳаллий ҳокимият органларини ҳар тарафлама ҳуқуқий мустаҳкамлади. Ушбу қонунда маҳаллий ҳокимият ва ижроия ҳокимият органларининг тизими, уларни ташкил қилиш тартиби, вазифалари, ваколатлари, ташкилий фаолият шакллари ва иқтисодий ва молиявий асослари белгилаб берилган.

Мазкур қонуннинг 2-моддасида таъкидланишича, туман марказлари ҳисобланган шаҳарларда, вилоят ҳокими шаҳар ҳокимини туман ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органи тузиш ваколатига эга. Бу хусусдаги қарор халқ депутатлари вилоят кенгаши томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун билан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан тартибга солинади.

2-§. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари вазифалари мустаҳкамланган.

Маҳаллий ҳокимият органлари:

1) қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

2) ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

3) маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

4) маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

5) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

6) фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

7) норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Бу вазифалар маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг бирга амалга оширадиган вазифалари бўлиб, уларнинг ваколатлари шу вазифалардан келиб чиқади.

Конституцияда вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатлари ажратилиб кўрсатилмаган бўлса-да, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда бу муаммо ўз ечимини топган, яъни алоҳида моддаларга ажратилган ҳолда уларнинг ваколатлари белгилаб қўйилган.

Қонунийлик, ҳуқуқий-тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш — бир-бири билан боғлиқ бўлган мураккаб масаладир, яъни қонунийлик ҳар бир давлат фаолиятининг асоси бўлиб ҳисобланади. Агар қонунийлик бузилса, ўз-ўзидан ҳуқуқий-тартибот ҳам, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам бузилади.

Шундай экан, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш маҳаллий ҳокимият органлари олдидаги энг асосий вазифа ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари суд ҳоки-

мияти органлари, прокуратура, назорат инспекцияси, ички ишлар органлари, адлия сингари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боради.

Мазкур давлат органларини **икки** тоифага бўлиш мумкин:

1) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсунувчи органлар: ички ишлар, назорат инспекцияси ва адлия органлари.

2) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бўйсунмайдиган суд, прокуратура органлари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатларини амалга оширишда мазкур органлар билан бир хил муносабатда фаолият кўрсатади ҳамда, асосан, уларнинг ишларини мувофиқлаштириб туради.

Шу билан биргаликда, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарорига биноан, тегишли давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштиришда ва уларнинг ижтимоий-маиший таъминотида ёрдам кўрсатиш жараёнида қатнашишини таъминлаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссиялар ташкил этилади.

Ҳокимлар ўз ҳудудини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантиришнинг асосий йўналиш дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун тегишли халқ депутатлари кенгашига киритади.

Маҳаллий ҳудудни ривожлантириш борасидаги ишларга ҳоким раҳбарлик қилади.

Бундан ташқари маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида саноат, қурилиш, алоқа воситалари, қишлоқ хўжалиги соҳалари, ижтимоий ва маданий соҳаларга бевосита раҳбарликни амалга оширади. Шу идораларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлаш, лавозимидан озод қилиш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитиш каби ваколатларга эга.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳани ривожлантиришга раҳбарлик қилиш бўйича аниқ вазифалари ва вако-

латлари жорий қонунларда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Маҳаллий ҳокимият органларининг, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғинларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш вазифаси ҳудуднинг иқтисодий ривожланишида, фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилашда, давлат органларини сақлаб туришда зарур моддий базани вужудга келиришга қаратилган.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига тегишли масалаларни давлат ва аҳоли манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маҳаллий вакиллик ва ижро органлари ваколатларини умумий ҳолда белгилаб берган бўлса, «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги қонун ҳокимлар ва халқ депутатлари кенгашларининг ваколатларини алоҳида бўлимларга ажратиб белгилаган. Улар қуйидагилардан иборат:

1) ҳокимлар бюджет лойиҳаларини тайёрлаш, бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ҳамда ижрони ташкил қилиш вазифасини адо этади.

2) халқ депутатлари кенгашлари бюджетни тасдиқлаш, унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш ваколатини бажаради.

Маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик ва ижроия органлари биргаликда амалга оширадиган ваколатлар гуруҳи ҳам мавжуд бўлиб, жумладан, бюджетнинг ижросини назорат қилиш, маҳаллий хўжаликка раҳбарлик қилиш ва бошқалардир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунга асосан, маҳаллий солиқлар, йиғимлар, бож миқдорини белгилаш, тўловлар бўйича имтиёзлар ўрнатиш, маҳаллий вакиллик органларининг ваколати бўлиб, улар баъзи пайтларда шу ваколатларнинг айримларини, масалан, солиқ ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилашни ҳокимларга ҳам бериши мумкин. Маҳаллий ҳокимият органларининг бу борадаги ваколатлари, «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги, Ер кодексида ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилади ва аҳолини нормал шароитда яшашини таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунда, ҳокимлар аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ўз ваколатларини амалга ошириш билан аҳоли учун керакли бўлган масалаларни ҳал қилади.

Коммунал хўжалик ижтимоий соҳанинг салмоқли тармоқларидан бўлиб, у ўзида республика асосий фондларининг каттагина қисмини мужассамлаштирган. Коммунал хўжалик таркибига турар-жой фонди ва у билан боғлиқ таъмирлов-қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотлари, ёрдамчи хўжаликлар, ишлаб чиқариш техника базалари, сув таъминоти, канализация, газлаштириш, иситиш, электр энергияси билан таъминлаш тизимлари ва бошқа манбалар киради. Ҳокимлар ўз ҳудудида коммунал хўжалик тармоқлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга раҳбарлик қилади. Коммунал хўжалик тармоқлари, ҳокимликларнинг таркибий бўлинмалари орқали бошқарилади. Уларнинг бошлиқлари ҳоким томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Бу масала маҳаллий кенгаш сессиясида тасдиқланади. Маҳаллий вакиллик органлари ва ҳокимлар коммунал хўжалик тармоқлари фаолиятини назорат қилиб борадилар.

Шу билан бир қаторда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш функциясини ҳам бажаради, зеро мазкур масала давлат олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолияти юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари, вазифалари қўшимча равишда тегишли жорий қонунлар, Ер кодекси, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари шу билан бир қаторда конституциявий нормаларга асосланган ҳолда ўз ҳудудида фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлайди.

Маҳаллий ҳокимият органлари фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилувчи органларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Бу раҳбарлик уларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилувчи ФҲДЁ органларини тузиш, раҳбарларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш ва иш фоалиятини назорат қилишда намоён бўлади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколати доирасида конституцияга зид бўлмаган норматив ҳуқуқий ҳужжатларни: қарор ва фармойиш шаклида

қабул қилади. Маҳаллий кенгашлар ўз қарорларини коллегиал асосда қабул қилса, ҳокимлар яккабошчилик асосида қабул қилади ҳамда ушбу қарорнинг шу ҳудудда бажарилиши мажбурийдир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти шу билан биргаликда, конституция ва қонунда белгиланган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

3-§. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТАШКИЛИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА АКТЛАРИ

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иккига бўлинади: маҳаллий вакиллик органлари ва маҳаллий ижроия органлари.

Маҳаллий вакиллик органлари ўз фаолиятини коллегиаллик асосида олиб боради. Маҳаллий кенгаш ишининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли сессия ҳисобланади. Мазкур сессия мажлисларида депутатларнинг тўла қатнашиши талаб қилинади.

Маҳаллий вакиллик органларининг ҳамма бўғинлари сайлов йўли билан ташкил қилинади. Маҳаллий кенгашларга сайловни тартибга солувчи қонун, аввалги қонунлардаги демократик ҳолатларни сақлаб қолиш билан бирга, кўпгина янги ҳолатларни жорий этди. Булардан энг асосийлари қуйидагилар:

1) сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтиши;

2) маҳаллий кенгашларга фуқароларнинг 21 ёшдан сайланиши мумкинлиги;

3) маҳаллий вакиллик органларига сайланадиган депутатлар сонининг қисқартирилиши (вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига 60 тагача, туман ва шаҳар кенгашларига 30 тагача депутат сайланиши мумкин);

4) депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эга бўлиши ва ҳоказо.

Қонун вакиллик органларига ҳар томонлама билимга, тажрибага эга, кенг, мустақил фикрловчи шахсларнинг сайланишини ва бу органлар ишчан бўлишини назарда тутади. 1994 йил 25 декабрда ва 1999 йил 5 декабрда республикамиздаги маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар ўтказилди.

Халқ депутатлари вилоят, туман шаҳар кенгашлари заруратга қараб, йилига камида икки марта ҳоким, ҳоким йўқлигида ўринбосарлари ёки депутатларнинг камида учдан икки қисми ташаббуси билан ҳам чақирилиши мумкин.

Депутатлар сессия бошланишидан етти кун олдин хабардор қилиниши лозим.

Кенгашнинг иш олиб бориш тартиби сессияда белгиланади. Сессияга ҳоким бошчилик қилади, ҳоким йўқлигида эса ҳокимнинг топшириғига ёки кенгаш қарорига биноан, мазкур сессияни кенгаш депутатларидан бири олиб боради. Сессиянинг иш ҳужжатларини расмийлаштириш учун депутатлар ичидан сессия котиби ёки котибияти сайланади. Сессияда қарорлар очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва ҳоким томонидан имзоланади ҳамда қарор эълон қилиниши билан қонуний кучга кирган ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, халқ депутатлари кенгашларида доимий комиссия тузилади. Доимий ва муваққат комиссияларнинг асосий вазифаси сессия кун тартибига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш;

Маҳаллий ижро ҳокимиятига вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошчилик қилади ва у яккабошчилик принципи асосида иш олиб боради ҳамда ҳоким фаолиятини амалга оширишда унинг ўринбосарлари ёрдам беради. Ҳокимнинг ўринбосарлари таркибини Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Ҳокимнинг ўринбосарлари ҳоким томонидан белгиланган вазифалар тақсимотига мувофиқ тарзда иш бажарадилар, зеро бу яккабошчилик принципининг ажралмас жиҳатидир.

Ҳоким яккабошчилик асосида иш олиб борса ҳам, масалаларни ҳар томонлама, пишиқ-пухта муҳокама қилиш учун унинг қошида маслаҳат кенгаши тузилади, лекин қарорлар қабул килишда, ҳокимнинг фикри ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳокимнинг яккабошчилик асосида иш юритиши унинг шахсий жавобгарлигини оширади, шу билан биргаликда, унга катта ваколат берилади, айни пайтда, катта маъсулият юкланади. Тегишли ҳудудда ҳоким барча соҳаларга жавобгардир.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органи — ҳокимлар бошқармалар, бўлимлар ва бўлинмалардан иборат бў-

либ, уларнинг структураси, ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, тегишли халқ депутатлари кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Туман, шаҳар ижроия ҳокимияти органлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ижроия ҳокимияти органлари структура ва штатлари таркиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисидаги қонун билан тартибга солинган (22-модда).

Ҳоким ижро маҳкамаси, ҳокимлар ва халқ депутатлари кенгашларининг ишини мувофиқлаштириб туради.

Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳоким муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ҳудуддаги муҳим масалалар, муаммоларни ҳал қилишда маслаҳатлашиш учун ҳокимлар ҳузурида маслаҳат кенгаши тузилади. Лекин бундай маслаҳат кенгашлари тузилиши ҳокимнинг фаолиятидаги яккабошчилик принципига путур етказмайди.

Ижроия ҳокимияти бўлинмалари раҳбарлари депутат бошқарувининг юқори органлари билан келишилган ҳолда ва ҳокимнинг тақдимига биноан, тегишли халқ депутатлари кенгашлари сессияларида лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз ваколати доирасида тегишли ҳужжатлар қабул қилади.

Вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари қарорлар қабул қилади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари эса қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради. Мазкур ҳуқуқ ЎзбекистонРеспубликаси Конституциясининг 100-моддаси билан белгилаб қўйилган, Конституциянинг 104-моддасида эса, «Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади», деб кўрсатилиб, ҳокимлар қарорларининг юридик кучи, табиати белгиланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасида кенгашлар ва ҳокимлар томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатлар аниқ кўрсатилган.

Мазкур қонунга асосан, ҳокимлар қуйидаги масалалар юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга:

1) ҳудудни ривожлантиришнинг истиқбол йўналишлари масаласида;

2) ҳудуд бюджети ва тармоқ комиссиялари молиявий аҳволини мустаҳкамлаш борасида;

3) биржалар ва суғурта компанияларини ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан бандлигини таъминлаш, умумий таълим ва маданият даражасини ошириш соҳасида;

4) мулкни хусусийлаштириш ва бошқа соҳаларда.

Ҳокимлар соҳа муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва шунингдек, кадрлар масаласини ҳал этиш мақсадида ички иш тартибларини белгиловчи турли қоидаларни тасдиқлаш учун ҳамда ўз ваколат доирасига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилса, шу қарорларни бажариш юзасидан фармойишлар қабул қилади.

Маҳаллий вакиллик органлари ва ҳокимларнинг актлари конституция ва қонунларга зид бўлмаслиги лозим, акс ҳолда, юқори турувчи давлат органи томонидан бекор қилинади, жумладан, уларнинг тартиби қуйидагича амалга оширилади:

1) маҳаллий кенгашларнинг қарорлари Конституция, қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларига зид келса, Олий Мажлис томонидан бекор қилинади;

2) қуйи поғонадаги кенгашларнинг қарорлари юқори поғонадаги кенгашлар томонидан бекор қилинади;

3) ҳокимларнинг қарорлари Конституция, қонунлар, Президентнинг фармон ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларига ёки республика манфаатларига зид келадиган бўлса, Президент ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўхтатилади ёки бекор қилинади.

4) ҳокимларнинг қарорларини тегишли халқ депутатлари кенгашлари ҳам, қуйи ҳокимиятнинг қарорларини юқори турувчи ҳокимлар ҳам бекор қилиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур конституциявий тартибнинг мақсади қонунийликни таъ-

минлашдан иборат. Маҳаллий ҳокимият органлари тўғрисидаги қонуннинг 28-моддасига биноан, ҳоким томонидан қабул қилинган ҳужжатлар устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар судга шикоят қилишлари мумкин. Шу билан биргаликда, қонуннинг 29-моддасида ҳокимнинг чиқарган қарорлари юзасидан прокурорнинг протест билдириш ҳуқуқи ҳақида таъкидлаб ўтилмаган бўлиб, мазкур амалга оширилаётган барча тадбирларнинг асосий мақсади қонунийликни ўрнатишдир.

4-§. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШ ТАРТИБИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

Республикамизнинг мустақил ривожланиши мобайнида шу нарса аён бўлдики, давлатни бошқаришда ҳамда демократик ислоҳотларни амалга оширишда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш зарурдир. Зеро, бу фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий талабидир. Адолатли жамиятни қуришда халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Фуқаролик жамиятини қуриш албатта, кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради. Бунда давлат ташқи сиёсат, мудофаа, давлат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш каби умуммиллий вазифаларни амалга оширса, бошқа масалаларни бажариш ваколатлари Президентимиз И. А Каримов таъкидлаганларидек, «...марказдан жойларга, жамоат ташкилотларига ҳамда аста-секин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатиши лозим»[1], чунки фуқаролик жамиятини қуриш ўзини ўзи бошқариш органларини фаоллаштириш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида «Шаҳарда, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни ва унинг

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари. Т.: Ўзбекистон, 1995. 16-бет.

маслаҳатчиларини) сайлайди», деб белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантиришда уларнинг ҳуқуқий асослари етакчи ўринни эгаллайди, яъни уларни ҳуқуқий тартибга солади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асосларига:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

2) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунлар;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва фармойишлари;

4) Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий ҳужжатлари;

5) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари низомлари ҳамда бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

Олий Мажлиснинг XIV сессиясида янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун (1999 йил 14 апрель) қабул қилинди. Мазкур қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида туб бурилиш ясади, яъни янги таҳрирдаги қонуннинг 7-моддасига асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари таркибига кирмайди, деб тўғридан-тўғри белгилаб қўйилди.

Ушбу қоида орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақил ҳаракат қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятини ҳудудий принцип бўйича амалга оширади ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий вазифаси фуқароларни маҳаллий аҳамиятга боғлиқ масалаларни ҳал қилишда мустақил равишда фаолият қилишини таъминлашдир.

Фуқаролар ўз ҳуқуқларини фуқаролар йиғинлари орқали амалга оширадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1) фуқаролар йиғини;

2) фуқаролар йиғинининг кенгаши;

3) фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;

4) фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси ҳамда маъмурий комиссиялар. Уларнинг ҳуқуқий ҳолати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун билан мустаҳкамланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс мақомига эга бўлиб, белгиланган намунадаги муҳрга эга ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатга олинади.

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг 2001 йил январигача бўлган маълумоти бўйича, ҳозирда Ўзбекистон Республикасида жами 9627 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлса, шулардан 6855 таси юридик шахс мақомига эга.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг олий органи фуқаролар йиғини ҳисобланади ва аҳоли манфаатларини ифодалаш, унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Республикадаги жами фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 114 таси шаҳарчаларда, 1339 таси қишлоқларда, 131 таси овулларда, 2219 таси шаҳарларда фаолият кўрсатмоқда. Ушбу органлар раисларидан 6289 нафари ойлик маош билан таъминланган-дир.

Фуқаролар йиғинида маҳаллий ҳудудда яшовчи ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар қатнашиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг учдан икки қисми мавжуд бўлганда йиғин ваколатли ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини раиси, йиғин кенгаши томонидан заруратга қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади. Шу билан бирга фуқаролар йиғини халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашининг, шунингдек, туман, шаҳар ҳокимининг ёки ўн саккиз ёшга тўлган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан ҳам чақирилиши мумкин.

Фуқаролар йиғинини чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда вакилларнинг йиғилиши чақирилади. Ушбу вакиллар кўча, уй маҳалла ва мавзелардан жалб қилинади ва уларнинг меъёри ҳоким томонидан белгиланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини мувофиқлаштириш республика Оқсоқоллар кенгаши томонидан амалга оширилади, шунингдек, фуқаролар-

нинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича вилоят, туман, шаҳар мувофиқлаштириш кенгашлари тузилиши мумкин.

Фуқаролар йиғини кенгаши ва фуқаролар йиғинининг мажлиси фуқаролар йиғинининг раиси томонидан заруратга қараб, лекин ойига камида бир марта ўтказилади ҳамда кенгаш аъзоларнинг учдан икки қисми бўлганида қабул қилинган қарор ваколатли ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини кенгаши ўз девонига эга бўлиши мумкин, уларнинг ходимлари сони фуқаролар йиғини томонидан белгиланади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг ходимлари фуқаролар йиғини маблағлари ҳисобига ҳам, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига ҳам таъминланиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қурилган, олинган ёки уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший ва бошқа мақсаддаги объектлар, шунингдек, транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ҳамда бошқа кўчадиган ва кўчмас мулк уларнинг мулки ҳисобланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурслари уларнинг ўз маблағларидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратиладиган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш маъмурий-ҳудудий бирлик, маҳалла қўшилганда, бўлинганида, тугатилганида фуқаролар йиғинининг қарорига биноан, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари ҳақида сўз юритар эканмиз бунда, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунда уларнинг ваколатлари анча кенгайтирилган бўлиб, улар қуйидаги тартибда таснифланган, яъни ваколатлар алоҳида-алоҳида берилган.

Қонуннинг 10-моддасида шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар

йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал қилиш ҳуқуқига эгалиги белгиланган ҳамда улар ваколат доирасида қуйидаги ишларни амалга оширадилар:

1) фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раисларини ва аъзоларини сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

2) фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссиясини ҳамда қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда маъмурий комиссияни сайлайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

3) белгиланган тартибда раис (оқсоқол)нинг маслаҳатчилари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг таркибини белгилайди, раис (оқсоқол)нинг тақдимномасига кўра, йиғинининг масъул котибини сайлайди;

4) кенгаш, тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

5) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини ҳудудни ялпи (комплекс) ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режасини тасдиқлайди;

6) қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатади;

7) халқ депутатлари туман, шаҳар кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

8) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

9) гузарлар барпо этишга доир масалаларни кўриб чиқади ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йиғинлари оралиқ давридаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йиғиннинг масъул котибидан иборат таркибда фуқаролар йиғинининг кенгаши тузилади.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши қуйидаги ваколатларга эга:

1) фуқаролар йиғинини чақиради;

2) фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссия ишини мувофиқлаштиради, хайрия ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирлар белгилайди;

3) оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спортга оид ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади;

4) рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолиятининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш; диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади;

5) икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга нафақаларни шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағларидан белгиланган тартибда тайинлайди ва тўлайди;

6) тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг одини олиш ишида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;

7) аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар жойлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати устидан назоратнинг амалга оширилишига кўмаклашади;

8) жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий-меҳнатга тиклаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий мослашув марказлари билан биргаликда қонун

ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) Қонуннинг 13-моддасида берилган қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

1) фуқаролар йиғинини чақиради;

2) раис маслаҳатчилари, масъул котиб, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда маъмурий комиссия раислари ва аъзоларининг номзодларини сайлаш учун уларни фуқаролар йиғинига тақдим этади;

3) давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилади;

4) эгасиз мол-мулкни, шунингдек, мерос тариқасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтган мол-мулкни сақлаш чора-тадбирларини кўради;

5) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари номидан шартномалар тузади;

6) тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шу билан бирга, раис (оқсоқол)лар айрим фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олади ва нотариал ҳаракатларни амалга оширади, жумладан, туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳни бекор қилиш, оталикни белгилаш ҳамда нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида васиятномаларни, ишончномаларни тасдиқлаш ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Айни вақтда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудида бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.Уларнинг бажарилиши шарт, акс ҳолда, турли жавобгарликка сабаб бўлади.

5-§. МАҲАЛЛА — МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТ

Маҳалла қадимий тарихга эга, унинг мақсад ва вазифалари ҳам тарих каби узоқ. Одамлар тўда бўлиб яшай бошлаганларида бир-бирларининг иссиқ-совуғидан, ҳол-аҳволи, ғам-кулфатию шодликларидан доимо хабардор бўлиб келганлар. Ўзаро ҳамкорлик қилиб, биргаликда меҳнат қилганлар. Ўзбек халқига ҳам хос

бўлган бу каби инсоний фазилатлар ҳозирги кунларда яна ўз қадрини топаяпти. Оилалар ва фуқароларнинг камол топишида, ҳалол-пок, меҳр-оқибатли ва меҳнатсевар бўлиб тарбияланишида маҳалланинг хизмати салмоқли эканлиги тан олинмоқда.

Тарихдан маълумки, маҳаллалар эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, урф-одатлар ва анъаналар шаклланган маскан бўлиб келган. Одамларни ўзаро меҳр-оқибатли, саховатли қилиб тарбиялашда, ўзига хос жамоани шакллантиришда маҳалла жуда катта аҳамиятга эга.

Наршахийнинг IX асрда ёзилган «Бухоро тарихи» китобида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир неча маҳалла бўлганлиги кўрсатилган.

Маҳалла Ўрта Осиё шаҳарлари ичидаги ҳудудий бирлик бўлиб, у бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган. Араблар истилоси ва ислом дини қабул қилингандан анча илгари пайдо бўлган маҳалла чекланган ҳудудда истиқомат қилувчи одамларнинг бирлашмаси бўлган. Унда одамлар фақат қўшничилик ришталари билан эмас, балки юзлаб йиллар давомида шаклланган ички тартиб-қоида, маънавий, ахлоқий қоидалар, урф-одатлар ва анъаналар билан белгиланган. Шунинг учун ҳам ундан минглаб кишиларни фаол ижтимоий ҳаётга жалб этишнинг самарали воситаси сифатида фойдаланиш лозим.

Айрим социологлар маҳаллани қўшничиликка асосланган жамоа деб қайд қиладилар ва уларни тарихан Мовароуннаҳр шаҳарларида вужудга келган дейдилар.

Пойтахтимиз Тошкентда маҳаллалар асосан XVIII асрдан пайдо бўла бошлаган. Ўшанда 150 та маҳалла бўлиб, XIX асрда улар сони 200 тага етган.

Кўп асрлик тарихга эга бўлган маҳалла биринчи маротаба мустақил республикамиз Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ, ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти бобида ўзига хос ўрин олиши катта сиёсий ва амалий аҳамият касб этди.

Юртбошимиз И. А. Каримов маҳаллалар хусусида тўхталиб айтгандек, ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули — маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳудудларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Бугун маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Маҳаллага эътибор — жамиятимиз тараққиётига эътибор демакдир.

Шу туфайли маҳаллалар мавқеини янада ошириш мақсадида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан бир қатор қонун, фармон, ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан:

1) 1992 йил 12 сентябрь республика «Маҳалла» жамғармасини тузиш тўғрисидаги фармон;

2) 1993 йил 2 сентябрь «Фуқароларнинг ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа нормативҳужжатлардан иборат.

Маҳалла — арабча сўз бўлиб, «маҳал, маҳаллатун», яъни ҳамжамият, ҳамжамоат деган маънони англатади.

Ўзбек маҳаллалари ўзида жамоатчилик руҳи, инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, инсоф, диёнат, раҳмдиллик каби инсоний туйғулар билан суғорилган ҳолда шаклланган катта оиладир.

Маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг ижтимоий асоси сифатида юқори даражада ташкил қилинган жамоаларга қўйиладиган барча талабларга жавоб берган ва ҳозир ҳам жавоб бера олади. Бу ерда ахлоқий тартибга солиш ҳам, асрлар давомида ишлаб чиқилган ўзаро ҳамжиҳатликда яшаш коидалари ҳам, шунингдек, қўни-қўшнилар орасида бир-бирини ҳурмат қилишга ва юқори ахлоққа интилишга асосланган соғлом рақобатнинг ривожлантирилган ва тизимлаштирилган шакли ҳам мавжуд.

Маҳалла — аҳолининг умумий яшаш қоидалари ва ўзаро бирдамлик анъаналари билан боғланган маскан.

Маҳаллалар минг йиллар давомида касб-ҳунар ёки миллий белгилар асосида таркиб топган. Масалан, Тошкент шаҳрида «профессорлар», «пичоқчилар», «заргарлик» ва бошқа номлари билан аталган маҳаллалар мавжуд.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда маҳалла институтига катта эътибор берилди ва бу соҳада туб ислоҳотлар ўтказилди, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Республика миқёсида 1996 йил май — июнь ойларида ҳисобот-сайловларда республикамиз бўйича: қишлоқларда 1436, шаҳарчаларда 117, маҳаллаларда 5402, қишлоқ маҳаллаларида 3305 та ўзини ўзи бошқариш органи бўлиб, уларнинг раислари жамоатчилик асосида иш олиб бормоқдалар. Самарқанд, Наманган ва Тошкент вилоятларидаги қишлоқларда каттагина ҳудудни эгаллаганликларини инобатга олган ҳолда, айни шу

вилоятларда қишлоқ маҳаллалари ўзини — ўзи бошқариш органлари тузилди.

Мазкур маҳалла институтларини ривожлантиришни давлат асосий мақсадлардан бири қилиб белгилади.

Биринчидан, ҳар бир маҳалла олдида ёшларимизнинг миллий истиқлол ва ватанпарварлик руҳини кучайтириш, комил инсонни тарбиялашдек долзарб масалаларни ҳал қилиш вазифалари турибди. Маҳалла ўзига тегишли ҳудуднинг тозалиги, ободлиги, гузарлар кўркамлиги, кўча, майдон, бозорларнинг саришталигини таъминласа, хонадонлардаги ижтимоий вазият яхшиланса ва маҳалла экологик назорат инспекцияси, санитария-эпидемия марказлари, тиббиёт муассасаларининг фаолиятини ривожлантирса, оилалар муҳитини соғлом тарзда шакллантирган, турмуш шароитларини яхшилаган бўладилар.

Иккинчидан, келажагимизнинг тараққиёти бугун фарзандларимизга қандай тарбия беришимизга, улар қалбини илиқ ҳис-туйғулар ва яхши орзуларга тўлдира билишимизга боғлиқ. Ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун, аввало, оилада ота-она ўз фарзандини тўғри йўлга бошлаши, ҳалол меҳнат қилиш, пухта билим олиш, меҳрибонлик, тўғрисўзлик, аҳиллик, иноқлик, яхши одатлар, муомала маданияти ва халққа, Ватанга садоқатли бўлиш каби хислатларни ўргатиши керак.

Учинчидан, жамиятнинг ҳар бир онгли фуқароси шаклланишида тарбия асосий ўринни эгаллайди. Одамнинг бешикдан то қабргача бўлган асосий умри маҳаллада ўтар экан, айнан шу маҳалла тарбия маскани бўлиши ҳам табиий. Ҳар бир хонадонда таваллуд топган мурғак то вояга етиб, ҳаёт йўлини топиб кетгунча маҳалла, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғ, ёру-дўстлар эътиборида бўлиши керак. Маҳалланинг тарбиявий аҳамияти яна шундаки, унда миллатчилик ва маҳаллийчилик аломатлари йўқ. Барча баравар, ҳар бир миллатнинг тили, миллий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналарига ҳурмат билан қаралади ва улар иштирокидаги тадбирлар маҳалла аҳли томонидан ҳамжиҳатлик ва аҳиллик билан ўтказилади.

Тўртинчидан, ёшлар ўртасида улкан ижтимоий, маданий, маърифий, маънавий, ҳуқуқий, тарбиявий ишларни олиб боришда уларнинг халқи, миллатига фидокор, изланувчан бўлиши, янгиликка интилиши, жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни теран ҳис

этиши, ўзининг қадр-қимматини англаши, иродали, иймонли, аниқ мақсадли инсон бўлиб етишишида маҳалла фаолларининг самарали меҳнат қилишлари шарт. Ҳаётимиз жамоатчилик ташкилотларини, ўқув юртлари ва мактабларни нафақат назорат қилишни, балки уларнинг вазифасини ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва моддий томондан кучайтириш, ваколат ва ҳуқуқларини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда. Шу йўл билан биз маҳаллаларда олимлар, ҳуқуқшунослар, соҳа мутахассислари, санъат ва маданият арбоблари иштирокида учрашувлар, тарбиявий суҳбатлар, мунозарали маърузалар уюштирсак, ёшларнинг фикрларини, маънавий-маърифий тафаккурини ривожлантиришга эришамиз.

Бешинчидан, азалдан маҳаллаларда ўтказиб келинаётган бешик, суннат, никоҳ тўйлари, дафн маросимлари, ёшларни армия сафига кузатиш, туғилган кун ва юбилей саналарини ўтказиш сингари тантанали шодиёналар ва бир қанча урф-одатларимиз, удумларимизни кўнгилдагидек тинч, ортиқча сарф-харажатсиз, исрофгарчиликсиз, манманликка йўл қўймаган ҳолда, ихчам ўтказишда маҳалла оқсоқолларининг таъсири ниҳоятда беқиёс эканлигини таъкидлашимиз жоиз.

Олтинчидан, ҳаётимизда рўй бераётган нуқсонларнинг илдизини қуритишга, салбий ҳолатларга қарши курашишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифаси, қиладиган ишлари ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари ҳар бир фуқарога қабул қилинган қонунларни, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг мазмуни, моҳияти аҳамиятини тўлиқ тушунтиришни йўлга қўйишда маҳалланинг иштирок этиши жуда ҳам муҳимдир. Жамиятимиз ва давлатимиз маҳаллалар йиғиндисидан ташкил топган. Ҳар бир маҳалла ва турар-жой мавзеларида аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, тўкин-сочинлик бўлса, қабул қилинаётган қонунларга тўғри баҳо берилса, ҳуқуқий маданият ривожланса, шундагина ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш тарзи таъминланади. Бу эса ўз навбатида давлатимиз буюк келажагининг кафолати бўлиб ҳисобланади.

6-§. МАҲАЛЛА РАИСИ ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ

Демократик ҳуқуқий жамият барпо этиш учун фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш билан бирга аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини таъминлаш, шунингдек, аҳоли ижтимоий фаоллигини ошириш ва турмуш тарзини яхшилаш мақсадида республикамизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими шакллантирилди.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташкил этилиши маҳалла институтини ривожлантиришда улкан аҳамият касб этди. Маҳаллаларнинг фаолият кўрсатишида уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи нисбатан ҳал қилинди, яъни маҳалла юридик шахс мақомини олди. «Маҳалла» хайрия жамғармасига 25 миллион сўм пул ажратилди.

Олий Мажлиснинг XIV сессиясида (1999 йил 14 апрел) қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун давлат аҳамиятига молик ҳужжат бўлиб, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолатни таъминлаш, маънавий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, аҳоли сиёсий фаоллигини ошириш, моддий ва маданий турмушни яхшилашга йўналтирилган.

Мазкур қонуннинг 10-моддасига биноан, фуқаролар йиғини раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди ва йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади.

Маҳалла ҳаётининг мароми, аҳиллик ва осойишталикни таъминлашдаги муваффақияти кўп жиҳатдан аҳоли томонидан сайлаб қўйиладиган оқсоқолга, унинг маҳалладаги обрў-эътибори, билими, тажрибаси, дунёқарашига ва энг аввало, ҳалоллиги, ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ.

Шу боис, маҳалла оқсоқоллигига ва маслаҳатчиларига ҳар бир ишни ўрнига қўядиган, маънавий етук, эл-юрт ишига фидойи, ташаббускор, маҳалланинг пасту баландидан хабардор, кўпни кўрган, ҳар бир ишга адолат билан ёндашадиган, оқсоқол деган шарафли номга муносиб комил инсонларгина раис (оқсоқол)ликка сайланишлари лозим.

Табиийки, бундай оқсоқоллар бошқараётган маҳаллаларда фуқароларнинг яшашлари учун нормал шаро-

ит яратилади, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинади, ижтимоий адолат принципи бузилмайди ҳамда турли хил тарздаги ҳуқуқни бузиш ҳоллари деярли учрамайди.

Одатда, мард, шижоатли кишилар тадбиркор ва ишбилармон бўлади. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур: «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир», деган эди. Бу даъволардан ҳам кўриниб турибдики, маҳалла оқсоқоли ташкилотчилик қобилиятига ва катта обрў-эътиборга эга инсонлардир.

Ўзини ўзи бошқариш органлари раис (оқсоқол) фуқаролар манфаатини таъминлаш борасида давлат органларининг мансабдор шахслари билан муносабатда бўладилар, ўз навбатида, тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслар имкониятлари бор даражада муайян масалани тезроқ ҳал қилиш чораларини кўришлари зарур. Чунки давлатимизда барча нарсалар инсон манфаатлари учун хизмат қилади, фуқаролар йиғининг раис (оқсоқол)лари эса айнан ўз аҳолиси манфаатларини кўзлаб иш олиб борадилар.

Ўзини ўзи бошқариш органлари инсон ва фуқаро манфаатларини давлат ва жамиятда мавжуд қонунларга биноан ҳимоя қиладилар.

Агар тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, ўша даврларда ҳам маҳалаларга обрўли, маънавиятли, эътиқодли, одамларни орқасидан эргаштира оладиган жасур кишилар оқсоқоллик қилганлар. Улар ҳар бир фуқаро ҳақида етарли маълумотга эга бўлган, кишиларнинг ота-боболари, насл-насаби, келиб чиқиши ва бошқа шу каби масалаларни суриштирганлар. Бундан ташқари, оқсоқоллар мавсумий ишларга доимий раҳбарлик қилганлар.

Ҳозирда номзоди оқсоқол томонидан тавсия этилаётган ёки сайланаётган маслаҳатчилар таниш-билишлардан иборат бўлмай, эл эътиборига тушган, тадбиркор, бошқаларга намуна бўла оладиган шахслардан сайланса, айрим низолар, майда безорилик, қўйдирчиқдилар нисбатан камаяди.

Оқсоқол ёшми-қарими, маҳаллада ўзининг доно сиёсатини намойиш қилиши, умуммиллий қадриятларни, ўзбекона турмуш-тарзини ҳаётга татбиқ қилиши, етим-есирлар, бева-бечоралар ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялардан хабардор бўлиб туриши, бундай савобли ишлардан нафақат маҳалла оқсоқолла-

ри, балки саховотпеша, ўзига тўқ инсонлар ҳам четда қолмасликлари керак.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 20-моддасида фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини), раис маслаҳатчиларини сайлаш тартиби белгилаб берилган бўлиб, унга биноан, фуқаролар йиғинининг раиси тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса фуқаролар йиғини раисининг тақдимномасига биноан, фуқаролар йиғини томонидан белгиланган сайлов ҳуқуқлари кафолатлари таъминлаган ҳолда, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин ёки очиқ овоз бериш йўли орқали 2,5 йил муддатга сайланадилар.

Фуқаролар йиғинининг раиси ва маслаҳатчиларини сайлашда ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшовчи фуқаролар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари, агар йиғинда ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланадилар.

Мазкур сайланган раис (оқсоқол) ва маслаҳатчиларимиз ўз маҳалласи, халқи, Ватани учун сидқидилдан хизмат қиладиган инсонлар бўлиши лозим, яъни ҳар бир раис (оқсоқол) ўз ваколатларини қонунга асосланган ҳолда амалга ошириши лозим, акс ҳолда, турли хил салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

XXVII боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲОКИМИЯТИ ВА УНИНГ ТИЗИМИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДИЛ СУДЛОВНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**
*** СУДЬЯЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**
*** СУД-ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТИ**

1-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲОКИМИЯТИ ВА УНИНГ ТИЗИМИ

Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил шохобчаларидан бири бўлиб, жамият ҳаётида **одил судловни** амалга оширишга сафарбар этилган. Одил судлов ўз моҳиятига кўра, давлат фаолияти ҳисобланади, бунда ваколатли суд муассасаси ҳуқуқ нормалари талабларини бузиш оқибатида келиб чиқувчи низоли ҳолатларни муҳокама этиб, ҳал қилади. Демократик ҳуқуқий давлатда ҳуқуқ (қонун) давлат идоралари, фуқароларнинг турли-туман уюшмалари ва алоҳида шахслар ўртасидаги муносабатларнинг мезонидир. Мазкур муносабатларнинг ҳуқуқ (қонун) доирасида кечишини ва ҳал этилишини таъминлаш суд ҳокимияти зиммасига юклатилган. Одил судловнинг олий мақсади куч ва зўравонлик ғоясини ҳуқуқ ва адолат ғоялари билан алмаштиришдан иборат.

Суд ҳокимиятига қуйидаги хусусиятлар хос:

биринчидан, судлов фаолияти давлат номидан амалга оширилади;

иккинчидан, судлов махсус тартибда ташкил этилган (сайланган ёки тайинланган) муассасалар томонидан амалга оширилади;

учинчидан, судлар ўз фаолиятида фақат қонунга бўйсунадилар ҳамда фуқаролик, маъмурий, жиноий ва бошқа ишларни қонунда белгиланган процессуал тартибда ҳал этадилар;

тўртинчидан, судлар бошқа ҳокимият шохобчаларидан мустақил фаолият юритадилар;

бешинчидан, суд танҳолик билан таърифланади, яъни давлатнинг бошқа ҳеч қайси идораси судлов функцияларини ўз зиммасига ололмайди; фақат суд давлат номидан мажбурлов ваколатларини амалга оширади;

олтинчидан, суд ҳокимияти тўлақонли ва қатъийдир, яъни суднинг қонуний қарори (ҳукми) барча учун мажбурийдир.

Суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан муҳим фарқи шундаки, у мамлакатда амал қилувчи бутун суд тизимига, ҳар бир судга тегишлидир. Айни чоғда, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти бир ёки икки органга (субъектга) тегишлидир. Масалан, қонун чиқариш субъекти Олий Мажлис ва референдум орқали халқ; ижро ҳокимияти Президент ва унинг раҳбарлигидаги Вазирлар Маҳкамасига тегишли бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ижтимоий адолат, ҳуқуқий тартиб, қонун устуворлигини таъминлашга, Конституциянинг инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти таъкидлаганидек, **«суд — ҳокимиятнинг учинчи тармоғидир. Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир... Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак»**[1].

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва фаолият юритишининг қонуний асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги (2000 йил 14 декабрь) қонуни билан белгиланади.

---

[1] *Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. Т.: Ўзбекистон, 1996. 185-бет.

Конституцияда мустаҳкамланишича, «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади» (106-модда).

Конституциянинг 107-моддаси ва «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг суд муассасалари беш йил муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти тизими қуйидаги судлардан ташкил топган:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди;

2) Ўзбекистон Республикасининг Олий суди;

3) Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди;

4) Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари;

5) фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари,

6) ҳарбий судлар;

7) Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари.

Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига қараб судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун судларни ташкил этиш, уларни сайлаш ва тайинлаш тартибини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг таркиби Олий Мажлисга сайлов ўтганидан сўнг, Президентнинг таклифига мувофиқ, Олий Мажлис сессиясида сайланади. Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ва Олий хўжалик судининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ва хўжалик судининг судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан, Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан; хўжалик судлари судьялари эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинланади.

Ҳарбий судларнинг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади (63-модда).

Судьялар Конституция ва қонунга мувофиқ, одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир. Судьяликка номзодларга муайян талаблар қўйилади.

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисослик бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, судья бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоидага кўра, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлган ва ушбу моддадаги талабларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳарбий суд судьяси бўлиши мумкин.

Ҳарбий судлар судьяларига «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес-

публикасининг қонуни, ҳарбий уставлар, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган, шунингдек, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш чоралари татбиқ қилинади (61-модда).

Илк бор судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилганидан кейин ўз вазифасини бажаришга киришади:

«Зиммага юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, холис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан».

Судьялар Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи олдида ҳам тантанали вазиятда қасамёд қиладилар.

Судьялар қуйидаги тартибда қасамёд қиладилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисида;

хўжалик судлари судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми мажлисида;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари — Қорақалпоғистон Республикасининг тегишли олий судлари раёсати мажлисида (64-модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 108 ва 109-моддаларида Ўзбекистон Конституциявий судининг ҳуқуқий ҳолати мустаҳкамланган. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан — Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституцияий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар (Конституциянинг 108-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди:

1) қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади (Конституциянинг 109-моддаси).

Судьялар жуда катта масъулият эга, уларнинг ҳар бир ҳаракатида, чиқарадиган қарор ва ҳукмида давлат ҳокимиятининг иродаси намоён бўлади. Шу боис, судьяларнинг ваколатларини тўхтатиш ва зарур ҳолларда муддатидан илгари тугатиш масалаларига қонунда алоҳида эътибор қаратилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас (Конституциянинг 71-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир (Конституциянинг 72-моддаси).

2-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДИЛ СУДЛОВНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида одил судловни амалга ошириш ҳуқуқий давлатнинг моҳияти ва вазифаларини ифодаловчи демократик принципларга таянади. Қуйидаги принциплар Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган.

Биринчи принцип. Устувор конституциявий принциплардан бири мамлакатимизда **одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилишидир.** («Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддаси). Бунинг маъноси шуки, суддан бошқа ҳеч қайси давлат органи фуқаролик, жиноий ва бошқа ишларни кўриш ва ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши принципи — фуқароларнинг ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир. Бу принцип суд ҳокимияти фаолияти чегараларининг Конституцияда белгиланганлигида, яъни конституциявий, фуқаролик, маъмурий ва жиноий судлов ишларини амалга ошириш орқали рўёбга чиқарилишида, шунингдек, суд тизими нормаларининг қонуний мустаҳкамланганлигида ўз ифодасини топади.

Конституциянинг 107-моддасида фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди, деб алоҳида таъкидланишида ҳам юқоридаги принципнинг амал қилишига қатъий кафолат яратилганлигини кўриш мумкин.

Иккинчи принцип. Одил судловни амалга оширишнинг яна бир муҳим принципи — **суд ҳокимиятининг ва судьяларнинг мустақиллигидир.** Конституциянинг 112-моддаси ва «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига биноан, судьялар мустақилдирлар, улар фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ, жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Судьяларнинг мустақиллиги, шунингдек, уларнинг бирон-бир партияга мансуб бўлмаслиги билан ҳам таъ-

минланади. Конституцияга мувофиқ, судьялар, шу жумладан, туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Судьяларнинг мустақиллиги — суд ҳокимияти тўсиқсиз эркин рўёбга чиқиши ва обрў билан ҳаракатланишининг муҳим шартидир. У қанчалик мустақил бўлса, қонун асосида фаолият юритса, одил судловни холис амалга ошириши, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиши шунчалик самарали бўлади. «Судлар тўғрисида»ги қонун судьялар мустақиллигини таъминлашнинг муҳим кафолатларини белгилайди:

Судьяларнинг мустақиллиги қуйидагилар орқали таъминланади:

1) уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;

2) уларнинг дахлсизлиги;

3) одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил;

4) қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

5) судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

6) судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш (Қонуннинг 67-моддаси).

Давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт.

Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек, уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан, жавобгарликка сабаб бўлади (68-модда).

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин, бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилган ёки иш юритувдаги ишлар мо-

ҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас (9-модда).

Конституциянинг 112-моддасида судьяларнинг фақат қонунга бўйсуниши ҳам кўрсатилганлигини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Бунинг маъноси шуки, судьялар ўзларига қонун билан берилган ваколат доирасида иш юритадилар ва ҳар бир масалани қонунга мувофиқ ҳал этадилар. Башарти, суд иш кўраётган вақтда давлат органи ёки бошқа идора ҳужжатининг қонунга номувофиқлигини аниқласа, ўз қарорини фақат қонунга асосланиб чиқаради. Ушбу конституциявий қоида давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ҳужжатларига нисбатан татбиқ қилинади.

Учинчи принцип. Одил судловнинг навбатдаги конституциявий принципи — **суд ишларини юритишнинг ошкоралигидир.** Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади (Конституциянинг 113-моддаси). Демак, аксарият ҳолларда суд жараёнлари очиқ ўтказилади. Уларда томонларнинг вакиллари, судланувчиларнинг қариндош-уруғлари, яқинлари, истаган фуқаролар, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари, журналистлар иштирок этишлари мумкин. Қонунда назарда тутилган ҳолларда, масалан, давлат сири ёки ҳарбий сирлар билан боғлиқ ишларда, жабрланувчининг шаъни ва ориятини муҳофазалаш манфаатларидан келиб чиқиб, суд ишни кенг жамоатчилик иштирокидан холи кўришни лозим топиши мумкин. Жиноят иши жинсий жиноят билан боғлиқ ҳолларда ҳам иш ёпиқ кўрилади. Ёпиқ суд мажлисига, суд ажримига биноан, 18 ёшга етмаган шахслар таклиф қилинмайди.

Тўртинчи принцип. Конституция **суд ҳужжатларининг мажбурийлиги** принципини мустаҳкамлайди. «Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар, — дейилади Асосий қонуннинг 114-моддасида, — барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун маж-

бурийдир. Улар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт».

Бешинчи принцип. Одил судловни амалга оширишда **тил тўғрисидаги конституциявий принцип** катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб бораётган тилни билмайдиган суд иштирокчиларининг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Олтинчи принцип. Ўзбекистон Республикасида одил судловнинг **асосий принципларидан** яна бири — **айбсизлик презумпцияси.**

Айбсизлик презумпцияси — шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда ва тегишли органлар томонидан тасдиқланмагунча, унинг айбсиз ҳисобланишидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида кўрсатилишича, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ушбу принципга амал қилиниши суд органларининг жазо тўғрисида ҳукм чиқаришларидан олдин айнан шу шахснинг айби бор ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам беради.

Дастлабки текшириш органи жиноят содир этган шахсга айб эълон қилишда, унинг ушбу жиноятни содир қилишдаги айбдорлигини (айбсизлигини) албатта исбот қилиб беришга мажбур, чунки айбланувчи айбсизлик презумпциясига кўра, суднинг чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга кирмагунга қадар айбдор деб ҳисобланмайди. Айбланувчи ўзининг айбсизлигини исбот қилиб беришга мажбур эмас. Жиноят содир этган шахснинг айбдорлигини исботлаш мажбурияти терговчи, суриштирувчи, прокурор ва судга юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир кишининг **ҳимоя ҳуқуқи** кафолатланади. Қоидага кўра, шахснинг ушбу ҳуқуқи адвокатлар орқали амалга оширилади. Адвокат ҳар бир ҳуқуқий масала юзасидан малакали ёрдам бериб, жиноий ва фуқаровий суд ишларида иштирок этади ва уларга мурожаат қилган шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Судлар тўғрисида»ги қонунида ҳеч қандай шахс қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги таъкидланган.

Еттинчи принцип. Ҳар кимнинг **суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи** муҳим конституциявий принцип ҳисобланади. Бу принцип ҳақида «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида қуйидагилар мустаҳкамланган:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек, ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга».

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар судлар томонидан кўрилаётганда прокурор иштирок этади (Қонуннинг 9-моддаси).

Саккизинчи принцип. Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги принципи ҳам конституциявий принциплар қаторига киради. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги Асосий қонуннинг 18-моддасида белгиланган. Ана шу қоиданинг судга татбиқан талқини «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида баён этилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенгдир. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам қонун ва суд олдида тенгдир.

Одил судловнинг холислиги ва мустақиллигини таъминлашда **судлар фаолиятини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш** алоҳида аҳамият касб этади. «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддаси ушбу масалани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоятлар ва Тош-

кент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари фаолиятини ташкилий таъминлаш судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши принципларига қатъий риоя қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси томонидан амалга оширилади. Комиссия тўғрисидаги низом белгиланган тартибда тасдиқланади.

Комиссия судьялар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, судьялар малака ҳайъатларининг, жамоат бирлашмаларининг вакилларидан ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислардан таркиб топади. Комиссиянинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси зиммасига судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг демократик асосларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, суд кадрларини танлаш ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти тасдиғига тавсия этишда қонунийликни таъминлаш, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ва ижтимоий ҳимоя қилинишига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги низоми белгиланган тартибда тасдиқланадиган махсус ваколатли орган:

1) судларни ташкил этиш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳокамасига киритади;

2) судларнинг кадрлар малакасини оширишни ташкил қилади;

3) судларни моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларнинг фаолияти учун зарур шароитлар яратиш ишларини ташкил қилади;

4) халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш ишини ташкил қилади;

5) суд қарорларини ижро этиш ишларини ташкил қилади;

6) суд статистикаси ва суд амалиётининг тизимли таҳлилини амалга оширади;

7) Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига тақдим этиш учун судьяларни танлаш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлашда иштирок этади.

Хўжалик судлари фаолиятини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

3-§. СУДЬЯЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ — ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Судьяларнинг ҳуқуқий ҳолати, жамиятда тутган мавқеи, ҳуқуқ ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Судлар тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонуни билан белгилаб қўйилган. Қонунга мувофиқ, одил судлов фақат махсус ваколат берилган судьялар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга. Судларнинг раислари, раис ўринбосарлари, айни вақтда, судьялардир. Бошқача айтганда, суд раиси (ўринбосари) фақат бошқарув ва ташкилий ишлар билан шуғулланувчи профессионал маъмуриятчи эмас, асл касби судьяликдир, улар ҳам зарур вазиятларда фуқаролик, жиноий, маъмурий ишларни кўраверадилар.

Судьяларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ талаблари ва фармойишлари барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурийдир. Судга ва судьяларга нисбатан ҳурматсизлик, судьянинг талаб ва фармойишларини бажаришдан бош тортиш қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг юксак мақомидан келиб чиқиб, қонун уларга қўйиладиган талабларни назарда тутади. Хусусан, судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар хусусида аввалги параграфда тўхталиб ўтилган эди (Қонуннинг 61-моддаси). Судьяларга булардан ташқари яна қуйидаги талаблар қўйилади: Конституция ва қонунларга қатъий риоя қилиш, суд ҳокимиятининг нуфузини баланд тутиш, ҳақиқат ва адолат юзасидан иш кўриш, судьяликнинг қадр-қимматини юксак даражада сақлаш, касбий фаолиятида атрофдаги инсонлар билан мулоқот ҳамда муносабатда юқори маданият ва холисликни намойиш этиш ва ҳоказолар.

Ҳар бир судья суд ҳокимиятини намоён этувчи ваколатли соҳибдир. Судьяларнинг манфаатларини ифода этиш, ҳимоя қилиш учун улар муайян жамиятларга уюшишлари мумкин. Бундай жамиятлар қаторига Ўзбекистон Республикасининг судьялар ассоциацияси киради.

Судьялар мақомининг асосий мазмунини ташкил этувчи масала — уларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари йиғиндисидир. «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 65-моддасига мувофиқ, **судьялар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:**

Судьялар:

1) мансабдор шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш;

2) мансабдор ва бошқа шахслардан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот олиш;

3) уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга.

Судьялар қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьяларнинг талабига мувофиқ бепул берилади. Судьяларнинг талаблари ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади (65-модда).

Мазкур юксак ва масъулиятли ҳуқуқлар тегишли мажбуриятлар билан ҳамоҳанг майдонга чиқади. **Конституция ва қонун судьялар зиммасига муайян мажбуриятларни юклайди:**

1. Судьялар фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлиши шарт.

2. Судьялар судьялик шаънини қатъий сақлашлари, одил судловнинг обрўсини, судьялик қадр-қимматини

тушириши ёки судьянинг холислигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

3. Судьялар судьяларнинг маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

4. Судьялар ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари бўлиши мумкин эмас.

5. Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаркатларнинг аъзоси бўлиши, шунингдек, илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорт ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида уларга тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси, адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан, ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судья тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судья судьялар тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланиладиган транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек, унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади.

Туманлараро, туман (шаҳар) суди, округ ва ҳудудий ҳарбий суд судьясига нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса Ўзбекистон Республикасининг Олий суди судловига тегишлидир (66—70-модда).

Судьялик ваколатлари эмин-эркин амалга оширилишининг кафолатларидан бири судьяларнинг моддий таъминоти, судьяларнинг ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашдир. Бу борада қонун қуйидаги ҳолатларни назарда тутади.

Судьяларнинг иш ҳақи лавозим маошидан, малака даражаси, кўп йиллик хизмати учун тўланадиган устама ҳақлардан иборат бўлиб, унинг миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Судьяларга ҳар йили ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган таътил берилади.

Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг махсус муҳофазасида бўлади ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилинади.

Қуйидаги ҳолларда давлат суғурта органлари суғурта суммаларини тўлайди:

1) судья ишлаётган даврида ёки ваколат муддати тугаганидан кейин ҳалок бўлса (вафот этса), агар бу судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг меросхўрларига судьянинг эллик ойлик иш ҳақи миқдорида;

2) судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолса ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида — судьянинг йигирма беш ойлик иш ҳақи миқдорида;

3) судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этмайдиган ва меҳнат қобилиятининг доимий йўқолишига олиб келмайдиган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганда — судьянинг беш ойлик иш ҳақи миқдорида.

Судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада

майиб бўлиб қолганда ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганда мажбурий давлат суғуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда, унга иш ҳақи ва тайин этилган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда тўлаб борилади.

Судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилиши оқибатида ҳалок бўлса (вафот этса), унинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига судья иш ҳақининг уларнинг ҳиссасига тўғри келадиган қисми ва боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан уларга тайинланган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда, мажбурий давлат суғуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда тўланади.

Судьянинг ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан унга тегишли мол-мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган зарар судьяга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган зарарни қоплаш бўйича тўловлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, кейинчалик улар айбдор шахслардан қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади (75—76-моддалари).

Судьялар ҳуқуқий мақомининг яна бир муҳим жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Бу уларнинг ўз хатти-ҳаракатлари учун масъуллиги, шу жумладан, судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш мумкинлигидир. Қонунда зикр этилишича, судья:

1) одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун;

2) суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, шунингдек, хизмат борасида ёки обрўсига путур етказадиган бошқа хатти-ҳаракати учун фақат судьялар малака хайъатининг қарорига асосан, интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ҳарбий суднинг судьяси интизомни бузганлиги учун ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, суд қарорини чиқаришда қатнашган судьянинг, агар у атайлаб қонун бузилишига ёки жуддий оқибатларга олиб келган виждонсизликка йўл қўймаган бўлса, жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди.

Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади (Қонуннинг 73-моддаси).

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида (2000 йил 14—15 декабр) «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги, Судьяларнинг малака даражалари тўғрисидаги, Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги, Ҳарбий фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қарор қабул қилинди. «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги низомда алоҳида бўлим — «Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни кўриш тартиби» деб номланади. Низомда таъкидланишича, «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 73-моддасига мувофиқ, судья фақат судьялар малака ҳайъатининг қарорига асосан:

1) одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун;

2) суд ишини ташкил этишдаги бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, шунингдек, хизмат соҳасидаги ёки обрўсига доғ тушурадиган бошқа хатти-ҳаракати учун интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ҳарбий суднинг судьяси ҳарбий интизомни бузганлиги учун ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Судьялар олий малака ҳайъати:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг;

фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларининг;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси ва раис ўринбосарларининг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни кўради.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьяларининг малака ҳайъатлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни ўз ваколатлари доирасида кўрадилар.

Ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъати ҳарбий судлар судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни ўз ваколати доирасида кўради.

Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати хўжалик судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни кўради.

Қуйидагилар интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳуқуқига эга:

1) Олий суд раиси — Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари судьяларига нисбатан;

2) фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари — шу судлар судьялари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар судьялари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари судьяларига нисбатан;

3) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси — шу суд судьялари, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг судьяларига нисбатан;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси — хўжалик судлари судьяларига нисбатан.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида тегишли судларнинг раҳбарлари қарор чиқарадилар, унда интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатишга сабаб бўлган асослар кўрсатилиши шарт.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатган шахс судьяни жавобгарликка тортиш асосига дахлдор бўлган маълумотларни олдиндан текширади ва ундан ёзма тушунтириш талаб қилади.

Интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш материаллари судьялар малака ҳайъатига юборилишидан аввал устидан иш қўзғатилган судья улар билан таништирилиши шарт. Бунда судья қўшимча тушунтиришлар тақдим этишга ёки қўшимча текширув ўтказишни талаб қилишга ҳақли.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор зарур материаллар билан бирга кўриб чиқиш учун судьяларнинг тегишли малака ҳайъатига юборилади.

Интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўғзатиш ҳақидаги қарор уни қўзғатган шахс томонидан ишни судьялар малака ҳайъатида кўриб чиқиш бошлангунга қадар чақириб олиниши мумкин.

Ўзига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарор чақириб олинаётган судья ишни мазмунан кўриб чиқишни судьяларнинг малака ҳайъатидан талаб қилишга ҳақли.

Судья, ножўя хатти-ҳаракат қилганлиги аниқланган кундан бошлаб, хизмат текширувларига кетган вақт, судьянинг малака ҳайъатида интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга кетган вақтни ҳисобламаганда, кечи билан бир ой ичида, ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб эса — кечи билан олти ой ичида интизомий жазога тортилиши мумкин.

Зарур ҳолларда, ишни кўриб чиқиш бошлангунга қадар судьяни интизомий жавобгарликка тортиш асослари қўшимча равишда текширилади. Бундай текширишни ўтказишни судьялар малака ҳайъатининг раиси судьялар малака ҳайъати аъзоларининг бирига топширади. Бундай пайтда қўшимча ҳужжат ва материаллар, шунингдек, кўриб чиқиш чоғида, судья қонун бузилишига йўл қўйган суд ишлари ҳам талаб қилиб олиниши мумкин.

Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қуйидаги қарорларнинг бирини чиқариши мумкин:

1) интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисида;

2) интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни тўхтатиш тўғрисида;

3) интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш материалларини судьянинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган органларга юбориш ҳақида.

4-§. СУД-ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ижтимоий сиёсий ва давлат-ҳуқуқий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди. Пировард мақсади ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш бўлган ушбу ислоҳотлар республиканинг судлов тизимини ҳам қамраб олмоқда. Суд ислоҳоти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият умумий шаклланиш жараёнининг ажралмас зарур таркибий қисмидир. Суд-ҳуқуқий ислоҳоти мамлакатда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари билан тенг, мустақил кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришнинг муҳим омилидир.

Суд ҳокимияти нафақат уч ҳокимиятнинг бири, балки унинг юксак нуфузли ҳуқуқий ҳолати, жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шартидир. Зеро,

суд ҳокимиятининг вазифаси — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни ижро қилиш ва қўллашда қонунийлик ҳамда адолат учун курашишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда 257 нафар суд мавжуд. Улардан 215 нафари туман ва шаҳар судлари, 14 нафар вилоят ва уларга тенглаштирилган судлар, 14 нафари вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари, 11 нафари ҳарбий судлар, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судларидир. Бу судларда жами 949 нафар судья фаолият юритади.

Мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тақсимланиши амалда жорий этилиши билан чинакам суд ҳокимиятининг қарор топишига том маънода йўл очилди. Бу ўринда ўта муҳим нарса — суднинг давлат ҳокимиятининг бир бўғини сифатида тегишли қатъий ваколатлар соҳиби эканлигини тан олишдир. Жамият ижтимоий онги суд ҳокимиятини эътироф этиши, унга кўникиши лозим. Суд ҳокимияти ташкил этувчи, уюштирувчи, жамият ҳаётининг махсус соҳасини бошқарувчи ҳокимиятдир. Суд ҳокимияти давлатнинг муайян судлов сиёсатини шакллантиради ва рўёбга чиқаради. Судлов сиёсатининг асослари қонунда ўз аксини топади ва суд муассасалари фаолияти орқали ҳаётга татбиқ этилади.

Ўзбекистонда мустақил, адолатли суд ҳокимиятини қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, у мамлакат Президентининг доимий диққат марказидаги масаладир. Одил судловни жорий этиш, мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқий ислоҳотини амалга ошириш мавзуси Ўзбекистон Президенти нутқларида такрор-такрор таъкидлаб келинади. Бу фикрни далиллаш учун қуйидаги лавҳаларга мурожаат этайлик.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида (1995 йил 23 февраль) И. А. Каримов шундай деди: **«Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти**

демакдир. У — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир»[1].

Биринчи чақириқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида (1995 йил 21 декабр) юртбошимиз қуйидаги мулоҳазаларни билдирди: **«Суд — ҳокимиятнинг учинчи тармоғидир. Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғли мос келишига бевосита боғликдир... Мамлакатимизда суд тизимини тубдан ислоҳ этиш юзасидан кўп ишлар қилинди. Лекин бу соҳада ва айниқса, кишиларнинг онгини ва уларнинг суд ҳокимиятига нисбатан муносабатини ўзгартириш борасида яна кўп ишларни бажаришимиз лозим»**[2].

Маълумки, собиқ тоталитар тузум шароитида суд маъмурий-буйруқбозлик тизимининг тўқмоғига айлантирилган эди. Одамлар кўз ўнгида суд жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи орган сифатида гавдаланди. Эндиги ислоҳотларнинг бош вазифаси эса судни адолат ва ҳақиқат посбонига айлантиришдан иборат. Пировардида судга муносабат тубдан ўзгариб, унга ҳурмат шаклланиши лозим.

Президент И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари муҳим методологик, йўналтирувчи аҳамиятга эгадир. **«Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак.**

Бу ўта муҳим. Яна қайтараман, одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб билиши керак»[3]. Бунинг учун жуда катта ишлар қилиниши лозим. Судлар қонундан оғишмай иш тутиб, фуқароларнинг манфаатларини муҳофаза этиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаб, бу йўлдан собитқадамлик билан қатъий бориб, машаққатли меҳнат қилиб, қайтадан халқнинг ишончини қозонишлари зарур бўлади.

---

[1] *Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. Т.: Ўзбекистон, 1996. 22-бет.

[2] *Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. Т.: Ўзбекистон, 1996. 185-бет.

[3] Ўша жойда. 186-бет.

Суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини қадам-бақадам такомиллаштириб бориш зарур. Бу ҳуқуқий асос суд ва судьялар ҳокимиятнинг бошқа барча тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунишини таъминлаш лозим. Бу ҳуқуқий асос демократизмни, холисликни, суднинг ҳаммабоп бўлишини, суднинг ҳимоя доираси кенгайишини таъминлаши лозим. Ва ниҳоят, бу ҳуқуқий асос суд тизимига нопок, порахўр ва тасодифий кимсалар кириб қолишига йўл қўймаслиги лозим. Шунингдек, Президент қуйидаги ташаббусни илгари сурди: «Олий Мажлиснинг суд ислоҳоти бўйича аниқ дастурга эга бўлиши ва шу асосда қайд этилган масалаларни ҳал эта бориши мақсадга мувофиқдир»[1].

Мазкур таклифни амалга ошириб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши 1996 йил 5 апрелда «Ўзбекистон Республикасида суд ислоҳотини янада ривожлантириш дастури тўғрисида» қарор қабул қилди ва тегишли Дастурни тасдиқлади[2]. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоялашни кучайтириш ва кенгайтириш; суд тизимини демократлаштириш ва суднинг обрўсини ошириш; суд ислоҳотига оид бошқа ташкилий-ҳуқуқий масалалар бўйича тадбирлар, уларни амалга ошириш учун масъул идора ва шахслар, тегишли муҳлатлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида (1996 йил 29 август) суд-ҳуқуқий ислоҳотларнинг боришига янада жиддийроқ эътибор қаратилди. Жумладан, давлатимиз бошлиғи қуйидаги сўзларни айтди: «**Суд ислоҳотини чуқурлаштириш**, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг... муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг асосий мазмунига айланмоғи лозим.

---

[1] Ўша жойда. 186-бет.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. № 3. 47-модда.

...Судларнинг таркибини такомиллаштириш, уларни янги тузилмалар билан тўлдириш зарур. Шу мақсадда транспорт ва солиқ судларини тузиш, холис ҳакамлар судлари (третейский суд) имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим»[1].

Ушбу маърузада Ўзбекистон судьялари уюшмасини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилади. Шунингдек, суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимлиги таъкидланди. Суд қарорлари ижросини тартибга солувчи қонун қабул қилиш хусусидаги таклиф илгари сурилди.

«Судларнинг ижро этувчи ҳокимият ва энг аввало, жойлардаги ҳокимиятлар ва прокуратура органлари билан ўзаро муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқиш фурсати етди, — деди Президент, — ҳокимият судларни камситишга, ҳар қандай усуллар билан уларга ўз таъсирини ўтказишга уринаётган ҳоллар ҳам маълум. Бундай фактларнинг қатъият билан пайи қирқилиши керак[2].

1997 йил сентябр ойида Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси ташкил топди. Таъсис мажлис Ассоциациянинг Уставини қабул қилди. Уюшма Устави 1997 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди. Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси Ўзбекистон Республикаси судьяларининг ихтиёрий жамоат бирлашмаси ҳисобланади. Унинг асосий мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

— суд-ҳуқуқ ислоҳотини ўтказишда фаол иштирок этиш;

— одил судловни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш борасида судьяларни қўллаб-қувватлаш, уларни турли тазйиқлардан ҳимоя қилиш;

— судлар мустақиллигини кучайтириш ва суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш;

— судьяларни тайинлаш (сайлаш) ва қайта тайинлаш (сайлаш) масалалари юзасидан таклиф киритиш;

---

[1] *Каримов И. А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т.5. Т.: Ўзбекистон, 1997. 128-бет.

[2] *Каримов И. А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т.5. Т.: Ўзбекистон, 1997. 128-бетлар.

— судьяларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий таъминотини яхшилаш ва рағбатлантириш масалалари юзасидан ваколатли органларга таклиф киритиш;

— давлат, жамоат ва бошқа ташкилотлар ҳамда муассасалар ишида ўз аъзолари номидан иштирок этиш;

— одил судловнинг сифати ва самарадорлигини ошириш масалаларини кўришда иштирок этиш;

— ассоциация мақсадларига хизмат қилувчи қонун ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларига тақдим этиш;

— ассоциация фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган ва бошқа органларга мурожаат қилиш;

— нодавлат халқаро жамоатчилик ташкилотларига аъзо бўлиш ва улар таркибида фаолият кўрсатиш;

— суд фаолиятига фан-техника ва илғор тажриба ютуқларини жорий қилишга ёрдамлашиш;

— судьялар, судьяликка номзодлар учун ўқув ва амалий машғулотлар ташкил қилишга ёрдамлашиш;

— амалиётдан келиб чиққан ҳолда, аҳоли ўртасида қонунларни тарғиб қилиш ишларида иштирок этиш;

— қонунда белгиланган тартибда матбуот органига эга бўлиш;

— ассоциация ўз мақсад-вазифаларини амалга оширишда қонун ва Устав билан тақиқланмаган бошқа фаолиятлар билан ҳам шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Судьялар Ассоциациясининг олий органи ҳар икки йилда бир марта чақириладиган Съезддир.

Съездлар орасида тўрт йил муддатга сайланадиган Ассоциациянинг Марказий Кенгаши унинг ижрочи органи ҳисобланади. Марказий Кенгаш 25 кишидан иборат таркибда ташкил этилади. Шунингдек, олти нафар аъзодан иборат Тафтиш қўмитаси фаолият кўрсатади.

Парламентимизнинг 1999 йил 14 апрелида бўлиб ўтган XIV сессиясида мамлакатдаги суд-ҳуқуқий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари таҳлил этилди. Асосий эътибор суд жараёнида адвокатларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилди. Президент И. А. Каримов бу масалада шундай деди:

«Ҳар қандай суд жараёнида, жиноий иш кўрилаётган бўлса ҳам, фуқаролик иши кўрилаётган бўлса ҳам,

бир томонда айбловчи, иккинчи томондан тенг ҳуқуқ билан ҳимоячи сўзга чиқади.

Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судьялар эса қонуний ҳуқуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айбловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини холисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишда адолатли, қонуний ҳукм чиқаради.

Бундан хулоса қилиб айтиш керакки, суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, **ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак.**

Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади»[1].

Сессияда илгари сурилган вазифаларни тез ва самарали ҳал этиш, суд ислоҳотини жадаллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори билан суд-ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди. Бу Комиссия хусусан, судларни ихтисослаштириш ҳамда судда аппеляция тартибида иш кўриш ҳақида таклифлар киритди. Бу таклифлар 2000 йил давомида қонунчиликка киритилган қўшимчаларда ўз амалини топди[2].

Суд-ҳуқуқий ислоҳотларнинг бориши масаласи иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси (2000 йил 22 январ) диққат марказида бўлди. «Ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунишини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ этиш керак, — деб таъкидлади Президент И. А. Каримов. Суд жараёнида айблов ва ҳокимиятнинг тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор. Суд ислоҳотини ўтказиш жараёнида жиноят ва фуқаролик ишларини кўрувчи судларнинг ихтисослашувини амалга ошириш ва бу масалаларни ташкилий жиҳатдан ҳал қилиш зарур. Бу

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 1999. 29—30-бетлар.

[2] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни // Халқ сўзи. 2001. 17 январь.

албатта, одил судловни амалга ошириш сифати ва тезкорлигини, энг муҳими, қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлайди»[1].

Илгари сурилган масалалардан бири, яъни судларни ихтисослаштиришга бағишланган ҳужжат — «Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Президент фармони (2000 йил 14 август) қабул қилинди. Фармонда таъкидланишича, суд тизимини ислоҳ қилиш ва унинг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, судда ишларнинг адолатли ва ўз вақтида кўрилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш, шунингдек, судларни ихтисослаштириш мақсадида 2001 йил 1 январидан эътиборан умумий юрисдикция судлари замирида Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро судларини тузишга, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг жиноий ишлар бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) судларини тузишга қарор қилинди. Мазкур суд тизими янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонунда ўз тасдиғини топди. Қонунга киритилган янгиликлардан яна бири — Адлия вазирлиги ҳузурида судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича департамент тузилди. Департамент директори ўз лавозимига кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари ҳисобланади.

2001 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Фармон билан мазкур комиссия тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди. Комиссия суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш сиёсатини, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштиришни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги доимий ишловчи орган ҳисобланади.

---

[1] *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8. Т.: Ўзбекистон, 2000. 344-бет.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги фармоннинг 3-бандига кўра:

Комиссия зиммасига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьяларини танлаш ва лавозимларга тавсия этиш, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судларнинг судьяларини лавозимларга тақдим этиш вазифалари юклатилади.

Низомда, шунингдек, Комиссиянинг асосий вазифалари, ваколатлари ва иш фаолиятини ташкил этиш тартиби ўз ҳуқуқий тасдиғини топган.

XXVIII б о б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ — ҚОНУНЛАРНИНГ АНИҚ ВА БИР ХИЛДА БАЖАРИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАН**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

1-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ — ҚОНУНЛАРНИНГ АНИҚ ВА БИР ХИЛДА БАЖАРИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАН

Прокуратура Ўзбекистонда амал қилаётган барча қонунларнинг мамлакат ҳудудида бир хилда ва аниқ ижро этилишини Ўзбекистон Республикаси номидан назорат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида белгилаб қўйилганидек, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади».

Прокурор назорати — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, назорат органлари, ҳокимлар кимга бўйсунишдан, кимнинг тасарруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, шу-

нингдек, фуқаролар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш, ҳар қандай қонун бузилиши, унинг сабаблари ва шарт-шароитларига ўз вақтида барҳам бериш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ҳамда айбдорларни белгиланган тартибда қонуний жавобгарликка тортиш йўли билан давлат номидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари даставвал қонун устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг сиёсий, шахсий, иқтисодий, ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, давлат мустақиллигини, конституциявий тузумни, сиёсий ва иқтисодий тизимни, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларни ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ҳамда қонун устунлигини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолиятларида муайян принциплар мавжуд бўлиб, улар мазкур органлар фаолиятини амалга оширишда асосий замин бўлиб хизмат қилади. Қуйи поғона прокурорлар юқори поғона прокурорларга буйсуниш принципига амал қиладилар ва бу Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлиги остида ягона марказлашган тизимни ташкил этади. Прокурорнинг якка тарзда фаолият кўрсатиши ва унинг марказлаштирилганлиги прокуратура тизимининг барча бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунларни аниқ, бир хилда ижро этишларининг назорат қилинишида ифодаланади. Бу принцип Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ягона қонунийликнинг қарор топишини таъминлайди.

Прокуратура органлари назоратни ва ўзларига берилган ваколатларини давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий бошқарув идораларидан, мансабдор шахслардан, жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда Ўзбекистон ҳудудида амалда бўлган қонунларга, халқаро ва

давлатлараро шартномалар, битим ва аҳдномаларга қатъий риоя қилиб, фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунган ҳолда амалга оширадилар.

Прокуратура фаолияти фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис томонидан назорат қилинади. Прокуратуранинг қонунлар ижро этилишини назорат қилиш, жиноят ишларини тергов қилиш, шикоятлар, аризалар ва маълумотларни текшириш, кадрларни танлаб уларни жой-жойига қўйиш борасидаги фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, бошқа мансабдор шахсларнинг аралашуви қатъий тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунида (2001 йил 29 август-)прокурорларнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин, бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек, прокурор ёки терговчининг рухсатисиз текшириш ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Прокуратуранинг мустақиллиги кафолатлари прокуратура органларининг ташкилий тузилиши, уларда жорий бўлган бўйсуниш ва ҳисоб бериш тартибининг татбиқ этилиши билан таъминланади. Ҳар бир прокурор мустақил фаолият кўрсатиб, ўз вазифасини бажариш жараёнида қонунларга ва уларга мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан чиқарилган буйруқлар, қўлланма ва кўрсатмаларга амал қилади.

Прокуратура органларининг ходимлари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб қўядилар.

Прокуратура органларининг мустақиллиги айни бир пайтда қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ташкилий тадбирларни улар давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда амалга оширишлари лозимлигини назарда тутади. Ҳозирги кунда башариятнинг хавфли ва ашаддий душмани ҳисобланган, кундан-кун куртак

отиб кенг тарқалаётган, инсон умрининг, келажагининг заволи бўлмиш гиёҳвандлик муаммоси умумжаҳон миқёсида жамоатчилик диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Бинобарин, прокуратура ва ички ишлар органлари гиёҳвандлик воситалари билан ғайриқонуний муомала қилишга боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш юзасидан фаол иш олиб бормоқдалар. Прокуратура ва ички ишлар органларининг ходимлари гиёҳвандликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва огоҳлантириш масалалари бўйича ўқув юртларида, мактабларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида мунтазам ва доимий равишда учрашувлар, суҳбатлар, тадбирлар ўтказмоқдалар. Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари гиёҳвандликка қарши курашишга оид қонунларга риоя этилишини текшириш борасидаги фаолиятни анчагина кучайтирдилар. Ўзбекистон Республикасининг прокуратураси ва ички ишлар органларининг гиёҳвандликка қарши курашга қаратилган қонунларини ижро этиш борасидаги иши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг қарорида келтирилган маълумотларга кўра, жумладан, кейинги уч йил мобайнида 620 дан ортиқ текширув ўтказиб, уларнинг натижалари бўйича қонунларни бузганлик учун 468 фуқаро маъмурий жавобгарликка, 390 фуқаро интизомий жавобгарликка ва 64 нафар фуқаро моддий жавобгарликка тортилдилар. Текширишлар мобайнида 76 та жиноий иш қўзғатилган. Шу вақт ичида прокурорлар томонидан 22086 фуқарога нисбатан 18520 жиноий иш юзасидан айблов хулосаси тасдиқланиб, судга юборилди.

Гиёҳвандлик воситалари билан ғайриқонуний муомала қилишга боғлиқ жиноятлар учун судлар томонидан мазкур уч йил мобайнида 22040 фуқарога нисбатан ҳукм чиқарилган. Уларнинг 16516 нафарига озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

2-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ

Прокуратура тизими Ўзбекистон Республикаси миқёсидаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунувчи прокуратура органлари мажмуасидан иборат бўлиб, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминлаш билан боғлиқ

умумий функцияни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимини Ўзбекистон Республикасининг прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикасининг прокуратураси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар, туманлараро ва бошқа ҳудудий прокуратуралар ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг прокуратураси тизимига, шунингдек, транспорт, ҳарбий, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа ихтисослаштирилган прокуратуралар киради. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими қуйидаги тартибда ташкил топган:

1) Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси;

2) Қорақалпоғистон Республикасининг прокуратураси;

3) вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари;

4) вилоят прокуратураларига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикасининг Транспорт прокуратураси;

5) туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий, ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар (Конституциянинг 119-моддаси);

6) Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти.

Тошкент шаҳар прокуратураси, Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари Ҳарбий прокуратураси ва Ўзбекистон транспорт прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига бўйсунган ҳолда, мустақил бирликларга ажратилган бўлиб, вилоят прокуратураси ҳуқуқига эгадир.

Прокуратуранинг ягона ва марказлаштирилганлиги прокуратура тизимининг барча давлат бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этишлари устидан назоратни марказдан Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ягона қонунийлик ўрнатиш вазифаларига мос келадиган тўғри йўналиш асосида амалга оширишини таъминлайди. Прокуратуранинг бирлиги Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошқараётган барча прокуратура органларининг ташкилий ва фаолият кўрсатиш принципларининг ягоналигида ифодаланади. Прокуратуранинг ягоналик прин-

ципи унинг олдида қонунни муҳофаза қилишдек ягона вазифа мавжудлиги билан белгиланади. Прокуратуранинг ҳар қандай тармоғи — тумандан то республикагача — қонунларни давлат номидан муҳофаза қилишга қаратилган фаолиятни амалга оширади. Прокуратура органларининг ягоналигига кўра, юқори турган прокурор қуйи прокурорга унинг ҳар қандай қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида кўрсатма бериш, ўзига бўйсунувчи прокурорлар ваколатларини ўзига олиш ҳуқуқига эга.

Прокуратуранинг марказлаштирилганлиги қуйи прокурорларнинг юқориларига, барча прокурорлар эса — Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурорига бўйсунишида ифода этилади. Прокуратура органларининг марказлаштирилганлиги прокурор назоратининг бирлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, республиканинг барча ҳудудида ягона қонунчиликни таъминлашнинг заруратидан келиб чиқади, бусиз ягона марказдан туриб раҳбарликни таъминлаш мумкин эмас. Прокуратура тизимида бошқарув вертикал — марказга, шу каби горизонтал бўйича — маҳаллий органларга бўйсунишдан иборат «икки» томонлама бўйсуниш ҳолати мавжуд эмас.

Прокуратура органларининг марказлашган ягона тизими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошқаради. Бош прокурор Президент ва Олий Мажлис олдида ҳисоб бериб туради.

Бош прокурор республика прокуратура органлари устидан раҳбарлик қилиб туради ва улар фаолияти устидан назорат олиб бориш борасида республикадаги барча прокурор ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, қўлланмалар чиқаради. Бош прокурорнинг тергов ишлари масаласи бўйича берган кўрсатмалари республикадаги барча тергов органлари учун мажбурийдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси томонидан тайинланади ва улар олдида ҳисоб беради.

Вилоят прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори, буларга тенглаштирилган прокурорлар (Ўзбекистон Рес-

публикаси Қуролли Кучларининг Ҳарбий прокурори ва Ўзбекистон Транспорт прокурори) Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланадилар ҳамда унга бўйсунадилар ва унинг олдида ҳисоб берадилар.

Шаҳар, туманларнинг прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар (ҳарбий қўшин прокурори, ҳарбий гарнизонлар, транспорт прокурорлари ва ихтисослаштирилган прокуратураларнинг прокурорлари) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланиб, ўзидан юқори прокурорларга ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунадилар ҳамда улар олдида ҳисоб берадилар.

Қонунга кўра, Бош прокуратура ҳузурида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилади.

Қуйи прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бевосита тайинланиши, уларнинг маҳаллий таъсирлардан мустақиллигининг муҳим кафолатларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ва барча қуйи прокурорларнинг ваколат муддати — беш йил. Барча прокурорларга ягона ваколат муддати белгиланганлиги уларнинг ҳаммасига ягона давлат-ҳуқуқий вазифаси — қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижроси устидан назорат олиб боришни таъминлаш юклатилганлигига мос келади.

Барча прокурорлар учун конституциявий даражада беш йиллик ваколат муддати белгиланиши, уларга қонун билан юклатилган бурчларини муваффақиятли бажаришда зарур бўлган мустаҳкам иродали ва қатъий фикрли бўлишлари учун қулай шароит яратади, шунингдек, маҳаллийчиликка қарши курашда прокурор кадрларнинг мунтазам янгиланиб туриши муҳим аҳамият касб этади.

Прокурорлар шу лавозимдаги муддатлари тугагач, янги муддатга ҳам тайинланишлари мумкин. Прокурорлар янги конституциявий муддатга тайинланишларидан аввал, қоидага кўра, улар бошчилик қилган прокуратурадаги ишлари текшириб кўрилади. Бунда прокурорларнинг — ташаббускорлик, қатъиятлилик, ҳуқуқ-тартибот бузилишининг ҳар қандай турига қарши курашда муросасизликлари каби шахсий сифатларига алоҳида эътибор берилади.

Прокурорлар эгаллаб турган лавозимларидан муд-

датидан аввал озод этилишлари ҳам мумкин, бунга қуйидаги ҳоллар сабаб бўлади: хизмати бўйича кўтарилиш, бошқа ишга ўтиш, соғлиғи бўйича, шунингдек, ўз хизмат вазифасини тегишли даражада бажармаганда ёки прокурор деган юксак номга доғ туширувчи хатти-ҳаракатлар содир этганда шундай ҳол юз беради.

Конституциявий муддати тугаши бўйича ёки муддати тугамасдан лавозимдан озод этиш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан озод этилиб, кейин Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади. Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан озод этилади; вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ва уларга тенглаштирилган жойларнинг прокурорлари лавозимларидан Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан озод этиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тасдиғидан ўтадиган Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурорининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари бўлади, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади, кейинчалик улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғидан ўтадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бош бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади.

(Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири), 12-модда).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бош бошқармалар ва бошқармалар, бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлар, прокурорлар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

3-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунга кўра, прокурор ва унинг ўринбосарлари қонунларга риоя этилиши устидан умумий назорат фаолиятида қуйидаги ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишлари мумкин:

— мансабдор шахсларнинг қонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатларига нисбатан протест келтириш;

— қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик хусусида мансабдор шахслар ва фуқароларга ёзма равишда огоҳлантирув билдириш;

— давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга қонунбузарлик ҳолларини, шунингдек, қонун бузилишининг сабаблари ва бунга йўл очиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

— фуқаролар, жамият ва давлатлар ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисида судлар ёки хўжалик судларига ариза билан мурожаат этиш.

Прокуратура тўғрисидаги қонунда булардан ташқари, прокурорларнинг назоратни амалга ошириш ва қонун бузилишларига таъсир кўрсатиш ҳуқуқий воситалари, жиноятчиликка қарши курашиш идораларининг қонунларни ижро этишлари устидан назорат қилиш; судларда уларнинг кўриб чиқилишида прокурорнинг ваколатлари ва прокуратура идораларининг фаолиятини ташкил этишга доир бошқа масалалар аниқ белгилаб қўйилган (Прокуратура тўғрисидаги қонуннинг V бўлими).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасида алоҳида кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Прокуратура тўғрисида»ги қайд этилган мазкур қонунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ваколатлари қуйидаги алфозда белгилаб қўйилган:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокуратура органларига раҳбарлик қилади ва улар устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиши мумкин;

2) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этади ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдирилади;

3) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди кўриб чиқиши учун масалалар киритиши мумкин;

4) Ўзбекистон Республикасининг Олий суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, кўрилаётган ишлар бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади;

5) Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди Пленумининг мажлисларида иштирок этади, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади;

6) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикасининг Президентига киритади;

7) прокуратура органлари ходимларига даражали унвонлари беради ва олий даражали унвонларни бериш тўғрисидаги тақдимнома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат этади;

8) прокуратура ходимларини Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тақдим этади;

9) прокуратура органлари ходимларини «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирлайди;

10) буйруқлар чиқаради, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

11) ажратилган штат бирлиги ва маблағлар доирасида қуйи прокуратура органларини, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимларни ташкил этади, ўзгартиради ва тугатади, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва қуйи прокуратура органлари тузилишини ҳамда штатларини тасдиқлайди, барча прокуратура органларининг ташкилий тузилишини ва уларнинг ходимлари мансаб маошларини бюджетдан ажратилган пул маблағлари ва штат бирлиги доирасида белгилайди;

12) чет эл давлатларининг тегишли органлари билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузади;

13) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Прокурорлар ўз ваколатларини амалга оширишлари учун Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни ҳамда қонунлари доирасида ўз назорат вазифаларини самарали ҳал қилишга кенг имконият очиб берадиган зарур ҳуқуқий воситалар ва омилларга эгадирлар. Бундай воситалар барча даражадаги прокурорлар учун бир хилда жорий этилган (баъзи бир истисноларни назарда тутилмаса) бўлиб, уларни ҳар бир прокурор ўз ваколати, ҳуқуқи доирасида қўллашга ҳақлидир.

Прокурорнинг ўзи аниқлаган қонунбузарлик ҳолларини қонун бузишларининг сабабларини ва унга имкон берган шарт-шароитларни батараф этиш, ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш ва текшириш ўтказиш, мутахассис ажратиш тўғрисидаги прокуратурага келиш ва қонун бузганлиги хусусида тушунтириш бериш ҳақида талабларини бажариш, шундай талаб юборилган барча идоралар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий. Прокурорнинг талаблари ва қарорлари устидан шикоят қилиниши ана шу талаблар ҳамда қарорларни тўхтатиб қололмайди.

Прокурор талабларини бажаришнинг мажбурийлиги ва прокурорнинг ўз ваколатларини монеликсиз амалга ошириши қонун билан кафолатланган. Прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва прокурор талабларини бажармаслик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 197-моддасига мувофиқ, жавобгарликка тортилишга олиб келади.

Прокуратура органларининг назорати прокурорларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 21—31-моддаларида аниқ белгилаб қўйилган.

4-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Олий Мажлиси то-

монидан 2001 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунида белгиланган. Мазкур қонунда: прокурор назоратининг мақсади ва вазифалари; прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари; прокуратуранинг ташкилий ва фаолият принциплари; прокурорларнинг назоратни амалга ошириш ва қонун бузилишларига прокурорлик таъсирини кўрсатишнинг ҳуқуқий воситалари ҳамда прокуратура тизимига кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, уларнинг касб малакаларини ошириш билан боғлиқ масалалар аниқ белгилаб берилган.

Прокуратура идораларининг суриштирув ва дастлабки тергов идоралари томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш; судларда ишларнинг кўриб чиқилишида прокурорларнинг ваколатлари; ушланганларни сақлаб туриш, дастлабки қамоқ, суд тайинланган жазо ва мажбурий характердаги бошқа чораларни ўташ жойларида қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятларни жиноят-процессуал, хўжалик-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида ўз аксини топган. Мазкур қонунга мувофиқ, улар қуйидагилардан иборат:

1) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

2) фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

4) тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат

қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

5) жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

6) судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

7) солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

8) ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

9) қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят, процессуал қонунига мувофиқ, жиноятчиликка қарши курашга қаратилган фаолият фақат давлат идоралари — қонунда рўйхати белгиланган суриштирув ва дастлабки тергов идоралари, шунингдек, шу идоралар хизматида бўлган суриштирувчилар ва терговчилар томонидан амалга оширилади.

Жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб борадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал қонуни суриштирув ва дастлабки тергов органларига жиноятларни аниқлаш олдини олиш, тўхтатиш ва очиш, жиноятнинг барча ҳолатларини тез, холисона, тўла ва ҳар томонлама текшириш, унинг келиб чиқиш сабабларини ҳамда ёрдам берадиган шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш чораларини кўриш вазифасини юклайди.

Жиноятчиликка қарши муваффақиятли курашишнинг зарурий шартларидан бири, жиноятларни очиш ва олдини олишда жамоатчиликнинг иштирокидир. Шу муносабат билан жиноят-процессуал қонуни ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи идоралар жиноят содир этилган ҳолатларни белгилаб олиш, айбдорни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек, жиноят содир этиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлашда жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишлари мумкинлигини назарда тутади.

Қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни қўриқлашда жамоат бирлашмалари билан фуқаролар иштирокининг шакл ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал ва бошқа қонунларида қатъий белгилаб қўйилган.

XXIX боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИКНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФААСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ, ТУЗИЛИШИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ БУРЧЛАРИ**

1-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФААСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикаси демократик, тинчликпарвар ва тараққиётга интилган давлатдир. Унинг бош стратегик мақсади мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва барқарор ривожланишнинг кафолатли имкониятларини яратишдан иборат. Ўзбекистоннинг мудофаа сиёсати давлат суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини, республика манфаатлари ҳимоя қилинишини ва халқимизнинг тинч ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган. Ушбу сиёсатнинг ҳуқуқий асослари мамлакат Конституцияси ва қонунларида баён этилган.

Асосий қонунимизнинг 125-моддасида белгиланишича, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши қонун билан белгиланади». Ушбу конституциявий нормада таъкидланган устувор вазифаларни бажаришга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-ҳуқуқий тадбиру амаллар йиғиндиси мамлакат мудофааси деган тушунчада намоён бўлади.

Дунё миқёсида нотинчлик, Ер куррасининг бир қанча нуқталарида уруш ўчоқлари ҳамон сақланиб қолмоқда; боз устига сўнгги пайтларда экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишлари фаоллашуви кузатилмоқда; халқаро ва минтақавий можароларни ҳал этишда қурол ишлатиш содир бўлиб турмоқда. Мана шундай мураккаб вазиятда ёш, мустақил Ўзбекистон давлатининг мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакат мудофаасининг асосий мақсадларига, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа тўғрисидаги қонунида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасига қарши четдан қилинадиган ҳужумнинг олдини олиш ва ҳар қандай тажовуз қилиниши мумкин бўлган шароитда қуролли ҳимояланишни уюшган ҳолатда қўллашнинг барча зарур шарт-шароитини яратиш орқали эришилади.

Ўзбекистон Республикасини мудофаа қилиш Қуролли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, ҳудуднинг Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринасига мувофиқ, тажовузни даф этишга доим тайёрлигига асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси Қуролли Кучлар тузилишида мудофааланиш кифоя қиларли даражада бўлиши қоидасига амал қилади ва Ўзбекистон Республикаси:

1) урушни халқаро муаммоларни ҳал этишнинг усули сифатида тан олмаслигидан;

2) бетарафлик йўлини тутишга интилишдан ва ядро қуролларини яқинлаштирмаслик, ядро қуролларини жойлаштирмаслик, ишлаб чиқармаслик, сотиб олмаслик қоидасига риоя этишга ҳаракат қилишдан;

3) бирорта ҳам давлатга ҳудудий масалада даъво қилмаслигидан ва бирорта ҳам халқни душман деб билмасликдан;

4) башарти ўзи тажовуз объекти бўлиб қолмаган тақдирда бирон-бир давлатга қарши жанговар ҳаракатларни биринчи бўлиб бошламасликдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг мудофаасини ташкил этиш:

— ҳарбий сиёсатни, ҳарбий доктринани ишлаб чиқишни ва ҳарбий фанни ривожлантиришни;

— тажовузларнинг олдини олиш юзасидан халқаро майдонда тегишли тадбирларни амалга ошириш-

ни, хавфсизликни жамоа бўлиб амалга оширилади-ган тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашиш имкониятларини;

— давлат чегараларини қўриқлашни;

— ҳарбий-техника сиёсатини, ҳарбий-иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни ва Қуролли Кучларни, қурол-яроғ, ҳарбий-техника билан, ҳарбий-техника ашёлари, озиқ-овқат ҳамда бошқа моддий-техника воситалари билан тўла-тўкис таъминлаб туришни;

— халқ хўжалигини, давлат идораларини, бошқарув тизимини сафарбарликка тайёрлашни;

— аҳолини ва республика ҳудудини мудофаага тайёрлашни;

— Қуролли Кучларнинг керакли тузилмаларини ҳозирлаш, тайёргарлик даражасини кучайтириш ҳамда зарур таркибини ва миқдорини таъминлаш, уларнинг жанговарлик қобилияти, жанговар ва сафарбарлик тайёргарлиги, Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган ҳарбий иғвогарликларнинг пайини қирқишни ва тажовузларни даф этишни таъминлайдиган даражада бўлишини;

— мудофаа ва ҳарбий қурилишга доир масалаларни қонун йўли билан тартибга солиб боришни ўз ичига олади[1].

Мудофаа соҳасида норматив-ҳуқуқий базанинг яратилиши Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилинишидан бошлаб, унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари бўйича Вазирлик таъсис этиш ва мустақил равишда мудофаа сиёсатини амалга ошириш имкониятига эга эканлиги таъкидланади. Қонуннинг ҳаётга амалий татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январидаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дислокация қилинган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари ҳақида»ги фармоннинг қабул қилинишидан бошланиб, унга кўра, собиқ Иттифоқ Қуролли Кучларининг Ўзбекистон Республикасида аввал дислокация қилинган ҳарбий қисм, қўшилма, ҳарбий-ўқув юртлари, муассаса, ташкилот ва бошқа ҳарбий тузил-

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т.: Ўзбекистон, 1995. 297—298-бетлар.

малари мустақил давлатимиз юрисдикцияси(ихтиёри)-га ўтказилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг муваффақиятли ривожланиши ва амал қилиши учун зарур норматив-ҳуқуқий асос яратилган. Бу Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни (1992 й. 3 июл), Ўзбекистон Олий Мажлисининг «Ҳарбий қасамёд тўғрисида»ги қарори (1992 й. 3 июл), Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги (1992 й. 3 июл), «Алтернатив хизмат тўғриси»даги (1992 й. 3 июл) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг жанговор байроғи тўғрисида»ги (1993 й. 22 ноябр) ва «Миллий хавфсизлик кенгаши тузиш тўғрисида»ги (1995 й. 1 май) фармонлари, Олий Мажлиснинг «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида»ги қарори (1995 й. 30 август), Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонуни (1997 й. 29 август), Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг низомлари (1996 й. декабр) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари шулар жумласидандир.

Юқорида санаб ўтилган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳарбий сиёсат ва ҳарбий қурилиш принциплари, Қуролли Кучлар таркибий тузилмаси, кадрлар билан тўлдириш ва уларни тайёрлаш ҳамда бошқариш тартибини белгилайди.

Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти «Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод этади; олий ҳарбий унвонларини беради» (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси, 16-банди). У «Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради» (Конституциянинг 93-моддаси, 2-банди), «Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади» (Конституциянинг 93-моддаси, 17-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни Қуролли Кучлар фаолиятининг қуйидаги принципларини белгилайди:

— қонуннинг устунлиги;

— марказлаштирилган бошқарув ва яккабошчилик;

— доимий жанговар тайёргарлик ва сафарбарликка шайлик;

— партиядан холилик;

— ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари:

1) қуруқликдаги қўшинлар;

2) ҳарбий-ҳаво кучлари;

3) ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари;

4) махсус қўшинлар;

5) ҳарбий қурилиш-муҳандислик қўшилмалари;

6) миллий гвардиядан таркиб топади. Уларга кундалик раҳбарлик ва бошқариш Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Қуролли Кучларни кадрлар билан тўлдириш Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига биноан амалга оширилади.

Қўшинларнинг кундалик ҳаёти ва ички тартиб-интизоми Қуролли Кучлар Низомлари асосида тартибга солинади.

Ҳарбий қурилишни ташкил этиш ва Қуролли Кучларни қўллаш, мудофаа сиёсатининг принциплари «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси»да белгиланган бўлиб, унда асосий стратегик йўналиш сифатида урушга тайёргарлик эмас, аксинча, уруш ва ҳарбий тажовузларнинг олдини олиш эътироф этилган. Унда қуйидаги қоидалар мустаҳкамланган:

— урушни халқаро муаммоларни ҳал этишнинг усули сифатида тан олмаслик;

— куч ишлатиш ва уни ишлатиш билан тажовуз қилишдан воз кечиш;

— ядро қуролларини яқинлаштирмаслик, ядро қуролларини жойлаштирмаслик, ишлаб чиқармаслик, сотиб олмаслик;

— республикада бошқа давлатларга нисбатан ҳудудий ва бошқа хил даъволарнинг бўлмаслиги ҳамда ўзига юклатилган мажбуриятларни изчил амалга ошириш,

шунингдек, бошқа мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни халқаро ҳуқуқ нормалари ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаган ҳолда қуриш.

Конституция 125-моддасининг 2-қисмида: «Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади», — дейилган. Шундай қилиб, давлат фаолиятининг ҳарбий қурилиш каби муҳим соҳасида қонунийлик (легитимлик) фуқаролик назоратига эришилади. Бунда — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг халқчиллиги ва умумэътироф этилган халқаро-ҳуқуқий нормаларга мувофиқлиги яна бир бор намоён бўлади.

2-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ, ТУЗИЛИШИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакат Қуролли Кучлари давлат идоралари тизимининг муҳим таркибий бўғини бўлиб, унинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги, тинчлиги ва хавфсизлигининг гаровидир. Қуролли Кучлар юксак ташкилий ва жанговор ҳолати, давлат мудофаасини таъминлашга қобиллиги, унинг тақдири ва ривожланиши учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Мустақил давлат ўз суверенитетини, хавфсизлигини муҳофаза эта олиши лозим. Шу боис, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, ўз суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, халқнинг тинч ҳаёт кечириши, фуқароларнинг, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз Қуролли Кучларининг тузилишини эълон қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда (1991 йил 31 август) юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб, Миллий гвардияни ташкил этиш ва Мудофаа ишлари вазирлигини таъсис этиш зарурлиги таъкидланган эди. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини тузиш учун ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил қилинди. Республика ҳукуматининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳуқуқий мақоми, ташкилий тизими тузилиши ва Низоми тасдиқланди. Ушбу вазирлик ма-

ҳаллий ҳарбий, бошқарув органлари, фуқаро мудофааси штаби ва армия, сафдан ташқари хизмат махсус бошқармаси негизида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг вужудга келишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги қарори алоҳида аҳамият касб этди. Унга кўра, собиқ Иттифоқ Қуролли Кучларининг республикамиз ҳудудида жойлашган барча қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлари ҳамда бошқа ҳарбий тузилмалари Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олинди. Шу тарзда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида замонавий маърифий давлатларга хос демократик, адолатли норма мустаҳкамланди. Яъни: «Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларига эга». Бу ерда қатъий императив маъно бор, яъни Ўзбекистон ўз хавфсизлиги ва мудофаасини таъминлаш учун зарур даражада армияга эга бўлишга ҳақли дейилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан «Мудофаа тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиши (1992 йил 3 июл) юқоридаги конституциявий нормани муайсилаштиришда, Қуролли Кучларнинг шакллантирилиши, мустаҳкамланиши ва бошқарувини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, ушбу сессияда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофааланиш қўшинлари, махсус ва Миллий гвардия қўшинларидан иборат бўлади. Уруш бўлган тақдирда Қуролли кучлар ўз вазифаларини миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари билан ҳамкорликда бажарадилар.

Қуролли Кучларни мамлакат миқёсида жойлаштириш Республика Олий Бош Қўмондони (яъни, Ўзбекистон Республикасининг Президенти) раҳбарлигида Мудофаа вазирлиги, унинг Бош штаби томонидан ишлаб чиқилган схема бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудини, чегараларини, ҳаво чегараларининг ишончли ҳимоя қилинишини назарда тутувчи стратегик режа

ҳарбий доктрина талаблари, стратегик ва оператив режалар асосида, шунингдек, қўшинларни жанг олдидан сафарбар этиб жойлаштириш режалари асосида амалга оширилади.

Қуролли Кучларни тузиш «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ амалга оширилади. Қуролли Кучларни тузиш — ҳарбий хизматга шу ҳудуддан ва ҳудуд ташқарисидан чақиришни уйғунлаштирган ҳолда олиб борилади.

Армияни сақлаб туриш, молиявий, моддий-техникавий таъминлаш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Мудофаага ажратиладиган маблағлар миқдори ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади. Солиқ қонунчилигига мувофиқ Қуролли Кучлар тизими ходимлари даромад солиғига тортилмайдилар. Шунингдек, мудофаа эҳтиёжлари учун давлат буюртмаларини бажариш солиқни камайтириш ёки ундан озод қилиш, кредит бериш ва бошқа имтиёзлар билан рағбатлантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини бошқариш республика Президенти билан бир қаторда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳам амалга оширилади, Қуролли Кучларнинг ҳарбий тайёргарлик ва моддий-техникавий соҳадаги эҳтиёжларини таъминлаш масалаларида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси муайян ваколатларга эга.

Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва ишончли мудофаасини таъминлашда 1997 йил 29 августда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун муҳим қадам бўлди. Концепцияда диний экстремизм, миллатлараро ва этник зиддиятларнинг кучайиши, қуролларнинг, жумладан, ядро қуролининг тарқалиши, халқаро терроризм, уюшган жиноятчиликнинг авж олиши, наркотик моддаларнинг тарқалиши ҳамда экологик таназзул кўринишидаги минтақавий ва ялпи таҳдид мавжудлиги таъкидланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Концепция давлатимизнинг муҳим вазифаларидан бири — миллий хавфсизликнинг самарали тизимини яратиш, Ўзбекистоннинг минтақавий ва ялпи хавфсизликни таъминловчи коллектив ҳамкорлик тизимига киришини тақозо этади.

Ҳарбий қонунчилик нормалари Ўзбекистон Республ-

ликасининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолиятининг асосий, принциплари тўғрисида»ги қонунида (1996 й. 26 декабр), ривожлантирилди. Унда: «Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонуни ва «Ўзбекистон Ҳарбий доктринаси»га биноан, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди», дейилган.

Жаҳонни ҳарбий блокларда кўриш, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни ғоявийлаштиришдан воз кечиш давлат институтлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг роли ва ўрнидан ажратган ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас.

Айнан ташқи сиёсий масалалар ва Қуролли Кучлар амал қилиши вазифаларини ҳал этишда комплекс ёндошув Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини кафолатлашнинг мувофиқлаштирилган сиёсатини олиб боришга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ватанимизнинг минтақавий хавфсизликнинг муҳим омили сифатида аҳамиятини оширишда катта рол ўйнайди.

Мамлакат мудофаа қобилиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларни тараққий эттиришда Ўзбекистоннинг ҳарбий-сиёсий соҳадаги халқаро алоқаларини чуқурлаштириш алоҳида ўринга эга.

Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик учун ҳамкорлик» дастурига қўшилган. НАТО билан ҳамкорлик Ўзбекистон барқарорлиги ва осойишта тараққиёти амалда минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни евроатлантик хавфсизлик тизимига киритилишига қаратилган. Халқаро майдонда ҳарбий ҳамкорликни ривожлантиришда қўйилган муҳим қадам Ўзбекистоннинг Қозоғистон ва Қирғизистон билан биргаликда БМТ заҳира кучлари сифатида замонавий тинчлик ўрнатувчи батальонга аъзо бўлиши ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган қонунлар ва қонуний ҳужжатларни амалга ошириш асосида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини яратиш ва фаолият кўрсатиш ҳақидаги конституциявий қоидаларни изчил ривожлантириш ва амалий қўллаш ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов айтганидек, «мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, келажаги буюк давлат қураётган Ўзбекистон фуқароларининг тинч-осойишта ҳаёти, тинч ижодий меҳнати хавфсизлигининг кафолати» бўлган Қуролли Кучларни яратишга имкон берди.

3-§. ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ БУРЧЛАРИ

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси зиммасига Ватанни, яъни Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишдек муқаддас конституциявий бурч юклатилган (Конституциянинг 52-моддаси). Фуқаролар ўзлари яшаб турган юртнинг, халқнинг, давлатнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишлари, Ўзбекистоннинг қудратини мустаҳкамлаш ва обрў-эътиборини юксалтириш учун барча чораларни кўришлари лозим.

Фуқароларнинг мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги конституциявий бурчлари «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1992 йил 3 июл)да ўзининг муфассал баёнини топади. Қонунда таъкидланишича, мамлакатни мудофаа қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг вазифасидир.

«Умумий ҳарбий мажбурият» ва «ҳарбий хизмат» тушунчалари ўртасида муайян фарқ мавжуд. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ўз қобилияти, имконияти ва қурби етгани қадар ҳарбий мажбурият соҳиби ҳисобланади. Унинг умумийлиги ушбу мажбуриятнинг барча фуқароларга беистисно тааллуқлилигидадир. Ватан хавфсизлигига тажовуз вужудга келган тақдирда уни муҳофаза этиш мажбурияти барча фуқаролар зиммасига тушади. Умумий ҳарбий сафарбарлик эълон қилинган тақдирда, бу ҳақдаги тегишли қонунда назарда тутилган (яъни, маълум ёш доирасида бўлган) барча фуқаролар умумий мажбурий ҳарбий хизматга жалб этиладилар.

Қонуннинг 1-моддасида мустаҳкамланган қоидага кўра, умумий ҳарбий мажбуриятнинг мазмуни фуқароларни ўз мамлакатларини қуролли ҳимоя қилиш учун мажбурий ҳарбий тайёргарликдан ўтказишдан иборат. Бу республика Қуролли Кучларини бутлаш ва резерв тайёрлашни таъминлашни назарда тутади. Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, чақирув участкаларида қайд этишни, ҳарбий хизматга чақиришни, муддатли ҳарбий хизматни ўташни, заҳирада хизмат қилишни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, умумий ҳарбий таълим беришни қамраб олади.

Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилувчи ажнабий шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тааллуқли эмас.

Ҳарбий хизматни ўташ учун фуқаро Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларда умумий ҳарбий мажбуриятларни бажариб бўлгандан кейингина тузилган битимга биноан хизмат қилишга ҳақли. Фуқароларнинг ҳарбий хизмати давлат хизматининг алоҳида тури ҳисобланади (Қонуннинг 2-моддаси).

Қонунга мувофиқ, тинчлик вақтида саломатлиги ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва чақирув кунида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароси бўлмиш йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақириладилар. Тинчлик вақтида хотин-қизлар ихтиёрий равишда битим бўйича ҳарбий хизматга киришлари мумкин. Ҳарбий рўйхатда турган ёки умумий ҳарбий таълим олган хотин-қизлар уруш даврида ҳарбий хизматга Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан чақирилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа қўшинлари учун уруш вақтида сафларни тўлдиришда талаб қилинадиган миқдордаги хизматчиларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан барча фуқаролар учун мажбурий умумий ҳарбий таълим жорий этилади. Фуқароларнинг умумий ҳарбий таълими ишлаб чиқаришдан ёки ўқишдан ажралмаган ҳолда, иш, ўқиш ёки турар жойларда амалга оширилади.

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга чақирувини ўтказиш учун туманларда, шаҳарларда, вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикасида чақирув комиссиялари тузилади.

Чақирув комиссияларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари томонидан вилоят, шаҳар ва туман ҳарбий бошқарув идораларининг муқаррар иштирокида белгиланади.

Юқори турувчи чақирув комиссиялари зиммасига:

чақирув муддатини кечиктириш ёки чақирувдан озод қилиш, ҳарбий касб-корларга тайинлашда уларнинг тажрибаси, қобилияти, қизиқишлари ва шахсий имкониятларини ҳисобга олиш қай даражада асосли бўлганлигини назорат қилиш;

фуқароларнинг туман (шаҳар) чақирув комиссияларининг хатти-ҳаракатлари устидан қилган шикоятларини қараб чиқиш вазифалари юклатилади.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилганларни, шунингдек, туман (шаҳар) чақирув комиссияларининг тиббий кўрик натижаларига ҳамда қарорига норозилигини баён этган шахсларни ҳарбий қисмларга жўнатишдан аввал назорат тарзида тиббий кўрикдан ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий врачлар комиссиялари амалга оширадилар (Қонуннинг 16-моддаси).

Муддатли ҳарбий хизматга чақириш муддатини узайтириш, фуқароларнинг оилавий шароити, саломатлигининг ёмонлашганлиги муносабати билан ёки ўқишни давом эттиришлари учун туман (шаҳар) чақирув комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қуйидаги чақирилувчиларнинг чақириш муддати оилавий шароитга кўра узайтирилади, чунончи:

1) чақирилувчининг отаси ва онаси ёки улардан бири меҳнатга лаёқатсиз бўлиб, улар билан бирга ёки айрим ҳолда истиқомат қилишидан қатъи назар, ўзларини боқиши шарт бўлган бошқа меҳнатга лаёқатли ўғли бўлмаса. Ота-оналарнинг меҳнатга лаёқатсизлиги амалдаги қонунларга мувофиқ аниқланади;

2) чақирилувчининг меҳнатга лаёқатли онаси ёлғиз бўлиб, унинг 16 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлса-ю, истиқомат жойидан қатъи назар, амалдаги қонунларга мувофиқ онасига моддий ёрдам кўрсатиши шарт бўлган меҳнатга лаёқатли бошқа болалари бўлмаса;

3) чақирилувчининг бир фарзанди бўлиб, уни ёлғиз ўзи тарбиялаётган бўлса;

4) чақирилувчининг икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлса ёки хотини I ёки II гуруҳ ногирони бўлса.

Ота-онасининг вафот этганлиги, уларнинг узоқ муддат бетоблиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра чақирилувчини камида беш йил давомида ўз қарамоғида сақлаётган шахслар унинг ота-онасига тенг шахслар ҳисобланадилар.

Умумий ўрта таълим, ҳунар-техника билим юртлари, кундузги диний ўрта ўқув юртларида таҳсил кўраётган чақирилувчиларнинг чақириш муддати — тўлиқ умумий таълим олгунларига қадар, лекин кўпи билан 21 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ўқув юртларида таълим олаётган студентларга

ҳамда кундузги диний олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган фуқароларга чақириш муддати — ўқув юртини битиргунларига қадар таълим олишни давом эттиришлари мақсадида узайтирилади (Қонуннинг 17-моддаси).

Қуйидаги ҳолларда тинчлик вақтида саломатлиги ёмонлашганлиги учун ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилади:

— 27 ёшга тўлгунга қадар муддатли ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилмаган бўлсалар;

— рўйхатдан ўтказилган диний идораларнинг бирида диний рутбага эга бўлган;

— туғишган ака-укалардан бири муддатли ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга чақирилишдан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунни бузганлик учун мансабдор шахсларнинг ва фуқароларнинг жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Хусусан, юқоридаги қонуннинг 42-моддасида кўрсатилишича: «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилиш республика ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳарбий хизматдан бўйин товлаганлари тақдирда амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладилар.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунни бузишда айбдор бўлган давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 225-моддасида ҳарбий ёки муқобил муқобил хизматдан бўйин товлаганлик учун қуйидаги тарзда жиноий жавобгарлик белгиланган:

Муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга чақирувдан узрли сабабсиз бўйин товлаш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, — икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга чақирувдан бўйин товлаш:

а) ўз баданига шикаст етказиш;

б) ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан содир этилган бўлса, —

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига сафарбарлик бўйича чақирувдан бўйин товлаш, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Муқобил хизматни ўтаётган шахс томонидан мажбуриятларни бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва жорий қонунларида белгиланганидек, фуқаролар ҳарбий хизматни муқобил хизмат ўташ билан алмаштириш ҳуқуқига эгадирлар.

1992 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикасининг «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган. Унга мувофиқ муқобил хизмат — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўтайдиган давлат хизматининг алоҳида туридир. Бу хизмат фуқаронинг корхоналардаги, муассасалардаги, халқ хўжалиги ташкилотларидаги *юқори малака талаб этилмайдиган (ёрдамчи) ишларни* ёки ўз малакасига мос ишларни, шу жумладан, фалокат, фожиа, табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этишга оид ишларни бажариши билан боғликдир. Муқобил хизмат фуқароларни ҳарбий ишга ўргатишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун заҳирадаги жангчилар тайёрлашни кўзда тутади (Қонуннинг 1-моддаси).

Муқобил хизматнинг асосий вазифаларидан бири фуқароларни ҳарбий ишга ўргатишни ҳамда армиямиз учун захирадаги аскарлар тайёрлашни назарда тутади.

Муқобил хизматни 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, ҳарбий ҳисобда турадиган, муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, башарти улар:

хизматга чақирилаётган шахсдан ташқари 16 ёшга тўлмаган тўрт ва ундан ортиқ болали оиладан бўлсалар;

ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-онаси ёки ака-ука (опа-сингил)лари бўлса;

диний таълимоти қурол ишлатишга ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг аъзоси бўлсалар, муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг ўзга тоифаларини ҳам белгилаши мумкин.

Муқобил хизматни ўтаётган шахслар муқобил хизмат хизматчилари деб аталадилар.

Фуқароларни муқобил хизматга чақириш муддатли хизматга чақирилаётганлар учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Муқобил хизмат муддати 24 ой, олий маълумотли фуқаролар учун эса 18 ой (Қонуннинг 4-моддаси).

Қонун муқобил хизмат ўтаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам белгилаб қўйган. Улар қуйидагича:

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро:

хизмат ва иш жойидаги тиббиёт муассасаларида тиббий ёрдамнинг барча турларидан фойдаланиш;

иш жойида барча нафақалар, устама ҳақлар ва ёрдамлар, шу жумладан, меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик учун нафақалар олиш;

хизматга чақирилгунга қадар ўзи ишлаган ёки ўқиган корхонага, муассасага, ташкилотга аввалги ишига ёки аввалгисига тенг лавозимга, шунингдек, ўқув юртига қайтиш;

бошқа хизмат жойига ўтказиш, муқобил хизматдан муддатидан аввал бўшашга оид масалалар бўйича, бошқа мазмундаги аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан муқобил хизмат бошқаруви давлат идораларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга (Қонуннинг 12-моддаси).

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро:

хизматни белгиланган жойда, муқобил хизмат тузилмалари таркибида ўташи;

ушбу қонунда, ҳарбий низомларда белгиланган талабларни, шунингдек, иш жойида амал қилиб турган ички меҳнат тартиб-қоидаларини сўзсиз бажариши;

ҳарбий билимларни сабот билан эгаллаши, ишлаб чиқариш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариши шарт.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар ҳалокат, фалокат ва табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш учун жалб этилган тақдирда, улар юзага келган вазиятдан келиб чиқадиган ҳамда ана шу оқибатларни

бартараф этиш юзасидан комиссия ёки штабларнинг жойлардаги раҳбарлари белгилайдиган махсус вазифаларни бажарадилар.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга қуйидагилар ман этилади:

раҳбарлик ва сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаш; хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш; олий ва ўрта махсус билим юртларига ўқишга кириш; тегишли мансабдор шахснинг рухсати бўлмаган ҳолда, хизмат жойидан ва ишдан кетиб қолиш. (Қонуннинг 13-моддаси).

Муқобил хизмат тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун муайян юридик жавобгарлик ҳам назарда тутилади.

Чақирув комиссияларининг аъзолари, муқобил хизмат бошқарув идораларининг мансабдор шахслари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари қонунга хилоф қарорлар чиқарганликлари ҳамда муқобил хизмат тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузганликлари учун амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Муқобил хизматдаги хизматчилар ҳарбий низомларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида муқобил хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгилаб берилган муқобил хизматни ўташ, ҳарбий тайёргарлик ва хизматдан бўшаш тартибини бузганлари тақдирда амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Муқобил хизматдаги хизматчилар битимдаги мажбуриятларини бузганларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга зарар етказганларида Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тарзда моддий, интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Муқобил хизматдаги хизматчиларга оид жиноий ишлар прокуратура идоралари томонидан тергов қилинади ва республика судлари томонидан кўриб чиқилади (Қонуннинг 16-моддаси).

XXX б о б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

*** КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТУШУНЧАСИ**
*** ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ**

1-§. КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТУШУНЧАСИ

Конституция давлатнинг Асосий қонуни сифатида узоқ муддат ҳаракат қилишга, барқарор туришга мўлжалланган ҳуқуқий ҳужжатдир. Конституциянинг барқарорлиги — унинг муҳим юридик жиҳати бўлиб, худди ана шу нарса мамлакатдаги мустаҳкам қонунийликнинг, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг, шахс, жамият ҳамда давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар мувозанатининг гаровидир.

Конституциянинг барқарорлиги ғоясидан уни мутлақ ўзгармас қонун эканлиги ҳақида фикр келиб чиқмайди, албатта. Табиийки, конституция қабул қилинаётган чоғдаги ижтимоий-сиёсий вазият, кучлар нисбати ва бошқа воқеликлар ўзгармас, турғун бўлиб қолмайди. Ижтимоий муносабатлар ривожи, жамият тараққиёти конституциянинг ҳамда бошқа қонунларнинг ҳам мутаносиб тарзда такомиллашиб, ўзгариб боришини тақозо этади. Мабодо, жамият ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлиб, улар конституциявий тузум асосларига дахлдор бўлса, у ҳолда амалдаги конституция ўрнига янгисини қабул қилиш зарурияти келиб чиқади. Аммо ҳаёт динамикаси, тадрижий ривожланиш конституцияга баъзи жузъий, хусусий ўзгартишлар, муайян қўшимча қоидалар киритилишини талаб этиши ҳам мумкин.

Конституцияга ўзгартириш киритилиши унинг бутун мазмуни ва моҳиятининг инкор этилиши эмас,

бунда фақат Асосий қонуннинг айрим жиҳатларини ҳаётга мослаштириш, аниқлаштириш рўй беради. Аслида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали конституция мукаммаллаштирилади, такомиллаштирилади, шу тариқа унинг асосий мазмун-моҳияти сақлаб қолинади. Айтиш мумкинки, пировардида конституциянинг барқарорлиги таъминланади, ҳаракатланиш муддати узаяди, «умрбоқий»лашади.

Бироқ, бу борада ҳам меъёр бўлиши мақсадга мувофиқ. Масалан, Ўзбекистон ССРнинг 1978 йилги Конституциясига у амал қилган ўн тўрт йил мобайнида 100 дан зиёд қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Бундай вазиятда конституция ўз нуфузи ва барқарорлик хусусиятини йўқотади. Яна бир мисол, 1991—1993 йилларда Россия Федерациясининг 1978 йилги Конституциясига 300 дан ортиқ тузатишлар киритилди. Бу биз юқорида айтган меъёр масаласига дахлдор ҳодисадир. Конституцияни тез-тез ҳуда-беҳудага ўзгартираверии бир қатор салбий хулосаларга олиб келиши мумкин:

биринчидан, конституция аввалбошиданоқ пухта ўйланмай шошма-шошарлик билан қабул қилинган;

иккинчидан, мамлакатдаги сиёсий вазиятда беқарорлик ҳукмрон;

учинчидан, давлат ҳокимият идоралари ўз сиёсий йўли (стратегияси)ни аниқ белгилаб олмаган ва ҳоказо.

Жаҳон конституциявий амалиётида «юмшоқ», шунингдек, «қаттиқ» конституциялар мавжудлиги эътироф этилади. Бунда «юмшоқ» деганда нисбатан осон ўзгартириладиган, «қаттиқ» деганда, аксинча, мураккаб тартиб орқали ўзгартириладиган конституциялар назарда тутилади. Янги конституцияни қабул қилиш ёки амалдагисини ўзгартириш ҳар доим сиёсий ҳаётдаги муайян бурилишлар, ҳокимиятга алоқадор ёхуд ҳокимият учун курашаётган кучлар нисбатидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлади.

Жамият тоталитаризмдан демократияга ўтаётган чоғда (ва аксинча) ҳамиша конституциялар ўзгаради. Демократик давлатда аксарият ҳолларда конституцияни ўзгартириш зарурияти ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларидан келиб чиқиб, конституция матнини ўзгартириш кўринишида бўлади; бироқ уни ўзгартириш тарафдорлари бўлган кучлар ё қонун чиқарувчи, ёки ижро этувчи ҳокимият атрофида уюшадилар. Бунда конституциявий ўзгаришнинг мазмуни рақо-

батлашаётган ҳокимият идорасининг ваколатларини камайтиришга бориб тақалади. Ана шундай курашлар вужудга келиб қолишини илгаридан назарда тутиб, кўпчилик конституциялар «қаттиқ» ўйин қоидаларини белгилаб қўяди, яъни конституцияни ўзгартиришнинг мураккаб, қийинлаштирилган тартибини ўрнатади. Мазкур вазиятда конституциявий қоидани ўзгартиришнинг ҳар бир ташаббускори жамоатчилик фикрига қулоқ тутишга ва демократик тартибга риоя қилишга мажбур бўлади.

Конституцияни ўзгартиришнинг махсус тартиби унинг барқарорлигининг кафолатидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олтинчи бўлими Конституцияга ўзгартириш киритишнинг алоҳида тартибини ўрнатган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади (Конституциянинг 127-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг жорий оддий қонунлари жами депутатларнинг (250 нафар) кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Регламентининг 83-моддасида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Конституцияни ўзгартирувчи ва тўлдирувчи қонунлар, шунингдек, бошқа конституциявий қонунлар Олий Мажлис жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик томонидан қабул қилинади.

Конституциянинг қабул қилиниши, Конституцияга қўшимча, тўлдириш ва бошқа ўзгартириш киритиш учун депутатлар рўйхатдаги таркиби учдан икки қисмининг (малакали кўпчиликнинг) овози берилиши лозим, деган талаб белгиланишининг сабаби — бу тарздаги овозга эга бўлган Асосий қонун оддий қонунга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади. Қонун қабул қилинишида оддий кўпчилик овоз берилиши амалиётда энг кенг тарқалган шакл бўлиб, бунда парламент мажлисида иштирок этаётган депутатларнинг (кворум мавжуд бўлган тақдирда) ярми ва плюс бир овоз берилган ҳолати англанади. Депутатлар умумий сонининг малакали кўпчилигини Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ жами депутатларнинг (250 нафар депутатнинг) учдан икки қисми ташкил этади (127-

модда). Хорижий давлатларнинг амалиётида малакали кўпчиликнинг бошқача талқинлари ҳам мавжуд. Масалан, Литва Республикаси Конституциясини ўзгартириш учун Сейм (парламент) аъзоларининг 3/5 (бешдан уч) қисмининг овози талаб этилади (Литва Конституциясининг 153-моддаси).

Демак, **Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш ёки унга ўзгартириш киритиш учун Олий Мажлис депутатлари малакали кўпчилигининг, яъни жами депутатлар учдан икки қисмининг овози берилиши шарт.**

2-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

Хорижий мамлакатлар конституциявий тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, конституцияни ўзгартириш учун кўп давлатларда мураккаблаштирилган махсус тартиб ва тегишли қонунчилик жараёни ўрнатилган. Мазкур жараён Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги ташаббуснинг намоён этилишидан бошланади. Бир қатор конституцияларда бундай ташаббус кирита оладиган субъектлар кўлами (рўйхати) белгилаб қўйилган. Масалан, Россия Федерацияси Конституциясининг 134-моддасига кўра, Конституцияни қайта кўриб чиқиш ва унга ўзгартириш киритиш ҳақидаги таклифни

1) Россия Федерациясининг Президенти;
2) Федерация Кенгаши;
3) Давлат Думаси;
4) Россия Федерациясининг ҳукумати;
5) Россия Федерациясининг субъектларининг қонунчилик органлари;
6) Федерация Кенгаши ёки Давлат Думаси депутатларининг бешдан бир қисмидан иборат гуруҳи киритади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунчилигида Конституцияни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ташаббус билан чиқадиган субъектлар белгиланмаган. Демак, бундай таклиф билан умумий тарзда қонунчилик ташаббуси субъектлари чиқиши мумкин. Конституциямизнинг 82-моддасига кўра, қонунчилик ташаббусига қуйидаги субъектлар эга:

1) Олий Мажлис депутатлари;
2) Ўзбекистон Республикасинг Президенти;
3) ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси;
4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
5) Ўзбекистон Республикасинг Конституция суди;
6) Олий суди;
7) Олий хўжалик суди;
8) Бош прокурор.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, омбудсман ҳам қонунчилик ташаббусига эга. Демак, омбудсман ҳам Конституцияга ўзгартириш киритиш юзасидан таклифлар билан чиқа олади.

Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклиф Олий Мажлисга келиб тушгач, Олий Мажлис олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисидаги кенг ва ҳар томонлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўттандан кейингина қайта киритилиши мумкин (Конституциянинг 128-моддаси).

Мамлакатда қонунчилик борасида шаклланган амалиётга кўра, башарти, Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисида таклиф киритилса, аввало у тегишли асослантирувчи ҳужжатлар билан Олий Мажлисга тақдим этилади. Бунда таклиф этилаётган ўзгартиришнинг мақсади, вазифаси ва ундан кутилаётган ижтимоий-сиёсий оқибатлар батафсил таърифланиши лозим. Борди-ю, бунинг учун қўшимча моддий ва бошқа харажатлар талаб этиладиган бўлса, таклифни киритган ташаббускор субъект бу бўйича тегишли молиявий иқтисодий далиллар (маълумотномалар) илова қилиши лозим.

Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифлар Олий Мажлис Раисига ёки Олий Мажлис Кенгашига тақдим этилиши ва Олий Мажлис котибиятида рўйхатга олиниши лозим. Агар Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ёки таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти ва Қонун лойиҳаларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига жавоб бермаса, у Олий Мажлис Раиси ёки Олий

Мажлис Кенгаши томонидан қайтарилиши мумкин.

Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклиф кенг ва ҳар томонлама муҳокама этилиши лозим. Шу боис, бу борадаги таклиф расман рўйхатга олингач, у дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва бундан буён унинг устида иш олиб бориш юзасидан таклифлар тайёрлаш учун, Олий Мажлис Раиси ёки Олий Мажлис Кенгаши томонидан парламентнинг тегишли қўмиталари, комиссияларига ҳамда, айни вақтда, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасига юборилиши назарда тутилади.

Олий Мажлис ёки унинг Кенгаши Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва муҳокама этиш учун махсус комиссия тузиши ҳам мумкин. Мазкур лойиҳа парламент депутатларига барвақт тарқатилиши, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамасига чиқарилиши лозим бўлади.

Парламент қўмиталари ва комиссиялари конституциявий ўзгартириш лойиҳаси (таклиф)ни кўриб чиқиб, у юзасидан ўз хулосаларини тайёрлайдилар. Конституциявий ўзгартириш юзасидан тайёрланган лойиҳа олти ой мобайнида ўрганилиши ва муҳокама қилиниши мумкин. Олий Мажлис Кенгаши қўмиталар, комиссияларнинг хулосаларини ва кенг муҳокама якунларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳани (таклифни) яна муҳокама этиш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин ёхуд агар у қиёмига етган деб ҳисобласа, уни сессия кун тартибига киритиши мумкин. Агар қонун лойиҳасини киритган субъект уни сессия кун тартибига киритилишини қатъий талаб қилса, Олий Мажлис Кенгаши бу таклифни рад этишга ҳақли эмас. Олий Мажлис Кенгаши мазкур масала юзасидан ўз хулосасини сессия муҳокамасига киритиши мумкин.

Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш бир неча ўқишда амалга оширилиши, шунингдек, жойлардаги депутатлар гуруҳи томонидан дастлабки тарзда муҳокама қилиниши мумкин. Агар Олий Мажлис лозим топса, бундай қонун лойиҳасини умумхалқ овозига (референдумга) қўйиши мумкин. Референдум қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Конституцияга ўзгартириш киритиш жараёнини мураккаблаштирувчи қоидалардан бири сифатида Асо-

сий қонуннинг 128-моддасида мустаҳкамланган якуний жумлаларга яна бир карра эътибор қаратиш лозим: «Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин».

Бир йил муҳлатнинг қўйилиши Конституцияга киритиш мўлжалланаётган таклиф устида муфассал ўйлаб кўриш учун етарли оқилона муҳлатдир. Бу давр мобайнида таклиф қўшимча ўйлаб кўрилиши, далилланиши мумкин. Бундай йўл тутилиши «етти ўйлаб — бир кесиш» деган халқ нақлига тўла мос келади. Конституцияга енгил-елпи ўзгартириш киритишнинг олдини олади ва шу тариқа пировард натижада Конституциянинг муқимлиги, барқарорлигини таъминлайди.

ИЛОВАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

Биринчи бўлим

АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР

I боб

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ

1-модда. Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади.

2-модда. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва ман-

сабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри.

II б о б

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ

7-модда. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади.

8-модда. Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

9-модда. Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

10-модда. Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

12-модда. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

13-модда. Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

14-модда. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

III боб

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ

15-модда. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

16-модда. Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив — ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

IV боб

ТАШҚИ СИЁСАТ

17-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Иккинчи бўлим

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

IV боб

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари

билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

20-модда. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

V б о б

ФУҚАРОЛИК

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

23-модда. Ўзбекистон ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

VI б о б

ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

25-модда. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

26-модда. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

27-модда. Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

28-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

29-модда. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслари, фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига оид ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишишга имкон яратиб беришга мажбурдирлар.

Шахсни ҳурмат қилиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш — давлат органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари бўлиб ҳисобланади.

31-модда

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

VII б о б

СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

33-модда. Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказишни тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

34-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатга шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

35-модда. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда, ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан

мурожаат қилиш фуқароларнинг жамоат ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг шаклларидан биридир.

VIII боб

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

36-модда. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

38-модда. Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

42-модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

43-модда. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

44-модда. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

45-модда. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

46-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

IX боб

ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ

47-модда. Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

48-модда. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

49-модда. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

50-модда. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

51-модда. Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

52-модда. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташлари шарт.

Учинчи бўлим

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

XI боб

ЖАМИЯТНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИ

53-модда. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигининг ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

54-модда. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

55-модда. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

XII боб

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

56-модда. Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

57-модда. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг

суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

58-модда. Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

59-модда. Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

60-модда. Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлаш ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.

61-модда. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

62-модда. Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади.

XIII боб

ОИЛА

63-модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади.

64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

65-модда. Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

66-модда. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

XIV боб

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

67-модда. Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди.

Тўртинчи бўлим

МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ВА ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ

XV боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

68-модда. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

69-модда. Қорқалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

XVI боб

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

70-модда. Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади.

71-модда. Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас.

72-модда. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир.

73-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди ва чегаралари унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади.

74-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекис-

тон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга.

75-модда. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муросага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади.

XVII боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ

76-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

77-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялик асосида беш йил муддатга сайланадиган 250 нафар депутатдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар.

Депутатликка номзодлар олдига қўйиладиган талаблар қонун билан белгиланади.

78-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари жумласига:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарув-

чи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколатларини белгилаш;

5) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

6) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

7) маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш;

8) Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан, Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш; Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

10) ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кунини тайинлаш;

11) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш;

12) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Судини сайлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

21) халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилиш;

22) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

23) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ўзгартириш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш;

24) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш киради.

79-модда. Олий Мажлис йиғилиши жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

80-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг органлари йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик судининг раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин.

81-модда. Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги чақириқ Олий Мажлиси иш бошлагунига қадар ўз ваколатини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сайловдан кейинги биринчи йиғилиши Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай чақирилади.

82-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон

Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар.

83-модда. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилади. Қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади.

Қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

84-модда. Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили ҳисобот бериб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Раиси ва унинг ўринбосарлари Олий Мажлис ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси этиб бир шахсни сурункасига икки муддатдан ортиқ сайлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Олий Мажлис депутатлари учдан икки қисмидан иборат кўпчилигининг яширин овоз бериши орқали муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

85-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси:

1) Олий Мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

2) Олий Мажлис йиғилишларини чақиради, Олий Мажлис кун таритибига киритиладиган таклифларни қўмиталар ва комиссиялар раислари билан биргаликда тайёрлайди;

3) Олий Мажлис йиғилишларида раислик қилади;

4) Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

5) қонунларнинг ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ташкил этади;

6) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ва халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ гуруҳлар фаолиятига раҳбарлик қилади;

7) Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раислари этиб сайлаш учун Олий Мажлисга номзодларни тақдим этади;

8) қўмиталар ва комиссиялар раисларининг таклифига мувофиқ, қўмиталар ва комиссиялар таркибини ўзгартириб, сўнгра бу ўзгартиришларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

9) Олий Мажлиснинг матбуот органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

10) Олий Мажлис матбуот органлари номзодларини ва таҳрир ҳайъати таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

11) Олий Мажлисга қарашли матбуот органлари муҳаррирларини тайинлайди ва лавозимларидан озод қилади;

12) Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларини имзолайди.

86-модда. Олий Мажлис қонун лойиҳалари тайёрлаш ишларини олиб бориш, Олий Мажлисга ҳавола этиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунларнинг ва Олий Мажлис бошқа қарорларининг ижросини назорат қилиб туриш учун депутатлар комиссиялар сайлайди.

Олий Мажлис зарур бўлган тақдирда доимий ҳамда муваққат ишловчи депутатлик, тафтиш ва бошқа комиссиялари тузади.

87-модда. Олий Мажлис депутатларига белгиланган тартибда уларнинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар қопланади. Олий Мажлисда доимий ишлайдиган депутатлар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

88-модда. Олий Мажлис депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Олий Мажлиснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

XVIII боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

89-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.

90-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан белгиланади.

91-модда. Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лаовзимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас. Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

92-модда. Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республика-

си Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

93-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади;

7) республика Олий Мажлисига ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади;

8) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; Ўзбекистон Республикаси вазирликларини, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

9) Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлис тасдиғига киритади;

10) Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий хўжалик суди раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқару-

вининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

11) вилоят, туман, шаҳар ва Хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

12) вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари кенгашининг тасдиғига қўяди; Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

13) республика бошқарув органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади ва бекор қилади;

14) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агар Олий Мажлис илгари ўзи қабул қилган қарорни учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди;

15) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

16) республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади; олий ҳарбий унвонларни беради;

17) Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади;

18) Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

19) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

20) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни авф этади;

21) миллий хавфсизлик ва давлат назорати хизматларини тузади, уларнинг раҳбарларини тайинлайди ва лавозимидан озод этади ҳамда ўз ваколатига киради-ган бошқа масалаларни ҳал қилади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

94-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

95-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентининг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Олий Мажлис тарқатилгандан сўнг унга янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

96-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Олий Мажлис тузган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида Олий Мажлиснинг фавқулодда йиғилишида депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

97-модда. Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллайди.

XIX боб

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

98-модда. Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

XX боб

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ АСОСЛАРИ

99-модда. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

100-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигигини таъминлаш;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

101-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қуйи кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий ҳокимиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қуйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир.

Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати — беш йил.

102-модда. Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини ҳудудий тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунган шаҳарларнинг ҳокимларини туман ҳокими тайинлайди ва вазифасидан озод қилади ҳамда халқ депутатлари туман кенгаши томонидан тасдиқланади.

103-модда. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

104-модда. Ҳокимлар ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

105-модда. Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

XXII боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУД ҲОКИМИЯТИ

106-модда. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

107-модда. Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

108-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан — Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьялардан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси вакилидан иборат таркибда сайланади.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар.

Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва ҳақ тўланадиган бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсунадилар.

109-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон

қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

110-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди — фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва республиканинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, шаҳар ва туман судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

111-модда. Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

112-модда. Судлар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ, жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзолари Олий Мажлис депутати бўлолмайдилар.

Судьялар, шу жумладан, туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

113-модда. Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

114-модда. Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

115-модда. Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

116-модда. Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

XXII боб

САЙЛОВ ТИЗИМИ

117-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Уз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг

ўзида иккидан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

XXIII боб

ПРОКУРАТУРА

118-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

119-модда. Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади.

Вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси Прокурорининг, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати — беш йил.

120-модда. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

121-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат

бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин.

XXIV боб

МОЛИЯ ВА КРЕДИТ

122-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга.

Ўзбекистоннинг давлат бюджети республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат.

123-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли.

124-модда. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини Республика Марказий банки бошқаради.

XXV боб

МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК

125-модда. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

126-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларига эга.

Олтинчи бўлим

КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

127-модда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади.

128-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ
2001 йил, 4 январ
№ Ф-1322

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳаётимизнинг Асосий қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Конституцияси бўйича болалар ва ўқувчиларда мустаҳкам билимларни шакллантириш ҳамда Конституция моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш, унинг асосида махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва тегишли методикаларни тайёрлаш бўйича иловага мувофиқ комиссия тасдиқлансин.

Комиссияга таълим турлари бўйича мутахассислардан иборат эксперт гуруҳларини ташкил этишга рухсат берилсин.

2. Комиссия Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан биргаликда:

бир ой муддатда таълимнинг барча турларида Конституцияни ўрганиш учун зарур бўлган дастурлар, курслар, методик кўрсатмалар ва бошқа дидактик воситаларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсинлар;

2001 йил 1 апрелга қадар «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» махсус ўқув курсларини барча таълим турлари учун ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

барча таълим турлари учун болалар ва ўқувчиларни, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш бўйича дарсликлар ва махсус адабиётларни 2001 йил 1 августга қадар яратсинлар, чоп этсинлар ва жойларга етказишни ташкил этсинлар.

3. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таълим муассасаларига эга бўлган бошқа вазирлик ва идоралар:

2001 йил 1 августга қадар «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курслари бўйича мактабгача таълим туридаги тарбиячи ва методистлар, умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқитувчилар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим турларида дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни тайёрласинлар;

2001—2002 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курсларини ўқитишга киришсинлар;

курс мазмунининг сифатли ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида унинг якуни бўйича ўқувчи ва талабалар орасида коллоквиум ва синовлар ўтказсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Республика «Маҳалла» жамғармаси, тегишли жамоат ташкилотлари Конституцияни ўрганиш дастури асосида ўқув-услубий, илмий-оммабоп ва бошқа воситалар ёрдамида, мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда, фуқаролар ўртасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борсинлар, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш учун зарур чора-тадбирлар белгиласинлар ва амалга оширилишини таъминласинлар.

5. Ўзтелерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, «Тасвирий ойина» уюшмаси оммавий ахборот воситаларида мазкур масала бўйича доимий рукнлар туркуми, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ҳамда тасвирий воситалар ташкил этсинлар.

6. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. С. Кароматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ**

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Конституция ибораси нимани англатади?
А) Тузилиш
Б) Белгилаш
С) Тасдиқлаш
Д) Ўрнатиш
Е) Барча жавоблар тўғри

2. Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги ғоя қачон пайдо бўлди?
А) XII чақириқ Олий Кенгашининг 1990 йил мартидаги биринчи сессиясида
Б) Ўзбекистон Республикаси БМТ га аъзо бўлганидан кейин
С) Ўзбекистон КП тарқатилгандан сўнг
Д) Фарғона фожеалари даврида
Е) Мустақиллик декларацияси эълон қилингандан сўнг

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дастлабки лойиҳаси матбуотда қачон эълон қилинган эди?
А) 1991 йил 31 августда
Б) 1992 йил 2 декабрда
С) 1992 йил 8 декабрда
Д) 1992 йил 26 сентябрда
Е) 1991 йил 1 сентябрда

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси иккинчи бор матбуотда қачон эълон қилинди?
А) 1992 йил 21 ноябрда
Б) 1992 йил 8 декабрда
С) 1992 йил 15 декабрда
Д) Лойиҳа фақат бир марта эълон қилинган, холос
Е) 1991 йил 31 августда

5. Қуйидаги жумлалардан қайси бири Конституциянинг муқаддимасида ўз аксини топмаган?
А) Инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали эълон қилиш
Б) Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш

С) Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш

Д) Республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиш

Е) Давлат, халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиш

6. Ўзбекистон Республикасида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш Конституциянинг қайси қисмида таъкидланган?

А) Ҳуқуқий давлат қуриш бобида

Б) Муқаддимада

С) Давлат суверенитети бобида

Д) Асосий принциплар бўлимида

Е) Халқ ҳокимиятчилиги ҳақидаги бобида

7. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддаси қайси жумла билан бошланади?

А) Ўзбекистон халқи ва мамлакати мустақилдир

Б) Ўзбекистон — мустақил давлат

С) Ўзбекистон — инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат

Д) Ўзбекистон — суверен демократик республика

Е) Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

8. Конституцияга биноан, давлат органлари ва мансабдор шахслар кимнинг олдида масъулдирлар?

А) Жамият ва фуқаролар олдида

Б) Сайловчилар олдида

С) Президент олдида

Д) Прокуратура олдида

Е) Конституциявий суд олдида

9. Иборани давом эттиринг. Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси ва ҳудуди конституциявий...

А) Дахлсиз ва қўриқланади

Б) Дахлсиз ва ўзгартириш мумкин эмас

С) Бўлинмас

Д) Дахлсиз ва бўлинмасдир

Е) Дахлсиз ва муқаддас

10. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи...

А) Халқ

Б) Қонун

С) Ҳукумат

Д) Сайловчилар

Е) Давлат

11. Ўзбекистон Республикасида демократия қандай принципларга асосланади?

А) Умуминсоний
Б) Миллий
С) Табиий
Д) Фуқаровий
Е) Ҳурфикрлилик

12. Конституциямиз бўйича қандай масалалар референдумга қўйилади?

А) Мудофаага оид энг муҳим масалалар
Б) Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари
С) Фавқулодда ҳолат жорий қилиш билан боғлиқ масалалар
Д) Республика иқтисодий тараққиётининг энг долзарб масалалари
Е) Парламентни тарқатиб юбориш тўғрисидаги масала

13. Ўзбекистон халқи номидан кимлар иш олиб бориши мумкин?

А) Президент ва Бош вазир
Б) Олий Мажлис ва Вазирлар маҳкамаси
С) Олий Мажлис ва Президент
Д) Бош Прокурор, дипломат ва мухтор элчилар
Е) Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий ҳаракатлар

14. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти тизими қандай бўлиниш принципига асосланган?

А) Ички ишлар, суд, прокуратура
Б) Маҳаллий ҳокимият, прокуратура, суд ҳокимияти
С) Адлия вазирлиги, қонун чиқариш, суд ҳокимияти
Д) Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти
Е) Конституциявий, Олий ва Хўжалик судлари

15. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар ким томонидан ҳимоя қилинади?

А) Конституция ва қонунлар билан
Б) Халқ томонидан
С) Прокуратура томонидан
Д) Ички ишлар органлари томонидан
Е) Конституциявий суд томонидан

16. Давлат ўз фаолиятини қайси принциплар асосида амалга оширади?

А) Қонунларни такомиллаштириб бориш
Б) Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириб бориш

С) Хусусий мулкчиликни шакллантириш
Д) Халқ маънавияти ва маърифатини шакллантириш ҳамда ривожлантириш
Е) Ижтимоий адолат ва қонунийлик

17. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини чеклаб қўйишга ким ҳақли?
А) Ҳеч ким
Б) Суд
С) Бош прокурор
Д) Президент
Е) Конституциявий суд раиси

18. Ўзбекистон Республикасида қандай фуқаролик ҳолати ўрнатилган?
А) Бутун ҳудудда ягона фуқаролик ўрнатилган
Б) Ягона фуқаролик фақат айрим ҳудудлардагина мавжуд
С) Икки давлат фуқаролиги мақомига эга бўлиш истисно тариқасида мумкин
Д) Ўзбекистон Республикаси фуқароси, айни пайтда, Қорақалпоғистон Республикаси фуқароси ҳисобланади
Е) Барча жавоблар тўғри

19. Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларига нимани кафолатлайди?
А) Ҳуқуқий ва сиёсий ҳимояни
Б) Ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояни
С) Иқтисодий ва маънавий ҳомийлик кўрсатишни
Д) Ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва ҳомийлик кўрсатишни
Е) Ҳомийлик кўрсатиш ва ижтимоий адолатни

20. Кимга шахсий дахлсизлик ҳуқуқи берилади?
А) Ҳар бир фуқарога
Б) Президентга
С) Олий Мажлис депутатларига
Д) Бош Прокурор ва терговчиларга
Е) Судьяларга

21. Қачондан бошлаб шахс айбдор ҳисобланади?
А) Суд ҳукмидан кейин
Б) Жиноят содир этганда
С) Айбига иқрор бўлганда
Д) Тергов жараёнида гувоҳлар тасдиқлаганда
Е) Прокурор протест билдирганда ва жабрланувчи даъво қилганда

22. Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон

Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эгами?

А) Ҳа

Б) Йўқ

С) Ҳа, бироқ қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустасно

Д) Фақат чиқиб кетишга рухсат берилади

Е) Фақат кўчиб келишгагина рухсат этилади

23. Ўзбекистон Республикасида кимлар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим?

А) Давлат органлари

Б) Жамоат бирлашмалари

С) Мансабдор шахслар

Д) А, Б, С тўғри

Е) А ва Б тўғри

24. Виждон эркинлиги қандай кафолатланади?

А) Диний қарашларни қисман сингдиришга йўл қўйилади, ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ҳуқуқига эга

Б) Диний қарашларни босқичма-босқич сингдиришгагина йўл қўйилади

С) Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди

Д) Ҳар бир шахс конституциявий тузумга зид келмайдиган бирорта диний мазҳабга эътиқод қилиши лозим

Е) А ва С жавоб тўғри

25. Митинг, йиғилиш ёки намойишларда иштирок этиш ҳуқуқи чекланиши мумкинми?

А) Фақат намойишлар мумкин эмас

Б) Сиёсий ҳуқуқ бўлгани учун ҳамда конституцияда белгиланганлиги боис мумкин эмас

С) Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридан бундай тадбирларнинг ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга

Д) Фақат йиғилиш шаклида ўтказиладиган тадбирга рухсат этилади

Е) Фақат митинг шаклида мумкин

26. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини қандай амалга оширадилар?

А) Ўз ўзини бошқариш орқали

Б) Давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан

С) Референдумлар ўтказиш йўли билан

Д) А, Б, С жавоблар тўғри

Е) Б ва С жавоблар тўғри

27. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қайси уюшмаларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар?

А) Касаба уюшмаларида

Б) Жамоат бирлашмаларида

С) Оммавий ҳаракатларда

Д) Сиёсий партияларда

Е) Барчасида иштирок этиш ҳуқуқига эгалар

28. Ким мулкдор бўлишга ҳақли?

А) Ишбилармонлар

Б) Тадбиркор

С) Ҳар бир шахс

Д) Мулкдорлар синфи вужудга келишига йўл қўйилмайди

Е) Хусусий фирма эгалари, тижоратчилар, мансабдор шахслар

29. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича мажбурий меҳнатга қачон йўл қўйилади?

А) Иқтисодий ночорлик нуқтаи назаридан

Б) Фақат хусусий мулкдорларга рухсат берилади

С) Ёлланиб ишланаётган шахслар учун

Д) Суд ҳукмида назарда тутилган бўлса

Е) Мажбурий меҳнат тақиқланади

30. Ёлланиб ишлаётган фуқаро дам олиш ҳуқуқига эгами?

А) Ҳа

Б) Йўқ, чунки у ёлланган

С) Фақат ёлланган шахс ёки корхона раҳбари розилик берса

Д) Бундай ҳуқуққа у меҳнат дафтарчасига эга бўлгандагина имкониятли бўлади

Е) У меҳнат шартномасига боғлиқ

31. Меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ким ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга?

А) Тўлиқ меҳнат стажига эга бўлганлар

Б) Оғир ва зарарли корхоналарда ишлаганлар

С) Пенсия олувчилар ва имтиёзга эга бўлганлар

Д) Нафақа олувчилар ва ногиронлар

Е) Ҳар ким

32. Ким малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга?

А) Ҳар бир фуқаро
Б) Оғир беморлар ва юқумли касалликка чалинганлар
С) Соғлиғини суғурта қилдирганлар
Д) Меҳнат жараёнида соғлиғини йўқотган одамлар
Е) Руҳий касаллар

33. Конституцияга кўра қандай шаклдаги таълим олиш давлат томонидан кафолатланади?

А) Умумий таълим
Б) Бошланғич таълим
С) Олий таълим
Д) Ўрта махсус таълим
Е) Тўғри жавоб йўқ

34. Мактаб ишлари кимнинг назоратида?

А) Ўқувчи ва ўқитувчилар
Б) Суд ва прокуратура органлари
С) Давлат
Д) Дин
Е) Мактаб директори

35. Фуқароларнинг конституцияда ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини ким таъминлайди?

А) Фуқароларнинг ўзи
Б) Бошлиқ ва раҳбарлар, мансабдор шахслар
С) Ички ишлар органлари ходимлари
Д) Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар
Е) Давлат

36. Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари тенгми?

А) Улар тенг ҳуқуқлидирлар
Б) Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари қисман чекланган
С) Эркаклар имтиёзга эга бўлишлари мумкин
Д) Хизмат кўрсатган хотин-қизлар имтиёзларга эгадирлар
Е) Улар тенг ҳуқуқли эмаслар

37. Маданият ёдгорликлари кимнинг муҳофазасида?

А) Халқнинг
Б) Маданият ва санъатни қадрловчиларнинг
С) Санъатсевар шахсларнинг
Д) Улар муҳофаза қилиниши шарт эмас
Е) Давлатнинг

38. Фуқаролар атроф табиий муҳитга қандай муносабатда бўлишлари лозим?

А) Одилона
Б) Эҳтиёткорона
С) Виждонан
Д) А ва Б тўғри
Е) Барча жавоблар тўғри

39. Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғмаларни тўлашлари шартми?

А) Тўлашга мажбурдирлар
Б) Фақат солиқларни тўлашлари шарт
С) Маҳаллий йиғмаларни тўлаш ихтиёрий
Д) Маҳаллий йиғмаларни тўлаш шарт
Е) Солиқларни тўлаш ихтиёрий

40. Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини қандай шаклдаги мулк ташкил этади?

А) Фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулклари
Б) Жамоа (ширкатлар), оилавий, маҳалла мулки
С) Ҳиссадорлик жамияти мулки, диний ташкилотлар мулки
Д) Хилма-хил мулк
Е) Давлат мулки

41. Қандай бирлашмаларни тузиш ва уларнинг фаолиятига қонун умуман рухсат бермайди?

А) Ҳарбийлаштирилган бирлашмаларга
Б) Миллий руҳдаги сиёсий партияларга
С) Диний руҳдаги сиёсий партияларга
Д) Барчасига
Е) Фақат ҳарбийлаштирилган бирлашмалар ва диний руҳдаги сиёсий партияларга

42. Жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйиладими?

А) Ҳа
Б) Йўқ
С) Қисман
Д) Улар бир-бирини назорат қилишлари мумкин
Е) Фақат жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига рухсат берилади

43. Касаба уюшмалари ходимларининг, асосан, қандай ҳуқуқларини ҳимоя қилади?

А) Асосан, сиёсий ва шахсий
Б) Фақат шахсий
С) Ижтимоий-иқтисодий

Д) Ижтимоий-сиёсий
Е) Иқтисодий-сиёсий

44. Сиёсий партиялар кимнинг сиёсий иродасини ифодалайди?
А) Турли табақа ва гуруҳларнинг
Б) Ўзларини сайлаган сайловчиларнинг
С) Халқ иродасини
Д) Айрим миллат ва муайян вакиллар иродасини
Е) Олий Мажлис манфаатларини

45. Давлат диний бирлашмалар фаолиятига аралашадими?
А) Давлат аралашмайди
Б) Қисман аралашиши мумкин
С) Хавфсизлик нуқтаи назаридан дин доимо давлат назоратида бўлади
Д) Фақат диний раҳбарлар ёки вакиллар фаолиятига аралашади, холос
Е) Диний ташкилот ва бирлашмалар давлатдан ажратилган

46. Жамоат бирлашмаларини суднинг қарорига асосан тарқатиб юбориш мумкинми?
А) Ҳа, тарқатиб юборса бўлади
Б) Фақат фаолиятини тақиқлаб қўйиш мумкин
С) Чеклаб қўйиш мумкин
Д) Ҳа, фаолиятини тақиқлаб, чеклаб ҳам қўйиш мумкин
Е) Уларни тарқатиб бўлмайди

47. Ўзбекистон Республикасида цензурага йўл қўйиладими?
А) Йўл қўйилмайди
Б) Хавфсизлик нуқтаи назаридан қисман йўл қўйилади
С) Оммавий ахборот воситаларига нисбатан йўл қўйилади
Д) Радио-телевидение эшиттиришлари ва кўрсатувларига нисбатан цензура амалга оширилиши мумкин
Е) Вақти-вақти билан йўл қўйилади

48. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши қандай?
А) Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардан иборат
Б) Шаҳарлар, шаҳарчалардан
С) Қишлоқлар ва овуллар
Д) Қорақалпоғистон Республикасидан
Е) Барча жавоблар тўғри

49. Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети ким томонидан муҳофаза этилади?

А) Ўзбекистон Республикаси томонидан

Б) БМТ томонидан

С) Қорақалпоғистон Республикасининг Қуролли Кучлари томонидан

Д) Жаҳон ҳамжамияти томонидан

Е) МДҲга аъзо бўлган барча давлатлар томонидан

50. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида қандай кучга эга?

А) Қорақалпоғистон Республикаси суверен республикадир, унинг ўз қонунлари бор

Б) Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мажбурийдир

С) Қисман юридик кучга эга бўлиши мумкин

Д) Шароитга қараб жорий қилинади

Е) Бу масала фавқулодда вазиятлардан келиб чиқиб ҳал қилинади

51. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қандай ҳал қилади?

А) Мустақил равишда

Б) Чегарадаги давлатлар билан шартнома тузиб

С) Мустақил ҳал қила олмайди

Д) БМТнинг резолюциясига мувофиқ

Е) МДҲ тавсияси ва Қорақалпоқ халқининг талабига биноан

52. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан ажралиб чиқа оладими?

А) Қонунда бу назарда тутилмаган

Б) Фақат халқаро суднинг ажримига асосан

С) Халқнинг умумий референдуми асосида

Д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан

Е) Фақат, бутун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг розилиги билан

53. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги келиб чиқиши мумкин бўлган низолар қандай ҳал этилади?

А) Муросага келтирувчи воситалар ёрдамида

Б) Тазйиқ ўтказиш йўли билан

С) Низолар келиб чиқишига йўл қўйилмайди

Д) Элчилар орқали

Е) Икки давлат президентлари орасидаги музокаралар

54. Қайси орган Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органидир?

А) Президент
Б) Олий Мажлис
С) Вазирлар Маҳкамаси
Д) Олий суд
Е) Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси

55. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нечанчи (қайси) моддасига ягона ўзгартириш киритилган?

А) 77-моддасига
Б) 126-моддасига
С) 83-моддасига
Д) 94-моддасига
Е) Ўзгартириш киритилмаган

56. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига неча ёшдан сайланиш мумкин?

А) 28
Б) 18
С) 23
Д) 25
Е) 30

57. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари доирасига қайси бир вазифа кирмайди?

А) Бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш
Б) Давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш
С) Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, номини ва уларнинг чегараларини ўзгартириш
Д) Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш
Е) Ўзбекистон аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилиш

58. Олий Мажлис йиғилиши жами депутатларнинг қанча қисми иштирок этгандагина ваколатли ҳисобланади?

А) Тенг ярми
Б) Камида учдан икки қисми қатнашсагина
С) Барча депутатлар иштирок этган тақдирда
Д) Депутатлар сонидан қатъи назар, у доимо ваколатлидир
Е) Олий Мажлис ҳал қилади

59. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ким эга эмас?

А) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Б) Бош прокурор
С) Конституциявий суд
Д) Юристлар
Е) Олий хўжалик суди

60. Олий Мажлис қабул қилган қонунлар қўлланишининг мажбурий шарти қандай?

А) Матбуотда эълон қилиниши
Б) Ўзгаришга камроқ дучор қилинадиган қонунлар ишлаб чиқариш
С) Қонунлар Адлия вазирлиги мутахассисларининг тавсиясини олиши
Д) Қабул қилинган қонунлардан барча воқиф бўлишлиги
Е) Уни ҳамма бажариши шарт

61. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосарлари қандай йўл билан тайинланади ёки сайланади?

А) Президент томонидан сайланади
Б) Олий Мажлис депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади
С) Олий Мажлис депутатлари орасидан очиқ овоз бериш йўли билан сайланади
Д) Олий Мажлис Раисининг ўзи тайинлайди
Е) Президент тавсиясига биноан, Олий Мажлис Раиси тайинлайди

62. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Раисини муддатидан илгари чақириб олиш мумкинми?

А) Ҳа, Олий Мажлис депутатлари учдан икки қисмидан иборат кўпчиликнинг яширин овоз бериши орқали
Б) Йўқ, Олий Мажлис Раиси ваколати муддатини ўзгартириш мумкин эмас
С) Буни фақат Президентгина ҳал қила олади
Д) Депутат дахлсизлигига кўра, бунга йўл қўйилмайди
Е) Буни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдум йўли билан ҳал этадилар

63. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Олий Мажлис Раиси қанча муддатда ҳисобот бериб туради?

А) Ҳар 6 ойда
Б) Ҳисобот бериши шарт эмас
С) Ҳар йили
Д) Фақат Президентга ҳисобот беради
Е) Ҳар сессияда

64. Олий Мажлис Раисининг бевосита вазифасига нима кирмайди?

А) Олий Мажлис депутатлари ва девоннинг ишлари учун зарур харажатлар сметасини тасдиқлайди

Б) Олий Мажлис матбуот органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади

С) Давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этади

Д) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларини имзолайди

Е) Олий Мажлис Раиси фармойишлар чиқаради

65. Қонунлар ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилишни ким ташкил этади?

А) Бош прокурор

Б) Бош вазир

С) Президент

Д) Олий Суд Раиси

Е) Олий Мажлис Раиси

66. Олий Мажлиснинг қайси депутатлари ўз ваколатлари даврида ҳақ тўланадиган бошқа лавозимни эгаллашлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас?

А) Раҳбарлик лавозимидаги депутатлар

Б) Олий Мажлисда доимий ишловчи депутатлар

С) Олий Мажлиснинг барча депутатлари бундай чекланишлардан холидирлар

Д) Олий Мажлиснинг барча депутатлари фақат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин, холос

Е) Олий Мажлисда доимий ишловчи депутатлар фақатгина ҳақ тўланадиган бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас

67. Олий Мажлис депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадими?

А) Бутун ваколати давомида фойдаланади

Б) Олий Мажлис сессиясида иштирок этаётган вақтда

С) Бундай имтиёз унга нафақага чиққунча берилади

Д) Бундай имтиёздан фақатгина Олий Мажлисда доимий ишловчи депутатларгина бутун ваколати давомида фойдаланади

Е) Фақат А ва Б жавоблар тўғри

68. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиш учун фуқаро неча ёшга тўлган бўлиши лозим?

А) 45

Б) 25

С) 28
Д) 35
Е) 50

69. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайлангунга қадар фуқаро Ўзбекистон ҳудудида камида қанча муддат муқим яшаган бўлиши лозим?
А) Камида 15 йил
Б) Камида 10 йил
С) Камида 5 йил
Д) Камида 4 йил
Е) Ўзбекистонда туғилган бўлиши шарт

70. Президентга нима тақиқланади?
А) Ҳақ тўланадиган бошқа лавозимни эгаллаш
Б) Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш
С) Вакиллик органининг депутати бўлиш
Д) Уруш ҳолатини эълон қилиш
Е) Фавқулодда ҳолларда Олий Мажлисни тарқатиб юбориш

71. Президент қачон ўз лавозимига киришган ҳисобланади?
А) Президент сайлови тугаган куни
Б) Президент сайловидан кейин кўпи билан 1 ҳафта ўтгандан сўнг
С) Марказий сайлов комиссияси сайловлар натижасини эълон қилган куни
Д) Олий Мажлис йиғилишида қасамёд қабул қилинган кундан бошлаб
Е) У халқаро ҳамжамият ҳамда элчилар томонидан эътироф этилган вақтдан бошлаб

72. Қайси ваколатли шахс ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик вакилларнинг ишонч ва чақирув ёлиқларини қабул қилади?
А) Мухтор элчилар
Б) Адлия вазири
С) Ташқи ишлар вазири
Д) Олий Мажлис Раиси
Е) Президент

73. Нотўғри жавобни аниқланг. Ўзбекистон Республикаси Президенти
А) Ижро этувчи ҳокимият девонини тузади
Б) Солиқлар жорий қилади
С) Вазирликларни тузади
Д) Давлат қўмиталарини тузади
Е) Ижро этувчи ҳокимиятга раҳбарлик қилади

74. Қайси инстанция (босқич) судьялари сайланади?
А) Республика Олий суди
Б) Вилоят судлари
С) Туман ва шаҳар судлари
Д) Хўжалик судлари
Е) Барча босқич судлари тайинланади

75. Қуйидаги қайси ваколат Ўзбекистон Республикаси Президентига тааллуқли эмас?
А) Вилоят ҳокимларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш
Б) Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш
С) Туман ҳокимларини тайинлаш
Д) Б ва С тўғри
Е) Барча жавоблар тўғри

76. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этганлиги қарорини қанча муддат ичида Олий Мажлис тасдиғига киритади?
А) Ўша куниёқ
Б) 3 кун ичида
С) Олий Мажлис тасдиғига киритилмайди
Д) 10 кун ичида
Е) 1 кун ўтиши билан

77. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этишга ким ҳақли?
А) Президент
Б) Бош вазир
С) Ички ишлар вазири ёки Бош прокурор
Д) Ҳеч ким
Е) Конституциявий суд

78. Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ким ҳал қилади?
А) Ўзбекистонда сиёсий бошпана берилмайди
Б) Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар
С) Бош прокурор
Д) Олий Мажлис
Е) Президент

79. Амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиб, Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни ким авф этади?
А) Президент
Б) Конституциявий суд Раиси
С) Олий суд Раиси

Д) Бош прокурор
Е) Адлия вазири

80. Қайси вазиятларда Президент Олий Мажлисни тарқата олмайди?
А) Барча ҳолларда тарқатиб юбориши мумкин
Б) Фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда
С) Олий Мажлис таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган ихтилофлар рўй берганда
Д) Олий Мажлисда ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда
Е) Олий Мажлис бир неча бор конституцияга зид қарор қабул қилса

81. Олий Мажлис тарқатиб юборилган тақдирда унга янги сайловлар қанча муддат ичида ўтказилади?
А) 3 ой муддатда
Б) 10 кун муддатда
С) 2 ҳафта ичида
Д) Тарқатиб юборилган кундан
Е) Ваколати тугамагунча Олий Мажлисни тарқатиб юбориш мумкин эмас

82. Ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш қайси орган ихтиёрига киради?
А) Маҳаллий ҳокимият
Б) Маданият ишлари вазирлиги
С) Ижтимоий таъминот вазирлиги
Д) Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги
Е) Ўз-ўзини бошқариш органлари

83. Ҳокимлар ўз ваколатларини қандай асосда амалга оширадилар?
А) Якқабошчилик асосида
Б) Буйруқлар асосида
С) Таклифлар асосида
Д) Маслаҳатлашув асосида
Е) Б ва С жавоблар тўғри

84. Конституциявий суд аъзоларига нима тақиқланади?
А) Депутат бўлиш
Б) Сиёсий партиялар аъзоси бўлиш
С) Ҳақ тўланадиган бошқа лавозимни эгаллаш
Д) А, Б, С, тўғри
Е) Улар ҳам эркин фуқаро, бинобарин, барча ҳуқуқлардан фойдаланишларини қонун ман этмайди

МУНДАРИЖА

Кириш

Биринчи бўлим

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИНИНГ АСОСЛАРИ

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1-§. Конституциявий ҳуқуқ ва унинг предмети 7
2-§. Конституциявий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва аҳамияти 14
3-§. Конституциявий ҳуқуқнинг ижтимоий-юридик табиати 17
4-§. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар 19
5-§. Конституциявий-ҳуқуқий нормалар ва институтлар 30
6-§. Конституциявий ҳуқуқ ва сиёсий тизим 37

II БОБ. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ТИЗИМИ

1-§. Конституциявий ҳуқуқнинг манбалари 40
2-§. Конституциявий ҳуқуқнинг тизими 48
3-§. Конституциявий ҳуқуқда зиддиятли ҳолатлар 54
4-§. Конституциявий ҳуқуқда жавобгарлик масалалари 58

III БОБ. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИ

1-§. Конституциявий ҳуқуқ фанининг пайдо бўлиши 64
2-§. Конституциявий ҳуқуқ фанининг мустақил фан соҳаси сифатида тарихий ривожланиши 66
3-§. Конституциявий ҳуқуқ фанининг XIX асрда ривожланиши. «Классик мактаб» 69
4-§. Конституциявий ҳуқуқ фанининг XX аср биринчи ярмида ривожланиши 72
5-§. Конституциявий ҳуқуқ фанининг XX аср иккинчи ярмида ривожланиши 75
6-§. Ўзбекистонда ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқ фанининг шаклланиши 77

Иккинчи бўлим

КОНСТИТУЦИЯ ҲАҚИДА ТАЪЛИМОТ

IV БОБ. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАЪЛИМОТ АСОСЛАРИ

1-§. Конституциянинг моҳияти ва юридик табиати 82

2-§. Конституциянинг ижтимоий вазифаси ва функциялари . 92
3-§. Конституциянинг бевосита амал қилиши 98
4-§. Конституциянинг таснифи (турлари) 10
5-§. Конституциянинг шакллари ва ички тузилиши 105
6-§. Конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш 112
7-§. Конституцияга риоя этиш ва уни муҳофаза қилиш 117

V Б О Б. ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ТАЖРИБАСИ

1-§. Конституциянинг пайдо бўлиши ва жаҳон конституциявий тараққиётининг асосий босқичлари 124
2-§. Жаҳон конституциявий тажрибаси 126
3-§. Конституциянинг тузилиши 132
4-§. Конституция барқарорлиги ва кафолатлари 134
5-§. Конституциявий назорат 136
6-§. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: умумбашарий ва миллий ҳуқуқий қадриятларнинг бирлиги 139

VI Б О Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва амалга ошиш босқичлари 142
2-§. Конституциявий ислоҳотларнинг зарурлиги 149
3-§. Конституциявий комиссия ва унинг фаолияти 154
4-§. Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ва қабул қилиниши 158
5-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий хусусиятлари 165
6-§. Конституциянинг асосий принциплари 169
7-§. Конституциянинг нормаларини амалга ошириш механизми 178

VII Б О Б. КОНСТИТУЗЦИЯВИЙ НАЗОРАТ

1-§. Конституциявий назорат тушунчаси 184
2-§. Конституциявий назорат объекти ва турлари 188
3-§. Конституциявий назорат идоралари 194
4-§. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ва фаолиятининг асосий йўналишлари 198

VIII Б О Б. КОНСТИТУЦИЯ — ЖАМИЯТ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

1-§. Конституция — ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг маҳсули 203
2-§. Конституция ва миллий мафкура 208
3-§. Конституция ва ўзбек миллий маданияти 214
4-§. Конституция ва ҳуқуқий хулқ-атвор модели 217

Учинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМИНИНГ АСОСЛАРИ

IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТАВСИФИ

1-§. Ўзбекистон Республикаси — суверен демократик давлат . 223
2-§. Ўзбекистон Республикаси — конституциявий давлат . . . 229
3-§. Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими 233
4-§. Ўзбекистон — республика шаклида бошқариладиган давлат 238
5-§. Ўзбекистон Республикаси — дунёвий давлат 241

X БОБ. ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Мустақиллик, давлат суверенитети ва Конституция . . . 250
2-§. Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг Конституцияда мустаҳкамланиши 254
3-§. Халқ ҳокимиятчилиги ва бевосита демократиянинг конституциявий асослари 257
4-§. Ўзбекистон Республикасининг давлат-ҳуқуқий рамзлари 263

XI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШИ

1-§. Ҳокимиятлар бўлиниши принципи, унинг моҳияти . . . 267
2-§. Давлат ҳокимияти шохобчалари ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ҳуқуқий механизми 275

XII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУВОРЛИГИ

1-§. Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи, унинг моҳияти 284
2-§. Қонунни амалга ошириш механизми 287
3-§. Ўзбекистон Республикасида конституция ва қонуннинг устунлиги принципини амалга ошириш кафолатлари 292

XIII БОБ. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини шакллантириш принциплари 298
2-§. Мулк шакллари ва уларнинг конституциявий-ҳуқуқий ҳолати 306
3-§. Сиёсий плюрализм ва кўппартиявийлик 311

XIV Б О Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Ўзбекистон Республикаси ва жаҳон ҳамжамияти 317
2-§. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларининг конституциявий асослари 320
3-§. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари 321
4-§. Ўзбекистон Республикаси ва халқаро ташкилотлар 328

Тўртинчи бўлим

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

XV Б О Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАХС ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИНГ АСОСЛАРИ

1-§. Конституция, инсон ҳуқуқлари ва қонунчилик 334
2-§. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик ва тенг ҳуқуқлилик 338

XVI Б О Б. ДАВЛАТ ВА ШАХС МУНОСАБАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари . 345
2-§. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари 348
3-§. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликлари 356
4-§. Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари 363

XVII Б О Б. ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

1-§. Фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларининг ўзаро боғлиқлиги . . . 370
2-§. Фуқаролар конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши 374
3-§. Фуқароларнинг конституциявий бурчлари 380

Бешинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМИЯТ ВА ШАХС МУНОСАБАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

XVIII Б О Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Фуқаролик жамияти ва унинг конституциявий замини . 388
2-§. Фуқаролик жамиятининг таркибий тузилмалари 397
3-§. Жамоат бирлашмаларининг конституциявий мақоми . . 400
4-§. Жамоат бирлашмалари ва давлат органларининг ўзаро муносабатлари 411

5-§. Оила, мактаб ва жамият 417
6-§. Оммавий ахборот воситалари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми 424

Олтинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ВА МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

XIX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ-ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ

1-§. Давлат тузилишининг шакли 434
2-§. Давлат тузилиши шакллари 437
3-§. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши 442
4-§. Ўзбекистон Республикасининг давлат шакли. Ўзбекистон — унитар давлат 445
5-§. Қорақалпоғистон Республикасининг конституциявий мақоми 448

Еттинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

XX БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТИЗИМИ

1-§. Давлат ҳокимияти органларининг моҳияти 454
2-§. Давлат аппаратининг белгилари ва хусусиятлари 457
3-§. Ўзбекистон Республикасида давлат органларининг тизими ва вазифалари 459
4-§. Ўзбекистон Республикасида давлат органларининг турлари 466
5-§. Ўзбекистон Республикасида давлат органларини тузиш ва улар фаолиятининг принциплари 469

XXI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ВА РЕФЕРЕНДУМ

1-§. Сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими 478
2-§. Сайлов ҳуқуқининг конституциявий асослари 482
3-§. Ўзбекистон Республикасида сайлов ўтказиш принциплари 484
4-§. Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилиги 485
5-§. Ўзбекистон сайлов тизимида фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари 491
6-§. Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази 494

7-§. Ўзбекистон Республикасида референдум ва уни ўтказиш тартиби 498
8-§. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси ва у тўғрисидаги қонун 502

XXII Б О Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§. Депутат ва унинг ҳуқуқий мақоми 507
2-§. Депутатлик фаолиятининг шакллари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари 514
3-§. Депутатлик фаолиятининг асосий кафолатлари 519
4-§. Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш асослари ва тартиби 521

XXIII Б О Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ

1-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — давлат ҳокимиятининг олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органи 524
2-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг конституциявий ваколатлари 527
3-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг шакллари 531
4-§. Олий Мажлис ва партия фракциялари ҳамда депутатлар блокларининг фаолияти 535
5-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ва Раис ўринбосарларининг конституциявий мақоми ва ваколатлари 536
6-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ва унинг ваколатлари 538
7-§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари 539
8-§. Қонун чиқариш жараёни ва унинг босқичлари 546
9-§. Ўзбекистон Республикасида парламент ислоҳотларининг зарурати 557

XXIV Б О Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

1-§. Ўзбекистонда президентлик лавозимининг таъсис этилиши 561
2-§. Президентлик институтининг хусусиятлари 563
3-§. Президентлик моделлари 564
4-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти — давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи 565
5-§. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тартиби 568
6-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шахсий дахлсизлиги 571
7-§. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари 572
8-§. Ўзбекистон Республикаси Президенти чиқарадиган ҳуқуқий ҳужжатлар 583

XXV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

1-§. Ижроия ҳокимиятининг умумий тавсифи 585
2-§. Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати 587
3-§. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва фаолияти тартиби 589
4-§. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан муносабати 593
5-§. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари 597
6-§. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси чиқарадиган ҳужжатлар 599

XXVI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва унинг тизими 602
2-§. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари ва ваколатлари 606
3-§. Маҳаллий ҳокимият органлари ташкилий фаолиятининг шакллари ва актлари 610
4-§. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиш тартиби ва ваколатлари 614
5-§. Маҳалла — миллий демократик институт 620
6-§. Маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби 625

XXVII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ва унинг тизими 628
2-§. Ўзбекистон Республикасида одил судловнинг конституциявий принциплари 634
3-§. Судьяларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми 640
4-§. Суд-ҳуқуқий ислоҳоти 647

XXVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

1-§. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси — қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилувчи орган 656
2-§. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тизими 659
3-§. Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг ваколатлари 664
4-§. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси фаолиятининг асосий йўналишлари 666

XXIX Б О Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИКНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Ўзбекистон Республикаси мудофаасининг конституциявий асослари ва уни ташкил этиш 670
2-§. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил этилиши, тузилиши ва вазифалари 675
3-§. Ўзбекистон фуқароларининг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги бурчлари 679

XXX Б О Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ

1-§. Конституцияга ўзгартириш киритиш тушунчаси 686
2-§. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш тартиби 689

Иловалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 694
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши 725
3. Конституцияни ўрганиш бўйича тест саволлари 727

У. ТАДЖИХАНОВ,
Х. ОДИЛҚОРИЕВ, А. САИДОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИ

Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент—2001

Муҳаррирлар—*С. Раззоқов, И. Ҳувайтов, Т. Қурбонов*
Нашриёт муҳаррири — *А. Аҳмедов*
Бадиий муҳаррир — *А. Мусаходжаев*
Рассом — *К. Акчулаков*
Техник муҳаррир — *Д. Габдрахманова*
Мусаҳҳиҳлар *Н. Мухамедиева, Ш. Хуррамова*

Теришга берилди 22.10.2001. Босишга рухсат этилди 25.12.2001. Бичими 84x108$^{1}/_{32}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 39,5. Нашриёт-ҳисоб табоғи 42,6. Адади 10 000 нусха. Буюртма №2632.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41**

Т — 13

Таджиханов У. ва бошқ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик / У. Таджиханов, Х. Одилқориев, А. Саидов. Масъул муҳаррир акад. Ш. З. Ўразаев. — Т.: Шарқ, 2001. — 752 бет.

Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Академия.

ББК 67.99(2Ў)